

АСКАД

---

МУХТОР



---

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

829.512.133

14.1

M 93 2021/18-15

Таманан асариф

Асариф Мухтар

000 210400203 25.05.21

000 210400203 26.05.21

27.05.21

28

2021/18-15





821.512.133  
М 93  
Ж 1

# Асқад Мухтор

*Танланган асарлар*

*Биринчи жилд*



Тошкент-2020

ЎЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5Ў)

Ўзбек адабиёти,  
Насрий асарлар

М 93

### Мухтор, Асқад

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР: 2 жилдлик. 1 жилд. Чинор: Роман;  
Бухоронинг жинкўчалари: Қисса. / Тузувчи И. Мухторов. – Тошкент:  
«Baktria Press», 2020. – 512 б.

Ўзбекистон халқ ёзувчи Асқад Мухторнинг танланган асарлари биринчи жилдига адибнинг «Чинор» ва «Бухоронинг жинкўчалари» каби насрий асарлари киритилди. Ушбу асарларда Асқад Мухтор халқимизнинг босиб ўтган тарихий ўтмишини, унинг аниқ лавҳаларини тасвирлайди.


«Чинор» асари бир ўзбек оиласи ҳақида. Бу оила катта, қадимий, маданий, меҳнаткаш ва шу маънода «тагли-зотли». Унинг ҳар бир аъзоси халқ ҳаётида маълум бир масъулиятли юкни ўз зиммасига олган. Жонажон тупроққа чуқур томир ёйган, бақувват ва қадимий Чинор мангулик рамзи, халқимиз рамзидир.

«Бухоронинг жинкўчалари» – машҳур давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг ўсмирлик йиллари ҳақида. Бинобарин, ундаги воқеалар XX асрнинг бошида кечади. Лекин авторни кўпроқ ҳозирги замон муаммоларига ҳамоҳанг масалалар қизиқтиради. Бу муаммолар асосан ёшлар тарбиясига алоқадор: ижтимоий эътиқод, ҳаётда мурод-ниятлилик, катта мақсадлар йўлида шахсий манфаатлардан кеча билиш, шахс маънавияти, эл-юрт меҳри, унинг табиий замини ва етилиш шартлари каби масалалардир.

ЎЎК 821.512.133-31  
КБК 84(5Ў)

ISBN: 978-9943-6239-1-0

© Асқад Мухтор, 2020  
© «Baktria Press», 2020





Чинор (роман) •5  
Бухоронинг жинкўчалари (қисса) •367



## ЧИНОР

Тоғ бағридаги хув ўша булут – булут эмас, чинор. Дарвоқе, тоғнинг ўзи ҳам, қишлоқ ҳам унинг номи билан: Чинортоғ, Чинорқишлоқ деб аталади. Бизнинг Очил бува шу ерда туғилган. Мен гапни туғри шу кишидан бошламоқчи эдим, лекин бу жойларда чинорсиз ҳеч нарсани тушунтириб бўлмайди. Ҳатто гузар, ундаги катта, гавжум чойхона ҳақида гап кетганда ҳам, «Чинорда чақчақлашиб келдик», «Чинорга бориб бир ош қилайлик», дейишади. Бутун қишлоқ шу чинорнинг соясига жойлашган.

Очил бува бугун чинор билан хайрлашмоқда. Бутунлай эмас, албатта. Вақтинча. У сафар олдидан, ҳар гал шундай қилади, тирик одам билан хайрлашгандай узоқ тикилиб, пичирлашиб хайрлашади.

Ҳали оппоқ тонг. Нур уйғотган қушча товушининг илк кумуш ҳалқачалари осмонга ўрлаб кетди. Ним шабадада яшил булутнинг ҳар жой-ҳар жойи совундай кўпириб, азим чинорнинг сирли бағридан чиқиб келган сокин ва қудратли шовуллаш оламни тутди. Қулоқ солмаганга бу товуш эшитилмайди ҳам, лекин Очил бува учун ҳозир тонг ҳам гўё мана шу шовуллашдангина иборат эди. У гузардаги катта оқ тош супада тикка турибди. Ана шу тоғ қишлоғида бундай қоятош сероб, улар йўлкаларда зинапоя, ариқларда кўприк, чашмаларда босма, чойхоналарда супа вазифасини ўтайди. Чинор

ҳам ана шундай қоятошдан ўсиб чиққану, лекин унинг томирлари тош остидаги она тупроқ бағрида Чинортоғнинг илдизлари билан тутшиб кетган, дейишади.

Ҳали оппоқ тонг. Гузарда ҳам, қишлоқ кўчаларида ҳам бир кимса йўқ. Фақат Очил бува билан чинор юзма-юз туришибди.

Очил бувага у доим тирикдай, қадрдон суҳбатдошдай туюлади. Доно суҳбатдош. Ёши аллақачон мингдан ошиб кетган. Минг йил! Унинг навнихол пайтини кўз олдига келтириб бўлмайди. У вақтлар йил саноғи фақат учта рақам билан ифодаланган бўлса керак. Минг йил! Ҳар баҳорда янги либос, янги ҳаёт. Унинг ўн тўққиз қулочли ғўдир танаси ўзининг минглаб қатламлари билан гўё ҳаётнинг мангулигини тасдиқлаб туради. Сон-саноқсиз панжа барглари ҳам бетиним қимирлаб, нурли ҳаводан ризқини териб олаётгандай, юксакликка интилгани-интилган. Очил бува уни доим ёш кўради. Мана ҳозир ҳам оппоқ тонгда, навқирон гуркираб, бутун вужудидан сарин ёшлик барқ уриб турибди. Тарвақайлаб ўсган силлиқ, яшил бутқларидан кўз ўрмалаб тепага чиққан сари танаси сутдай оқариб боради. Гузар устига оғиб турган еттинчи бутоғи ҳали жуда ёш, борган бўлса беш юз-олти юз яшардир, унинг танаси қиз сийнасидай оппоқ, соф. У Очил буванинг йигитлик чоғида ҳам худди шундай эди, ўшанда ҳам унинг кўнглига шу қиёс келган.

Ҳа, чинорга тикилиб Очил бува бутун умрини эслайди. Унга қараб турса кўз олдидан денгиздай бир чексизлик, ям-яшил чексизлик кўринади. Умри чексиздай туюлади. Гўё ўзи ҳам минг йиллардан бери яшаётгандегу яна минг йиллар умр кўрадигандек. Шунда у чор атрофга, бутун табиатга худди хўжайиндай назар ташлайди, тоғлар орқасидаги қора булутлар, узоқда йилт-йилт этган чақмоқлар билан сенлаб гаплашади:

– Қўй энди, тонгни қийнама, тонг отиб олсин!

Узоқ тикилади бува чинорга. Узоқ суҳбат қилади, хайрлашади. Охири кўксидан соқоли сал титраб, товушсиз, кўз ёшсиз йиғлаб юборади. Йўқ, у қаттиқ ғусса чекаётгани йўқ. Чамаси, йиғлаган ҳам унинг ўзи эмас, гўё бошқа биров...

## **РИВОЯТ**

Бу чинорни Очил буванинг узоқ аждодларидан бири вабо йили ўтқазган дейишади, ўшандан бери бу ерларга биронта офат йўламаган экан. Шунинг учун чинорнинг зиёратига атроф-теварақдан ҳар йили тумонат одам келиб кетади. Шундай бўлса ҳам, унинг

ғўдир пўстлоғида пичоқ яраси у ёқда турсин, биронта тирноқ изи ҳам йўқ. Чунки чинорнинг танасига тиг тегса қон тирқирармиш...

Бир йили, у вақтларда Очил бува етмишлардан энди ошган пайт экан, қишлоқнинг қариялари чинорнинг ёшини ҳисоблаб, унинг мингга кирадиган фаслини тахминлаб, эълон қилишибди. Эътиқодга кўра, чинор мингга кирган соати ўздан-ўзи ловиллаб ёниб кетиши керак экан.

Ўшандан кейин Чинорқишлоқда ҳам, унинг атрофларида ҳам неча ҳафтагача таҳлика ҳукм суради. Чинорнинг атрофи, гузар, ҳатто қишлоқ ҳам хувиллаб қолади. Халқ қирга, далага кўчиб чиққан, тоғ этагидаги яшил булутдан кечаю кундуз кўз узмайди. Қариялар тоат-ибодатдан бош кўтармайди, ҳамма кароматли ёнғинни ваҳима билан кутади.

Бу ваҳимали кутишдан толиққан аҳоли оқсоқоллардан аниқ кунни белгилашни талаб қилади. Чоллар узоқ кенгашиб, чинорнинг ўт олиш пайтини аниқ айтишади.

Воқеа сафар ойи иккинчи жумасининг ярим кечаси юз бериши керак эди.

Бу башоратга фақат Очил бува ишонмайди. Чунки болалигида бобосидан эшитган ҳикоялар ҳамон ёдида эди. Чингизхон замонида чор атроф тутун ичида қолиб, далалар, қишлоқлар, боғлар ловиллаб ёнганида ҳам, шу чинорнинг улкан яшил бўрки худди ҳозиргидай гуркираб, «Ҳаёт мангудир, ҳаёт тугамайди!» дегандек, аста шовуллаб тураверган экан.

Йўқ, Очил бува чинорнинг ёниб кетишига ишонмайди. Ё ишонмай, ё ловиллаб ўт оладиган бўлса, қадрдони билан бирга ёниб кетиш ниятида, ўша кечаси ўзи ёлғиз чинор қошига кетади.

Қишлоқ аҳолиси уни шовқин-сурон, йиғи-сиғи, қарғиш, дуо, меҳр-шафқат, лаънат, ҳайрат ва таҳсинлар билан кузатиб қолади. Очил бува Чинорсўқмоқдан аста юриб, тун қоронғилигига сингиб йўқолади.

Сафар ойининг иккинчи жума кечаси бу атрофда ёшу қари тун бўйи бедор, Чинортоғ этагида ҳайбат билан қорайиб турган чинорга узоқдан тикилиб тонг оттиради.

Чинор ёнмайди.

Очил буванинг ўзи бу кеча ҳақида бирон вақт биронта одамга батафсил ҳикоя қилганини ҳеч ким билмайди-ю, лекин халқ орасида у ҳақда эртасигаёқ дув-дув гап тарқалади. У кечаси билан гузардаги ўша тош супада тик туриб, чинорга тикилиб чиққан эмиш. Бир соат, икки соат, ўн соат тикилибди, гўё қисматини кутгандай, кўзларидан ёш тирқираб чиққунча тикилибди.

Чинор ёнмабди.

Чинор ёнмабди-ю, лекин бир дам тилга кириб, худди инсон сингари гапирган эмиш.

– Мен ёниб кетсам, замон охир бўлади! – деганмиш чинор.

Ўшандан буён одамлар унга тикилишади. Лекин чинор охир замонни эмас, мангуликни эслатади одамларга. Юздан ошган чоллар зиёратга келганда: «Ёшлигимда уни қария дейишарди, энди ўзим қарияман, у бўлса ўша-ўша», дейишади. Ҳозир унинг ёшини ҳеч ким билмайди. Унинг ёшини санаш гуноҳ ҳам ҳисобланади.

Бу воқеа атрофидаги гаплардан яна бири шуки, чинорнинг гапирганини эшитган одамнинг умри боқий бўлармиш.

*Бу гапнинг қанчаси ривоят, қанчаси ҳақиқат – билмайман, лекин Очил бува ҳамон ҳаёт, бу йил қовун пишиғида тўқсон тўртга киради, ҳали чинордай бақувват. Унга қараб турсангиз чинорнинг гапирганига ҳам ишонгингиз келади. Чинор билан ёлғиз рўбарў қолиб, астойдил ихлос билан қулоқ солсангиз, сиз ҳам унинг асрий ҳаёлларини эшитгандай бўласиз. У замонлар ҳақида, ҳаётнинг кучи, заволсизлиги ҳақида гапиреди. Ўйга толсангиз, унинг сокин шовуллашида инсон товушини илғагандай бўласиз. «Наҳотки, наҳотки менинг ҳам умрим...» деб пичирлаганингизни билмай қоласиз. Ўз товушингизни эшитиб ҳушёр тортасизу жилмайиб қўясиз. Чинор ҳамон шовуллайди.*

*Йўқ, чинорнинг гапирганига бирдан-бир гувоҳ ҳозирча Очил бува. Бунинг ривоятлигини ҳам ҳамма билади, ҳақиқатлигига ҳам ҳеч ким шак келтиролмайдди. Юқорида айтганимдек, чинор ҳақида гапирмай туриб, Очил буванинг таърифига киришиш ҳам қийин. Чунки бу гапларни билмаган одам ҳам, Очил бувани кўрса, албатта бир азим куч эсига тушиб: «Чинордай одам экан!» деб, бир карра ҳайрат бармоғини тишламоғи бор.*

*... Очил бува ўртанча ўғли бригадир Толибжон билан бирга ҳовли тўридаги алоҳида хонада истиқомат қиларди. Ирғай таёғини тўқиллатиб гузардан қайтиб келса, ҳовлида машина тайёр турган экан. Толибжон ҳам ували-жували, хотин, бола-чақаси билан чиқиб бобони кузатгани отланган эди. Бобо шофёр боланинг саломига алик олди-да, айвонга чаққон чиқиб, қозиқдаги сафар чакмонини билагига солди. Кейин келинининг, невараларининг пешаналаридан бир-бир ўпди.*

– Азимжон, кун тиғига қолмай йўлга чиқиб олайлик! – деди Очил бува машина томон юриб. Ичкаридан ҳали оҳори тўқилмаган янги

беқасам тўн кийган, жуссаси кичик, муллаваччага ўхшаш ранги синиққина бир йигит иккита тугун кўтариб чиқди. Азимжон шу эди. Очил бувага қараганда у бошқа бир олам: ғарчли ялтироқ этик, ипак кўйлак... ҳаммаси бежирим, ҳаммаси нафис, тахи бузилмаган. Айниқса, беқасам билан чувт дўппини энди кийганга ўхшайди, худди омонатдай эҳтиёт қиларди. Очил бува унинг олдида тоғдек. Чанг кўнса билинмайдиган кум ранг кўн этикнинг брезент кўнжи бақувват болдирида юмшоққина йиғилиб турибди. Узун оқякак устидан пастгина, бўшгина боғлаган қийиқлар белнинг қадимий навқирон кучини ардоқлаётгандек. Бобонинг кексалиги фақат катак-катак чармдек пишиқ кўксини тўлдириб турган қордай оқ тўрва соқолидангина билинар эди. Очил бува ўткир қора кўзли, серқош, чиройли йигит бўлган. Унинг йигитлик кўрки ҳозир ҳам мўйловининг бир учи билангина жилмайишидами, сал чўккан кўзларининг йилтирашидами, қирғиз қалпоқни қияроқ, кўндиришидами – нимасидадир сақланиб қолган.

Улар тугунларни жойлаб, очиқ машинанинг икки ён курсисига чиқиб ўтиришди.

– Акамни сўраб кўйинг, бува! – деб қичқириб қолди Толибжон чуғур-чуғур болаларини кўлтиғига олиб.

Биз-чи, азизларим, биз қаерга ўтирамыз? Биз ҳам боришимиз керак-ку, Очил бувадан гап очган эканмиз, у билан йўлга чиқишимиз зарур. Бу унинг умр йўли десак, катта кетган бўлармиз, йўқ, бу унинг ҳар йилги оддий сафари. Лекин бу сафарда ҳам у мана шу она-ерга, ҳалиги азим чинордай томир ёйган катта оиласининг бир қисмини айланиб, жигарбандларининг ҳолидан хабар олиб, оталик бурчини ўтаб қайтади. Не-не одамлар, воқеалар, тақдирлар...

Қизиқми? Қизиқ, деганлар юраверсин.

Кетдик.

Сиз билан бизга жой ҳам зарур эмас. Четдан кузатиб кетаверамиз.

Машина ҳадемай асфалтга чиқиб олди. Ҳали кўёш уфқда, йўллар шабнамдан қорайиб, узоқларга чорлаб турибди. Довонлар, қирлар ошиб ўқдай учаркан, Очил бува узоқ тоғ этагида ғуж бўлиб турган чинор қорасидан кўз олмас эди. Азимжон эса уфққача қизариб ётган какра гулининг тунги уйқудан бош кўтаришини биринчи кўриши. Бу чексиз гиламнинг ловиллашидан кўзи толгандагина, бобосига қараб гап қотади.

– Қайси йўлдан юрамиз, бобо?

Узоқда олтинланган бугдойзорлар, пахта далаларини шартта кесиб уфққа санчилган йўллар ялтирар, яйловларда илон изи сўқмоқлар чувалашиб ётар эди.

– Бу йўлларнинг қайси биридан юрсанг ҳам биронта жигарбандингга дуч келсан, болам, – деди Очил бува олис-олисларни кўзи билан биратўла илғамоқчидай узоқларга қараб. Хўрсиндимми, дала ҳавосидан ўпкасини тўлатиб нафас олдимми, соқол энлаган кўкси қалқиб кетди. Очил бува болалари-ю невараларидан бир юз ўттиз еттитасини билади. Ундан нарисининг – эвара-чевараларининг ҳисобига етолган эмас. Бу оила бутун ўлка бўйлаб ёйилган. Мана бу қадрдон она тупроқнинг ҳар қаричига илдиз отган бу авлод. Бир ерига бир найза санчсанг, шуларнинг томирига тегади. Каттакон бир эл. Лекин бобо учун эса оддий оила. «Болаларим», дейди.

Азимжон қирқларга бориб қолган бўлса ҳам, Очил бува унга «болам» деганида ярашиб туради.

- Ҳозир Ориф тоғамникига борамизми?
- Ориф тоғангеникига борамиз, болам.
- Ориф тоғам каттамилар, менинг ойимми, бобо?
- Сенинг онанг катта эди, болам.

Бир ҳафтадан бери саволга тутаётган Азимжонга у қариндошларининг кўплари ҳақида гапириб берди. Орифжон тоғаси ҳақида ҳам ҳикоя қилди. Лекин ҳаммасини гапириб тугатиб бўладими? Қайси бирини айтсин? Буларнинг ҳаммасини гапириб беришдан, битта-битта бориб кўриш осон. Бунинг устига, бобосининг ҳикояларига Азимжон унча тушунқирамаяпти ҳам шекилли. Уруғини замон шамоли учириб, бегона юртда униб чиққан бу заиф ниҳол бобонинг денгиз довулидай шиддатли ва гўзал ҳикояларини кўтаролмади чоғи, охири ишонмай кўйгани билиниб қолди. Шунинг учун Очил бува уни ўзи билан сафарга олиб чиқишга қарор қилди.

Азимжон бегона юртда туғилиб катта бўлган. Ота юртимда қавм-қариндошу авлод-аждодимиз тамом қирилиб кетган, деган фикрда экан. Дафъатан бутун бир эл, юзлаб жигарбанди, бу тупроқ, бу манзара, бу тарих, бу афсоналару бу воқеалар – барчаси ўзиники эканини ҳали ақлига сиғдирилганича йўқ.

Азимжон ўзи бадавлат корчалон. Йигит ёшидан буён қоракўл бўйича ноёб мутахассис. Туғилган юртидаги катта қоракўл фирмасида салмоқдоргина ота мерос улуши бор экан. Эсини таниб-дики, боболар юртига бир зиёрат қилишни орзу қиларди, мана, Ленинград аукционни баҳона бўлиб келиб қолди. Аввал халқаро аукционда машҳур бир фирманинг эксперти тўсатдан йўқолиб қолиб, анчагина тўполон бўлди. Кейин, Азимжон бобосини топгандан сўнг, қаердалигини ва бу ўлкада бир фурсат қолажагини билдириб, ғавғони тинчитди. Мана, бир ҳафтадирки, у буваси билан бирга. Ота-бобо расмига ҳавас қилиб, ғарчли этик, шойи қийиқ, беқасам тўн,

чуст дўппи олиб кийди. Буларни олиб ҳам кетмоқчи. У ерда европача кийинадиган бойвачча улфатлари кўриб ҳайратда қолишлари турган гап...

Азимжон ўзича жилмайиб қўйди. Оҳ-ҳо, уларни ҳайратда қолдирадиган анвойи гаплар кўп ҳали. Бобо-чи? Чинор-чи?

– Бобо, чинорнинг гапирганини эшитганингиз ростми?

Бу вақт улар Қорақарға деган довондан ошиб, кўз илғамас кенг, текис яйловга чиқдилар. Найзага келган офтоб машинанинг олдинги ойнасида чарақлаб, кўзни олади, рўпарадан эсган иссиқ шабада юзларни ялайди. Бу – улуг саҳронинг этаги эди, уфқлар сарғиш, гармсел ҳам ўшаники. Яйловда подалар ёйилган, йўл четида чор бурчак қилиб қирқилган, супадек-супадек мармарлар юмалаб ётибди. Кон яқин, самосваллар бузилиб, юкни ташлаб кетган шекилли.

Иссиқданми, камхўракликданми – подалар жуда суст жилар, моллар ўтлашдан ҳам кўра бир-бирларига биқиниш, суяниш пайдан эдилар. Очил бува қошини чимирганча ўй сурди-да, машинани тўхтатиб, харсанг соясида бир-бирларининг пинжига биқиниб суяниб турган икки кўйнинг олдига борди. Чўп билан жунларини ағдариб, титкилаб кўрди. Қичқириб чўпонни чақирди. Нарироқдаги ўтовдан овоз келмагач, шофёрга имо қилди, шофёр устма-уст босиб узоқ сигнал берди. Ўтовдан бола кўтариб чиққан чўпон у ёқ бу ёққа шошиб аланглади-да, машинани кўргач, йўл томон юрди. Бу жувозкунда сингари тўлабир, норғул йигит эди.

– Қўйга оқсил тушибди-ку, бола, нима қилиб ўтирибсан? – деди Очил бува.

Чўпон довдираб, тутулиб қолди, оқаринқираб кетди. Нима дейишини билмай, қўлидаги чақалоқни кўрсатди.

– Бунинг олдидан кетолмай қолдим, ота, тоби йўқ.

Очил бува боланинг қовоғини, оғзини очтириб боқди.

– Буну келинга олиб кириб бер, кабоб қилиб, икки қошиқ селидан ичирсин. Ўзинг машинага чиқ.

Чўпон болани олиб кириб, хотинига берди-да, югуриб келиб машинага чиқди.

Очил бува кета-кетгунча унга тайинлаб борди: дарров карантин эълон қилиш, йўлларга дориланган қипиқ солиб, постлар қўйиш, кўплаб ветеринар олиб келиб, саратонга қолдирмай офатни бартараф қилиш... Гирдиғум йигитнинг кўзлари борган сари катта очилар эди. У аҳволнинг жиддийлигини энди тушунди шекилли, кўтон олдида машинадан тушаркан:

– Хўп бўлади, Очил бува, хўп бўлади, Очил бува, – деб тинмай тақрорларди.

– Қимизинг борми?

Йигит югуриб бориб қўтон орқасидаги ўтовларнинг бирдан мешда қимиз олиб келди. Очил бува, Азимжон, шофёр навбатлашиб икки косадан шимирдилар. Бобо йўл четидаги оқ қуврай гулини узиб чаккасига қистирди-да, жойига чиқиб ўтирди.

– Ҳой бола, қайси жой бу? – деб сўради у машина жилгач. Меш қўлтиқлаган чўпон совхозининг номини атаб қичқирганча тўзон ичида қолди. Улар посёлка ёнидан бурилиб, узоқда саробдай кўринган ясси тоғлар сари йўл олдилар.

Табиат сокин, уфқ жимирлайди, тиккада тинмай чулдираган тўрғай товуши жазирамани сал кесгандай бўлади.

– Чўпон ҳам бўлганмисиз, бобо? – яна ингичка овози эшитилди Азимжоннинг.

– Ҳа, чорва ҳам боққанмиз, пахта ҳам экканмиз, қилич ҳам чопганмиз, болам.

– Чинорнинг гапирганини...

– Ҳа, эл оғзидан эшитган бўлсанг, униси ҳам рост бўлса бордир... Мана, ернинг ҳам нафасини, юрак уришини эшитса бўлади.

– Эшитилмайди-ку?

– Гўдакмиз-да, гўдакмиз. Гўдак она сийнасига ёпишиб эмишни биледи, унинг нафас олиши-ю, юрак уриши билан иши йўқ...

– Сиз ҳам гўдакмисиз, бобо? – кулиб сўради Азимжон.

– Ҳа, мен ҳам гўдакман. Мана бу яйловларда яланг оёқ шабнам тўкиб юргим келади. Майсаларда чақалоқдай юмалагим келади. Қурбим келса ер юзидаги жамики йўлларни яёв кезиб чиқардим. Капалакнинг қанотига ёки бирон оддий баргга узоқ тикилиб қараганмисан? Гулни ҳидидан танийсанми? Узумнинг хилларини санаганмисан? Ҳаммасини кўриб тўйиш, ҳаммаси билан... хайрлашиш керак.

Бобо жим қолди, Азимжон билан шофёр бола ҳам анчагача индамай юрдилар. Бобо давом этди:

– Агар мен ёзувчи бўлсам, бутун умримни биттагина китоб ёзишга сарфлардим.

(Мана буниси энди, азизларим, менга тегишли. Бутун умрни битта китобга сарфлаш? Бу қанақа китоб экан?)

– У қандай китоб, бобо?

– Хайрлашув китоби. Табиат билан, унинг хусни, кўрки, улғуворлиги билан, барглар, гуллар, тўрғайлар, чашмалар, юлдузлар, саҳролар, жамики гўзалликлар билан тўйиб, хўрсиниб, йиғлаб хайрлашув китоби. Шундай китоб йўқ, болам. Шундай китобни ёзган одам беармон кетарди...



Очил буванинг гапи менга ҳам таъсир қилди, азизларим. Лекин мен аввало Кўришуев, Танишуев китобларини ёзардим. Чунки санъаткор табиатнинг мўъжизалари билан кўришмай, танишмай ўтиб кетаётган одамлар ҳам кўп.

Азимжон оддий жазирама чўлларни, кўз қамаштирадиган осмон гумбазини энди кўраётгандай, эс-хуши теварак-атрофда, йўл бўйида лип-лип ўтаётган така соқол кўнғироқларини ушлаб кўргиси келар, ёвшан тағларидан учган булдуруқларни кўзи билан узоқларга қадар кузатиб қолар эди.

Улар яна уч соат йўл юрдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрдилар. Бу чексиз кенгликларда чўпонлар ташлаб кетган эски хужраларнинг гувала деворларидан ўзга ҳаёт асари кўринмас эди. Уч соатдан бери бирон кимса дуч келгани йўқ.

Кечга яқин улар яйлов тугаб саҳро бошланадиган ерга етиб келдилар, сарғиш барханлар, чиройли гуллаган саксовул буталари кўринди. Ботаётган қуёш нурида узоқдан бир нима олтиндай чарақлади. Бу ҳайкал эди. Бронзадан бюст. У асфальт йўл тугаб, дашт-биёбонга сон-саноқсиз карвон йўллари, чўпон сўқмоқлари кириб кетадиган жойда, кичкинагина, чанқоқ гулзор ўртасида, йўнилган харсанг устида турибди.

Чўққи соқолли, кекса одам. Кечки офтобда нурланиб турган юзининг чуқур ажинлари бу биёбонларнинг қадимий фожиаларидан, узоқ заҳматкаш умр ва ажойиб ғолибона тақдирдан дарак берарди. Кекса чўпон бу саҳроларни тиз чўқтирган баҳодирдай қисиқ кўзларини уфқларга тикиб турарди.

Азимжон баҳайбат харсанг атрофини айланиб, ҳайкалга узоқ тикилди, Олтин Юлдузга бармоқларини теккизиб кўрди. Ҳайкал қаршисигача атайлаб келган тикка асфальт йўлга, кимсасиз бўшлиқларга, денгиз уфқидай узоқ, шафақдан товланган уфққа тикилди. Кейин кекса чўпоннинг олтин чеҳрасига яна разм солди.

– Жабай?! Бува, Жабай эмасми?

У қаҳрамоннинг портретини Ленинград аукциониди кўрган эди.

– Ҳа, отанг раҳматликнинг ҳалокатли хатосини тузатган Жабай шу, – деди Очил бува тошга ўтириб. У Жабайга тикилди, лекин кўз ўнгига бошқа қиёфалар, таҳликали замонлар келди.

Салқин тушди, сўлғин гулзорга жон кирди, чигирткалар чириллай бошлади. Бундай оқшом ўй ўйлатади.

## ҲИКОЯТ

Туш пайти. Шабада ўтовнинг керагаларини аста ғирчиллатади, саратон яйловининг бошни айлантирадиган эпкинини олиб келади. Атроф тинч, чўпонлар қуёш тиғидан қочиб, мизғигани кириб кетишган. Бозоркул бундай пайтларда бош эгиб хомуш ўтирарди, бугун эса серғайрат, жонсарак. Шабада келтирган қувроқ пичан ҳидидан, аллақандай ёввойи гуллар ҳидидан боши айланиб, тўлғаниб турибди. Бугун Онабиби шу ерда.

Ана у ўтов соясида ивирсиб юрибди, гоҳо қадам товуши, гоҳо куви пишгани эшитилади. Бозоркул эшикка келиб ташқарига қулоқ солди, Онабибини кўз олдига келтирди: у анордек тикмачок, дуркунгина, оташ...

Эшик пардасига яқинлашишини пойлаб туриб, билагидан маҳкам ушлади, ичкарига тортди. Онабибининг таранг кўкракларини қизил бўз кўйлак ичида диркиллаб кетди, ундан пишлоқ ҳиди келарди.

– Вой, у нимаси... Куппа-кундузи... – деди у Бозоркулнинг сержун кўкрагига панжасини тираб. Бозоркул пардани қия очиб, у ёқ-бу ёққа қаради.

– Ўғридай аланглайсиз-а... – пиқ этиб кулиб юборди Онабиби.

– Онабиби...

– Ўғриликка ўрганган бўлманг тагин яйловда юриб... – эркаланиб, бўшашиб шивирлади Онабиби.

Йигит уни бағрига тортди. «Нега яланг оёқ юрибсан?» деб қулоғига пичирлади. Онабиби жавоб бермади. Чўпоннинг мурти қаттиқ ботган эди томоғига...

Онабиби Бозоркулни севиб теккан. Эри ҳар замонда Чинорқишлоққа тушиб туради-ю, лекин Онабиби югуриб яйловга келгани келган. Подачининг ҳалим гўжасидан семириб, икки юзи лўппи, лас камзул устидан зебигардон, қўлтиқ тумор тақиб юрарди, бекорчиликда ўсма тортиб, хол кўндиради. Бу ерда бир оз ноқулай албатта, нуқул ёш – ялангнинг кўз ўнгида, бир дам ёлғиз қолишлари ҳам маҳол. Аммо шундай бўлса ҳам, шу ер яхши. Онабиби билади – Бозоркулга ҳам шу яхши. Улар бир-бирларини кўрмасалар дарров сўлиб қоладилар.

– Бозоркул... ёмон йигит экансиз, – деган шивирлаш эшитиларди ўтовда.

Бозоркул ёмон йигит эмас. Яйловда ўсган бўз бола, кенг яғринли, ҳаётга ўч. Қарши бегининг билимдон гумаштаси раҳматлик Омонкул-фарангнинг битта-ю битта ўғли эди у. Омонкул-фаранг уни қоракўлчи бой қилолмай ўлиб кетди. Нияти жуда катта эди.

«Бухоронинг қоракўли Фарангистонда нақд тилла, – дерди у ўғлига, – бунақаси ҳеч қайси юртда йўқ, оламда қоракўл бозорининг киндиги ўзимизда, билиб қўй, қоракўлчи бой бўлмасанг ризо эмасман!» Омонқул-фаранг бекнинг моли билан Европага қатнар, ҳатто бир марта амирнинг карвони билан Парижга ҳам борган эди.

Бозорқулнинг онаси жуда чиройли хотин эди, тўй-ҳашамда таван боши бўлиб юриб ўлиб кетди. Бозорқул йиғлаб-сиқтамади ҳам, у отасини яхши кўрарди. Отаси ҳавасманд киши эди, буни ҳам ҳавасманд қилиб ўстирди. Ҳозир у етим бўлса ҳам, шу ёшида бекнинг тўққиз сурувига бош чўпон, қоракўлчи бой бўлиш учун бундан қулай бўсаға борми?

– Ниятимга етаман, мана бу тўполонлар ўтиб олсин-чи... – дерди у Онабибига.

Лекин «тўполонлар» уч йилдан буён давом этипти, ўтиб кетадиганга ўхшамайди; замона қалқиб турибди, бек тугул, амирнинг ўзи ҳам кутқуда эмиш. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишлар, бекнинг яйловларидан гоҳида от чоптириб қизил аскарлар ўтиб қолади.

– Менга ҳеч нима керакмас, ўзингиз омон бўлсангиз бас, – дерди Онабиби унинг тикандек мўйловига бармоқларини қадаб. Бармоғидан доим пишлоқ ҳиди келарди.

Онабиби яйловга бир кунга деб келарди-ю, Бозорқул оқшомда ўтов остонасидан кириб, хуржунини елкасидан ташламасданоқ, бўйнига осилиб: «Чинорқишлоққа эртага ҳам кетмасам майлими?» деб эркаланарди, Бозор бўлса бу гапга: «Сен яйловда ширинроқсан», деб ҳазиллашиб қўя қоларди. Шу билан Онабиби яна бир-икки кун қолиб кетарди.

Лекин бугун...

Бугун Онабиби «Эртага ҳам кетмасам майлими?» деб эркаланганида Бозорқул ҳазиллашмади, ўзидан хавотир олгандай, ғалати бир ваҳима билан бағрига босди-да:

– Онаби... сен кетма, сира кетма! Уқдингми? – деди.

Бу эҳтирос эмас, бу қўрқув эди. Онабиби пайқади: йигит ўз севгисининг мустаҳкамлигига ишончи комил эмасдек, севгилисини кимдир, нимадир тортиб олаётгандек қўрқувда эди. У бир неча кун шу ҳолатда юрди. Онабиби эркаланиб ҳам, ноз қилиб ҳам кўради, ҳазил бошлайди, қувноқ, кулги билан оувтмоқчи бўлади. Лекин Бозорқул ўша-ўша. Унда сирли бир ўзгариш бор. Кечалари совуқ терга ботиб, ухламай чиқади, камгап бўлиб қолди. Хотини қишлоққа қайтишни ўйламай ҳам қўйган, лекин у ҳар замонда: «Сен кетма, сен кета кўрма!» дерди негадир севгилисининг юзига қарай олмай.

Сўнги марта Онабиби унинг товуши қалтираб кетганини сезди.  
– Бозоркул ака, нима бўлди? – деди кўзига тикилиб.

Шу вақтгача қиз боладек шўх, эрка Онабиби Бозоркулнинг олдида биринчи марта шундай жиддий қиёфада турарди. Бозоркул чиркин хаёл билан қўлга тушгандек, оқаринқираб кетди.

– Ҳеч гап йўқ... Ҳеч.. Ҳеч... ҳеч нима бўлгани йўқ, – деди у тутилиб. – Бегимиз сурувларини Кўҳиқофнинг нариги томонига ҳайдамоқчи.

– Ҳа, нима бўпти?

– Ҳеч нима.

Улар узоқ жим қолдилар. Онабиби кувиси билан овора бўлади, лекин иши юришмайди.

– Кўҳиқофнинг у ёғида нима бор экан?

– У томонда... у ёғи бегона юрт.

– Ҳа-а... Хўш, нима бўпти?

– Ҳеч нима.

Онабиби бундан ҳеч хавотир оладиган нарса топмайди-ю, лекин яна қўли ишга бормайди, кўнглидан ваҳима аримайди.

– Гапирсангиз-чи! – дейди у тоқати тоқ бўлгач, бақириб.

– Нимани гапирай?..

– Нимани ўйлаясиз? Сизга нима? Ҳайдатса ҳайдатаверсин!.. Бегингиз ўзига бек.

– Чўпон-чўлиқ саралаяпти.

– Ким?

– Бек-да.

– Ҳа, нима бўпти?

– Ҳеч нима...

Онабиби шундагина бу «ҳеч нима»да гап кўп эканлигини бирдан пайқади. Қўлидаги коптокдек пишлоқни бўйрага юмалатиб, эрининг олдида борди.

– Сиз...

– Бек ўзи саралаб оляпти. Етмиш киши керак экан.

– Бу қанча қўй бўлади?

– Ҳозирча эллик сурув... Бола-чақасиз, бақувват одамларни танлаб оляпти.

– Шунга нима бўпти?

– Ҳеч нима.

– Боринг-э, «ҳеч нима, ҳеч нима» деяверасизми! – жаҳл билан қўл силтаб ўтовга кириб кетди Онабиби. Унинг эрига биринчи марта шундай дағал гапириши эди. Бозоркул керагага суяниб ўтирганча ер чизиб қолди.

...Бу ҳаяжонлардан чарчаган Онабиби қаттиқ уйқуга кетган экан, ёнида бедор тўлғаниб ётган эри саҳарда уйғотди:

– Онаби... Онаби... Чўпонга юз совлиқ, чўлиққа қирқ совлиқ ваъда қиляпти бек.

– А? Нимага?

– Ўша ёққа ҳайдаб борганга-да.

Онабиби эрига азоб бераётган жумбоққа тамом тушунди. Ўрнидан туриб кетди. Чанғирокдан ғира-шира ёруғ тушиб турарди. Жувон ёқаси очиқ оқ сурп кўйлақда, сочлари тўзғиган, кўкси сутдек оқариб кўринар эди. У керагага орқаси билан суянди. Эрига қаради-ю, сўз тополмади, унинг ниятини пайқаб, титраб кетган эди.

– Ҳар чўпонга... ҳар чўлиққа... – деб эри бир нималарни санар, ҳисоблар эди. Онабиби буларни эшитмади. Миясида эрининг аввалги шунчаки айтган сўзлари энди темирдай жаранглар эди: «Ўзи танлаб оляпти... бола-чақасизларни... Чўпонга юз совлиқ...»

Ўтовдаги турмушнинг лаззати қочди. Онабиби ёлғиз қолганида ўзини қойийди: «У, ташлаб кетаман дегани йўқ-ку? Қаёқдан олдим бу хунук, бачкана хаёлларни? Хотин киши минг қилса ҳам хотинлигига борар экан. Тавба, мол-дунё деб севган қайлиғини ташлаб кетарканми?! Шу ўйлаган ёмон ўйларимни билса борми, тилкалаб ташласа ҳам арзийди!»

У ўзига шундай тасалли беради-ю, кўнглининг қайси бир бурчагида даҳшатли ҳақиқат ҳамон пусиб ётганини сезади. Шундай бўлса ҳам Бозорқулни кутганда ичидагини билдирмай, хушчақчақ кутади. Бозорқул ҳам ўтовга югуриб кириб келади, севгилисини кўриб кўзидан саросима қочади. Хотинини худди йўқотиб қўётгандек илгаригидан ҳам маҳкамроқ қучади.


– Сен нима, ташлаб кетади деб ўйладингми?

– Йўғ-э, нега энди? Қаёқдан олдингиз бу гапни?

Шундай қилиб, ҳар куни иккаласи ҳам бир-бирига ёлғон гапиради.

Бу узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Бир куни улар шундай бир-бирларига далда бериб қучоқлашиб турганларида Бозорқул йиғлаб юборди.

Бу хунук йиғи, эркак йиғиси орани очиқ қилди, ҳаётни ҳам, муҳаббатни ҳам ёндириб юборди. Ҳамма нарса совигандан кейин Бозорқулнинг юрагидаги иллат яланғочлана бошлади. Бек унга алоҳида илтифот қилиб бир юз ўттиз совлиқ ёзганини хотинига айтди. «Мен албатта қайтиб келаман, уч ойлик йўл экан, ҳайдаб борамизу қайтаман, бекникидай қўрамиз, сурув-сурув қўйларимиз



бўлади, дадамдай қорақўл ортиб, Фарангистонга қатнайман, бекникини эмас, ўзимникини. Жарақ-жарақ тилла қилиб қайтаман...»

Онабибига бу гаплар гап эмас, аллақандай совуқ вишиллаш бўлиб эшитилар эди.

– Тезроқ кетинг, жўнанг! – деб бақириб юборди у бир куни. Мук тушиб йиғлади. Бозорқул унинг йиғи-сиғисига кўникиб қолган, ўз аҳду ниятлари билан маст эди.

– Ҳадемай жўнаймиз. Бек ўзи ҳам шошяпти. Қорақум-эшоннинг фотиҳасига қараб турибди, – деди Бозорқул совуққонлик билан. У энди ишчан, ўзини анча босиб олган эди.

...Қорақум-эшон бекникига дабдаба билан уч извош ҳайдатиб келди-ю, фотиҳаси чўзилиб кетди. У келганидан бери бекнинг авзойи бузилиб, иши юришмай, уч ҳафтагача сурувларини йўлга чиқаролмади.

Ниҳоят дуойи фотиҳа бўлди шекилли, бош чўпонларга отлар берилди. Бекнинг кўйлари ҳар кечаси етти сурувдан бўлиб тўққиз кунгача йўлга чиқиб жўнайдиган бўлди. Бозорқуллар учинчи кечада кўтарилди. Унинг оти «Қирғий» лақабли бесабргина қора тўриқ эди, тунги шовқин, чўлиқларнинг «қур-эй, қур-эй»и, бўри-босарларнинг чўл осмонини бошга кўтариб ҳуришлари билан ғайратга кириб, тун ўтганини билмай ҳам қолди. Тонг отганда қараса, олдинда ҳов неча тошгача еру осмон қоп-қора булут: тепада чанг булути, ерда сурувлар... Орқадаги ер ҳам шудгордай қоп-қора... Туни билан шундай юрилган бўлса, орқадаги сурувлар чангдан бўғилиб ўлмадимикан? Бозорқул дарров олдинга от чоптирди: қудуқдан кейин сурувлар энлатиб, икки-уч йўлга солинсин.

Қуёш чиққандан кейин итларнинг овози тинди. Ақлли бўрибосарлар сурувларни бўйлаб олдинга чопиб борадилар-да, то ҳаммаси ўтиб бўлгунча чўзилиб ётиб дам оладилар.

Биринчи қудуқда сурувларни энлатаман деб анча ивирсиб қолишди. Кечга яқин қуёшнинг қизғин нурида бугун чиққанларнинг ҳам булути қорайиб кўзга ташланди. Дашти биёбонда узоқ уфқлардаги шарпа ҳам кўринади. Шарпа – узоқ, ҳаракат билинса – яқин, овоз эшитилса ундан ҳам яқин. Чўпоннинг масофа ўлчови шу. Бозорқул орқадагиларнинг шошилаётганини фаҳмлади. Кейин билса, олдиндагилар ҳам жадаллаш ҳақида буйруқ олишган экан. Олдинда қудуқма-қудуқ йўл бошловчилар бу биёбонларнинг ҳар бир қудуғини, ҳар бир сўқмоғи-ю, карвон йўллари эди биладиган кексалар. Бозорқул уларни танимайди. Бу минглаган сурувлар ҳам, чўпон чўлиқнинг ҳаёт-мамоти ҳам шулар қўлида. Бозорқул ўйлаб қараса, бу ерда танийдиган одами жуда кам, ҳаммаси бегона.

Бозорга ўхшаш мол-дунё дарди билан омад излаб чиққан тавак-калчи бўйдоқлар бўлса керак-да...

Кечаси улар ҳар жой-ҳар жойда човгун осиб, тўп-тўп бўлишди. Орқадагиларнинг ҳам баъзилари етиб келди. Бозорқул улар орасидан Чори-даққи деган таниш чўлиқни топиб олди, дардлашиб ётдилар. Тизза-ю тирсақлари қадоқ бўлиб кетган жиккакки-на Чоридаққи бошқа гап қуриб қолгандек, қоплоннинг думини қандай чопиб ташлагани, қулоғига қалампир сепиб ўзига едирса ҳам, қопоғон бўлмагани, лекин одамга содиқлиги ҳақида гапирарди. Бозор эса бу биринчи кечада негадир ўксиб Онабибини эслади. Ўчоқлардан оққуврай иси аралаш пишлоқ ҳиди келар эди. Бозорқул ётолмади, ўрнидан туриб кетди, келган изига тикилиб қаради, лекин у кўринмас, уни чексиз қора тун ютган эди.

Чексиз қора тун, чексиз биёбон. Ҳали йўл ҳам чексиз. Биринчи тунни энди ўтяпти. Биринчи азобли тун... Ҳечқиси йўқ, аввал шунақа қийин бўлади, кейин ўрганиш бўлиб кетар.

Лекин иккинчи, учинчи кечалар ундан ҳам оғир бўлди. Чоридаққидан турмуш ҳақида бирон бамаъни гап чиқмайди. Бекнинг тўплаган одамлари аллақандай бир-бирига эл бўлмайдиган, олчоқ одамлар экан, уларнинг жирканч қилиқлари, пештаҳам гаплари Бозорнинг кўнглини айнитар эди. Уни ёлғизлик қийнарди.

Ўн иккинчи кунни орқадаги сурувлардан, икки чўпон ўлди, деган хабар келди. Бу гап одамларни аҳилликка сал мойил этди, кечалари гурунглар каттароқ, тўплар жипсроқ бўладиган бўлди. Фақат Бозор қовушмас эди, у дилига яқин одам топа олмади.

Аммо у тетик. Анови икков ўлса ўлибди-да, ўзлари айбдор, мижозлари нозик бўлса йўлга чиқиб нима қилишади? Бозорнинг бу жиҳатдан кўнгли тўқ, унинг зуваласи пишиқ, унча-мунчага бўш келадиган эмас. Бироқ...

Ярим ойдан кейин турмуш қаттиқ ўзгарди. Қора тўриқ ҳам энди гижингласди, ит овозлари ҳам онда-сонда ҳазин эшитилди. Икки сурув йўлда қолиб кетди: баъзи чўпонлар ишратга берилиб, тажрибасиз чўлиқлар бу сурувларни ғира-ширада шағалдан ҳайдаб қўйган экан, туёқлари тушиб кетибди, оёқлари қип-қизил гўшт, бир-бирининг устига йиқилган... ташлаб кетишга тўғри келди. Ўша кунни аламзада чўпон бир чўлиқ болани уриб майиб қилибди, энди унинг ҳоли нима кечади...

Офат бирин-кетин кела бошлади. Икки кун кўзлаб борилган қудуқ қуруқ чиқиб, айланиш йўлдан уч довон ошиб сув излашга тўғри келди. Ташналик, озиксизлик янги офатлар келтирди, оқсил тушган сурувларни ажратиб даштга қувдилар. Сиртлари, эт-

лари шилимшиқ бўлиб оқиб тушаётган жониворлар жазирамада йўлсиз кенгликларга ўлим излаб кетар экан, Бозорқулнинг юзларидан шўртак ёш оқиб тушар эди. Бу кунлари кўп одам ўлди. Қўй камайган сари одам ортиқчалик қилиб, уларни биров атайлаб ўлдираётганга ўхшарди... Шундай хунук фикр миясига келганидан Бозорқул ўзини койиди: «Тавба, астағфирулло! Тавба, астағфирулло!» деб ёмон ўйларни кўнглидан қувди. Лекин энди унинг ўзига ишончи илгаригидек зўр эмас эди. Ўлимнинг сабаблари бу қадар кўплигини, ажалнинг ҳар қадамда пойлаб туришини энди билипти. Бировни қорақурт чаққан, биров гўштан заҳарланиб ўлган, бирини офтоб урган... Ажаб, чўпонни ҳам офтоб урадимиз?

Бозорқул баъзида чалопдан ичи қулдураса ёки кечаси суякларни зирқираса ҳам чўчиб кетади. Қирқ кундан бери йўлда. Ўша-ўша жазирама, ўша-ўша чексиз уфқлар, жимир-жимир ҳовур... Энди у оламдан узилган, орқага йўл йўқ, мана шу сурувлар, мана шу худо урган одамлар нима бўлса у ҳам шу.

Бир куни, тоққа етганларида, унгурдан коптокдек юмалаб чиқиб келган Чори-даққи ҳовлиқиб Бозорни бир четга имлади. Ҳозиргина қутурган итдан қутулгандек, кўзлари ола-кула, қонсиз юзларидан шаррос тер оқиб тушмоқда, тили зўрға гапга келди:

– Бугун суюқ ичмас экансиз, бир чўлиқ бола тайинлади, – пичирлади у аланглаб, – бекнинг одамларини танисанг айтиб қўй, – деди.

Бозорқул тушунмади.

– Бекнинг одамлари?..

– Ҳа, Қорақум-эшоннинг одамлари ҳам бор экан-да. Орқадан келиб қўшилган ўттиз сурув ўшаники экан.

– Суюқни нега ичмас эканмиз?

Чори-даққи қутсиз кўзлари билан атрофга аланглади. «Қайдам», деди-да, тошдан тошга сакраб, жўнаб қолди.

Довоннинг энг машаққатли жойи келган эди, тоғ йўллари айланмиш, хавфли, тош. Янтоқ йўқ, кекса чўпонлар ҳам билмайдиган аллақандай ўланлар қувраб-қовжираб ётибди. Қорақўл қўйлари ўзимизнинг ўша туганмас, дағал беор янтоғимиз билан тирик эди. Уларнинг шу яхши хусусияти бу ерда офатга айланди, янтоқ йўқ...

Нималарни ўйлапти Бозорқул?.. Чори-даққи нима деб кетди-ю, бу нималарни ўйлапти! Суюқ? Эшоннинг одамлари? Чулиқ бола айтди? Жинни бўлиб қолмадимикан бу Даққи? Жуда кўзлари бежо эди? Пичирлаганча жўнаб қолиши ҳам ғалати...

Бу йўлда ҳар нимага ишонса бўлади. Бозорнинг ўзи ҳам кейинги ҳафталарда уйкудан қолди, кечгача эгарда зўрға ўтиради. «Қур-эй!», «Қур-эй!» билан ит вовиллаши асабига тегадиган бўл-



ди, қулоғига пахта тикса ҳам, ҳатто тип-тинч кечалари ҳам «кур-эй, кур-эй!» билан итларнинг улиши нақ миясида шанғиллаб туради. Кейинги пайтларда одам ўлиши ҳеч гап бўлмай қолди. Ўттиз-қирқ чақиримга ёйилган бу қора булут ичида не ҳоллар бўлмайди! Чориғи чақа қилиб, яраси қуртлаб кетган чўлиқ болаларни биёбонига ташлаб кетишаётганмиш. Бозорларнинг тунги гулханига аҳён – аҳёнда бундан ҳам хунук хабарлар етиб келади...

Бугунги кўним ёввойи тоғ-тош орасида, бўри ин қўядиган зах унғурда бўлди, туни билан итлар улиб чиқди. Бозорқул ўчоқ устида вақирлаган қозонни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. «Суюқ ичмас экансиз...» Нима гап ўзи? Чори қани?

Бозорқул ўчоқма-ўчоқ ҳансираб юриб Чорини топиб келди. Ажаб, шу Чори-даққи ёнида бўлгани учунми, юраги бир оз босилди. Тинчланиб чўзилиб ётди. Чори суюқ ичадиган косасини хуржундан олмади ҳам, ўз мешларидан айрон шимириб, ёнбошлаб ётишди.

– Чори, нима гап? – деди бир оз тинчиган Бозор.

– Фаҳмляяпсизми, ўлиб, йўлда қолиб кетаётганлар ҳаммаси бекнинг одамлари...

Бозор туриб ўтирди, Чорига тикилди. Даққи жиннига ўхшамайди. Бадани увушиб кетди. Бир нимани тушунгандек бўлди-ю, бу йўни зўр бериб кўнглидан қувар эди.

– Бўлмаган гап.

– Эшон каллакесарларни ёллаб, йўлда бизни қириб ташлашни буюрган бўлса-чи?

Бозор ҳам худди шуни ўйлаб ўтирган эди. Қонида мол-дунё дарди қайнаган Бозор буни тез тушунди. Ўзининг йигирма суруви билан қувиб келиб, чегарага етгандагина бировнинг эллик сурувини ҳам ўвиги қўшиб олиш ва етмиш сурув қорақўл билан дориломон муслмонободда бирдан пайдо бўлиш нияти чакки эмас. Лекин Бозорқул буни эшондан кутмаган эди. Эшонда бундай ният бўлиши бек одамларининг хаёлида ҳам йўқ.

Бек одамлари?... Бозорқулнинг вужуди музлаб қолгандек эди. Бек одамлари кимлар? Бозорқул уларни танимайди-ку? Бу йўлда одамлар аллақачон аралашиб кетган. Ҳар ким ўзини билади, холос. Очиқ гаплашиш, суриштириш, ўз одамларининг атрофинга тўплаш хавфли...

– Бизни аста-секин қириб тугатади улар, – деди ярим тунда Чори-даққи. Унинг товуши васият қилаётган одамнинг товушига ўхшарди.

– Сенга ўша гапни айтган чўлиқ ким ўзи?

– Менга ўхшаган бир бола. Нозиккина-ю, жуда мард, кўркам. Ўчоқ бошида шўрвага захар солганларини кўрибди, – Чори юзини ерга бериб йиғлади.

– Кўрқма, Чори! – деди Бозоркул, негадир ўрнидан туриб, белбоғини сиқиб боғлади. Чори ҳам турди. Улар атрофга тикилиб, бир қадам, икки қадам нари-бери юриб, оёқда тонг оттирдилар. «Кўрқма, Чори, кўрқма», деб кўярди Бозоркул ҳар замонда.

Лекин шундан кейин унинг учун азобли кунлар бошланди. Шу кун тонгдаёқ икки чўпонни тош босибди, деган хабарни эшитиб, тиззалари бўшашиб кетди. Тикка қояларга қараб, орқага чекинди. Тоғ йўлларида кўпинча от етаклаб юришга тўғри келарди. Эгарга ўрганган одам ерда ўзини кучсиз сезади, узоқлар кўринмайди, қандайдир номаълум хавф-хатар кутиб тургандек бўлади.

Бозоркул энди отда юрса ҳам, яёв юрса ҳам ҳар қадамида ажал хавфи. Кушандаси ким, дўсти ким, пичоққа дуч келадими, тошгами, захаргами – билмайди. Бу ерда ҳали ҳеч ким бировни ҳимоя қилгани йўқ. Тоғ йўллари, қора тунлар, ёлғизлик, бу даҳшатли ўйлар – бари сенинг душманинг. Бозоркул бир-бирини еяётган одамлар орасида қолди. Ҳар дақиқа таҳликада яшаш, ҳар шарпага, ҳар соядан юрак ҳовучлаш, тунлари уйқу ўрнига совуқ терга пишиб ётиш, ҳар қултум сувдан ўлим кутиш Бозоркулни чўпдек қилиб қўйди. Тош устида калтакесак лип этса ҳам юраги узилиб тушгандек бўлади-ю, ҳолдан тояди. Чори ҳам кўринмай кетди. Тирикмикан? Тиригида ҳалиги чўлиқ болани ҳам яхшироқ суриштириб олмади. Ёш бўлса ҳам, нозик бўлса ҳам ҳар қалай ёнингда тирик жон...

«Оҳ, Онабиби, Онабиби!.. Ўзинггина эмас, ҳар бир сўзинг бир ботмон тилла экан, жонгинам! Ёнгинангда бўлсам оёқларингни ўпардим... Узоқ кетдим, узилдим. Энди орқага йўл йўқ».

Олдинга-чи?

Бозоркул подалар ёпирилиб, қоп-қора бўлиб ётган тоғларга қаради. Тинмай силжиб кетаётган бу сурувлар энди унинг юрагини ҳовлиқтирмади, келажак бойлик бўлиб эмас, қора офат бўлиб кўринди. Олдинда мана шу шум мавҳумликдан ўзга ҳеч нарса йўқ эди.

У дунёнинг қайси бурчагида юрибди? Нега? Бу йўлларнинг, бу жазираманинг охири борми? Инсонлар қани, инсоннинг иссиқ чиройи, майин кулгиси қаёққа кетди? Бозоркул кечаси мана шу чалкаш ўйлар билан азобда ётар экан, ўттиз қадам нарида бир ниманинг қораси кўринди. Пичоғини қинидан олиб, қимир этмай ётаверди, нафаси тезлашиб, кўкраги қалқиб-қалқиб тушар эди. Шарпа қимирламади. Бозор ҳам ундан кўз узмади, ҳар эҳтимолга қарши дармон йиғиб ётди. Гулханлар ўчган эди. Қаёқдандир хунук

овоз келди, сурувларнинг бир тўлғаниб қўйгани эшитилди. Тун тўла даҳшат. Бозор қалтироқдан, қўрқувдан тамом толиб, мудраб кетган экан, кўз очиб қараса, тонг отибди. Ҳалиги қора ҳамон турибди – тика тош экан...

Бундай пайтда одам кулади. Бозорқул бўлса ғазабдан бошини тошга ургудек бўлди – ўзининг бу аянч кунга қолгани алам қиларди.

Шу куни биринчи марта оёғида туролмай, чўл қалқиб кетгандек бўлди. Отининг бўйнини қучоқлаб анча туриб қолди. Чориғиданми, мешданми аллақандай қўланса ҳид чиқди. Кўзи тиниб, бир нуқтага тикилди, хуржун сиртидан семиз бит ўрмалаб кетиб борарди.

Бугун куни билан от етаклаб яёв юрди. Узангига ўрганган оёқ шилиниб кетди. Оқшомга базўр етиб, кўнгли айниб йиқилди. Шундагина куни билан туз татимагани ёдига тушди. Ўчоқ томондан калла-поча иси келиб яна кўнглини ағдарди. У чалқанча ётар, бит талаган танини қашишга мажоли йўқ эди. Кечаси қандайдир кекса одам келиб оёғига намакоб қўйиб кетди. «Олқинди бўлиб қолибди», дегани Бозорнинг қулоғига чалинди, у беҳуш эди.

Бозорнинг кўзлари косасига чўкиб, териси суягига ёпишиб қолган. Қимирлашга дармони йўқ, ичида бир жойи ловиллаб ёнади, тўрсиқдаги илиқ сувни ичган сари қора тер босади танини.

Кечалари эртаги юришни ўйласа, ўлимига рози бўлгудек. Биров қоронғида келиб пичоқ урса, ёки захар беришса ҳам майли, энди унга барибир, фақат бедармон ҳолда биёбонга ташлаб кетишмаса бас. Қуёш тиғида ёниб, чириб-сасиб неча кунлар давомида азоб билан аста жон бериш, ёки тиригингда қашқирга ем бўлиш... Бу ўйларнинг ўзиёқ Бозорқулни тобора қовжиратар, адо қилар эди.

Яна бир кун одамларга билдирмасликка уриниб, от ёлига осилиб, судралиб, каловлаб йўл босди-ю, ундан кейинги куни ўрнидан туролмади. Ҳушига келиб кўзини очса, ёнида от йўқ.

– Қирғий... Қирғий!.. – деб чақирди бошини кўтариб. Овози ўздан бўлак ҳеч кимга эшитилгани йўқ, боши шилқ этиб тушди. Қуёш кўзга урарди.

– Қир-ғий... – деди Бозорқул. Бу гал овози ҳам чиқмай, сўнгги умиди – «Қирғий» лабида қолди.

Бозорқул ерга қулоқ солди – тинч. Елга қулоқ солди – жимжит. Кетишди! Ташлаб кетишди! Аблахлар, йиртқичлар!..

Ғазаб куч бериб, ўзини кўтариб ерга урди, қияликдан юмалаб кетди, юзлари, қўллари шилиниб, тошга бориб тақалди. Ичида бир нима узилгандек, тиззасини қучоқлаб, тиришиб қолди. Тўрсиғи офтобда юмалаб ётибди, хуржуни эгарда кетган, баданлари шилинган,

қонли, кир, қўланса, жулдур кийимда худди эски латтадай кичкинагина бўлиб тош соясида ётарди.

Оғриқ босилиб, кўзини очса, қуёш бутунлай эриб ёйилиб кетгандек, осмон ёнар, тепасида пашша ғувиллар эди. Бошини кўтариб қарай олмади. Нима бор экан атрофда? Наҳотки бу азоб, ёлғизлик ва ўлимдан ўзга ҳеч нарса бўлмаса. Наҳотки ўйлагани келса? Офтобда қуртлаб ўлиш, кўксингни қашқир ғажиганини кўриб ётиш... Ивв... ивв...

Бозорқул йиғлаёлмас, на кўз ёш, на дармон бор эди. У «ивв-ивв!» деганча енгил қалтираб ёввойи бир товуш чиқарар, шу билан изтиробини босиб, ҳар замонда ҳушидан кетар, тиниб сал дармон йиғар эди. Тушга борганда тили шишиб оғзига сиғмай қолди. Нарироқда тўрсиқда суви қайнаб ётипти, тиккага чиқиб ололмади, тошнинг сояси ҳам қочди. Бозор сўнги дармонини йиғиб, тўрсиқ томонга интилди-ю, иссиқ тошларни чангаллаб юз тубан ётганча ҳушидан кетди...

Уни кимдир юзига совуқ сув сепиб ҳушига келтирди. Қоронғи эди. Бозор лабидаги сув томчиларини ялади. Бирпасдан кейин оғзида қўй сутининг таъминини сизди. Бошидаги одам ҳўл латта билан унинг юзини, кўкрагини артар, ўзи эса боладек ҳансираар эди. Кейин у ҳансираганча Бозорни кўтаришга ҳаракат қилди. Кўтаролмади. Бирпас ночор ўтириб, нафасини ростлади. Яна уринди. Бу сафар бир илож қилиб опичди, тоғдан пастга тушиб кетди. Бозорнинг қулоғида нимадир қаттиқ шовуллар эди – нима экан: тошлар юмалаяптими? Довулми? Шалолами?..

Бозорқул кейинроқ фаҳмлади – кўтариб кетаётган одамнинг нафаси, юрак уриши шунақа эшитилаётган экан. Бозор унга кучи борича тармашди-ю, кимлигини сўрамади. Барибир эмасми – одамку, қашқир эмас. Одам билан бирга бўлишдан катта бахт борми! Қаёққа олиб борса ҳам майли, нима қилса ҳам майли.

Энди одам уни икки қўлтиғидан олиб, оёқларини судраб тушиб кетяпти. Лекин Бозор пайқамай қолди: бу ўша кунги кетишми, ё бошқа кунми? Қанчадан бери судраб кетяпти экан? Бозор ҳар замонда ҳушидан кетиб турар, оғзидан қўй сутининг таъми кетмас эди. Ҳушига келганида ҳалиги шовуллаш яна қулоғига эшитилди. Бозор энди бунинг нима эканлигини билади, нажоткорининг қаттиқ азоб чекаётганини, унинг бадани қора терга ботиб, ҳар замонда йиқилиб қолаётганини сезади, йиқилганида тиззаси тошга тилиниб, тиш орасидан аста инграганини ҳам пайқади. Лекин жусаси кичкинагина бу одам уни қаёққадир элтиш учун жонини ўртага қўйиб қасам ичгандек, боласини тишлаб қочаётган йиртқич

сингари бардошли, ўзига раҳмсиз эди. Бозор ҳали унинг юзини кўролгани йўқ, қоронғи. Шунинг ҳаммаси тунми, ёки ҳушсизлик-микан?

Қанча юрганларини билмайди, бир вақт Бозорқул кўксиди муздек нафас, бутун баданида хузурбахш бир салқин сезди. Қараса, жилғачада ётибди. Тонг. Сув тиниқ. Осмон ҳам тиниқ. Одам унинг бошини этагига қўйиб ўтирган эди.

– Тузукмисиз?

Бозор, яна ҳушимдан кетяпман, деб ўйлади. Бу овоз унинг юрагини тилиб кетган эди. Тоқатсиз тўлғаниб, «Касалман, мени ёмон дард чалган», деб пичирлади, яна тўлғанди, заиф товуши билан фарёд қилди:

– Онаби! Товушинг қулоғимга эшитилипти!... – Кейин нафасини босиб, нажотқорига мурожаат қилди: – Хотиним... Хотинимнинг товуши эшитилипти қулоғимга. Сиз кимсиз? Нега мени қутқаздингиз? Бу қаер? Уст-бошим қани?

– Жуда жулдур бўлиб кетган экан, ёқиб ташладим.

Яна ўша овоз. Бозор қалтираб кетди, бошини кўтарди.

– Тузукмисиз, Бозорқул ака, менман, менга қаранг.

У Бозорни сувдан чиқариб ўтқазди. Бозорқул ўтирарди-ю, кўзи тинган эди.

– Менман, Бозорқул ака, мен, Онабиби.

Бозорқулнинг хира кўзларига чиндан ҳам Онабининг қиёфаси кўринди. У ўхшарди ҳам, ўхшамасди ҳам. Чўлиқ чакмон кийиб белини чилвир билан боғлаган, тақир бошида қулоҳми, тақия...

Бозорқул уни титроқ қўллари билан пайпаслар, юзига тикилар, лаблари титрашидан ўпкаси тўлиб келаётгани билинар эди. У бирдан хунук товуш билан йиғлаб юбориб, Онабининг титлиб кетган чориғига ёпишди, оёғига панжалари билан тирмашиб, юзларига сурди.

Онабиби ҳам йиғларди, ҳушсиз ётган, чўпдай бўлиб қолган эрининг соқол босиб кетган бетларини силарди.

– Сиз кетгач беш кундан кейин, Қорақум-эшон ҳам одам танлаяпти, дейишди. Сочимни қайчилаб ташладим – да, чўлиқ бола бўлиб кийиниб бордим. «Ёш экансан, жўна бола», дейишди, бироқ кейин бир нима бўлиб қолди шекилли, дарвозадаёқ ушлаб ҳаммамизни сурувга ҳайдашди, ўша куни йўлга чиқдик. Йўл-йўлакай ҳаммамизни хатга олишди. Кунинг калта келгур эшон одамларининг ёмон ниятини иккинчи куниёқ пайқадим. Қўрқмасликка, чарчамасликка қасд қилдим. Билардимки, сиз кетган томонга кетиб борардим. Чори деган чўлиқ бола билан сирдош бўлдим, унга

ановиларнинг ниятини айтдим, у сизлар томонга бориб келиб турди, бекнинг одамларидан таниганларини огоҳлантирди. Кейин Чоридан сизнинг қаердалигингизни билдим. У бечора қорақурт чақиб ўлиб кетди. Менга сизни топиб берди-ю, ўлиб кетди... Эгарга минолмай қолганингизда мен ёнингизда эдим, узоқдан кузатиб юрдим йиқилиб қолишингизни пойлаб. Билардимки, йиқилиб қолганларни ташлаб кетишяпти... Сиз йиқилиб қолган куни кечаси мен ҳам узоқда тошлар орасида яшириниб, карвондан қолдим. Улар узоқлашиши билан қош қорайганда сизни бориб топдим...

Бозор бу гапларни эшитмади. У ҳамма воқеани англаган эди. У фақат рўпарасида Онабиби ўтирганини миясига сиғдирилмас эди, холос.

– Онабиби... Онабиби... – дерди юз-кўзига тикилиб, – сочингни олдирибсан... Мени ким кўтариб келди?

Онабиби унинг бу гапидан, яна эси оғяпти, деб ўйлади. Лекин Бозорқул давом этарди:

– У вақт куёв бола эдим. Даданг менга шундай деган: «Молу дунё дарди бошингни ейди, ошиқлик дарди жонингга ора киради». Эсимда.

– Дадам ҳар кимнинг ўзига тегишли гапни айтадилар...

– Онабиби... мен энди ўлмайман. Ажалнинг совуқ шарпаси ёнимдан ўтиб кетди. Энди сенга нима қилай? А? Оёққа турганимдан кейин айтасанми?

– Йўқ, ҳозир айтаман... Мени севинг.

Бозорқул ҳўл иштони ёпишиб турган қоқ суяк оёқларига, ингичка билакларига, кичкина боладек бўлиб қолган жуссасига боқди. Икки қўли билан юзини тўсиб, бошини эгди.

– Менинг қанчалик пасткаш аблаҳ эканимни ҳали ҳам тушунмадингми?.. – деди у ерга гапиргандек.

Онабиби индамади. У нима биландир овора, белбоғини титар, ивирсир эди.

– Қаердамиз? Сен биласанми? – деб сўради Бозор анчадан кейин.

– Ҳозир биламиз-да! – деб Онабиби ўрнидан турди.

...Бир тоғ қишлоғида у Бозорқулни уч ой парвариш қилиб оёққа турғазди. Қишлоқ одамларининг тили, урф-одати ёт бўлса ҳам, ғурбат чеккан мусофирларга имо-ишора билан меҳр кўрсатишди, аввал бошпана топишди, кейин Онабибига иш, кир-чир бериб туришди. Лекин Онабиби кейинги ҳафталарда тоғдан шох-шабба йиғишга, кир ювишга қийналадиган бўлиб қолди. Бўйида бор эди. Ҳали олти ойга етмай, оёғи жуда оғирлашиб тоғда узоқ ўти-

риб қоладиган, бутун вужудини оғриқ тутиб қийнайдиған бўлди. Онабиби бу дардни эрига айтмай, анчагача андиша қилди-ю, охири айтишга мажбур бўлди. Уни ётқиздилар.

Шундай қилиб, Бозор турди-ю, хотини йиқилди. Энди улар бу бегона қишлоқнинг ўз кишиси бўлиб қолишган эди. Табиб чақирдилар, бу жуда қадимий, қуш бурун, шафқатсиз бир кампир эди. «Аҳволи ёмон, ҳомиласи икки-уч ойлигида оғир юк кўтариб қўйибди», деди у.

Бозорқул бошини ушлаб ерга ўтириб қолди. «Оғир юк» – унинг ўзи эди. Умуман, у бу дунёда кераксиз оғир юк бўлди, холос...

Онабиби боласини етти ойлигида туғди.

Туғди-ю, ўзи оламдан кўз юмди.

Азимжон бегона юртда қон йиғлаган отасининг қўлида қолди.

*Азимжон ҳайкал соясида ўтирар, бир оз хафарақ эди. Аллақачон ўлиб кетган дадасининг «ҳалоқатли хатоси» ҳақидаги гап ёқмади шекилли, анчадан кейин:*

*– Дадам мени телпагига солиб катта қилган... – деб қўйди.*

*– Мен ҳам Онабибини катта қиламан деб умримнинг йигирма йилини бекнинг остонасига тўкканман. Дадангни ёмонламоқчимасман. Ўша йили йўқ бўлиб кетган ўзбек қорақўлчилигини яна тиклаш учун бутун бир авлоднинг умри керак бўлди. – Очил бува ҳайкалнинг ғудур харсангини кафти билан уриб-уриб қўйди. – Янтоқдан тилла қилади, азамат! – деди олтинланиб турган дўсти Жабайга «хайр» дегандек қараб.*

*Энди улар чорраҳадан бурилиб, узоқларда кўкариб қўринган тоғ томон юрдилар. Асфальт йўл тугаган эди. Машина орқасидан узун чанг булути судралди. Кеч салқин, онда-сонда учрайдиған қувоқларнинг сояси узун, қуёшнинг уфқда қолган кичик парчаси чўғдек ёнар эди.*

*Азимжон бош эгиб ўтирибди.*

*– Дадамнинг энг катта гуноҳи – мени ватангадо қилганидир, деб ўйлар эдим... – деди ўйчан.*

*Очил бува унга қаради-ю, индамади. Бу неварасига биринчи марта шундай раҳми келди. Тақдири нотайин. Қирққа кирай дебди-ю, ҳали уйланолмабди. Давлати катта эмиш... Давлатни нима қилади? Ватангадо. Мунча кичик жуссаси ҳам? Чумчуқдек. Ҳозир шундай кичкина бўлиб қолдим, ё илгари ҳам шунақамиди? Очил бува унинг бошини силади. Азимжон бошини кўтариб бобосининг юзига қаради. Кўзининг қорачиғи хира, нам эди.*

*– Ориф тоғамнинг болалари нечта?*

*– Ориф тоғаннинг фарзанди йўқ, болам.*

Коронғи тушди. Машинаниң чироғи узоқларни, йўлнинг пасту баландини ёритар, унда чанг, чивин-чиркай ғужғон йўнар эди. Соат ўн бирларда улар тоғ этагидаги водийга кириб келдилар, бир-бирига туташ қишлоқ кўчалари, қатор терак дала йўллари бошланди. Гузарлар, чойхоналар ҳали гавжум, сув сепилган тупроқ ҳиди, гулу райхон ҳиди анқиган, машинани лайча итлар вовиллаб кузатиб келар, рўпарадан чиққан машиналар лип-лип кўз қисар эди.

Туман марказига кираверишда яна асфальт бошланди, сон-саноксиз чироқлар, ҳали сўниб улгурмаган тунги шовқин кутиб олди уларни. Бу қишлоқ ҳам эмас эди, шаҳар ҳам. Бир томонда эндигина подадан қайтган тарғил бўкиради, кўприк бошида каллакланган тутлар, иккинчи томонда кунжара ҳиди, электр симларига оппоқ пахта гарди илашган, ёғ заводининг қувват берувчи станцияси гуп-гуп ишлаб турибди. Очил бува ҳали бу жойни кўрмаган эди, Орифжон бу ерда янги. Тоғ жойларини ҳамда чўлдаги янги ерларни ўзига қўшиб олган катта туман, дейишади.

– Ҳой бола, – деди Очил бува чироқ тагида писта чақиб турган ўсмирларга қараб, – Ориф Очилонинг ҳовлиси қайси?

– Ҳов, муюлишда. Гаражли дарвоза.

Дарвоза очиқ эди. Ҳовли тўрида дасмолқовоқ билан тўсилган айвон, ёнма-ён икки хона, бирида чироқ ёниб турибди. Машинадан тушганларга дарахтзор ҳовлининг салқини урди. Бобо-невара чироқли дарвозага қараб юрдилар, очиқ ойнадан уч боланинг ўртасида ўтирган Ориф тоға кўринар эди. Болалардан бири кичкина. Орифнинг тиззасида ўтириб, қолганларга халақит беряпти. Қолган икки бола, бири қиз, бири йигитча, иккиси ҳам 15–16 ёшларда, масала ечиш билан овора. Ориф иккаласининг ёзувини кузатар, дам бирига, дам иккинчисига изоҳ бериб, гоҳ улар билан олишиб кетар, гоҳ пешанасини тириштириб йўлаб қолар эди.

Очил бува билан Азимжон туғунларини кўтарганча тўхтаб, кузатиб туришди. Азимжон ҳаяжонда эди, бобосига савол назари билан боқди, Очил бува мўйловининг бир учи билан кулиб лабига бармоқ босди: «жим!»

Стол атрофида жанжал бошланди. Қиз билан йигитча масала талашиб шовқин солишди, Ориф ҳам ниманидир бақириб гапирар, лекин бир-бирларининг гапларини эшитмас эдилар, Ориф тоға қизнинг бошига бир шапати туширди, кичкина чинқириб йиғлай бошлади, йигитча дастрўмол билан унинг бурнини чимчилаб артиб олди, дафтарлар ерга сочилиб кетди.

Бу пайт шофёр машинани гаражга киритаётган эди, Орифжон мотор овозини эшитиб ўрнидан турди, ҳаммаси жим бўлди.



Очил бува йўталди. Орифжон чиқиб келди, болалари деразадан сакраб тушиб кетишди. Ота-бола айвонда узоқ кучоқлашиб туришди.

– Тан-жонингиз омонми, дада? Шунча йўл босиб... Ўзим борардим... Толибжон бардамми? – деди Ориф йўлда чарчаган кекса отасига қайта-қайта тикилиб қараб.

– Ҳаммалари салом дейишди. Сен ишли одамсан. Меники бир умрлик отпускаи, – деди Очил бува сўри лабига ўтириб соқолини силаркан. – Мана, жиянинг Азимжон, дунёнинг нариги бурчидан топиб кепти.

– Азимжон?

Азимжон тугунни қўйиб, йўлда чангиб кетган этиги, уст-бошига ўнғайсизланиб қаради, тоғаси томон одимлади.

– Ёпирай! Ўша ўзимизнинг Азимжон-а! – Орифнинг қорачароқ, сергўшт юзида меҳр балқиб турарди. Унинг кенг кучоғида Азимжон йўқ бўлиб кетди.

– Оббо жиян-эй! Тил биласанми?

– Биламан, Ориф тоға.

– Қани-қани, ичкарига киринглар, этикни ечинг, дада... Онаби, қайқадасан, кўрпача сол меҳмонларга! – Ориф суяги бузуқ оғир гавдаси билан қандайдир чаққон ҳаракат қилиб, қувончда ивирсир, гапирар, сўрар, саволларга жавоб берар эди. Жавонлар очилиб кетди, қаймоқ, асал ислари келди. Ташқарида ўчоқ яллиғланди.

– Онабибини танимабман.

– Ҳа, дастёр бўлиб қолди.

– Ановилари қани?

– Улари қўшнимизнинг болалари, Ёрмат билан Нормат, Очил бува келдилар, деб суюнчи олгани чопишди шекилли, – кулди Орифжон қўлига тўкилган шиннини ялаб.

– Мени билишар экан-да... Сен-чи, – Очил бува Онабибига қизиқиб қаради, – сен мени танийсанми?

– Ҳа, – деди Онабиби тетик туриб, – осмон гумбазини қурганда гишт узатиб турган экансиз, тўғрими?

Очил бува ўғлига қаради: «Шунақа деганмидинг?» Роҳат қилиб кулдилар.

Меҳмонлар ювиниб бўлгунча, рух самовар келди, тунука баркашга жиз-жиз этиб чўғи тушарди. Ориф нон синдира туриб Азимжонга қаради, ҳозир унинг учун қизиғи Азимжон эди: қаердан, қандай қилиб пайдо бўлди, қандай одам, фикрида, кўнглида нима бор? Қандай катта бўлди, тақдири қанақа?

Очил бува буларнинг ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қила бошлаганда столчадаги телефон жиринглаб қолди. Орифжон туриб курсига ўтирди-да, трубкини олди.

У аввал руҳи тушиброқ, анчагача индамай қулоқ солди. Лекин кўнглида норозилик кучая боргани юзидан билинар эди.

– Хўп, Мария Васильевна, лекин мен бунга қаршиман. Сенга илгари ҳам айтган эдим, ҳозир ҳам айтаман... Хўп, хўп, сен олиб келгансан мени, лекин энди ё сен ишлашинг керак, ё мен. Масала шундай бўлиб қолди... Ўзинг бақиряпсан! Одамгарчилик қолмабди сенда, юрак қолмабди... А? Яна ўша гап! Ундай бўлса секретарлигинг керак эмас менга, мен аввало одамман, ҳа! – Орифнинг товуши тобора баландлашар, ғазабга айланиб борар эди. – Сендан яхши тушунади ўшалар! Нима қилсанг қилавер, фақат телефонда бақирма! – у трубкини тарақ этиб қўйиб қўйди.

Онабиби остонада икки косада ширчай кўтариб турарди.

– Мария Васильевнани ўша Марямми? – сўради Очил бува ҳам иштаҳаси бўғилиб.

– Ҳа.., Ҳа-да. Эркак одам бўлса-ку, етти пуштини йўқлаб бир сўкардиму хуморимдан чиқардим...

– Вилоят бошлиғи билан ҳам шунақа гаплашадими одам?! Ўзинг кимсан? – овозини кўтариброқ сўради Очил бува. Қовоғи осилиб тушди.

Орифжон бошини солганича ўтирар эди...

Азизлар, йўловчиларимиз биринчи манзилга етишди. Вазиятга қараганда биз ҳам бу бекатда тўхтаб, бир қисса эшитамиз, шекилли. Лекин ибрат учун аввал:

## **РИВОЯТ**

Сир ёқасидаги Фороб қишлоғининг мардуми Муҳаммад аҳли дониш орасида жумла жаҳонга маълум ва машҳур эди. Илму ҳикмат бобида Арастудан сўнгра устоди соний бўлиб, Ал-Форобий номи билан мушарраф эди. Алқисса, юнон сафаридан қайтарда минглаб ғаройибот қатори бир мўъжиза олиб қайтмиш эрдиким, унинг оти найдир.

Аттанги, устоднинг қайтиши бу дафъа элда шодиёна байрам бўлмади. Боиским, фуқаронинг аксари, жумладан, Ал-Форобийнинг якка-ю ягона жигарбанд оғаси ҳам Билужистон мулкига асир тушиб, ёппасига ҳайдаб олиб кетилган эди.

Устод изтироби беадад чекди. Най чалиб нола қилди. Ғурбату ҳижрон дардида «Чўли Ироғ»у «Ушшоқ» янглиғ кўп ситамгар на-

волар ижод этди. Ниҳоят бардоши тугаб, ақалли жигарбандини тилаб олиш умидида Билужистон шоҳининг арки машъумига қараб равона бўлди.

Бу даргоҳ баайни жаҳаннам, фалак гумбазини оҳ-нола тутуни тутган, қиёмат қойимнинг худди ўзи эди. Устоднинг оғаси янглиг мўр-малах қуллар ясоқ-ясоқ бўлиб қайноқ кун тиғида қора терга ботиб заҳмат тортар эдилар. Устод бу бедодликни, инсон қадрининг нечоғлик тубан тушиб кетганлигини кўриб, оғасини ҳам, ниятини ҳам фаромуш қилди.

– Бу надирки, бу азобда бино қилурсиз? – деб савол қилди устод.

– Шоҳимиз жаҳоннинг саккизинчи мўъжизасини барпо этмоқдалар, – деди қамчисидан қон томган саркор, – сен жаҳонгашта дарвишга ўхшайсан, шавкатли шоҳимизни дуо қил.

Устод ундан юз ўгириб қуллар орасига кириб кетди.

Териси устихонига ёпишган, мажолсиз қуллар узоқдан харсанг ташир, тупроқ қазир, баландликка тош кўтариб чиқар эдилар. Улар оч-яланғоч, хаста, танлари яра-чақа, шому саҳар бетиним заҳмат чекиб, тунлари чивинга таланар эканлар. Энг мудҳиши улким, бу беватан бечоралар орасида номаълум бир офат, касал тарқалибди. Бу дарднинг на бир сабабини, на давосини бирон кимса билмасмиш. Қуллар андоқ қирилмоқда эканки, шоҳнинг ўзи ҳам таҳликага тушибди: унинг қуллари бу офатдан қирилиб, тугаб кетса, саккизинчи мўъжизани ким бино этади? Шоҳ шон-шуҳрат қозонмоқчи, жаҳонга ном чиқармоқчи ахир!

Бинобарин, шоҳ қулларига мурувват қилиб, берадиган емагини андак ошириб, ҳафтага шир, ойга бир гўшт ҳам улаштиради. Ишбошиларга тилла таратади: қуллар ўлмаслиги керак! Аммо офат чекинмас, қуллар ҳамон пашшадай қирилар эди.

Устод бу мискинлар орасида узоқ юрди, бирга ётди, бирга турди, ҳамдард бўлди. Кунлардан бир куни уни саркор кўриб, сўроққа тутди:

– Ҳой мусофир, сен дарвишга ўхшамайсан, кимсан бу дўзахни ихтиёр этган?

– Мен Ал-Форобийман, – деди устод.

Саркорларнинг эси оғиб қолай деди, кўзларининг соққаси чиқиб кетди. Улар аввал аста тисарилиб, сўнгра тирқираганча орқаларига қарамай қочдилар.

Шу куниеъ Форобийни навкарлар олиб кетди, шоҳ уни ўз хузурига даъват этган эди. Устод аркони давлатнинг ҳашаматли саройларида неча чақирим поёндозларни босиб ўтиб, шавкатли Билужистон шоҳининг хузурига етди. Шоҳ сурмадай қора соқолли,

банорас тўн ва олтин тож кийган ёшгина, Юсуф алайҳиссаломдек ҳусни баркамол бир зот экан. У тахтидан қўзғалиб Ал-Форобийнинг истиқболига чиқди.

– Бизнинг мулкимизга ташриф буюрган экансан, биз мамнун-миз. Аммо нечун бизга маълум этмадинг?

Шоҳнинг имоси билан унинг оёғи остига бир товоқ олтин тўкдилар. Устод пинак бузмади, у бундай шоҳона дахмазалар, «мурув-ват»ларни кўп кўрган эди.

– Нега чорладингиз, шоҳ? – сўради у соддагина қилиб.

Камида «шавкатли шаҳаншоҳ», «шоҳи жаҳон» деб улуғлашлари-га ўрганган шоҳ бундай муомалага бу сафар ғазабланмади.

– Бизнинг содиқ қулларимизга қирғин келибди, унинг давосини топиб офатга барҳам бергайсан, – деди у, каттагина чарм халтада тиллани унинг оёғига ўзи ташлади.

– Бу менинг қўлимдан келмайди, шоҳ.

– А? – деди ғазабланиб шоҳ, жадал бориб тахтига ўтирди. – Сенинг илму фузул аро шуҳратинг, Устоди Соний номинг ғалатми? Сен бу офатнинг қаёқдан келганини, нима эканини билмайсанми?

– Биламан, шоҳ. Лекин даволаш қўлимдан келмайди.

– Кимнинг қўлидан келади?

– Бу фақат сизнинг қўлингиздан келади.

Шоҳ тахтдан сакраб турди. Сарой аҳлига фармонлар берди: устоди Соний саройда қолади, унга тилладўзи тўн кийгизилсин!..

– Хўш, устод? Бу қандай офатдир ва биз уни қай йўсин даволай олурмиз?

– Бу соғиниш-сарғайиш, фироқ дардидир, шоҳ... Бунинг даво-си уларни ўз ватанларига қайтаришдир. Фақат шундагина тирик қоладилар. Акс ҳолда қирилиб кетгайлар, – деди Ал-Форобий.

– Сен дониши сухандонсан, биламиз, ҳазил-мутойиба қилмоқда-сан. Ўз вақтида бунинг ҳам қадрига етгаймиз. Аммо ҳозир сўзнинг чини...

– Сўзнинг чини шу.

– А? Биласанки, биз қулларни ўз ватанига қайтармаймиз, бундан кўра уларнинг қирилиб битгунча шу ерда меҳнат қила тургани биз учун афзал.

– Биламан. Аммо касал шудир ва ўзга давоси йўқ.

Шоҳнинг ғзаби туғён урди:

– Йўқот! Оёғига кишан солиб қулликка ташла! – деб бақирди.

... Шундай қилиб, устоди Соний шоҳ саройидан қул бўлиб қайтди, кишанини зўрға судраб юрган минг-минглаб мажолсиз қулларга келиб қўшилди.

Қуллар, ойлар тубанликда, ғурбатда ўтди. Минглар билан тақдири бир эди устоднинг. Қирғин баротни, ўлимни бўйинларига олган қуллар учун у тану жон, бирдан-бир равшан фонус эди.

Бир оқшом устод кўйнидан най олиб, нола машқ қилди. Қулоқлари зангли кишан жарангидан батанг бўлган қуллар нолик най навосини эшитиб титраб кетдилар, ётган, турган, ўтирган жойларидан жилмай қолдилар. Най навоси дам баргларда ўйнаган баҳор ели, дам узоқдан момақалдироқ нафаси каби, тўзонли шом ҳавосини лим-лим тўлдирган, жуда узоқлардан чорлаб келгандай қалбларни талпинтирар, ҳар кимнинг айтолмай юрган мунгли туйғуларини ҳикоя қилар эди.

Қуллар ҳар оқшом най товушига тўпланадиган бўлдилар. Наволарнинг дардли авжи дилларни тилкалар, одамлар эса бу жароҳатдан лаззат топиб ўзлигини унутар эди.

Одатда нола тинглаганда, гўё гуноҳлари ювилган беғубор қалб ойнаси чил-чил синадигандек, азонгача ҳеч кимса индамас эди. Аммо бир гал кимдир уҳ тортиб кўйди. Шу уҳ сукунатни чил-чил синдирди-ю, жонланиш бошланди.

– Тўлқинлар... – деб пичирлади кимдир.

– Ўтлоқлар... – деди биров.

– Зангори гумбазлар...

Бу гаплардан ниманидир англаган устод ўзининг «Пешрави диёр» деган узун ва дарднок ноласини чала бошлади.

– Бу бизнинг Сайхунимиз-ку... – деди бир қул куй тугаганда.

– Чалинг, устод!

– Бу наво бизнинг Фороб боғларини намоён этди!

– Чалинг, устод!

Бу товушлар аввал фарёддек эшитилди. Аммо сўнграқ қуллар Форобийдан: «Юртимизни намоён этинг, устод!» – деб илтимос қиладиган бўлдилар. Ҳар оқшом най садоси янграар эди. Рангларига қон югурди. Улар наво гўзаллигида намоён бўладиган ватанга кўндилар, кўникдилар. Энди улар йиғлар, кулар, ўй сурар эдилар. Ажал офати чекинди...

Жаҳоннинг саккизинчи мўъжизаси бино бўлдими, йўқми – ровийлар билмайдилар. Аммо одам қалбидаги гўзаллик туйғуси мўъжизалар мўъжизаси эканки, инсон усиз инсон эмасдир...

Шу йили майнинг ўрталари эди-ю, лекин об-ҳаво эрта баҳорги-дек майин, аҳён-аҳёнда момақалдироқ гулдураб, илиқ ёмғир сева-лаб, тупроқ ҳиди юракни ҳовлиқтирар, кўнгилда яшириниб ётган қувончларни юзга, кўзга қалқитар эди. Ориф аканинг дилида эса пинҳоний қувонч кўп. Аввало, бу туман, ўйламаган жойда бу қадр-дон туманга келиб қолганлиги...

Шаҳарда, очиги, «юзга чопар»лиги туфайли уни қаёққа қўйиш-ни билмай қолишган эди. Кейинги йили силлиққина қилиб сан-оат обкомига ўтказишди, шаҳарнинг саноати эса иккита пахта то-залаш заводи билан битта таъмирлаш устахонасидан иборат эди. Ориф ака яхши тушунди: бу – ундан қутулиш, уни фаолиятдан маҳрум қилиш ниятида қилинган иш. Шунинг учун ҳам эски қадр-дони Мария Васильевнанинг бу вилоятга, хусусан бу янги районга ишга таклиф қилиб қолиши Ориф аканинг нақ кўнглидагидай бўл-дики, нимасини айтасиз!..

Ориф аканинг бу ерга келишга аллақандай ички, ҳазин сабрсиз-лик билан рози бўлишига яна бир нозик сабаб бор эди. У ҳам бўлса Сарагулнинг хотираси.

Сарагул раҳматлик Кўйки деган тоғ туманининг Шивилғон қи-шлоғидан эди. Кўйки ҳозир шу янги жойга қўшилиб кетган.

Шивилғон!.. Шивилғон... Ориф аканинг энг ширин йигитлик пайтлари унинг сирли манзаралари билан, бутун умри унинг уну-тилмас хотиралари билан боғлиқ. Сарагулдан жудо бўлганидан буён у ерларга боргани юраги дов бермади, лекин тушида ҳам, ўн-гида ҳам ўша ернинг аламлари, қувончлари уни чорлади.

Мана энди бориши мумкин. Бориши керак. Келганидан бери шуни ўйларди. Энди у Шивилғонга шунчаки кўнгилчанлик, зиёрат деб, эмас, иш юзасидан ҳам борса бўлади. Бугун Мария Васильевна уни туман ҳокимлиги кенгаш аъзолари билан таништирганида ҳам Ориф аканинг хаёлида шу эди. Кенгаш аъзолари ҳурмат ва сиполик билан қўл беришди-ю, кўпларининг на қиёфаси, на исмла-ри ёдида қолди. «Эртагаёқ Шивилғонга!», «Аввало Шивилғонга!» деб таъкидлар эди кўнглида.

Эртасига яна аллақайёқда бўғиққина момақалдироқ гулдураб, беозоргина ёмғир севалаб ўтди, бўлиқ тупроқ ҳиди анқиди. Туман ҳокимининг тўзон рангидаги кичкинагина эски газиги дик-дик сакраб дала йўлига чиққанда туман марказида ҳали кун уйғонма-

ган, онда-сонда чиранчоқ жўжа-хўрозларнинг қичқириқларигина эшитилар эди. Ориф аканинг тонгда туриб ёлғиз йўлга чиққанини ҳеч ким билмайди, фақат Мария Васильевна пайқаган бўлса эҳтимол. Кеча кенгашдан кейин, вилоятга қайтиб кетиш олдидан уйга кириб, Онабибининг сочига янги қизил лента тақиб қўйди. Бир пиёла чой ичиб кетди.

Мария... Марьям... Вақт ўтаверар экан. У ҳам эллиқдан ошди шекилли. Ориф эсини танибдики, у ишда. Чарчамайди, қаримайди. Лекин соғлиғи унча яхши эмасга ўхшайди. Жилмайишида галати бир маъюслик бор, кулгичларининг атрофида майда ажинлар йиғиладиган бўлибди.

Аммо ишда ўша-ўша дадиллик, бир оз ҳиссизроқ қатъият, кескин ва самимий гаплашиш...

– Билиб қўй, Ориф, оғир жой, катта туман. Асосан янги хўжалик, ёдингда бўлсин!

– Нега эрга тегмадинг, Мария Васильевна?

– Асосан янги совхозлар, билиб қўй.

Кеча хайрлашаётганда уларнинг гапи шу бўлди. Ҳойнаҳой у ҳозир уйғоқ. Ориф аканинг тонгда туриб Шивилғонга жўнашини кечаёқ пайқаган эди. Пайқаган эди-ю, лекин иккаласи ҳам бу ҳақда гап очмади...

Тонг отди. Ёмғир ювган тиниқ ҳаво уфқдаги тоғ тизмаларини ҳам соф зангори рангга чайган; сал намиққан илон изи йўллар рудаги йўловчининг юрагини ҳовлиқтириб узоқларга чорлаб ётарди.

Ориф ака бу йўлларни яхши билади. Бу йўлларни яёв кезган бахтиёр йилларини унутган эмас.

Бугунги сафар унинг учун ёшликка қайтиш, тўғрироғи, ёшликнинг қайтиб келиши эди. У қаерда бўлмасин, ўн йиллардан бери бу жойларнинг қадрдон суратини кўнглида сақлади. Ўрқач-ўрқач ишқомлари-ю, салқин булоқларигина эмас, йўл ёқасида ўсган ҳар бир отқулоқ барги ҳам жонга яқин, кўзга иссиқ, чексиз хотиралар манбаи эди.

Ориф ака шунча йўллар, шунча эллар кезиб, на ўз юртимизда, на Европа мамлакатларида Шивилғондай гўзал тоғ қишлоғини учратолди. Собиқ Қўйкида («Собиқ»! Негадир уни «собиқ» қилиб қўйишибди!) ҳар бир кичкина қишлоқнинг ҳам ўзига хос чиройи, ўзига хос фазилати бор.

Шивилғон тоғ-тош орасида кўм-кўк ишқомларга кўмилиб ётган қишлоқ, машҳур шивилғони узум шу ердан тарқалган. Ориф ака Сарагулнинг олдида Шивилғоннинг кўркини баҳона қилиб келарди.

Дарҳақиқат, баҳона қилса арзирди-да. Қишлоқнинг катта кўча-сидан тоғдан пастга қараб оққан Шивилғонсойнинг шовуллаши ҳам, муздек шабадаси ҳам узоқдан кўкракка урарди. Қишлоққа кириб келган одам, ким бўлмасин, тепадан шовуллаб, кўпикла-ниб тушаётган сершалола сойга қараб анчагача туриб қоларди. Сойнинг икки қирғоғи бўйлаб тикка чиқиб кетган табиий оқ хар-санг зиналар ҳовлилардан девор ошиб эгилиб тушган яшил ток соясида доим намчил, унда қизил кўйлак кийган қизалоқлар яланг оёқ чопқиллагани-чопқиллаган. Шалола зарраларидан уларнинг кокиллари доим ялтираб кўринар, улар истаганча қичқириб шовқин солишар, овозлари эшитилмас эди. Ориф ака Сарагулни ҳам биринчи марта мана шу кўчаларда учратган...

Ориф ака ўша пайтларда ҳам, кейин Сарагулга уйланганида ҳам, Шивилғонга келиб қолса мана шу кўчанинг пастиди туриб тепага, сон-саноқсиз шалолаларга тикилишни яхши кўрарди. «Петергоф! Петергоф!» дерди ҳар сафар ҳайратда қолиб. Энг тепада, узоқдаги музли чўққи эрталаб зангори, кундузи кўзни олгудек чарақлаб, оқ-шомда эса қашқа бузоқнинг калласидай қора-кўнғир кўринар эди.

Бу марказий кўчадан икки томонга кириб кетган тор кўчалар тоғу тош орасида шу қадар пасту баланд, ҳовлиларни қоплаган яхлит ток остиди шу қадар қоронғи, шу қадар чакалаксимон бўлиб кетган эдики, бунга почтачиларнинг одатланиб қолгани-ю, одамларнинг адашмай юрганига Ориф ака ҳар сафар ҳайратланарди. Тоғ ҳавосининг азбаройи мусаффолигидан, бу ерда ғарқ пишган мевазор боғларнинг хушбўйиғина эмас, кичкина бир ёввойи гул ҳиди ҳам, тоғ бағрида қовжираган бир чўп ҳиди ҳам димоққа ўткир туюлар, шаршараларнинг доим бир хилдаги тинимсиз шовуллаши асабларни аллалар, бутун қишлоққа ёйилган сарин шабадаси эса одамни доим тетик тутар, бу ернинг ёш-ялангию қари-қартанги бир умр тошдан-тошга сакраб юрар, толиқмас эди. Бу ерда истиқомат қилувчи ҳар бир киши, бу ернинг ҳар бир ўғил-қизи ток парваришининг икир-чикиригача болалигиданоқ ўрганиб олар, қишлоқдан тепадаги тоғ бағрида қорайиб ўсган чексиз пистазор, ёнғоқзор ўрмонларнинг ҳар бир сўқмоғини ёд билар эди. Ориф ака билан Сарагулнинг бу қоронғи сўқмоқларда атайлаб адашганлари, ипи тўзиган арилар қувлаганида ойдин булоқларга дуч келиб, муздек сувда ювиниб қувонганлари, сойга гулчамбар оқизи бахт синаганлари... қачон эди буларнинг бари? Чиндан ҳам бўлганми-ди? Ё тушмиди булар...

Ориф ака ГАЗга тормоз бериб, шими чўнтагидан рўмолчасини олди, пешанасини артди. Қуёш кўтарилиб қолган. Машинанинг ён-



гинасидаги ариқда шилдираб сув оқар, тиккадаги тўрғай дам калтагина сайраб кўяр, дам ариқнинг чулдирашига қулоқ солгандек, тўхтаб қолар эди.

Хаёлидаги манзараларга берилган Ориф ака бирдан эслади: у ерда энди Сарагул йўқ... У ерда ҳам, умуман, бутун оламда ҳам йўқ.

Бир ўзи чиқмай, биронтаси билан бирга келса бўларкан. Ёлғизлик эзади одамни. Бирдан орқага қайтгиси келиб қолди.

Бироқ дарров ўзини ўнглади-ю, шайтонга ҳай бериб, стартерни босди. Икки соатларда собиқ туман маркази Сумбултомчи келади. Сумбултомчининг ўзини кўриш учун ҳам кунузун йўл юрса арзийди.

Бу жой ўзи тоғ қишлоғининг ўртасидаги бир табиий мўъжиза исмига қўйилган.

Сумбултомчи ноёб мўъжиза. Уни тасвирлаб кўз олдингизга келтира олишимга ишонмайман. Уни кўз олдига келтириш учун албатта бориб кўриш, соатлаб тикилиб туриш керак.

Аввало, Сумбулни кўрганмисиз? Сўраганимга хафа бўлманг. Бу ҳамиша ям-яшил, ноёб гиёҳни ғазалларда кўп ишлатган баъзи шоирлар ҳам ўз кўзлари билан кўрмаган эканлар. У ҳақиқатан соч толаси каби нозик ва тим қора, барги эса жуда майда, заргар қўлидан чиққандек нафис, қорамтир кўк ва йилтироқ бўлади. Сумбулнинг ўсиши учун албатта булоқ суви, тош ва пастқам жарлик керак.

Энди икки қаватли уйдек катта қоя тошни кўз олдингизга келтиринг. Шу қоянинг ичига ўйилиб кириб кетган катта табиий ғор. Ғорнинг тош шифтидан тўрт-беш газ узунлигидаги миллионлаб сумбул пастга қараб солиниб ётибди. Сумбулнинг ҳар баргидан тиниқ булоқ суви томиб туради. Ғорнинг оғзига яқинлашганингизда сиз аввало куёш нури ва булоқ суви зарраларидан пайдо бўлган ажойиб найкамалакни кўрасиз, кейин кўзингиз сал кўниккач бош устингизда қора соч толаларидаги миллиард-миллиард йилтироқ баргчаларда кўз ёшидай мўлт-мўлт этиб турган томчиларни, уларнинг оёқ остингиздаги ойдин булоққа ёмғирдек томишини кўрасиз, томчиларнинг ажойиб сирли, кумуш товушини эшитасиз, бағрингизга роҳатбахш, салқин келиб урилади. Бу ерда ҳамма нарса доимий. Ёзин-қишин шундай. Мангу шундай.

Табиатнинг бундай мўъжизалари бошқа ерларда албатта қадамжога айланиб, нодон бидъатчи-хурофотчилар қўлига ўтади. Сумбултомчи эса тоғда ўсиб, юздан ошган табаррук қариялар оталигида эди.

Ориф ака уларнинг кўпи билан ошна эди. Улар билан у дунёдан, бу дунёдан доно гапларни гаплашиб ўтиришни яхши кўрар-

ди. Ҳозир у ўша отахонларни қўмсаб, ўзича маъюсгина жилмайиб қўйди.

Сарагулнинг бобоси Ҳалим бува ҳам шу қариялардан бири эди. «Очилни Сумбултомчига олиб кел, таништир», дея-дея оламдан ўтиб кетди бечора.

Бу тоғ қишлоқлари ўша вақтда, ўттизинчи йиллардаёқ кўпгина чиркин диний урф-одатлардан негадир холироқ, одамлари фисқ-фасодни билмас, қизлари эркин, очиқ бўлар эди. Ориф акани шуниси тортдими, ишқилиб, вилоятдан ёшлар вакили бўлиб юриб, маҳбубасини шу ердан топди. Бу ернинг олов қизлари бутун водийга машҳур эди.

Сарагул, масалан, паранжи ёпинган эмас. Унинг юзи доим ёниб турарди... Биринчи марта ёлғиз қолган оқшомлари ҳозир Ориф аканинг кўз ўнгида худди чақмоқ шуъласида ёришгандек гавдаланади. Тоғ ён бағридаги қандайдир чексиз токзорга кириб қолишган эди улар. Пастда ҳам, баландда ҳам, тоғда, тошда, ҳамма жойда сон-саноксиз сўрилар, ишкомлар. Узумзор, узумзор... Сира охири кўринмас эди. Улар худди сеҳрлангандай, чиқарга сўқмоқ тополмай юришар, адашдик деб пиқирлаб кулишар, оқшомда атрофдаги букри ишкомлар ғалати, соялар эртақдагидай сирли туюлар эди. Ҳамма йўллар танишу сира қайтиб чиқишолмайди, куз салқини баданларни жунжита бошлади, улар қўлтиқлашиб олиб, бир-бирларига тафт бериб ҳамон айланишар, ичларида эса икковлари ҳам бирдан йўл топилиб қолиб ажралиш пайти етиб келишидан кўрқар эдилар. Ҳамма вақт, бир умр мана шундай бир-бирларининг оғушида, бир-бирларининг меҳру ҳароратларини қалбдан сезиб, ёнма-ён юрадигандек ҳис қилардилар ўзларини. Улар бу боғларнинг ҳар пастқам бурчаги, ҳар сўқмоғи, ҳар қарич майсасини ёд билишар, лекин ҳозир негадир йўл топиб чиқиб кетишолмас эди.

Астойдил қош қорайганда Сарагулнинг баданини титроқ чулғади.

– Биз... биз ака укамиз-а, Ориф ака? Мен синглингизман, шундайми? – деди у негадир товуши қалтираб. Орифнинг бағри унга илиқ-иссиқ, лекин аллақандай кўрқинчлироқ эди бугун. Ориф индамади. Улар содда эдилар. Бир-бирларига интилишларини чиндан ҳам фақат дўстлик, ака-сингиллик ҳисси деб аташга уринардилар.

– Совқотиб юрма тағин... – Ориф уни пинжига яқинроқ тортди. Энди юриш ўнғайсиз эди, улар секинладилар, тўхтадилар, Сарагулнинг вужуди қизиб кетди. Оғуш иккаласини ҳам ёндирар эди. Ловиллаган ёноқлар, юзлар аста бир-бирига сийпаланиб, улар ўзлари ҳам билмай бир-бирларининг лабларини излаб топишди...

Кўзлар юмуқ, атроф қоронғи, баданларда хавотирли бўшашув... Бу азобли лаззат қанча чўзилганини билишмайди, икковларининг ҳам лаблари ял-ял ёниб зирқиради.

Кўрқиб кетган Сарагул титроқ гавдасини аста четга олди. Шу ҳолда бирпас ерга қараб турдилар. Куз салқини гупуриб турган қонни сал совутганда, бош кўтариб бир-бирларига қарадилар, уларнинг кўзларида бир-бирларига миннатдорлик ҳам, бу оташин бахт онидан бир оз кўркув ҳам бор эди.

– Яхши эмас... – деди Сарагул.

– Нега, мен акангман-ку... Мен сени яхши кўраман... Ахир совқотиб кетувдик... Анов бирда ҳам...

– У... бунақа эмас эди, – деди Сарагул, лекин қоронғида чақнаган кўзларида биринчи муҳаббат бўсасининг сирли лаззатини яна бир тотиш истаги ёниб турарди. Ориф чопонини унинг елкасига ташлаб, яна бағрига тортди...

...Нимадир гурс этиб, ГАЗнинг орқа ғилдираги чуқурга тушиб, кузов қаттиқ сакради, кабинанинг ичи чангга тўлди. Ширин хаёллари лип этиб ўчган Ориф ака уйқудан уйғонгандек атрофга қаради: қаер ўзи бу? Машина ҳамон сакрар, тарақлар, қия бўлар, тошга тегар, чанг тўзғитар эди. Эҳ-ҳе, бу Сумбултомчига кираверишдаги асфальт йўл-ку! Жуда ўйдим-чуқур бўлиб кетиб, асфальтдан ҳар жой-ҳар жойда парчалар қолибди, холос. Ё йўл бошқа бўлдимикан? Оббо, кўприк ҳам чатоқ-ку. Ориф ака ғурра бўлган пешанасини ушлаб атрофга қаради, кўприкда бир нима бўлиб қолса теваракда битта-яримта қарашиб юборадиган одам ҳам топилмаса керак. У бўйнидаги, ёқасидаги чангни қоқиб, омонат кўприкка қараб йўл солди. ГАЗ жонивор иланг-биланг бўлиб ётган чирик ходаларни босиб бир мўъжиза билан кўприкдан ўтиб олган эди, чиқаверишда шалоп этиб лойга ботиб қолди. Беш ўн минут қўнғиздек визиллаб ётиб, ундан ҳам чиқиб олди-ю, ичи ташига аллақандай қўланса балчиқ чапланиб кетди. Бу йўллардан кўпдан бери машина юрмаганга ўхшайди, Сумбултомчига бора-боргунча шунақа ўйилиб, шалағи чиқиб кетган, чанг, тош... йўл-ку тушунарди: собиқ туман! Лекин нега бирон кимса кўринмайди? Сарғайган қияликларда эчки боқиб юрган битта чол билан битта боладан бошқа ҳеч ким учрамади.

Ориф ака дам тўхтаб нафас олиб, дам арава йўлга ўтиб, тоғ-тошда моторини тариллатганча булоққа етиб борди, марказга киришга вақт етмас эди, кечгача Шивилғондан айланиб қайтиши керак. Ҳовлиқиб кабинадан чиқаркан тепаликдан булоқни кўриб, юраги орқага тортиб кетди: булоқ атрофи ботқоқ, чуқур туёқ излари, мол

тезаги, тепасида кўк пашша булути ғужғон ўйнарди. Супургидай юлиб ташланган сумбул толалари ботқоққа ғарқ бўлган қиз сочларидай таралиб, лойга ботиб ётибди. Ғорнинг оғзида сассиқ шайтонтароқ ғовлаб гуллаган. Қоя тепасида сарғиш тупроқ нураб, ўпирилиб, шабадада пастдаги сувга, ўтларга, ботқоққа тинимсиз тўзон пуркаб турарди... Бу ерда ҳам ҳечкимса кўринмади. Ориф ака ҳорғин, ўйчан орқага қайтиб, рулга ўтираркан, бирдан иситма тутгандай бўшашиб кетди...

Шивилғоннинг йўлларини ҳам қовжираган какра, шувоқ босиб ётибди. Машина сакрар, руль ҳам бўйсунмай ҳар замонда траверси ғирчиллаб, ғашга тегар эди. Ориф ака зўрға довон ошиб, ярим соатча чанг тўзғитиб юргандан кейин, кўзи жуда толиққач, қолган йўлни яёв босгиси келди. Шивилғон кўриниб қолган эди. Таниш, жуда ҳам таниш йўллар. йўл ёқасидаги ҳар туп наъматак, ҳар тикка тош юракка жиз этиб тегади. Ориф ака азиз остонага қадам қўйгандай, шимини қоқиб бир пой қўлқопини камарига қистирди-да, бошини кўтариб узоқларга қараганча қандайдир қадрдон, таниш белгиларни кўзи билан қидириб кетаверди. Шивилғоннинг қулоққа таниш шивиллаши эшитилди, тоққа ўрмалаб кетган узумзорлари қорайиб кўринди. Лекин тинч, одам шарпаси кўзга чалинмас эди.

Иссиқ, дим, қуёш энди оққан пайт; тўғри, бундай маҳалда қишлоқ кўчасида одам бўлмайди. Харсанг зиначаларда шалола зарралари билан ўйнаб қийқиришаётган қизил қўйлакли қизалоқларни кўрмоқчидек, илгариги одатича тошдан дадил сакраб, кўча бошига чиққан Ориф ака таққа тўхтади. Аввал шуни кўрдикки, зина-зина бўлиб кетган харсанг қирғоқларда ҳеч қандай қизалоқлар йўқ эди. Кўчанинг икки четидаги уйларнинг кўпи бузилиб, синчлари ташиб кетилган, эшик-деразаларга тахта қоқилган, харсанг зиналарда ботмон-ботмон эски пахса лой бўлиб сомони чиқиб ётибди. Шаршаранинг захридан Ориф аканинг эти увушиб кетди. Қандайдир бир қадрдонини йўқотган одамдек, тиззалари бўшашиб, тепага аста чиқиб борди. Таниш тор кўчага қадам қўйиши билан зах пўпанак ҳиди нафасини бўғди: қаровсиз узумларга ёппасига кул тушган эди. Кимнингдир заиф қўллари билан тол чивикқа чала кўтарилган зангларда онда-сонда чарослар қорайиб кўринарди-ю, тоқларни бачки новда босиб, ғовлаб ётарди. Хаёлида ўтмиш хотиралари, оғир ўйлар, кўнглида ғалати ҳислар чувалиб, Ориф ака жин кўчаю эски тоқзорлар оралаб анча юрди. Оёқ остида хазон шилдирар, чириган узум бошларида ари ғувиллар эди. Бу орада чўққи ортига юмалаган қуёш қурий бошлаган кимсасиз

боғларни хазонрезги палласидагидек сарғайтириб юборди. Ориф ака дафъатан дилида қарилик юкини сезди...

Кечки тинликда қаердадир «тўқ-тўқ» этган товуш эшитиларди. Ориф ака ғовлаган какра, супурги орасида ер бағирлаб ётган, кул ҳиди анқиб турган касалманд узумларни оралаб ҳорғин юриб борди. Қараса, нотаниш бир чол қийшайиб ётган ишком остида тоқларни болта билан чопиб йиқитяпти, Ориф ака узоқроқ тўхтаб, чолнинг ҳансирашига, «тўқ-тўқ-тўқ» этган ёлғиз болта товушига кулоқ солди. Бир вақтлар унинг биринчи муҳаббат бўсасини бегона кўздан яширган қадрдон кекса тоқлар гурсиллаб ерга йиқилар эди. Ориф ака чала вайрон бир чайланинг устунига суяниб манглайини сидириб артди, чолга нима дейишини билмай узоқ турди. Шивилғонликни тоқка болта уришга мажбур этилган бўлса, бу ерда анча-мунча воқеалар юз берибди-да...

- Ота...

Чол аввал эшитмади-ю, кейинроқ ғира-ширада бегона одамни кўриб, болтани белбоғига қистирди. Яктаги ҳам оппоқ, кўкрагини босган жунлари ҳам оппоқ, кичкина жуссаси букчайганроқ, лекин пайлари чайир эди чолнинг. Саломлашгандан кейин, ўрик ёйиб кўйилган чопонининг бир енгига ўтириб, нос отди.

- Увол бўляпти... Гуноҳ, - деди меҳмоннинг юзида савол аралаш ачинишни кўриб. - Водийга касал тарқатадиган жойга айланиб қолди. Қарайдиган одам йўқ. Яхшиси...

- Бу ернинг одамлари чўлга кўчирилганми?

- Ҳа, чўлдаги янги совхозларга. Тоғ қишлоқларининг ҳаммаси кўчган.

- Ўз ихтиёрлари билан кўчишганми? - Ориф ака ҳам рўпарага чордана қуриб, дўпписини ерга қўйди.

- Сен кимсан ўзинг, ўғлим? Танимай турибман, - деди чол жавоб бериш ўрнига. Айёрроқ кўзларини қисиб қаради.

- Исмин Орифжон. Ҳов, Ҳалим отанинг невараси Сарагулни олиб кетувдим, эсингиздами?

- Э-ҳа, эшитганман. Ўзингни кўрган эмасману, эшитганман. Танжонинг омонми ишқилиб? Сарагул анов дўхтир қиз эди-да, у ҳам оламдан ўтди чамамда... Ҳаа, - Чол носни туфлаб, оқ чўққи соқолини силади. - Қолганларнинг умрини берсин... Ҳа ихтиёрий, ихтиёрий кўчиб кетишди. Аввалига норозилик, қаршилик ҳам бўлди-ю, кейин, газетада чиққандан кейин карнай-сурнай бўлиб кетди... Хизмат қаерда, ўғлим?

- Шу туманда...

– Ҳа, ҳукуматнинг ўзи билади ишқилиб. Хўжаликда туганмас хазина бор, дейишади. У ерлар ҳукуматга жуда фойдали экан.

– Ҳозир қишлоқда ҳеч ким йўқми?

– Бор. Беш-ўнта қари-қартанг қолганмиз. Бизларга фойда ҳам, хазина ҳам шу ерда, ота-бобомизнинг хоки поки....

– У ерлар ҳам бегона эмас, ота, – деди Ориф ака.

– Тўғри айтасан, бегона эмас. Аммо бу ерлар-чи, бегона эканми? Кимга бегона экан? Чўлдан келганлар тахта урилган эшикларни, кўзи бекилган булоқларни, кул босган тазумларни кўриб йиғлаб қайтиб кетяпти. Минг хазина топса ҳам, одам кўнгилчан бўлади, болам. Фақат хазина бойлик эмас, меҳр ҳам бойлик. Одам кўзининг қувонгани ҳам бойлик.

– Йиғлаб қайтиб кетишар экан, шу ерда қолаверишса бўлмайди-ми? – деб сўради Ориф ака.

Чол ер тагидан қараб кўйди.

– Мени синаб нима қиласан, ўғлим. Ўзинг туманда ишлар экансан... – «Туман» деган сўзга энди эътибор бериб қолди шекилли, чол меҳмонга хавотир билан разм солиб ўрнидан турди. – Бизни туманда ҳамма билади, бизга рухсат берилган. Янги экансиз, ишон-масангиз борганда начайликдан сўранг...

Ориф ака бирдан хавотир олиб қолган чолга раҳми келиб, индаёлмади. Чол узоқлашиб кетди. Унинг бирдан ғалати бўлиб қолган кичкинагина юзи йўлда бора-боргунча Ориф аканинг кўз ўнгидан кетмади.

Йўл ҳали ёруғ бўлса ҳам, Ориф ака фараларни ёқди. Тикка тушган чироқ нурида ўйдим-чуқурлар қоп-қора, ваҳимали бўлиб кўринар, ойнага сон-саноксиз капалаклар, чивин, чигирткалар келиб урилар эди. Собиқ туман йўлларидан ўтгунча Ориф ака ҳолдан тояёзди, бир ярим соатдан кейингина равон йўлга чиқди-ю, хаёллари сал тартибга тушди. Кеча қоронғи, дим эди. Тоғ қишлоқларининг салқин эпкини орқада қолди. Лекин оғир таассуроти ҳамон судралиб келар, чарчатар, хаёлни чувалтирар эди.

Собиқ туманнинг аҳволи, тоғ қишлоқларидаги халқнинг чўлдаги янги хўжаликларга кўчирилганлиги, чолнинг айтган кўп гаплари Ориф акага аввалдан ҳам тахминан маълум эди. Лекин ҳозир чолнинг ўзи унинг кўз ўнгидан кетмай қолди. Унинг товуши қулоғига чалинади: «Одам кўнгилчан бўлади...» «Меҳр ҳам бойлик», «Одам кўзининг қувонгани ҳам бойлик». У нега Ориф акадан чўчиди? Ориф аканинг айби нима? Хайрлашмасдан жўнаб қолди-я! Сарагулни танирмиди экан? Балки уруш йилларидаги ҳаётини билар. Суриштириш, эслаб, гаплашиб ўтириш керак эди. Бўлмади.

Энди тезроқ ҳайдаш керак. Онабиби кутиб қолгандир. Хайриятки, Онабиби бор. У ҳозир Ориф аканинг чалкаш хаёлларида бирдан-бир ёруғ нуқта. Ориф ака оғир хаёллардан, ўтмишдан қочгандек, Онабиби сари интилар, газни устма-уст босиб, қора тунни ёриб борар эди. Лекин ўтган кунлар босиб келиб, хаёлини яна чувалтирди.

Онабиби... «Майли, эмиз. Оти Онабиби бўла қолсин...»

Ўн беш йил аввал эди. Ориф ака урушдан кейинги тиклаш ишларидан, Белоруссиядан қайтди. Қайтиб келса, остонага қадам қўйиши билан – чақалоқ йиғиси!

Юраги шиғ этиб кетди. Нима гап ўзи? Доктор Сарагулни туғмайдими, деган, улар тирноққа зор эдилар. Ё ўзгариш бўлдимиди? Ундай деса Орифжоннинг кетганига қанча бўлди ўзи? Ёки...

Орифжон бир зумда минг хаёлга бориб, бир исиб, бир совиб, ичкарига кириб борса, Сарагул бешик устида алла айтиб ўтирибди.

– Қумрининг боласи, Қумри ўлиб қолди... – деб дарров изоҳ берди Сарагул эрининг кўксига ташланиб.

-А?

Қумри – Сарагулнинг ҳамқишлоғи, жуда яқин дугонаси, етим қиз эди.

Фермада ишлаб юрадиган бу қизни Ориф танир эди, юраги ачишиб кетди, хотинининг бошини силади.

– Туғди-ю, ўлиб қолди ўтган ҳафта. Қишлоқ касалхонасида... – деди Сарагул йиғлаб.

– Эри ким?

– Эри йўқ эди...

– Бунинг отаси бордир ахир?!

–...Қизиқмисиз, – деди Сарагул Орифжоннинг овозини балан-длатганидан хафа бўлиб, отасиз бола бўладими, деган маънода. – Хабар олмади.

– Билмагандир?

– Билган. Ёмон одам экан. Хабар олмади. Қаерда эканини билмас эдик. Кейин, қамалибди, деган гап тарқалди.

Орифжон бешик устига келиб, чақалоқнинг юзини очиб кўрди. Уйлаб туриб бир жилмайди-ю, яна жиддий тус олди. Нима дейишини билмасди.

– Хужжатини ҳам олиб келдим... – деди Сарагул, кейин: – ...эмиздим, – деб қўшиб қўйди паст овоз билан.

Орифжон нима дейишини билмади. Жуда кутилмаган гап эди бу. Кечгача бу ҳақда хотинига бир нима демади. Сарагул сафардан келган Орифжонга иссиқ сув, овқат, нон-чой, кийим-бош тайёрлаб

ивирсир, дам бешикка, дам эрига қараб қўяр эди. Улар ҳамма вақт икков ёлғиз яшаб, оҳиста, шов-шувсиз, камташвиш ҳаётга ўрганиб қолган эдилар, бугун бўлса уйда қандайдир ташвиш, шошқалоқлик... Кечқурун дастурхон устида Сарагул эркаланиб эрига яқинроқ ўтирган эди, бола йиғлаб берди. Эри хотин кўз тикишиб қолдилар.

– Ол, эмиз... – деди Орифжон. Кўнгли илиб кетди.

Бегона боланинг хотинининг кўкрагини чўлп-чўлп эмиши аввал эриш туюлиб, ғашига теккандай, уни анча безовта ҳам қилди, лекин Орифжон ўзини босиб олишга уринди.

– Оти Онабиби бўла қолсин... Опамнинг оти, – деди.

Сарагул чақалоқни кўксига босиб, эри келгандан бери биринчи марта бемалол, чин кўнгилдан жилмайди.

... Уйда ҳозир Ориф акани шу Онабиби кутяпти. Жуда зориқиб кутяпти, Ориф ака буни биллади. Улар ўн беш йилдан бери чинакам меҳр-оқибатли ота-бола бўлиб яшамоқдалар. Ориф ака кўп жойда масъул ишларда ишлади. Қаерга борса янги жой, янги уй берадилар, ёққан ёлғиз чироғи шу – Онабиби. Энг оғир дамларда дилини шу чироқ ёритади, энг азобли йўлларда шу чироқ иссиқ уйга чорлайди, кўнглини юмшатади. Фақат, қаердадир унга ота тегиш виждонсиз бир одам борлигини эслаганда қаттиқ хафа бўлади Ориф ака. Унинг ҳам бошқалар қатори шу тупроқни босиб, шу ҳаводан нафас олиб юрганига чидай олмайди.

Балки у одам энди оламда йўқдир. Нима бўлса ҳам кичкина Онабиби Ориф аканики. Сарагулнинг эвазига қолган жигарбанди. Тақдир унинг бағридан севимли Сарагулини юлиб олди-ю, ўрнига мана шу овунчоқни, мана шу қимматга тушган жажжи бахтни берди.

Сарагул гўдакни икки йил бағрига босиб юриб, ҳолвайтар, шинни ялатиб катта қилди. Онабиби ҳамманинг ҳаваси келадиган, лўппи, сочлари жингалак, қиқир-қиқир кулганида кулгичи нур сочадиган қизча бўлиб, тетапоя қилганида, Сарагул эски ўрнига, Шивилғондаги касалхонага ишга кирди. Орифжон партия мактабига ўқишга кетган йил эди. Урушдан кейинги оғир йиллар, учтўрт қишлоққа бир касалхона, на ихтисосли врачлар, на транспорт бор, йўллар бузуқ, Сарагул ёлғиз, қишин-ёзин кечаю кундуз тиним билмасди. Лекин у чарчамади, қайтага шу йиллари жуда очилиб, дуркун жувон, обрўли «доктор опа» бўлиб кетди. Унинг севимли эри, дилбар қизчаси, қутлуғ касби бор, ўзи саломат, ёш, ғайратли. Қуни билан уйма-уй югуриб касал боқар, мактаб болаларини эм-



лар, узоқ тоғ қишлоқларига отда бориб касалларга ёрдам кўрсатар, кечалари ўтириб эрига хат ёзар, Онабисини эркалаб тўймас эди.

Бахтсизлик мана шундай кунлардан бирида юз берди. Кичкина Онабиби дифтеритга йўлиқиб, бирдан нафас олиши оғирлашиб қолди, Сарагулни ишдан чақириб келишди, келса вақт ўтиб қолибди, боланинг ҳоли оғир, эмлашга вакцина керак эди. Сарагул ўзини у ёққа урди, бу ёққа урди – вакцина йўқ, аптекада ҳам, касалхонада ҳам, амбулаторияда ҳам йўқ. Кимдир қўшни қишлоққа югурди, Сарагул туманга от чоптирди. Ўзи боланинг олдига қайтди, Онабиби докадай оқариб кетган, нафас олишга қийналар эди. Сарагулнинг жигар-бағри эзилиб кетди, кўз олдида боланинг ўлим билан олишуви, ожизлик... У ўзининг доктор эканини ҳам унутиб, совуқ деворга ёпишиб йиғлар, қўшниси билан ҳамшира қиз унга таскин беришга уринар эди.

Олти соат деганда, – бу олти соат Сарагул учун олти азобли кундай имиллаб ўтди, – тумандан хабар келди: дифтерит сивороткаси туманда ҳам йўқ экан, вилоятга телефон қилишган – бўлса эрталаб етказиб беришармиш.

– Эрталаб?!

Сарагул пахталиги билан тивит рўмолини йўл-йўлакай қўлга олиб, амбулаторияга қараб югурди. Қош қорайган эди. Даралардан рутубатли совуқ шамол эсиб турибди. Бу тоғ қишлоқлари қалин қорли юмшоқ қишга ўрганиб қолган. Лекин бу йил қиш қаҳрли келган эди, қор йўқ, баданни жунжитадиган қора совуқ.

Бирпасдан кейин Сарагул амбулатория ҳовлисида от эгарлаб чиқди. Бу унинг қишлоқларга миниб юрадиган севимли, ювош жийрон қашқаси эди. Ҳамшира қиз ҳам, қўни-қўшни ҳам Сарагулнинг вилоятга отланганини тушунди.

– Доктор опа... – деди ҳамшира ваҳимага тушиб. Сарагул узангига оёқ қўяркан унга гап бермади:

– Онабисининг ёнидан жилманг, жон синглим.

– Ахир, опа, қоп-қоронғи тун, изғирин, аёз! Бошқа биров...

– Туманимиздаги бу аҳволга мен ўзим айбдорман, – деди Сарагул, – ундан кейин... Онабиби учун керак бўлган дорини ҳеч ким мендан кўра тезроқ олиб келолмайди. – У этик кўнжидан қамчи дастасини олиши билан, жийрон қашқа йўртиб, учириб олиб кетди. «Доктор опа» қоронғи кўчанинг у бошида кичкинагина бўлиб бир кўринди-ю, зумда кўздан ғойиб бўлди.

Кечаси боланинг аҳволи яна оғирлашди, тонгга яқин нафаси тамом бўғила бошлади. Ҳамшира қиз ожизликдан сочини юлишга тайёр бўлиб турганда кўчада от дупури эшитилди.

Сарагулнинг қўл-оёғи ёғочдай қотиб, қаҳратонда музлаб ерга тушган поллопон сингари кичкинагина, думалоққина бўлиб қолган эди. Тонг ёруғида кўм-кўк юзи жонсиздай кўринди. Лаблари бир-бирига тегмай сал қимирлади, «Тирикми?», деб сўради шекилли. Кўплашиб уни зўрға отдан тушириб олдилар.

Онабиби фақат вакцинага қараб турган экан, икки кун деганда бояги-боягидай лўппигина, кулдиргичли ширин қиз, типир-типир юриб бориб онасини «ачом» қиладиган бўлди. Лекин шу куни кечаси баланд иситма Сарагулнинг аҳволини ошкор қилди. Уни дарров касалхонага олиб кетдилар, Орифжонга телеграмма бердилар.

Икки кундан кейин Орифжонни вилоят касалхонасида қовоғи солиқ бош врач қўллари оғирона ёйиб кутиб олди.

– Кеч хабар қилишди, икки тарафлама зотилжам... – деб тушунтира бошлади у. Лекин даҳшатли воқеани англаган Орифжоннинг қулоғига гап кирмас эди. Дўхтир жим бўлиб қолди.

– Хотинингизнинг қандай одамлигини билармидингиз? – деб сўради у охири.

Ориф ака ўша вақтда бу саволга жавоб беролмади. Ўлим хабаари билан бирга туғилган бу савол ўша вақтда уни гангитиб қўйган эди. Ҳозир жавоб бероладими? Қандай одам билан ёнма-ён юрганини, қандай одам билан турганини кейин билиб қолар экан киши. Оддий қишлоқ қизи Сарагулнинг янги-янги фазилатлари ўйлаган сари кўпроқ очиларди, Ориф ака уларни ҳали-ҳануз кашф этиб тугатолган эмас. Ҳозир сочлари оқариб кетди ҳам, Сарагулни ўйлайди, дарду алами ҳам, ўксиш-изтироби ҳам, юпанч-қувончлари ҳам шу ўйларида.

Бир чеккаси бунга Онабиби ҳам сабаб бўляпти. Уни Сарагул ўз ўрнига шунинг учун ташлаб кетгандек. Қизиқ, она сути билан кирар эканми, қилиқлари, юришлари доим Сарагулни эсга солади. Шу бўлмаса Ориф ака бошқага уйланиб кетармиди ҳали. Йўқ, унуттирмади. Шу овунчоқ билан умр ўтди. Энди у мана шу ширин қизчаси билан, унга доим йўлдош бўлган азобли ва ширин хотиралар билан ўтиб кетишга қасд қилган...

Ориф ака йўлга тикилаверишдан кўзи толиқиб ариқ ёқасида бирпас тўхтади. Тормозни тортиб қўйиб, пастга тушди. Тун қоронғи, қоқ-қора осмонда юлдузлар чарақлаган, қирда тракторми, комбайн чироқлари йилтилар эди.

Сал ёзилиб, соф ҳавога тўйгандан кейин, тўсатдан хушига келгандай, бир нарса эсига тушди: қизиқ, боришда-ку бахтиёр дамлар, жами ширин, қувончли воқеалар лип-лип этиб хаёлидан ўтаверди,

қайтишда бўлса нуқул хунук, кўнгилсиз хотиралар чулғаб оляпти. Нима гап ўзи?

Ориф ака ўз ҳолатига ўзи тушунолмади. Ҳеч қачон бундай бўлган эмас эди. Бу кимсасиз тун, бу совуқ юлдузлар, бу ёлғизлик унга бирдан оғир туюлиб кетди. Шартта чиқиб ўрнига ўтирди-ю, уст-ма-уст газ бериб, машинаси тикка дашт йўлини чақиримлаб-чақиримлаб ямлай бошлади.

Онабиби мудраб ўтиргандир. Отаси қай вақтда кириб бормасин, тонг отгунча ҳам чироғини ёқиб қўйиб, кутиб ўтирадиган одати бор. Машина овозига югуриб чиққан қизининг муздек пешанасидан ўпса, Ориф аканинг кўнгли ёришади кетади. Тезроқ ҳайдаш керак.

Туман маркази тунги уйқуга толган, фақат ёғ заводининг электр станциясигина бир меъёрда гупиллаб турарди. Паркнинг рангдор маржон чироқлари ҳам сўнди, боғнинг бурчак-бурчакларида вақтни унутиб кеч қолган ёш-яланг чироқ ўчганда шўхлик билан хандон кулди-да, кейин яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди.

Деразада чироқ йўқ эди. Ориф ака бу пайтда Онабибининг ухлаши кераклигини билса ҳам, негадир кўнглида аламли ёлғизлик, ғашлик сезди. Гараж дарвозасини ғирчиллатмасдан секин очиб, машинани кўйди, қоронғи ҳовлидан ўтиб, ечинмай, ювинмай, ҳатто чанг қўлқопини ҳам ечмай, супанинг бурчагига бориб ўтирди. Жим. Қоронғи. Оламда ҳеч кими, ҳеч нарсаси йўқдек, фақат шу жимлик, шу қоронғилик уни мангуликка чулғаб олгандек эди. Қўлқопини ечиб чаккаларини ушлади, куни билан рулда ўтириб толиққан вужудида қон ҳорғин-ҳорғин гупилларди. Бирдан юраги узилгудек бўлиб қорни очганини сезди, лекин негадир киссаларидан папирос қидира бошлади. Папирос йўқ эди. Уйга кирди, қоронғида токчаларни, эски плаш чўнтақларини титкилади – чекадиган бирон чимдим нарса топилса-чи! Бўғилиб кетди, курсига қоқилиб бир нималарни ағдарди. Ошхонага кириб, ноилож яна ўтирган эди, столда қўли бир нарсага тегди, қараса бир қути «Беломор». Ориф ака аламли жилмайиб қўйди, ўзига ўзи жаҳли чиқди: «Нима гап ўзи, мунча бўғилмасам!» Бирпас ўтириб ўзини босди. Ошхонани тутган ширин таом ҳиди димоғига энди келиб урилди. Айвонда чироқ ёнди – қозон қопқоғининг тарақлашига Онабиби ҳам уйғонди шекилли.

– Дада, шовлани ўзингиз иситиб ея қолинг... – деди уйқу аралаш.

Ориф ака уқалаган папиросини чекмай қутига солиб қўйди, этигини тозаламай киргани эсига тушиб ташқарига чиқди. Айвонда уст-бошини қоқиб, ювинди. Ухлаб ётган Онабибига тикилиб тур-

ди-да, қўлларини ишқалаб, тетик бўлишга уриниб, ичкари кирди, илиқ-милиқ шовлани косага сузди.

Лекин яна бирдан иштаҳаси қочиб, ҳалиги ғашлик тағин қайтиб келди, тетик бўлишга атайлаб уринаётганини пайқаб қолди. Уйқуси келмас эди, ҳозир ётса азонгача дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағдарилиб, азоб чекишини билади. Бирдан, юз граммгина бўлса ҳам ичгиси келиб кетди. Лекин бу уйда топилармиди? Бу уйда бирон марта эркак-хотин жам бўлиб тузукроқ улфатчилик қилган бўлмаса. Нукул чуғур-чуғур бола-чақа. Шу ҳам тирикчилик бўлди-ю...

Ориф ака ўзини қаёққа қўйишини билмай кўчага чиқди. Нарироқда селпо магазини бор эди. Зинасида чой яшикларидан сўри қилиб Мустафо-чўлоқ ўтиради. Кечаси кўчада ҳеч ким бўлмаса ҳам, Мустафони топасиз, қишин-ёзин шу ерда, ўқланмаган эски милтиғини қучоқлаб мудрагани-мудраган.

– Салом, қария.

– Ййи, ассалом ағалайкум, ипташ...

– Чоракта топиладими? – деди Ориф ака.

– А? – Мустафо-чўлоққа кечалари ҳар хил одамларнинг иши тушади. Лекин бундай мартабали одамнинг шунақанги илтимос билан келиши уни бир оз гангитиб қўйди. «Интересний киши экан янги секретарибиз», деди ичида. Кейин оқсоқланиб, яшиклар орасида ивирсий бошлади. – Тигими... тобила, иним, тобила...

Чорактани бўлиб ичишди. Мустафонинг оғзи кулоғида эди, Ориф ака уйга кирмай, оёғи тортган томонга қараб юрди. Уфқ ғира-шира ёришиб келаётган эди, кўчада ҳали ҳеч ким йўқ, у бўлса қаёққа кетаётганини ўзи билмайди, ҳалигиндан оғзи бемаза бўлди холос, кўнгли ёришмади. Кечаси қоровулдан ароқ олиб ичганини эслаб, баттар ғижинди.

У ўз аҳволини билар, лекин кўнглидаги ғашликни нима деб аташни билмас, уни сўз билан бировга тушунтириш эмас, ўзи учун аниқлаб олишдан ҳам ожиз эди. Бу дилхираликни тарқатиб юбориш керак. Мана сарин тонг отяпти, мана истироҳат боғи тинч, қоровулларнинг йўлкаларга пақирлаб сув сепгани узоқлардан эшитилляпти.

Аммо Ориф акага бу ерда ҳам ҳеч нима хуш келмади. Боғ нукул акация дарахтидан иборат экан, ширанинг уяси. Бундай сувли жанубий туманларда истироҳат боғларида кўркам декоратив дарахтлар ўтқазса ҳам бўларди. Акация бошқа дарахт ўсмайдиган сувсиз чўлларга ноиложликдан ўтқазиладиган файзсиз дарахт-ку. Йўлкаларнинг ҳам икки томони етти йиллик ҳақидаги стандарт

диаграммалар билан тўлиб кетибди. Атиргулларни тўсиб нима қиларкин...

Ориф ака аста юриб ҳовуз олдидан чиқди. Ҳовуз атрофидаги дарахтларга, симёғочларга қизил алвонлар, шиорлар осилган эди. Дарахт тагидаги яшил ўтиргичда ёлғиз одам кўринди. Гилам дўппи кийган бу чўтирроқ одам туман газетасининг муҳаррири Назаров эди, Ориф ака уни узоқдан таниди.

– Ҳўш, илҳом келяптими? – деди Ориф ака яқинлашиб.

– Э, салом! – Назаров қизаринқираб блокнотини яширди. – Барвақт чиқиб қолибсиз, ишгами?

– Ўзлари-чи?

– Эрта туриб бир оз айланадиган одатим бор...

– Идора шу атрофдами?

– Яқин, ҳов сувчилар идорасининг рўпарасида. Қани бирпас ўтиринг, ҳаво яхши.

Ориф ака ўтирди. Ҳовузда қандайдир плакат сузарди, шамол юлқиб учирган бўлса керак. Боғнинг нариги бурчагидаги чойхонага саксовул тушди, гурсиллаган товуш, аравакаш билан самоварчининг гаплари баралла эшитилиб турарди.

– Газетамиз билан танишяпсизми, Ориф ака? – деди Назаров. – Тузукми?

– Танишяпман. Кампания ўтказишга устаси фаранг бўлиб кетибсиз, – деди Ориф ака. – Даштга кўчиш – кампания, маккажўхори – кампания, соғлиқни сақлаш – кампания, кўчат ўтқазиш – кампания...

– Бу яхшими, ёмонми, Ориф ака?

– Мен баҳо бермоқчи эмасман, ука. Аммо лекин ҳаётни ортиқча расмийлаштириб юборяпмиз... – Ориф ака бирдан ўйга толди. У ўзига ҳам аниқ бўлмаган бир гапни бошлаб қўйганини фаҳмлаб қолди. – Мана рўпарангиздаги шиорни ўқинг: «Комплекс механизацияни турмушга кенг татбиқ қилайлик!» «...Кенг татбиқ қилайлик!» Хўп... қайси маънода?

– Газеталарда шундай ёзилади, қабул қилинган...

– Биламан. Комплекс механизация ҳам яхши нарса. Лекин мана мен, сиз, конкрет олганда, қандай «татбиқ қиламиз?» Нима қилишимиз керак? Конкрет?

Назаров елкасини қисди. Ориф ака давом этди.

– Сўнгра, бу ерда, истироҳат боғида, шу шиорга жиддий эътибор берган одам ёнидаги севгилисига айтадиган гапини айтолмай қолади-ку? Демак, жиддий эътибор бериш шарт эмас, шунчаки, безак...

Назаров бу гапга қўшилмаганини билдириб, ҳазиллашманг, дегандек, илжайди.

– Йўқ, йўқ, нега, безак, безак! Бунни энди ҳамма шундай деб билади. Ўз газетангизда шундай деб ёзаясиз: «Туман клубининг пештоқи шиор ва чақириқлар билан безатилган эди». Шундайми?

– Ҳа, слёт олдидан...

– Демак, безак. Чунки шиор ва чақириқлар ўз маъносини йўқотиб қўйяпти. Шунинг учун ундаги «кенг татбиқларга ҳам эътибор бермай қўйганмиз. Шунинг учун уларни истаган жойга ёзиб осаверамиз. Бунни биз ўзимиз қиялпмиз. Уруш вақтидаги «Қасос ол!» деган плакат ёдингиздами?

– Ҳа, она сурати солинган бўлар эди...

– Ҳа, она сурати. У Ватан номидан худди кўзингизга қараб хитоб қилар, сиздан аниқ жавоб кутар, эсингизни жойига келтирар эди.

– Ҳа!

– Сиз ўша плакат қоқилган жойни «чақириқлар билан безатилган», деб айта олармидингиз.

– Йўқ, Ориф ака.

– Баракалла.

Улар жим қолишди. Назаров рўпарасидаги ўнлаб шиорларга бир-бир кўз қирини ташлади. У неча йилдан бери ёз кунлари деярли ҳар тонг шу боққа кириб бир айланади, шу вақтгача биронта шиорни разм солиб ўқиб кўрмаган экан.

– Ана, рўпарангизда яна бир алвон: «Кўча тозалиги учун курашни қизитайлик». «Кураш!» Буюк, муқаддас, сўз. Ҳар қадамда «Кураш», «Шон-шарафлар...» Бу мўътабар сўзларнинг қадри тушиб кетяпти. Мана соф ҳавода ўтирибмиз, кислородсиз яшаб бўлмайди. Лекин биз ҳар муюшда «Яшасин кислород!» деб қичқирмаймиз-ку. Биз шунчаки нафас оламиз. Нафас олаверайлик-да ахир!

– Гапингиз тўғри. Лекин нима қилиш керак?

– Билмайман! – деди Ориф ака шартта кесиб. Лекин бир зумдан кейин давом этди: – Чамамда, аввало, ўзимиз самимий бўлишимиз керак. Мана ўзингиз табиатан қандай бўлсангиз шундай. Сўнгра, газета оддий инсонийлик ҳақида сезиши керак. Кампаниясиз, расмиятсиз, сохталиксиз, инсонийлик ҳақида...

Назаров гапга жуда қизиқиб, унинг оғзига тикилиб қолди.

– Яна?

– «Яна?» Нима, сиз мендан кўрсатма кутяпсизми? – Ориф ака муҳаррирга қараб кулди: – Билиб қўйинг, мен сизга ҳеч қачон кўрсатма бермайман, «яна» эмиш. Билмайман, вассалом! Ўзингиз

ўйланг. Ўйлаганингизни менга ҳам айтинг, мана мен сизга айтганимдай...

Ориф ака соатига қараб, муҳаррирга қўл берди. Назаров куларди.

– Нега илжайяпсиз?

– Аломат одам экансиз, Ориф ака... – деди Назаров ҳамон кулиб.

– Секретарь... секретарь ҳалигача иш бошлагани йўқ. Нимадан бошлашни билмай юрибман, – деди Ориф ака кетаётиб. У энди негадир жадалроқ, тетикроқ қадам ташларди. Энди кўнглида нимадир аниқлангандек, ғашликлари ўйга айлана бошлагандек бўлди.

Бироқ шу кун ҳам, эртасига ҳам хаёлларининг ипини ушлолмай, фикрларида ёруғ бир нуқта тополмай паришон юрди. Райкомда ҳам кунлари асосий ишни тутиб ололмагандай одатдаги ташвишлар, танишишлар билан ўтарди. Бўлим бошлиқларини бир-бир чақириб суҳбатлашди. Навбатдаги бюрода кўриладиган масалалар билан танишиб, хўжалик ишларига доир масалаларнинг ҳаммасини туман ҳокимлиги кенгашига ўтказиб юборди. Қишлоқ хўжалик бўлимига кириб, кичкина бир мажлисга дуч келди. Мажлисда бошдан-оёқ ўтирди-ю гапирмади, кўпгина мироблар, раислар билан танишиб олди.

Кечкурун якунлаб қараса, биронта амалий иш қилмабди. Унга нимадир халақит берарди. Одамлар билан гаплашганда ҳам бўлар-бўлмасга тихирлик қилиб, яна анча-мунча дилхираликни орттириб олди. Темир йўл вокзалининг бошлиғи билан гаплашганда ҳам юк ташиш графиги у ёқда қолиб, иккинчи даражали гап билан дилозорлик қилди.

– Катта ёзув осиб, бугун халққа пеш қилиб қўйибсиз, «Депутатлар хонаси» деб! Менга тушунтиринг-чи, нимага?

Вокзал бошлиғи ҳақиқатан ҳам бу ҳақда ҳеч ўйламаган экан, тушунтириб беролмади.

– Депутат ҳамма қатори залда кутса кўз тегиб қоладими? Ё билет ололмайдими? Халқ бошқа-ю, депутат бошқа экан-да? Ё у халқни камроқ кўриши керакми? Уни ким сайлаган ўзи?

– Ҳамма жойда шундай, ахир, ўртоқ секретарь...

– Ҳамма жойнинг ўз одамлари бор, жиян. Бу ерда сиз билан биз ўйлашимиз керак. Менинг саволларимга жавоб беролмадингиз, шундайми? Мен ҳам жавоб беролмайман. Боринг, ўйланг, саломат бўлинг.

Бу бўшангроқ йигит билан хайрлашгандан кейин Ориф ака яна ўзини койий бошлади. Бемаза, дағал гап. Ўзинг жавоб беролманг ундан сўраб нима қиласан? «Боринг, ўйланг!» эмиш. Биринчи

кўриб турган одаминг бўлса. Қандай киши, ўй фикри нимада, хулқи қанақа, балки юрагида дарди бор, балки бир енгилтакдир...

Ҳаммамиз ҳам шунақа. Инсонни аввало инсон деб эмас, фақат бир ижрочи деб биламиз. Эҳтимол унинг бошида сеникидан ҳам чигалроқ саволлар, балки гўзал фикрлар бордир. Ким сўрайди ундан бу ҳақда? Сенми? Йўқ. Сен райкомсан. Сен: «Бажардингми?» деб сўрашинг керак. Бажарган бўлса яхши, бажармаган бўлса, «Боринг, ўйланг!»

Хўш, унинг ўйларини, бола-чақасини, кайфиятини биров сўраши шартми? Ўзи келиб бемалол гапирса бўлмайдими? Райкомга-я? Ҳа, райкомга. Одамлар орасида, оддий одамлар билан раҳбарлар орасида, одамлар билан райком ва ҳукумат органлари орасида шундай муҳит яратиш мумкин эмасми? Шундай муҳит яратилса эдики, одам уйида нимани ўйлаган бўлса, мажлисда ҳам шуни гапирса. Кўнглида нима ўйлар тинчлик бермаётган бўлса, райкомда ҳам, обкомда ҳам...

Обкомда?

Ориф аканинг кўз ўнгида Мария гавдаланди. Уч-тўрт кундан бери йўқотиб юрган нарсасини бирдан топиб олгандек кўнгли сал ёришиб, эртасигаёқ Мариянинг олдига боришга қатъий қарор қилди.

«Бораман, бораман, – деди Ориф ака кечаси билан шу хаёлда тўлғаниб. – Иш бошлолмаётганимни, нимадир халақит бераётганини айтаман». Нима? Нима халал беряпти? Бунини у айтиб беролмайди. Ориф ака тайёр формулаларни ёқтирмайди. Суҳбатда туғилган ҳақиқат пухтароқ бўлади. Шунинг учун ким биландир, яхшиси Мария билан гаплашиш керак...

Шу пайт айвонда гаплашиб ўтирган Онабиби билан Темирнинг гурунги Ориф аканинг диққатини бўлди. Сийраккина илиқ ёмғир томчиламоқда эди. Темир билан ёнма-ён, тиззасини кучоқлаб ўтирган Онабиби кафтини ёмғирга тутиб қиқирлади:

– Вой, мана томди, илиқ-милиқ! Кўлингни олиб кел-чи!

Темир жиддий бола, кам гапиради. У ўнинчи синфнинг аълочиси, Онабибини ўз синглисидек доим ҳимоясида олиб юради. У ақлли, бўй-басти келишган, кўркам йигитча. Ёғ заводи директорининг ўғли, сал файласуфроқ. Ориф ака қизи билан унинг дўстлигини яширин бир меҳр билан кузатиб юради.

Кеч соат ўн бирлар. Нам тупроқ ва ўт-ўлан ҳиди очиқ деразадан кириб, уйни тўлдиради. Болаларнинг гурунги бўғотдаги мусичаларнинг ку-куси билан бўлиниб турибди. Темир йўлкага тўшалган сой тошларини кузатарди.



– Кўрдингми, баъзи тошларга ҳали ёмғир томмабди, – деди у салмоқлаб. – Эндиги томчининг қайси тошга тушишини ҳеч ким айтиб беролмайди. Ёмғир тинганда шунча тош ичида биттаси қуппа-қуруқлигича қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолни одамлар мўъжиза дейишади. Аслида бу қонун. Тасодифлар натижасида туғилган қонун. Мана, ҳозир ҳўл бўлмаган битта ҳам тош қолмади. Ҳаммаси бир хилда тим қора. Миллионлаб тасодифдан қонун туғилди. Демак, ёмғир нима?

– Қўйсанг-чи, биз ҳали буларни ўтмаганмиз.

– Тентак, бу дарс эмас. Биз ҳам ўтмаганмиз.

– «Тасодиф», «қонун...» Ёмғирнинг илиқлигини айтсанг-чи! Ҳидини қара. Мана, кафтимни ҳидлаб кўр-чи...

Ориф ака ичкаридан болаларни кўрмаётган бўлса-да, уларнинг беҳос яқинлашиб қолганда бир-биридан аста нарироқ сурилиб ўтиришганини, қарама-қарши, чала-чулпа гаплари ўзларига жуда ҳам маъқуллигини, ҳатто Онабибининг жажжи кафтидан хом ёнғоқнинг ачимсиқроқ ҳиди келишигача билиб ётибди. Онабиби ҳассос қиз. Гўзалликдан завқлана билади. Темир бўлса қуруқ мулоҳазачи. Гулни кўрса томоша қилиш ё ҳидлаш ўрнига сантиметрлаб ўлчай бошлайди. Шунинг учун ҳам улар бир-бирларига зарур бўлсалар керак. Шунинг учун иккаласи ҳам яхши. Бири бўлмаса бири бўлармиди? «Икки ёрти – бир бутун», дейди Ориф ака ўзича хаёлчан жилмайиб.

Шу жилмайиш унинг оғир, чигал ўйларини кўнглидан кўтариб ташлайди. Энди Темирнинг ақлли, мавҳум гаплари, Онабибининг қикирлаши узоқдан эшитилгандек бўлади. У очиқ деразадан илиқ ёмғир савалашини, мусичалар ку-кусини тинглаб уйқуга кетади...

Мария Васильевнанинг кабинетини турли нав гўза туплари, ҳосилдорлик диаграммалари, иқтисодий жадваллар билан... безатилган эди. «Безатилган» демасак бўлмади. Чунки бу ерда уларнинг бошқа вазифаси йўқ. Қабулга кирган одам бу мураккаб рақамларни таҳлил қилиб ўтиролмайди, албатта. Ориф ака деворларга қаради-ю, кўнглидаги росмана илиқ гапларни йўқотди-қўйди. Бундай жойда одам беихтиёр ўзини сипо тутишга, сўзларигагина эмас, товушига ҳам расмий тус беришга урина бошлайди.

Лекин Ориф аканинг рўпарасида болалиқдан таниш, чехрасида ҳали ҳам шўхлик шуъласини сақлаб қола олган, истараси иссиққина хотин ўтирарди. Мария Васильевна янги туман раҳбарининг келганига жуда хурсанд бўлиб ўрнидан турди. У ўрта бўйли бўлса ҳам, ёши ўтиб, анча тўлишиброқ қолганлигидан паканароқ кўринарди. Ориф ака унинг эркакчароқ силтаб узатган қўлини сиқиб,

қабулга кирганлар ўтирадиган креслога чўкди. Мария Васильевна бир трубкани елкаси билан қулоғига қисиб, иккала телефонда бирдан гаплашаркан, календар варағига ниманидир ёзди, ниманидир ўчирди-да, «эрталабдан шунча иш!» дегандек оғир ух тортиб, трубкаларни тарақлатиб жойига қўйди.

– Хўш, хизмат?

– Хизмат йўқ, шунчаки бир оз гаплашаман деб келган эдим...

Мария Васильевна қошларини баланд кўтариб, хайратомуз, шўхчан тикилди:

– Бекордан-бекор-а?

– Ҳа, – деди Ориф ака содда қилиб.

Мария Васильевна бирдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. У чиройли эмас, юзи ҳатто шиддатлироқ, лекин кулса кўркам бўлиб кетар эди, Ориф ака ҳали кулгининг сабабини тушуниб етмаса ҳам, кўшилишиб кулди.

– Вой Орифжон-эй, шунчаки гаплашиб ўтиргани дегин? Яна нима ёқади! Гузарга чойхонага чиқиб кетаётиб бу ерга адашиб кириб қолган бўлма тағин? – Мария Васильевна яна хандон отиб кула бошлаган эди, Ориф аканинг бирдан қовоғи солиниб қолганини кўриб, тўхтади.

– Марьям, шўх кулги сенга жуда ярашади. Лекин эртадан кеч-гача, – Ориф ака деворларга қаради, – бундай қуршовда ўтириш одамни тарашадай қуритиб юборса керак.

Мария Васильевна буни ўринсиз танбеҳ деб тушунди. Оғринди.

– Ишингни гапир.

– Ишни бошлаёлмаяпман. Бир нима халақит беряпти.

– Нима?

– Нималигини билсам сенга келармидим.

– Ана холос... Хўп, келибсан, яхши, хурсандман. Фикрингни аниқлаб, таклифларинг билан келмайсанми, ҳоким?

– Мен фикримни эмас, аҳволимни айтгани келдим. Шунчаки суҳбат...

– Ёш боламисан?.. Обком бу!

– Ана... ана... – деди жилмайиб Ориф ака, креслога қулайроқ жойлашиб ўтираркан, – сал суҳбатлашувдикки, тайёр фикр ҳам туғилиб қолди: обкомга одам шунчаки ўз ҳаяжонларини айтиш учун ҳам келиши мумкин.

Мария Васильевна тушуниб турибди: бекорчи одам эмас-ку, бундай масъул кишининг дардлари, ҳислари ҳам иш билан боғлиқ бўлади. Аммо Орифнинг бу гаплари обкомга танбеҳдай туюляпти, шунинг учун Мария Васильевнанинг чехрасидан қўланка кетмади.

– Гапир, гапир, нима, йўқ деяпманми, ташвиш – ҳаяжонларингни гапир. Хизмат?

– Қўйсанг-чи «хизмат»ингни... – деди Ориф ака пешанасини уқалаб. У Мариянинг очилиб гаплашишга қўймаётганини сезарди. Шунинг учун гапни танламай юзадагисини айтиб қўя қолди: – Шивилғонга бордим...

– Биламиз...

– Тоғ районини тугатиб чакки қилибсизлар.

«Яна танбеҳ», деб ўйлади Мария Васильевна.

– Тоғ районининг тугатилганини билардинг-ку.

– Билар эдиму тугатишнинг бундай бўлишини билмас эканман.

– Қандай бўлар экан?

– Маъмурий жиҳатдангина эмас, уни ном-нишонсиз бутунлай тугатиб юборишга қасд қилинибди.

– Унчалик эмас. Сенга шундай туюлгандир, бу табиий...

– Гап менда эмас. Булоқлар қуриган, боғлар сўлган. Узумзорларни кул босиб ётибди. Кимсасиз қишлоқлар, тахта қоқилган деразалар, кўршапалак уялаган кутсиз уйлар, гул ўрнига сассиқалиф ўсган ҳовлилар тоғ манзараларига қабристондай совуқ тус бериб турибди, йўл йўқ, кўприклар бузуқ... Юртнинг кўркам бир гўшаси эди-я. Неча мингларга ватан... Беҳурмат қилинибди, поймол этилибди. Увол... Мана бу ерда бир нимаси бўлган одам шундай қилмайди! – деди Ориф ака кўксини муштлаб.

– Сен кимни айбляпсан, Ориф? Сенинг шахсий туйғуларингни мен тушунаман. Лекин обкомда...

– Мен ҳозирча сени айбляпман. Бу ерда менинг шахсий туйғум эмас, инсон туйғуси, гўзаллик туйғуси, ватан туйғуси ҳақида гап кетяпти...

– Йўқ, бу ўзингнинг кўнгилчанлик ҳисларинг, Ориф. Биладан, оғир хотиралар сени эзиб қўйибди. Лекин буни обком ишига аралаштириш...

– Ҳўп, сен айтгандай бўлсин: бу менинг шахсий туйғуларим дейлик. Лекин мен уларни ичимга ютиб кетолмайман ахир! Ҳўш, уларни, бу туйғуларни қаёққа қўйишим керак? Кимга айтишим керак? Кимга...

– Менга қара! – Мария Васильевна ўрнидан туриб, мажлис олиб бораётгандек, қалам учи билан столдаги ойнани тақиллатди. – Ҳозирги сенинг районингда биз етти йилдан бери қора терга ботиб ишладик, унинг иқтисодиётини қайта қурдик, пастдаги ёввойи чўлни жиловлаб, сув чиқардик, ҳаёт бағишладик, аҳоли кўчирдик, у ерда олтига хўжаликни барпо этгунча она сутимиз оғзимиздан

келди. Бу хўжаликлар олдига бу йил ўз харажатларини қоплаш вазифасини қўйганмиз. Сен бундан ҳам беҳабарсан. У хўжаликларда аҳвол ҳали ҳам оғир... Сен, райком секретари, у ерларга ҳалигача бирон марта бордингми? Чўл заҳматкашларининг ғайрат-шижоатларини кўрддингми? йўқ. Бормай-кўрмай туриб хўжаликнинг бўйнига айб қўйяпсан... Илк муҳаббат гўшаларингни бир сайр этиб келиб, кўз ёш қилиб юрибсан: «Оҳ-воҳ! Табиат манзаралари!..»

Ориф ака индамай бош эгиб қолди.

«Аттанг, бу ишим ҳам хато бўлди, – деб ўйлади у намиққан пешанасини қўлининг сирти билан артиб. – Ҳақиқатан ҳам, ҳеч нарса кўрмай-билмай туриб, даъво, димоқ... Мен бундай эмас эдим шекилли...» Қизишиб гапирганидан ҳансираб қолган Мария Васильевна стол орқасида у ёқдан-бу ёққа юрарди:

Мария Васильевна келиб унинг елкасига қўлини қўйди-да, «Мен-ку тушунаман...» дегандек қараб, тасалли берган бўлди.

– Гапинг тўғри, Мария Васильевна. Мен ҳозир хўжаликга кетаман.

– Хайр, – Мария Васильевна қўл берди.

Йўлакда папка қўлтиқлаган сипо йигитлар, ортиқча гап гапирмайдиган қизлар жуда ишчан қиёфада у ёқ-бу ёққа ўтиб турарди. Ориф ака бош кўтармай жадал чиқиб кетди. Акация соясида турган ГАЗнинг кабинасига кириб ўтирди-да, пешанасига тарс этиб урди. «Илк муҳаббат», «Кўз ёши», «Оҳ-воҳ...» Кўнглим чўкиб қоровулдан ароқ тилаб ичганларимни, райкомдаги суҳбатларда одамларни бекордан-бекор ранжитганимни билса нима дер эди экан! Чўлда қилинаётган ишлар у айтгандай бўлса, мен ваҳима қилиб юрган бу ташвишларим ҳақиқатан ҳам кулгили...

Энг яқин хўжаликгача бир юз ўттиз чақирим йўл. Шундай бўлса ҳам, Ориф ака бензинни текшириб кўрди-да, чўлга қараб ҳайдади.

Чангга ботиб тўртинчи совхозга кириб борганида қош қорайган эди. У чарчаганидан ҳеч кимни, ҳеч нарсани кўрмади ҳам, кўргиси ҳам келмади. Фақат роса очиққанини ва қоронғида қандайдир ғуборли шамол эсаётганини сезар эди. Уни кутиб олган киши – ишчилар кўмитасининг раиси Узаиров – кир кепка кийган, букрироқ, кекса одам эди. У меҳмоннинг райком секретари эканини билиб, нукул пландан гапираверди: бу йил фалон тонна берамиз, яна йилга рентабел хўжалик бўлишни вазифа қилиб қўйдик, яқинда газетада ҳам ёзишди – давлатга катта фойда...

– Ўртоқ Узаиров, ошхона қаерда?

– Меҳмонхонага борамиз, ўртоқ секретарь, овқат тайёр.

Ориф акага бир оз жон кирди. Лекин мезбоннинг ҳалиги гаплари ҳамон қулоғига кирмасди. Узаиров анча хушомадгўй бўлиб

чиқди. Қўлга сув қўйган, курси тоза бўлса ҳам, меҳмон ўтиришидан олдин рўмолчаси билан чангини артиб қўйган, овқат олдидан «юзта»ни шама қилган... Ориф акага бу қилиқлар ёқмаса ҳам, азбаройи қорни очлигидан, маставага нон тўғраб индамай тушираверди. Кейин оғир тортиб, барвақт ухлаб қолди.

Эрта билан меҳмонни эшитиб ташкилот котиби етиб келди. Бу Тўлаган деган дўнг пешана, қоп-қора, камгап, камсуқумгина йигит эди. Ориф ака унга «Совхоз шаҳарчасини бирга айланиб чиқайлик», деб таклиф қилди. Улар пиёда чиқиб кетдилар.

Ҳавода тўзон, узоқлар кўринмас эди.

– Шамол ҳали ҳам босилмабди-да.

– Энди бошланяпти, – деди Тўлаган.

– «Афғони» дегани шуми?

– Ҳа.

– Қанча давом этади?

– Камида уч кечаю уч кундуз.

Шундан кейин улар индамай юравердилар. Бир чақирим, бир ярим чақирим... Совхоз шаҳарчаси асосан шу бир кўчадан иборат эди. Ҳовли, томорқа йўқ. Уйлар ҳаммаси бир хил: икки қаватли, иккита кичкина айвонли, икки оила учун. Ўн қадам ичкарида бадрафхона. Ҳаммаси шундай, бир уй, бир бадраф, бир уй, бир бадраф. Бошқа ҳеч нарса йўқ, на бир қозиқ, на бир жўяк, на бир ниҳол... Элликта, юзта, икки юзта... Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган. Ораларида «афғони» кутуриб юрибди.

– Одамлар ўз уйини топадими ишқилиб?

– Топмай қаққа борарди... – мужмалроқ жавоб берди камгап Тўлаган. Шу билан яна индамай кетаверишди. Бир ярим километрча юргандан кейин Тўлаган тўхтади:

– Бу ёғи ҳам шунақа, кетаверамизми?

Улар қайтишди. Қайтишда шамол орқадан эди, Ориф ака кўзини, қулоқларини артиб, дарров қорайиб кетган рўмолчасини чўнтагига яширди. Тўлаган янги туман ҳокимидан гап кутарди. Буниси ҳам илгаригиларидай бўлмаса керак ахир, ҳеч бўлмаса бир ғазабланиб қўяр: «Бу ерда қандай турибсизлар? Етти йилдан бери бирон кўчат ўтқазсанглар, томорқа, боғ қилсанглар бўлмасмиди? Бу шамол, бу бир хилдаги минглаб бадрафлар манзараси одамни сил қилади-ку ахир!»

Йўқ, секретарь бу ҳақда гапирмади. Бунинг ўрнига Тўлаганнинг ўзини суриштирди:

– Бола-чақа борми?

– Битта қизимиз бор, – деди Тўлаган ўнғайсизланиброк,

– Ҳа, яхши. Менинг ҳам бир қизим бор. Онабиби.

– Меники Фируза.

Секретарьнинг мулойимгина ўйчан чехраси, ундаги табиий оталик меҳри Тўлаганга ёқа тушди. Шундан кейин у сал дадилланиб, саволлар ёрдамида бўлса ҳам, ўзи ҳақида гапириб берди. Уни партком секретарьлигига ўтган йили сайлашган экан. Ишининг мазаси йўқ, унинг ўз фикрича, эпллмаётган экан. Совхознинг хўжалиги катта, анча ишлар чалкаш, ҳал қилинмаган. Энг муҳими – одамларнинг кайфияти... Тўлаган ҳозир жуда банд, қишлоқ хўжалик иқтисодиёт институтида сиртдан аспирант, оиласи ёш, уч ойдан бери қизчаси касал. Ишни эпллмаётганига шулар ҳам сабаб бўлаётган экан.

Ориф ака бу гапларга ҳеч нарса демади, ўгит ҳам қилмади, тасалли ҳам бермади. Яна чуқурроқ ўйга толди холос.

Тушдан сўнг улар то кечгача парткомда ўтиришди. Бўлим бошлиқларини, кекса фахрийларни чақиришди. Тўлаган Ориф акага жуда маъқул тушди. У совхозда раҳбарликни эпллмаётган бўлса ҳам, одамларни яхши танир, ҳар бирининг оиласи, уйи, дардини билар, ўз шахсий ишларини ҳам совхоз ишларига аралаштириб гапирар эди. Кейинги куни улар эртадан кечгача бухгалтерияда, ҳисобот бўлимида ишлашди. Тўлаган бу ерда Ориф ака учун ажаб бир кашфиёт бўлди: у совхознинг иқтисодий имконларини бош финансист билан бухгалтердан ҳам яхшироқ билар экан. Зеҳни тез, таҳлилга мойил, қайси кўрсаткич қайси рақамга бориб боғланишини, эски-янги ҳужжатларни, рақамларни ёд айтиб берарди. Ориф ака яна бир нарсани сездики, бухгалтер билан финансист унга шунчаки қобилиятли талаба, ёқлайдиган диссертациясини ёд билиши керак бўлган зеҳни чаққон йигитча дебгина қарар эканлар. Тўлаган ўпирилишларни таҳлил қилганда улар: «Аттанг, иш қолиб кетди, ҳа, майли энди...» дегандек, қошларини чимириб, «оталарча» мийиқда кулимсираб турдилар. Аммо Ориф аканинг тасаввурича, совхознинг олти йилдан бери ўзини оқлолмаётгани ҳам, ҳосил ва даромаднинг пастлиги ҳам, ишчиларнинг оғир кайфияти ҳам мана шу ички хўжалик ҳисоботининг чатоқликларига келиб боғланар эди. Шуни тушуна бошлагандан кейин у Тўлаганни ёнидан қўймади.

Тўртинчи кун деганда гармсел тинди. Аммо нафас олиш ҳали ҳам оғир, уй ҳавоси бўғиқ, ғуборли; жиҳозлардан, дераза тирқишидан, кийимлардан чанг бурқиб тургандек эди.

Нонуштадан кейин Ориф ака Тўлаганни бошлаб кўчага чиқди. Учинчи уйнинг очиқ айвонида бир оила чойшабдан соябон қу-

риб, нонушта қилиб ўтирган эди. Чуғур-чуғур болалар қуршовида ўтирган қариянинг, истараси иссиқ кўринди. «Шивилғонлик!» деди Ориф ака ичида. У шивилғонликларни алланимасидан, юз тузилишидан, жилмайишидан, чеҳрасидан танир эди.

– Ваалайкум ассалом, қани, чойга қаранг, меҳмон, – деди чол. Чол деб, у Ориф акадан унча катта эмас, фақат соқол қўйиб, деҳқонча, манглайига қийиқ танғиганидан кексароқ кўринар, ота дегиси келар эди одамнинг. Айвон тор эди. Ориф ака зинага ўтириб, узатилган пиёлани олди.

– Тор жойга чиқиб олибсизлар?

– Э, бу лаънати гармселнинг дастидан уч кундан бери қамалиб ўтириб димиқиб кетишди бу чурвақалар, – деди ота, – нонга қаранг.

– Тоғдан тушганмисизлар?

– Топдингиз, меҳмон, шивилғонликмиз. – Ота янги буханкани олиб, авайлаб майдалади. – Қани, Тўлаганбой, сиз ҳам ўтиринг.

– Мен бир нарсага ҳайронман, ака, – деб чойни пуфлаб гап бошлади Ориф, – совхозда кўпчилик собиқ Кўйки районидан кўчиб тушган одамлар экан. Бир умр соф ҳавода, тоғда яйраб ўсган халқ, бир умр боғ-роғ қилиб ширин-шарбат мева етиштирган миришкорлар, ям-яшил ҳовлиларни, токзору булоқларни ташлаб келиб, бу ернинг шароитига қандай чидаб юрибсизлар?

Ота ер тагидан Тўлаганга қараб қўйди.

– Бу киши туманимизнинг янги секретари бўладилар, Мансур ота, дилингиздагини гапираверинг, – деди Тўлаган одатдаги содда очиқлик билан.

– Ҳа, энди дилимиздаги кўриниб турибди: осон эмас. Аммо ҳукумат бир нимани билиб қилади, мана келдик, беш йилдан бери шу ердамиз.

– Унисини биламиз, бу совхозлардан ҳукуматга, халқимизга жуда катта иқтисодий фойда келади. Лекин ҳукумат ҳар бир кишининг кўнглидагини ҳисобга ол олмайди-да. Мана, сиз, Шивилғонни соғинмайсизми?

– Соғинамиз. Болалар-ку кўниқиб кетишяпти. Аммо биз кексалар... ўша кўкаламзор қишлоқларимизга ачинамиз, ука. Қочиб кетганлар ҳам кўп бўлди, нимасини айтасиз!

– Қочиб кетиш мардлик эмас. Бироқ ўшаларнинг ҳам дилида чўғи бор экан, бу аҳволга кўниб қўя қолмабди.

– Бизни айбляяспиз чоғи, ука?

– Айблаётганим йўқ, хайрон бўляпман. Деҳқонсизлар ахир. Наҳот етти йилдан бери бирон боғ у ёқда турсин, тўртта кўчат кўкартириб, айвончангизни гармселдан тўсолмаган бўлсангиз?

Мансур ота ўзини босиб анчагача жим ўтирди, пиёла чайди, дастурхондан нон ушоқларини терди, бўғин-бўғин бўлиб қотган кўпол, кекса бармоқлари сал титрар эди.

– Етти пуштим боғбон ўтган, ука. Менинг ота касбимдан айрилиб бу ерда юришимни осон тутманг – тирноқни этдан ажратгандай гап бўлди бу. Боғ дедингиз, кўчат дедингиз. Водопроводдан сув ташиб дераза тагида икки тупгина шафтоли кўкартиришга ҳам уриниб кўрдим. Кулги қилишди, бу ерда бу бекорчилик нишонаси ҳисобланаркан. Шунга ҳам қарамас эдик, деҳқонмиз ахир, қани энди бир парчагина томорқа-ю ихота бўлса, кўчаларга ариқ олиниб, сув келтирилса, биз бу гармсел лаънатини енголмасмидик! Боғ гуркираган жойга шамол келмайди. Аммо ука, энг муҳими – кўчат мана буларни боқмайди, – Мансур ота чуғурлашиб дастурхондан туриб кетишаётган болаларни кўрсатди. – Шивилғонда боқарди, бу ерда боқмайди. Бу ерда биз ойликни пахтадан оламиз. Ишлаш керак.

– Яшаш-чи?.. Яшаш ҳам керак, – деди Ориф ака аста, ўзи ўзига. Кейин чойга, суҳбатга раҳмат айтиб, ўрнидан турди. Улар бир-бирларини тушунишди, «Хафа бўлмайсиз», «Кўнглингизга олмайсиз», дейишди бир-бирларига.

Ориф ака бу кунларда совхознинг ўнлаб турли одамларига дуч келди. Тўлаган у билан юравериб, бунча суҳбатлардан бу кишининг мияси ачиди, фикрлари чувалашиб кетди, деб ўйлади. Аммо Ориф ака ниманидир топгандек, саволларни ҳамон бир томонга бурар эди.

РТСнинг қўрасида қорамойга буланган паканагина бир ремонтчи йигит унинг кимлигини суриштирмасдан дўқ қилиб кетди:

– Истамасам мени мажбур қилолармиди? Бекор гап! Ўзим, ўз ихтиёрим билан ишлаб юрибман. Кўпинча ойлик чиқмайди, совхоз камбағал, лекин ишлайман. Нега? Ўйлаб кўринг-чи? Ё нон топиб еёлмасмидим? – Йигит қўлларини артган ёғли латтани бурчакка отиб, яқинроқ келди. – Комиссиямисиз, ака, ёзинг. Ўтган сафар ҳам биттасига анча гап айтувдим, мухбир экан, газетага ҳамма гапимнинг тескарисини ёзиб чиқди. Ёзинг сиз ҳам! Лекин бир нарсани айтинг: бугун – дашт, шамол, иш; эртага – дашт, шамол, иш; индинга – дашт, шамол, иш... Бу нима, яшаш шунинг ўзими? Кейин нима бўлади, хўш?..



Ориф ака ўрнига нарироқда синиқ чорпоя устида оёғини ча-  
лиштириб, папирос чекиб ўтирган духоба дўппилик олифтароқ  
йигит тиржайиб жавоб берди:

– Нима бўларди, яна ўша ит ётиш, мирза туриш...

Тўлаганнинг ҳар куни эшитиб юрган гаплари. Лекин Ориф ака  
бу суҳбатларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб ўйлаб, блокнотларини  
тўлдириб-тўлдириб олди.

– Бу кейингиси ким? Силлиғи? – деб сўради у.

– «Силлиғи» – Убайдуллахон деган, ҳозир клуб мудири. Асосий  
иши пластинка айлантириш, – деди Тўлаган.

Олтинчи кун деганда вилоятдан директорнинг ўзи келиб қолди.

– Зиём Зиёхонович, – деди Тўлаган уни деразадан кўриб. Ўзи  
кутгани чиқиб кетди.

Ориф ака ҳам дераза олдига борди. Директорнинг уйи кўча-  
нинг нариги юзида экан, «Волга» келиб тўхташи билан болалари,  
ҳалиги Убайдуллахон, яна беш-олти киши чиқиб, багажникдан ту-  
гун, қути, бидонларни кўтариб кириб кетишди. Шаҳардан келган  
совғалар ичида бир-икки банка қаймоқдан тортиб, даста-даста  
оби нонгача бор эди.

Зиёхонов туманнинг собиқ ҳокими эди. Ориф ака уни ишдан  
олиниши пайтида, сўнгги йиғилишда кўрган, у ҳақдаги гапларни  
эшитган эди: ўзи шаҳардаги уйида туради, районга уч-тўрт кун-  
да бир келиб «раҳбарлик» қилиб кетади, дейишган эди. Ҳали ҳам  
аҳвол шу экан-да...

Ярим соатдан кейин Зиёхонов меҳмонхонага кириб, саломлаш-  
ди, узр сўради. У Ориф акадан ёшроқ, лекин юзини ажин босган,  
кўзлари чуқур ботган, қошлари малла ранг, ёрғоқ боши сарғайган  
ўт орасида ётган консерва қопқоғидек ялтираб кўринар эди.

– Бир ҳафтадан бери шу ердамиз, – деди Ориф ака кулиб, – на  
қаймоқ, на оби нон. Деҳқончиликни йиғиштириб қўйибсизлар  
чоғи.

– Деҳқончиликнинг ғамида юрибмиз-да идорама-идора, – деди  
Зиёхонов кесатиқни тушунмаганга олиб. – Биридан запчаст ти-  
лайсан, биридан химикат. Тўлаган! Чой!

Ориф ака директорга ҳайрон бўлиб тикилди-да, эшикни очиб  
Тўлаганни чақирди.

– Чойни кейин ичамиз, сиз кераксиз.

Тўлаган кириб ўтирди.

– Зиёхонов, – деди Ориф ака, – ўзингиз масъул ходими бўл-  
гансиз... лекин бир ҳисобда, сиз ҳеч вақт... бўлганга ўхшамайсиз.

Парткомнинг секретари ёш бўлса ҳам, сиз билан бизнинг илми-мизни бирга қўшса уникачилик бўлмайди.

Зиёхоновнинг кайфияти бузилди, юзида ажини яна ҳам кўпай-гандек бўлди.

– Райком секретари бўлганингиздан кейин ўргатасиз-да, гапиринг, қулоғим сизда, – деди икки қўлини столга ташлаб.

– Сиз нима учун ишдан олинганлигингизни ҳануз тушунмабсиз, Зиёхонов.

– Нега тушунмас эканман? Кўнгилчанлик! Кўнгилчанлик қилдим. Керак жойда қаттиққўлликни ишга солмадим. Давр бўлса шиддатли, шафқатсиз. – Зиёхонов қўлларини эзгилаб жим қолди.

Ориф ака унинг қандай одамлигини билишга урингандай юзига тикилиб турарди. Зиёхонов давом этди:

– Боплаб таъзимимни беришди, айб ўзимда. Келажакнинг муҳташам биносини қуряпмиз-а, мангуликка қуряпмиз. Бир миллион-ярим миллион пулни, ортиқча беш-олти юз одамни аяб ўтириш керак эмас эди. Уйқудан қол, очликка чида – аяма экан. Асрлар учун қуряпмиз, авлодлар учун.

– Бундай «қаттиққўлликни» тушунармикан авлодлар? – деди Ориф ака, – ўзингизни алдаб нима қиласиз, Зиёхонов, сизни бунинг учун ишдан олишган эмас-ку ахир. Аксинча, қаттиққўллик ҳаддан зиёд эди, одамгарчилик, оддий инсонийлик етишмаган сизда.

– Мана энди сиз келибсиз, сиз қилинг одамгарчиликни.

– Гап шундаки, сиз бу ерга келиб ҳам ўша эски усулларингизни қўллаяпсиз. Совхозда ишчиларнинг турмуши...

– Биз давлат хизматидамиз, ўртоқ Очилов.

– Сиз одамлар хизматидасиз. Одамлар, ишчилар, ҳар бир меҳнаткаш рози бўлмагунча давлат рози бўлмайди.

– Совхоз аввало ўзини оқлаши керак.

– Мана етти йил бўлибди, қачон оқлайди? Унгача-чи? Одамларнинг тирикчилиги шу аҳволда қолаверадими?

– Аҳволига нима бўлибди: Оқ уй – ола баргак. Арз қилишгандир-да. Қўриқ ерларни кўришмаган, у ерда азаматлар чайлада, ертўлада ётишибди. Одам табиати ажаб қизиқ: роҳатга дарров кўникамиз-да, қадрига етмай қўямиз.

Ориф ака Зиёхоновга тикилмай қўйди, унинг хаёли узоқроққа кетиб қолди шекилли, гавдасини орқага ташлаб, ҳеч кимга қарамай, гўё ўзига ўзи гапирди:

– Одам минг йиллардан бери яхши яшай деб интилади, курашади, меҳнат қилади, заҳмат чекади. Бугунга келиб у сал тузук яшай

бошласа, нимага ҳайратда қолишимиз керак, тушунмайман? – У яна Зиёхоновга қаради: – Ҳўш, нима қиламиз, директор?

– Нима қилайлик, айтинг. Пахтанинг нарҳини туширасизми, планни камайтирасизми, шамолни тўхтатасизми? Ёки совхозимиз ҳудудидан бир хазина топиб берасизми?

– Буларнинг ҳаммасини ҳам ўйлаб кўриш керак, – деди Ориф ака. Кулиб турган Зиёхоновнинг бирдан қоши чимирилди. – Ҳазиналардан бири бўлса, мана, ёнингизда ўтирибди. Сиз унга чой ташитиб юрибсиз.

Зиёхонов Тўлаганга қараб, тақир бошини қашлади.

– Ҳозирча бир иш қилайлик. Тўлаган, яқинроқ, ўтиринг, – деди Ориф ака папкасидан қоғоз-қалам олиб. Учаласи тўғарак стол атрофига жойлашдилар. Оқ халат кийган бир рус хотин чой олиб кириб, деразадан чарақлаб тушаётган оловли қуёшни оқ дарпарда билан тўсиб, девордаги соатни ҳам юргизиб чиқиб кетди. Хонага фэйз киргандек, фикрлар чаққонроқ ишлаб кетгандек, бу уч хил одам ўртасида аллақандай яқинлик туғилгандек бўлди. Кейинроқ Узаиров билан бош ҳисобчи ҳам кириб ўтиришди.

– Туман ҳокимининг бир нуқсони шуки, – деб бошлади Ориф ака, – биз хўжаликка кўпинча маъмурий йўллар билан бошчилик қиламиз. Қўлимизда иқтисодий дастак йўқ. Хўжаликга илмий-иқтисодий бир дастак керак. Самарқанд хўжаликларидан бирида мен бир воқеа билан танишган эдим. Хўжалик бошқарув қошида илмий консультант сифатида иқтисодий кенгаш тузилибди. Раис раҳбар. Ҳамма иқтисодий масалаларни, планлаштириш, ҳисобот ишларини правление мажлисига шу кенгаш тайёрлайди. Кенгаш ҳисобчилар курслари очган. Экин ерларининг ҳар бир қартаси ўз паспортига эга. Буни бировлар қартанинг «дафтари», баъзилар қартанинг «касаллик тарихи» деб аташаркан. Бу дафтарларда ҳақиқатан ҳам ҳар бир қартанинг таржимаи ҳоли, барча кўрсаткичлари, очлиги-тўқлиги, фойда-зиёни, талаби, дарди, бари кўзгудагидай аён. Бу деҳқончиликнинг иқтисодий анализи. Кенгашнинг махсус хоналарига осилган жадваллар барча резервларни, ким қайси иш жараёнида – ўғит беришдами, ҳайдашдами, қаерда нима йўқотган, бунинг сабаблари, қайси тадбирни амалга оширишда қайси бригада ё звено, ёинки агрономми, сувчими – ким айбдор – ҳаммасининг таҳлили ҳар бир саводли колхозчига кўриниб турибди. Бу манзара ҳамма учун. Бунга қизиққан, билган ҳар бир колхозчи ўзини бутун колхоз ишига жавобгар деб, хўжайин деб ҳис этади. Колхозчи илгари қаерда ҳақини йўқотган, нега кам олган – билмасди. «Менинг нима даҳлим бор», деб кетаве-

рарди. Қайси трактор қаерда таъмирланмасдан қолиб, неча минг сўм зарар етказган – бу билан иши йўқ эди, билмасди. Энди билади! Талаб қилади! Бу ташаббуснинг руҳий таъсири ҳам катта. Одам кўпчилик орасида ўз мавқеини ҳис қилади. Хўжайинлик ғурури, колхоз бойлигига жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади. Биладик, колхоз йўқотса, у ҳам йўқотади. Илгари биз деворларда ваъдаларимизни ёки иш натижаларимизни пеш қилардик. Энди ишимиз таҳлилини очиб ташлаймиз. Бу моддий манфаатдорлик ҳақида қуруқ сўз эмас, унинг аниқ йўли. Иқтисодий кенгашнинг иши кўп, фаолияти кенг. Лекин ҳозирча совхозда мана шу айтганларимни қилиб кўрсак дейман. Қандай фикрлар бор?

Ўтирганлар бир-бирларига қарашди, индашмади. Тўлаган кўзлари ёниб турар, Узаиров қоғозга аллақандай геометрик шакллар чизар, бош ҳисобчи бўлса қамалиб қолиб деразадан деразага қараб учаётган кушдек у ёқдан-бу ёққа юрар эди. Анча жимликдан кейин ҳамма бирдан гапира бошлади, саволлар кўпайиб кетди. Кенгашда неча киши бўлади? Кимлар? Буни қишлоқ хўжалик бошқармасида қилса бўлмайдами? Бу тажриба ҳақида бирор китобча йўқми? Самарқандга бориб келинса қандай бўларкин?

Бу масалалар узоқ муҳокама қилингандан кейин Ориф ака таклиф киритди:

– Райком кенгашни ташкил этиш ва бошқариш учун Тўлаганни тавсия қилади. Парткомнинг секретари, молия мутахассиси, ёш, ғайратли...

Ҳалидан бери индамай ўтирган Зиёхонов бирдан ўрнидан турди, «Келишиб қўйган экансизлар-да?» дегандек, Тўлаганга қаради, бир яширин фитна сезгандек безовта бўлиб қолди:

– Сиз колхоз тажрибасини гапирдингиз, ўртоқ Очилов, – деди негадир столдаги қоғозларни йиғиштириб, – совхозни давлатнинг ўзи назорат қилади.

– Гап назорат ҳақида эмас, Зиёхонов. Бу ўз-ўзини таҳлил қилиш. Доимий таҳлил! Тушундингизми? – деб уқтирди Ориф ака. У Зиёхоновнинг безовталиқ сабабини тушунишга уринарди: нимага рангидан қон қочди? Тўлаганнинг мавқеи ошишидан қўрқадими? Кенгаш ҳуқуқларимни чеклаб қўяди, деб чўчияптими? Ё бошқа бирон хавотири борми?..

Ориф ака яна тўрт кун бошқа совхозларда юриб, чарчаб, унниқиб, соқоллари ўсиб уйга қайтганида қизи унинг чанг ҳиди келиб турган бағрига ўзини ташлаб йиғлаб юборди. Онабиби соғинганини бундай очиқ билдирмас эди, бир гап бўлганга ўхшайди.

– Нима гап, Онам? – деди отаси уйга разм солиб, уй озода, жиҳозлар саришта, кечки қуёш нурида Ориф аканинг чарчаган кўзларига ҳамма нарса юмшоқ, ёқимли кўринар эди. – Бирон воқеа юз бердимми?

– Ҳеч нима бўлгани йўқ, – деди Онабиби, лекин яна пиқ этиб йиғлаб, бурнини тортди-да, тескари ўгирилиб, юзини беркитди. У сочини майдалаб ўрган, юпқа батист кўйлаги ичидан ўсмирларга хос учли елка суяклари туртиб чиқиб турарди. – Сизни мактабга чақиришди...

«Ҳеч гап эмас экан-ку...» Ориф ака энгил тортиб, кўнглида жилмайиб қўйди, ҳатто севиниб ҳам кетди. Катта ишда ишлагани учунми, уни ҳеч қачон мактабга суҳбатга чақирганлари йўқ эди. Лекин сиртдан «жиддийлик»ни йўқотмади.

– Нима қилиб қўйдинг?

– Ҳеч нима... Муаллима уйимизга келмоқчи эди, ўзлари борадилар, дедим. Ҳамманинг дадаси мактабга боради...

Ориф ака қизалоққинани бир бағрига босиб овутгиси келди-ю, педагог билан суҳбатга боришдан олдин бундай қилмаслик керак деб, ўзини тийди. Мактабда албатта бир «иш» кўрсатган-ку, бекорга чақиришмайди.

Ориф ака эртасига мактабга борди.

Илмий мудир хонасида уни синф раҳбари Шафиғуллина кутиб олди. У биологиядан ҳам, ижтимоийётдан ҳам дарс берадиган кекса, тўғрироғи, қариб қолган муаллима эди.

– Биз ҳузурингизга суҳбатга бормоқчи эдик, сафарда дейишди, ўзингиз келибсиз безовта бўлиб... Кечирасиз, яъни раҳмат... Гап Онабиби тўғрисида.

– Номаъқул иш қилиб қўйдими?

– Нима десак экан?.. Ҳ-ҳа, ҳа. Ўтган ҳафта рус тили дарсидан «Бизнинг оиламиз» деган мавзуда иншо ёздирилган. Мана қизингизнинг «иншоси»! – Шафиғуллина иншони кўзойнагига яқинроқ келтириб, яна бир тикилди-ю, Ориф аканинг олдига қўйди.

Онабиби иншосида ўз отаси ҳақида эшитган барча гапини тўкиб солган эди. Онанинг уни деб хор бўлганлари, уятга қолганлари... Онаси касал бўлганида ҳам хабар олмай, ҳатто ўлимига сабаб бўлганлари, Онабиби туғилганида виждонсизларча ташлаб кетганлари...

Онабиби шундай ифлос одамнинг бошқалар қатори яшаб юрганга ғазабланади.

«У туфайли менинг оилам йўқ. Бошқаларники сингари онам, аммам ёки акам йўқ. Ҳеч бўлмаса битта синглим бўлсайди... Ҳозир

ота тутинган бир меҳрибон одам билан турибман», – деб охирида қўшиб қўяди.

Ориф ака узоқ ўқиғач, шу бир бет қоғозни ушлаганча нам киприкларини пирпиратиб узоқ ўтириб қолди. Юрак-бағри эзилиб кетганидан, қаерда ўтирганини ҳам унутган экан, Шафиғуллинанинг:

– Кўрдингизми? – деган хирқироқ товушидан чўчиб тушди.

– Нимани айтяпсиз?

– Қўлингиздагини.

– Ҳа... – деди Ориф ака қоғозни ҳамон қўлидан қўймай. Унинг товушида оғир изтироб, ожизлик, ҳорғинлик бор эди. – Ҳа.

– Болаларни бундай тубан фикрлардан сақлаш сиз билан бизнинг вазифамиз, – одатдаги насиҳатга тушди кекса педагог. – Уларни юксак, пок ҳислар, порлоқ давримиз ҳақида ёрқин ўйлар руҳида тарбиялаш...

– Менга қаранг, сиз... – Ориф ака иншони кўрсатиб, синф раҳбарига ҳайрон бўлиб тикилди, – сиз бунинг учун Онабибини айбляпсизми? Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри-ку!

– Ёш боланинг оиласи ҳақида шундай ўйлаши педагогикага тўғри келади, деб ўйлайсизми?

– Педагогикани... билмадим, – Ориф ака елкасини қисди, – лекин буларнинг ҳаммаси тўғри. Мавзу шундай экан. Ҳар ким ўз оиласи ҳақида ёзиши керак экан, шундайми?

– Шундай. Аммо, мана, қаранг бошқа болаларнинг иншоларини. Мана! Мана! – Шафиғуллина бир неча даста иншони столга олиб қўйди. – Ҳаммаси ёрқин! Икир-чикирни ковлаштирмай, бахтли оила ҳақида, бахт ҳақида ғурур билан ёзишади.

– Бахт... мен аминманки, Онабиби бахтнинг нима эканини айтиб беролмайди. Гапнинг очиғи, ёз, десалар, бунинг мен ўзим ҳам ёзиб беролмасдим. Лекин Онабиби ўйлаганини, кўнглидагини ёзди. Бу ёмон эмас. Мен бунинг тақиқлолмаيمان.

– Бу... хунук ахир, тушунапсизми? – деди Шафиғуллина қўлида Онабибининг иншосини силкиб.

– Бу – ҳақиқат! – деди Ориф ака.

– Сиз, ўртоқ Очилов, уйда кам бўласиз, кечаю кундуз сафарда, даладасиз. Бола ёлғиз, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Хулқи терс, оғзига келганини гапиради, ёзади. Биз бунга йўл қўёлмаймиз.

– «Оғзига келганини» эмас, ўйлаганини гапиради, боламни мен ҳам биламан, ҳурматли муаллима.

– Тўғри, сиз отасиз, лекин оталик меҳри бизнинг педагоглик измимизга ҳалал бермаслиги керак. Адабиёт ўқитувчисининг арзларини ҳали сизга айтганим йўқ.

– Яна нима?

– Онабиби ўқитувчи берган план бўйича ёзма иш ёзишдан бош тортган.

– Сабаб?

– Сабаб – мана, – синф раҳбари тортмадан бир парча қоғоз олиб берди, – мана, ёзма иш ўрнига ўқитувчининг обрўсига путур етказадиган мана бу хатни ташлаб кетибди қизингиз.

Ориф ака қошини чимириб бу хатни ҳам узоқ ўқиди:

«Мен Онегиннинг анкетасини тўлдирмайман. Рухсат берсангиз «Евгений Онегин»ни синфда тўла айтиб бергим келади. Мен уни ёд биламан... «Классик» деган китобий совуқ сўзни ёмон кўраман, Пушкин менинг акамдек, уни тирик, оддий одам деб тасаввур қиламан. Тушимда кўрганман...»

– Кўрган, кўрган! – деб юборди Ориф ака, ёш боладек. – Баҳорда эди, тонгда ётоғидан югуриб чиқиб менга айтиб берган. Бунинг ҳаммаси рост! Рост!

Шафиғуллина оқ тушган қошларини уйиб, қари юзини хунук буруштириб, ҳайрат билан қараб турарди. Ориф ака, кўлидаги хатнинг ўқитувчи арзини тасдиқлаши керак бўлган ҳужжат эканини эслаб, ҳалиги болалик қувончини йўқотди. Жиддий гапирди:

– Менга қаранг, мен бунинг учун ҳам унга танбеҳ беролмайман. У нимани ўйлаган бўлса шуни ёзган. Ё ўйлаганини яшириши керакмиди? Дилда бошқа, тилда бошқа, шундайми? Уйда бошқа гапни гапириб, мактабда бошқа гапни ёзишга ўргатишми бизнинг вазифамиз?

– Ўқитувчи шу хатга нима деб баҳо қўяди, ўйланг?! Биз имлога, фикр ифодасига қараб баҳо қўямиз. Бу бир парча хат – бетга чопарлик... Биз баҳо қўйишимиз керак. Нимага қўямиз? Қизингиз «икки» олиб ўтирса-ю сиз қанақа отасиз... – Кампир қизишиб кетганини пайқаб, қалтироқ кўли билан кўзойнагини арта бошлади. – Кечирасиз...

– «Баҳо қўйиш керак...» Боланинг нималар ўйлаши сизларга барибирми?

– Нега? Бола ёрқин ўйлар ўйлаши керак. Биз шунинг ғамини еяпмиз.

– Баъзан кўнглида ёрқин ўйлар бўлмаса-чи? Сохталик, иккиюзламалик қилиши керакми? Мактабдалигидаёқ-а?..

Кампир бу гапга дарғазаб бўлибми, ё жавоб тополмай, жим қолди. Анчагача ерга қараб тургандан кейин Ориф ака давом этди:

– Кечирасиз, хаёлимга бир гап келди: ўша... Онабининг отасини айтаман... унинг сохталиги шунақа жойдан бошланмадимикан?

Шафиғуллина ғазабдан безовталаниб қолди.

Ориф ака бирпасдан кейин ўзича ўй ўйлагандек секинроқ кўшиб кўйди:

– Зиёхоновнинг ҳам... балки ундан каттароғининг ҳам...

– А? Бир нима дедингизми?

– Йўқ, ўйлаб кўрай, деяпман. Йўқлаганингиз учун раҳмат, мен суҳбатимизни албатта ўйлаб кўраман. Хайр.

Ориф ака кигиз қалпоғини қўлтиғига қисиб чиқиб кетди.

Уйда Онабибига нима дейишини билмади. Қиз хавотирда, отасидан бир гап кутар, иш билан ивирсиб туриб, ер тагидан унга қараб қўяр эди. Онабиби сўрида фалсафа сўқиб ўтирган Темирни ҳовлидан ҳайдаб чиқарди, отасига чой дамлаб келди, яна ер тагидан қараб кўйди. Ориф ака сезиб турарди, охири чидай олмади, қизини бағрига босди. Кўнгли тўлиб турган Онабиби унинг бағрига юзини яшириб бурнини тортди.

Шундан кейин Ориф акага ўша биринчи кунлардаги оғир кайфият, ғашлик яна қайтиб келди. Райкомда ҳам, президиумда ўтирганида, сафарда ҳам кўнглида бир нима тошдек бўлиб турар, ишнинг жilовини ушлаб олишга халақит бериб, хотирини паришон қилар эди. Янги котиб бир неча ойгача бюроларда гапирмади, катта тадбирларга аралашмади, унинг ишга «киришуви» чўзилиб кетди.

Бир куни вилоят конференциясида Мария Васильевнанинг жуда катта нутқини эшитгандан кейин тўппа-тўғри унинг уйига кириб борди.

Мария Васильевна ношуд эридан ажралгандан бери, сочи оппоқ оқарган бир аммаси ҳам урушда ўлиб кетган укасининг иккита боласи билан бирга уч хонали уйда турарди. У ҳозиргина ваннадан чиққан, юзида муваффақиятли иш кунидан кейин бўладиган одатдаги мамнунлик барқ уриб турар, сочини бошига турмаклаб, хонаки кенг-ковул кўйлак кийиб олган эди, қомати нозик бўлмаса ҳам, дуркун кўринди Ориф акага.

– Кирганинг яхши бўлибди, – деди у хушвақт бўлиб, – ўзим ҳам чақирмоқчи эдим. Куни билан мажлисда ўтириб, яна чой-пой ичмасдан йўлга чиқиш...

– Бу сафар тайёр фикр билан келдим.

Мария Васильевна ўтган сафарги суҳбатни эслаб лабини тишлади.

– Уйда ишдан гапирма, қани, ўтир, – деди у стол атрофига курсиларни кўйиб. – Амма!

– Ҳозир, Маша! – деб қичқирди аммаси ошхонадан русчалаб. – Меҳмон жиндек ичадимми?



– Ичасанми? Ичади, ичади! – деди Мария меҳмоннинг жавобини ҳам кутмасдан.

– Уйда гапирма дегин? Уйда бўлак гап, идорада бўлак гап экан-да? Уйда ўз ўйлаганимизни, ўз кўнглимиздагини гапирайлик, мажлисда бўлса нуқул ўзимизни яхши кўрсатадиган, мухбирларга, хужжатларга, раҳбарларга керак бўлган гапларни сўқайлик, шундайми?

Уларнинг кўзлари учрашди. Мария Васильевнанинг ҳаммомдан кейин ловиллаб турган чеҳраси сўнди.

– Сен нима деяпсан, Ориф? Яна кайфинг бузуқ...

Ориф ака тирсагини столга тираб, манглайини кафтига қўйди.

– Ҳа, жуда ҳам дилозор бўлиб қолибман, Марьям. Кечир...

Амма чуқур тарелкаларга кўзиқорин шўрва сузиб келди. Пиёладан қаймоқ томизиб, эскича гулдор ёғоч қошиқларни олдиларига қўйиб кетди. Ошхонадан котлетнинг жизиллаши эшитиларди.

Яхши ҳам ўша жиз-биз бор экан. Бўлмаса бу жимликда қошиқ тақиллагани ҳам, шўрва хўриллагани ҳам эшитилиб, баттар ўнғайсиз ҳолга тушар эди. Мария Васильевнанинг иштаҳаси бўғилган эди, қорамтир шўрва устида ойдек бўлиб турган қаймоқни аталаб-аталаб, қошиқни суриб қўйди.

– Гапир энди бўлмаса... Менинг докладимни айтяпсанми?

Ориф ака шўрвага қараганча жилмайиб турарди.

– Нега илжаясан?

– Ўзинг биларкансан. Мен билмасмикансан, деб ўйлардим. Унда яна ҳам хунуқроқ бўларди. Дарвоқе, иккаласи ҳам даҳшатли...

– Тушунадиганроқ қилиб гапиrolасанми?

– Ҳа... Одамлар ўзи учун-худди ўзи, ўз инсонийлиги, ўз ўйлари билан... Идорада ёки мажлисга борса-чи, шундоқ плакат бўлади-қолади. Баъзилари буни ўзи билиб қилади, баъзилар эса билмай. Яъни, бир қиёфада икки киши бўлиб яшашга ўрганиб, шундай тарбияланиб қолган. Бунинг иккаласи ҳам яхши эмас, деяпман.

– Ҳўш, мен ҳам шундай икки юзлама эканман, қани, гапир-чи.

– Мен ундай кескин сўзларни қўлламоқчи эмасман. Докладинг ниманидир пеш қилиш, иллюстрация қилиш ниятида баландпарвоз тарзда тузилган. Таҳлил йўқ. Таҳлил учун плюс, минус, яхши-ёмон керак, ҳақиқий аҳвол керак. Сенда эса, у йўқ. Яъни, умуман сенда эмас, мажлисдаги сенда.

– Давом эт.

– Мисол. Тоғ районидан саккиз минг ватанпарвар чўлга қўчиб тушди, дейсан. Биласанки, улардан етти юзтаси қочиб кетди.

Лекин кўнглингдаги бу гапни сен айтмайсан. Чўлгаҳа – ёт келтирдик, дединг. Биласанки, айни пайтда тоғ бағридаги азалий обод қишлоқлар сарғайиб сўлди. Лекин сен билиб турган бу гапингни ичингда сақлаб қоласан. Азамат деҳқонларимиз ташаббуси билан олти совхоз қад кўтарди, бу – давлатга уч юз минг тонна пахта демақдир, дединг. Биласанки, бу совхозлар етти йилдан бери ўзини оқлагани йўқ, гармсел азоб бермоқда, ҳосил кам, даромад кам, азамат деҳқонларнинг турмуши оғир. Лекин кўнглингдаги бу гап мажлисда чиқмайди. Чунки сен у ерда мана бу Марьям эмас, плакатсан. Бу гап плакатни бузиши мумкин.

Жамият қуришни ҳамирдан қил суғургандек осон деб ўйламайсан, лекин шундай деб кўрсатмоқчи бўласан. Ҳар бир яхши ишнинг бир қийинлиги бор, қарама-қаршиликсиз иш бўлмайди – буни биласан, лекин сен ҳамма ишни бир ёқлама, ялтироқ қилиб кўрсатишга уринасан. Буни залда ҳаммамиз билиб ўтираемиз, лекин ҳамон тинглаймиз, қарсак чаламиз. Назаримда, биз иш қилаётганимиз йўқ, ўз-ўзимиз билан бекинмачоқ ўйнапмиз.

– Хў-ўп... мажлисда ўша иккала томонни ҳам баробар айтиб солсак нима бўлади?

– Нима бўлади? Ҳақиқий аҳвол кўз олдимизга келади. Таҳлил этамиз. Қаноат ҳосил қиламиз. Инсонийроқ бўламиз. Самимият юзага келади. Ҳаёт табиийроқ бўлади. Бир-биримизнинг қалбимизни кўраемиз. Қани, ичадиган бор, деган эдинг шекилли...

– Амма! – деб қичқирди Мария Васильевна. – Хўш, ҳар ҳолда бир иш қиляпмиз-ку, олдинга қараб кетяпмиз-ку, буни исбот қилиш керак эмасми?

– Кимга?

– Хўш, ниҳоят, ютуқларни тарғиб қилиш, халқ ичида ташвиқот иши бор ахир, буни ҳам бекор қиласанми?

– Агар оғзакигина бўлса, бир ёқлама ва ялтироқ бўлса, бекор қиламан, – деб кулди Ориф ака, кейин ярим рюмкагина ароқ қуйиб ичди.

– Сенинг гапларинг эса, оғзакигина эмас, ҳатто хаёлий.

– Йўқ, менинг конкрет фикрим бор... Сенинг ўйингни билиб турибман: бу шунчаки мулоҳаза, дейсан, сенга мулоҳаза эмас, амалий иш керак. Лекин менингча, мулоҳазанинг ўзи ҳам иш. Раҳбар учун ҳис этиш, айниқса одамларнинг кўнглини ҳис этиш – астойдил иш. Биласанми, бир деҳқон менга нима деди? – Ориф ака блокнотини олиб варақлади. – Мана: «Фақат хазина бойлик эмас, меҳр ҳам бойлик. Одам кўзининг қувонгани ҳам бойлик».

– Чиройли мулоҳаза қилиб, «ҳис қилиб» юриверсангиз, яна бир йилда ҳўжаликларнинг рентабеллигини таъминламасангиз, ишдан оламиз.

– Бунга шошманглар. Хулқим оғирлиги шундаки, мен бу иккаласини бир-биридан ажратолмаяпман. Ҳиссиз, мулоҳазасиз «ижрочи»ларни мен ҳам битта-битта ишдан олиб ташласам керак...

– Районни узоқ айланиб шу фикрга келдингми?

– Фикр ўша-ўша: Кўйки районини тугатиш, у ердаги етти пушти миришкор боғбон ўтган муқим аҳолини маъмурий йўл билан чўлга кўчириб тушириш нотўғри бўлган!

– Оббо, яна ўша Кўйки райони! – Шу жойда Мария Васильевна ўзи ҳам ярим рюмкагина ичиб юборди. – Иқтисодий заиф район эди ахир. Ривожланиш келажаги йўқ, ерини кенгайтириб бўлмайди, ҳўжалиги бир ёқлама – давлатга берган меваси бир колхознинг пахтасига арзимайди.

Ҳудуди тоғ-тош, хусусий узумзорлардан, боғлардан иборат. Хусусий мулкчиликнинг уяси. Водийнинг бозорлари шивилғонликлар билан тўлиб ётарди. Чўлдаги совхозлар бўлса – давлатга таянч. Бу гапларни болалар ҳам билади, мен сенга тушунтириб ўтирибман.

– Мен бола эмасман-да. Мен биламанки, чўлдаги пахтани ўз ота касбини муқаддас билган боғбонлар дилини ранжитмасдан ҳам олиш мумкин эди. Бизда кўриқлар очиш тажрибаси катта... Водий бозорларига келсак, мен уларнинг доим мўл-кўл бўлишини истайман. «Кўйки – водийнинг кўрки» деган гап бор эди илгари. Ҳозир бу гап кулгили бўлиб қолибди. Сен билан биздан кулишади, Марьям. Гўзал қиз ўз хуснини пулга чақса – шундай кулги бўлади...

– Айнима. Иқтисодий заиф тумандан давлат манфаатдор эмас, биласан.

– Бўлмаса Кавказ соҳилидаги районларни ёпайлик, Қримни ҳам тугатайлик, у ерларда шифобахш ҳаво ва азалий дилбарликдан бошқа нарса йўқ. Пахта бермайди, ахир, нима ҳаққи бор...

– Кўпол киноя. Котлетинг совиб қолди.

Мария Васильевна ўзини босиб, калта-калта жавоб бериб турибди-ю, аммо ич-ичидан қайнаб кетаётгани билиниб қоларди. «Бу нима қилмоқчи? Обкомнинг етти йил давомида қилган ишини, областьнинг донғини чиқарган ташаббусни бекор қилмоқчимми? Нега ўзига чоҳ қазийди? Чалкаш, майда фикрлар, вазиятни англамаслик... ундан кутмовдим. Наҳотки юқорида шу фикрни қўллар шар деб ўйласа!»

Мария Васильевна унинг сал оқаринқираган гўштдор юзига боқди. Ориф ака бу вақтгача икки марта тушириб олган эди. Ароқ унга ёқмайди, ичса ранги ўчади.

– Менга қара, Ориф, жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш деган гапни эшитганмисан? Бутун мамлакат шу билан банд. Сен бўлсанг сентиментал хаёлларинг билан чувалашиб юрибсан. – Мария Васильевна жаҳл билан ўрнидан туриб кетди. Сал бадани увушгандай бўлиб елкасига тивит рўмол ёпинди-да, шкафга суянди. Ориф ака ўтирган жойида индамай бош эгиб қолган эди.

Шу хилда анча вақт ўтди. Кўчаларга аллақачон тун қоронғиси ва сукут чўккан, мушшоқдаги катта фонарлар ҳам ўчган эди.

– Нимани ўйлаб колдинг? – деди Мария Васильевна.

– Эсимга тушиб кетди... – деди Ориф ака бошини кўтармай. У жуда секин, оғир гапира бошлади. – Урушдан келганимдан кейин, аввал Очил бувани бориб кўрдим. – Ориф ака отасини ҳамма қатори «Очил бува» деб атар эди. – Кейин Сарагулни... иккинчи куни бўлса тонг отар-отмас Сумбултомчига югурдим. Шундай узоқдан кўришим билан хаёлимга бир гап келибди: «Урушда ўлиб кетсам нима бўларди!..» Фронтда мен ўлимни ўйлаб бунчалик даҳшатга келмаган эдим, шу ерга келиб... – Ориф ака ўйлаганининг ҳаммасини айтмай, гапининг ярмини ютиб, дам секин, дам овози баландлашиб, узоқ гапирди. – Сумбултомчини яна бир кўриш учун жон тикса арзийди деб ўйлардим. У менинг ёшлигимни, мана шунақанги ғалати қилиб тарбиялаб қўйган экан.

– Сумбултомчи...

– Ҳа. Мана, қора тун. Номаълум сўқмоқларда шарпа. Ўлим шарпаси. Биз унинг ғашига тегамиз. Қоронғилик тугамайдиганга ўхшайди... Бирдан қуёш! Қандайдир бегона қуёш. Биз разведкадан қайтамиз. Яна, бу сафар ҳам омон қайтяпмиз. Шунда қайин тагидами, ботқоқдами, қирғоқда ё вайронадами бир гулга, тиниқ осмондай зангори гулга дуч келаман. Ёки ёлғиз визиллаб юрган боларига... йиғлайман... Итнинг боласидай, аҳмоқ бир гўдакдек, дўстларимдан яшириб йиғлайман. Сумбултомчи эсимга тушади...

Мария Васильевна унинг елкасига қўлини қўйиб, аста силкиди. Ориф ака бош кўтариб, унинг кулимсираган юзидан «Уйғон, қаёққа кетиб қолдинг, мастмисан?» деган маънони ўқиди.

– Йўқ, менга қара, мана сен қанча рақамлар келтирдинг: тонналар, гектарлар, иш қунлари, километрлар... Одамларнинг қувончлари-чи, менинг ўша кўз ёшларим, қорли чўққиларнинг, булоқларнинг диллардаги жилваси, кекса бир кўнгилнинг ран-

жиши, орзулар, одамларнинг ихлоси, ишончи, кўнгли бутунлиги... Буларни нима билан ўлчаймиз? Қаерда гапирамиз?

Мария Васильевна: «Бас энди, кеч бўлди, кайф қилиб қолдинг», демоқчи эди, «Қаерда гапирамиз?» деганини эшитгандан кейин, яна рўпарага ўтирди. Лекин энди кўрдик, Ориф ака маст эмас эди.

– Мен Тўйчи Эрийгитовни яқиндан танирдим, – деди у мулоҳазасини давом эттириб. – Саводли, онгли йигит, ёш эди. Кўплар билмайди, сен ҳам билмайсан: унинг яна бир фазилати бор эди – гул дасталар эди. Сира эринмасди. Баъзан эрталабдан кечгача шу билан шуғулланиши мумкин эди. Санъат деб биларди гул дасталашни. Ўз кўнглидагидай дасталай олса, унга китоб ўқигандай узоқ қараб қоларди. Япон гулчиларининг китобларини топган эди. Қизлар учун гул дасталаш санъатини ўргатувчи курс очишни орзу қиларди... Сенингча, шу йигит ДЗОТга ташланиш олдидан нималарни ўйлаган экан?

– Гулдастани демоқчимисан?

– Йўқ.

– Нимани, бўлмаса?

– Ҳеч нимани. Ундай дақиқада одам ҳеч нарсани ўйламайди, вақти бўлмайди ўйлашга. Энди сен жавоб бер: ДЗОТга қараб қандай куч уни талпинтирди экан?

– Ғазаб.

– Ғазаб йўлбарсда ҳам бўлади.

– Онглилик.

– Ғазаб ва онг билан бирга, қалб керак. Катта, бой, олижаноб, инсон қалби!

Мария Васильевна икки бармоғи билан пешанасини қисиб, ҳорғин товуш билан столга қараб гапирди:

– Бу гапларинг ҳаммаси тўғри. Лекин сен районнинг хўжалик ишларига фақат шу нуқтаи назардан ёндашсанг, биз сендан план ўрнига гап оламиз чамамда...

«Ақл, ирода, мантиқ – ҳаммаси бор, аммо бир қатрагина ҳис, юрак ҳам бўлса-чи! – деб ўйлади Ориф ака унинг қизлик чоғларини кўз олдига келтириб. – Бор эди. Бор эди! Ажабо, қаерда йўқотди экан...»

Марьям тирсиллаган олма сингари, кулгиси кумушдек янгроқ, сапчиб турадиган олов қиз эди. Рабфақда Орифдан бир курсгина кейинда ўқир, унда жиндек кўнгли ҳам бор эди шекилли, бошқа қизларга рашк қиларди уни. Биров сени рашк қилса қандай яхши! Ориф унинг тиканли қарашларини кўрган сари кўнгли ўсарди. Ҳозир ҳам эс-эс ёдида. 1927 йил эди, шекилли. Орифни биринчи

курслик Назми деган соддагина бир қишлоқи қиз яхши кўриб қолди. Орифнинг жуда чертиб танлайдиган қирчиллама пайти, назар-писанд қилмади. Бир куни ўша Назмининг Орифга ёзган ишқ-муҳаббат хати нима бало бўлиб директорнинг кўлига тушиб қолди. Лапашангроқ эди, йўлакда тушириб қўйибди...

Ҳамма курсларда, устахоналарда, учкомда ҳам, касаба уюшмаси ҳам, бошланғич ташкилотда ҳам дув-дув гап бўлиб кетди. Бундай масала у вақтда дарров мажлисга солинарди. Директор умумий мажлис чақирди. Орифнинг аҳволи чатоқ эди: мажлисда Назмини ёқласа – кўнгли бор экан деб ўйлаши мумкин, ёқламаса – қизни «номуносиб ахлоқи учун» рабфакдан ҳайдашади. Ҳақиқатан ҳам мажлис жуда кескин бўлди. Ҳеч ким Назмини ҳимоя қилмади. Ҳатто кекса муаллимлар ҳам ўқувчилар орасида ахлоқий бузукликдан ғазабланиб гапиришди. Шунда ёлқиндай ловиллаб Марьям пайдо бўлди саҳнада. Ориф аканинг ҳали-ҳали кўз ўнгидан кетмайди: ҳеч нарсадан қайтмайдиган, оппоқ билаклари очик, рабфакдаги ҳамма йигитларнинг кўзини ёндирган бу қиз зални гўё тўлдириб турар, у гап бошлаши билан залдаги ёш юраклар гўё ўт олиб бир-бирига туташиб кетган эди.

– Ўзбек қизининг бугун «Севаман!» деб баралла айтишининг ўзи бир олам-ку! Ўзи бир ғалаба-ку! – деб қичқирган эди Марьям ўшанда. У узоқ ёниб гапирди, қарсақлар бўлди. Бироқ Ориф аканинг ёдида негадир фақат шу гап қолибди...

Йў-ўқ, бор эди унда юрак! Бор эди...

– Сен билан биз тил тополмадик, Ориф. Майли, истасанг, эртага Биринчига кир.

Ориф аканинг узоқда кезиб юрган ўйлари лип этиб сўнди. Бу ҳозирги Марьямнинг товуши эди.

– Йўқ, – деди Ориф ака, папирос олиб, тутатмай кулдонга эзиб ташлади. – Мен сен билан гаплашаман. Тўғри, бугун кўп гапирвордим. Лекин охирги саволим, қани сен менга айт-чи: қаерда, қачон йўқотдинг... ёшлигингни?

Мария Васильевна сесканиб бошини кўтарди. Жуда оғир ботди унга бу гап. Жавоб беролмай қолди. Нимагадир ҳайратда эди. Аламли ўйлар юрак тепишини тезлатди. Ошхона эшигида аммаси кўринди – Марияга ачиниб, чўпдай қуруқ бармоғини иягига тираб турарди.

– Мени нима десанг де, лекин райондаги аҳвол ҳақида тасаввуринг хато.

– Мен одамлар билан гаплашдим.

– Сен собиқ шивилғонлик бозорчилар билан, чайқовчиликда суяги қотган қочоқлар билан гаплашибсан! – Мария Васильевнанинг товуши кутилмаганда темирдек жаранглаб кетди. У ўрнидан туриб олган эди. Ориф ака ўтирган жойидан унинг дарғазаб юзига қараб юмшоқ гапирди:

– Марьям, сен, обкомнинг секретари сифатида, ўз ўрнингда эмассан.

Шу гап билан у жойидан туриб, қозикдан пиджагини олди. Эшик ёнида турган кампирга «Ужин учун раҳмат», деди-да, кўлини ўпиб, хайрлашиб чиқиб кетди.

Мария Васильевна уни кузатгани ўрнидан туриб эшикка келди, эшик ёпилганда оқ лакка бўялган совуқ кесакига манглайини қўйиб беҳол суяниб қолди. Шошиб етиб келган аммаси унинг сирғаниб тушган рўмолини кифтига ёпиб елкасидан кучди.

– Қачондан бери қийнайди-я. Эркак боши билан... Нега изм берасан унга? Нимага дилингни оғритади? Нима ҳаққи бор! – деди йиғлагундек қуйиб-пишиб аммаси Марияга жуда раҳми келиб. Сал титраган илиқ гавдасини юмшоқ тивит рўмолга ўраб кучганча, ёш боладек елкасини силар эди. – Қўй, қўя қол, оппоққинам... – У Марияни йиғлаяпти деб ўйлади. Бироқ Мария Васильевна юзини эшикнинг кесакисидан олганда қарасаки, кўзлари куп-қуруқ, ҳатто сал заҳарханда билан жилмайгандек ҳам бўлиб кўринди.

...Кўчада машиналар қатнови тинган, тим қоронғи, тунги шабада терак барглариди сирли шивирларди. Ориф ака кимсасиз йўлкадан шошиб ярим кварталча юрди-да, орқасига қайтди. Учинчи қаватда фақат бир деразада, Мария Васильевнанинг деразасида чироқ ёнарди. Ориф ака дўпписини ушлаб ўша деразага қараб қўйди, сўнг бирпас у ёқ-бу ёққа юрди-да, яна кетди. Обком рўпарасидаги хиёбонда машинасини топиб, астойдил районга жўнайдиган бўлиб кабинага чиқди-ю, моторни юргизмай, суянганча ўтириб қолди... Узоқ ўтирди. Кайфи йўқ, озгина бўлса ҳам, аллақачон тарқаган эди. Хиёбонда аллақандай қушларнинг чуғур-чуғури, қўналға танлаб ивирсигани эшитиларди.

Ориф ака тунга қулоқ солиб ўтириб мудраб кетган экан, туш кўрибди. Тушида Онабиби лабини чўччайтириб йиғлаётганмиш: «Биттагина кичкина сингилчам бўлса ҳам майли эди...» дермиш ўксиб.

Ориф ака уйғонди-ю, Онабининг иншосини эслаб жилмайиб қўйди. Тушда кўрганлари хаёлларига уланиб кетди: ёлғиз, ҳақиқатан ҳам ёлғиз бояқиш. Мана ҳозир каникул, Темир ҳам болалар

оромгоҳига етакчи бўлиб кетиб қолибди. Онабиби уйда якка ўзи ўтирибди интизор бўлиб. Ота бўлса бу ерда...

Ориф ака қаерда мудраб ўтирганини эндигина пайқади. Оппок тонг отган эди. Шаҳар кўчаларига бирпасда жон кириб, асфальт йўлчаларда тўқ-тўқ оёқ товушлари, магазин, гараж эшикларининг ғирчиллаб очилгани, сутчиларнинг чақирқиқлари эшитилди. Ориф ака кўзини очмай, бошини орқага ташлаб бирпас ўтирди. Кимдир:

– Хўжайка... бинаграт чканка! – деб бўғиқ овоз билан қичқириб ўтди. Ориф ака беихтиёр жилмайиб қўйди. Кўзини очиб қараса қичқирган одам йўқ, машинанинг шундоқ олдидан бир хотин уй-қусираган боласини шошиб-пишиб етаклаб кетяпти.

«Битта кичкинагина сингилча...» Онабибига шунақасидан бўлса жонини жабборга бериб, кун-тун парвона бўларди-да. Ё бирон-тасини боқиб олсаммикан? Топилармиди бу замонда... Хом хаёл. Топилиб қолса-чи? Топилиб қолса-чи!

Ориф ака кабинадан чиқиб, машинасининг атрофини айланди, ғилдираklarини тепиб кўрди. Топилиб қолса-чи?.. Маслаҳат соладиган одам йўқ-да. Марьям... Марьямни хафа қилди. Чакки бўлди. Ё бош эгиб бориб узр сўрасаммикан?..

Нарироқда фонтандан шариллаб отилган сув Ориф акани хушига келтирди. Бу нима гап? Одамлар янги иш кунини бошлаяпти, у бўлса тушдаги хаёллари билан овора.

У фонтанга бориб юзини ювди-да, эски черковнинг нарёғидаги мева бозорига ўтиб, бир коса қатиқ ичди. Энди жўнайман деб шошиб келаётганида ҳалиги бўғиқ товуш яна эшитилди:

– Хўжайка... бинаграт чканка!

Ориф ака товушни таниди.

– Симёғоч? – деб юборди рўпарасидан чиқиб. Бу шивилғонлик Эргаш эди. У енгил брезент этик кийиб, оқ яқтак устидан қат-қат қийиқ боғлаган, қийиқда гулқайчи, чорпичоқ, пайвантак, яна алланималар осиглиқ, елкасида узун дастакли қайчи.

– Ия, Ориф ака... Ҳалиги... ассалому алайкум! – икки қўлини узатди шошиб қолган Эргаш. У новча эмасди, «Симёғоч» лақаби унга отасидан қолган. Отаси донғи кетган боғбон бўлса ҳам, жуда содда бўлган экан. Бир куни унга бир шўх монтер бола даладаги симёғочларни сотиб кетибди. Монтер далада электр сими тортаётган экан, «Нима қиляпсан?» дебди чол. «Симёғоч ўтқаздик, – дебди бола, яримта ичкиси келиб қолганми, ҳазиллашибди: – Ўтқаздигу, хато ўтқазиб қўйибмиз. Энди ташиб кетиш жуда қимматга тушади. Сотмоқчимиз», дебди. Симёғочлар ҳам тилса жуда сўрибоп экан. Савдо кўпга чўзилмабди, чол ҳаммасини арзон-гаров сотиб олиб,



болага бор пулини санаб берворипти. Ўшандан бери халқ орасида буларнинг лақаби Симёғоч бўлиб кетган. Эргашга лақабгина эмас, хунар ҳам ота мерос. Ишкомда туғилиб, чайлада катта бўлган бу истарали йигит соҳибкорликни ўн беш ёшидаёқ эгаллаб, санъат даражасига кўтарган эди. Шивилғонда ҳатто ашула ҳам бор:

Симёғочнинг боғлари  
Маржон узум.  
Маржон қилиб тақа қол,  
Шахло кўзим...

Сентябрь ойлари ишкомларда барг кўринмас, шиғил хусайни, ҳар боши нақ бир сават бўларди. Ҳар донаси каҳрабодек сап-сарик, беғубор, қуёш ботганда ичида чўғ ёниб тургандай кўринар эди.

– Нима қилиб юрибсиз, С... сим... Эргаш?

– Шундоқ... – деди отаси каби содда Эргаш қўлга тушиб қолган боладек, белидаги, елкасидаги асбобларни қаёққа қўйишини билмай. – Райком бўпсиз, ака, эшитиб хурсанд бўлдик.

– Гапни чалғитманг, сиз чўлга, хўжаликга кўчиб тушмаганми-дингиз?

– Кўчиб тушган эдик, ака.

– Бўлмадими?

– Бўлмади...

– Хўжаликдан қочиб, шаҳарда эшикма-эшик хомток қилиб юрибман денг?

Эргашнинг соқол босган юзи бўзариб кетди, типирчилаб, атрофга қаради.

– Касал, ака, қайси ҳовлига кирманг ток касал. Тоғдан кул тушяпти, – деди Эргаш ўзининг касал боласи ҳақида гапиргандек мунғайиб.

– «Хўжайка бинаграт чканка»миш. Пахта экиш ўзи бўлмайди. Чидамапсизда-а?

– Мен чидайман, ака. Ҳар нарсага чидайман... – Эргаш барг шираси сингиб кетган қадоқ кафтига боқди, қаттиқ пружинали боғ қайчисининг дастасини ғирчиллатиб қисди. – Бу ерда ҳам пулни сўқаётганим йўқ... Боғ беринг менга, қайтиб бораман, райком ака!

Ориф ака йигитнинг товушида йиғламсираш оҳангини эшитгандек бўлди. Шу зумдаёқ ўзининг кўнглига ҳам бир нима соя солди. Бу унга таниш ғашлик эди.

– Қочган бўлсангиз юраверинг! – деди Ориф ака жаҳл билан ва жадал қайрилиб жўнаб қолди.

Жўнади-ю, Эргашга жуда ачинди. Бир вақт кимсан миришкор боғбон, ҳамма боғдор районларга донғи кетган, ўз ўрнини топган,

ҳаётдан мамнун, қўли гул йигит эди. Ҳозир бўлса кўчама-кўча... Унинг устига, жеркиб ташлади. Бировнинг ҳовлисидаги токнинг касалини йиғлағудек бўлиб гапиряпти. Унинг айби нимада? Ўз қутлуғ касбига шу қадар кўнгил қўйганидами?

Ориф ака бирпас топтаниб турди-да, ҳалиги жойга қайтди. Қараса Эргаш нариги мушда бир елкаси билан деворга суяниб, бош эгиб турарди. Ориф ака уни чақирмади, олдига борди, йўталди. Эргаш чўчиб бош кўтарди.

– Эсимга тушди, нос чекардингиз шекилли, Эргашвой, борми?

– Ҳа... ҳа-ҳа, бор, – деб йигит қат-қат қийиқларини тита кетди. Жез қоплаган нос қовоқнинг попукли тиқинигача кул тушган узум новдасининг зах ҳиди сингган эди.

– Ҳа, кул тушиб ёмон бўлибди-да, – деди Ориф ака бир чимдим нос отиб. – Йўқотиш қийинми?

– Йўқотиш мумкин. Аммо лекин бутун водийга тарқаса ёмон бўлади.

– Ҳа... ундоқ денг. – Ориф ака камаридан қалпоқни олиб, қоқиб бошига кийди. Офтоб қизита бошлаган эди. – Менга қаранг, Эргаш, сиз., Шивилғонга қайтиб боринг.

Эргаш кўзини пирпиратиб, тушунмагандек, савол назари билан қаради.

– Қайтинг, ҳа. Бутунлай.

– Ҳазиллашманг, Ориф ака.

– Уерда баъзи кекса боғбонлар бор. Мансур отани ҳам қайтарамиз. Кучларинг етганча боғларни тикланглар. Сумбултомчиликларни ҳам аста-секин қайтарамиз.

– Ориф ака! Райком ака! Чинингизми?

– Айтгандай, бола-чақа қалай, соғ-саломатми ҳаммаси?

– Ҳа.

– Олиб кетинг барини. Уйларни, чайлаларни тузатиб олинглар. Кейинроқ боғларни бориб кўраман. Пул-мул қалай?

– Э-э, пул керакмас менга! Кунимиз ўтар. Бахтимизга ўзингиз келиб қолибсиз, ака, раҳмат! Шивилғонни яна гуллатмасам, раҳматлик отам мендан ризо бўлмасин.

У соқоллари ўсиқ бўлса ҳам, алақандай кўркам бўлиб кетди. Ҳовлиқиб қолганидан Ориф акани кучоқлаб ҳам олмоқчи эди шекилли, ўзини босиб, кўпол қўлларини узатиб кўя қолди. Ориф аканинг ҳам кўнгли ўсиб кетди.

– Симёғоч! – деди хайрлашаркан, елкасига қоқиб.

Ориф ака ишдан қайтиб келганида ҳовли тўла бола эди. Шовқин-сурон билан машинани қуршаб олишди, бири кабинага кириб,

бири кузовнинг орқасига осилиб, бири тепасига чиқиб, роса яйраб қичқиришди. Онабиби отасининг бағридан қутулгандан кейин, битта-битта қувиб юриб ҳаммасини ҳар ёққа тириқтириб юборди. Ҳовли жимжит бўлиб қолди.

– Тирмизаклар!.. – деди Онабиби хивични ташлаб. Кейин «паровоз-паровоз» ўйнагани ташиб чиқилган курси, примус, пақир, китоб, яна алланималарни ҳовли юзидан йиғиштириб олди.

Ориф ака майкачан, кавуш кийиб чиқиб, сўри атрофига шакароб қилиб сув сепди. Радио опералардан мунгли ариялар эшиттирар эди. Дим ҳавога роҳатбахш салқин оқим сезилар-сезилмасгина оқиб кирмоқда эди. Чойдан кейин Ориф ака китобларини, газета-журнал подшивкаларини кўтариб чиқиб сўридаги хонтахтага ағдарди. У бир неча кечадан бери тоғ районларининг экономикасини ўрганарди.

Онабиби дастурхонни йиғиштиргач, оёқ учида чўзилиб хонтахта тепасидаги лампочкани бураб ёкди.

– Марьям холамни кўрдингизми, дада?

– Кўрдим, сенга салом айтди.

– Меҳмонхонада ётдингизми?

–... Ҳа.

Онабиби дам у ёққа ўтиб, дам бу ёққа ўтиб, дадасининг атрофида ўзига иш топиб, тинмай бидирлар эди.

– Меҳмонхона чиройли-я? Деразалари ка-тта! Тўртинчи қавати-дамидингиз, дада?

– А? Ҳа, ҳа. Тўртинчи қаватида.

– Қип-қизил чўғдек пойандозлар солинган. Яхшими, дада?

– Кайфиятингга қарайди, қизим. Кўнглинг тўқ бўлса, вақтинг чоғ, ишингдан мамнун бўлсанг ҳаммаси ҳам яхши. – Ориф ака ёнбошлаб ётганча дафтарларига нималарнидир ёзар, китобларнинг орасига хатчўп қистирар эди.

– Тўғри, дада, менинг ҳам кўнглим ҳар хил бўлади. Гоҳо яхши, гоҳо... Нимага яхши, қандоқ ёмон – ҳеч айтиб бериб бўлмайди. – Онабиби кўрпачага чиқиб, ингичка, узун оёқларини этагига ўраб ўтириб олди. – Темирларнинг синфида-чи, дада, бир куни роса тортишув бўлди. Темир ҳамма нарсанинг таърифи бор, ҳамма нарсани тушунтириб бера оламан, дейди. У бахтни ҳам таърифлаб берди, кўнглини ҳам, муҳаббатни ҳам...

– Нима деди?

– Вой, эсимда қоптими? Кейин Комила опам уни бошлади. Уларнинг Комила опа деган ўқитувчиси бор. Бу йил келган. Ёшгина-ю ўзи ўқитувчи, қизиқ. «Қани бўлмаса атиргулнинг ҳиди-

ни сўз билан таърифлаб бер-чи?» деди ўша Комила опа, – Онабиби пиқ этиб кулиб юборди, – Темир таърифлаб беролмай, роса хижолатда қолди. Ажаб бўлди, мақтанмасин, а, дада?

– Ҳа, қизим, сўз билан айтиб бериб бўлмайдиган талай нарсалар бор дунёда... – деди Ориф ака, китобини ёпиб кўзини бир нуқтага тикиб қолди. Радио тинди. Фақат чироқ зириллаб ёнар эди. Анчадан кейин қараса, Онабиби ўша ўтирган жойида кўрпага ўраниб ётиб олибди, кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётган эди.

– Менга ҳозир яхши, – деди киприкларини кўтаролмай, чўччайган лаблари билан ширин тамшаниб. – Нимага яхшилигини ҳам биламан. Негаки, бугун сиз уйдасиз... – шу сўз билан пинакка кетди.

Ориф ака унинг кичкинагина масъум юзига тикилиб кўнгли ғалати бўлиб қолди. Анчагача иш қилолмади. Кейин чироқни ўчириб, Онабибининг устини яхшилаб ёпиб қўйди-да, дафтарларини қўлтиқлаб, оёқ учида уйга кириб кетди.

У туман газетасининг эски тахламларини варақлаб ўтираркан, тантанали бир саҳифада Эргашнинг суратини кўриб қолди. «Симёғоч» кулайми, кулмайми дегандек, мужмалроқ бир қиёфада чақчайиб турарди. Сурат тагида мақоласи. Эргаш ҳамма тоғликларни чўлга ихтиёрий кўчиб тушишга чақирар, «Кўчишга бўйни ёр бермаган шармандали эскилик қолдиқлари бизнинг орамизда бўлиши мумкин эмас!» деб қатъий ишонч билан хитоб қилар эди. Эргаш шундай тил билан ёзардики, унинг олдида баъзи сўз усталари ҳам ип эшолмасди. «Шер ўмровли азамат чўлқуварларнинг ватанпарвар сафида бахтиёрман...»

Бу ойларда газета ҳар куни «шер ўмровли чўлқуварлар»нинг ҳайқириқлари, чақириқлари билан тўлиб чиққан эди. Гўё чўлда бахт-саодат, хазиналар мана мен деб шундоққина тайёр турибди-ю, уни бориб эгаллаш шу вақтгача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган; шунинг учун тоғдаги бутун бошли қадимий боғдор қишлоқларни ҳувиллатиб кўчиб кетишда биронта баҳс ёки иккиланиш, қийинчилик, ёки бирон муаммо асари газ берган эмас.

Ориф ака Эргашнинг суратига яна тикилди. Бу ерда у нечоғли жўн! Довдираб қараб туриши ҳам, сўзлари, фикрлари ҳам. Эрталаб шаҳарда учраган Эргаш бўлса – бутунлай бошқа. Кўзларига боқиб, соддагина гапларига қулоқ солсангиз, ўйларини, дардини, ишқини, кўнглидаги эзгуликларни сезасиз...

Йўқ, ҳаётни жўнлаштириб бўлмайди. У ўзининг чигал, мураккаб ўзанлари бўйлаб оқади. Мана Ориф ака кун-тун сафарда, далада, идорада. У учратган одамларнинг ҳаммаси шер ўмровли азамат эмас, бир-бирига сира ўхшамайди, ҳар бири бир бошқа-

ча олам, лекин ҳар бири алоҳида мислсиз хазина. Ҳар бир колхоз ёки совхознинг ўз муаммоси, ўз фазилати, қийинчиликлари бор. Ҳақиқий чўлқуварлар – ҳарбийдан бўшаган аскар болалар, олий мактаб дипломларини ушлаган мутахассислар, мактаб аттестати, завод йўлланмалари билан янги ерда муқим қоладиган ҳақиқий кўнгилчилар юзлаб келмоқда. Маъмурий йўл билан кўчириб келтирилганлар, адашиб келиб қолиб ўз боғларини соғиниб, ўзини омонат сезиб астойдил кўниколмаганлар эса кетиб қолмоқда. Ҳар кимнинг келиши ҳам, кетиши ҳам алоҳида бир воқеа. Кўп ўйлар, хазиналар, инсоний муносабатлар билан, оила, кўнгил, касб, тақдир билан боғлиқ.

Йўқ, одамни, ҳаётни жўнлаштириб бўлмайди. Ориф ака ўзи ҳам кейинги вақтларда бу ҳаётга астойдил шўнғиб, ўзида ғайрат ва қаноат сеза бошлади. Узоқ қишлоқларда қолиб кетади, бюрларда илгаригидек жим ўтирмайди, ҳатто шийпонларда ҳам нутқ сўзлашига тўғри келади, кўплар билан низолашиб ҳам олди, кўп дўстлар орттирди, чигал муаммоларга дуч келиб уйқудан қолди, ҳолдан тойди, улфат топиб чақчақлашди, буларнинг натижаларини кўра бошлади. Энди уни ҳамма жойда ё севишади, ё ёмон кўришади, хуллас, бепарво кутадиган ёки танимаган одам йўқ.

Бир куни узоқ хўжалиқдан кечаси қайтиб, эрталаб ишга кеч келди. Қараса, қабулхона тўла одам. Раислар, совхоз директорларидан бир неча киши, муҳаррир Назаров ҳам шу ерда; Ориф аканинг кўзи дарров Тўлаганга тушди, уни ўзи йўқлатган эди, эсидан кўтарилиб кетибди.

– Кечирасизлар, – деди у ўтирганлар билан саломлашгач. Кейин ҳаммани бирдан ичкарига таклиф қилди. Кабинет кичкина, содда, курсилар тартибсиз қўйилган, жавонлар қия очик, китоблар сочилган, онда-сонда гул. Бу раҳбарнинг хонасидан ҳам кўра кўпроқ ёш илмий ходимнинг иш хонасига ўхшарди.

Ориф ака столига ўтмасдан Тўлаганнинг ёнига келиб ўтирди.

– Фируза қалай?

– Тузалиб кетди, Ориф ака, раҳмат. Мен... мен диссертациянинг муддатини кечиктиришга ижозат олдим, мана телеграмма.

– Нега? – Ориф ака телеграммани диққат билан ўқиб чиқди.

Тўлаган қоп-қора қўли билан дўнг пешанасини ишқаб, «гапира-верайми?» дегандек атрофга қаради. Атрофдагилар дам ўзаро гаплашиб, дам буларга қулоқ солиб ўтиришарди.

– Хўш, нега? – такрорлади Ориф ака.

– Бу иқтисодий кенгаш деганингизнинг ўзи бир институт чиқиб қолди.

– Хўш, хўш?

– Э, бу мени домига тортиб кетди, Ориф ака. Кўр эканмиз, пай-пасланиб юрган эканмиз. Ички хўжалик ҳисоби деганингиз бир хамиртуруш экан деб қўйдим. Ҳамманинг кўзи очилиб, ҳар ким ўзи қимирлаб қолди: бирон процесда кимнингдир киссасига зарар етказмасликка уринади, у мустақил, у жавобгар. Ўзи кам олса, ҳақи кимда қолганини кўриб туради – автопаркчилардами, механизаторлардами, авиаторлардами, сувчилардами... «Водхоз» олтинчи участкага берган сувини бир ярим баравар кўп ёзиб юрган экан. Кеча борсам, фермаларигача электрга ҳам, сувга ҳам счётчиклар кўйиб кўйишибди. Ҳар бригадир ҳозир маҳсулотнинг таннархини йил охиридагина эмас, ҳар ойда билиб, ҳисоблаб боряпти. Ҳисобчиларни ўқитяпмиз... – Тўлаган суюнчига келган боладек ҳовлиқиб, тез гапирарди, нафаси ичига тушиб кетди. Папкасидан қоғозларни олди.

– Мана булар резервларимиз. Миллионларни елга совуриб юрган эканмиз. Агар янаги йилга план оширилмаса, таннархини камайтириш ҳисобига совхоз биринчи марта ўзини оқлайди.

– План оширилмаса.

– Ҳа.

– Буни ўйлаб кўрамиз... – деди Ориф ака Тўлаганнинг ҳисобот жадвалларига тикилиб. Бошқалар гапга қизиқиб, ўринларидан туришган, буларни қуршаб олишган эди. – Менга қаранг, Тўлаган, кенгаш яна бир неча масалани кўтариши керак: биринчидан, «афғони»нинг қанотини синдириш масаласи! Олимлар билан боғланинг. Резервларни ҳисоблаб кўринглар: чўлни кўкаламзорлаштирувчи махсус бригадалар тузишга кучимиз етадими? Иккинчидан, эски боғдор деҳқонларнинг хоҳишини, ёшини, касбини, вақтини ҳисобга олиб, уларга совхоз шаҳарчасида боғлар яратиш имконини туғдириш керак...

Тўлаган ҳаммасини ёзиб борарди. Атрофдагилар жонланиб, шовқин кучайиб кетди.

– Ориф ака!.. Ўртоқ Очилов...

– Нима учун...

Ориф ака гапини тугатмаган эди, Тўлаганга қараб давом этди:

– Модомики, кенгаш астойдил ишга тушган экан, унга буюртма-мамиз бор. Сизга биринчи буюртма туман ҳокимидан: мусобақада биринчилик критерийларини илмий равишда ишлаб чиқиш керак. Олдин бажарган ютиб кетавериши керакми ё бошқа шартлар ҳам ҳисобга олинадими? Маҳсулотнинг таннархи, масалан... Ёки

колхозда маъмурий чора кўрилганлар сони... Айтгандай, Зиёхонов қалай, ёрдам беряптими?

Тўлаган нима деб жавоб беришни билмай елкасини қисиб, ўйга толган эди, телефон жириглаб қолди. Ориф ака столни айланиб ўтиб, трубкани олди.

– Лаббай! Ким?.. Э-ҳа, Симёғоч!.. – деб юборди хурсанд бўлиб, атрофдагиларга ўнғайсизланиб қаради-да, «Кечирасиз» деб қўйди кимгадир.

– Қулоғим сизда, Эргашвой... Боғлар қалай? Нима-нима, ким? – Ориф ака бирпас жим қолди, ранги оқаринқираб кетди. – Қачон? Маҳаллада. Хўш... Касалхонада. Ҳа... Кейин кўринмадими?

Трубкани қўйиб одамларга қаради. Лекин ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди. Кейин ўзини босиб, гап нимага келиб тўхтаганини эшлашга уринди. Рўпарасида Назаровни кўриб, ҳазиллашмоқчи бўлди.

– Сизнинг қаҳрамонингиз... Эргаш.

Муҳаррир тушунмади, шекилли. Ҳеч ким ҳам кулмади, ҳазил чиқмади. Ориф акадаги ўзгаришни пайқамаган директорлардан бири ҳалиги гапни давом эттирди:

– Ўртоқ Очилов, бу нега бизларда йўқ... кенгаш?

– Ҳа, рост, нега? Бизнинг совхознинг нимаси кам?

– Бизлар четда қолаверамизми?

– Билмадим... – деди Ориф ака жилмайиб. У суҳбатнинг нимага келиб тўхтаганини эслади. Кўриб турибдики, қабулга келганлар ўз юмушларини унутиб, Тўлаганнинг гапига диққат беришди. Уларга ҳозир бошқа ҳамма масалалар иккинчи даражали бўлиб қолди. – Райком... райком буни ҳамма колхоз-совхозлар учун катта тажриба марказига айлантириш ниятида, – деб тушунтира бошлади у. – Ҳатто шундай орзумиз ҳам бор: келгусида шу иқтисодий кенгашлар негизида қишлоқ хўжалик экономикасининг жамоатчилик илмий-текшириш институтини очиш мумкин... Лекин ном бериш осон. Буни ҳали кўп ўйлаш, тажрибада синаш, кўп иш қилиш керак. Истасанглар, мана Тўлаган батафсил гапириб берсин. Фикрлашинглар. Мен... Менинг зарур ишим чиқиб қолди.

У шовқинли хонани буларга ташлаб чиқиб кетди. Кўчага шошилиб чиқди-ю, зинанинг пастида тўхтаб қолди. Нимага чиқди? Қаёққа бориши керак?

У қаёққадир бориши, шошилиши кераклигини биларди. Лекин қаёққа? Нега?

Ориф ака уйга томон шошиб кетаётганини пайқади. Ҳа, уйга, Онабибининг олдига. Қаёққа борсин бўлмаса? Онабибини тезроқ кўриши керак...

Телефонда Эргаш унга хунук хабар етказди. Онабибига ота тегиш ўша Исроилов деган одам Шивилғонни оралаб юрганмиш. Одамлардан боласини суриштирибди, маҳалла комиссиясига, касалхонага кирибди... «Нияти бузукқа ўхшайди, айтиб кўяй дедим, ака», деди Эргаш.

Нима нияти бўларди? Онабибида унинг заррача ҳақи бўлмаса!..

Шундай бўлса ҳам Ориф ака юрагининг дукур-дукуридан кўрқар, йўлкада салом берганларга ҳам алиқ олмай, тезлаб борар эди. Дарвоза олдида тўхтаб, буклоғлиқ қалпоғи билан пешанасини артиб, нафасини ростлади.

Эшик ичкаридан тамбаланган эди, тирқишдан қўл солиб очай деса, ҳа деганда очилавермади, қўли қалтирарди. Бир амаллаб очди. Ҳовли хувиллаб ётибди. Вужуди совиб, эти жимирлаб кетди.

– Онабиби!..

Ҳеч ким жавоб бермади. Кўшнининг ити вовиллади, холос.

Ориф ака бирдан мажолсизланган оёғини базўр судраб уйга қараб интилди. Агар шу маҳал уйқусираган Онабиби кўзларини ишқалаб рўпарасидан чиқмаганда, йиқилиб қолишига ҳам кўзи етган эди. Қизини бағрига босди. Жажжигина, чуваккина, иссиқкина шу вужуд унга дарҳол қувват бағишлади. Шундай бўлса ҳам Онабиби бир нимани пайқади. Отаси ҳеч қачон шошиб келиб унинг пешанасидан бундай қалтираб ўпмас, сочларини бундай силамаган, кўзларига бундай ғалати қарамаган эди.

– Нима бўлди, дада? Нимага барвақт келдингиз?

Ориф ака уни бағрига яна бир босиб, ёнгинасида остонага ўтирди.

– Терлаб кетибсиз. Мен ҳам ухлаб қолибман, бирам дим. Чой кўяй.

– Тўхта, Онабиби... – деди Ориф ака унинг қўлидан ушлаб. Кейин нима дейишини билмади-да, қўйиб юборди. – Ҳа, майли, бор, чой кўй. – Ўтирган жойида қизи қаёққа борса ундан кўз олмай ўтирди. Анчадан кейингина нафаси ростланиб, юзига ранг кирди. Ўшандагина ўзини ўйлаб, кулиб қўйди: «Тентак! Нимага ҳовлиқиб югуриб юрибман? Қизимга биров таҳдид соляптими? Таҳдид солиб бўпти! Уни кўрмаган, танимаган бир ярамас таҳдид соладими? Қизимнинг эмган она сутидан тортиб, кўз нуригача ўзимники!»

У тиззасига шап этиб уриб ўрнидан туриб кетди.



Шу кундан бошлаб Ориф ака уйдан кам чиқадиган бўлди. Чикса ҳам барвақт қайтади, эшикдан ҳовлиқиб киради-да, Онабибининг товушини эшитгандагина ўзига келади.

Дам олиш куни Онабибини шаҳарга олиб бориб ўйнатди, гастролга келган опера театрининг «Доктор Айболит» деган спектаклига олиб кирди, кўйлақлар олиб берди, бир бўғча ҳар хил совғалар билан қайтиб келишди. Онабиби шу кунлари сал улғайгандек, тўлишиб, ўзгариб, қувончи ичига сиғмай, кулганда чехраси нур сочадиган бўлиб қолди. Лекин у очилган сари Ориф аканинг кўнглини булут чулғар эди. Исроилов унинг хаёлидан кетмайди. Бир кун эмас, бир кун безрайиб кириб келиши бор. Лекин унинг башарасини кўришдан ҳам кутиш азоб бўлди. Ана келади, мана келади деб, юрагини ҳовучлаб юравериш Ориф акани жуда эзиб қўйди. Кечалари ҳам хаёли ўшанга кетиб қолади. «Келиб нима қилади, қайси юзи билан келади-ю нима дейди? Қишлоққа борган бўлса, юргандир-да...» дейди бир кўнгли. Лекин кўзини юмса аллақандай шарпалар эшитилади қулоғига, эшикни тақ этиб очиб кириб келадигандек...

Энг қийини бу аҳволни Онабибидан яшириш эди. Ориф ака ёлғон қилиққа, икки қиёфада яшашга ўрганмаган...

Икки ҳафта шундай муттасил хавотирда юргач, Ориф ака чарчади. Исроилов қорасини кўрсатмади. Ориф ака унинг аблаҳлигига батамом ишониб, энди нафрати ичига сиғмай қолди. Бу нафрат хавотирнинг ҳам ўрнини босди. Ориф ака керак жойга бемалол борадиган бўлиб, иши илгариги изига тушди-ю, лекин дилига тугиб қўйди: «Топаман мен у аблаҳни! Манави ишларим битсин-чи, қаердан бўлса ҳам қидириб топиб, башарасига бир тупуриб хумордан чиқаман!»

Ориф ака саратоннинг жазирама кунларидан бирида, Эргашга берган ваъдасига мувофиқ, боғлардан хабар олгани собиқ Кўйки районига чиқиб кетди. Чўллар, сойликлар, ён бағирлар қовжираб сарғайиб кетган бўлса ҳам, офтобда чарақлаб ётган қорли чўққилар тагидаги кўхна тоғ қишлоқлари кўм-кўк бўлиб гуркираб ётарди. Унгуларда пистазорлар қорайиб кўринар, жилғаларнинг бетиним садоси эшитилар, узилиб тушган қоялар остида қулаб ётган кекса ёнғоқларнинг йод ҳиди анқиб, атрофга, дим ҳавога аста таралар эди. Бу ерларда ҳеч ким йўқ, илон изи сўқмоқларни ўт босиб кетган, ўнқир-чўнқир, паст-баланд кўм-кўк, димиқиб ётибди. Баъзан қоялар сиртига тирмашиб чиқсангиз, рўпарангизда мислсиз манзара пайдо бўлади. Ғовлаб кетган ташландиқ боғлардан кўтарилган енгил ҳовур жимираб, ҳаво ранг ҳарир пардадек, тоғнинг водийга

чўзилган этаklarини кўздан яшириб туради, тикилиброқ қарасангиз, узоқдаги тепалар, қирлар, мирзатераклар худи эртақдаги серминор қалъаларнинг зангори кўланкасидек кўринади.

Шундай қоялардан бирига чиққанда Ориф ака пастда кўзни олгудек чарақлаб ётган бир нарсани кўрди. Бу, шубҳасиз, машина эди, машинанинг олдинги ойнаси куёшда шундай чарақлапти. Лекин ким бу, йўлсиз қандай келиб қолди, нима қилиб юрибди бу ерда?

Ориф ака тошлардан сакраб, йўлсиз қияликлардан сирғаниб, югуриб тушди. Бироқ машинага етмасдан тўхтаб қолди: не кўзи билан кўрсинки, ўнқир-чўнқир йўлдан аста юриб Мария Васильевна келарди. У қўлини соябон қилиб қорли чўққиларга қарар, азим эманлар соясида нафас ростлаб, яна юрар, тўхтаб ёввойи гуллардан узар, кўлидаги йўнилмаган таёқ билан ўт-ўланларни титкилаб бир нималар қидирар эди. У ёлғиз, қизларга ўхшаб енгсиз калта кўйлак, пошнасиз ботинка кийган, юпқа оқ дуррасини бошига, пешанасини, юзини офтобдан тўсадиган қилиб бўшгина танғиб олган, юзи, билаклари иссиқдан қизариб улгурган»ди.

Ориф ака узоқдан, сояроқда туриб уни кузатаркан, кулиб, кафтларини бир-бирига ишқалаб қўйди. У негадир Мария Васильевнанинг бу ерга келиб қолишига ўзини сабабчи деб ҳис этарди. Шундайми, бошқачами, ишқилиб келибди-ку, шунинг ўзи ҳам Ориф акага кутилмаган бир суюнчи бўлди. Кувониб кетганини тан олмаса ҳам, Марьямга ўзининг гаплари таъсир этган бўлиши мумкинлигини ич-ичидан ўйлаб қўйди.

Мария Васильевна ҳам Ориф акани кўриб, қўлга тушган боладек, қизарди-ю кўнглига шундай ўй келишини билиб, «Гапим таъсир қилибди, Кўйкини кўргани келибди», демасин деб, ўзича олдини олди:

– Шундоқ, озгина соф ҳаво олай деб... Ҳордиқ чиқарай деб келган эдим, – деди бепарвороққина, – далада юриб ўпкаларга чанг тўлиб кетди.

– Йўқ, Марьям, очигини айтавер, менинг гапларимдан кейин тоғ туманига қизиқиб қолгансан. Одам кўнгли тортганни албатта қилиши керак. Яхши қилибсан келиб.

Мария Васильевна «қитмир!» дегандек кескин қараб қўйди Ориф акага. Тошлар, ғовлаган ўтлар, чакалакзор оралаб, азим қайрағочлар соясига кириб йўқоладиган сўқмоқдан чиқиб борардилар. Тиккароқ ерларда Ориф ака унинг тирсагига кафтини аста тегизиб, одоб юзасидан сал суяган бўлади.

– Нима, менга чиройли манзаралар саёҳати, шунчаки тоғ сайри ёт деб ўйловдингми? Сизга иқтисодий кенгашнинг рақамларига

муккангиздан кетиш ярашади-ю, бизга жиндак лирика ярашмай-дими?

Улар иккаласи ҳам атрофни янгротиб кулиб юборишди. Мария Васильевнанинг кулгичлари нурланиб кетди. Ориф ака ўша раб-факдаги дум-думалоқ олов қизни кўргандек бўлди.

– Эшитибсан-да?

– Эшитганда қандоқ! Колхозларда бошқа ишни йиғиштириб қўйишибди-ку. Ҳаммасини эшитиб турибмиз. Депутатлар хоналарини йўқотганингни ҳам, парклардан шиорларни олдириб ташлаганингни ҳам, совхозларда тоғликларга жавоб бераётганингни ҳам, маориф системасига, газеталарнинг услубига аралашаётганингни ҳам... бундан кейин яна нима каромат кўрсатаркансан фақат шунисини билмай турибмиз.

Ориф ака кулиб тураверди. Мария Васильевнанинг бу пўписаси унинг ишларини маъқуллаш бўлмаса-да, қоралаш ҳам эмас эди. Бир довонга чиққанда улар томири билан ағдарилиб йўлда кўндаланг ётган бақатеракка ўтириб дам олишди. Ўнгда бир хил кийинган, бўй-басти ҳам бир хилдаги беҳисоб кўк арчалар узун-узун саф тортиб қияликка чиқиб кетаётган аскарлардек кўринарди. Тепада тик тоғлар чакалакзорларга қора соя солиб турибди. Бу ерда ҳамма вақт салобатли сукут ҳукм сурса керак. Айниқса тонг отганда... Енгил шабнам ҳали ерда, ўт-ўланлар, гуллар орасида ётади, тиниқ осмон тагида бутун водий кўз олдингизда кафтдек ястанган, қаердадир чашма кўзи милтиллайди, ҳаво софлигидан арча ҳиди, асал ҳиди анқийди. Шунда намтоб сўқмоқларда яланг оёқ юриб, ерга жондошлигингни сезсанг, кўнглинг алланечук осойишталик, эзгулик билан тўлади.

– Бу жойлар одамнинг чиройли хаёлларига ўхшайди, Марьям. Одам... ўтиб кетади. Унинг чиройли хаёллари қолади.

Мария Васильевна қўлида ўйнаб турган баргни биринчи марта кўраётгандек, айлантириб-айлантириб томоша қилар, нафис томирларига узоқ тикилар эди.

– Мана кўрдингизми, кунгурачаларига, томирчаларига, шаклига диққат билан тикилсангиз, шу битта кичкинагина баргда ҳам қонуният бор. Онабибининг дўсти Темирнинг исботига қараганда, қонуният тасодифлардан туғилар экан...

Мария Васильевна баргчанинг ажаб мураккаб симметрик қонуниятларини бир санъат асаридек томоша қилиб, ҳузур қилар эди. Ориф ака буни сезиб, мамнун, сергап бўлиб қолди.

– Баъзи олимларнинг фараз қилишича, ҳар бир нарса, мана шу барг ҳам, одам ҳам электронларнинг махсус бирикмасидан иборат

экан. Қачондир, миллион йиллардан кейин шу бирикма тасодифан яна бир такрорланиб қолса, одам иккинчи марта ҳаётга қайтиб келиши мумкин экан. Агар қонуният, Темир айтгандай, тасодифлардан туғилса...

– Яхши юпанч.

– Лекин менга ёқмади. Электрон, бирикма, қонун... Ундан кўра жаннат ҳақидаги афсона чиройлироқ...

– Икки бор яшаш имконидан мамнун бўлмай, яна гўзаллик ҳам талаб қиласиз.

– Сен бўлсанг шу ерда ҳам гўзалликни унутяпсан.

– Гап фан ҳақида эди шекилли.

– Гап одамнинг маънавий дунёси ҳақида...

Улар яна жим қолишди. Офтоб қизита бошлагандан кейин бу ердан туриб кетишди. Ориф ака тош тагидан сизиб чиққан бир чашмадан ётиб сув ичди. Сув совуқ экан, тишлари зирқираб кетди. Мария Васильевнага дўлана териб берди. Кейин негадир Исроиловдан гап очди. Унинг Шивилғонга келиб юргани, ўзининг саросимага тушиб қолганлари, Онабиби ҳам бир нимани сезиб, кечалари туриб келиб дадасининг уйқусидан хабар олиши... ҳаммасини батафсил гапириб берди.

– Йўқ, мен уни топаман, ерда бўлса қулоғидан, осмонда бўлса оёғидан тортиб...

– Уни топиб нима қиласан, тушунмадим, – деди Мария Васильевна. – Судга беролмасанг, исботинг бўлмаса... Қайтага усени судга бериб, болани тортиб олмасин. Бир умр овунчоғингдан ажраб қоласан. Шунча меҳнат сарфлаб, шунча тарбия қилганингдан кейин... Ёлғизлик сени еб қўяди.

– Мен унга ғазабимни айтмасам юрагимга сиғмайди! – деди Ориф ака негадир қадамини тезлатиб. Кейин Марьямнинг орқада қолганини кўриб қайтиб келди. – Ўлган хотинини, тирик боласини ташлаб кетган, инсоннинг инсонлик туйғусига тупурган бир ифлос. Бошқа жойда ҳам яна ўша ишини қилиб юрган бўлса-чи?! Шундай одамнинг бу атрофда юрганини била туриб, мен қандай тинч ухлайман?

– Тавба... – деди Мария Васильевна, кўлидаги хивични синдириб ташлаб. – Зап топган эканмиз-да райком секретарини. Сени қандай қилиб сайлашганига ҳайронман.

– Мен одамман, – деди Ориф ака, туманда бўлса, аввало одам керак. Дарвоқе, обкомда ҳам. Мана, сен, секретарлик бурчингдан ташқари, нима иш қилдинг?

– Нима қилишим керак эди?

– Мен бола боқиб олмоқчиман, Онабиби сингилча талаб қил-  
япти. Маслаҳат бер, ёрдам қил, нима қилсам бўлади?

Ориф ака дағалроқ товуш билан гапирди. У Марьямдан «Оббо,  
райком секретари бола боқиб ўтирса энди», дегандайроқ эътироз-  
ни кутган эди. Лекин Мария Васильевна ундай демади, тўхтаб ав-  
вал унинг кўзига, кейин ўмровли кўкрагига тикилиб қараб қўйди.  
Энди бу одамнинг қўпол сўроқ қилишлари ғашига тегмай қўйган  
эди. Қайтага ёлғиз қолганида унинг сўроқларини ўзига бериб  
кўрар, ўзининг узоқ йиллар давомида фақат иш билан бўлиб сал  
қуруқшаганнамо ёлғиз ҳаётини ўйлар эди. Бугун бу ғалати одам  
уни ўзгача бир дунёга олиб кириб, айлантириб чиққандек бўлди.

Кўёш тиккага келганда улар хайрлашадиган бўлдилар. Ориф  
ака Эргаш билан Мансур аканинг боғларини бориб кўриши керак  
эди. Мария Васильевнанинг эса кечқурун шаҳарда мажлиси бор  
экан.

– Жуда яхши нафас олдик, енгил тортиб кетдим... – деди у ма-  
шинаси томон юраркан. У дўлана териб юрган шофёрини чақириб,  
моторини юргизгунча Ориф ака нарироқда қараб турди. Машинага  
чиқай деганда Мария Васильевна дафъатан бир нимани эслаган-  
дек Ориф аканинг ёнига келди:

– Мен кўп ўзгарганман, кўп нарсани йўқотганман. Биламан,  
Лекин қачон? Қаерда? – У ерга қараб елкасини қисди. – Бу саволни  
сен берган эдинг. Энди мен ўзимдан сўраяпман...

У бирпас жим туриб машинаси томон кетди. Ориф ака унинг  
қуёшда қизарган юм-юмалоқ елкасига, қалин хазонни босиб кета-  
ётган ўйчан қадамларига тикилганча, туриб қолди. Машина юр-  
гандагина анча гап эсига тушиб, қичқирди:

– Онабибига сингилчани маслаҳатлашамизми?

– Маслаҳатлашамиз!..

– Тоғ районини қайта тиклаймизми?

– А?..

Ориф ака кўлини карнай қилиб қичқириб такрорлади.  
Тоғлардан акс садо келди. Лекин Мария Васильевна эшитмади.  
«Москвич» пастликда йиллаб босилиб ётган ўрмон тупроғини чан-  
гитиб, қалин пистазорлар соясига кириб йўқолди.

Ориф ака билан Мария Васильевна баъзан мана шундай  
бир-бирларига яқинлашиб келгандек бўлсалар ҳам, уларнинг қа-  
рама-қаршиликлари тугамади. Айниқса, иш юзасидан уларнинг  
фикрлари тобора кескин тўқнашар эди. Туманда ҳам, уларнинг  
йиғинлардаги, кенгаш ва бюролардаги, газеталардаги даҳанаки  
жангларига кўникиб ҳам қолишган, бири сўзга чиқса, иккинчиси

албатта қарши гапиришини кутиб туришар, уларнинг олишуви бўлмаса мажлис кўнгилсиз ўтгандай туюлар эди.

Аммо кейинги туман фаоллари йиғилишидагиси ҳаммасидан ошиб тушди. Йиғилишдаги шов-шув бошқа туманларга ҳам етиб, бутун халқ орасига тарқалди. Қаерга тўрғга одам тўпланса: «Очилов яна қовун туширганмиш!», «Жуда бошлабди! Қачонгача...» «Энди нима бўларкин?» дегандай ваҳима гапларни эшитасиз. Аслида ҳеч нарса бўлгани йўқ. Ориф ака район активида сўзга чиқиб, кўнглидаги гапини айтиб солди холос.

Унинг асосий таклифлари шулардан иборат эди: чўлга тоғдан кўчирилганлар орасида ўз қишлоғига қайтишни талаб қилувчилар бўлса – уларга жавоб бериш; совхозларда муқим қолганларнинг ҳаммасига, икки йилда боғ қилиш шарти билан, томорқа ажратиш; совхозларнинг пахта сотиш планини камида икки йилгача ҳозирги даражада қолдириш ва ундан ошириб бажарганларга устама мукофот белгилаш; тоғда собиқ Кўйки туманини тиклаш, унинг ўзига хос иқтисоди билан алоҳида шуғулланиш...

Лекин бу таклифларни айтиш учун Ориф ака кўп идораларнинг ичига кириб чиқди, кўпгина ходимларнинг авра-астарини ағдариб, баъзиларнинг маънавий дунёни мутлақо унутиб, нечоғлиқ сохталашиб, даққи бўлиб қолганини гапириб берди. Айниқса Зиёхоновга, ҳатто Мария Васильевнага ҳам қаттиқ тегди. «Тўғри, азоб ва шафқатсизликлар ҳисобига рапорт тайёрлаш даврлари ўтиб кетди. Лекин, назаримда, ҳозир баъзи бошқа иллатлар учраб қоляпти. Масалан, айрим раҳбар ходимлар ижодий кишилар эмас, қуруқ ижрочиларга айланиб қолаётгани йўқми? Раҳбарлик деганимиз гоҳо кўрсатма берадиган механизмга ўхшаб қолмаяптими? Халқ билади: кўпчилигимиз ақлли кишилармиз. Лекин қалбимиз ҳам борлигини билишармикан? Борди-ю, одамлар раҳбарни қалбсиз деб ўйласа – бу даҳшат-ку ахир!»

Ориф ака гапирганда Мария Васильевна бир неча марта сапчиб ўрнидан турди. Бу залда ўтирган актив учун одатдаги ҳол эди, аммо гапнинг бу сафар одатдагидан кескин кетганлиги зални жонлантириб юборди. Бу тортишувга ҳеч ким бепарво қололмади. Зал дам гувиллаб кўяр, ҳам онда-сонда қарсак янграб, яна тинар эди.

– Таклифингизнинг биронтасида давлат манфаати йўқ, – деди Мария Васильевна. Қаттиқ олишганда улар «сиз»га ўтар эдилар, бу уларни яна ҳам узоқлаштирар, яна ҳам мурасасиз қилиб кўрсатар эди.

– Ана шу-да, – деб илиб кетди Ориф ака, – биз бирон мансабга ўтирсак, ўзимизни давлат манфаатининг бирдан-бир ҳимоячиси

деб ҳис этамиз. Гўё бошқалар давлат манфаатини бизчалик қадрлай олмайди, гўё давлатни улардан ҳимоя қилишимиз керак. Бу ерда ўтирган ҳар бир киши биладик, давлатимиз тобора қудрат тўплаши зарур. Лекин давлат мана шу ўтирганлар, далада ишлаётганлар, одамларимизнинг ўзи эмасми? Уларнинг манфаати, уларнинг фаровонлиги, кўнгли бутун бўлиши, бахт-саодати давлат манфаати эмасми? Одамларнинг давлатимиздан мамнунлиги, аминлиги, маъмурлиги, унга ихлоси ва садоқати – давлатимизнинг беқиёс бойлиги ва қудрати эмасми? Турмушимизнинг афзаллиги шундаки, инсон манфаати бор жойда давлат манфаати бор.

– Аксинча!

– Ва аксинча. Буни бир-биридан ажратган одам ё обиватель бўлади, ёки бюрократ.

– Ўша биринчиси – сиз! – деди Мария Васильевна бармоғини нуқиб.

– Иккинчиси – сиз... – деб юборди Ориф ака ҳам овозини пастлатиброқ. Лекин зал эшитди. Зал гангигандай жим бўлиб қолди. Фақат Зиёхонов билан ёнидаги бир-иккита одам курсиларини ғирчиллатиб, роҳат қилиб тиржаяр эди. Актив кимга дейишини билмай бирпас лол қолганда, Зиёхонов курсининг суянчиғига таяниб, бепарвогина ўрнидан турди. У кўпни кўрган, эски ходим. Бундай пайтларда активни ноқулай ҳолатдан қутқариб кетиши керак. Унинг минбарда писанда билан пастдагиларга тикилиб туриши ҳам фақат шу маънони билдирар эди.

– Биз кўп активларни, кенгашларни кўрганмиз. Лекин шунча раҳбар ўринларда ишлаб бунақасини эшитганимиз йўқ эди, – деди у ажин босган юзини буруштириб. – Бу икки раҳбар ўртоғимизнинг ораси бузуқ экан, бизнинг нима гуноҳимиз бор? Ҳар мажлисда буларнинг жанжалини эшитавериб қулоқларимиз батанг бўлди-ку, қачонгача чидаймиз? Бугун бўлса мана, обкомнинг секретарини очикдан-очиқ бюрократ деб атадилар, бу балки тўғридир, балки... нотўғридир. Гап бунда эмас. Лекин биз активларнинг тарбияси...

Зиёхонов баҳсининг мавзуига диққат қилмай, фақат «икки раҳбар ўртоқ»нинг муносабатларини ўйлаб ўтирган экан шекилли, нутқида гапни ўша томонга буриб юборди. Ориф ака кўтарган мавзу чуқурроқ, одамлар бу мавзуда баҳслашишга тайёр эмас эдилар, шунинг учун кўпчилик индаёлмай ўтирди, шунчаки сўзга чиққанлар эса Зиёхонов бошлаган йўлдан кетишди.

– Биз шер ўмровли азамат чўлқуварлар қаторида тантана билан, карнай-сурнай билан чўлга кўчиб келганларданмиз. Ўртоқ Очилов

бизга, жавоб берамиз, деяпти, бу биз учун ҳақорат. Бизларни ким деб ўйлаяпсиз, ўртоқ Очилов? Биз чўлларни бўстон қилиш учун...

Ориф ака равон ёзилган нутқни қоғозга қараб ўқиётган духоба дўппилик силлиқ йигитни таниди – бу ўша тўртинчи хўжаликнинг клуб мудир Убайдуллаҳон эди. У залга эмас, айрим одамларга, аввал Мария Васильевнага, унинг кўзини учратолмагач, муҳаррир Назаровга, вилоят газетасининг муҳбирига қараб гапирди.

Кейин Тўлаган кўзғалди. У залга қараб эмас, негадир кўзини ердан олмай гапирарди, овози паст, гапи нўноқ. Рақамларга тўлиб кетган гапидан шу англашилдики, бир-икки йил план бир даражада турса, таннархини камайтириш ва ички резервлар ҳисобига совхозлар ниҳоят ўз сарфини ўзи кўтара бошлаши, ишчилар давлат буюртмасини ошириб бажаришдан манфаатдор бўлиб, маиший-маънавий қаноат ҳосил қилишлари мумкин. Шунда «афғони»ни енгса бўлади, ҳосил яна ҳам ортади. Дашт ўзлаштирилди. Бу яхши. Лекин «Даштни ўзлаштирдик! Даштни ўзлаштирдик!» деб, олти йилдан бери кўкракка ураверамизми? Олдинга силжишни ҳам ўйлаш керак. Бу – дашт ахир, гармсел тиимай қутуриб юрибди. Буни қўйкилик бўлгани учун гапираётгани йўқ, бу ерда, бу шароитда боғлар оддий бир эҳтиёж, бу ерда боғсиз, дарахтсиз яшаш мумкин эмас. Айниқса тоғдаги соф ҳаво, кўм-кўк табиатга ўрганган деҳқон халқ учун... Томорқа хусусий мулк сифатида эмас, саломатлик учун, кўнгил бойлиги учун керак. Шунинг учун Очиловнинг таклифи тўғри. Қўйки районини ҳам тиклаш керак. У водийнинг сайроғи, кўкаламзор боғи. Тайёр боғни сўлдириш халқимизнинг табиатига ёт.

Активдан кейин Ориф ака, Мария Васильевна, яна бир нечалар фойедаги буфетда лимонад ичишди.

– Мажлиснинг пачаваси чиқди... – деди юзидан қон қочган Мария Васильевна.

Ориф ака кулди.

– Сиз Зиёхонов фикрида экансиз шекилли?

– Мажлис яхши бўлди, – деди жиндек пиво ичиб олган Назаров, – эшикдан чиқиш билан эсдан кўтариладиган силлиқ мажлислардан кўра шу яхши, одамларни унча-мунча ўйлатади. – У кружкадаги пивонинг кўпигини пуфлаб, кўтариб юборди-да, оғзини енги билан артиб, чўтирлари қизарганча шошиб жўнади: – Кетдим, буни бошқачароқ қилиб ёритиш керак.

Кеч кириб қолган, ҳаво дим эди. Манглайини реза тер босган Ориф ака Мария Васильевнани кузатиб чиқди, уйга бир пиёла чойга таклиф қилди.



– Халқнинг гапани эшитдингизми? – деди Мария Васильевна таклифга жавоб бермасдан, ўз машинаси томон юриб.

– Халқ... ҳалиги Убайдуллахонми? Менга қара, Марьям, – Ориф ака унинг орқасидан эргашди, – ахир у, халқнинг дилидаги у ёқда турсин, ўз виждонига ҳам хилоф гапирди-ку. Ўзи билан гаплашсангиз: «Ит ётиш – мирза туриш...», мажлисда бўлса, «Шер ўмровли ватанпарвар!..» Бу ўзимиз тарбиялаган шундай бир тоифа одамларки...

– Сиз мени шу тоифа одамларга қўшган эдингиз, эсингиздами?

– Нима қилай, ёмон кўраман!.. – деди Ориф ака кўксига қўлини кўйиб. Машинага етиб боргандан кейин, Мария Васильевна кабинага чиқиб ўтиравермасдан, қаёққадир, четга қараб ўйланиб қолди.

– Зиёхоновнинг гапи бугуноқ Биринчига етиб боради...

– Мана Зиёхонов бошлаб кетди! – деди Ориф ака бирдан эсига тушиб. – Ҳақиқатан ҳам тажрибали одам экан. Энди уни ишдан олиш мушкул бир муаммо бўлади.

– Нима, уни ишдан олиш керакми? – ҳайрон бўлди Мария Васильевна.

– Ҳа, шундай эди, сезиб қолганга ўхшайди, энди иш қийинлашди: раҳбарларни танқид қилганим учун қувғинга учраяпман, деб даъво қилади, қараб турасан. Вазиятдан фойдаланиш, деб шуни айтади.

– У нима қилган экан?

– Тўлаганнинг иқтисодий кенгаши анча-мунча нарсага аниқлик киргизяпти. Директор кўп резервларни яшириб келган, сабаби ҳозирча номаълум. Лекин гап бунда ҳам эмас. Гап шундаки, Зиёхоновда раҳбар сифатлари йўқ.

Мария Васильевна индамасдан, аста кабинага чиқиб ўтирди-да, жўнаб қолди.

Эртасига район активи ҳақидаги ҳар хил шов-шув ҳамма жойга етиб борди. Газеталар уни ҳар хил ёритдилар: бировлари бир томонни, бировлари иккинчи томонни қоралаб, яна бировлари «жанжалли йиғин»ни фелъетон руҳида ёзиб чиқдилар. Назаров ўз газетасида баҳснинг мавзуга зўр бериб, журъатсизроққина бўлса ҳам, Ориф аканинг фикрларини маъқуллади, область газетаси эса кичкина хабарда асосан икки раҳбарнинг «жонга теккан» низоларини ғазаб билан қоралаб, фақат Убайдуллахоннинг нутқини тўла босиб чиқарди. Мажлиснинг бузилганлиги, Очиловнинг келишмаган ғалати тезислар билан чиқиши, область раҳбарларидан бирини катта активда «бюрократ» деб ҳақорат қилганлиги обкомнинг биринчи секретарига етиб борди. Айтишларига қараганда,

Биринчи жуда ғазабланганмиш. «Бўлди, кўп тоқат қилдик, можарони бир ёқлик қилинлар: ё униси ишласин, ё буниси!» деганмиш. Ориф аканинг таклифлари билан танишгандан кейин, бир кун кабинетида ўтириб олиб, эртасига бюро аъзоларини битта-битта чақириб гаплашган эмиш... Нима гап бўлганлиги маълум эмас, хуллас, аҳвол жиддий эди.

Ориф ака бу ғалаёнлар билан бўлиб, ярамас Исроиловни қидириб топиш ниятини ҳам ёдидан чиқараётган эди, у аблаҳ ўзи ҳақида ўзи эслатиб қолди. Шу асабий кунларда унинг Онабибига оталик ҳақини даъво қилиб Ориф акани судга берганлиги маълум бўлди.

Буни Ориф ака идорасида телефон орқали область судининг терговчисидан эшитди. Терговчи суҳбатга келиш учун рухсат сўради.

– «Суҳбат...» Сўроқ деявермайсизми... Келаверинг, – деди Ориф ака.

– Биз сизни ҳеч нарсада айблаётганимиз йўқ. Лекин райкомда нокулай бўлармикан... – деб чайналди терговчи.

– Жуда қулай бўлади. – Ориф ака суҳбатни уйга тайинлагиси келмасди, бу тушунмовчиликни Онабиби билмай қўя қолсин, деб ўйларди. – Биз муҳим ижтимоий-ахлоқий масала ҳақида гаплашамиз, шу ерга келаверинг.

Ориф ака буни майда тушунмовчилик деб, эътиборсиз қарашга уринди-ю, ўзи асабини босолмай тун билан ҳовлида юриб чиқди. Умирида суд деган нарсани кўрмаган эди, мана терговчига ҳам иши тушиб ўтирибди. Беор Исроилов бадбашара бир махлуқ қиёфасида кўз олдига келди. Энди унинг юзини кўргиси йўқ эди. Бир вақт топиб гаплашаман, деб ғазаб билан ният қилиб юрганига энди ўзи ҳайрон. Йўқ, у билан гаплашадиган гапи йўқ!

Эртасига терговчини уйқусизликдан чарчаган, асабий бир ҳолатда кутиб олди. Терговчи йилтираб турган қора сочининг фарқини очиб силлиқ тараган, озода ва пухта кийинган, юзи оқ мумдан ясалгандек ифодасиз, лоқайд бир йигит эди. Ориф ака унга Онабибининг бутун тарихини, хотини Сарагулнинг ўлимини, кейинги йилларни – ҳаммасини батафсил гапириб берди. Гапирарди-ю, шунча ҳаяжонли воқеалар ҳалиги йигитнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш, ҳеч қандай ҳис уйғотолмаганидан жони чиқар эди.

– Энди билдингизми Исроилов деган шахснинг ким эканини? – деди Ориф ака жеркиб. Унинг назарида бу очик-ойдин масалани шу совуқ одам кўпиртириб юргандек эди. – Хотини ўлди – хабар олмади, боласи туғилди – хабар олмади, мана яна ўн беш йил ўтди – у бирон марта болам тирикми, деб кўзимизга кўрингани йўқ. Энди

нима унга? Икки аёлнинг, қадрдон Сарагулимнинг ўлими эвазига келган, қимматга тушган бола бу. Мен билан пачакилашмасин у ярамас, айтиб қўйинг!

– Мен унга ҳеч нарса демайман, – деди терговчи, – менинг учун икки томон ҳам баробар...

– Баробар?!

– Ҳа, биз икки томоннинг ҳам фикрини эшитамиз, ҳужжатлари билан танишамиз...

– Менинг ҳеч қандай ҳужжатим йўқ. Менинг ҳужжатим ана – соғ-саломат ўстирган қизим! Мен – отаман.

– Сиз боққан ота, у туққан ота, бизнинг вазифамиз, ажрим қилиш.

– Ота? Нимасига ота? Ҳали мен у билан тенг бўлдимми? Ҳали мени у билан бир курсига ўтказмоқчимисиз? Ҳали мен... ҳали у...

Ориф аканинг шунча тутаққани йигитнинг парвойига ҳам келмади. Ёзиб-ёзиб ўрнидан турди-да, қандай совуқ саломлашган бўлса худди шундай хайрлашиб, эшик томонга юрди.

– Ҳали боладан сўрашингиз керак, билиб қўйинг, қани, кўрамиз – бола нима дейди, – Ориф ака керилиброқ гилам устида у ёқ-бу ёққа юрди.

– Албатта сўраймиз. Лекин бу бизга маълум, бола албатта сизни дейди, чунки у ўз отасини танимайди, – деди йигит чиқиб кетаётиб.

– Ана шу-да! Ўзингиз ҳам билар экансиз-ку! – Ориф ака ўша дўқ оҳангида тутақиб давом этди. Терговчи чиқиб кетган эди, Ориф ака уни қувиб чиқаргандек ҳис этди. – Икки томон баробар эмиш-а! Мен ҳам ота, у ҳам ота эмиш-а! Тенглаштирганини қара, овора бўлади!.. – деб ғўнғиллайверди у анчагача ўзини босолмай.

Кейин, узоқ, гаранг бир ҳолатда ёлғиз ўтириб қолди. Қўли ишга бормасди. Мария Васильевна билан гаплашгиси келарди, икки марта трубкани олди-ю, яна қўйиб қўйди. Кераксиз қоғозларни титиб ҳуштак чала бошлади... Қараса, ҳаммаси ёлғон, иш қилаётгани йўқ, дилини совуқ тош босиб турибди. Кечга яқин яна ваҳима босди. Ҳовлиқиб уйга борди.

– Дадажон! – дея қувноқ қичқириб, Онабиби қарши чиқди, унинг сочлари ёзиқ, қўллари қурум эди.

– Темир келди лагердан, – деди у, – китобларингизни қаранг, нарвонча қўйиб шифтгача тахлаб чиқдик. Юринг, бир кўринг, – ичкарига судради у дадасини.

– Бошқа ҳеч ким келмадими?

– Келди, – деди Онабиби, бирдан товушидаги, юзидаги чўғ сўниб, кўллари осилиб тушди, – бир киши келди.

– Нима деди? – Ориф ака ўтириб, ўзини босиброқ сўради.

– Ҳалиги... ўз дадангни биласанми, деди, йўқ дедим. Иннайкейин... бу дадангни яхши кўрасанми, деди, ҳа, дедим. Ўз дадангни топиб берайликми, деди, билмасам дедим. Топсак қайси даданг билан турасан, деди...

Ориф аканинг пешанасига совуқ томчилар қалқди. Онабибининг йиғлашга шайланиб, учиб турган лабларига тикилганча, ундан қисматини кутгандек жонсараклик билан сабрсизланарди.

Онабиби бирдан чинқириб унинг бағрига отилди.

– Дадажон, керакмас! Керакмас! Сиз дадамсиз! Сиз дадамсиз!

Баданига илиқ югурган Ориф ака унинг елкасини силаб, кулди, юпатди:

– Вой тентак-эй, албатта-да... Албатта-да. Кўй, эсингдан чиқар. У киши бекорчи гапларни гапириб юрибди. Эсингдан чиқар хўпми? Ҳеч гап йўқ. – Ориф ака костюмини ечгани вешалка томон борди. – Темир семирибдими лагерда? – деди қувноқ овоз билан. Ўзи кўзидан тирқираб чиққан бир томчи ёшни билдирмай артиб олди. – Зап яхши тахлабсизлар-да китобларни. Энди бир китоб керак бўлса сира тополмайман.

Онабиби қичқириб кулиб юборди, дадаси ҳам қўшилди. Қизча югуриб китобхонага ўтди, дадаси унинг этагидан ушлолмай қолди. Улар нарвончани тоқчаларга тиркаб қўйдилар, аввал Онабиби энг тепага чиқиб, китоб топиш қандай осонлигини кўрсатди, кейин Ориф ака ҳам чиққан эди, гурс этиб йиқилиб тушди. Бўлди кулги, бўлди кулги.

Хонама-хона юриб кулдилар. Хоналар бугун қандайдир файзли, янгроқ, плита чойнак ҳам қопқоғи шақиллаб худди кулаётгандек биқирлаб қайнар эди.

Кўшни кампир ош олиб кирди.

– Қишлоқдан овсиним келувди, айланай Орифжон, шовқинларингни эшитиб эсимга тушди. Насибанглар... – деди Ёрмат билан Норматнинг бувиси дастурхонга ўралган лагандоғи ошни сўрига қўйиб.

Чойдан кейин Онабиби сўрида барвақт ухлаб қолди. Ориф ака, оёғида чувак, қўлини орқасига қўйиб, анчагача ҳовлида айланиб юрди, тунга, аста чўқаётган жимликка кулоқ солди. Кўшни ҳовлида Ёрмат билан Норматнинг машмашаси ҳали тингани йўқ, бунинг устига узокдан келган меҳмонларнинг гапи тугамас эди.

– Норматингиз шундоққина дадасининг ўзи-я, айланай овсин!  
Куйиб кўйгандек...

Ориф ака бировнинг маҳрам гапини эшитмаслик учун девордан узоқлашди. Кетди-ю, қулоғига чалинган ҳалиги гап шайтонтарок-дек илашган эди унга. Қулоғида янграйверди: «Дадасининг ўзи-я», «Куйиб кўйгандек...» Уйга кирди ҳам шу гап эшитилди, китоб ва-рақлади ҳам шу гап тилига келаверди...

Кейин у сўрига, Онабибининг ёнига келиб ўтирди. Қизча ой ёруғида ширингина пишиллаб ухларди. Ориф ака унинг сочини си-лади, доимий кулги капалаги қўнгандек, чўччайиб турган кичкина лабларига боқди. «Қизим... сен-чи? Сен кимга ўхшайсан? У менга ўхшамайди... У чиройли».

Ориф ака бирдан қўнгли ўқсиб, тунги ёлғизликнинг оғриғини сезди. Энгашиб қизининг бошига пешанасини қўйди, бир нималар пичирлади.

Бошини кўтариб яна юзига тикилди. Кимга ўхшар экан? Мархума онаси ҳам чиройли эмас эди...

Ориф ака бирдан ўзини орқага тортди. Отасига! Наҳотки? Ўша қаллоб Исроиловга-я? Ориф ака уни бадбашара бир махлуқ деб та-саввур этар эди. «Исроилов... Тўхта! Сен чиройли бўлишинг мум-кин. Лекин сен виждонсизсан. Сен бунга ҳусн берган бўлишинг мумкин. Лекин мен ота меҳрини бердим, бу ҳам тенгсиз бойлик. Юрак бердим».

Ориф ака ўзига тасалли берадиган кўп далилларни ўйлади-ю, юпанолмади. Яна ўша фикр келаверди бошига. Наҳотки ўхшаса? Яхши ҳам ўзини кўрмаган экан...

Қиз уни доим эсга соладиган даражада ўхшаш бўлса-чи? Бир умр. Йўқ, йўқ, кўрмайди, бормайди.

Ориф ака Онабибига бўлган муҳаббатига гард юқишидан, соя тушишидан кўрқарди.

Икки кундан кейин терговчи йигит идорага яна келиб бир неча савол берди ва кетишда конвертда суднинг чақирув қоғозини стол-га қўйди. Ориф ака бунинг нима эканини дарров билди. Йигитни тўхтатиб, босиқроқ бўлишга ҳаракат қилиб, сўради:

– Ҳар ҳолда, айтинг-чи, нима учун область суди кўради?

– Даъвогарнинг илтимоси шундай. Район суди холис бўлолмас-лиги мумкин.

– «Даъвогар!» Демак мен «айбдор» деб аталар эканман – да! Мархума хотиним билан, биз инсонга хос олижаноблик қилдик, деб ўйлардик. Ўн уч йилдан бери шу ўйда қўнглим ўсиб, ўзимдан

мамнун эдим. Сиз совуқ назарингиз билан нега поймол этияпсиз бу хисларни! Сиз...

Терговчининг мумдай ҳаракатсиз юзида бирон туйғу ифода-ланмади.

– Судда гапирарсиз гапингизни, – деб чиқиб кетди.

– Бормайман! Овора бўласизлар! – деб қичқириб қолди Ориф ака орқасидан ва чақирув қоғозини йиртиб-йиртиб саватга ташлади.

У қилган ишининг тўғрилигига амин эди. Шунинг учун кўнгли ажойиб бир роҳат оғушида тинчиди. Бир кун ўтди, ҳеч ким бу ҳақда эслатмади, икки кун ўтди, уч, тўрт, беш...

Ориф ака ўзининг совхозлари, иқтисодий кенгашлари, гарм-селни енгиш, томорқа, боғдорчилик бригадалари, тоғ районини тиклаш сингари ишлари билан банд бўлиб кетди. Кечқурунлари уйда Онабиби, баъзан эса файласуф Темир билан суҳбатда, Ёрмат билан Норматни тиззага олиб, ўзини овутар, дам олар эди.

Шундай оқшомлардан бирида, эсингизда тургандир, лоп этиб Очил бува билан Азимжон кириб келди. Ёрмат билан Нормат юругилаб суюнчига чиқиб кетишди, Очил бува кичкина Онабиби билан, Ориф ака умрида кўрмаган жияни Азимжон билан танишди. Меҳмон кутишди. Ориф ака ички дардини билдирмади. Кейин телефон жириглаб, қандайдир низолардан дарак берди, эсингиз-дадир?

Эсингизда бўлса, мана энди қиссанинг бу ёғига меҳмонлар ҳам иштирок этади.

Обкомнинг секретари билан ҳам шунақа гаплашадими одам?! Ўзинг кимсан! – овозини кўтара тушиб сўради Очил бува. Қовоғи осилиб тушди. Ориф ака бошини солганча ўтирар эди.

– Обкомнинг бюросига қўядиган бўлишибди... Менинг «кирдикор»ларимни, – деди у анчадан кейин ғамгин кулиб. – Масалани Марьям доклад қилар экан. Эшитдингизми овозини?

Кечаси билан меҳмонлар уч-тўрт ойлик воқеанинг ҳаммасидан хабардор бўлдилар. Кечаси билан ухламай гапириб чиққан Ориф ака барвақт туриб бюрога тайёрланди.

Эрталаб Темир етиб келди. Онабиби, Азимжон учаласи кутуб-хонадан чиқолмай қолишди. Азимжон ҳам нимаси биландир бола эди. Ҳар нарсага синчковлик қилган, ҳар нарсага ҳайратда қолган... Ота-боланинг улар билан иши бўлмади. Фақат китобхонадан ҳар замонда Онабибининг чинқириқ овози эшитилиб қоларди:

– Дада, дада! Азимжон акамнинг ойилари ҳам Онабиби экан!

– Бува, бува! Темир муаллими билан масала талашиб қолувди, енгибди!

Ота-боланинг кулоғига бу гаплар кирмасди албатта. Очил бува Ориф акага далда берар, «Нима бўлса ҳам, фақат кўнглингдагини гапир, ўз ўйлаган ўйингга қилдек сохта гап аралашса, ютиб чиққанинг бекор», деб ўгит ўқирди.

У ўғлининг кўнглига ишонч солиб, елкасига қоқиб кузатди. Ориф ака кўчага чиққанда эшикдаги почта қутисига кўзи тушди, очиб, қараса, кўзига илон пўстидек яшил қоғоз кўринди – яна судга чақириқ. Кўлида ушлаб бирпас ўтирди-да, ғижимлаб чўнтагига солди. Тинчиб кетди, деб ўйлаган эди. Ҳали ҳам миждишаётган экан-да. «Бориб бўпман, қолаверса, райком секретариман-а! Нима ҳам қиларди...»

У райкомга бориб машинани чақирди-да, тўғри областъга қараб йўл олди. Кета-кетгунча бошқа нарсани унутиб, бюро мажлисини кўз олдига келтиришга уринди: «Менинг активдаги таклифларимни муҳокама қилишадими, ўзимними? Таклифларимни муҳокама қилишса – мен улардан қайтмайман, мен уларни яна ҳам асослайман. Обком билан олдиндан келишмаган бўлсам, район активи билан ўз фикрларимни ўртоқлашишга ҳаққим бор. Ўйлаганимни ҳамма жойда баралла айтаман, баъзиларнинг лўпанаги тўзғисин, майли, мени ҳайдашса ҳайдашсин, мен ҳис уйғотаман, ҳис! Марьям бўзариб, чинқириб гапирди-ку. Гапирса гапирар, «бюрократ» деганимни ҳам қайтиб олмайман... Менда обивателликдан асар топган бўлса балли, лекин унда ҳам бюрократликдан анча-мунча йўқ эмас. Билиб қўйсин».

Бюро мажлиси жуда кечикиб бошланди. Мария Васильевна йўқ эди. Уни яна бирпас кутишгандан кейин, биринчи секретарь асабийроқ қиёфада орқа эшикдан кириб, эълон қилди:

– Мария Васильевна йўқ, бугун келмайди, шунинг учун иккинчи масаладан бошлайверамиз. – Биринчи секретарь пастаккина, юзлари салқи, пешанаси кенг, кўзлари ўткир киши эди. У Ориф акага кўз қирини ташлаб, қўшиб қўйди:

– Ўртоқлар, ҳар хил мулоҳазага бормасликларингиз учун айтиб қўяй, Мария Васильевнанинг келмаганлиги узрли, райондан қайтаётиб даштдаги совхозда тўсатдан тоби қочиб, ётиб қолибди. Юрак касали, деб хабар беришди.

«Титилиб кетсам ҳам жанг қилишаман», деб шай бўлиб ўтирган Ориф ака бирдан қуролини олдириб қўйгандек, саросимага тушиб қолди. Кўз ўнгида Марьям, унинг тоққа чиққандаги оғир ҳансираши, оқаринқираган юзи кўз олдига келди. Қаерда? Қайси совхоз? Гармселда қолиб кетдимикан? Рутубатли гармсел нафасни бўғади...

Ориф ака чиқиб кетмоқчи бўлибми, беихтиёр бир ўрнидан ҳам туриб қўйди-ю, у ёқ-бу ёққа қараб, яна аста ўтирди. Мажлис бошланиб қолган эди. Қандайдир РТСларнинг қарзлари ҳақида гапиришарди, Ориф аканинг қулоғига кирмади. Юрак!.. Юрак касали. Ориф ака ўз юрагининг ҳам қинидан чиққудек бўлиб дукиллаётганини сизди. Вужуди ёниб кетаётган эди... «Тез ёрдам» юборилди-ми-йўқми, айтишмади ҳам... Қайси совхоз? Учинчи бўлса, амбулаторияси бор...

Одамлар ҳеч нарса бўлмагандек ҳамон гапиришар эди. Бир масаланинг муҳокамаси Ориф ака назарида беш-олти соатга чўзилгандек бўлди. Бир иложини қилиб чиқиш керак... Чиқиб кетиш керак.

Ориф ака эшикни мўлжаллаб, аланглаб турганда биринчи секретарь салқи юзини столдан кўтармай сўраб қолди:

– Сиз-чи, Очиллов, сизнинг фикрингиз қандай?

Ориф ака ўзи билан ўзи овора, гапдан беҳабар эди.

– Мен... Менинг фикрим йўқ, – деди у.

– Қизиқ. Шундай муҳим масалада-я?

Кабинет жим бўлиб қолди. Ҳамма бюро аъзолари ўзига қараётганини Ориф ака кўрмаса ҳам, сезиб турарди. Бир амаллаб бу дақиқани ҳам ўтказди. Танаффус бўлиши билан югуриб ташқарига чиқди. Машинасининг олдига бориб тўхтаб қолди. Миясига бир нима келиб, тўхтаб қолмаса, жўнаб кетадиган эди. Қаёққа?

Машина атрофини бир-икки айланди. Ичкарига бир кириб, яна чиқди, энди мажлисда ўтиролмаслигини биларди. Совхозга жўнашга ҳам бўйни ёр бермади. Ўтирди-ю, уйга қараб ҳайдади. Нега? Ўзи ҳам билмайди.

Ўчакишгандек, йўлда ремонтчилар иш бошлаган эди, айланиб ўтадиган вақтинча йўллар ўйдим-чуқур, чанг. Ориф ака рулни сиқиб ушлаганча, сакраб-сакраб, тезлаб борар, пешанасидан шаррос тер оқар, намчил юз-кўзига чанг ёпишиб асабига тегар эди! Мажлисда қатнашиш керак эди, ўтиролмади, одамгарчилик юзасидан бўлса ҳам Марьямдан хабар олиши керак эди, боролмади. Энди нима қилиб, қаёққа кетяпти? Уйда нима бор?

Ҳақиқатан ҳам уйда ҳеч ким йўқ эди. Ориф ака шошиб кирганча ҳамма хоналарни бир айланди. Жимжит.

Ориф ака чанг уст-боши билан Онабибининг каравотига гурц этиб ўтирди, қалпоғини ғижимлаб, ерга қаради. Қаёқдайкин булар? Юрак касали... Юрак касали ҳар хил бўлади. Бирдан олиб кетадигани... Ойлаб қимирлатмай қўядигани...



Ориф ака бирдан ўзига ўзи аянч кўриниб кетди. Аянч. Ожиз. Журъатсиз. Бир қарорга келолмайдиган. Ўз ҳисларини идора қилолмайдиган...

«Нима қилиб ўтирибман!» деб ғазабли алам билан ўрнидан турганида кўча эшиги ғичиллади. Очил бува қайтиб келди, тиззасига-ча тушган узун оқ яктаги сал ғижим, этиги чанг эди. Шошмасдан келиб пақирдаги сувдан ичди, савлатли соқолини кафти билан силаб артиб кўйди. Унинг вазминлиги Ориф аканинг ҳам асабини сал тинчитди. Улар катта меҳмонхонада, стол ёнида учрашдилар.

– Қаёқда эдингиз, дада?

– Марьямдан хабар олдим, – деди Очил бува.

Ориф аканинг юзи лов этиб кетди. Кўнгли тўлишиброқ отасига бир нафас қараб турди-да, ёш боладек бирдан бағрига ташланди. Чол бошини сарак-сарак қилиб, бурушган кўли билан ўғлининг елкасини аста силади.

– Тентак... Устингдан чанг бурқиб турибди...

– Аҳволи қанақа? – сўради Ориф ака отасининг оқ жун босган кўкрагидан бошини кўтармасдан.

– Аҳволи яхши. Касалхонага ётқизишибди.

– Раҳмат, дада...

Ориф ака товуши ўзгарганидан ўнғайсизланди шекилли, юзини четга олди. Ота-бола кўпдан бундай кучоқлашмаган эдилар.

Шу пайт қаёқдандир ўксик йиғи товуши эшитилди. Чўчиб кулоқ солишди.

– Онабиби!.. – Ориф ака китобхонага югурди, ҳовлига чиқди. Онабиби йўқ эди. Лекин йиғлаган – Онабиби, Ориф ака буни даров пайқади. Қаёқда, нега йиғлаяпти?

– Менга қара, Орифжон... – Очил бува ичкаридан чақирди. Унинг овози илгаригидек вазмин, салмоқли бўлса ҳам, Ориф ака унда бир саросима асарини сезди. Қайтиб ичкарига кирди. Очил бува стол ёнида бир варақ қоғозни ушлаганча, ўғлига ваҳимали савол назари билан қараб турарди.

– Мана бу... Столда ётган экан, ўқидингми?

Ориф ака қоғозни кўлига олди. Бу суд ҳукмининг нусхаси эди. Ориф ака аввал негадир орқа-олдини айлантириб кўрди, ҳукм узун эди, ўқиб чиқишга тоқат қани ҳозир, саросимада қоғоздан қандайдир сўзни, қандайдир ҳал қилувчи жумлани қидирди. Тополмади. Бошидан ўқишга тўғри келди.

Суд икки томоннинг ҳам арзларини, далилларини эшитиб, ҳужжатлари билан пухта танишиб, шундай бир хулосага келган эди. Гражданин Очилов Ориф болани гўдаклигидан боқиб олиб, кўли-

дан келганча таълим-тарбия бериб, олижаноб иш қилган. Аммо боланинг асл отаси бўлмиш гражданин Исроилов Муҳаммадамин ўз вақтида шахсга сиғиниш хатоларининг қурбони бўлиб, узоқ муддатга ноҳақ репрессия қилинганлиги туфайли хотини ва боласидан хабар олиш имкониятига эга бўлмаган. Бунинг устига, бола ўқиётган мактабдан вакил қилинган педагог Шафиғуллинанинг гувоҳлигига кўра Онабибининг соғлом тарбия топиши учун уйда муносиб шароит йўқ: гражданин Очилов хизмат юзасидан мутасил ишда, сафарда, командировкада бўлиб, бола кечаю кундуз ёлғиз қолади, у ўз ҳолига ташлаб қўйилган, педагоглар билан муомаласи дағал, бола асабий ва қайсар бўлиб ўсмоқда, бинобарин, уни бу шароитда қолдириш педагогикага хилоф ва ёш ўсмирнинг келажаги учун хавfli.

Гражданин Исроилов Муҳаммадамин эндиликда ҳар томонлама тўла оқланган, оиласи, уй шароити яхши ва бошқа барча ҳуқуқларини тиклаш билан бирга, оталик ҳақини талаб этишга ҳақлидир.

Юқорида зикр этилган факт ва мулоҳазаларни назарга олиб, область халқ суди масалани гражданин Исроилов фойдасига ҳал қилади.

Ориф ака ҳукмни охиригача ўқиёлмади ҳам, кўз ўнги қоронғилашиб, курсига ўтириб қолди. Томоғи қақраб, ўпкаси ҳалқумига келгандек бўғилар, рўпарасида столда турган чойнак билан пиёлага тикилар, қуйиб бир қултум совуқ чой ичиш эсига келмас эди. Қулоғига ҳалиги йиғи товуши эшитилди. Қаерда, қани, демади. Худди бу уйнинг йиғиси, ўзи йиғлаётгандек эди. Очил бува ҳам ожиз. У нима қилишини билмай, этигини ечиб, кавуш кийди, яна бир нималар қилди, ҳаммаси беҳуда ивирсиш эди.

– Онабиби!!! – деб қичқириб юборди Ориф ака бирдан ҳушига келгандек. Онабиби ўрнига эшикдан Темир отилиб кирди. Орқасидан остонада Азимжон кўринди, у иссиқда ярашмаган беқасам тўнда, шу бўйи билан сўлоқмондай бўлиб Темирнинг орқасидан эргашиб юрибди.

– Биз сизни қидириб шаҳарга бордик... – деди Темир ердан кўзини олмай. Кейин ялт этиб Ориф аканинг юзига қаради, кўзида алам, ғазаб ўти чақнарди: – Сиз судга бормабсиз, Ориф амаки, Онабибини ҳимоя қилмабсиз, бош тортибсиз! – деди-да, ичкарига кириб кетди.

Ориф ака ўрнидан туриб, «Онабиби!» деб эшикка интилди. У Темирнинг Онабибини қаёққадир яшириб кетганини пайқаган эди. Хужрада бўлса керак, йиғи товуши ўша ердан келарди.

Бу маҳал дарвоза олдига такси машинаси келиб тўхтади. Ундан бир хотин, бир эркак тушиб, тўғри ҳовлига кириб келишди. Ит йўқми, дегандек у ёқ-бу ёққа аланглаб, айвонга қараб юришди. Булар иккаласи ҳам ўрта ёшдаги, келишган, яхши кийинган одамлар эди. Айниқса эркаги: йўл-йўл ипак кўйлагининг ёқасини очиб, пиджагини билагига солиб олган, соқол-мўйловини ҳозиргина қирдирган, доим илжайibroқ турадиган, одамнинг дилини хира қиладиган даражада ширин-чучмал афтли бир киши эди. Ориф ака уни қаердадир кўргандай эди. Бир эмас, бир неча марта кўргандек. Кўчадами, муюшдами, ўзиними, шарпасиними...

Улар уйга кирганда Ориф ака унинг қўлида қоғозни кўрди-ю, тиззалари бўшашиб, оппоқ оқарганча уй ўртасида лол бўлди қолди. Бу шубҳасиз ўша Исроилов эди. Ёнидаги хотини. Улар Онабибини олиб кетгани келишган. Келганлар саломлашишди шекилли, яна бир нималар дейишдими-дейишмадими, Ориф ака эшитмади. Қизиқ. У Исроиловни бадбашара бир махлуқ деб ўйларди. Бу бўлса қиздай қирмизи, бировга озор берадиган одамга ўхшамайди... «Тўхта, мен бадбахт нимани ўйлаяпман? Нимани ўйлаш керак? Нима дейиш керак?..»

Бу маҳал ички эшикни очиб Онабиби чиқди. Кўзлари қизарган, юзларига кўз ёши из солган, чуваккина вужуди қалтирар эди, қўлида кичкинагина тугунча. У аввал Исроилов томон юриди. Рўпарасида тўхтаб, суратдагидай муттасил илжайган, ширин юзига тикилди. Исроиловнинг орқасида оғзи катта, кулоғида оғир олтин исирға силкиниб турган новча хотини кулишини ҳам билмай, кулмаслигини ҳам билмай, юзида кўпроқ йиғига ўхшаган сунъий бир ифода билан, бўлғуси ўгай қизига эрининг елкаси орқали қараб турарди. Онабиби кескин қайрилиб, Ориф ака томонга юриди, унинг рўпарасида тўхтаб, қонсиз юзига тикилди. У йиғламас эди. Эрталабдан бери қоронғи хужрада йиғлаб кўз ёши қуриб қолганга ўхшайди. Ориф ака унга интилиб, икки қўлини энди чўзган эди, қиз қўлидаги тугунни унинг оёқ остига улоқтирди-да, Исроиловнинг ёнидан югурганча ўтиб, эшикни бор кучи билан тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Эшик тепасидаги катта чамадон шалоплаб тушиб, очилиб кетди, ундан янги йил арчаси ўйинчоқлари сочилиб чилчил синди. Ҳамма ўзини эшикка урди. Онабиби чопганча чиқиб, таксининг эшигини шартта очиб ичкарига кириб ўтирди. Унинг кетидан Темир югурди. Ундан кейин илжайган Исроилов билан унинг хотини лапанглаб чиқиб таксига ўтирдилар. Машина атрофида гир айланиб Темир бақирар, йиғлар эди. Ориф аканинг юғуриб чиқишга мажоли келмади, у айвоннинг устунига манглайини

босганча суяниб қолди. Кўчадан такси машинасининг мотор товуши, чанг ичидан типирчилаб қичқириб қолган Темирнинг аянчли овози эшитиларди. Очил бува ўғлига курси олиб чиқиб берди. Ориф ака устунни кучганча ўтирди. У кўчага қарар, ҳеч нарсани кўрмас эди...

Темир қайтиб кирмади. Азимжон бўлган воқеадан гарангсиб, дарвоза олдида анқайиб турарди.

Ориф ака ҳовлидаги жимликдан кўрққандек уйга кирди. Остонадан хатлаганда пошнаси тагида пўрсилдоқ ўйинчоқлар ғирчиллаб майдаланди. Ранг-баранг шиша парчалари бутун уйда сочилиб ётибди. Илгарилари Ориф ака ҳовлида бир шиша парчаси кўрса, эгилиб олиб, аллақаяёқларга элтиб ташлагучи эди...

Полда ётган тугунни олди. Қизига ўтган якшанба олиб берган қарға шоҳи кўйлак билан Онабибининг болалигидан яхши кўрган мовий кўзли эски кўғирчоғи рўмолга тугилган эди. Ориф ака яна курсига ўтирди, икки қўли билан бошини ушлаб, пешанасини столга урди, бутун алами йиғилиб энди дилига қуйилган эди, ўкириб йиғлаб юборишига сал қолди.

– Дада...

Очил бува ҳовлида, у ҳам нимага қўлини уришини билмай юрибди. Ўғлининг олдида кирмайди. Кирса ё сўкиши керак, ё юпатиши... Ҳа, ёлғиз йиғласа йиғлаб олсин, йиғламаса сал совиб ўзига келсин.

Чорак соатлардан кейин яна Орифнинг овози келди.

– Дада!

Очил бува кирди, белбоғига икки қўлини тираб ўғлининг қошига келди. Ориф ака бошини кўтармай сўради.

– Марьям бюро ҳақида... ҳеч нима демадимми?

– Йўқ... фақат, мана бу хатни... – Чол белбоғининг қатидан конверт чиқарди. У буни буларнинг ўзаро гапи бўлса керак деб, беришга пайт тополмай юрган эди. – Бериб қўйинг, девди.

Ориф ака хатни олиб, очмай столга ташлади. Яна олиб, унга кўз тикканча ўйлаб қолди. Оча бошлади.

Очил бува ўғлининг хаёли ҳалиги фожиадан сал бошқа ёққа чалғиганидан кўнгли ёришиб, ташқарига чиқди. Ток тагига кириб, шира тўплаб қолган узумларга қаради, оғир бошларини ушлаб, ушлаб кўрди. Жонивор роса бўлиб берибди. Бу кимсасиз ҳовлида булар энди кимнинг кўзини қувонтиради?

Бобо ўғлига раҳми келганини ўзидан яширишга уриниб, узумларга ачингандай гапирарди.

Шу маҳал ичкаридан қаттиқ қаҳқаҳа эшитилди. Чол кулоқларига ишонмай уй томон қайрилди. Оёқ остида хазон шитирларди.

Қаққаха яна эшитилди. Бу сафар Очил бува қўрқиб кетди. Уйда Орифдан бўлак ҳеч ким йўқ. Ҳа, Ориф. Ўшанинг товуши.

Очил бува юрагини ушлаб лапанглаб югурди. Кулги ҳамон эшитиларди, энди аниқ, янгроқ, қувноқ...

– Дада! Ҳа-ҳа-ҳа! Вой. Ҳа-ҳа-ҳа!

Бобо эшикни очиб ичкарига кирса, Ориф ака Онабибининг кичкина каравотида чалқанча ётиб, оёқларини осмонга кўтариб, ичаклари узилгундай қаҳ-қаҳ урарди. Бир қўли қорнида, бир қўлида хат.

– Вой қизалоқ тушмагур-эй, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди-я! – деб куларди Ориф ака. У қоғозни отасига узатди.

Марьям ёзар эди:

«Облсуддаги ишдан хабар топиб, мен Исроилов деганни суриштирдим. Қандай билганимни кейин гапириб берарман, ҳозирча сенга керак маълумот шу: Исроилов катта аферист. Судга топширган ҳужжатлари қалбаки. У қаллоблик ва чайқовчилик билан қўлга тушиб, ўн икки йил қамоқда ётиб чиққан, ҳозир «шахсга сиғиниш қурбони» бўлиб олиб, яна улгуржи чайқовчилик билан шуғулланиб юрган бир муттаҳам экан. Бу жуда аниқ. Онабиби учун хавотир олмасанг бўлади. Мен кеча ҳам у ишлаб турган шаҳар прокуратурасида эдим. Ишни охирига етказолмай, қайтаётиб мана бу ерда ётиб қолдим... М.»

Ориф ака ўрнидан туриб кетган, жуда ўзгарган, ҳаракатчан, сергайрат эди. Дадасининг атрофида айланиб, уйда у нарсани бу ёққа, бу нарсани у ёққа қўйиб, гўё тартиб ўрнатар, тинмай гапирар эди.

– Вой қизалоқ тушмагур-эй, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди-я! – дерди нуқул, гўё қизининг умрида қилган энг катта яхшилиги шудек. – Қалай, кейин нима деди, дада, қандоқ ётган экан? Сизни дарров танидимиз? Ўша-ўша-я? Бюрони сира ҳам гапирмади денг? – Ортиқча эзма бўлиб қолганини ўзи ҳам сезди шекилли, дадасининг олдида тўхтаб сўради: – Бировниинг аблаҳ бўлиб чиққанига бундай хурсанд бўлиш яхши эмас-а, дада, нима дедингиз? Лекин йўқ... мен бунга суюнаётганим йўқ. Мен унинг қаллоблигини илгаридан билардим, кўнглим сезарди. Унинг қаердадир бемалол юрганидан дунё тордек туюлар эди менга. Энди суюнганимки... – елкасини қисди, яна кулди, – билмайман нега суюнганимни, айтиб беролмайман. Буни Темир айтиб беради, у файласуф.

У Азимжонни чақириб Темирни топиб келишни буюрди. Ўзи ошга уринди.

– Жиян, қайтишда икки чимдим зиравор ҳам ола келинглар.

– Хўп бўлади. Ҳалиги-чи, тоға? Ундан керакмасми?

Ориф ака кулиб юборди.

– Оббо жиян, эсинг жойида. Олиб кела қол, йигитлар йиғилишиб қолдик, – отасига шўхлик билан кўз қисиб қўйди, – бир улфатчилик қилайлик. Вой қизалоқ тушмагур-эй, эшикни тарақлатиб чиқиб кетди-я! Вой, Онаби тушмагур-эй...

Ориф ака қўлида косови билан туриб ўйланиб қолди. Эшик тарақлаганда унинг дили қаттиқ жароҳатланган экан шекилли. Шу гапни такрорлаб гўё ярасига малҳам босар эди.

– Тушмагур-эй...

Очил бува унга қараб кўзи қувонади. Қорайиб турган осмонда оқшом шарпаси ҳукмрон эди. Қуюқ, зангори ўрик тутуни буралиб-буралиб ғира-шира ҳовлини бутунлай чулғаб олди. Бу тутундан уйларга оилавий бир файз киритадиган, таниш, хонаки ҳид таралар эди.

– Оббо, қизалоғи тушмагур-эй... – деди яна Ориф ака. Қизиган қозонга жаз этиб пиёз ташлади...

*Шу билан биринчи қисса тугади. Энди меҳмонлар кетишлари керак. Ориф ака тонгда райком гаражидан машина чақириб, уларни шаҳарга, ундан аэропортга элтиб қўйишни шофёрга тайинлади. Азимжон унга қараб туриб, ўйларди: биринчи кўрган одаминг ҳам бир неча кунда шунча яқин бўлиб қолиши мумкин экан. У тоғасининг бутун ич-ташини, хулқу хаёлини, ўтмишини, ташвишу орзуларини батамом билиб олгандек эди. Жигарчилик экан-да. Бунинг устига, шу бир неча кун ичида улар шунча воқеалар, шунча эҳтирослар билан бўлиб, бир неча ойнинг савобини топишди. Хайрлашганда Азимжон тоғасининг суратини дилига жойлаб қолгиси келгандек, юзига узоқ тикилиб турди.*

– Дийдор кўришиш насиб қилмаса... омон бўл, жиян, юртингга омон қайт, толеинг ёр бўлсин, – деди Ориф ака. Неварасининг кўнгли тўлишиб келаётганини пайқаган Очил бува олдини олиб унинг елкасига қаттиқ-қаттиқ қоқиб қўйди:

– Энди бунга Комилани кўрсатаман, – деди у, – кейин Акбаралига ўтамиз, уни ўзим кўрмаганимга ҳам олти-етти йил бўлди чамамда. Етим нарса, онаси ҳам нимжонроқ эди, хабар олмай чакки қилибсан.

Ориф ака отаси билан қучоқлашиб хайрлашаркан, айбини бўйнига олиб, Акбаралига кўпдан-кўп салом топширишни илтимос қилиб қолди. Машина эрталабки намтоб тупроқда жимжимадор тасмадек иккита из қолдириб, район марказининг катта кўчасидан дала йўлига чиқиб кетди.

Ҳали шабнам кўтарилмасдан туриб, узоқларда, чўлда бўлса керак, иккита-учта куюн анчагача йўргалаб юриб, уфқда йўқ бўлиб кетди. Қаршида эса қадимий водийнинг пахтазорлари, тоғ этакларигача кўм-кўк. Онда-сонда очилган чаноқлар бу кўк денгизда садафдек ялтирарди.

Далаларда терим тараддуди. РТС кўраларида зангори комбайнлар карвон-карвон бўлиб туришибди. Яктагининг бир енгини чиқариб белбоғига қистириб олган йигитлар шийпоннинг радиосини баланд кўйиб, шошмасдан хирмон шиббалашади. Шийпоннинг соя томонида эса қизлар, дам пичирлашиб, дам қиқир-қиқир кулишиб, пардоз қилишади, этак танлашади, ўсма кўйишади. Узоқда дори сепадиган, барг тўкадиган самолётлар гуриллаб, гоҳо уларнинг қийқириқларини босиб кетади. Ҳали иш қизиганча йўқ, Лекин кузнинг тараддуди ҳаммани далага чорлаган.

Ориф аканинг шофёри, паканагина пишиқ, чўтир бола бугун димоғи чоғ экан, оламни тўлдирган офтобга, нурга, ёруғликка тўймаётгандек, талпиниб, гуркираб, ғайратига сиғмай ҳайдаб борарди. Ёнида ўтирган Азимжоннинг кимлигини билгандан кейин, дилидагини тўка кетди.

Куз яқин. Ўзбекистонда энг дилбар фасл. Ҳақиқий олтин куз – оқ олтин кузи. Ҳали барглари тўкилганда кўрасиз: бу чексиз далалар ёппасига бодроқдек оқариб кетади, узоқда хирмонлар чарақлайди, йўллар ҳам, жўяклар ҳам олисдан оқариб кўринади. Тут шохларида, телеграф симларида паға-паға оқ пахта. Панжарали бункерлар аста лапанглаб келиб автопоезд платформаларига булутдай ағдарилади, йўлларда пахта ортган машиналар тинмай ғизиллайди, этакда пахта, қизларнинг бошларида пахта, тарозида пахта, оёққа пахта илашади. Мезон толалари учиб келиб юзларга ёпишади...

Баъзан пахтани териб тугатиш маҳолдек кўринади. Тунлар совиган сари чаноқлар қарс-қарс очилиб, ойдинда тишини кўрсатиб жилмаяверади, кечагина пахтаси териб кетилган карталар, эртасига қарабсизки, яна оппоқ бўлиб турипти-да.

Кеч куз яна ҳам файзли. Дала шийпонининг орқасидаги ҳовузга сумбула суви тўлиб, қайрағоч барглари қайиқдай сузади, ҳовуз атрофида чўғдек ёнган гултожхўрознинг ерга тўкилган қоп-қора уруғини олиб, тол шохидаги тўрқовоққа шундоқ сепсангиз шомда беданангиз роса кайф қилиб сайрайди-да. Битбилдиқ, битбилдиқ, битбилдиқ... Чайлада пичанустиди ётиб қолганмисиз? Ҳидига маст бўлиб ухлайди одам. Шабнамдан кўрпангиз нам тортиб оғирлашганда бошингизни мундоқ чиқариб қулоқ солсангиз, қовун полизда кўкчаларнинг тарс-тарс ёрилганини эшитасиз. Тонг-сахар шабнам

кўтарилмай туриб, яланг оёқ югуриб ўша ёрилганини тонг совуғи билан карсиллатиб еб олсангиз борми! Оҳ-оҳ – оҳ...

Ориф аканинг шофёри ўзи гапириб ўзи роҳат қиларди. Азимжон буларнинг биттасини ҳам кўрмаган, унинг кўзлари ялтираб, оғзининг суви келди.

– Саёҳат қилиб юрган бўлсангиз, эҳ-ҳе, ҳали кўп ажойиботни кўрасиз! – деди шофёр.

Аэропортда Азимжон бу чўтир бола билан зўрға ажрашди. Умуман Азимжон бир нарсани фаҳмладики, бу ерда энг кўнглисиз нарса одамлар билан ажрашиш, хайрлашиш экан. Ҳар сафар кўнглининг бир жойи узилгандек бўлади. Иккинчи қайтиб кўрмаслигини билганиданми...

Аэропорт катта, гавжум эди. Қандайдир сермулозимат йигитлар келиб очил бува билан саломлашишди. Неварасини етаклаган чолу кампир бир қучоқ гул кўтариб перронга югуриб ўтди, кузак гуллариининг ўткир ҳиди қолди ҳавода. Шаҳарлик, қишлоқчи, эркак, хотин, елкасига бўғча осган ёш-яланг, сершовқин бола-чақа – бари қучоқлашиб кўришган, ўпишиб хайрлашган... Бу ерларда одамларнинг қариндош-уруғи мунча кўп!..

Ана, қошларини териб, киприкларига сурма тортган, Марғилон атласидан калтагина кўйлак кийган стюардессалар ўтиб кетишди. Бари дурқун, бари баркамол, фариштадек, бари Фотма-Зухроми, нима бало, бир-биридан ажратиб бўлмайди. Чўтир шофёр айтган ажойиботдан бири шу бўлса керак-да...

Қизиқ, бу ерда ҳамма нарса катта, чексиз, кенг. Самолёт ҳам муҳташам бир қасрдек, пастда кўринган яшил водийлар ҳам, яйловлар, биёбонлар ҳам чексиз. Ана, оқиш булутларнинг тепасидаги қорамтир фазо ҳам чексиз, азалий, абадий. Азимжоннинг ёнида ўтирган буваси ҳам ҳозир гоҳо азалийдек, абадийдек кўринади ва бир зумга Азимжондан қаёқларгадир узоқлашиб кетгандек бўлади. У тўқсон тўрт ёшда... Азимжон уни умрида биринчи бор кўрди. Унақадар узоқ Азимжондан...

Лекин бувасининг оппоқ ўсиқ қошларига, чуқур ажинлар тилкалаган иссиқ чеҳрасига қараганда бир зумлик бу таассурот дарров йўқолади. Бувасининг кўзларида ернинг ташвишлари. Азимжоннинг тан-жонига роҳатбахш илиқлик югурди.

Улар тушлик овқат қилиб, пластмасса идишлардаги чойни ичгунча ҳам бўлмай самолёт кўнадиган кенг бетон майдон кўзга кўришиб қолди. Булутлар тепасидаги тубсиз қорамтир фазонинг юқини қанотларида олиб тушган азим самолётнинг гилдираклари ерга тегди. Ер билан осмон гўё шу майдонга келиб туташарди.



Улар меҳмонхонага жойлашгунча кеч кириб, театр олдига камалак фонтанлар кўкка қараб сапчиган, атрофдаги гулзорларда битта ҳам бўш скамейка қолмаган эди. Азимжон меҳмонхонанинг болохонасида туриб пастда қайнаган кўча-ю майдонларни, олисда ёнган ранг-баранг неон вивескаларни узоқ томоша қилди. Кейин чой чақириб, тугундаги ёғлиқ патир билан чой ичдилар.

Кела келгунча бир-бирларига икки оғиз сўз қотмаган бобо билан невара, кўнгилларининг теран бир ерида шу ўй сақланган экан шекилли, бир оз дам олгандан кейин Ориф акадан гап очдилар. Айниқса Азимжон ташвишда эди: энди тоғасининг иши нима бўлади? Онабибини қайтиб ололадими, йўқми? Мажлисда ишдан ҳам олиб ташлашса...

– Ҳалиги ўрис хотин қаттиқ душман экан-да Ориф тоғамга, – деди Азимжон.

– Маръямми? – деб кулди каравотга чиқиб чордана қуриб ўтирган Очил бува. – Улар бир-бирларига сира ҳам душман бўлмайди, билиб қўй, болам, – бобо соқолини тутамлаб, кейин кўлининг сирти билан тагидан кўтариб силаб, ўйчан жилмайиб ўтирар эди. – Буни баъзилар тушунмайди-ю, аммо лекин бир кун эмас-бир кун эр-хотин бўлиб кўлтиқлашиб юришса, мен сира ҳайрон бўлмасдим, ҳа.

– Ориф тоғам билан ўша хотин-а?

– Булар бир умр олишса ҳам-чи, иккаласи бамисоли ялакат мағиз, ҳа. Уларнинг орасига ҳеч ким ола солмайди. Бу дўстликнинг илди-зи, эҳ-ҳе, болам, жуда ҳам чуқур. Жуда ҳам чуқур...

Азимжон яна дераза олдига туриб қолди. Майдон ҳамон қайнар эди. Пойтахтнинг улуғвор майдони. Бир қарашда бегона, бир қарашда эса шундай қадрдонки, йиғлаворнинг келади. Дўппилар, шляпалар, дурралар, саллалар. Кимдир бахтини учратган, кимдир илҳақ, интизор...

Очил бува чироқларни ёқмай, ўрнида чўзилиб ётиб, гапни давом эттирар эди:

– Сен билмайсан, жон болам... бу жуда ҳам эски, жуда ҳам чуқур...

Азимжоннинг кўз ўнгида бошқа бир майдон келиб гавдаланди.

## ҲИКОЯТ

Майдон худди мазор сингари жимжит. Унда ғуж-ғуж одам гува-ладай қалашиб, тирбанд бўлиб турибди-ю, лекин жимжит. Аҳён-аҳёнда бир ўқ узилиб, овози майдон устида узоқ янграб туради-да, яна мудҳиш жимлик чўкади.

Кенг майдон у ёғидан-бу ёғигача пасту баланд қилиб йирик-йирик тош тўшалгандай, лекин бу тош эмас, яхлит елкалар. Жулдур елкалар, яланғоч, ориқ елкалар, букчайган елкалар. Олти минг одамнинг елкаси. Уларнинг юзини кўриб бўлмайди. Уларга шундай икки букилиб, ердан кўз узмай туриш буюрилган. Бош қўтарган отилади. Ахёнда янграган ўқ овозлари эса, ботаётган кунни ёки она шаҳар вайроналарини бир кўриб қолиш учун, ёхуд бирон жигарини излаб аланглаган, бебардош шўрликларни учуриб кетар эди.

Олти минг эгик бош. Эрталабдан бери тўпга тутилаётган исёнкор шаҳарнинг бир амаллаб жон сақлаган бир қисм аҳолиси мана шу эди. Булар кўпроқ бола-чақа, хотин-халаж, қари-қартанг; гарнизондан етиб келган жазо отрядлари уларни шаҳар четидаги мана шу тақирга ҳайдаб чиқди. Каппон саҳни деб аталадиган бу жой доим оппоқ шўри чиқиб, қишин-ёзин сизот сувдан ботқоқ бўлиб ётадиган бир майдон эди. Ёз кунлари унда қалъадаги солдатлар дупур-дупур машқ қилар, олачиқ тикиб ўқ отар, қопга сомон тикиб найза санчар эдилар, шаҳар фуқароси бунини бекорчиликда девор рахналарига тизилиб тоза томоша қилар, бола-бақра бўлса атрофдаги дўнг тепаларда ёпирилиб ётар эди. Энди маълум бўлдики, ўша машқлар бежиз эмас экан. Ана ўша солдатлар майдоннинг четида, баланд кўрғон тагида саф тортиб, милтиқларининг найзаларини майдонга ўқталиб шай туришибди. Каппон бостирмаси ёнида уларга команда бериб турган қип-қизил, жез мўйлов, келишган офицер майдонда ҳеч ким бош қўтармаётганидан зерикиб кетгандек, бетоқат, оқ қўлқоп кийган қўлларини бир-бирига ишқалаб-ишқалаб қўярди. Бугун у эрталабдан бери шундай ишладики, бошқа биров бўлса чўзилиб ётиб оларди. Энди эса зерикиб қолаётганга ўхшайди. Туман тушди, у жунжикиб кетяпти, солдатларни дам у ёққа олиб бориб саф торттиради, дам бу ёққа. Ўқ отилмаганда майдонда фақат шунинг товуши янграйди. Команда сўзлари англашилмайди, кескин янгроқ товуш эшитилади холос:

– Ҳау-ҳау, ҳау-ҳау!

Майдондаги халқ унинг овозини ҳам, ўзини ҳам яхши танийди. «Жезмўйлов» деб аташади. Тупроқкўрғоннинг энг жоҳил, пияниста, қайси қовоқхонага кирса бировни уриб майиб қиладиган бебош бир офицери эди. Ўз хотинини ҳам бир казакка рашк қилиб, болта билан чопиб ўлдирган экан. Ҳозир у зерикиб кетяпти. Кўрғоннинг ичкарисиди катталари, майдондагиларни нима қиламиз, деб кекса генерал билан маслаҳатлашяпти чоғи. Жезмўйловга айтса-ку қиради ташлайди-я. Бу ҳезалак чолнинг маслаҳати аччиқ ичакдек чўзилиб кетди...

Қош қораяр, совуқ туман қуюқлашар, одам тўшалган майдон устида қўланса ҳовур кўтарилар, онда-сонда йилт этган инсон чехраси Железмўйловнинг имоси билан шамдек ўчар эди. Кимнинг кими тирик, ким тул, ким стим – ҳали маълум эмас. Бу одамларнинг бутун алам-изтироблари, бутун аччиқ фарёди ҳали ичида. Майдон ўликдек жим-жит. Фақат пастда, елкалар панасида, оёқлар остидагина заиф ҳаёт шарпаси ер бағирлаб аста ғимирлайди. У ерда одамлар бир-бирларининг юзларини кўрадилар, ердан кўз узмаган ҳолда бир-бирларига пичирлаб сўз қота оладилар.

– Шаҳар ер билан текисланиб кетди, Мадумар, – дерди боласининг бўйнидан босиб турган Очил-тақачи ёнидаги қўшнисига. Мадумар-кулол бўқоқ эди, уч соатдан буён эгилиб туриш унга гўр азоби бўлди. Лекин фикри хаёли боласида. Унинг ҳам боласи ёнида. Ёлғиз боласи.

– Бошингни кўтарма, – деб пичирлайди ҳар нафас боланинг кокилидан ерга тортиб. Ўн беш ёшигача боласининг кокилини кестиролмади шўрлик. Бу йил энди битта эчки орттириб Шоҳизиндага борадиган бўлиб турган эди, мана бу фалокат юз бериб... – Бошингни кўтарма деяпман, ўриснинг юзини кўриб қолсанг мохов бўласан! – дерди Мадумар хириллаб.

Очил-тақачи Мадумарни танийди, кулоллар растаси тақачиликнинг шундай ёнгинасида. Мадумар ўзи дилкаш йигит, касби корлик одамни бошига кўтаради. Ҳамма касбларнинг пирини билар, Очил-тақачини «Довуд пайғамбарнинг ўзига қўл бергансан», деб ҳазиллашар эди. Лекин бир феъли бор – ўрисни кўргани кўзи йўқ. Неча йил ёнма-ён ишлаб, неча йил баҳслашиб, Очил-тақачи унинг шу кўр-кўрона эътиқодини синдиролмади. Ҳозир ҳам унинг боласига айтган гапини эшитиб, ўйлаб турди-ю, бу сафар бир нима деёлмади. Нима ҳам десин Мадумар бечора? «Бошингни кўтарма, ўқ ейсан!» десинми? Болага-я?..

Пастда ҳаёт оёқлар оралаб ҳамон ўрмаларди. Дам илондек вишиллаб хунук миш-миш таралар, дам тақдирга тан берган биронтаси Азроил ҳақида аччиқ ҳазил тарқатар, кимдир, ноумид шайтон, дегандек билар-билмас башорат қилар эди.

– Эшитдингми, ярим кечага обориб ҳаммани битта-битта отиб ташлармиш...

Бўғиқ фарёд, йиғи ер бағирлаб бир-бирига уланиб кетади.

– Шунча одамни отолмайди, шаҳар кўчаларида ётган ўликларнинг ҳисобига етсин аввал...

– Қўзғолоннинг бошлиқларини териб олармиш...

Кимдир хотинчалиш хунук товуш билан йиғлаб, бурнини артарди:

– Мен кўзғолонини билмайман, мардикорга оладиганини олиб кетган, кўчага ҳам чиққаним йўқ, айтинглар, жон кўшнилар, қозоқ ўрисга айтинглар, начайликка айтинглар...

– Нафасингни ўчир, кўса! – деди унга кимдир. – Битта сенминг! Сон минг одам бош эгиб турибди бу ерда!

– Войдод, биродарлар, ўлиб кетаверамизми, гуноҳимиз нима!

Ўқ янгради. Яна кимдир кетди. Очил-тақачи пасту баланд гапларга қулоқ солар, ўзидек чидам билан икки букилиб турган тўққиз яшар боласининг белини силар, ўйлар эди. Ўлимни эмас, бўлиб ўтган воқеани ўйларди. Наҳотки шу билан тамом бўлса? Йўқ, шунча қон, шунча қурбон бекор кетиши мумкин эмас. Ўзбек ерларида ҳали бунақаси бўлмаган. Ўт тушди, ўт кетди...

Мадумар-қулол ҳадеб типирчилаган боласининг кокилидан ерга тортарди. Тун аёз, ойдин. Чор атрофда солдатлар гулхан ёқиб исинишар, қўрғон тагидагилар ҳамон саф тортиб, майдонга милтиқ ўқталганча туришар, Жезмўйлов бўлса ёнида қиличини саланглатганча саф бўйлаб дўқ-дўқ юрар эди. Одамлар бир-бирларини суяб, дийдирашар, лойга йиқилиб қолган паранжили кампир устида кимдир букилганча ёсин ўқир эди. Ярим тундан ўтганда Мадумарнинг боласини ахири ўқ учириб кетди. Отасининг шунча хавотири бежиз эмас экан, қайсарлик билан бош кўтариб солдатларга қарабди бола бояқиш. Очил-тақачи изтиробда қаддини ростлаб жон-жаҳди билан нимадир бақирмоқчи бўлган Мадумарни елкасидан зўрға босиб қолди. Шундан кейин Мадумар боласининг ўлиги устида эгилганча азонгача ғиқ этмади.

Азонда ичкаридан ўнтача зар погонли офицер чиқиб, ўнтаси баробар осмонга ўқ узиб, ноғора чалгандан кейин, 9–181 битта кўзойнакли тепаликка чиқиб фармон ўқиди. Генерал жаноблари оқ подшо ҳазрати олийлари номидан марҳамат кўрсатиб, фитначи шаҳар аҳолисининг оғир жиноятига қарамасдан, фуқаронинг ҳаётини сақлаб қолишга қарор қилди. Оқ подшо ҳазрати олийларининг иродасига қарши бундай фитналарнинг олдини олиш мақсадида бу шаҳарнинг аҳолиси шу соатдан бошлаб Мирзонинг чўлига бадарға қилинади ҳамда улардан биронтасига биронта шаҳар ё қишлоқда паноҳ берганлар олий жазога тортилади.

Майдон бирдан кўзғалди. Бошига қон қуйилган, кўзлари кип-қизил одамларнинг қад кўтаролганлари тентираб кетди, белини ёзолмаганлари қичқириб юборди: бири оғриқдан, бири ўлимдан қолганига, бири «бадарға» деган сўзнинг даҳшатидан,

бири худони тилга олиб, бири жигарининг мурдасини ўз қўли билан ерлолмай ташлаб кетаётганига...

Ўликларни олдирмадилар. Мадумар кўзида ёши қуриган, қўллари қалтираган ҳолда, боласининг кокилини кесиб, қўйнига солди-да, солдатлар оёғи остида қолган мурдадан зўрға кўз узиб, оломон ичида кимларгадир суяниб, одимлаб кетди. Атрофида отлиқ солдатлар подачилардек ҳай-ҳайлаб бақиршиб, қамчилаб оломонни аввал бир жойга ғуж қилишди, кейин тонг отмасдан чўлга қараб ҳайдаб кетишди.

Тонг отганда Очил-тақачи атрофида ҳеч кимни танимади. Оломон тўзон булуту ичида аста судралиб ҳамон юриб борар, орқадан бақириб-чақирган отлиқ казакларнинг сўкинишлари эшитилар эди. Очил-тақачи ўғлининг қўлидан маҳкам ушлаганча аланглаб одимлар, «Мадумар амакинг қани? Кўрмадингми?» деб сўрар эди. Бола эшитмади. Унинг қулоқ-бурнига тупроқ тўлиб, битиб кетган эди.

Тонг қоронғисида бўлиб ўтган тўполонда кимлардир қочиб улгурди, кимлардир отилиб кетди, чўлда оломонни иккига бўлиб ҳам юборишди шекилли, хуллас, ҳозир одам кеча кечқурунгидан кўра анча кам эди. Кун чиқиб, йўлсиз, кимсасиз чўлнинг кенг уфқи кўрингандан кейин, қувғиндиларнинг елкаларига офтоб тегиб, оломонга сал жон кирди. Нима бўлса ҳам оёқ остида ер, тепада осмон, тирик қолишди, бирон жойда ризқлари сочилиб ётгандир ахир, териб ейишар, бундан ёмон кунлар ҳам ўтган-ку, бош омон бўлсин ишқилиб. Жувонмарг бўлиб кетган бегуноҳ бандалар оз бўлдими шу уч кун ичида! Йигитнинг гули қирилиб кетди, ўша кунлари кўчага чиққан борки нобуд бўлаверди, маҳаллалар хонавайрон, бозор тўпга тутилди, шаҳар ер билан яксон, мачитнинг минорасигача учиб кетибди. Бу кетаётганларни Худо ярлақаб жонини сақлаб қолди. Мана бу орқадаги лаънатилар ҳам нарироққа бориб зора қайтиб кетишса, ўшанда тирикчилик ўзларига қолади...

Бироқ офтоб тиккага чиққан сари юриш қийинлашарди. Сув йўқ, ёзи билан қовжираган чўл ловиллай бошлади. Қарироқ хотинлар дармонсизликдан паранжигача чувалашиб, каловлаб қолар, яланг оёқ болалар товонига тикан кириб ғингшиб йиғлар, йиқилганларни тетикроқ эркаклар оёққа турғизиш суяб борар эди.

Отлиқ казаклар, – улар кўп эмас, саккизтача эди, – чўлнинг ичкарисига кирган сари оломонга унча эътибор қилмай қўйишди. Улар орқада қолиб, бир нималар кавшаб, бир-бирларидан махорка тутатишар, баъзилари яланғоч бўлиб олиб сариқ жунли баданини офтобга солган, орқароқдагилари бўлса, эгарда бемалол ухлаб ке-

лишар эди. Улар билардиларки, энди бу силласи қуриган оломон на қаршилиқ кўрсата олади, на қочишга ҳаракат қила олади, юриб турса бўлгани.

Чиндан ҳам яйдоқ биёбонда подадек оломон ўз чанги билан бирга силжиб, тобора секинлашса ҳамки ҳамон судралар, номаълум манзиллар сари ҳамон жилиб борар эди.

Кечга яқин отлиқлар бир ерга тўпланиб, тўхтаб қолишди. Уларнинг соялари шўри чиққан тақирда узун ястаниб ётарди. Тўхташга буйруқ бўлмагани учун одамлар мадори борича бир-бирини суяб олдинга силжийверишди. Ярим соатлардан кейин саккизта отлиқ узоқда бир қора нуқтадеккина бўлиб кўринди, кейин эса, жўнаб кетишди шекилли, улар турган жойда булутдек чанг муаллақ туриб қолди. Ажаб, чанг булутининг бир чеккаси қип-қизил эди...

– Кетишди, Очил, ташлаб кетишди, – деди Мадумар. Боласидан жудо бўлгандан бери энди биринчи марта сўз қотган Мадумарнинг товушида фожейи бир тушкунлик сезилди. Солдатларнинг ташлаб кетиши гўё бир қайғу эди. Оломон орқага ва атрофга бир қайрилиб қаради-ю, илгаригидек бош эгганча юраверди, чунки атроф бўм-бўш, педдек оппоқ шўрхоқ тақирлар, қовжираган тиканак, чақиртош кум... Ҳаёт асари йўқ, тўхтайдиган жой эмас эди. Оломон юраверди. Гўё олдинда бир манзил бордек...

Лекин олдинда ҳеч нарса йўқ эди. Чўл, чўл, чўл... Бир гиёҳ дардида ёнган ўша чўл. Не-не карвонларни ютиб кетган ўша ўлик чўл. Катта чўл, Мирзачўл.

Оломон кичкина бир довон ошгандан кейин қияликда гапсиз-сўзсиз чўкди. Уни гўё умидсизлик, дармонсизлик, тун қоронғиси елкасидан босиб чўктирди-ю, шу билан то тонггача бош кўтартирмади. Мудҳиш тақдир одамларни бир-бирларига яқинлаштириб қўйган эди, таниш-нотаниш, бир-бирларига ҳовур бериб, ғуж бўлиб қотдилар, ҳеч ким аҳволини гапирмади ҳам, нима бўлади деб сўрамади ҳам...

Ғовур-ғувур эрталаб бошланди. Кечадан бери туз тотмаганликлари ҳам, очликлари, ташналиклари ҳам, бундан кейинги қисматнинг мудҳишлиги ҳам энди билинди. Ҳеч нарса маълум эмас эди: энди нима бўлади, егуликни қаёқдан топишади, наҳотки шу ерда қирилиб кетиш керак бўлса?.. Кеча, тирик қолдик деб севиниб, бу ёғини ўйлашмаган экан, ёппасига ҳалокатга маҳкум этилганликларини энди фаҳмлашди...

Бундай саросимада очлик, ўлим жадал босиб келаётгандек бўлаверди. Одамлар яна бир неча соат тентирашди, бирон алаф

кўкариб кўринган ё сизот суви йилт этган жойга югуришди, умид-сиз қайтиб яна бир ерга тўпланишди; одам бир-бирини топар экан, бир-биридан доим мадад излар, бир-бирига муҳтож бўлар экан, тарқаб кетишмади. Сизот сувда кўкарган бир парча қамишзор панасига макон қиладиган бўлишди. Орада энг тетик, тадбирлироқлари Очил-тақачи билан Мадумар кулол эди. Улар яна бир-икки одам билан чиқиб кетиб, кечга яқин қаёқлардандир бир этак бошоқ териб келишди. Уни уқалаб, болаларга улашиб чайнатишди.

Кулфат тадбиркор қилади кишини. Ҳар куни кимдир бир чора топар эди. Тошга йиғилган шабнам ҳам, юмрон-қозик инидаги дон ҳам, қамиш поя ҳам, сизот сув ҳам, қизғалдоқ пиёз ҳам – ҳаммаси иш бера бошлади. Аммо жонга ора киргани бошоқ эди. Оёғида дармон бор кимса борки сахардан то оқшомгача ўнлаб чақирим кезиб, қир этакларида ўрилган буғдой пояларини оралаб, бир чўнтакми, бир ҳовучми бошоқ териб қайтарди. Тунлар совуқ, кунлар иссиқ. Очил билан Мадумар ертўла ковлашни буюришди, ерга хашак тўшатишди. Хотинлар ўчоққа хор-хас териб келар, чоллар қамишдан бордон тўқиб касалларнинг остига тўшар, болалар тонгда туриб бошоққа югурар эдилар.

Болалар... Очил билан Мадумар кўриб турибдики, тирикчилик ўзига яраша бир изга туша бошлаган бўлса ҳам, одамларнинг кўзи сўниқ, бошлари хам. Чунки, бу ҳолда қачонгача кун кечириш мумкин, эртага нима бўлади, қиличини олиб қиш келяпти, йиқилиб қолганлар, очликдан шишганлар кўпаяпти. Болаларнинг болалиги йўқолди, ўйин йўқ, кулги йўқ, оталарининг кўзларига тикилишади.

Очил-тақачи ертўласида ҳар оқшом ўз ўғлини кутади. «Бугун ҳаммадан кўп тераман, бир жойни билиб олдим», деб дадасига далда бериб кетади-ю, оёқлари қонаб, ориқ болдирлари шилиниб, бармоқлари кўкариб, тилиниб, қайтиб келади. Бир куни у чивин талаган юзлари оппоқ оқариб, ўпкасини босолмай йиғлаб келиб отасининг этагига дармонсиз йиқилди. Ота тушунди: у бир дона ҳам бошоқ тополмаган. Очил-тақачи боласининг яра-чақа бошини силади: «Кўй, шунга ҳам йиғими, ана шолғом қайнатиб кўй – дим, еб ол», деди у ўзининг кўз ёшини зўрға тийиб. «Шолғом» дегани кейинги кунларда топилган қандайдир чучук томир эди. Кейин-кейин бориб ўғли йиғламайдиган бўлди, ҳатто бошоққа борганда бир шериги тўсатдан йиқилиб жон берганда, кўтариб келолмай, ўзиёқ кўмиб келаверибди. Буни у қайтиб келганда шошмай, йиғи-сиғисиз гапириб берди. Ўлган боланинг онаси ҳам фарёд сол-

гани йўқ. Очил-тақачининг ўғлини бўлса, «Катта бўлиб қолибди», дейишди.

Одам кўмиш кўпинча йиғи-сиғисиз ўтадиган бўлиб қолди. Ҳар куни кимдир кўз юмади, биров очликдан, биров касалдан, биров ишқорли сизот сув ичиб... Кўпчилик эшитганлар: «Кутулибди шўрлик» деб, тирикчилигига кетаверади. Булар тақдирга тан берганлар, ўзининг ўлиги ҳам шу биёбонда қолиб кетишини бўйнига олиб қўйганлар эди. Лекин ёзмишга бўйин эгмай, нимадир кутиб кўзига уйку келмаган, кўнглида исён ўти сўнмаганлар ҳам бор эди. Булар Очил билан Мадумар атрофида. Маслаҳатлашишар, ҳар хил тахминлар қилишар, одамлар тўпланган жойга бориб, атрофда халқ, ҳаёт, катта дунё борлигини эслатиб, дилларига чўғ солишга, ҳаёт шамини сўндирмасликка уринишар эди.

– Биронтаси эслар ахир, дўстларимиз бор эди...

– Ё юқоридан марҳамат бўлиб...

– Жўнаш керак бу ердан!

– Қаёққа?

– Одамлар турган ерга. Моховга ҳам бошпана беради кишилар. Кетаверсак бирон қишлоқ, шаҳар, ақалли бир ўтовга дуч келармиз ахир.

– Кейин сенинг дастингдан уларни ушлаб дорга осишсин, қишлоғига ўт қўйишсин, шундайми? Йўқ, биз бегуноҳ одамларни бало-қазога дучор қилолмаймиз.

Бир куни шундай хашак тутатиб ўтирганларида қамишзорда бир шарпа сезилди. Қоронғи эди. Шабада экан, деб яна гапга киришганларида, кимнингдир ҳансирагани аниқ эшитилди.

– Э, бу ўзимизнинг жинни-ку!

Ҳақиқатан ҳам бу кейинги вақтда эси кирди-чиқди роқ бўлиб қолган касалманд бир букри эди. Бироқ у ўзи ёлғиз эмас, икки қўлида кичкина бир гавдани кўтариб турибди. Ҳамма ўрнидан туриб унга қаради. «Яна бир бола ўлибди-да», дейишди. Букри кўтариб келган гавдани ерга қўйди, бу ҳақиқатан ҳам бола эди, қиз бола. Қамиш тагидан сув ҳовучлаб юзига сепди.

– Ким у, ҳей жинни? – деб қичқиришди. Жинни индамади. Қиз бола тирик экан, бошини кўтарди. Жинни уни авайлаб турғизиб одамлар томонга бошлади.

– О-о-ов! – деди жинни узоқларни кўрсатиб. – О-о-ов! Ўша ердан топдим, ўлиб ётган экан... О-ов узоқда!..

Қиз бола гулхан ёруғига келганда, шуъла шундай тушган эканми, нима бўлди-ю ҳамма аввало унинг юм-юмалоқ юзини кўрди. Бу ердагиларникига сира ўхшамаган бу лўппи, кичкина қирмизи



юз ҳайратда жилмайиб турарди. Одамлар аввал кўзларига ишонмай саросимада қолишди. Қизча бирдан қичқириб гулхан томонга отилди.

– Ҳайбола! Ҳайбола! Мен сени қидирдим, сенга, сенга келдим! – деб у югуриб бориб Очил-тақачининг ўғлини қучоқлаб олди. – Мен сени қидирдим, мен сени топдим! – деди чинқириб.

– Қизимка... – деди «Ҳайбола» ҳам ичига чўккан кўзларини катта очиб. – Дада, бу Қизимка-ку, танимадингизми? Қизимка, қаёқдан келдинг, бизни ҳайдашди, сен нега келдинг?

– Сенга келдим, мана, мана, мана! – деб «Қизимка» кўйнидан учта олма, фартукчасининг чўнтакларидан хўроз, ғилдирак шаклидаги пряникларни олиб «Ҳайбола»нинг этагига тўқди.

Ҳамма уларни қуршаб, нима дейишни билмай, учта олмага, ширин пряникларга аллақандай қўрқув ва ишончсизлик билан қараб турар эди.

– Сен, Қизимка, нон олиб келсанг бўларди, ана новча Алимат ҳам, Мукамбар хола ҳам ўляпти.

– Вой, пряник нондан ширин-ку... – деди Қизимка, – кейин бирдан қўрқиб, мовий кўзлари олайиб кетди: – Ўляпти? Нимага ўлади?

Қизча ўзини қуршаб турган одамларнинг қоқ суяк бўлиб қолган, яра-чақа босган, ширинқираган исқирт юзларига ваҳима билан бир-бир қараб чиқди, ҳеч кимни танимади, босинқираяпман шекилли деб, бақириб юбормаслик учун кафти билан оғзини тўсди. Гулхан чирс-чирс ёниб тугаётган эди, унинг тутуни қўрқинчли башараларни тўсди. Шунда оломонда ғовур бошланди. Кимдир қичқириб юборди:

– Жезмўйловнинг боласи! Ўшанинг қизи-ку бу! – Орани ёриб, йиртиқ чориғи билан тутаб ётган гулханнинг кулини босиб, тўзғитиб, олдинга Мадумар отилиб чиқди. Кулолнинг кўзлари косасидан чиққудек даҳшатли, икки қўлининг чайир панжаларини ёзиб, Қизимкага ташланмоқчи бўлиб келарди.

– Жаллоднинг ҳаромисини менга бер, итнинг боласидек бўғиб ташлайман! – деб қичқирди у. Бўқоғидаги томирлари кўкариб бўртган, изтиробда эсини йўқотиб, нима қилаётганини билмас, панжаларини боланинг бўғзига тўғрилаб борар эди. Очил-тақачи уни силтаб ташлади.

– Мадумар!

Кулолнинг кўзлари ҳеч нарсани илғамай, фақат қизчани кўраётгандек эди, у яна қайтиб кела бошлади. Очил яна қаттиқроқ силтаган эди, Мадумар одамларнинг оёқ остига, кулга ағанади.

– Гўдакдан ўч оласанми, номард? – деб қичқирди Очил. Орада Мадумарнинг тарафини олиб кўзига қон тўлганлар ҳам йўқ эмас эди, буни пайқаган Очил, унинг ўғли, яна бир – икки киши Қизимкани гавдалари билан тўсишди.

– Боланинг нима гуноҳи бор? – деди яна Очил.

– Бизнинг болаларимизнинг нима гуноҳи бор эди?

– Қирилиб кетганларнинг, ўлиги чўлда қолганларнинг-чи?

– Мана бу ўлим тўшагида ётган заифаларнинг нима гуноҳи бор?

– Норастанинг бунга дахли йўқ, бу гўдак ахир, у бизни қидириб келибди! – деди тақачи энди халойиққа ялингансимон.

– Сенинг болангни қидириб келган, – деди Мадумар жулдур уст-бошидан кулни қоқиб, – сен азалдан ўриспарастсан, келгинди!

Очил-тақачи жиззахлик эмас, олти йилгина аввал Чинордан келиб, растада тақачилик дўкони очган эди. Уста тақачи. Ўзига тўқ бўлса ҳам, меҳнаткаш одам. Меҳнати билан мол орттирди, обрў топди. Шунинг учун «келгинди» унга жуда оғир ҳақорат эди. Қариялар буни сезиб босди-босдига ўтишди.

– Номаъкул гапни қўй, Мадумар, келгинди бўлса ҳам дардимизни тортишиб юрибди-ку... – дейишди.

Халойиқ аста тарқала бошлади. Қизимка Ҳайболанинг орқасида, унинг оёғига суяниб ўтириб ухлаб қолган эди. Очил-тақачи уни кўтариб ертўлага олиб кириб кетди. Ўғли қуврай ёқиб, ёритиб турди, болани бордонга ётқиздилар. У донг қотиб ухларди, узун қўнжли қизил ботинкачаси шилиниб кетган, крахмалланган фартукчаси кир, отасининг мўйловидек жез ранг сочлари сепкилли юзига сочилиб ётибди.

– Қизимка... – деб пичирлади Ҳайбола юзига тикилиб. У бирпас гаплашмоқчи, «қўрқма», деб тасалли бермоқчи эди. Эшитмади.

Қизимка жуда шаддод эди. Қўрғон тагида «яккашта кулоқ» ўйнаганда ўғил болалар билан муштлашгани-муштлашган, доим юз-кўзи кўкарган, сопқон отишда ўғил болалардан қолишмас, Ҳайбола билан ҳам неча марта тимдалашган, соч юлишган эди. Бир куни улар мушукларини айирбош қилишди. Ҳайболаники ёввойироқ бароқ мушук эди, қўшниболанинг каптархонасидаги каптарларни безиллатиб қўйди. Шунинг учун, алмаштирво-риб боладим, деб юрса, бароқ иккинчи куниеқ қайтиб келди. Қизимканики ҳам ўзи қайтиб борибди. Роса кулишди. Кейин улар мушукларидан ҳар хил нарса алмашиш учун, бир-бирларига совға юбориш учун фойдаланадиган бўлишди. Масалан, Ҳайбола унинг мушугининг бўйнига ўзи ясаган сопқонини тақиб юборса, бароқ ўша куниеқ белига боғлиқ халтачада фақат оқ подшо офицерлари-

нинг уйида бўладиган «отнон», «пабрикон пряник» олиб қайтарди. Ҳайбола пряникни ўшанда яхши кўриб қолган. Афсуски, ҳозир Қизимка олиб келган пряниклардан Ҳайболага биттасигина тегди. Қолганини дадаси бошқа ертўлаларга олиб бориб касалларга бир тишлам-бир тишламдан улашди. Олмаларнинг фақат биттасини Қизимкага қолдирди. Уйғонганда ейди, ана бордон остида яшириғлиқ дўппайиб турибди.

Ҳайбола олманинг ҳидига анчагача ухлолмай ётди-ю, кейин кўзи юмилиб кетибди. Дадаси бўлса бу кеча ухлагани йўқ. У туни билан дам ертўлага кириб, дам далада айланиб, бир нималарни ўйлаб чиқди. Тонг олдидан Қизимкани уйғотди.

– Яхши ухлаб олдингми? – деди у кулимсираб. Қиз кўзларини уқалаб, ғира-шира ертўланинг қоронғи бурчакларига хавотирланиб қаради.

– Энди сен қайтиб кетишинг керак, Қизимка, – деди Очил жиддий гапга ўтиб. – Кўриб турибсан бу ерда ейдиган ҳеч нарса йўқ, сув йўқ, одамлар ташна, болалар очдан ўляпти. Сен қайтиб кет, кузатиб довондан ошириб қўйишади, кечгача шаҳарга кириб борасан.

Қиз тушунди.

– Ҳайбола ҳам кетсин! – деди у.

– Бизларга мумкин эмас. Ҳайболага ҳам мумкин эмас. Сенга мумкин.

Қиз ўйланиб қолди, индамади. Бир кечада унинг ҳам болалиги йўқолгандек эди. Очил билан ўғли унинг индамай қолганини розилик аломати деб билишди.

– Борганда дадангга нима дейсан, бу ерга келганингни айтасанми? – деб сўради Очил.

– Йўқ! Бормайман дадамга! – деб қичқириб юборди қиз. Сепкилли юзи ўзгариб, кўк кўзларида ғазаб чақнади. – Бормайман! Маст бўлиб келади, кечаси ароқ сўрайди, шифтга тўппонча отади, кўрқаман! Бормайман дадамга!

Қизча чинқириб, типирчилар, йиғлар эди. Бу пайт ертўла оғзига тўпланган одамлар бир-бирларига қараб, бошларини сарак-сарак қилишди.

– Тушида ҳам қонда сузса керак-да, одамхўр, босинқираб тўппонча отади, – деди орадан энди сал ўзига келган Мадумар.

– Виждон азобида Жезмўйлов!

– Виждон нима қилади унда!

Очил-тақачи ертўладан чиқиб қаддини ростлади, оқариб келаётган уфққа қаради, тиззаларини уқалади.

– Ҳавони тўсманглар, ертўла димиқиб кетди, – деди одамларни четлатиб. – Ўзи нарироққа юрди, нима қиламиз, дегандек йигитларга қаради. Одамлар бир нимани сезгандек, унга эргашишди, улар тақачининг кўнглига бир фикр келганини юриш-туришидан пайқашар эди. Анча нарига бориб, чўккалашиб ўртага маслаҳат солишди. Чорак соатдан кейин шовкин кўтарилиб, маслаҳат мажлиси тўзғиб кетди, ертўлага қараб кела бошладилар. Орада ҳаммадан ҳам Мадумар қаттиқроқ шовқин соларди.

– Илон боласи – илон! Балки отаси ўргатгандир.

– Ўргатишга ўргатмаган-ку, лекин бола-да, ишониб бўладими? Чунончи, шаҳарга қайтганда кўнгли ўқсиб кетиб дадасиникига кириб борса. «Қаерда эдинг?» «Фалон жойда». «Нима дейишди?..» Бола қўрқиб ҳамма гапни айтиб солса...

– Ўша заҳотиёқ ҳаммаси тапир-тупур от солиб келади-ю, бири-мизни қўймай қиради-кетади, – деди Мадумар, чўлда ётган юзлаб ўликларни кўргандек атрофга қараб. Бу бўлиши мумкин бўлган гап эди. Одамлар хавфсираб, Очил томондагилар ҳам иккиланиб қолишди.

– Хўш, нима қилдик бўлмаса? – деди Очил босиқ ўйчанлик билан. – Очликдан қирилиб кетаверамизми? Ҳозир одамларимизнинг ярми ўлим тўшагида ётибди. Очликдан ташқари, яна касал оралаб қолса, бир ҳафтага бормаймиз. Бизга қаердан нажот келиши мумкин? Нимани кутяпмиз?

Бундай ожиз, шармандали ўлимдан ҳар қандай таваккал яхши.

Мадумарнинг телбаларча бақирғи олдида бу мулоҳаза жўялироқ туюлди. Очил томон яна босиб кетди. Ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмагач, Очил ертўлага кирди.

– Қизимка, – деди қизчанинг ёнига ўтириб, эплаганича мулойимроқ қилиб, – майли, сен дадангга борма. Йўқ, йўқ, сира борма. Лекин шаҳарга қайтишинг керак.

– Ҳайбола ҳам борсин!

– Йўқ. Ҳайбола бормаиди. Сен ўзинг борасан. Ҳозир кузатиб қўйишади, хумдоннинг тутунини мўлжаллаб юраверсанг, кечаси шаҳарга кириб борасан. Тўғри бориб, Бешкувурдаги черковнинг панжарасидан ошасан, Матвей амакининг деразасини чертасан. Тушундингми? Матвей амаки бор-ку, кўнғироқчи, танийсанми?

Қизимка бош ирғади.

– Ма, олманинг ярмини еб ол.

Ертўла эшигида турганлар ичида яна Мадумар қичқирди:

– Кўнғироқчи! Яна ўрис! Яна ўрисга тутиб бермоқчи бу тақачи!

– Сен жим тур, бўқоқ, чинқираверасанми!

– Сен ўрисдан нима яхшилик кўргансан? – деб кимнингдир ёқасига осилди Мадумар-куллол. – Хотинингни отга бостириб ўлдирган ким? Кулбангни хонавайрон қилган ким? Эртага сенинг ҳам суягингни чиябўри ғажиб кетади!

Чора излаб, ўй ўйлаб тинкаси қуриган оч оломонга бу шанғилик ёқмади. Мадумарни четга суриб, ертўлага қулоқ солишди.

– Қизимка, – дерди Очил. Оғзидан суви келиб, ютиниб ўтирган боласининг бошини силарди. Қизимка яримта олмани бир тишлаб, қолганини Ҳайболага берди.

– Кўнғироқчига айтасан: ҳаммаси оч, сув йўқ, юзтача одам ўлибди, дейсан, қолганлари ҳам кўпи бордонга узала тушиб ётибди, қирилишяпти, дейсан. Тушундингми?

Қизимка устма-уст бош ирғади. Шаҳарга албатта бориш кераклигини энди у ҳам яхши тушунган эди.

– Шундай қилмасанг, Ҳайбола ҳам очдан ўлади, билдингми, яна жуда кўп болалар очдан ўлади. Тушундингми?

– Тушундим.

– Дадангга сира-сира кўринма. Матвей амакинг нима деса шуни қил. Уйдан чиқма, мезанада, кўнғироқхонасига жой қилиб беради.

– Яна келсам майлими? Ҳайболага нон олиб келаман.

– Йўқ! йўқ, йўқ! Сен менинг гапимни кўнғироқчига етказсанг бас. Шунда сенга мен ҳам дада бўламан, Ҳайбола ҳам сенга ака бўлади, мана бу турган ҳамма амакиларинг ҳам дада бўлади, хўпми?

Мадумарнинг яна жини кўзий бошлади, у пешанасига тарс этиб уриб, оғзи кўпикланиб бир нималар деб қичқирди. Уни ёнидагилар босишди.

– Яна битта гап бор, Қизимка, – давом этди Очил-тақачи. – Кўнғироқчини холи топиб, айт: Ярофей бобонинг мўрчасига тушар экансиз, дегин. Ҳов тошлоқ маҳалладаги Ярофей-чўлоқ борку, биласанми?

– Тор кўчада.

– Ҳа, балли. Ярофей-чўлоқнинг мўрчасига тушар экансиз, дегин. Уқдингми? Эсингдан чиқмайдими?

– Йўқ.

– Хўш, қани, нима дейсан?

– Матвей амаки, Ярофей-чўлоқнинг мўрчасига тушар экансиз, дейман.

Очил-тақачи қизчани тиззасидаги ўғлига қўшиб қучоқлаб, суйди.

– Баракалла, ақлли Қизимка.

Ҳайбола билан Қизимка хайрлашганда тақачининг кўзидан ёш чиқиб кетди. Йигитлар қизчани довондан ўтказиб қайтиб келишди. Ҳамма ўша томонга қараб турарди.

– Тетик бўлинглар, биродарлар, касалларга қаранглар, кўнглим сезиб турибди, дўстлар бизни кутқазишади, – деди тақачи ишонч билан.

– Иншоолло... – дейишди қариялар.

Ёшлар қамиш ўргани, болалар ёрилиб қонаб кетган оёқларига латта ўраб, бошоққа кетишди, кимдир қалпоқда сизот сув ташиб юмронқозикни инидан чиқаришга уринарди, ҳар ким ўз ишига киришди. Лекин Мадумарнинг атрофидаги баъзи одамлар ҳамон шанғиллашиб, таҳдид қилишар эди.

– Бу чаёнинг эртага отлиқ қозоқ, ўрисларни бошлаб келса...

– Шунча жоннинг уволига қоласан, тақачи.

– Бизни ўрисга сотиб қутулиш ниятинг бўлса, бирон отлиқнинг қораси кўриниши билан аввал сенинг гирибонингдан оламиз, билиб қўй, – деди Мадумар. Улар шундай таҳдид билан жўнаб кетишди-ю, Очил-тақачи ертўла ёнидаги тошга ўтириб, пешанасини ушлаганча ёлғиз қолди.

Аламзада Мадумарнинг гаплари халқнинг ишончини сусайтириб, Очилга азоб бермоқда эди. Кечин улар яна ҳам кўпайишиб Очилнинг олдига келишди.

– Менга қара, Ярофей-чўлоқнинг мўрчасидаги – қуролми?

– Ҳа, қурол, – деди Очил ҳам очиқчасига.

– Шаҳарнинг ер билан текис бўлиб кетгани етмаганмиди? Ҳали ҳам тавбангга таянмабсан-да? Сенга ўхшаганларнинг дастидан бўлди-ку бу хунрезлик!

– Ҳов, Мадумар, сен Жезмўйловнинг гапини қиялпсан, – деди бир чол. Бундан Очил бир оз далда топди.

– Биродарлар, – деди у оғирлик билан, – агар сизларда бирон бошқа тадбир бўлса, айтинглар, мен бу йўлдан қайтай.

– Очил тўғри айтади, ўладиган хўкиз болтадан тоймайди.

– Қурол – ҳозир бирдан-бир йўлимиз, – деди Очил.

– Шундай-ку, аммо лекин шунча одамнинг тақдирини бир гўдакнинг қўлига топширинг...

– Қонхўр жаллоднинг арзандасига...

– Бас қил, Мадумар!

– Қуролнинг бошингни ейди! – деди Мадумар, кетаётиб қўшиб қўйди: – Тақачини кўздан қочирманглар, йигитлар! Бир кори ҳол бўладиган бўлса, ҳа!..

Очил яна тош устида ёлғиз қолди. Кечқурун у ўғли териб келган буғдойни ҳафсаласизгина чайнади-да, яна чиқиб тошга ўтирди. Одамлар узоқдан унга қараб-қараб қўярдилар. Биров хавотир билан олар, биров икки оғиз тасалли бериб кетар, «мадумарчилар» бўлса бўридек ер тагидан тикилиб, уни кўздан қочирмасликка тиришар эдилар.

– Ухла, болам, ухла. Ухласанг қорнинг очмайди... – дейди Очил ўғлига. Ориқлаб мусичадек бўлиб қолган ўғли бордонга чўзилиб ухлаганда, ғамгин жилмайиб: «Ҳайбола», деб қўяди шивирлаб. Кўзида сал умид учқуни ёнади. Кейин яна бирдан юраги орқага тортиб кетади: Мадумарнинг гапида жон борлигини ўзи ҳам сезар, ўзининг қалтис таваккалидан қўрқар эди. Жезмўйлов қизини қидиришга тушган бўлса керак. Тутиб, чирқиратиб ҳамма гапни айттирса... Айтмаса ўлдиради ҳам, унинг қўлидан келади. Бола қўрқиб айтиб қўйса, қурол кетади, ўртоқлар ҳалок бўлади, Самарқандга, Ховосга кетган иплар узилади, бу ердагилар... бу ердагилар шундай ҳам қирилиб кетади...

Бу даҳшатли манзара ҳар замонда кўз олдига келиб, Очилнинг бутун вужудини карахт қилиб қўяр эди. Икки кун оғзига бир дон олмай, тунлари ҳам ухламай тошда ўтирди. Яна қайси ертўлада кимлардир жон берди, қандайдир воқеалар бўлди – у қимир этмади, гўё асаби ҳам, сезгилари ҳам ўлган эди. Одамлар энди унга, ақлдан оздими, деб, хавотир билан қарай бошладилар.

Учинчи кун кечаси Мадумар бошлиқ кимлардир келиб, (Очил бу латта-путтага ўралган, яра-чақа, эти суягига ёпишган одамларни танимади ҳам) бирпас индамай туриб, яна кетишди, ачинишяптими, ғазабми – билиб бўлмасди. Ярим тун деганда бутунлай кутилмаган томонда ўт кўринди. Кечаси суяк ёнади дейишарди, балки... Йўқ, узоқда милтиллаган ўтларнинг бир меъёрда тебранишидан кимлардир машъала тутиб келаётгани маълум эди. Лекин кимлар? Нега чўл томондан?

Очил қимирлаб қолди. Ҳозир ё у ёқли, ё бу ёқли бўлиши керак. Қўрқиб йиғлаган хотин-халажнинг, совуқ нафас қилган Мадумарларнинг овозини ўчириб, гулханларни сўндиришга, ҳаммани овоз чиқармай ётишга буюрди. Йигитларни ёнига чақириб, машъалалар келаётган томонга олдинроқ чиқиб, қоронғида чўккалаб туришди. Буларнинг кимлигини билиб, шунга қараб ҳаракат қилиш керак эди.

Ғовур-ғувур гаплар эшитила бошлади, улар кўпчилик эмас эди.

– Ўрислар... – деди Мадумар.

– Саллотлар эмас, кўриниб турибди.

– Ўласи бўлиб ётган оломонни киши билмас бир ёқлик қилиб кетиш учун тўртта тўппончалик миршаб ҳам етади.

– Жим!

Машғалалар ёлқинланиб турарди, улар яқинлашиб қолди.

– Ҳой жиззахликлар! – деди хириллаган бир товуш русчалаб.

Очил ўрнидан турди.

– Ҳой халойиқ! Бормисанлар! – деди яна ҳалиги товуш.

Очил улар томон юрди, кейин бирдан югура бошлади, бошқалар ҳам етиб боришди. Келганлар машғалаларни қумга суқиб ўчиришди. Бошлашиб ертўлалар ёнига келишди, жиззахликлар уларни қуршаб олдилар.

Булар еттита мужик эди. Ўсиқ сочлари телпакдай, соқоллари кўксига тушган, бўз халта кўйлаклари тиззадан, иккитаси яланг оёқ, қолганлари чипта кавуш кийган. Ҳаммасининг елкасида қоп, қўлларида йўнмаган таёқ.

Қопларини ерга қўйиб устига ўтиришди. Ҳолдан тойган эдилар.

– Очил ким? – деди юзини соқол босган, фақат шолғомдек бурнигина кўриниб турган энг кексаси. Очил олдинга чиқди. – Биз Балашовка хуториданмиз. Халқ қалай?.

– Аҳвол оғир. Халқнинг учдан бири... Сизлар...

– Биз тонг ёришмасдан хуторга қайтишимиз керак, мана бу сизларга: нон, туз, пиёз, жийда, балиқ...

Улар ҳеч нарса демай қопларни ташлаб дарҳол йўлга отланишди. Халқ нима бўлганини ҳали ҳам тушунмагандек, ғиқ этмай турарди. Очил мужиклар ортидан югуриб эргашди:

– Сизларга раҳмат. Лекин гапиринглар ахир, ким топширди, бу ёғи нима бўлади, ҳеч ким ҳеч нарса дедими? Менинг отимни қаёқдан биласизлар?

Шолғом бурунли кекса Очилнинг рўпарасида тўхтаб, юзига қаради, бир қўлини кифтига қўйди.

– Бизга топшириқ шундай бўлди. Биз ҳам бир вақт бу ерга сургун қилинган одамлармиз. Хўп, дедик. Бошқа ҳеч иарса билмаймиз, – деди-да, жўнаб қолди. Қоронғи тунда уларнинг қораси тезда йўқолди.

Очил ертўлалар ёнига қайтиб борса, Мадумар ҳаммани тартибга солиб, босиқлик билан озиқ-овқат улашяпти. У қандайдир ўзгариб кетган, одамларга яхши муомала қилар, болаларни юпатар эди. Ҳамма ёқни ўз тасарруфига олгандек. Бош кўтариб қарамаса ҳам Очил ундаги ўзгаришдан мамнун бўлиб, «хўжалик ишлари»ни бутунлай унга қўйиб берди.



– Ҳайбола! – деб чақиришди узоқдан. Очилнинг ўғлининг оти «Ҳайбола» бўлиб кетган эди. – Дадангнинг улушини ҳам олиб кет.

Дадаси тошда ўтирибди. У режа тузиши керак. Энди нима бўлади? Бу мужикларнинг иши ҳойнаҳой «кўнғироқчи»нинг имоси билан бўлган. Демак, Қизимка етиб борибди. Одамлар еб-ичиб сал дармон йиғиб туришсин-чи, топшириқ бўлиб қолар. Шундай ташлаб қўйишмайди.

Овқатлари тугаган куни тонготарда ўн битта отлиқ казак чўлни чангитиб бирданига уфқдан чиқиб қолди. Елкаларида милтиқ, ёнларида қилич. Қиёмат-қойим бўлиб кетди. Қий-чув, дод-фарёд кўтарган халқни сал тинчитиб, Очил отлиқларга пешвоз чиқди. Нарироқда улар билан гаплаша бошлади. Халойиқ ўлим кутар, жимжит, фақат шошиб калима келтирганларнинг шивирлаши эшитилар эди.

– Кўрдингларми, сотди ўрисга! – деб бақириб юборди биров. Бу яна ўша Мадумар эди. – Айтмовдимми, мусулмонлар, мен сизларга нима девдим! – деди у ғазаб аралаш йиғи товуши билан. – Боласини ушланглар сотқиннинг, боласини бермаймиз! – У Ҳайболани серсуяк елкасидан маҳкам ушлаб олдинги сафга тикка қилиб қўйди, – оттирсин!

Лекин булар отадиганлар эмасди. Уларга қувғиндиларни Ховос темирйўлчилари ихтиёрига етказиш топширилган экан. Очил буни халққа тушунтиргач, «отлиқ казаклар» оломонни Ховос томонга ҳайдаб кетишди. Йўлда учраган кўчманчи чорвадорларнинг ўтовларида одамлар буларни «Ана, Жиззах кўзғолончиларини Сибирга ҳайдаб кетишяпти», деб қараб қолишар эди. Бола-бақра, қари-қартанг, айниқса, касалларнинг кўпи ўша кўчманчи қозоқлар билан, бир вақт Мирзачўлга сургун қилинган рус мужиклари билан қолиб ҳам кетишди. Қолганлари икки кун деганда «конвой» билан кечаси Ховосга кириб бордилар. Бу ерда депо ишчилари уларнинг бир гуруҳини Фарғона поездига, бир тўдасини Тошкент поездига ўтказиб, ҳар ёққа сочиб, тўзғитиб юбордилар. Тетик йигитларни эса депочилар уйма-уй олиб кетиб яширишди. Ярофейнинг мўрчаси остига кўмилган қурол етиб келди. Кейин Ярофей-чўлоқнинг ўзи ҳам, Матвей-кўнғироқчи ҳам Қизимка ҳам шу ерда пайдо бўлиб қолди.

– Ҳали ҳам кўз олдимда турибди уларнинг учрашуви, – деди Очил бува шифтга тикилиб ётганча. Унинг кекса кўзларида узоқ ўтмишдаги бир кичик қувончнинг заиф нурлари бор эди. – Қизимка лолдеккина қирмизи кўйлақда, лўппи юзларини сариқ сепкил босган.

Ҳайбола бўлса жулдур, озғин. – «Ҳайбола!» – «Қизимка!» Қичқирганча югуриб бориб кучоқлашишди, яна олма, пряник. Бу қизалоқ отасидан воз кечишни ҳам, шунча хавфли йўл босиб, шунча мушкул ишларни ҳам гўё ўша Ҳайболани яна бир кўриш учунгина қилгандек эди... Қизимка ўша Мария Васильевна эди-да, тушундингми? Ҳайбола бўлса Ориф тоғанг.

Азимжон, тушуниб турибман, дегандек бош ирғади. Унинг ҳам хаёллари аллақаяқларга кетиб, Тошкент меҳмонхонасининг бир хонасида ўтирганлиги, вақт аллақачон ярим тунга яқинлашгани эсидан ҳам чиққан экан.

– Йўқ, улар ҳеч қачон бир-бирларига душман бўлишолмайди, болам. Бу ошначиликнинг илдизи чуқур, – деди Очил бува, кечқурунги гапни яна такрорлаб. – Мен бу ерга ўрислар келган йили туғилганман. Ўриснинг ҳар хилини кўрдим. Лекин яхшиси билан ўша кезлардаёқ эриш-арқоқ бўлиб кетганмиз, ҳа!..

Улар аэропортда тикка турганча икки сихдан кабоб еб олиб, ярим соатдан кейин Нукусга учиди.

Бобо билан невара самолётда, машинада, отда, пиёда, пароходда, поездда ўлкани энига-бўйига кезиб, ҳали кўп гаплашдилар. Бу элнинг деярли бутун тарихини елкасида кўтариб келган бобо билан бегона юртда ўсган неваранинг бир-бирига айтадиган ҳангомаси кўп. Улар гаплашиб кетаверишсин, насиб қилса, улар билан энди Комиланикида учрашамиз. Ҳозир эса, одатдагича, қисса олдидан мана бунни эшитинг:

## РИВОЯТ

Ажойиб мамлакат, Севги мулки!.. Ҳамиша баҳор, ҳамиша офтоб, банорас осмонидек бепоён уфқлари ҳам зангори, ҳарир. Ундан фақат гоҳи-гоҳида енгил ҳовур кўтарилиб, шуъла пардаси оша илиқ ёмғир томчилайди-да, чаманларнинг, барра ўтлоқларнинг хуш бўйини ер узра таратади.

Севишганларнинг қалblари ширин-ширин толпингани-толпинган. Кўзларидаги мастона эҳтирос тумани оша бир-бирларини кўрадилар, холос. Севги мулкининг султонию маликаси ҳам, ҳокими-ю фуқароси ҳам шулар.

Бутун бир мамлакат икковлари учун жуда кенг эмасми, дерсиз? Йўқ, кенг эмас. Тор ҳам эмас. Чунки Севги мулкини улар ўзлари учун, ўз қурбиларига яраша, ўзлари яратганлар. Улар учунгина шундай гўзал, нафис, поёнсиз. Унинг чегараси йўқ.

Ия? Чегарасиз мамлакат ҳам бўладими?

Йўқ, унинг чегараси бор албатта. Лекин қаерда? Ҳеч қаерда. Ва ҳамма ерда. Ҳар қадамингизда, йўлингизда, боғингизда, уфқларда, қалбингизда, ишингизда, гапингизда... У шишадек нозик, бир эҳтиётсиз одим қўйиш билан босиб олиб, чилпарчин қилишингиз мумкин.

Бутун бошлиқ бир мамлакатни-я?

Ҳа, бутун бир мамлакатни.

Шунинг учун, ривоятда айтилишича, Севги мулкининг чегара чизиғи бўлмаса ҳам, посбони бор эмиш.

Кунлардан бир кун шўх бир Навқирон чегарага келиб, посбонга йўлиқибди.

– Хўш, йўл бўлсин?

– Маликани кўрмоқчиман, жуда дилбар эмиш.

Посбон уни киритмабди. Рўпарада Севги мулкининг чаманзор водийлари ёмғирдан сўнг гуркираб, камалак рангида товланиб ётар эмиш...

– Ахир Маликанинг гўзал жамолини биздек шўх навқиронлар томоша қилмаса...

– Йўқ! – дебди Посбон.

– Мен у дилбарга бир жаҳон қайноқ муҳаббатимни олиб келдим.

– Йўқ, кирмайсан! – дебди посбон, – Маликам муҳаббатга муҳтож эмас.

– Киргизмайсизми?

– Ота-онаси келса ҳам киргизмайман.

Посбон навқиронни киргизмабди.

Аммо шу заҳоти чегарада бир аёл пайдо бўлибди. Бу қомати расо, юз-кўзида меҳр тўла, муштипар аёл экан.

– Йўл бўлсин?

– Мен болаларимнинг олдига, – дебди аёл.

– Йўқ, киргизолмайман.

– Мен уларнинг онасиман-а! Улар менинг меҳримга, ўғитимга муҳтож.

– Бу мамлакатда улар фақат ёлғизликка муҳтожлар.

– Оч қолишлари бор, эҳтимол, йўлга солишим керакдир.

– Улар тўқ, улар муҳаббат билан тўқ.

– Мен болаларимнинг олдига кирай!

– Валломати келса ҳам киргизмайман! – деб юборибди Посбон.

Она ҳам изига қайтибди.

Посбон ўзидан мамнун бўлиб, чексиз шаффоф осмону осойишта чаманларга маҳлиё экан. Шу осуда бир дамда дафъатан қаттиқ портлаш юз бериб, Севги мулки чил-чил бўлиб кетибди. На сев-

ги-ю, на севишганлар, на тиниқ осмону ва на чаманлар... Фақат тун буруқсаб ётганмиш.

Буни чегарадан дарғазаб бўлиб кетган киши қилди, деб ўйларсиз? Ўйқ. Гап шундаки, севишганлар оч қолди, деб ўйлаган раҳмдил бир чумоли бугдой донасини ортмоқлаб, чегарадан яширинча ўтган экан.

Ичкарига бир қадам қўйиши билан...

## ҚИССА

*«Буни фақат икки киши кашф этади,  
Учинчиси, ким бўлса ҳам, ошиқча...»  
(Қаерданлиги ёдимда ўйқ.)*

Комилаларникига улар кечга яқин кириб боришди. Катта ҳовлида ҳеч ким кўринмасди. Очил бува чевараларига олган совғалар тўла хуржунни елкасидан тушириб, ерга қўйди-да, салқин дарвозахонада туриб ҳовли ичкарисига кўз солди. Ҳовлини ўраб олган пахса девор баланд, пишиқ; девор бўйлаб шилдираб оққан ариқ ёқасида тик қоматли қатор ёш тераклар оқшом шабадасида дам оқариб, дам қорамтир рангга кириб, шитирлаб турибди. Ҳовли этагигача олма, ўрик, олча, шафтоли. Бўш жойнинг бир қаричини ҳам қолдирмай помидор, пиёз, картошка, кашнич экиб ташланибди, жўяклар текис суғорилган, намиқиб турибди. Уйнинг ёнбошида сим тўр билан тўсилган каттагина товуқ катаги, ундан нарида ўтинхона, молхона. Катта айвон шифтига қалампир шодалари, маккажўхори сўталари осилган.

Очил бува невара куёвини эслаб мийиғида кулиб қўйди. Сатторни у Комила шу ҳовлига келин бўлган йиллари кўрган, бош кўтариб одамнинг юзига қарамайдиган уятчангина йигит кўринган эди. Пишиққина экан. Ҳовлисини қара, мева дейсанми, сабзавотми, резаворми, ҳаммаси муҳайё! Супургисигача ғовлаб ўсиб ётибди.

«Аmmo бирон туп гул экмаган экан, шуниси чакки бўлибди», деб ўйлаб қўйди Очил бува. Бу гап шунчаки хаёлига келди-ю, зумдан кейин, шу ўйданми, бир нарсани сезибми, кўнглига ғашлик чўқди.

– Ҳов, ким бор! Учқун, Тўлқин! – деб эвараларини чақирди Очил бува айвонга чиқиб. У ҳали уларни кўрмаган, бултур Комила юборган суратларига қарабгина билар эди. Чопқиллаб чиқиб қолишса албатта танийди-ку тирмизакларни...

Ичкаридаги қайси бир хонадан кичкина Учқунни етаклаганча лапанглаб Анзират чиқди. Сатторнинг онаси. У ёш бева қолиб,

хали ҳам хуснини йўқотмаган, даканасини дол қўйган дуркун, хом-семизроқ хотин эди. Меҳмонларни кўриб этагини липпасидан туширди-да, чўлтоқ супургисини қўлидан ташламади, бепарво қараб тураверди.

– Омонмисан, Анзират, танимадингми?

Хотин чурқ этмади.

Бу совуқликни Азимжон ҳам пайқади, у хуржунни айвонга қўйишни ҳам, қўймасликни ҳам билмас, гарангсиган эди. Очил бува деса, кўчадагилар, райондагилар, аэропортдагилар, Марказкомдагилар, бутун эл-юрт танийди-ю, қудаси танимаса-я!

– Нега танимай, танидим.

Очил бува «қудамизнинг бўлгани шу экан» деган хаёл билан, қулочини ёзиб эвараси томон юрди, унинг олдига бориб чўккалади.

Учкун яланг оёқ, беқасам тўнча кийиб, кўкрагидан қийиқча боғлаган, олти ёшлардаги ширин бола эди. Очил бува унинг қаншаридами, иягидами, юзининг қаеридадир Комилага ўхшашлигини топди.

– Сен-чи, сен танидингми опоқ бувангни? Қани-қани, бери келчи. Учкунмисан сен? Ҳо-о, баракалла, катта йигит бўлиб қолибсан-ку. Қани, тоғаси, хуржунни очинг-чи, Учкунбойга нималар бор экан, – Очил бува эварасини қўлтиғидан олиб, даст кўтармоқчи эди, Анзират уни қийиқчасидан ушлаб ўзига тортди.

– Қўя қолинг, айланай, ўйинчоқлари бор...

– Нима гап, қуда? – Очил бува ўрнидан туриб, Анзиратга хавотирлик билан қаради.

– Қуда деманг! Қўйинг, болада ҳақингиз йўқ. Бор, дўмбоққинам, бор қоқиндиқ, бор ўйинингни ўйна, – деб Анзират Учкунни ичкарига киргизиб юборди. Бола уйга кирди-ю, янги алифланган оғир эшикни қия очиб, тирқишига бурнини суққанича меҳмонлардан кўзини узмай тураверди.

– Мундоқ тушунтиргин ахир, Комила қани? Бир гап бўлдимми?

– Комилангизнинг нима бўлганини билмайману, бизга ҳеч гап бўлгани йўқ, Худога шукур, рўзғоримиз бут, бояги-боягидаймиз.

– Ётиғи билан гапирсанг-чи, келининг қани?

– Ундай келиним йўқ менинг.

– Комила...

– Комила йўқ... Йўқ, дедим-ку ахир, кетган, мана икки боласини тирик етим қилиб ташлаб кетган, ҳа! – Анзират борган сари асабий бидиллаб, охирида бақириб йиғлаб юборди: – Бошқа эр қилиб кетди, эскидан жазмани бор экан ер юткур мақтаган неварангизнинг, ўша билан етаклашиб кетди болагинамнинг юзини ерга қаратиб,

беҳаё! – Анзират қўлидаги супургини бурчакдаги сандиқ орқасига улоқтирди.

Очил бува бўшашиб кетди, у ёқ-бу ёққа қараб ўтиргани жой излади. Азимжоннинг ҳам хуржуни елкасидан сирғалиб тушган эди, у бобосини суяди.

– Йиғи-сиғини қўйиб, аввал мундоқ, келинлар, дегин, ахир, узоқ йўл юриб келганмиз, мана бу Комиланинг аммаваччаси бўлади, чет элдан келган, жой қил, кўрпача сол, нафасни ростлаб бафуржа гаплашайлик. Кўчага қувиб чиқармассан ахир, кеч кириб қолди... – Очил бува сандиққа ўтирди. Анзират ҳамон жаврар эди:

– Комилангизни гапирманг менга, ҳа, ҳали бу иккала гулдай боланинг уволи тутади уни, қараб турунг. Саттор қўйдайд ювошу қайтиб борсам яна бағрига олаверади, деб ўйласа керак. Эшигимга кадам қўйиб кўрсин-чи бузуқ!

– Саттор қани? – деди сўнгги сўздан нафси олинган Очил бува.

– Сатторгинам бинойидай ишлаб юрибди, мартабаси, обрўси жойида, қирчиллама йигитга нима кўп қиз кўп, ҳали шундай бир қизни олиб берайки Худо хоҳласа! Ҳа!..

Бу пайт мактабдан келган Тўлқин бувисининг кейинги гапидан бўзариб кетди. У бундай гапларга унча-мунча тушунадиган, ўн-ўн бир ёшлардаги бола эди. Яна хижолатга қолмаслик учун Очил бува бу эвараси билан енгилгина сўрашиб қўя қолди. Бувисининг гапини эшитиб титраб кетганини кўриб ачинди. Бундай гаплар жуда кўп бўлса керак бу уйда. Бола бечораларга қийин. Уларнинг тарбияси, асаби, руҳияси... Нима бўлди экан-а бу Комилага? Очил буванинг энг яхши кўрган невараси. Кимсан Олимтой дарфанинг қизи, Амударё флотининг атоқли капитани! Бу нимаси? Нима бўляпти ўзи?

– Қаердан топса бўлади уни... – сўради Очил бува Комиланинг исми ҳар сафар қудасининг асабига тегаётганини сезган эди, шунинг учун беихтиёр овозини пасайтирди: – Комилани... – Бу ном ҳозир ўзига ҳам хунук эшитилди, уни бу уйда тилга олиш ҳаром-дек сезиларди.

– Жазманидан бориб сўранг!

– У қаерда экан? Ким?

– Ҳа, у киши менинг Сатторимга ўхшаган жўн аравакаш эмас албатта. У киши мулла, академнинг пилиянида ишлаб мўмай пул топармиш. Пулига учган у ўлгир. Худога шукур, сил эмиш, ҳа. Тавбасига таяниб қайтиб келиб, болаларим деб кўрсин-чи, яқинига йўлатармиканман?

Очил бува бошини қуйи солганча, бўшашиб ўтирар, Комилани ўйлар эди. У ҳар қандай оғир аҳволда ҳам ўзини бунчалик йўқотмаганди, ҳозир бўлса мияси карахт, тили лол бўлиб қолди. Шунча йўлдан севимли неварам, жажжи эвараларимни кўраман, деган умид билан келган, уларни Азимжонга кўрсатмоқчи эди. Энди бу иснодга қандай чидайди. Очил буванинг уруғида бунақа гап сира бўлмаган. Қандай шармандалик!

Анзират қайси уйлардадир юриб ҳамон шанғиллар, кимларнидир қарғар, Комилани ҳар хил сифатлар билан тилга олганида Очил буванинг бирдан букчайган елкаси сапчиб титрарди. Эваралари ҳам аллақаерда, бурчак-бурчакка пусишди...

Комила бўлса бу маҳал Чоржўй портида рейддаги «Орол» теплоходининг капитан кўприкчасида туриб телеграмма ўқир эди: «Ёқлаш ҳафтанинг охирига белгиланди, ўпаман Матниёз».

Комила ўткир кўзларини чақнатиб атрофга назар солди, па роходларнинг тартибсиз чинқириқлари, катер моторларининг гувуллаши, диспетчерларнинг карнайда асабий бақиринишлари, портдаги кранларнинг ғирчиллаши орасида унинг ақли тез ишлар, чора излар, режа тузар эди.

Ҳўш... Ҳафтанинг охири. Ҳозир атрофда ўн кундан бери причал кутиб рейдда турган оғир юкли кемалар тирбанд бўлиб ётибди. Қирғоқ деворида бир қарич бўш жой йўқ. Кутса «Орол»га бир ҳафтада ҳам навбат келмайди. Ундаги юкни бўшатиб, янги юк олиш учун ҳам камида бир кечаю кундуз вақт керак.

Йўқ, бу аҳволда бўлмайди. Комила нима қилса ҳам, баржани ботириб судга тушса ҳам, пиёда юриб бўлса ҳам чоршанба куни Нукусга етиб бориши керак. Бу Матниёз учун ҳам, унинг учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи. Матниёзнинг етти йиллик азобли меҳнати, бундан кейинги ҳаёти, соғлиғи, республика учун муҳим бир масала, Оролни тақдири, қолаверса, Комиланинг шунча азоб, изтироб ва қурбонлар эвазига келган ўтли-чўғли муҳаббати ўртага қўйилган. Чоршанба куни у ерга республикадан, дельтадаги совхозлардан, Тошкентдан кўп мутахассислар, оролшунослар, хўжалик ходимлари, иқтисодчилар, географлар, геолог, гидрологлар, Матниёзнинг дўст-душманлари, шу жумладан, албатта профессор Шуман ҳам етиб келади. Уни еб ташлашлари мумкин. Комила унга нимаси билан ёрдам қила олиши, қандай далда бера олиши мумкинлигини билмайди-ю, лекин у ёқлаш куни ўша ерда бўлиши керак. Матниёз ўзини ўтга уряпти. Комила албатта етиб бориши керак.

Теплоходлар кенг ёйиқ дарё юзини янградиб чинқиришар, баржалар мойли сувда тинмай чайқалар, қирғоқда жонга теккан

«Вира!» «Майна!» деган хитоблар қулоқни қоматга келтирар эди. Комила қийқириб ўзини тўлқинга урган оқчарлоқларнинг дадил фидойиликларини томоша қилиб турди-да, бутун командани палубага тўплади. Команда, лоцман Қайипберген акани ҳисобга олмаганда, ҳаммаси норғул ёшлардан иборат эди. Улар ўзларининг тутган еридан кесадиған, кўз тиккан жойини ёндирадиган дов-юрақ капитанларини яхши кўрар, унинг учун ўтга-сувга киришга тайёр эдилар. Фақат чолгина (командада Қайипберген акани «Чол» дейишарди) Комиланинг «эркакчалиш қилиқлари»ни ёқтирмайди, йигит бўлса каллакесар бўларди, деб юради. Комила ҳам командаси учун ҳар қандай қалтис ишга тайёр. Сехргар Жайхуннинг кўпни кўрган кекса капитанларини қойил қилиш қийин, лекин Комиланинг оқимга қарши ўрлашдаги дадил маневрлари ўшалар орасида ҳам афсона бўлиб кетган. Команда ёшлари уни фақат шунинг учунгина яхши кўради, деб бўлмайди албатта. «Орол» муттасил рентабел кема, унинг мачтасида шараф тамғаси тўрт йилдан бери ҳилпирайди. Бундай кеманинг йигитлари ҳар қандай порт шаҳрининг хиёбону ресторанларида пайдо бўлса – қизлар учун унутилмас воқеа. Пул кўп, кийимлар башанг, тугмалар тилладай йилтиллаган...

– Йўқ, минг қилсанг ҳам, бизнинг капитан манадай йигит! Олимтой дарғанинг қони бор унда! – дейишади улар. У нимаики буюрса, ҳаммаси тайёр.

Бугун ҳам капитаннинг бир имоси ета қолди. Орқада турган «Орол» причал деворидан бўш жой топиб, айланма, қалтис, тор йўллар билан, тиқилинчда сурилиб-сирғалиб ўтиб, тасодифан бўш турган битта-ю битта кнехтга ғилпа тиркалди. Комила асабийлашиб калавасини йўқотган порт бошлиқларини телефонда «эзғилаб», гангитиб, эпақага келтиргунча матрослар пристандаги қабулчи, ҳисоботчи қизларни хушомад билан қўлга олиб, ортишга қулайроқ, причалга яқинроқ юклардан азмойиш олиб, кранчи дўстлари билан келишиб қўйдилар.

Комила бошлиқларнинг розилигини «юлиб» олиши билан, йигитлар юкчиларни ҳам кутмасдан трюмга отилдилар, кранлар темир издан ғилдираб келиб, кечаси билан «Орол»га хизмат қилганига бошқа капитанлар гаранг эди. Қараб туришди-ю, кейин улар буни ноиложликдан ўзларининг йигитона мурувватларига йўйишди.

– Майли, иззати, қиз боланинг олдига тушган номард, – деб си-полик билан мўйловларини силаб қўйишади.



Нима бўлса ҳам, иккинчи куни тонг-ла «Орол» сафарга тайёр эди. Туни билан мижжа қоқмаса ҳам, кўзлари ёниб рубкада ғоз турган Комила тонг қоронғисида илон изи йўллардан эҳтиёт билан ўрмалатиб, чироқсиз кемани рейдга олиб чиқди, фақат эркин сув юзига чиқиб «Полний!» командаси янграгандагина, ҳамма ўзининг оёқдан йиқилгудай чарчаганини пайқади. Шунда ҳам фақат чолгина ёнидагиларга ғўнғиллаб қўйди:

– Бунақа шошишдан жаҳаннамга йўлиқмасак-да. Бу-ку куёв боланинг қўйнига шошяпти, биз-чи, бизга нима наф бу қалтис ишлардан?

Унга ҳеч ким жавоб бермади. Улар Комилага ишонишарди. Эътиқод шундай эдики, у нима қилса ҳам – тўғри, ҳатто оиласини ташлаб кетганини, бошқа эрга текканини билишганда ҳам, командада уни чолдан бошқа ҳеч ким айбситмади. Шундай қилибдими – демак, бир гап бор, билиб қилади.

Бўтана Аму кенг ёйилиб, тўлқинсиз, лекин сирли бир улуғворлик, ҳайбат билан, юзадан қараганда жуда секин, аммо кучли, теран оқим билан силжиб борарди. Куёш тиккага кўтарилганда икки қирғоқда олтинланиб сарғая бошлаган чакалаклар, куз шамолини писанд қилмайдиган қуюқ, қорамтир яшил қамиш ўрмонлари, тинмай нураб ётган қумлоқ жарликлар сузиб ўта бошлади. Аму гўзал, аммо сеҳргар, жодугар дарё. Ўзани бўш, қирғоқлари тайинсиз, кутилмаган жойда фарватерда қум тепалар, балчиқ ороллари, тош тўғонлар пайдо бўлади. Лойқа дарё тубидан уларни пайқаб, ўз вақтида чап бериб ўтиш учун капитан тўлқинларнинг аройишини, мавжларнинг алдамчи жимжималарини, оқимларнинг теран йўллари, асов хулқи ва ҳийлакор товланишларини кўз билан кўрибгина эмас, ички бир ҳис билан сезиб, тез ва дадил қарорга кела олиши керак. Акс ҳолда, кема ҳам, юк ҳам, экипаж ҳам ҳар лаҳза хавф остида.

Лекин ҳозир хатарли баҳор эмас, Аму кун сайин ўзини дам чапга, дам ўннга ташлаб, бемаъни тўлғонмайди, ҳозир куз, қирғоқлар ўша-ўша. Бироқ кузнинг ҳам ўз макри, ўз қилиқлари бор. Кузда дарё дафъатан саёз тортиб, ўзаннинг тошлоқ жойларида ўткир қояларни яланғочлаб кетади. Шулардан биронтаси кўндаланг туриб қолса, ўзига тўқнашмасанг ҳам, икки томонидаги кучли оқимни ёриб ўтиш маҳол бўлади.

Аммо ҳозир рубкада оқил ва моҳир капитан Комила турибди, шунинг учун карвон одатдагидан тез кетаётган бўлса ҳам, экипаж хотиржам. Унинг бўйдор хипча қолатига қорамтир ҳаво ранг форма ёпишиб тушган, оқ ёқа, эркакча галстук, баланд кўксида дур-

бин осиглик; заррин кокардали фуражкеси тагидан калта қирқилган қора сочлари дарё шамолида ўйнайди. Сал пучуқлиги, ияги олдинроқ туртиб чиққанлиги демаса, у анча кўхлик, чеҳраси ўтли, қорача жувон. Лекин у командадаги йигитларни кўрки билан эмас, иродаси билан асир этган.

– Солдор тўлқин!

– Қия оқим!

– Диққат, тақир! – деб штурманни кескин-кескин огоҳлантирганида, лоцмандан тортиб орқадаги баржачиларгача бу қисқа сўзлардан катта маъно уқиб, жадал ҳаракатга тушишарди.

Фақат чол ҳамон чайналиб, ўзидан-ўзи тўнғиллайди:

– Жазманимга етаман, деб, бизнинг бошимизга етмаса-да бу мов мушук! Оқимга қараб кетяпмиз-а! Тагин юк билан! Бир баржани «қия» тортиб кетса борми, кемани қирғоққа уриб чилпарчин қилади! Бизнинг ишимизда-чи, болалар, кеч қолиш яхши эмас, аммо шошилиш – асфаласофилин деган гап, ҳа.

Лекин карвон яхши кетяпти. Биринчи кечада бир оз мизғиб олган Комила тонгда яна кўприкчани ўзи эгаллади. Куз қуёшининг заиф тафтини дарё шабадаси ялаб кетар, баржа этагида балиқ шўрва қайнатаётган матросларнинг кичкина гулханлари дилни ўзига тортар эди, у ерда ажаб саргузаштлар, шўх хангомалар бир-бирига уланиб кетади одатда. Комила илгари бундай гурунгларга қулоқ тутишни яхши кўрарди. Ҳозир бўлса у ўзи билан ўзи овора, кўзларини қисиб олдинга тикилади, карвонни шоширади, Матниёзга интилади, уни кўз олдига келтиради, у билан гаплашади.

Матниёз Оролда урушнинг охириги йили, ўша оғир қишнинг этакларида пайдо бўлди. У пайтда энди йигирмага кирган, ҳаммага таниқли, пучуқ, шаддод қиз Комила комбинатнинг балиқчи катерида ишларди. Уруш даврида денгиз бўйи посёлкаларида одам камайиб, комбинатнинг ҳам путури кетган, мотор хўжалиги издан чиқиб, ов асбоблари – эскиб, титилиб, овга чиқиш фақат тинч, аёз кунларигина бўлар эди.

Қиш чиқар олдидан Орол анча қутуриб олади. Деярли ҳар ҳафтада аллақасқалардан изғирин, қора булут кўтарилиб, бўрон туради-да, ҳеч ким уйдан чиқмайдиган, зерикарли, намчил, хира кунлар – довул кунлари бошланади. Бу ерликлар довулнинг бошланишини бир кун олдин билишади.

Шундай намчил хира эрталардан бирида Комила капитанлар барагидан чиқаётиб нарироқда бир бегона одамни кўриб қолди. У эски причалнинг чириб чўкиб кетган сепояларига, сасиган балиқ устида қий-чув солиб талашаётган чорлоқ галаларига қараб,

шамолда хаёл сурар, ҳарбий гимнастёрка устидан ярашмаган қизил шарфини томоғига эҳтиёт билан ўраб, тоқатсизланар эди.

Бу ерда янги одамнинг пайдо бўлиши сийрак воқеа бўлганиданми, Комиланинг шўхлиги тутиб, солдатга бир тегишмоқчи бўлди чоғи, хуллас, нимадир уни ўша томонга тортди.

– Маликанинг қизил елканини кутяпсизми? – деб ҳазиллашди Комила.

Йигит маъюс кулди. Унинг юзи ориқ, рангсиз, бурни қирра, чуқур ботган катта кўзларининг оқи аллақандай мовий эди.

– Наҳотки эртақдаги шаҳзода мендай жўн бўлса?

– Сиз бу ерлик эмассиз.

– Топдингиз, Хоразмдан келдим. Бирон иш топилса кирмоқчиман.

Комила қийғоч қошини учуриб елка қисди. Этикчасининг учларига қараб:

– Хоразмда иш қуриб кетган эканми? – деди.

Кейин гап тўхтаб қолди. Йигит негадир гапиролмади, «Уятчан экан, шошириб қўйдим», деб ўйлади Комила.

– Лекин яхши қилибсиз, аскарбоп ишлар ҳозир Оролда ҳам жуда кўп...

Денгиздан «юлғич» изғирин келиб, гапнинг бу ёғини учуриб кетди, йигит шамолга орқа ўгирди-да, бир қўли билан кўкрагини ушлаб, бир қўлига рўмолча олиб оғзини тўсди. Нафаси бўғилгандек бирдан юзи бўзара бошлади, кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Уўпкаси узилиб кетгудек бўлиб йўталаркан, ориқ елкаси учиб, кўкси темирчининг эски дамидек хириллар эди. Бўйнидаги кўк томирлари ўйноқилаб кетди. Йигит бир-икки минут шундай азоб чеккач, рўмолчасини чўнтагига яшириб, қизга гуноҳкорона қаради.

– Айба буюрмайсиз... вақти-бевақт шундай...

– Урушда яраланиб...

– Ҳа, осколка ўпкага тегиб ўтди.

У шарфининг учи билан совуқ тер қалққан пешанасини артди-да, индамай қолди. «Бу нотаниш қиз менинг олдимга нега келди-ю, мен унга аҳволимни нега гапиряпман, шартмиди? – деб ўйлади йигит. – Сир бермай, ҳа, шундоқ айланиб юрибман, деб кетаверсам бўлмасмиди?» Шунини ўйлади-ю, ўзи бошланиб кетган ошкора гапни давом эттирди:

– Докторлар балиқ мойи буюришган, анча-мунча ичиш керак экан, – деди йигит. У йўтал азобидан қутулгандан кейин, юзига қизиллик кириб қандайдир чиройли бўлиб кетган эди, қарашла-

ри майин, ақлли, очиқ. Комила бу ўзгаришга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

– Шунча балиқ мойи қаёқда ҳозир!.. Тошкентда ҳам топилмайди. Баъзи танишларим «Оролга жўна, ўша ерда топилади», деб маслаҳат беришди. Шунинг учун келганман очиғини айтсам. Лекин бирон иш топиш керак, ишламаганга ким беради...

– Йўқ, йўқ, сиз ҳозирча ишламаслигингиз керак, – деди бирдан Комила нимадандир кўрқиб. Лекин ўзи бирон маслаҳат беришдан ожиз эди. Тўғри, комбинатда кичкинагина бир қўл бола усулдаги мойжувоз бор. Салогрейка дейилади. Лекин унинг маҳсулоти кимларга берилади, Комила буни билмасди.

– Бу ерда ишлайдиган таниш-билишингиз йўқми?

– Бор эди-да, ўшани орқа қилиб келувдим... – деди йигит. Унинг товуши пасайиб, хириллаброқ чиқди. Комила «Яна йўтали тутадими», деб кўрқиб кетди, яна тутса унга қараб туролмаслигини биларди, бундай вақтда бировни ташлаб кетиш эса одамгарчиликдан эмас, ёрдам кўрсатиб ҳам бўлмайди, бирон сўз билан тасалли бераман десанг, ким билади, оғир ботадим, нотаниш одамнинг кўнглини билиб бўлмаса.

– Уни тополмадингизми?

– Урушда ҳалок бўлибди. Асанжўлов деган. Комбинатда ҳисобчи эди урушдан олдин.

– Ҳозир қаерда тўхтадингиз?

– Ўша оғайнимнинг кампири бор, шу ерда, Мўйноқда. Ўша ерда тунаб юрибман. Ҳозирча...

Комила сал енгил тортди. Агар ётадиган жойи ҳам бўлмаса, нима қиларди? Ташлаб кетиб бўладими? Қаерга ҳам жойларди? Келиб гап қотганига ҳам пушаймон.

У оғир, бемаза бир кайфиятда кетди йигит ёнидан. Мўйноқ кўчалари тиззагача кум, у оёғини зўрға судраб, шўлонга борди, балиқ тузловчи қизлар ёнига кириб бирпас ҳангомалашди, яна кум кечиб уйга қайтди. Лекин кўнгли ёзилмас эди. Ишсизлик. Ёлғизлик. (У қизлардан биргина бўлгани учун, капитанлар барагида эмас, Мўйноқнинг тор кўчаларидан бирида, бир чолникида ижарада ўтирарди.) Тезроқ довул тугаб, ҳаволар очилиб кетса-ю, денгизга жўнай қолишса, бу ғашликлар унутилар эди. У ерда чексиз кенгликлар, ўйлар ҳам, ҳислар ҳам чексиздек. Денгизнинг ўз қалтис йўллари, қандайдир бебош дадиллик, таваккалчилик талаб қиладиган, ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий заҳматлари бор. У эркин ва шиддатли ҳаёт уруш мажақлаган овул, шаҳар тирикчилигида-

ги дилхираликлардан одамни узоқлаштиради, вақтинча бўлса ҳам алаҳситади, овунтиради.

Мана ўша ғашликлардан бири ҳозир Комилани таъқиб қиляпти. Ўша нотаниш аскар, унинг бўйнидаги кўк томирлари, ориқ елкасининг азобли титроғи, шунда ҳам мардона солдатлик белгиларини йўқотмаган кўҳлик юзи, маъюс, самимий боқувчи қорачиғлари кўз ўнгидан кетмаяпти.

У ўша хаста, ожиз мусофир одамни ўйлайверди. Довул туғади ҳам. Эндиги денгиз сафарлари ҳам илгаригидек бўлмади. Комиланинг уйқуси қочди. Бир куни икки кечалик овдан қайтгач, тоғорада совун кўпиртириб сочини юваётган эди, хаёлига бир фикр келди. Бу фикр илгарироқ келмаганига ҳайрон бўлиб, ўзини эси паст, деб койиди-да, кийиниб комбинатга югурди. Тўғри мой-жувозга кириб борди. У ерда Ажиниёз деган ёғоч оёқли бир чол ишларди. Эски-тускидан ямаб ясалган пар қозонни ишга солиб, балиқ жигаридан мой қайнатадиган бу қўлбола жувозни амал-тақал қилиб ўша юргизган. Ўзи бузар, ўзи тузатар, ўзи юргизар, маҳсулотга ҳам ўзи хўжайин, лекин ўлгудай қўпол, жоҳил, бераҳм одам бўлиб, қўли гуллиги туфайлигина ишлаб турар эди.

– Ажиниёз тоға, менга... хў-ўш... икки шиша мой керак! – деди Комила эшикдан бўрондай отилиб кириб.

– Нима қиласан?

– Э-э... ҳалиги... акамнинг боласи, ҳалиги.. сил бўлиб қопти. Кичкина бола. Мана мундоққина, – Комила, ишонарлироқ бўлади, деб ўйлади шекилли, болани ҳам тизза бўйигина қилиб кўрсатди.

– Директордан рухсат олиб кел.

Ажиниёзга ялиниш фойдасиз эди, Комила комбинат директорига югурди. Директор, олтиқудуқлик рус, Зосим Прокофьевич, бу ерда жуда эски, виждони софлиги, тўғри сўзлиги билан танилган кекса одам, ҳамма билан қорақалпоқча гапашар эди.

– Сенга бермай кимга бераман, шағалай, ёз аризангни, – деди у. Комилани яхши кўрар, эпчиллигини оқчарлоққа ўхшатиб, қорақалпоқча «Шағалай» деб эркалар эди.

Лекин Зосим Прокофьевич резолюцияни «Бир шиша!» деб қўйди. Комила ҳам индамади, «Ҳозирча майли, керак бўлса яна оламан», деб ўйлади. У касалга қанча мой кераклигини, уни стаканлаб ичадими, томизибми, билмасди. Хурсанд бўлганча, шишани қўйнига солиб, Асанжўловнинг кампириникига кетди.

Аввал йўтал эшитаман, деб хавотир олиброқ яқинлашган эди, йўқ, йигит қамиш қўрада ҳансираб тахта рандалаётган экан.

Тахталар, пайраха тасмалари орасида очич-сочиқ китоблари ётибди, «Оролнинг географияси», «Қорабўғоз...»

Йигит юзларига қизил югуриб, шимарган енгларини тушириб, бош эгиб саломлашди.

– Бекорчиликда кампирнинг томини ёпиб берай деб... – деди у негадир ўзини оқлашга урингандек. Унинг нафас олиши узокдан эшитиларди.

– Мана! – деди Комила кўйнида исиган шишани чиқариб. Йигит икки кўлини чўзиб унга интилди, шишани олиб, унинг қаҳрабо рангига суқлангандек ёруққа солиб қаради. Комила унинг ғамгин кўзларида қуёшли кундаги теран денгиз кўркини кўрди.

– Сиз... сиз овора бўлибсиз, мен бунинг учун нима қилишим, нима беришим мумкин сизга... – деди йигит, кейин ўринсиз гаплар айтаётганини пайқаб, қисқагина: – Раҳмат! – деди.

– Вой, нима деяпсиз, биз балиқчиларга бу нарса деҳқончилик-ку.

– Қаердан олдингиз?

– Омбордан! – деди Комила керилиброқ, «бизга бу чўт эмас» деган маънода.

– Ана, ишлаганларга беради-да, мен ҳам албатта ишга кириб олишим керак...

– Йўқ, сиз даволанинг, – деди Комила бепарвороқ бўлишга уриниб. Лекин ўзи билардики, бу йигит ишлай олмайди, уни ишга олиш ҳам мумкин бўлмаса керак, – мой бўлса топилади.

Комила кетмоқчи эди, йигит тўхтатди.

– Шунча яхшилик қилдингиз, отингизни ҳам билмайман, кимга миннатдорчилик билдираман...

– Менинг отим Комила.

– Меники – Матниёз.

– Матниёз... Буни қандай ичасиз, қанчага етади? – деди Комила.

– О... бу анчага етади. Катта раҳмат сизга. Мен уни уч кунга етказаман. Раҳмат.

«Уч кунга?» Бу ёғи нима бўлади?

Ёғоч оёқ Ажиниёзнинг патак соқоли, ўтакетган пок виждонли Зосим Прокофьевичнинг «Шағалай-Шағалай» деб туриб сўраганининг ярмини бергани кўз олдига келди. Деҳқончилик эмиш! Мақтаниб нима қилардим-а?

Лекин бу хавотирлар Комиланинг эсидан тез чиқди. У солдатнинг қуёшда кулган чуқур денгиз қувончини эслатувчи кўзларини ўйларди. Матниёз... Комила у билан ҳамон гаплашолгани йўқ. Директорга ялиниб яна бир шиша мой олиб борганида Матниёзнинг йўтали тутиб, яна гаплашолмади. Тарашалар ораси-

да ётган китоблар ҳақида ҳам гаплашса бўларди, ўзи ҳақида ҳам. Ҳаёти, хаёллари, мақсади бордир...

Бир куни денгизда уни ваҳима босди: кетиб қолса-чи? Унга иш беришмас... Кейинги борганидан уч кун ҳам ўтиб кетди. Мойнинг фойдаси бўлмаётганмикин? Йўқ, докторлар билиб айтгандир. Комила ҳам қайдадир эшитган, балиқ мойи даво деб. Қанча даволаниши керак экан? Бир ойми, беш йилми? Комила ўйлаб қараса, кўп нарсадан беҳабар экан. Ўзининг нодонлигидан қийиниб, денгиздан қайтганда албатта кутубхонага бориш, энциклопедияларни бир титишни ният қилиб қўйди.

Катернинг думида балиқчи қорақалпоқ болалар дўмбира чалиб, Аябберген йўлида нимадир куйлашар, Комиланинг қулоғига кирмас эди. Қайтгиси кела бошлади. Кейинги вақтда план билан ҳам иши йўқ. «Нима бўлди ўзи менга?» дерди у баъзан. «Кетса кетибди-да, бегона бир одам бўлса. Ҳа, нима бўпти? Хаста, мусофир. Одамгарчилик юзасидан қарашсам қарашибман-да!» дерди яна ўз аҳволини ўзига тушунтириб.

Овдан қайтган куниёқ яна директорга кирди. Зосим Прокофьевич аризани олиб столга қўйди-ю, қизга оталарча очиқлик билан қаради:

- Шағалай, мен сени яхши кўраман, биласан, лекин...
- Ажиниёз бобони аврасам-чи, Зосим Прокофьевич?
- Унда унинг иши прокурорга кетади.
- Зосим Прокофьевич...
- Сен очиғини айт-чи, кимга?

Комила очиғини айтди. Ҳаммасини гапириб берди. Директорни йиғлатгудек қилиб гапирди. Зосим Прокофьевич ўрнида бошқа биров бўлса эриб кетарди. Лекин Зосим Прокофьевич юмшамади.

– Менга қара, Шағалай, Ажиниёзнинг бу тешиқ қозонига кўзини мўлтиллашиб қараб турганлар озмунча эмас. Госпиталлар, етимхоналар, болалар... Биласанми, улар қанча? Ленинграддан, Киевдан, Минскдан, Смоленскдан... Бу мойнинг ҳар томчиси ўлчоғлик...

Комила директорга ваҳима билан қараб турарди. Унинг ҳиқояси Комиланикидан ҳам аянчлироқ бўлиб чиқди. Энди нима бўлади? Нима қилишади? Улар бир-бирларига савол назари билан тикилдилар.

- Беролмайман, Шағалай, ҳақим йўқ.

Комила калтак егандек, бош эгиб чиқиб кетди.

Шундан бошлаб Комила ўзига жой тополмай қолди. Кечалари кўз юмса Матниёзнинг азобли йўтали эшитилгандек бўлади. Энди кетади у. Хайрлашмасдан кетармикан?

Йўқ, кампирнинг кўрасида ранда товуши эшитиляпти, Комила тасодифан ўша кўчадан ўтаётиб буни аниқ эшитди. Энди нима қилса экан? Кутаётганмикан... балиқ мойини?

Комилага айниқса денгизга чиқмайдиган кунлари қийин. Довул кутилган бундай хира кунлар айниқса имиллаб ўтади. Матниёздан хабар олай деса, қуруқ қўл билан қандай кириб боради? У бунга интизор бўлиб ўтирибдим, унга дори керак.

Комиланинг кўнглига ҳеч нарса сиғмаган шундай кунлари анави елим ҳам жонга тегди келавериб. Худонинг берган куни шу атрофда парвона, Комилага чакачарвидай илашиб қолган Комила уни «елим» дейди. Оти Саттор. Балиқчилар артелининг моторчиси, посёлкада туради. Ишга чиқилмаган куни бўлса Мўйнокда ивирсигани-ивирсиган. «Рибожарка»да пиво ичади, капитанлар барагига киради, Комиланинг кўчасидан ўтади. Лекин забондан бермаган, Комилага қул бўлишга тайёру ичидагини айтолмайди.

Кўйдек ювош бу йигитнинг сўзсиз, журъатсиз садоқати илгарилари Комилага бир эрмак эди, ҳатто баъзан кўнглида ёруғ бир нуқтадек бўлиб ҳам кўринар эди. Ҳозир эса ғашига тегадиган бўлди, у энг кўнгилсиз, бекорчи пайтларда пайдо бўлар, қовоғи солиқ довул кунларининг бир белгисидек бўлиб қолган эди.

Бугун эрталабдан денгиз осмони тўнкарилган қора қозондок кунни тўсиб, оламни зимистон қилди. Денгизда ҳали тўлқин йўқ, лекин у кўрғошиндек қорайиб, нафаси совиб, ҳавони шўртак, захкаш, ёқимсиз бир рутубат билан тўлдирди.

Оқчорлоқ галалари сув юзалаб, безовта қийқириб учишди. Бугун ҳам иш йўқ, эртага ҳам бўлмайди. Комбинат причалида биронта катер ё мотобот кўринмайди, эстакада ҳувиллаб ётибди. Брезент саройда балиқ тузловчи қизлар Яна ҳавони қарғаб, писта чақишади, иш тўқишади. Ёғоч оёқ Ажиниёз ҳам қозонни қантариб, асбобларини тозалаб бўлиб уйига кетди.

Комила барак муюлишида йўлини пойлаб турган Сатторни имлаб чақирди. Саттор аввал кўзларига ишонмагандай киприкларини пирпиратиб турди-ю, кейин йўрғалаб етиб келди. У пиджак устидан қийиқ боғлаб, этик кийган, ўрта бўйли, юмалоқ, чорпахилдан келган йигит эди.

– Денгизга чиқамиз, – деди Комила.

Саттор гаранг бўлиб, бадқовоқ, паст, қоп-қора осмонга қаради-ю, кўлини кўксига кўйиб:

– Хўп бўлади! – деди.

«Нега?» деб суриштириб ўтирмади ҳам, Комиланинг амрига маҳтал эди бу шўрлик ошиқ. Лекин ваҳима билан денгизга, осмон-



га қарайверганидан, Комила шошиб-пишиб тушунтирди. – Балиқ мойи керак. Жуда зарур бўлиб қолди. – Кимнингдир, Комилага яқин бир одамнинг жони хавфда... Саттор шуни англагандек бўлди. Унга бунинг аҳамияти йўқ эди. Комиланинг бир корига яраса, бирпас ёнида бўлса бас. Шунинг учун босиб келаётган довул ҳам, бундай пайтда денгизга чиқиш қатъий ман қилингани ҳам, Комиладек тажрибали денгизчининг ақлга сиғмайдиган бу тел-балиги ҳам, кўзга кўриниб турган хавф-хатар ҳам хаёлига келмади. У ярус олиб келгани колхозга югурди. Бундай кунлари балиқ фақат ярусга илиниши мумкин.

Комила уйга бориб, овқатланиб, сочларини брезент қалпоқ остига турмаб, балиқ ҳиди сингиб кетган эски комбинезонини, резинка этигини кийиб қирғоққа келгунча, Саттор карбас дейдиган катта, эшкакли қайиқ ичида, чувалган яруснинг қармоғини қармоққа, катагини катакка тўғрилаб, кутиб турар эди. Пақир, яшиқлар, тахлаб ташлаган елкан, тагин аллақандай юклар бор эди қайиқ тубида. Комила рулга ўтирди. Саттор эшкакларга ёпишди.

Тўлқин қайиқни бирдан олиб кетди. Қирғоқдан узоқлашган сари денгизнинг совуқ ваҳимаси кўнгилга ўрмалаб кирар, Саттор Комилага савол назари билан қараб-қараб кўяр, лекин ҳамон тиришқоқлик билан эшар эди. У биладики, ярус билан овлаш учун Оролда камида ўн чақирим ичкарига кириш керак, бунинг устига, довулни сезиб, балиқ борган сари пастга қочади. Содда Сатторнинг миясида ўзича жуда усталик билан пайқаб олган бир нозик фикр айланар эди: «Комила комбинатда таниқли одам, балиқ керак бўлса мотобот билан чиқиш ҳам қўлидан келади. Лекин у колхознинг карбасида ярус билан чиқиб кетяпти, баҳона бу, мен билан чиқиб келишга бир баҳона». Бу фикрдан Сатторнинг ичи ёришиб, хаёлига келмаган бир дадиллик билан ҳамон ичкарига қараб эшкак эшарди. Денгиз эса ҳозир тўнкариладигандек тубдан тўлғаниб, тобора қораяр, қора осмон билан қўшилиб кетаётгандек эди.

Тахминланган жойга етганда улар ярусни бир бошдан қулочлаб сувга туширишди. Энди кутиш керак, иш йўқ. Саттор икки йилдан бери куйдирган санамига тикилар, унинг брезент қалпоқ тагидан чиқиб тўлқин урган соч толаларига, денгиз шамолидан шўртак бўлиб кетган (Саттор шундоқ бўлса керак деб ўйларди) лабларига тикилиб оғзи очилиб қолганини пайқамас эди. У ниҳоят Комила билан ёлғиз. Гапиролмаса ҳам, у бугунги Худо берган ғанимат фурсатдан бахтиёр эди.

Комиланинг бўлса, кўзи уфқда. Қайиқни теран тўлқинлар чайқаяпти, бу қалтис иш ҳалокатли хато бўлмадимикан? Бундай кунда

қайиқда денгизга чиқиш ўз жонига қасд қилганнинг иши, буни ҳамма денгизчилар яхши билади, Комила ҳам сезиб турибди, ҳали кутиш керак, тўрни кўтариш керак, кейин уч-тўрт соатли йўл...

Кўп ўтмай, худди Комила кутгандек, борса-келмас томондан изғирин туриб, оғир қора булут қатламлари кўчди, қайиқ четига биринчи барра тўлқин келиб урилди. Бу таниш тўлқин. У қаердадир, ўша борса келмас томонлардан маккор куч йиғиб, машъум совуқлиги билан пастак қора булутларни яна ҳам оғирлаштиргандек, шамол, булут, довул – ҳаммасини бирга қўшиб, денгизнинг бутун бир қалин қатламини қирғоқларга олиб келиб уради. Бундай довулда, қайиқлар у ёқда турсин, катта кемалар ҳам пўчокдек учиб, чилпарчин бўлади.

– Кўтарамиз! – деди Комила қатъий. Улар чайқалаётган қайиқда зўрға оёқда туриб тўрни кўтара бошладилар. Жигаридан ёғ чиқадиған треска балиқ сийрак бўлса ҳам, ов бароридан келди, деса бўларди. Сатторнинг қўлларига қармоқ санчилиб, қонаб кетган бўлса-да, балиқчи боласи балиқчи эмасми, шамолга, хавфли тўлқинга қарамай, қизиқиб кетди, икки ёндан битта-битта узиб ташлайвергандан кейин, яшиқлар ҳам, яшиқнинг туби ҳам типирчилаб турган садаф тангали йирик балиқларга тўлди. Олти пудча келарди.

– Бўлди, йиғиштиринг, – дея буюрди Комила. Уфққа бир қараб қўйиб, тойғоқ балиқларни босиб, рулга ўтди. – Ҳайданг!

Саттор ҳўл, шилимшиқ енги билан юзларини артиб, скамейкага сакради. Табиатан очкўзроқ бу йигит овнинг баракасини кўриб жонланиб қолган эди, лекин тўлқинда юкли қайиқнинг оғир эшкаги уни тез букди. Шамол дам ўнгдан, дам чапдан келиб, худди қўл билан итаргандек, уни гўё ўрnidан силжитишга уринар эди. Карбас тобора қаттиқроқ чайқала бошлади. Тепада қуруқ мачта хунук ғирчиллар, денгиз букчайгандек гардани билан келиб, қайиқ остига кириб кетар, лекин кўтариб ташлаш ўрнига, бир мўъжиза юз бергандек, қаёқдадир асов кучи синар, шундан кейин бир зумда қайиқ яна ҳам баландроқ тўлқиннинг сиртига чиқиб кетар эди.

Қайиқ олдинга силжимай, ўркак-ўркак тўлқинлар асирлигида, яккаш бир ўринда чайқалаётгандек эди, Саттор ҳолдан тойди, пешанасини артади, тани ёнади, оғзи, лаби шўр, тўлқин юзига уриб, қуйруқда Комиланинг нима деб кичқираётганини эшитмайди. У пахталигини, чориғини ечиб ташлади, елка пайлари таранг, бўғинлари ошиқ-мошиғидан чиқиб кетгудай бўлар эди.

Қирғоқ кўринмасди, булут қуюқлигидан кун шомдагидек қоронғи. Тахминлаб қўлтиққа яқинлашдик деганларида, қирғоқдан

қайтган тўлқинлар қарбасни устма-уст кўтариб ташлай бошлади. Комила тахланган елкан устига отилиб тушди, Саттор балиққа тойиб эшкакларни қўлдан чиқарди. Бу пайт денгизда чинакам довул бошланиб, тўлқин, ёмғир аралаш изғирин келиб қамчидай савалаб кетди. Кўз очиб бўлмас эди, атроф, еру осмон сув, ҳеч нарса кўринмайди. Чаккасини нимадир тилиб кетган Комила жон-жаҳди билан бақирарди:

– Эшкакни қўйиб юборманг! Эшкакни! Эшкакни!

Қайиқни тўрт-беш метрга яна кўтариб, бошқа бир қаҳрли тўлқиннинг ўпқондай қўйнига отганда, мачтага бориб урилиб бели майишган Саттор, кўзига ажал кўриниб кетиб, Комилани ҳам унутди. Шундай ташланганда қайиқ ёни билан тушса борми... Саттор мўлжални ҳам йўқотди, эсини ҳам... Йўқ, эси жойида эди: у жон-жаҳди билан яшиқни кўтара бошлади, томирлари ўйноқлаб, икки пудча балиқни қайиқнинг лабига кўтариб тўлқин қаърига итариб юборди. Яна балиқлар устида сирғана-сурила бориб бошқа яшиққа ёпишди. Комила довулда аввал уни яхши кўролмади, кейин шарпасини кўргач, нима қилаётганини тушунмади.

– Эшкакни қўйиб юборманг! – деб бақирганча, оқсоқланиб бориб, рулни тутди. Сўнг, қутураётган тўлқинлар орасида ўлик балиқларнинг йилтиллаган сиртини, тўлқин билан қайиққа келиб урилган яшиқ тахталарини кўриб, пайқади. Саттор томонга отилди. Қараса Саттор навбатдаги балиқ тўла яшиқни улоқтириш учун кучаняпти. Комила унга ташланди, бутун гавдаси билан қўлларига осилди.

– Нима қиляпсиз?! Нима қиляпсиз, деяпман сизга!

Сатторнинг юзида қон қолмаган, кўзи ўлик қўйникидек маъносиз эди.

– Қўрқоқ! Номард! – деб бақирди Комила уни бу ишдан тўхта тишга кучи борича уриниб. Унинг ҳўл сочлари тўзғиб, юз-кўзига ёпишган, кўзлари ўқ бўлиб санчилгудек, чаккаси қонаган, товуши битган эди. Ўлими кўз олдида келган Саттор бўлса оғир яшиқлардан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди. Аммо Комила қаттиқ осилган эди. Қайиқ хатарли чайқалганда бирга юмалашди, леқин унинг қўлини бўшатмади.

Жони ҳалқумига келган Саттор алаמידан бақириб йиғлаб юборди:

– Чўкиб кетавераманми сизни деб... ҳеч кимга айтмай чиқувдим. Ташлаш керак бу лаънати яшиқларни... Жон ширин эмасми сизга... – Кейин бир силтаб Комиланинг қўлидан чиқди-да, яна бир яшиққа тармашди.

– Йўқ! – деди Комила йиғлаган бу эркакка нафрати келиб. Яна унга ташланди.

– Ахир шунда жон сақлаймиз! – Яна кучанди Саттор.

– Йўқ!

Саттор шу дам бўридек бўкириб бирдан ўзини орқага ташлаб юборди. Комила сочидан маҳкам чангаллаб қолмаганда тўлқин илиб кетадиган эди.

Саттор қайиқ тубига сирғаниб тушиб, бир қўлини кучоқлаб бўкираверди. Комила жон аччиғида унинг қўлини тишлаб, бир парча гўштини узиб олишига сал қолган эди, енгидан шариллаб қон окди.

Саттор шундан кейин ўтирган жойида бир қўли билан қайиққа маҳкам тармашиб жим бўлиб қолди. Комила шошиб бориб эшакка ёпишди. Асаби сал тинчланганиданми, довул ҳам бир оз пасайгандек туюлди, бутун кучини йиғиб, қўлтиққа кириб олиш учун тўлқин билан олиша бошлади. Тўкилиб, синиб ётган яшиклар, қайиқ тубида сувда сузган пахталик, босилиб увилдириғи ситилиб чиққан балиқлар, мажақланиб ётган пақир, чувалган арқонлар кўзига кўринди. Демак ёмғир ҳам сийраклашиб, ҳаво ёриша бошлаган. Лекин қирғоқ кўринмайди. Комила қаёққа сузишни биледи, қирғоқдан қайтариб урмаса бўлгани.

– Рулга ўтинг! – деб бақирди у ғазаб билан.

Саттор бир қўлини кучоқлаганча рулга ўтди, бир оздан кейин Комиланинг эшакларга кучи етмаётганини кўриб, тахтага келиб ўтирди, эшакнинг биттасини қўлга олди, икковлаб эша бошладилар.

Қўлтиққа кирганда тўлқин пасайди, лекин қирғоқ тим қоронғи эди.

Тонгда Ажиниёзни уйғотиб, жувозхонага етакладилар. Уч пудча балиқ омон қолган эди. Чол борининг ичини ағдариб жигаридан икки шишача мой қайнатиб берди. Каҳрабо ранг мойнинг оғир қуйилиб шишага оқишини кўрган Комиланинг бутун чарчоғи тарқаб, дили ёришди, кутилмаганда Саттордан узр сўраб қолди:

– Кечирасиз-да, жаҳл устида...

Сатторнинг ўйи бошқа ёқда эди.

– Балиқни нима қиламиз?

– Балиқними?.. – Комила буни ҳеч ўйламаган экан, ҳозир жуда яхши фикр кўнглига келди: – Мойи – менга, балиғи – сизга! – деди у.

Саттор ичи тозаланган балиқни қайиқда уйига олиб кетди.

– Қойил-э, тирик чикдик-э... – дерди у қувониб.

Комила икки шиша мойни кўтариб, Матниёзникига борди. Йигит уни кутмай қўйган эканми, ҳайратда тикилиб қолди.

Ҳаяжонланганидан йўтала бошлади. Мойни кўксига босиб йўталар эди.

– Сиз... сиз бунга қаяқдан оляпсиз, Комила?

– Вой, қаяқдан олардим, омбордан, – деди қиз бепарволик билан. – Вақт бўлмапти-да, келолмай қолдим. Тузукмисиз?

Матниёзнинг йўтали илгаригидек эмас, енгилроқ эди, бир оз эт битиб, ранг ҳам кирган. Лекин у Комиланинг қарашидан чўчиб кетгандек, камгап бўлиб қолди. Комила бу сафар ҳам узоқроқ гап-лашолмай кетишга мажбур бўлди.

Қиш чиқиб, довулли кунлар камайиб қолди. Комила илгари ўлгудек зерикарли бўладиган ўша зах ҳаволи, хира, изғиринли кунларни қўмсай бошлади. Баджаҳл Ажиниёз билан энди тил бириктириб, ишни йўлга қўйганида довуллар сийраклашиб кетди. Мойжувоз учун балиқ овлаш эса фақат довул кунларигина бўлиши мумкин, бошқа кунлари Комила рейсда. Комиланинг кечаси пичирлаган илтижоларига биноан яна бир неча изғиринли кун бўлди. Аммо кейинроқ Саттор гапга кирмай қўйди. Аввал у чандиқ билагини ҳаммага кўрсатиб: «Комила тишлади», деб мақтаниб юрди, Комила бунга эътибор бермади, Саттор унга керак эди, Саттор ҳам ҳар сафар бир неча пуд мармардай балиққа қизиқиб, яна бир-икки марта довулда денгизга бирга чиқди. Кейин юрак олдириб қўйиб, бу қалтис ошиқликдан воз кечди. Комила сўпгги вақтда комбинатдан мотобот олиб, денгизга ёлғиз ҳам чиқадиган бўлди. Жиндак-жиндак мой келтирганда Матниёз ундан ҳар сафар қизиқиб сўради, аммо сўнгги марта қовоқ солиб, қўполлик билан сўради:

– Қаяқдан оляпсиз, очиғини айтинг?

Комила дарров жавоб бермади-да, бош эгиб келиб унинг билан билан ушлади, ердан кўзини олмай туриб:

– Омбордан, – деди секин. – Сиз тузалишингиз керак, Матниёз... Бўлмаса...

– Нима «бўлмаса?»

Комила бирдан пиқиллаб йиғлаганча югуриб чиқиб кетди.

Кейин у довул кунга кечқурун ёлғиз ўзи денгизга чиқиб, бир ўлимдан қолиб, уст-боши шалаббо ҳўл, сочи тўзғиган ҳолда кечаси Ажиниёз чолни қўярда-қўймай уйғотиб, ярим шишагина мойни зўрға эплаштириб, тонгда кампирникига келди. Кирса Матниёз йўқ. Матниёз кетиб қолган эди. Қаяққа қойиб бўлганлиги номаълум.

Комила ҳамма нарсани бирдан пайқадую, шу қўйича аччиқ шамолда тентираб қирғоқ томон юрди. Этиги қумга ботар, суғуриб олишга дармони йўқ, сочлари тўзғиган, нега кимсасиз соҳилга

қараб кетаётганини ўзи билмас эди. Кетди! Кетди... Комиланинг дилига илгаридан қутқу солиб юрган нарса шу эди. Кўнгли сезиб юрарди-я! Нега аҳмоқ бўлиб унга сир берди? Нега аҳмоқ бўлиб унинг учун ҳар довул кун икки шиша мойга жонини тикди? Шармандалик! Шармандалик! Қочиб кетибди! Комила ўз қадрига йиғларди. Умри бино бўлиб бундай аламли, бундай азобли дамларни кечирган эмас. «Ажаб бўлди, ажаб! – дерди у қирғоқда, изғиринда ёлғиз қум кечиб қаёққадир шошаркан. – Ажаб бўпти, юрма биринчи кўрган йигитингга елимдек ёпишиб, қиз бошинг билан!»

Шундай деб ўзини койирди-ю, Матниёзни унутолмасди. Кечалари уйку йўқ, дам ўзини койийди, дам ёруғ дунёни қарғийди, дам Матниёзни... Манзилини ҳам қолдирмабди, Хоразмдан сўратди ҳам, йўқ..

Ўша кунлардаги телбалигини ўйласа, ҳозир ҳам юраги ўйнаб, юзига қон тепади. Матниёз, нима қилдинг?

– Қирғоққа ёндаш ! Қирғоққа!

Комиланинг хаёли бўлинди. Бу Қайипберген чолнинг ҳовлиққан овози эди. Комиланинг жаҳли чиқди. Хаёлини бўлгани учун эмас, капитандан ижозатсиз буйруқ бера бошлагани учун. Қоронғи тушиб, дарё юзини туман қоплаган эди. Бўтана Аму кўнғир қора тусга кириб, бўғиқ ва сирли шовуллай бошлади. Комила пайқадди-ки, Туячўқди яқин. Чакки бўлибди-да, бу фалокат шайтон бўғизи қоқ тунга тўғри келибди.

Аммо ҳозир Комилани жаҳаннам ҳам тўхтатолмайди. Олдинда Матниёз, ўша Матниёз, Комилага жуда қимматга тушган, йиллар, изтироблар, ёшлиқ қувончлари эвазига, «ор-номус», оила, жигарпоралари Учқун ҳам Тўлқинни ўртага қўйиб қўлга киргизгани ўша Матниёз, ўша шафқатсиз муҳаббат, азобли бахт олдинда..

Туячўқди – Амунинг энг тор жойи бўлиб, икки қирғоғи қип-қизил, баланд, тикка жар, ўзанинг ўрта бир ерида эса, ўчакишгандек икки қоятош, туянинг икки ўркачи сингари сувдан қалқиб туради. Сув кўп вақтда бўлса, қалқмаса ҳам, оқимни иккига айириб, икки томонида шаршарадек шовқинли, хатарли «қия» пайдо қилади. «Қия» дегани қирғоққа уриб, жар тагида гирдоб, ўпқон пайдо қиладиган маккор оқим.

Ҳозир-ку булар кўринаётгани йўқ, ҳозир қоронғи, унинг устига нафасни бўғадиган аллақандай қуюқ, оғир туман.

– Тўхта! – деб буюрди капитан, лоцманнинг командасини рад этиб. Чол ғазабдан титраб-қақшаб Комилага қаради: «Бу нима қилганингиз?!»

– Катта прожекторлар ёқилсин! – деди капитан жавоб ўрнига, узун-узун сигнал берди.

Прожекторлар узокдан туйнукдай кўринган Туячўкдининг қорасини кўрсатди, дарё сатҳи булғанар, босиб тушаётган оғир туман билан олишаётгандек эди.

– Сигнални кимга беряпсиз, бу ерда зоғ ҳам йўқ ҳозир, эси жойида бўлса кечаси ҳеч ким Туячўкдига яқинлашмайди, – деди чол.

– Ҳозир кўраимиз... – деди Комила. У ўзи ҳам ўз ишининг тўғрилигига унчалик амин эмас эди. Аммо тўхтаб эртани, туман кўтарилишини кутиш ҳозир унинг миясига сиғмасди.

– Ғалтакни қирғоққа ташлашни буюринг, мен сизга оталарча маслаҳат беряпман, қизим, туманни қаранг, ёнгинамиздаги баржанинг чироғини кўриб бўлмаяпти, – деб аврай бошлади жаҳлини зўрға босиб Қайипберген чол. «Ғалтакни қирғоққа» дегани «кошка» деган лангарни қирғоққа, олдинроққа олиб бориб ўрнатиб, икки юз метрли сим арқонли чиғириқ билан баржани алоҳида, кемани алоҳида силжитиб, хавфли жойдан ўтказиб олишдан иборат эди. Бу камида ўн икки соат тўхташ деган гап.

– Қўрқманг, аввал ўрқачларнинг аҳволини билиб келамиз, – деди Комила. Унинг хатарли ишга қасд қилгани сезилиб турарди – Сиз прожекторни идора қилинг. Йигитлар, қайиқни сувга!

– Мен аралашмайман бу ишингизга. Кемани жарга уриб пачақлайсиз, баржада Тахиатошнинг дизеллари, билиб қўйинг. Мен Амуда ўттиз йил сузиб, битта қуруқ баржа ҳам чўктирган эмасман. Сиз... сиз ёш эр қилган бўлсангиз, экипажнинг айби нима!

Комила кўн қўлқоп кийган қўлини кўзларига босиб, бирпас ерга қараб турди. Чол «йиғлатдим» деб ўйлаган эди, шу зумдаёқ Комиланинг ўт чақнаган кўзларини кўрди.

– Буйруқни бажаринг, лоцман! – деди Комила. Ўзи зинадан югуриб тушиб, икки йигит ушлаб турган қайиққа сакради, чол унинг «Ўлчагич олинг!» «Сиз бу ёққа ўтинг!» деган кескин буйруқларини эшитиб турарди. Лаҳза ўтмай Туячўкдининг қирғоқларини янграиб мотор гувиллади, туманни тилиб узоқларга санчилган прожектор нурида моторли қайиқ қора туйнукка кириб йўқолди.

Ўрқачга яқинлашган сари қайиқдагиларга мотор товуши пастроқ эшитила бошлади, иккига айрилган оқимнинг шовуллаши икки баланд жар орасида момақалди роқдек гумбурлар эди. Оқариб турган ўрқачларни ёнгинасига борганда кўришди, қоя панасида оқимга қарши уларнинг яқинигача бемалол бориш мумкин эди.

– Мана, лаънатилар қалқиб турибди! – деди Комила. Унинг гапини йигитлар эшитмадилар, аммо капитаннинг вақти чоғлиги

кўриниб турар эди. Қоялар сув остида бўлса хатарлироқ. Ҳозир сув кам экан, кемани бошқарганда хавф қаёқдалигини дарров пайқаса бўлади.

– Чап томон ёйикроқ, кейин, бу қирғоқда теран гирдоб ҳам йўқ...

Йигитлар унинг чап томонни кўрсатганидан мақсадини тахминан англашди, лекин чапда туман қуюқ, қирғоқ кўринмас эди. Комила прожекторни керак жойга тўғриламаётган Қайипбергенни эркакча болохонадор қилиб сўқди-да, кемани чапдаги кучли оқимга бурди. Оқимнинг кучини, йўналишини текшириш, қирғоқни тусмоллаш керак эди. Шу вақт қайиқ бирдан гир айланиб, оқимни енгиб ўтолмай, тикка қирғоқ томон, совуқ қоронғиликка кириб кетаверди. Қоронғи, туман, бир-бирларини кўришмас, гапларини эшитишмас эди. Моторчи йигит ўз жойидан силжиёлмас, Комилани кўрмас эди: борми-йўқми? Ё учиб кетдими?

– Капитан! Капитан! – деб қичқирарди у мотор дастасига ёпишганча... – Капитан! Қаердасиз?

Бу пайт Матниёз ташвишда, ҳаяжонда, кўзлари билан Комилани залдан қидирарди. Унинг тепасида Ўзбекистон ва Қорақалпоқ ерларининг географик харитаси сап-сарик бўлиб осилиб турибди. Гўё жазирама Қорақум билан Қизилқумнинг олов нафаси қоғозни ҳам қовжиратиб юборган эди. Кўм-кўк қон томиридек Сир билан Аму буралиб-буралиб минг-минглаб чақирим саҳро йўлларини босиб ўтади, узоқ қорли чўққиларнинг кумуш хазинасини, қадим водийларнинг оромбахш салқинини кекса Оролга элтиб топширади. Орол – чексиз ва жонсиз қум денгизлари ичида ҳақиқатан ҳам бўтакўз орол, табиатнинг мўъжизаси, тенгсиз гўзал бир инъоми!

Матниёз харита олдида қўлига найзадек кўрсаткич тутган ҳолда диссертациясининг мазмунини баён этади. У одатдагидек бепарвороқ кийинган, галстуги бўш, шими ғижимроқ, лекин тўлишган, кексалик белгилари билина бошлаган, пайдор, қорача юзида саломатлик, ишонч, журъат, ҳатто қайсарлик зухур этар эди.

У Комилани топмади. Катта зал лиқ тўла, бўш ўрин йўқ, ҳамма шу ерда. Ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашидаги илмий ходимлар – Матниёзнинг дўстлари ҳам шу ерда, олдинги қаторда мўйна совхозининг бош зоотехниги, гидропроект инженерлари, мелиорация станциясининг бошлиғи, фан кандидати Маркарьян, Тошкентдан келган таниш-нотаниш олимлар... Президиумда эса ишнинг раҳбари, оппонентлар, илмий кенгаш аъзолари ҳам энг атоқли меҳмон – профессор Шуман ўтирибди.

Ўрта Осиё гидрологиясининг кекса назариётчиси Шуман учун бундай президиумларда ўтириш ўз уйида ёнбошлаб ётишдек



оддий нарса бўлиб қолган. Қаерда пайдо бўлса, залда ҳам, фойеда ҳам шивир-шивир: «Шу! Фалончи шу!» У бўлса шон-шуҳратга, юшоқ пижама кийишга одатлангандек, ўрганиб кетган, бундай шивир-шивирлар парвойига келмайди, панжаларини бир-бирига ошиқ-мошиқ қилиб кийиб, бош бармоқларини бир-бирининг атрофида аста айлантириб, унга тикилган кўзларни эмас, бошқа нарсаларни ўйлаб ўтиради.

Профессорнинг чиқишлари доим шов-шувли бўлади. Икки-уч йилда бир ёзса ҳам эффеќтли, кутилмаган сенсацион бир фикрли маќола билан чиќиб кўяди-да, шу билан яна анчагача кўпикнинг юзасида, кўпчиликнинг диќќат марказида юраверади. Шундай яшашга ўрганиб қолган.

Шуманнинг беш-олти ой олдин ёзган сўнгги маќоласининг шов-шуви ҳали босилгани йўқ эди. «Орол яшамоғи зарурми?» деган бу маќола олимларни ҳам, хўжалик ходимларини ҳам ғалаёнга келтирди, Матниёзнинг эса етти йиллик азобли ишининг белига тепди. Профессор маќоласида Оролни аста-секин қуришиб, Амунинг унга берадиган 40 миллиардлик суви ҳисобига 5 миллион гектар янги ер ўзлаштиришнинг иќтисодий фойдаларини исботлар эди. Бундан қони қайнаб кетган Матниёз шу олти ой ичида диссертациясини атайлаб янада ўткирлаштириб, бу тезиснинг хатолигини исботлашга қасд қилди. Шуман билан олишиши кўпларнинг назарида бошни деворга уриш билан баробар эди. «Криловнинг «Лайча билан Фил»ини ўқиганмисан?» деган дўстлари ҳам бўлди. Лекин у, ўз таъбирича, бу «абордаж»га – ҳамлага атайлаб азм этди, кўп ўйлади, иккиланди, баъзан ўзида шунга куч сезди, нима бўлса ҳам виждон измидан қайтмади.

Албатта, аввало профессор Шумандан ўз авторефератига қақшатгич ёзма фикр кутган эди. Келмади. Ёќлаш маросимига профессорнинг ўзи келиб ўтирибди. Ҳали индагани йўқ, хурматини бажо келтириб кўришди, президиумда ҳам мийиғида жилмайибгина ўтирибди, норозилиги ҳам билинмайди, безовталиги ҳам. Тўқ мушук сичқонни тутгач, кўйиб юборган бўлиб яна осонгина тутиб, бирпас ўйнаб, кейингина шошмасдан ейди. Ё бу ҳам шу хилиданмикан?

Матниёз шуларни ўйлаб, айниқса бунинг устига залда Комиланинг кўринмаганидан, анча ҳаяжонланиб, тутилиб гапирди. Кейин қимир этмаган залнинг эътиборидан дадиллашиб, Шуманга тикка қараб сўз бошлади.

– Ўлкамизга кўз солинг, – деди у қўлида сал титраган кўрсаткич билан харитада доиралар ясаб, – бу сариқ ранглар, бу ўлик ранглар

шундай ҳам кўп. Биз эса, ҳурматли профессор, бунинг устига яна бир сахро яратмоқчимиз!

– Сиз бунинг эвазига барпо бўладиган янги обод водийни тилга олмаяпсиз, коллега, – деди Шуман биринчи марта луқма ташлаб. У жилмайиб туриб, юмшоқ гапирди, лекин Матниёз унинг «коллега» деганидаги заҳарли кесатиқ оҳангини пайқади.

– Тришканинг кафтанини биласизми, профессор? – деди у ҳам. Залда журъатсизгина кулги эшитилди. Матниёз давом этди: – Оролнинг рақиблари бу жазирама ўлкада ваҳший саҳронинг қутуришларига яна ҳам кенгроқ эрк бериб қўйишмоқчи. Кўз олдингизга келтиринг, етмиш минг квадрат километрли Орол косасида янги саҳронинг пайдо бўлиши бу ўлканинг об-ҳавосини ёввойи-лаштириб, бу ерда сарин зангори тўлқинлар ўрнига қум бўронлари ўйнайди, собиқ денгиз тубидан кўтарилган зарарли туз зарралари аралаш қуюқ тўзон ҳавони тўлдириб, атрофидаги яшил ҳавзаларни қуритади.

– Об-ҳавонинг бундай ўзгаражагини, шўр бўрон ваҳималарини исбот қилиш керак, коллега.

– Уларнинг бўлмаслигини ҳам ҳеч ким исбот қилган эмас, шу жумладан сиз ҳам, ҳурматли профессор! – деди ҳозиржавоблик билан Матниёз. Тагин давом этди: – Ниҳоят, табиат ҳисси! Жонажон ўлкамизнинг гўзалликларини ҳис этиш, кўз қувончи, ҳаёт чашмалари! Булар сизга бегонами, профессор? Орол – табиатнинг ажиб туҳфаси! Орол Ўрта Осиёнинг Байкали, балки ундан ҳам афзалроқ. Чунки у жаҳоннинг энг улуғ саҳролари бағрида тўлқинланиб ётибди. Жаҳондаги санъат мўъжизалари, табиат мўъжизалари фақат рентабеллик учунгина сақлаб келинаётгани йўқ. Она юрт табиати деган нарсага шунчаки бухгалтерларча муносабатдан бошқача муомала ҳам бўлиши керак. Не-не буюк олимлар неча асрлардан бери уни ҳалокатдан қутқазиб қолиш ҳақида ўйлаб келяпти, сиз эса... Сиз бу тенгсиз гўзалликка, бутун бир ўлканинг тақдирига тўраларча қўл силтамоқдасиз. Баъзи бир тўралар ҳозир кўпгина маҳкамаларда қора терга ботиб чўт қоқишмоқда, гўзал Оролнинг фожиаси ҳисобига келадиган рақамларни ҳисоблашмоқда. Уларнинг юраги қилт этмайди, улар ҳозир дадил, чунки сизнинг «илмий башариятларингиз» улар учун асос бўляпти. Орол миллион йиллик туганмас бойликлар хазинаси: йилига ярим миллион тонна балиқ, миллион дона қундуз, оламда ноёб мўйна совхозининг жаҳон бозорига кетадиган 70 хил бебаҳо мўйнаси! Буни санаб битириш қийин. Сизнинг мақолангиздан кейин эса Орол ҳалокатли равишда чекиниб қурий бошлади, унинг банорас кўзгуси 20 минг

квадрат километр кичрайди. Дарё дельталардаги ботқоқни босиб ўтолмаяпти, дельта кўллари ўлик, сув шўрланиб, ҳаётни қуритмокда. «Гидропроект» ҳозир Аму билан Сирдан фойдаланиш бош планини тузган. Бу планда Оролнинг тақдири ҳақида бир оғиз сўз йўқ. Бу ҳам сизнинг мақолангизнинг оқибати, профессор!

Матниёз бир неча бор «Профессор!» деб хитоб қилгандан кейин Шуман ўрнидан турди, бу унинг, сўз айтаман, дегани эди, ҳамма тушунди.

– Бундай, коллега, – деди у салмоқланиб, – сиз мени қўя туринг. Сиз диссертациянгизни ёқланг. Бутун халқимиз жамиятнинг моддий асосини вужудга келтираман деб жонбозлик қилаётганда сиз академия минбарига чиқиб табиат гўзаллиги ҳақида Лирика ўқинг, қирқ миллиард кубометр сувни Оролнинг ботқоқ қозонида қайнатиб, буғ қилиб осмонга учирайлик, денг; республикада суғориш ва ирригация ишларини, янги ерлар ўзлаштиришни тўхта-тайлик, денг..

Унинг бу совуққон, салмоқли киноясига Матниёз индамади, одоб доирасида бўлмаса ҳам, сўзини бўлди:

– Буни демагогия дейилади, ҳурматли профессор. Халқимизнинг нима билан бандлигини мен ҳам биламан.

Лекин сизнинг позициянгиз маълум француз қиролининг фалсафасига ўхшаб кетади: «Биздан кейин оламни тўфон босиб кетмайдими...»

Зал яна сал жонланиб кулиб қўйди.

– Мен норозилик билдираман, ҳурматли илмий кенгаш! – деди Шуман ўрнидан туриб. Энди у ҳалигидай совуққон эмас эди. Унинг важоҳати Матниёзни чўчитди. У бир зум иккиланиб, узр сўрашни ҳам хаёлига келтирди-ю, узр сўрамади. Аммо негадир сал умидсизлик сизди кўнглида. Залга қаради. Йўлак узун, узоқдаги эшик томон ғира-шира эди. Вақт қанча бўлди экан? Комила ҳамон йўқ. Нега келмади, қаёқда қолди? Ҳозир ялт этиб остонада пайдо бўлса, Матниёз қайтадан кучга кирар, илҳоми тошиб, қақшатгич нутқ сўзлаб ташлар эди.

Ўша касал вақтида ҳам балиқ мойидан эмас, Комиланинг ўзини ўйлаб йўталдан қолган. Шишани қўйнига солиб кириб келганида заиф аъзойи бадани ёлқинланиб кетарди. Ўлимни бўйнига олиб қўйган аскар ҳаётга маҳкам тармаша бошлади.

– Қаёқдан оляпсиз?

– Вой, омбордан...

Матниёз ишонмай қўйди. Қизнинг кўзлари бошқача эди. Кейин у Комиланинг унинг учун ўлимга тик бориб, ҳар довулда ёлғиз

денгизга чиқаётганини пайқаб қолди. Бу муҳаббат эди. Муҳаббат... Унга эса... мумкин эмас. Унинг ҳақи йўқ, Матниёз йиғлади. Қочиш керак. Комилани қутқазиб керак. У ёш. У унутади. Ўтиб кетади...

Кампир гаранг эди йигитнинг аҳволдан.

Шундай қилиб, ўшанда Матниёз ғойиб бўлди. У жангда ҳам бундай оғир вазифани бажармаган эди. Бу қийноқ ўпка касалининг қийноғидан ҳам даҳшатлироқ бўлди... Комила қолиб кетди. Ўша Комила...

Ўша Комила ҳозир уники. Лекин у нега келмади? Зал тўлқинланади. Матниёз бу тўлқинларни, қаршиликларни ёриб ўтиб, унга интилиши керак. У яна минбарга чиқди...

Бу пайт Комила ҳам Аму тўлқинларини ёриб унга интилмоқда эди. Тўлқинлар юзига сапчир, тепада тикка қора жар, қайиқнинг мотори дам қаттиқ шамоллаган одамдек йўталар, дам яна гўё талвасага тушгандек хириллаб айлана бошлар, прожекторнинг ёруғи ўчакишгандек аллақаяқларда кезар эди – чол бирдан ғойиб бўлган қайиқни ҳовлиқиб қидираётган бўлса керак.

Анчадан кейин бир амаллаб ёруққа чиқиб олишди. Комила қўлига сув ўлчагични лангар чўпдай қилиб ушлаганча қайиқнинг думида тикка турар эди. Унинг уст-боши шалаббо, юз-кўзи, сочлари ҳам ҳўл, ўзи ҳамон сув юзини кузатар, прожекторни қаерга йўлашни кўрсатиб қўл силтар эди.

Комилани, фарқ бўлдими, деб ҳали бир зум юраги шув этиб кетган моторчи йигит ҳозир қувонганидан унга қараб нуқул илжарди:

– Чўмилиб олдингизми дейман, ўртоқ капитан? – Унинг юзи қўрққаниданми, прожектор нуриданми, оппоқ оқарган эди.

– Бас, қайтдик! – деди Комила сочини тўлғаб ташлаб, ҳўл фураж-касини силкиб кияркан.

«Орол»га қайтиб чиқишгандан кейин у аввал ҳеч нарса демади, каютасига аста кириб, шошмасдан артиниб, кийимларини ўзгартириб чиқди. Ҳаммининг кўзи унда эди.

– Гап бундай, – деди у мумкин қадар қатъийроқ бўлишга уриниб. Чунки сезардики, ҳозир қайиқда у билан бирга Туячўқдига бориб келган икки йигит ҳам энди унинг тарафини олмайди. – Чап томон оқимга қарши юришга яхши, ўнг томондан эса бемалол пастга юрса бўлади. Баржаларни битталаб олиб ўтамыз.

Одамлар бир-бирларига қараб, чаккаларини қашишди, ерга қарашди.

– Ҳозиргина бир ўлимдан қутулиб, зўрға чиқиб келдик-ку, ўртоқ капитан, – деди оқаринқираган моторчи.

– Туф-эй! – деди сўз тополмаганидан Қайипберген чол ва тўнғиллаганча даврадан чиқиб кетди. – Эси бор одам кундузи ҳам таваккал қилмайди.

– Ўркачлар сув юзида, кўрқадиган жойи йўқ, – деди Комила.

– Баржани қия тортиб кетади-да, пароходни олиб бориб жарга уради, капитан, мени айтди денг.

– Буксирни қисқа боғланг! Ҳар ким ўз жойига! – деб буюрди Комила.

Хотин киши шундай дадил қарорга келганда эркакларнинг бўшанглик қилиши ноқулай эди, тарқала бошладилар. Бошқалар аста жой-жойига кетди-ю, ёлғиз Қайипберген бир чеккада тескари ўгирилиб тураверди. «Ё чиндан ҳам хато қиялпманми?..» деб ўйлади Комила унга қараб. Лекин у билардики, бундай пайтда иккиланиш орқага чекинишдан ҳам хавфлироқ. У чолнинг кифтига кўлини кўйиб, «хотиржам бўлинг», дегандек бирпас ёнида турди.

– Мен айтадиганимни айтдим, капитан. Сиздан буюриш, биздан бажариш... – деди чол елқасини қисиб.

Кейин Комила тезлаб кубриikka чиқиб кетди.

Йигирма минут ўтар-ўтмай «Орол» энг секин тезлик билан аста-аста силжиб, калта боғланган битта баржа билан Туячўқдига кириб кетди. Проектор қайчилари қоронғиликни тилиб, сув юзидаги қуюқ туманни сутдай оппоқ қилиб кўрсатар эди.

Тўлқин қаршилиги кучайган сари, машина бўлими кучлироқ гувиллар, ҳозир портлаб, подшипниклар сачраб кетадигандек эди. Нарироқ бориб сувнинг гувиллаши бошқа ҳамма шов-шувни босиб кетди, кўпикланиб иккига айрилган дарё ўртасида икки катта қоянинг оппоқ қирраси кўринди.

– Ўркачга! Ўркачга яқинроқ! – деб буюрди Комила.

– Ўркач – қоя, ўртоқ капитан! – деди штурман.

– Кинояни кўйинг. Қояга яқинроқ! Қояга қанча яқин юрсангиз, хавф шунча кам!

– Бир ярим метр қолди, капитан!

– Яна яқинроқ! Яқинроқ!

– Жуда яқин қолди, капитан!

– Яна! Сувда кечаси шундай кўринади. Яқинроқ дейман. Баржанинг чироғини кўряпсизми?

Ҳақиқатан пароходни яна ҳам ўнгга олмаса қия оқим баржани кўндаланг қилиб жар томон тортиб кетиши ҳеч гап эмас эди. Қоя томонда эса торгина йўлак қолди.

– Қаричлаб ўлчанг! Қаричлаб силжинг! Ўнгга!

– Қоянинг туби кенг.

– Сув етарли, дадил бўлинг!

Пароход гувиллаб кўпик сочаётган оппоқ қояларнинг ёнгина-сидан силжиб борар, ҳамма юрагини ҳовучлаганча, кема кўксининг тошга гурс этиб урилишини кутар эди. Кейин нима бўлади, ҳалокатми..

Бу ўн минутлик гувиллаган ваҳимали тинчлик ўн соатдек имиллаб ўтди. Кейин палубада ҳам, пастда ҳам, баржада ҳам бирдан қийқириқ кўтарилди: «Ур-ра! Ура-а-а!» деб бош кийимларини осмонга отишар эди матрослар. Пароход дарёнинг тинч оқар кенг сатҳига чиқиб олди. Қайипберген чол манглайига қалққан совуқ терни артиб ташлаб, деворга суянди:

– Уф!.. Бўлди, қайтиб бормайман. Бир мўъжиза билан ўтиб кетдик, ҳар тишлаганда ғарчча мой бўлавермайди.

– Бўпти, сиз қолинг, иккинчи баржани мен ўзим олиб чиқаман! – деди Комила соатига қараб.

Пароход оқимга қарши бурилиб, ўрқачларнинг иккинчи томонидан йўл солди. Орқада баржа бўлмаганидан кучли оқимга қарши юриш қийин эмас эди.

Ярим соат деганда Комила ўз йигитлари билан иккинчи баржани ҳам «жаҳаннам тўйнуги»дан ўтказиб олди. Тонг отганда Туячўкди узоқларда қолиб кетган эди.

Яна ёйилиб оққан жигарранг Аму, балқиб келаётган кузги куёш нурида қизарган хазонрезги чакалакзорлар, ясси қирғоқларда яккам-дуккам саҳархез балиқчилар. Тўқайлардан ёввойи ўрдаклар қағиллаб учди, қайси бир кемага Ороддан эргашиб келган балиқчи қушлар мачта атрофида айланишади, пароход зихидан иккига бўлинган палахса-палахса тўлқинларнинг оқ ёлига тўш уришади. Комила қилган ишига ўзи ҳам қойил бўлиб, хаёл суриб бормокда. У ўша денгиз довулларида буён Матниёзни қайта учратгунгача бундай қалтис жасоратга жазм қилгани йўқ эди. Саттор билан ўтган турмуши жуда ҳам сокин, алғов-далғовсиз, ортиқча ҳаяжонсиз бўлди, бундай азобли кечалар хаёлига ҳам келган эмас.

Балиқ мойи баҳонаси билан Матниёзнинг олдига бориб юрган қирқ бешинчи йилнинг ўша оғир қиш кечалари, ўша ғалати, ҳаяжонли, дардли, довулли кунлар бир тушдай ўтиб кетди. Лекин туш ўз йўли билан, турмуш эса турмушлигини қилар экан. Ёши ўтаётганини кўриб Комила ҳам эрга чиқди.

Аллақаёқдан келиб қолиб, дафъатан ғойиб бўлган бир бегона одамга телбадек талпиниб юрганидан ўзи қулиб, ўзини еигилтак, аҳмоқ деб қойиб юрди-юрди-да, ўша ўзининг эски, ювош хушомад-гўйи Сатторга тегди-кетди.

Амударё флотига ишга ўтганидан кейин Хўжайлига кўчиб кетишди – Сатторнинг ота мерос ҳовлиси ўша ерда эди. Бахтини топган Саттор Комила учун нималар қилмади! Онаси Анзиратнинг таъбири билан айтганда, ўзини Алининг тиғига уриб, кун демай, тун демай ишлади, ичмай-чекмай топганини ҳовлига ташиди. Артелдан кетиб рибожаркага ўтди, кейин қаердадир экспедитор бўлди («қаердадир» – Комиланинг сўзи, асли – район матлубот жамиятида), хуллас, тиним билмади шўрлик. Аммо-лекин бир-икки йилда ота мерос ҳовли-жой икки марта кенгайди, боғ, экин-тикин, парранда, молтуғар кўпаяверди – ҳаммаси Комила учун эди.

Бироқ умри сафарда ўтадиган Комила буларга унча ҳам эътибор қилмасди. Одамнинг ўзига бепарво бўлгандан кейин унинг ишларига ҳам қизиқмас экан киши. Фақат сўнгрoқ, Тўлқин пайдо бўлгандагина Комила тақдирга тан бергандек, ўзини бу оиланинг аъзоси деб сеза бошлади.

Устидан ачиган қатиқ ҳиди келиб турадиган Анзират ёшариб, серғайрат бўлиб кетди, енгини шимариб, этагини липпасига қистириб молхонада, товуқхонада ивирсигани – ивирсиган. Баъзан Комилани беозоргина койиб қўяди:

– Вой ўргилай келин, куви пишганмисиз ҳеч, опкела қолинг ўзимга, боринг, Тўлқинингизни эмизинг, тасаддиқ.

Бундай вақтда Саттор хотинининг тарафини оларди – куви пишмаган бўлса, кимсан Аму флотининг донгдор капитани Комила деса овулда ҳам, пойтахтда ҳам билмаган одам йўқ, битта ўзбек қизи бўлса шунчалик бўлади-да, тагин нима керак!

Саттор Комила билан фахрланарди. Биров билан танишганда ёки идораларга борганда ҳам «Саттор» деган ном таъсир қилмаса, «Ҳов фалончининг турмуш ўртоғиман» деб кўшиб қўярди. Комиланинг отини атаб оғир ҳоллардан қутулиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Бир мажлисда кимдир Сатторнинг «хусусий хўжалик тармоқлари» кенгайиб кетганини айтиб, унинг даромад манбаларига шубҳа билдиргандек бўлган эди, Саттор «Аму флотининг донгдор капитани ойига қанча топади, биласанларми?» деб ҳаманинг оғзига урди.

Комила бу гаплардан албатта беҳабар, у ўзининг шунчаки қалқон-балоғардон бўлиб қолганини билмайди, у фақат шуни биладики, улар ўртасида неча йилдан бери ҳис-туйғу, нафрат ё муҳаббат ҳақида гап бўлган эмас. Улар эр-хотин, шунчаки бир-бирларига ўрганиб қолишган. Бирон кийимга, бирон буюмга ўргангандек. Эркалаш, ҳазил, рашк, соғиниш, бир-бири учун ҳаяжонланиш, ўзини ўтга-чўққа уриш уларнинг хаёлларида ҳам йўқ эди.

Саттор учун бу жуда ибратли оила, ўзига тинч, ўзига тўқ, бекаму кўст, жанжал-суронсиз...

Лекин Комила ўзининг қариб, сўлиб бораётганини сезарди: «Бу нима гап, мен қачон бундай бўлиб қолдим? Бас, бу мен эмасман ахир! Мен Комила бўлишим керак!»

Бу гапларни Сатторга айтса, албатта у ҳеч нарса тушунмайди. У Сатторга қаттиқ танбеҳ бериши, унинг турмушини кескин ўзгартириши ҳам мумкин, бунга кучи етади, лекин бу билан Саттор унинг қалбини ҳаяжонга соладиган одамга айлана оладими?

Изтиробини ичига ютиб юраверди. Эчкилар маъраб, таппи ҳиди келиб турадиган ҳовлига қайтгиси ҳам келмай қолди, ишдан кейин фақат Тўлқин билан Учқун дебгина уйга шошарди.

Мана шундай кунлардан бирида Матниёз Оролда пайдо бўлди. Комила уни Нукус кўчасида тасодифан учратди. Кўрди-ю бутун вужуди лов этиб кетди. Гўё орадан шунча воқеалар ўтиб кетмагандек, шунча йиллар давомида улар доим бирга бўлгандек, бу учрашув эса тасодифий эмас, худди шундай бўлиши керакдек эди. Комила шошиб келиб икки кўлини узатди.

Матниёз эса бу учрашувдан негадир ҳеч ҳайрон бўлмади. Уни гўзал Орол тортганмиди, узук-юлуқ тушдек ёдда қолган аллақандай хотираларми, хуллас, бир неча йил аввал бу ерга яна келиб қолган эди.

– Ҳа, ёлғончи! – деди у кўришаркан соддагина кулиб – «Омбордан» денг?

Иккаласи ҳам роҳат қилиб кулди, худди кунда кўришиб, шундай чақчақлашиб юргандек...

– Ёлғончи... Ёлғончи... – деб шивирлади Матниёз йиғлагудек бўлиб, залга тикиларкан. Зал гувиллар, Матниёз профессор Шуманнинг устма-уст ёғдирган саволларига жавоб нутқини бошлаб юборолмас, Комила ҳамон йўқ эди.

– Мен, рухсатингиз билан, залга мурожаат этаман, – деди Матниёз фикрини тўплаб олиб, – мана бу ерда мамлакатда нодир мўйна совхозининг бош зоотехниги ўртоқ Худойбердиев ўтирибди. У кишидан совхоз хўжалигининг истиқболи ҳақида икки оғиз гап сўраб олсам.

– Мендан нимани сўрайсиз, мана Марқарянга беринг саволингизни! – деди Худойбердиев залнинг ўртасидан туриб. Мелиорация станциясининг директори Марқарян ҳам ўрнидан турди. – Делтадаги Давлибой кўл системасини тозалаб берсин. Ораларидан сув йўллари очсин. Кўлларни чўчитсин, Оқдарё, Қипчоқдарё ўзан-



ларини кенгайтирсин. Бу ҳақда қарор чиққан. Бунинг бўлса на пули бор, на техникаси. Ўлик кўлда, ботқоқда қанақа истиқбол бўлади?

– Энди бу дельтанинг мелиорациясини ҳеч қандай пул, ҳеч қандай техника билан тартибга келтириб бўлмайди, – деди Марқарян қўлини паҳса қилиб, кейин тер қалққан ялтироқ бошини силаб, илова қилди: – Ана, профессор мақоласида бор гапни айтиб қўйибди ...

Зал гувиллади. Шуман қўлини ёйиб, елкасини қисар, «Ишлаб чиқариш мажлиси бу, илмий кенгаши?» дер эди баланд овоз билан ёнидагиларга.

– Мен ҳозирги замон илми билан хўжалик проблемаларини сунъий равишда бир-бирдан ажратмайман, профессор, – дея гапни илиб кетди Матниёз, – мана кўрайлик: денгиз чекиняпти, ундаги тирик бойлик қириляпти. Мўйна совхози икки йил аввал бир миллиондан ортиқ ондатра териси берар эди, бу йил икки юз мингта планлаштирган. Балиқ комбинатининг даромади бу даврда тўққиз марта камайган. Текин ондатра гўшти базасида боқиладиган кулранг тулки териси бир йилда олти марта камайган. 29 хил ноёб нав балиқ дельта кўлларига уруғ ташламай қўйди. Булар ҳаммаси сизнинг мақолангиздан кейин бўлган ҳодисалар, ҳурмати профессор. Совхоз, колхоз, комбинат раҳбарлари сизнинг сенсатсион башоратингиздан кейин қўлни ювиб қўлтиққа уришди, дов-дастгоҳни йиғиштириш кайфиятига тушиб, пул-техника топиш ўрнига йилдан-йил давлат планини камайтириб, бутун бир ўлка хўжалигини мана шу аҳволга келтирдилар. Бу зиён ўн миллион сўмлар билан ҳисобланади! Машҳур мақолангизнинг ҳар бир ҳарфи тилла баҳосига тушган давлатга, ўртоқ Шуман.

– Бу – диссертацияда қўйилган масалага жавоб беришдан бош тортиш, – деди профессор ўрнидан турмасдан, бошдаги зиёлинамо сиполикни ҳам унутиб. – Масала қўйиш – илмий иш эмас, масалани ечиш керак, коллега.

– Сиз эса масалани дадил ечгансиз, профессор, сиз мардсиз! Давлат миллионлари ҳисобига! – деб Матниёз минбардан тушиб кетди.

Залда ғала-ғовур кўтарилди...

Комила тонг қоронғисида юкни Тахиатошга элтиб топшириб, биринчи рейс автобус билан Нукусга жўнади. Улар ҳозир, вақтинча, Фанлар академияси филиалининг аспирантлар ётоқхонасидаги бир хонада турар эдилар. Тонготарда югурганча кириб борса, Матниёз уст-бошини ечмай каравотда чалқанча ётибди. Уй тутун.

Комила унинг папирос чекканидан бир нарсани пайқаб юраги шув этиб кетди.

– Матниёз!..

Матниёз сакраб туриб, қўлидаги папиросини форточкадан улоқтирди-да, хотинини кучди. Комила толиққан, уйқусизликдан қизарган кўзларини унинг юзига қадади. Диссертация ҳақида дарров сўрашга юраги дов бермай:

– Нега чекдинг? – деди, – яхшими шу ишинг... – Ўзи Матниёзнинг бағрига биқиниб кириб борар, ўзи уни койир эди. – Ўлай дедим, хабаринг йўқ.

– Нега, Комила? – Матниёз унинг пиджагини қозиққа илди, этикларини тортиб ечди. Эркакча тик ёқали оқ ипак кўйлақда, пайпоқчан Комила кичкинагина қизчадай бўлиб қолди. Матниёз бу пахтадеккина, юмшоқ илиқ вужудни яна бағрига олди.

– Дарё ҳиди келади сендан.

– Шўртакман...

– Плитада чой тайёр. Нега сўрамаяпсан? Ёқлаёлмай йиқилдим... – деб шивирлади қулоғининг солинчоқларига лабини теккизиб.

Комила бўшашиб кетди. Бу шум хабарни кутган эди, уйга кириб келиши билан сезган эди. Нима қилса экан? Бечора Матниёз! Етти йиллик тинимсиз иш. Ярим кечалари кутубхонадан кўзлари қизариб қайтганда, ёки ов этигининг қўнжи тўла созлиқ лойи билан экспедициядан келганида «Касали яна кўзимасайди!» деб юрагини ҳовучлаб кутиб оларди Комила. Мана шунча таҳликаларнинг оқибати. У изтиробини яширяпти. Аламидан севгилисининг елкасига бошини эгиб, йиғлаб юборгиси келса ҳам, ўзини тийди.

– Кечир, мен етиб келолмадим... – деди унинг аҳволини сезган Комила; бағрининг бутун ҳароратини, бутун меҳрини унга бериш учун, юмшаб эрининг қучоғига инди.

– Бу ҳақда кейин, кейин, Комила... Иссиқ чой ич, ухлаб ол. Биласанми, мен сени кутдим. Залдан қидирдим. Доим кўриб турдим сени, Комила...

Комила қоронғида юргандек туртиниб, тентираб кириб, стол тузади. Ўтирмасдан, пиёлани пуфлаб юриб чой ичдилар.

– Одам кўпмиди?

Матниёз бош ирғади.

– Тўрт соат олишдим.

– Шуман?

– Шуман.

Комила эрининг ҳорғин юзига қаради.

– Сен хафа бўлма.

– Мен хафа эмасман, – Матниёз ўзини тетик кўрсатишга уриниб, каравотга ўтириб, тиззасига шапатилади, – етарли овоз олмасам ҳам, Шуманнинг позициясини астойдил қақшатдим. Бу кандидатлик унвонидан муҳимроқ. – У ўрнидан туриб кетди. – Майли, бўлмаса – гўрга. Ниҳоят кутулдим. Мен бу диссертация деб худбин бўлиб кетдим, сенга эътиборсиз бўла бошладим. – Комиланинг кифтига икки кўлини кўйди. – Сафаринг қалай бўлди, Шағалай? Ҳеч ким хафа қилмадимми?

Комила бир вақт унга Зосим Прокофьевич ҳақида гапириб, унинг ўзига «Шағалай» деб лақаб кўйганини айтган эди.

Бу Матниёзга жуда ёқди. Ўшандан бери уни эркалаганда «Шағалай» деб атайти.

– Энди бу ҳақда бас. Болаларга борамиз, – деди Комила.

– А?

– Қувонч кунлари ҳам, хафағарчиликда ҳам албатта болаларни кўргани борамиз, деб шартлашмовдикми?

– Ҳа, ҳа. Агар чарчамаган бўлсанг...

Комила кийимларини ўзгартиргани тўсиқ орқасига ўтди. Хонанинг бир бурчаги тўла шифтгача китоб, иш столи, бир бурчаги парда билан тўсилган ётоқхона, деразали томон эса «меҳмонхона» аталиб, унда овқат столи, телевизор, магнитофон, тошойна, унинг тепасида Тансиқбоевнинг «Орол пейзажлари» осиглиқ эди. Матниёз курсилар оралаб юриб турганча Комила калта сочини орқасига турмаклаб, атлас кўйлак устидан ихчамгина жун фуфайка кийиб чиқди. Кечаги шиддатли капитан йўқ, ширингина, дуркун келинчак, жажжигина жонсарак она пайдо бўлган эди.

– Кетдик, – деди у.

Таниш кемачи чол уларни Амудан ўтказиб қўйиб, орқаларидан маъноли қараб қолди. Ҳали кўплар Комиланинг оиласидаги ўзгаришдан беҳабар эди. Матниёзни эса унча танимас эдилар. «Ғижим костюм кийиб олган бу бўйдор, чайир йигит бизнинг капитанини нега қўлтиқлаб кетяпти?» дегандек қарар эди одамлар.

Хўжайлининг кўчалари илгаригидек чанг. Дарё шабадаси сариқ терак барглари пилдиратиб учириб юрибди. Комила билан Матниёз балиқ ҳиди анқиб турган қирғоқ маҳаллаларидан ўтиб, юқорига чиқдилар. Универмагга кириб, «Буниси Учқунга», «Буниси Тўлқинга», деб, керак-нокерак нарсалар харид қилиб, елкаларига сон-саноксиз кутилар, тугунлар осиб олдилар.

Матниёз хотини нима деса шуни қиларди-ю, лекин ич-ичидан унга ачиниб қўярди. Боласини ташлаб кетган хотиннинг аҳволи шу-да: қуруқ боролмайди, совға кўтариб борса яна таънага қола-

ди. Бутун меҳри ўша болаларда эканини эса ҳаммага тушунтириш қийин. Мана ҳозир Анзират уйда бўлса, тагин... Қачон тугайди бу кўнгилхиралик? Матниёз Комилани бу дилозорликдан асрагиси келади-ю, лекин иложи йўқ, нима қилиши мумкин? Болаларнинг ҳеч бўлмаса биттасини талаб қилиб яна судлашсалармикин? Суд ҳам жонга тегди. Судьялар ҳам қонунлар мажмуасини қўя туриб, одамларнинг бир дилига кириб боқсалар эди! Кимнинг дилида ҳисоб-китобу кимнинг дилида меҳр-ҳарорат – бир билишга уришиб кўришса экан!

Сатторнинг юк машинасига мўлжалланган катта дарвозасига етиб келишди. Айвоннинг устунига иккита улоқ боғланган, пастки зинада Саттор билан Очил бува индамай бош эгиб, ер чизиб ўтиришар эди.

Дарвоза очилганда улар ўринларидан туришди. Комила аввал танимамай кўзларини пирпиратди-да, кейин елкасидаги қутичаларни иргитиб ташлаб, олдинга отилди:

– Бува! Буважон!

Бироқ Очил буванинг оппоқ қошлари кўзини тўсиб тушганини, юзида бирон ўзгариш бўлмаганини кўриб, Комила бирдан қаноти сингандек, бир қадам қолганда тўхтаб қолди, бобосини кучолмади.

Нарироқда Анзират кўринди. Сўрида Азимжон ўтирарди. Ҳозир орада яхши гап бошланса отилиб чиққудек бўлиб, Тўлқин эшик тирқишидан қараб турарди. Матниёз кифтига ўнлаб қутичаларни осганча дарвоза олдида қолди. Ҳамма жим эди.

– Келинг, бува. Эсон-омон келибсиз, хурсандман, – деди анчадан кейин Комила ерга қараб.

– Сен хурсандсан. Сенинг ишларинг жойида. Лекин мана мен келиб кечадан бери қон йиғлаб ўтирибман, – деди Очил бува.

– Нима қилибди, бува?

– Нима қилибди эмиш!

– Олдин гаплашайлик, бува, тушунтирай...

– Нимасини гаплашамиз, кўриб турибман. Шу ёшга кириб эгадиган бўлдим эгилмаган бошимни. Нима қилиб қўйдинг?.. – Чолнинг товуши қалтираб кетди... Қаридим мен, болам, қаридим. Ўлимдан кўрқмас эдим, энди кўрқаман, сенларни шу аҳволда қолдириб кетишдан кўрқаман. Сени, болаларингни...

– Бува...

– Гапирма, уяти йўқ! Очил буванинг авлодида ҳали мунақаси бўлган эмас.

– Бува, бегона одам олдида... – Комила беқасам кийиб сўрида сипогина ўтирган Азимжонга кўз қирини ташлаб қўйди.

– Бегона эмас у. Аммаваччанг. Азимжон. Сени кўрсатай деб олиб келган эдим, таништиргани ҳам номус қилиб қолдим.

– Мен номус қиладиган иш қилганим йўқ, ахир, бува...

– Оилани бузиб, икки болани чирқиратиб ташлаб кетиш қайси одобда бор, эси паст? Бу тирик етимларнинг уволига қолишдан кўрқмадингми?

– Нега етим бўлади, мен ўлибманми?

– Ўлганинг яхши эди, дайди! Тагин уялмасдан келиб кўзимга бақрайиб қараб турганини қара!

– Болаларимни кўргани келдим.

– Болаларинг йўқ бу ерда! – Очил бува ўзини тутолмай қолди.

Шу пайт Анзират ҳам қилпанглаб бориб, Матниёзнинг қўлидаги совғаларни олди-да, дарвозадан кўчага қараб улоқтирди. Матниёз индаёлмай, қаттиқ изза бўлганича турарди.

– Бола келиб кўриб кетадиган буюм эмас, болага она бўлиш керак.

– Бува, сиз билмай аралашяпсиз...

– А? Колхознинг ишига аралашади Очил бува, заводнинг ишига аралашади, ҳукуматнинг ишига аралашади, сенинг ишингга аралашолмай қолдимми ҳали? Бор, қаерда дайдиб юрган бўлсанг, ўша ерга кет. Бу ҳовлига қадамингни қўйма, жўна! Кўзимга кўринма!

Комила йиғлаб юборди. Матниёз югуриб келиб уни дарвоза томонга бошлади. Азимжон келиб Очил бувани тинчителишга уринар, Саттор бўлса бир оғиз гап айтолмай оғзини очганча бир четда турар эди. Ичкаридан Тўлқиннинг ўксиб йиғлагани эшитилди.

– Тўлқин, Учқун... – деб қичқириб йиғлади Комила, лекин Матниёз уни «Ўзингизни хор қилманг» дегандек, орқага қайтишга ундади. Нарироқда Анзират жаврар эди.

– Учқунгинамни кўрсатмайман, яқин йўлатмайман, шундоқ ҳам иситмаси бор...

– Касалми? – Комила яна қаттиқ йиғлай бошлади.

– Бор, дейман. Жўна! Йиғлашни билган одам вақтида ўйлаши керак эди, – деди Очил бува. – Дарвозани ёпиб қўй, Саттор, менинг бундай неварам йўқ!

Саттор йўрғалаб бориб «меҳмонлар» чиқар-чиқмас дарвозани ёпиб, янги йўнилган пишиқ тол тамбани солиб қўйди.

Ҳовли яна жимжит бўлиб қолди. Очил бува дармонсизланиб яна ўша зинага ўтирди. Саттор унинг ёнига бориб чўккалади, ерга тикилди.

Улар шу хилда узоқ ўтиришди. Ичкарида Анзиратнинг «Гиргиттон, айланай», деб невараларига парвона бўлгани эши-

тилар эди. Очил бува тиқ этса дарвозага қараб кечгача ўтирди. Комила яна қайтиб келади, деган умиди бор эди шекилли.

– Чакки бўлди, Очил бува – деди эрталабдан буён индамай ўтирган Саттор бирдан тилга кириб. – Бундай қаттиқ кетмасангиз бўларди... Эҳтимол бир кун бориб ярашардик. Яхши кўрмаса кўрмапти, майли, тураверардик. Хотини ташлаб кетибди, деган гап ёмон...

Ўзини босиб олган Очил бува Сатторни биринчи марта кўраётгандек, ёнига қайрилиб унга узоқ тикилиб қолди. У ҳозиргина довулдек бўлиб ўтган воқеани ўйлаб, нима бўлганини аниқлаёлмамай ҳар икки томоннинг далилларини совуққонлик билан тарози-га солмоқчи бўлиб ўтирганида Сатторнинг гапи бутун фикри-хаёлини остин-устун қилиб юборди. Бу бесўнақай, камгап, ювош одам унга ҳозир тўнғакдек ҳиссиз, хўкиздек бефарқ кўриниб кетди. «Ўз боламга ўзим нималар дедим», деб ич-этини еб турганида шу одамнинг гапи ҳамма нарсани очиқ-ойдин ошқора қилди-қўйди. Ўйлаб қараса, ўзи ҳам Комилага шу одамнинг гапини айтган экан: яхши кўрмасанг ҳам, жиркансанг ҳам туравер. Яъни молдек!

Бобо бирданига ўзидан ҳам нафратланиб, ўрнидан туриб кетди. Шу турганича ўтирмади ҳам, ётмади ҳам. Неварасига айтган гаплари ўқтин-ўқтин ёдига тушиб, юрагини ўртар эди. Дарвоза томон ҳам бир неча марта бориб келди, ерда сочилиб ётган ўйинчоқ, автомобиль, копток, пластмасса солдат, ғилдирак, тагин алланималарни йиғиб олиб яктагининг этаги билан чангини артди, пуфлади, олиб кириб ухлаётган эвараларининг каравотларига териб қўйди. Кичкина Учқуннинг пешанасини ушлаб кўрмоқчи эди, бола уйғоқ экан, гапга тутиб қолди:

– Опоқ бува, менинг битта ойим бор, иккита дадам бор. Битта дадам ойимники, битта дадам меники. Ҳалиги ойимники дадам-чи, уям меники. Менга тойчоқ олиб келиб берган...

– Ҳўп, хўп, болам, – чолнинг кўзидан ёш чиқиб кетди, – ҳозир ухла, кўрдингми, ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлди.

Чиндан ҳам ҳаммаёқ қоп-қоронғи эди. Очил бува эшикларни пайпаслаб аста ташқарига, Азимжон ётган сўрига чиқди. Азимжон ҳам уйғоқ эди.

– Энди нима бўлади, бува?

– Хато бўлди, болам. Ёмон хато бўлди, – деди Очил бува. Ўрнига ётди. Ағдарилди, тўлғанди, бошқа ҳеч нима демади.

*Тонг саҳарда кетиш тараддудига тушиб қолишди. Апил-тапил нонушта қилгач, бобо пишиллаб ухлаб ётган эвараларининг пеша-*

насидан ўлар экан, Саттор билан онаси бу қутилмаган гапдан ҳанг-манг бўлиб қолишди. Анзиратнинг ялиниб боқишларига қарамай, Азимжон ҳам хуржунини елкасига ташлади.

Куз охирлаб келаётган эди. Дарёда жунжикиб қолишди. Нукус қўчаларида ҳам чанг тўзғитиб совуқ шамол кезарди. Азимжон енги билан юз-кўзини тўсиб хуржунни кўтарганича бобоси кетидан аранг етиб юрарди.

– Энди Акбаралиниқига борамизми, бува?

– Ҳа, шу бугуноқ жўнаймиз, – деди Очил бува. – Мана шу идорага бирров кириб чиқайлик.

Азимжон: «Комила шу ерда ишлар экан, бобо кириб ундан узр сўрайди шекилли-да», деб ўйлаб, хуржунни ерга қўйди.

– Юра қол сен ҳам, шамолда нима қиласан... – деди Очил бува.

Улар зинадан иккинчи қаватга чиқиб, бир хонага кирдилар.

– Прокурор сенмисан, болам? – деди Очил бува тўрдаги столда ўтирган ёшгина чиройли йигитга. Тикилиб қараркан, йигитнинг қуюқ қошлари орасида йўғон туғун пайдо бўлди.

– Очил бувангман, бирпас вақтингни олсам майлими?

– Хизмат, хизмат, ота, эшитганман сизни. Бардаммисиз, омон-мисиз! Ҳуш келибсиз...

– Гап бундай, – деди Очил бува юмшоқ курсига ўтираркан, катта рўмоли билан юз-кўзини артиб. – Комила менинг неварам бўлади, уларнинг судлашганидан хабардормисиз?

– Ҳа, ҳа, хабарим бор.

– Ишни бошқатдан кўриш керак.

Йигит ҳайрон бўлиб, елкасини қисди-да, бобонинг рўпарасидаги креслога ўтиб ўтирди.

– Сабаб, Очил бува? Ҳукм облсудда тасдиқланган. Ё ажралишлари чакки бўптими?

– Ажралишлари тўғри. Жуда тўғри бўлипти. Лекин болаларнинг ҳеч бўлмаса биттаси, кичкинаси она қўлида қолиши керак.

Прокурор бу чолнинг соддалик билан қонунга аралашаётганига мийиғида қулиб қўйди-да, ётиғи билан тушунтира кетди.

– Биз аввало оилани ҳимоя қиламиз. Оила бузилмасин деб кўп уриндик, бўлмади. Неварангиз оёқ тираб туриб олди. Моддомики, оилани бузувчи томон у киши экан, болалар ота қўлида қолади. Қонун шундай, Очил бува.

– Оилани ҳимоя қиласиз... Менга қара, болам, ҳеч қанақа оила йўқ эди у ерда, бўлмаган, ҳа. Меҳр-муҳаббатсиз оила оила бўладими? Биз эски одамлар-ку, кўпинча нодонлигимизга бориб, аллақачон йўқ бўлиб кетган шундай оилаларни тиш-тирноғимиз билан ҳимоя қила-

миз. У бечоралар ҳам бизни деб, кўникишга уринишади. Аслида эса бу совуқ ош ичгандек гап... Бундай оилалар оз дейсанми? Биз қариялар оила бузилмасин деб жон чекамиз. Сизлар-чи? Сиз ёшлар-ку, ахир. Муҳаббатнинг нима эканини обдан биласизлар. Мана сен «қонун шундай» дединг. Яхши қонунингда ҳамма нарса бор экан, ҳеч нарсани кўздан қочирмабди, кўнги-чи? Кўнги ҳақида бирон гап барми унда?

Йигит аввал қош чимириб ўйлади, кейин кулди:

– ...Бор... Бу ҳақда ҳам у-бу бор, Очил бува.

– «У-бу!...» Кўнги бир-биридан сув ичмаса ҳам оилалар қаттиқ туриб ҳимоя қилинсин, муҳаббатли турмушни қадрлаган одам оналик ҳуқуқидан маҳрум этилсин, дейилганми?

– Йўқ, ундай дейилмаган... – деди сал ўзини йўқотган йигит столдан ниманидир қидириб.

– Дейилмаган бўлса ишни қайта кўринглар. Учкунжон онасининг бағрида бўлиши керак. У ҳозир ичикиб, иситмалаб ётибди. Онасини ёнига йўлатишмаяпти. Кеча ҳам... ҳақорат қилиб уйдан қувиб чиқаришди... – Очил бува эшик тагида ўтирган Азимжонга негадир ялингандай ҳазин қараб қўйди, – Мана, меҳмоннинг олдида...

Азимжон тасдиқлаб, тез-тез бош ирғиб қўйди.

– Хўп, кўрамиз, бува.

– Сен ёзиб қўй, календар варағинга ёз; кичкинаси Учкун, онаси – Комила. Олимтой дарғанинг қизи. Ҳа.

Прокурор сал жилмайиб ёзиб қўйди: «Учкун. Комила».

– Мен суриштираман.

– Хўп, хўп, Очил бува. Сиз, ахир, бир нарсани билмай гапирмайсиз.

«Ҳа, гапирмайман-а, шундоқ ҳам аҳмоқона гапларни гапираман-ки! Кеча эшитсанг эди!» деб ичида ғамгин ўйлаб қўйди Очил бува. Соғинган жигарбандини бағрига олиб суюш ўрнига ноҳақ ҳақорат эшитиб, елкалари қалтираганча йиғлаб чиқиб кетаётган Комила кўз олдига келди. Айтгандай, ёнидаги йигит... Энди ёдига тушди. Очил бува унга тузукроқ қарамабди ҳам. Бир оғиз гапини ҳам эшитмади. Мағрур бўлса керак...

Ҳозир топиб бориб, бир танишиб, бафуржароқ гаплашиб ўтиргиси келди-ю, бўйни ёр бермади. Кечаги гаплардан кейин қайси юзи билан боради? Лекин бир бориб узр сўраши керак. Манави ишлари тузалсин-чи...

– Эсингдан чиқмайди-я, болам?

– Йўқ, йўқ, ота, бугуноқ ишни сўратиб оламан, – деди прокурор.

– Кейин суриштираман-а?



Кўчага чиққанларида шамол тиниб, қуёш чарақлаб кетган эди. Азимжонга ҳам хуржун пардай енгил туюлиб кетди. Бобоси ҳам анча очилиб, гап ҳам топила қолди.

– Назаримда болаларимни муттасил тергаб, ўз измимда тутишга ўрганиб қолибман. Уларнинг ҳам гапига қулоқ солиш керак экан шекилли.

– Ҳа, энди, қарилик...

– Йўқ, эскилик!

Азимжон ўйлаб туриб, гапни ўзгартирди:

– Бува, Олимтой тоғам ким бўлган?

– Комиланинг дадасими? – Очил бува соқолини тутамлаб, сийпаб кўйди. У бир нимадан ғурурланганида шундай қиларди. – Ориф тоғангдан каттаси. Ёш ўлиб кетди...

– Комила кўрқадиган хотинга ўхшамайди.

– Онаси далада бургутдай эркин ўсган. Қозоқ қизи эди. Буларнинг хонадонидан нима кўп хотин-қиз кўп бўларди, аммо паранжи бўлган эмас...

Ҳозир буванинг гапга ҳафсаласи бор эди. Олимтой дарға ҳақидаги гап унинг кайфиятига жуда мос тушиб қолди. Кета-кетгунча, Самарқандга етгунча ҳикоя қилди.

Азизлар, одам сафарга чиққанда, эрмакка албатта биронта китобча ола кетади. Менинг одатим шунақа, сиз ҳам шундай бўлсангиз керак, деб ўйлайман. Бу ҳикоят сиз учун зора шунинг ўрнига ўтса.

## ҲИКОЯТ

Тўнғичимни мадрасага бердим деб, Очил бува, ҳеч нарсадан хабари йўқ, керилиб юраверибди. Олим бўлса бир қозоқ савдогарнинг карвонига эргашиб Бухородан аллақачон қочиб кетган экан.

Очиғи, карвонга эмас, савдогарнинг қизига эргашиб қочган эди. Қизни у дастлаб наमत бозор ёнбошидаги карвонсаройда учратди. Олимдан икки ёшча катта, анордек тирсиллаган бу қиз қопқоп жун ортилган нортуянинг ёнида кўлига хивич ушлаб турарди. Йигитнинг кўзига ёлқиндек кўринди. Олим эркак кишига бундай очиқ тикилиб, чарақлаб жилмайиб турган қизни биринчи кўриши.

– Ай, мўлда жигит, неғиб турсинг? – деди қиз шўхлик билан, туянинг бўйнидан қучиб.

У қизил этик, қизил камзул кийган; манглайда, бўлиқ кўксига кумуш тангалар жиринг-жиринг қиларди. Олим ҳам энди ўн етти-

га қадам қўйган, сабза мўйлов, қора қош, келишган муллавачча эди. Улар бир-бирларининг кўз қарашларини дарров тушуна қолдилар.

– Сенинг отинг нима? – деди Олим ҳам бу очиқликдан дадилланиб.

– Базар куни келсенг айтамин... – деди қиз.

Олим бозор куни ҳам, бегим куни ҳам келадиган бўлди. Зах мадраса хужраларининг зиқна ҳаётидан сўнг бу янги, қайноқ, сирли, ёруғ ҳислар дунёси Олимни бутунлай ўзига тортиб кетди. Ёноқлари ёниб турган қозоқ қизидан бошқа нарса кўзига кўринмай қолди. Унинг оти Жамол эди. Муллавачча гапга баҳона топиб, бу арабча отнинг маъносини тушунтира кетди, исминг жисмингга монанд, деган маънода шама қилиб, дил пардасини ҳам сал қия очди. Қиз шўх, очиқ, сулув бўлишидан ташқари, жуда пишиқ отин ҳам чиқиб қолди. Шунинг учун ҳам биринчи кундан бошлаб суҳбатлари қовушиб, иккаласига ҳам бир умр тугамайдиганга ўхшаб кўринди.

Жамол қайтиб кетаётган куни шаҳардан анча узоқ чўлда отасининг карвонидагилар орасида Олимни кўриб, аввал бир оқариб, бир кизарди.

– Уйбаёв, денинг совма... – деди-ю қинидан чиқиб кетаётган юрагини ушлаб, тескари қаради, ёшли кўзларини яширди.

Шундай қилиб, кўп ўтмай Олимжон Элекбой деган чорвачи савдогарга ичкүёв бўлиб, Кўкчатовда қолиб кетди. Бу ерда унинг оти Олимтой бўлиб қолди.

Элекбой ўзи оми бўлса ҳам, болаларини чўл одати бўйича ўз эркига қўйган, фақат билимли бўлишсин, ўз молларини ўзлари санаб, ўзлари орттирадиган бўлишсин, деб қайғурар эди. Олимтойга мадрасада ўқиган форсча, арабчасидан ҳам кўра Бухоро кўчаларида, бозорларида ўрганган русчаси кўпроқ иш бериб қолди. Кўп ўтмай янги шаҳардаги бошланғич мактабга муаллим бўлиб кирди, билимли рус, қозоқ йигитларидан дўст-эш орттирди.

Айниқса Омскдаги кадет корпусида ўқийдиган Валера деган дўсти ақли, билими, дилкашлиги билан унинг бутун вужудини қамраб олган эди. Бу дўстига уни ҳатто Жамол ҳам рашк қилиб, кеч келганида: «Кечаю кундуз ўшаникида қолиб кет! Ётиб қола қолмабсан-да?» деб ачитарди.

Ҳақиқатан ҳам Олимтой Валераникида баъзан ярим кечагача қолиб кетарди. Унинг отаси Владимир Яковлевич асл зоти дворянлардан, яқинда бу ерга гарнизон бошлиғи қилиб тайинланган чор офицери бўлса ҳам, онаси Юлия Николаевна Олимтойдек оддий муаллима эди. Бу уйда шаҳарнинг кўп билимли одамлари, мусиқа, адабиётни севувчи тагли-зотли зиёлилари, Валера таътилга

қайтган вақтларда эса ёшлар тўпланишар, сиёсат ҳақида, урушлар, шоирлар, подшолар, талаба ғалаёнлари ҳақида тортишувлар бўлар, китоблар ўқилар, ҳатто меҳмонхонада спектакллар қўйилар эди. Буларнинг ҳаммасининг марказида Валера турарди. Юлия Николаевна ўғлини яхши кўрар, нима қилса ихтиёрига қўйиб берган эди. Олимтой унинг ўғлини қанчалик яхши кўрганини бу оилда ўзига бўлган муносабатдан ҳам англаб олди. Шаҳарда энг билимли, камтар, соф кўнгилли муаллима, деб донғи кетган бу меҳрибон аёл Олимтойга болаларнинг психологияси ҳақида гапирар, ўқитувчилик учун олган олтин медалини ўз ўғлига кўз-кўз қилгандек кўрсатиб фахрланар эди. У вақтда камдан-кам учрайдиган бу мукофот Валеранинг хонасидаги қора эман комод устига ёпилган яшил бахмал дастурхон қатида йилтиллаб ётарди. Дастурхон катта, комодга икки буклаб ёпилган, узун заррин попуклари полга теккудай осилиб, нурдай таралиб турарди.

Бу хонадон, ундаги одамлар, Валера ва унинг суҳбатлари Олимтой учун бир оламдек туюлса, уйга қайтганида у димиққан бир бурчакка кириб келгандек бўларди. Ҳовлидаги қора уйда Элекбойнинг бир-бирини зимдан кўролмайдиган дўстлари, қозоқ бойлари, рус савдогарлари тўпланиб, қимиз ичишар, шаҳарнинг казо-казоларига чоҳ қазиб, фисқи-фужур, ғийбат сўқишар, баъзан шаҳарнинг мартабали бойлари қатори Владимир Яковлевични ҳам ўзларининг ҳасад, мешчанлик шалтоғига булғашар эди. Айниқса Элекбойнинг ён қўшнисини, аспини жаллоб казак Гаврила Афанасьевич гарнизон бошлиғини икки гапининг бирида тилга олиб, гоҳ унинг оқ қўлқоп кийганини, гоҳ сассиқ солдатлар билан қандай дўст тутинганини калака қилиб, ичаги узулгудай хир-хир кулар эди. Ўтовдагилар керилишиб, кекиришиб тарқалишганда Олимтой юзига тупук сачраган одамдек кўнгли ғаш, табиати тирриқ бўлиб, олам кўзига қоронғи кўриниб, кечалари билан ухламай чиқарди. Бу хонадонда унинг бирдан-бир илинжи Жамол эди, холос.

Ҳали тунги жимлик ҳукмрон. Фақат узоқдан, Капакўл қамишзорларида тонгнинг илк нуридан уйғонган макиён қирғовулнинг тоқатсиз қичқирғиғина эшитилади. Қилчиқ сойнинг юзини безовта кўпириб турган қуюқ оқ туман қоплаган. Ғира-ширада янги кун туғилиб келаётир, туннинг сўнги сирлари этагини судраб қочмоқда...

Шу маҳал Қилчиқсойнинг бериги қирғоғида икки шарпа пайдо бўлди. Улар шаҳар томондан, аллақайси жин кўчадан чиқиб келишди, ғовлаб ётган жингил оралаб тошлоқ сўқмоқдан пастга тушишди. Сой ёқасида тўхтаб, бир нимани гаплашишди-ю бир-бирларига

эргашиб, яна пастга, сойнинг жар тагидан теран оқадиган жойига қараб кетишди. Улар бу ерда бегонадек аста-секин, қоқилиб-сури-ниб юришар, бир-бирларини суяшар эди. Олдингисининг қўлтиғи-да катта тугун, орқадагиси... орқадагиси хотин киши чоғи... Ажабо, ким бўлди булар, нима қилиб юришибди тунда, нима сир?..

Тонг ҳамон ғира-шира, тун бу сирни яшириб қолмоқчидек, кетишга шошмайди. Лекин уфқда осмон ёришиб уни қистайди; туман пардаси яна оқариб, сал кўтарилди, ҳарир тортди, сойнинг шовуллаши эшитила бошлади.

Икки шарпа тикка қирғоқ тепасида, ғовлаб ўсган ёввойи ўт-ўланга ниманидир ёйгач бирпас тикка туриб қолди, кейин қучоқлашдими, йиғлашдими – билиб бўлмайди. Эркаги яна бир нималар кўтариб келиб ўртага қўйди. Сой тошлари шарақлади. Тош? Бу нима, ибодатми, видолашувми? Ошиқларми, ўғриларми?

Саҳарлаб ҳовли этагида пайдо бўлган Гаврила Афанасьевич бу шарпаларни узоқдан кўриб, шошиб-пишиб чўқинди-да, югуриб бориб қўшнисини уйғотди. Элекбой ҳам оқ қўйлак, оқ иштонда, худди арвоҳдай, сийрак соқолини тутамлаб қора уйдан аланглаб чиқиб келди. Улар сой томоннинг эски четанига бориб, қичитқон орқасига пушишди.

Сирли шарпалар ҳамон ивирсир эди. Уларнинг тугунлари яна ҳам катта бўлди, энди уни икковлаб кўтардилар. Кўтариб жарликка олиб бордилар.

Тонг ёришар, туман сийраклашар, сой шабадаси ёввойи ўлан исларини олиб келар эди. Элекбой билан Гаврила совуқдан қалтираб, четанга ёпишганча қирғоқдан кўз узмай туришибди. Бир маҳал сойнинг пайваст шовуллашини бузиб, сувга ниманингдир шалоплаб тушгани эшитилди. Элекбой, танаси жимирлаб кетиб, кўзини юмди. Лекин очиб қараса, шарпалар иккаласи ҳам жар тепасида турибди. Улар қўлларидаги тугунни ташлаган эдилар.

Элекбой билан Гаврила бир-бирларига қарадилар, елка қисишдилар. Гаврила тўрва соқолига бармоғини туртиб чўқинар, бир қўли билан қичитқон ачитган думбасини қашир эди. Бу пайт кўзлари бақрайган Элекбой четанга маҳкамроқ ёпишди.

– Ўйпиримай! Минау Володимир Якоблебиш эмеспи?

– А? Жинни бўлдингми, қўшни?

– Сўлғўй! Ўйбаёв! Жаниндаги аёлиғўй!

Ҳақиқатан ҳам ўшалар эди. Улар жар тепасида бирпас туриб орқага қайтишди. Бировни кўмиб келаётгандек ғамгин эдилар. Владимир Яковлевич пиджагини ечиб, Юлия Николаевнанинг

елкасига ёпди, ғовлаган жинғилни оралаб аста-секин сўқмоқдан чиқиб кела бошладилар.

Гаврила билан Элекбойнинг юзидаги кўрқув ўрнини мамнун жилмайиш эгаллади. Улар ҳамон қичитқон орасида букчайиб туриб тинмай кузатишар, кўзларида сирли синчковликнинг роҳати, бировни жиноят устида қўлга туширгандек қониқиш, мамнунлик аломати ўйнар эди. Ҳазилми, шаҳарнинг ҳарбий хўжайини, подшонинг қўйган амалдори, бориб турган бадавлат, обрўли дворяннинг қандайдир сирли бир ишидан воқиф бўлиш...

Аmmo нима сир? Бу мартабали, кекса одамлар кечаси, бу ёввойи қирғоқда, ёлғиз, ўғридек аланглаб нима қилиб юришибди? Сувга нимани ташлашди, қаёқдан кўтариб келишди, нега? Бу ерда бир гап бор!

Элекбой билан Гаврила Афанасьевич, хазина топгандек, анчагача ўзларига келолмадилар. Уларни аллақандай ички бир қувонч гарангситиб қўйган эди.

– Нени тастади? – деди Элекбой кўрага қайтаётиб.

Гаврила ўзида қандайдир куч сезиб, қуруқшаган кафтларини бир-бирига тез-тез ишқарди. «Нени тастади» – Гаврила учун бунинг унча аҳамияти йўқ эди. Муҳими – «кўриб қолди, таниб олди. Обрўли, қудратли бир одамнинг тилини қисадиган сир унинг кўлида. Бир кун иш бериб қолди бу қурол...

Уларнинг тонг совуғида шаррос терлаб, елпиниб, ҳаяжонда гаплашиб, илжайиб келаётганини ҳовли юзида Олимтой кўриб қолди. Тикилиб қаради-ю тушунолмай, елкасини қисди.

Шу кечаси шаҳарнинг ҳарбий ва маъмурий маҳкамаларида чиқроқ ўчмади: кечга яқин кўчаларда, майдонларда, ҳовлиларда, ҳатто гарнизон баракларида ҳам даста-даста варақалар пайдо бўлган эди. Варақаларда айрим ҳарбий қисмлар, флот экипажлари кўзғолончи халқ томонига ўтаётгани айтилиб, полкларни ишчи биродарларга ўқ отмасликка чақирилган, «Йўқолсин ҳокими мутлақ!» деб хитоб қилинган эди. Ҳали бу атрофда бундай ҳол юз берган эмас. Шаҳарда бутун полиция оёққа турғазилди. Туни билан ҳовлиларни тинтиб, томларга, симёғочларга тармашиб юриб, варақаларни йиғиб олишди. Саросимада хириллаб қолган полиция бошлиғи шалақ телефон дастасини ярим соатча айлантириб, гарнизон бошлиғини уйдан топтириб келди. У кўрқоқлигини ҳам, шафқатсизлигини ҳам ширин-шакар гаплари билан яшириб юрадиган, новча, озгин одам эди.

– Мана, ҳурматли Владимир Яковлевич, булар гарнизон ётоқхоналаридан йиғиб келинди. Безовта қилганим учун афв этасиз...

– Нима қилай? – деди Владимир Яковлевич бепарвороқ оёқ ча-  
лиштириб ўтириб. Мўйлови асабий қимирлаб турадиган бу «ши-  
рин сўз» нодонни у жинидан ҳам ёмон кўрарди, бугун эса ҳузурига  
ўзи бормай, полиция маҳкамасига чақиртириб келганига баттар  
хуноб. – Варақалар... бу – сизнинг соҳангиз, жаноб ротмистр.

– Йўқ, азизим Владимир Яковлевич, мана булар сизнинг дар-  
гоҳингиздан топиб келинди. Демак, афв этасиз, полкларингизда  
фитначилар бўлса, бунинг сизга ҳам, азизим, ҳа, сизга дахли бор.  
Сиз бунинг нақадар хавfli эканлигини тушуниб етмаяпсиз. Мана,  
тарқатиб улгурмаганларини дасталанган ҳолича қўлга туширил-  
ди! – Полиция бошлиғи дасталаб боғланган варақаларни ердан  
олиб столга дўқиллатиб ташлар, ўзи ҳамон гапирар, мўйлови аса-  
бий қимирласа ҳам, «хурматли», «қадрли», «азизим»ларини қўймас  
эди. Владимир Яковлевич столдаги дасталарга қараб кўзини олол-  
май колди, улар ҳаммаси бир хил калта-калта заррин ипак ип би-  
лан танғиб боғланган эди. «Марҳамат қилиб...» «Сиз билан бизнинг  
подшо ҳазратлари олдидаги бурчимиз...» «Гарнизонингизда...»  
«Мен бунинг тагига етмай қўймайман...» сингари узук-узук гаплар  
қулоғига кирар, аммо қаерда ўтирганини унутаязган эди. Заррин  
ипак иплар... кўзига таниш кўринган иплар уни лол қилиб қўйди.

– Менга беринг буларни, жаноб ротмистр, – деди Владимир  
Яковлевич ўзини тутиб олиб, – мен офицерлар орасида астойдил  
текшириш ўтказишим керак... – Ўрнидан туриб дасталарга қўл чўз-  
ган эди, ротмистр уни тўхтатди.

Афв этасиз, қимматли Владимир Яковлевич, булар бизда қола-  
ди, – деди ер тагидан қараб. – Текширишни биз ўтказамиз, мана бу  
заррин попуқлар бизга фитнанинг уясини топиб беради!.. – Ўзидан  
ўзи жуда мамнун ротмистр бу пайт Владимир Яковлевичнинг юзи  
оқариб кетганини пайқамади, у ўзи билан ўзи банд, ўз режалари-  
га ўзи қойил эди, гапида давом этди: – Ҳа, биз ўзимиз текшира-  
миз, азиз Владимир Яковлевич. Сиз эса гарнизонингиздаги аҳвол  
тўғрисида ёзма изох берасиз.

– Ёзма изох? Сизгами? Мен сизга тобе эмасман, ротмистр. Ким  
билан гаплашаётганингизни унутманг. Маҳкаманингизни хурмат  
қилиб келиб ўтирибман, аммо мени тергов қилишни хаёлингизга  
келтирманг!

У ўрнидан турди, ротмистр мўйловини ликиллатиб ўтираверди.

– Лекин аҳволингиз бундай кибру ҳавога монанд эмас, азизим...

– Сизнинг аҳволингизга вой, ротмистр! Ўзингиз талвасада қал-  
тираб ўтирибсиз. Менинг эса кўрқадиган жойим йўқ. Яхши қо-

линг! – Владимир Яковлевич ҳарбийча честь бериб, шарт бурилганча чиқиб кетди.

Чиқиб кетди-ю, бутун баданини совуқ тер босган, пешанасини ҳадеб сидириб артар, заррин ипак тасмалар кўз ўнгидан кетмасди. Бу ўша дастурхон попуклари... Юлиянинг сепи билан келган ўша бахмал дастурхоннинг попуклари. Бундай дастурхон шаҳарда бошқа ҳеч кимникида йўқ... Владимир Яковлевич мушда турган извошига чиқиб, ҳолсиз гавдасини орқага ташлади.

– Пахом, қамчила.

Уйга келгач, дарров болаларнинг дарсхонасига кириб, Юлия Николаевнани чақирди. Комод устидаги бахмал дастурхоннинг заррин попукларини ушлаб кўриб, онда-сонда қирқилган ипларини хотинига кўрсатди; воқеани батафсил айтиб берди. Юлия Николаевнанинг ранги қув ўчиб, саросима билан эрига қараб қолди.

– Валера?

– Шубҳасиз...

– Энди нима қиламиз?

Владимир Яковлевич жавоб беролмади, у эшикдан деразага асабий қадамлаб юрар, йўл-йўлакай ҳарбий мундирини ечиб, камарини у ёққа, гимнастёркасини бу ёққа иргитар эди.

– Ахир бу ҳалокат-ку, Володя, гапирсанг-чи, – дерди Юлия Николаевна ёлвориб. Унинг чувак гавдаси яна ҳам кичкина бўлиб қолди. – Болагинамнинг бутун ўқишлари ҳам, келажаги ҳам... – У бирдан ўкириб йиғлаб юборди.

– Юлия, Юлия... – Владимир Яковлевич югуриб келиб унинг бошини кўксига олди. – Уят бўлади, болалар кириб қолиши бор, кўзингни арт.

– Ҳа, ҳа... Нима қиламиз, Володя, жонгинам?

– Биз уни бу хатарли йўлдан қайтарамиз албатта. Валера ақлли бола, лекин... лекин у қўрқадиганлардан эмас, шуниси ёмон. Шундай бўлса ҳам биз уни бу йўлдан қайтарамиз, Юлия, амин бўл. Бу – кейин. Ҳозир бўлса... – Владимир Яковлевич этигини ҳам ечиб, апил-тапил фуқароча кийинди. Комод устидан нарсаларни йиғиштириб, дастурхонни сидириб олди, ғижимлади: – Ҳозир мана бунини дарров йўқотиш керак.

Юлия Николаевна ғижимлаб оёқ остига ташланган катта, қимматбаҳо, қадрдон дастурхонига қараб, бутун ёшлиги, бутун умри ғижимлаб ташлангандек, бўшашиб курсига ўтирди. Шунча йиллик тинч, осойишта ҳаётга зил кетган эди.

– Ҳа, ҳа... – деди Юлия Николаевна машъум бир фалокатни сезгандек. – Йўқотиш керак... Бутунлай йўқ қилиш керак.

Ярим кечадан сўнг, болалар ухлаганига ишонч ҳосил қилгач, улар тугунни қўлтиқлаб аста чиқдилар.

Қайтиб келганларида тонг отган эди. Совуқдан, намдан жунжикиб, ранги кўкариб, бирдан қариб қолган Юлия Николаевна ялонғоч комодни кўриб яна йиғлаб юборди. Уй ҳувиллаб қолгандек кўринди кўзига.

– Мархума онамдан қолган биттаю битта ёдгорлик эди... Келинимга тутарман, деб ният қилган эдим, – деди у пичирлаб, ўксиб.

– Юлия! – деди Владимир Яковлевич норозилик билан. – Кўнгилчангликнинг вақти эмас ахир. Ўғлингнинг боши омон бўлса, келинга совға топилар. Йиғлайверасанми! Мана мен, очиғини айтаман, бир чеккаси, фахрланаяпман: шундай довюрак, мустақил бўлибди, шайтон.

– Ҳа, ҳа, Володя... – деди хотини ёшли мовий кўзлари билан ялингандек тикилиб, – лекин уни қутқазिश керак, жон Володя, қутқаз уни бу ҳалокатли йўлдан!

Владимир Яковлевич хотинининг бошини кўксига олиб, ёш болани эркалагандек сочини силади. Улар кундалик ишларига киришмоқчи бўлдилар. Болалар турди, ҳовлида, ошхонада хизматкорлар пайдо бўлди. Уйқусизликдан, ҳаяжонлардан толиққан Юлия Николаевна ҳеч нарса юз бермагандек бепарво бўлишга уринар, бир жойда ўтириб туришдан ҳам кўрқар эди. Туман кўтарилиб, куёш чарақлаши билан, хушчақчақ хуштак чалиб кўчага чиқиб кетган Валера уни бир оз тинчитди: ўша-ўша Валера, ҳамма ўсмирлардай шўх, зийрак, қувнок; унда на сердиққат ўйчанлик, на фанатизм, на сектантликдан дарак бор. Юлия Николаевна «революционер» деганда негадир аввал мана шу хусусиятларни кўз олдига келтирар эди. Валера бўлса... Йўқ, Валера бола. Уни отаси ўз измига олади, албатта олади.

Тушга яқин Валера билан Олимтой югуриб кириб келишди. Кўчаларда полиция отрядларининг изғиб юриши, шаҳарда бошланган тинтувлар, қамоққа олишлар улар учун янгилик эмас, кутилган ҳол эди. Лекин... лекин уларнинг югуришдан қизариб кетган юзларида саросима асари йўқ эмас эди. Ҳовлидан ўтгунча бепарвороқ бўлишга уриниб, зинада, айвонда, залда ҳаммага аввалгидек одоб ва сиполик билан салом беришди-ю, Валеранинг дарсхонасига етар-етмас бирдан дукур-дукур югуриб, ҳовлиқиб кириб кетишди.



Кириб ялонғоч комод олдида тўхташди. Бир-бирларига тикилишди. Валера югуриб бориб хизматкорлар хонасини айланиб, сўраб чиқди:

– Бугун бизникига ҳеч ким келдими?

– Йўқ.

– Ҳеч ким келгани йўқ.

Валера дарсхонага қайтиб келди-да, Олимтойнинг елкасига қўл ташлаб, деразага ўйчан қаради:

– Дадам.

– Владимир Яковлевич! Қаёқдан биласан?

– Гарнизон. Ип билан танғилган варақалар казармадан топтириб келинган.

– Демак, Владимир Яковлевич...

– Жим. Ҳали ҳеч нарса маълум эмас. Лекин из яширилган, бу аниқ. – Валера ялонғоч комодни кўрсатди.

Улар қайтиб чиққанларида меҳмонхона остонасида Владимир Яковлевичга дуч келишди.

– Салом, йигитлар, – деди у тетик. У Олимтойга қаради, лекин кўз ўнгида ўғли: қуюқ қора сочли, узунроқ юзли, манглайи кенг, ияги бақувват, олтин поғони билан тугмалари ялтираган кадет мундири тик қоматига ёпишиб тушган Валера отасига осойишта, дадил қараб турарди.

– Салом, Владимир Яковлевич! – жавоб берди Олимтой ҳам ўзини дадил тутиб.

Орада айтиладиган гап кўп эди. Владимир Яковлевич, чор амалдори, уларнинг подшога қарши фитнасини қўлламоқчи эмас, аксинча, бу ишларидан қаттиқ норози, фақат ёш умрлари хазон бўлмасин, дебгина, кўпол хатоларини ўзларига билдирмай тузатди, уларга қарши бирдан-бир хавфли далилни сувга оқизиб қайтди, аммо бу деган сўз...

Хуллас, гап кўп. Бироқ Владимир Яковлевич буларни гапириш ўрнига икки оғиз аҳамиятсиз ҳазил гап билан ўтиб кетди. Ёшлар ҳам ҳеч нарса демадилар. Икки томон ҳам ҳамма гапни тушуниб турди-ю, керак гап айтилмади. Айтилмаган гап орада сир бўлиб қолди. Бу сир эса уларни беихтиёр иттифокдош қилиб қўйган эди...

Полиция умид узди шекилли, шаҳарда тинтувлар ҳам, қамашлар ҳам камайди, ота-онанинг болалар тақдири учун бўлган таҳликаси ҳам аста-секин сўна борди. Валеранинг дарсхонасида илгаригидек суҳбатлар давом этди.

Бир кун Валера Олимтойни «Ғалати китоб кўрсатаман», деб бошлаб келди.

– «Граф Л. Н. Толстой». «Николай таёқ», – деб ҳижжалаб ўқиди Олимтой сарғайиб, титилиб кетган китобчани икки қўллаб тутиб. – Николай? Қайси Николай?

– Ўзи! – деди Валера кўрсаткич бармоғини шифтга қадаб.

– Ҳозиргисими?

– Йўқ, аввалгиси. Лекин барибир эмасми?

– Таёқ?! Хи-хи-хи... Ҳа, барибир, Таёқ-а? Хи-хи-хи... – Олимтой қаҳқаҳ уриб кулиб юборди. – Таёқ! Вой графи тушмагур-эй!

– Менга бер, йиртасан, – деди Валера китобни олиб, – бу менга қимматга тушган.

– Неча пулга олгансан?

– Пулга сотадими бунни, ўзбекнинг афандиси! Кадет корпусида олтинчи синфга ўн икки балл билан ўтишим керак эди. Бунни тўшак ичидан топиб олиб, баҳоимни етти балга туширишди. Энди билдингми баҳосини?

– Бунни қандай қилиб тагин қўлга туширдинг?

– Синф раҳбарининг хонасидан ўғирладим, «Сен қандай журъат қилдинг сўроқсиз кириб олишга!» деб дўқ қилиб келган эди, «Сиз мендан қандай олган бўлсангиз, мен ҳам сиздан шундай олдим, ора очиқ», дедим.

– Шу билан ора очиқмисизлар?

– Ҳа, ҳозиргача.

Олимтой китоб варақласа ҳам, кофе ичса ёки Валеранинг фортепиано машқини тингласа ҳам ҳамон дўстини ўйларди.

– Менга қара, Валер, агар сенга қалқон бўлиб турган дворян отанг бўлмаса, шу ишларни қилармидинг, ёки кўрқармидинг? Очиғини айт.

– Сен-чи? Сенинг отанг дворян эмас-ку?

– Мен нима қилибман? Мен сенга эргашиб юрибман, холос.

– Демак сен мендан кўра довяуракроқсан.

– Мен нодонман. Мен тушунмайман... – деди Олимтой.

– Нимага тушунмайсан?

– Мана, сенга, масалан. Кечаги хатарли ишдан сен ҳеч нарса ютганинг йўқ. Лекин шуни қилганимизга хурсандсан. Сенга эргашиб мен ҳам. Нега? Борди-ю фалокат юз берса нима бўларди? Сен нимага бағишлагансан ҳаётингни? Кўрдингми қанча савол?

– Менда савол йўқ деб ўйлайсанми? Лекии биламанки, агар жон-дилингдан яхши кўрган бир ишинг бўлмаса, ўзингдан, ўз ҳаётингдан каттароқ, сенинг қувончларингдан, ғам-кулфатла-

рингдан юксакроқ бир ниятинг бўлмаса, яшашингдан маъно йўқ. Бундай ният йўлида енгилиш ҳам қатъиятнингни оширади, холос...

Бундай суҳбатлар давом этган сари ота-она кўнглида ғулғула ортар, лекин улар ўғилларининг уйдан кам чиқаётганини кўриб хурсанд бўлишар эди. Яқинда таътили ҳам тугайди, Омскка жўнар, ўқишлар билан бўлиб тинчиб кетар.

Аммо Валера бир куни дадасидан яна гарнизондаги офицерлар кутубхонасига кириш учун Олимтой иккаласига ижозатнома ёзиб беришни сўраб қолди.

– Кутубхона ёпиқ, – деб ёлғон гапирди Владимир Яковлевич. Ёлғон бўлиб, унча ёлғон эмас, яқиндаги воқеалардан кейин цензура китобларни қайта рўйхатдан ўтказиши керак, аммо ҳозирча кутубхона очиқ эди.

– Бўлмаса мана буни Сорокинга бериб қўя оласизми, дада? – деб илтимо с қилди Валера бир китоб узатиб.

– Сорокин?

– Ҳа, прапоршик Сорокинга.

– Бу нима?

– «Инжил». У «Инжил» нашрларининг коллекциясини тўплар экан, сўраган эди. Омскдан олиб келдим, жуда ноёб нусха.

Китоб чиндан ҳам «Инжил» эди.

– Хўп, – деди Владимир Яковлевич. «Хўп» деди-ю ўзи бунинг «ноёб нусха»лигидан шубҳаланди. Кечаси шубҳасини хотинига айтган эди, яна таъна эшитди.

– Гаплашмадинг у билан, Володя. «Бу йўлдан қайтараман» деган эдинг, уриниб ҳам кўрмаяпсан. Қутқаз, Володя. Бир умрга армонда қоламиз...

– «Қутқаз!» дейсан, бу айтишга осон... – деб кўрпанинг ичида тўнғиллади Владимир Яковлевич. – У ёлғиз ўзи бўлса экан. Менинча, булар – юзлаб. Балки минглабдир...

Ўғилнинг таътили тугаб, Омскка қайтиб кетганидан кейин уйқусиз тунлар камайиб, ота-она энди сал ўзига келганда, гарнизонда Валеранинг изи чиқиб қолди. Сорокиннинг полкидаги ғалаёнларни яшириш учун Владимир Яковлевич катта бошини кичик қилиб, прапоршикни ўз ҳимоясига олишга мажбур бўлди. Кейин уни киши билмас истеъфога чиқариб қутулди.

Валера отасига анча-мунча ташвиш орттириб кетган эди. Владимир Яковлевич чор амалдори бўла туриб, подшога қарши курашга беихтиёр бош қўшаётганидан, иш тобора чуқурлашиб, ўзининг икки юзламаларча ишлай бошлаганидан дарғазаб эди.

Отасидан норозилик хатларини олавергандан кейин, Валера бир куни кутилмаганда бир сариқ қизни етаклаб қайтиб келди.

– Мана, дада, қайлиғим.

– Катерина, – қиз тиззасини букиб саломлашди.

– Гимназияда ўқиган. Биз турмуш қурадиган бўлдик, – деб тинмай гапириб кетди Валера, – бир қўра қилиб берасиз, чўчқа боқамиз, батрак ёллаймиз, товук, ўрдак...

Бу кутилмаган бачкана гаплардан гаранг бўлган Владимир Яковлевич ҳеч нарса деёлмай қолди. Бош силкиб «ҳа-ҳа», «хўп-хўп» деди-ю қулоқларига ишониб-ишонмай чиқиб кетди. Хотинига гапириб берди. Юлия Николаевна бу режаларни маъқуллаб, «Эси кирибди боламнинг, қуйилипти, худога шукур!» деб атрофида гиргиттон бўлаверган эди, эри «Бас қил! Жаврама!» деб столни муштлади.

Бу унинг Юлия Николаевнага умрида биринчи марта қаттиқ гапириши эди. Ўзи ҳам хафа бўлиб кетди. Ўғли шунақа одамми? Илгариги Валера қаёқда-ю бу қаёқда! Наҳотки ёзган хатлари шунга ундаган бўлса, «Қайлиғим...» эмиш. Бунақа одамнинг боридан йўғи яхши эмасми? Шуни деб қалтис таваккалларга бориб, жон чекиб юрибдими? йўқ, бу ерда бир гап бор! Валериан бундай ўзгариши мумкин эмас. Мана бу қиз... таъсир қилдими? Гимназистка...

Владимир Яковлевич кечаси билан хонасида у ёқдан-бу ёққа юриб чиқди. Дилидаги илашқоқ ғашликни тарқатадиган бирон фикр келмасди хаёлига. Тонгга яқин боши зилдай бўлиб, ҳолсиз гавдасини энди креслога ташлаган эди, эшик ғийқ этиб очилди.

– Владимир Яковлевич...

Қараса қаршисида ҳалиги гимназистка турибди. Оёғида шиппак, кундузгидан бошқачароқ... «Валериандан ёши катта» деган фикр ўтди отанинг кўнглидан.

– Мен билиб турибман, бу кеча ухламадингиз, – деди қиз. – Валерианнинг кечаги гапига ухлаёлмадингиз. Мен сизни, худди шундайдирсиз, деб ўйлаган эдим. Чиндан ҳам сиз билан мен билган ҳақиқий Валерианни йўқотиш катта фожиа бўларди.

– Мен тушунмадим. Сизга нима керак?

– У менга хатларингизни кўрсатди, Владимир Яковлевич. Мен унинг дўстиман. Биласизми Валериан ким?

Владимир Яковлевич ўрнидан турди. У севинишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмасди. Лекин кечаги гап шунчаки бир синов эканини пайқаб кўнгли ёришгандек бўлди.

Мана бунга ўқинг. – «Келин» кичкина бир газета парчасини узатди.

Газетада «Ёшларга таянинг, жаноблар!» деб хитоб қилинар эди. Кейин, мисол тариқасида, Омск яқинидаги ўрмонда бўлган темир

Йўлчилар митингида бир ёш йигитнинг қонли якшанба ҳақида жуда эҳтиросли нутқ сўзлагани айтилган эди.

– Ўша йигит бизнинг Валериан! – деди «гимназистка».

– Бу қандай газета?

– Бу бизнинг яширин газетамиз.

– «Биз» деганингиз ким?

– Россия социал-демократлари. Владимир Яковлевич ўрнидан турганда столдаги шам липиллаб сўнаёзди. Тун жуда тинч, бутун хонадон сукутга чўккан, тиқ этган шарпа эшитилмас эди.

– Бу Валерианнинг тақдири. Катта тақдир... Сиз чиндан ҳам унинг қайлигимисиз?

– Йўқ, Владимир Яковлевич, – қиз қизармади ҳам, ўнғайсизланмади ҳам. – Валериан Петербурга жўнаши керак.

– Қачон?

– Эртага.

– Екатерина! – Ота қизга интилди, елкаларидан ушлаб кўзига қаради. Шам шуъласида бу сирли, довюрак қиз бирдан унга ўз қизидай яқин туюлиб кетди. – Отангизнинг оти нима?

– Анисимовна.

– Екатерина Анисимовна, бу унга жуда ҳам хавфлими?

– У ҳарбий медицина академиясига қабул қилинган. Ўқишга кетяпти, Владимир Яковлевич.

– Ўқишга... Ҳозир Петербургнинг нима эканини биламан. Сиз мендан шунга рухсат олгани келганмисиз?

«Гимназистика» ҳа дегандек бош эгиб, жавоб кутмасдан чиқиб кетди.

Эртасига эр-у хотин ювиниб-тараниб, ўғилларининг олди-га чиқишди. Валериан Катерина билан гаплашиб ўтирган эди, ўрнидан турди, «кечаги спектакль учун» узр сўради. Владимир Яковлевич кеча келган ўғли билан энди кўришаётгандек, унинг яна ҳам бақувват бўлиб кетган гавдасини бағрига босди.

– Валериан, қандай йўл танласанг ҳам, сен бизнинг ўғлимизсан, биз сени яхши кўрамыз, – деди Владимир Яковлевич. Юлия Николаевна қичқириб йиғлаб юборди.

Лекин ўғли уни суяб, юпатгандан кейин бир оз тинчланди. Валериан улар кўзида бирдан салобатли, обрўли одам бўлиб қолгандек эди.

– Сорокин полкларини нима қиламан, Валериан? – деб сўради отаси жиддий. Валера бахтиёр эди. «Полклар!..» улар ҳозир битта эмас, кўп...

– Виждонингиз амр этган томонга бошлайверасиз, дада, – деди Валериан.

Бу кун оилаларида «фотиҳа куни» деб ном олди. Шу куни Валериан «Сариқ қиз» билан бирга Петербургда жўнаб кетди. Уларни Омсккача Олимтой кузатиб борди. Йўлда ёшлар бора-боргунча ота-оналари ҳақида гаплашдилар. Валериан дадаси билан ойсининг қандоқ қилиб дастурхонга тош тугиб кечаси Қилчиқсойга элтиб ташлаганларини кула-кула ҳикоя қилди.

Ўша тонгда ҳовли этагидан ҳовлиқиб чиқиб келган Гаврила билан Элекбой Олимтойнинг кўз олдидан ялт этиб ўтди-ю, лекин поездда у бу ҳақда сўз очмади.

– Яхши дастурхон эди, – деди Валера ҳазиллашиб.

– Менда унинг попугидан бор, – деди Олимтой, – бир даста варақа билан эсдаликка яшириб қўйганман!

– Эсдалик эмиш-а, ўзбекнинг афандиси! Уни дарров ёқиб юбор. Реакция энди қутуради, – деди Валериан.

У Омскда хайрлашаётиб ҳам Олимтойга яна шуни уқтирди.

Кўп ўтмай, ҳақиқатан ҳам, қама-қама, таъқиб, тинтувлар авж олиб кетди. Эски ишлар, бир вақтлардаги шубҳалар, шу жумладан, «дастурхон попуклари» масаласи ҳам бошқатдан кўзғала бошлади. Бошқа хонадонлар қатори Владимир Яковлевичникига ҳам тинтув келиб кетди. Унинг «хурматини қилиб» тинтувни ротмистрнинг ўзи бошқарди. Кейинги ойларда кўп имтиёз ва қўшимча ҳуқуқларга эга бўлган полиция бошлиғи ширин сўзларини ҳамон ташламаган, бу сўзлар кўпроқ кесатиқ бўлиб эшитилар эди.

– Шунчаки кўп қатори, расмият учун, азизим... – деб юриб у бутун хоналарни алғов-далғов қилиб кетди. Ҳеч нарса тополмади – икки кун аввал бу ерга Олимтой келиб, «профилактика» қилиб кетган эди. Умуман Олимтой ҳамма нарсадан хабардор, айниқса Омскдан қайтганидан кейин, полициянинг кундалик режаларигача олдиндан биладиган бўлиб қолган эди. У ротмистрнинг бир йилдан бери ўша попукка осилиб, подшоликнинг мукофотини олиш дардида юрганини ҳам биларди. Владимир Яковлевич оиласига соя туширмаслик кераклигини ҳам биларди, чунки бу оила Валериан билан, Валериан эса марказ билан боғлиқ. Шуларни ўйлаб, Олимтой аввало қўшнилари Гаврила Афанасьевич билан қайнатаси Элекбойни кўз тагига олди. Бир-бирларини ҳам, Владимир Яковлевич сингари мартабали ҳамшаҳарларини ҳам доимо чоғга итариш пайида юрган бу ичи қора мешчанлар шундай ғалаёнли кунларда пайтдан фойдаланмасликлари мумкин эмас эди.

Ҳақиқатан ҳам Олимтой ўйлаганча бўлди.

Гаврила билан Элекбой қора уйда қимиз ичиб кечалари билан узоқ маслаҳатлашгандан кейин, бир куни етаклашиб полиция маҳкамасига кетдилар. Улар меҳмонга отлангандек энг яхши кийимларини, Гаврила қундуз ёқали тўнини, Элекбой бўлса тулки тумоғини кийиб олган эди. Аввал, «Нима деймиз, ёлғон-яшиқ қўшамизми, суюнчисига нима сўраймиз, қайси эшикдан қандай кириб борамиз», деб маҳкама атрофида анчагача айланишди. Кейин таваккал қилиб кириб боришди.

– Фуқаронинг осойиши, хузур-ҳаловатимизнинг посбони, жаноб ротмистр, фақирона дуойи саломларимизни қабул қилгайсиз! – деди Гаврила Афанасьевич остонада эгилиб қўлидаги телпагини полга тегизаркан. Ротмистр унинг пахмоқ сочи орасида йилтиллаган ёрғоқ бошидан жирканиб, афтини буруштирди-ю, ёнидаги Элекбойга кўзи тушди. Элекбой сийрак соқолини тутамлаб, эриб кетгудек илжайиб турарди.

– О! Сен Элекбойсан-ку? – деди ротмистр қувониб. – Мен ҳозир сенга одам юбормоқчи эдим, ўз оёғинг билан келибсан. – Столдаги қўнғироқчани жиринглатиб, эшикдан кирган икки миршабга имо қилди, миршаблар оғзини очиб қотиб турган Элекбойнинг қўлига кишан солдилар.

– Мен... биз, мирзам...

– Сарт муаллим сенинг куёвингми? – сўради ротмистр.

– Ҳ-ҳ-ҳа, ҳа.

– У бизнинг хузуримизга ўзи келиб иқрор бўлди. Мана! – полиция бошлиғи заррин дастурхон попуги билан танғилган бир даста варақани икки қўлида тилладай салмоқлаб кўрсатди. – Ҳаммасини ўзим қилганман, деяпти. Бир ўзи қилган бўлиши мумкин эмас. Мана, масалан, сен уни Бухородан олиб келиб, уйингда яширгансан. Мана буни ҳам ўтов керагасига тиқиб сақлагансанлар, – ротмистр варақа дастасини яна салмоқлади. У омадидан ўзида йўқ мамнун эди. Уринишлари бекор кетмади: мана далил, мана фитнес-чи! Энди унинг юзи ёруғ.

– Олиб чиқинг! – деди у.

Элекбой у ёқ-бу ёғига аланглаб икки ёнида икки миршабни кўрди, холос. Қўшниси Гаврила аллақачон ғойиб бўлган эди. Қачон сирғалиб чиқиб кетди, ҳеч ким билмайди.

*Очил бува билан Азимжон қулоқлари битиб Самарқанд аэропортига қўнганларида кун найзага келиб, ложувард минораларнинг сояси калтагина бўлиб қолган эди. Шунинг учун улар шаҳарни ҳам томоша қилмасдан аэропортдан тўғри автовокзалга келиб,*

Шодасойга борадиган автобусни суриштирдилар. Тоғ этаклариغا жойлашган кичкинагина янги кон шахарчаси бу ердан неча километр эканлигини ҳеч ким айтиб беролмайди-ю, лекин «Автобус бугун етиб боради», дейишди. Меҳмонлар апил-тапил чой ичиб, биттадан нони пўлотийни белбоққа туғишгач, билет кассасига бориб навбатга туришди.

Автобус тиқилинч эмас, курсилар юмшоқ, деразадан сойлар, кўприклар, колхоз номлари ёзилган арк-дарвозалар, подалар, аллақандай қизил тупроқли қияликлар лип-лип этиб ўта бошлади.

– Бува, Олимтой тоғам, кейин турмада ўлдимми? – деб сўради Азимжон.

– Йўқ, лекин ўшандан кейин ўн-ўн беш йил умри авахтада, сургунда ўтди. Фақат инқилобдан кейингина Хоразмдан Чоржўйга кема ҳайдаб, Олимтой дарға деган ном чиқарди. Комила бир яшарлигида уни Амуда Хоразмдан ўқишга кетаётган йигирматача ёш-яланг билан бирга босмачилар чавақлаб кетишди.

Азимжон, бу воқеа ҳозиргина бўлиб ўтгандек, кўнгли бузилиб, анчагача индамай борди.

– Шериғи-чи. Валериан, у тирикми?

– Йўқ. Дарвоқе, сен Куйбишев деганни эшитганмисан?

– Ҳа, – деди Азимжон, – уруш вақтида радиода бу шахарни кўп гапиришар эди. Москва ўрнига бир оз вақт пойтахт ҳам бўлди шекилли.

– Ҳа, балли. Волга бўйида. Бу шахар ўша Валерианнинг исмига қўйилган. Азимжон қуёшни, кенг оламни кўришга шошилгандек деразага қаради. Автобус тоғ водийсига кириб бормоқда эди. Бўғдойи ўриб олинган сап-сарик қирлар тугаб, узоқда қорайиб кўринган ҳайбатли тоғлар тез яқинлаша бошлади. Улар чўққидаги қора булутлар билан бирга бостириб келар, олдиндаги асфальт йўл эса буралиб-буралиб бориб, салқин ёмғир ҳиди келиб турган унгулларга кириб йўқолар эди.

Азимжон бобосига ёндан қаради. Ёруғ дераза олдида, узоқдаги шафақ қаршисида Очил буванинг серсоқол, кенг пешонали, кекса қиёфаси худди қадимий бир ҳайкалдай бўлиб кўринди. «Бобомга агар ҳайкал қўйилса, Жабайникидан ҳам ҳайбатлироқ бўлиб чиқарди...» деб ўйлади Азимжон.

Тоғ оралиғига киш эрта келади. Бу ерда ҳозир кеч куз. Табиат сўлмоқда. Ён-бағирлардаги қовжираган ўтлоқлар ёмғирдан қорайиб, жилға излари билан тилкаланиб кетган. Яккам-дуккам буталарнинг қизариб сарғайган сийрак барглари зўрға илиниб, қалтираб турибди. Булут орқасига юмалаган қирмизи офтоб ҳам ёниб тугамоқда. Тоғлар, булутли осмон, совуқ унгуллар ҳам тобора қорайиб,



яқинлашиб келарди. Бу ўйчан, тинч ўлиш эди, вақтнинг ўлиши, кузнинг, куннинг, дарахларнинг ўлиши...

– Бува, ўлим ҳеч кўз олдингизга келганми? – деди Азимжон.

– Ҳа

– Қўрқмайсизми?

– Нега қўрқмас эканман! Қўрққан пайтларим бўлган. Сендайлигимда баъзан чунон ваҳима босардики... Лекин ўлимда ўлим бор экан, болам. Яшашдан мурод – ўша ваҳимани енгиш...

– Қандай қилиб?

Бобо узоқ умрини, беҳисоб уруғ-аймоғи, оиласини ўйларди.

– Агар қарилик бирдан бостириб келса борми, болам, – деб салмоқлаб гапирди у, – бу жуда катта кулфат бўларди одамга. Шукурки, у кўп эҳтиёткор, секин-аста, билдирмасдан етиб келади. Раҳмат унга бу меҳрибонлиги учун. У етиб келгунча мен кўп нарсани тушуниб олдим. Ўлимни ҳам...

– Ўлимни ҳам.

– Ҳа. Гап шундаки, ўлим остонасида одамнинг виждони сергаклашади. Худди наштардай ўтқир бўлиб қолади. Виждонингнинг садоси бутун дунёнинг овозига қўшилади...

– Қандай қилиб?.. – пешанасини тириштирди Азимжон.

– Мана сендайлигимда ўлим мендан ҳали жуда узоқ, лекин мен ундан қўрқардим. Чоллар: «Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмайди» деса, уларнинг бу совуққонлигидан бутун вужудим қалтираб кетарди: «Нега? Ҳамма ўлади, мен ҳам... Мен ўлиб кетаману, менсиз яна баҳор келиб, менсиз яна боғлар гуллайверадими! Мен ўлиб кетаману, менсиз бу ўтлоқлар, бу гуллар атрини бурқитиб, шабадада тебраниб яшнайверадими! Бу тоғлар мангу савлат тўкиб тураверадими! Тонглар отади, сойлар шарақлаб оқади, қизлар қаҳ-қаҳ уриб кулади, менсиз, менсиз! Бари менсиз! Бу қанақа адолатсизлик!» Баъзан шайтон ғулувига қулоқ солиб, бир фалокат юз берса-ю, оламда мендан кейин ҳеч нарса қолмаса, балки ўлим бу қадар аламли бўлмасди, дердим ичимда.

– Ўлгандан кейин ҳеч нарса қолмайди... – деди Азимжон, деразага қараб, – бойлик ҳам, табиат ҳам, одамлар ҳам, ҳеч нарса, ҳеч нарса... ўйлаш ҳам, кулиш ҳам, билиш ҳам керак эмас... Ўтмиш, келажак, ҳаммаси мутлақо маъносиз бўлиб қолади.

– Йўқ, болам, маъносиз бўлиб қолмайди. Мана, йиллар ўтиб дилимдаги ўша таҳлика аста-секин ўча бошлади. Ҳозир мен ўлимга у вақтдагидан кўра анча яқинман, балки остонасида турибман, аммо ундан қўрқаётганим йўқ. Нега?

– Нега?

– Чунки ҳозир мен бўм-бўш кўзадай бир нарсаман. Ичимдаги ҳам-ма яхшилик, бутун кучим, фазилатларим, ўйим, феълим, меҳрим, ҳароратим – ҳаммаси атрофимдаги одамларга ўтиб кетди. Бутун умринг болаларингнинг, неварая эвараларингнинг умрига, қилган ишларингга сингишиб қоларкан. Мен одамларга, болаларимга, қилган ишларимга батамом ўтиб бўлдим. Лекин армоним йўқ эмас, болам.

– Беармон одам...

– Қариликда одам кўпроқ хотиралари билан яшайди. Келажак йўқ. Баъзан ёлғиз хотиралар билан қоласан. Борди-ю хотираларинг ҳам арзигулик бўлмаса-чи! Борди-ю ўтган дамларингни эшлашга номус қилсанг-чи – бу жуда оғир, болам, бу кексалик эмас, бу зим-зиё, зулмат! Менинг ёруғ хотираларим кўп, лекин беармон одам эмасман. Ҳали болаларимга берадиган жиндек юрак кўрим бор. Улар кўп, мен биттаман. Бири яқин, бири кўздан узоқ, Бири жўжабирдай жон, бири ёлғиз. Мана Акбарали, сенга холавачча бўлади. Янглишмасам, етти йил бўлди кўрмаганимга... Етим нарса эди!

Бу водийда куз осмони ҳар нафасда ўзгариб тураркан. Тепароққа чиққан куёш чарақлаб кўринди. Тоғнинг подалар ўрмалаган кунгай бағрида парча-парча булут кўланкалари сузиб юрарди. Уфқда пастак бир чўққига қўнган кечки офтоб юпқа булутларга олтин тилларини санчиб, уларни заррин, шаффоф қилиб кўрсатар эди. Автобус сойликлар бўйлаган асфальтдан юзуриб, ҳадемай арчазор дарага кириб борди. Бу ер соя-салқин, куёш кўринмас, осмон ёруғ бўлса ҳам, пастда оқшом қоронғиси, ғира-шира босиб келмоқда эди.

Ана, тоғ оралиғидаги ясси қирларда кичкинагина кон шахарчаси. Тикка жар тагида тош юмалатиб шовуллаганча Шодасой оқади, нариги соҳилидаги яланғоч теракларда қарға галалари қишни чорлаб тинмай қағиллайди.

Очил бува етти йил аввал келганида бу жой жилға бўйидаги қадимий қурама бир қишлоғу ёнига янги солинган бир нечта узун-узун, пастак бараклардангина иборат эди. Ҳозир кўркам шахарча бўлиб кетибди, икки-уч қаватли тош уйларузоқдан оқариб кўринади. Кўчалар тикка тоғни қирқиб аллақайларга чиқиб кетган кенг асфальт йўлларга туташ, тунука томларда телевизор антенналари...

Меҳмонлар етиб боргунча қоронғи тушди, кўчаларда қизғиш хира чироқлар ёнди.

Автобус айланиб юриб, шахарчанинг нотаниш бир жойига бориб тўхтади. йўловчилар дарров тарқаб кетди. Очил бува уст-бошини, телпагини қоқиб, хуржунини елкасига олгач, Акбаралининг кўчасини мўлжаллаб йўл бошлади-ю, анча йўл босгандан кейин даб-дурустдан адашиб юрганлари маълум бўлди.

– Шаҳар ўзгариб кетибди... ГЭС маҳалласи дейиларди, – деб ўзини оқлашга урунди Очил бува.

Кўчалар камқатнов. Ишчи шаҳарчаси барвақт оромга толган эди. Бировни тўхтатиб «ГЭС маҳалласи»ни сўраганларида у киши шаҳарнинг бутунлай бошқа бир чеккасини кўрсатди. Нотаниш кўчалардан айланиб, майдонларни тикка кесиб, у ерга етиб боргунларича тун ярим бўлай деб қолди. Деразаларда чироқ йўқ, онда-сонда кўча фонарлари қизариб ёнар, бирон кимса кўринмас эди.

Очил бува бирдан тезлаб кетди – у таниш кўчадан чиқиб қолганини пайқади, «Кўзим ўтқир ҳали, эсим жойида!» деб мақтана бошлади. Юкини елкасига кўтарган Азимжон зўрға етиб юрарди.

Бир маҳал Очил бува қоронғида ариқдан сакраб бир деразани тақиллата бошлади. «Шу экан-да», деди Азимжон ичида севиниб. Уй пештоқи пухта ганчланган, учта катта деразаси кўча томонда, тарновлари ҳам, кўча эшиги ҳам қизилга бўялган... Лекин ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Очил бува яна қаттиқроқ тақиллатди.

– Шуми ўзи?

– Ҳа, шу. Мен бировнинг эшигини билмай тақиллатаманми, болам. – Яна тақиллатди. – Кончилар шунақа қаттиқ ухлайди ўзи.

– Ҳой, ким керак сизларга? – деди нариги бетдаги йўлқадан ўтаётган бир йигит. Жонони кузатиб қайтаётган бўлса керак, шошиб кетиб борарди.

– Ҳозиев шу ерда турадимиз? – деди Очил бува. Акбаралининг фамилияси Ҳозиев эди.

– Йўқ, музей бу, музей! – деди йигит тўхтамасдан.

– Музей?!

Йигит шошганча жўнаб қолган эди. Қанақа музей, музейи нимаси? Яна деразани тақиллатишди. Садо чиқмади. Қаёққа юришни билмай, анчагача туриб қолдилар, кўчада биронта йўловчи учрамаса-я...

– Вақт кеч-да, вақт кеч... – деди Очил бува хуржунини бу елкасига олиб. – Менга қара, биронта меҳмонхонаси бордир, бориб ётайлик, жуда толиқдим. Эртага бир гап бўлар...

Меҳмонхона тез топилди: чироқлар кўпроқ томонга юришган эди, катта чорраҳадан чиқишди, ундан сал нарида икки қаватли жўнгина меҳмонхонанинг вивескаси кўриниб турарди.

Навбатчи, хушмуомалагина, уйқусираган бир кампир, уларни йўлакнинг нариги бошидаги катта хонага жойлаштириб, чой дамлаш учун обжўшни қаердан олишни ҳам кўрсатиб қўйди. Яхши уйқубоп жой экан. Бир қаватли деразадан узоқдаги тоғ дарёси Шодасойнинг бир меъёрда шовуллаши эшитилиб турибди.

– Мана, – деди ўз кўнглини ўзи кўтариб очил бува, – шукур, етиб келдик. Бемалол дам олайлик. Акбаралини бўлса эртага топиб оламиз, ҳеч қаёққа кетмайди. – У этигини ечиб, одатича каравотга чиқиб чордона курди. Шундай бир ўтириб соқолини тутамлаб чапга бурамаса нафас ростлагандай бўлмас эди. – Лекин музей эшигини қоққанимиз қизиқ бўлди, – деди у яна, – шаҳар жуда ҳам ўзгариб кетибди-да, а?..

Чарчаган Азимжон елкасини қисди. У қўл ювгач, қийиғини столга ёзиб, нон синдирди, хуржунни ёнига тортиб кавлаштира бошлади. Очил бува нафас ростлагач тунука чойнакни олиб, чой дамлагани чиқди.

«Кубовая» деб ёзилган хонани очса, ҳаммомдагидек иссиқ ҳовур гуп этиб юзига урди, бурчакда катта бак шарақлаб қайнаб ётар эди. Очил бува чойни аччиққина қилиб дамлаб, орқасига қараса, бир одам қайноқ сув олмоқчи бўлиб пиёла тутиб турибди.

– Чой куйиб бера қолай, – деди.

– Сув ҳам бўлади, дори ичмоқчи эдим, – деди ҳалиги одам. Очил бува унинг юзига қарамади, буғ ичида кўриб ҳам бўлмасди.

– Чой яхши, тутинг пиёлангизни, савобталаб одаммиз, – тўлатиб куйиб берди, чойнинг хушбўй ҳиди димоққа урди.

– Раҳмат, – деди нотаниш одам.

Очил бува чойнагини кўтариб йўлакка чиққанда, ҳалиги одамнинг товуши қулоғига танишдек туюлиб, тўхтаб қолди. Қайтиб кирмоқчи эди, у одамнинг ўзи чиқиб, лим-лим тўла пиёласига тикилганча ёнидан ўтиб кетди. Ўтиб кетди-ю, нарироққа бориб у ҳам тўхтади. Лекин орқасига қайрилиб қарамади, чолнинг тўхтаб турганини сезган эди.

– Менга қаранг, болам, – деди Очил бува у томон юриб, у одам ҳам ўғирилди. Очил бува шундоққина рўпарасига бориб тўхтади. Улар бир-бирларининг юзларига тикилиб қолишди.

– Сен... – деди Очил бува секин, ундан кўз узмаган ҳолда эгилиб, иссиқ чойнакни ёнига, пойандозга қўйди. Яна тикилиб қолишди. йўлакнинг у бошидаги чироқ уларнинг юзларини хира ёритар эди.

– Бува! – деб хунук қичқириб юборди ҳалиги киши, пиёла қўлидан тушиб синди. Улар кучоқлашиб кетишди.

Бу – Акбарали эди. Очил бува уни зўрға таниди. Вақт кўп ўтганидан эмас, етти йилда одам мунчалик ўзгармайди, ўттиз ёшида бунчалик қаримайди. Акбаралининг ҳаётида, шубҳасиз, бир мусибат юз берган эди. Унинг суяги қолибди холос. Ёноқлари туртиб чиққан, оқ оралаган соч-соқоли ўсиқ, кўзларида нур йўқ. У гапиролмай қолди, кўз тагидаги кўк халтачалари титраб, йиғлаб юборди.

- Касалмисан, болам?
- Акбарали енги билан юзини тўйиб, бош силкиди: «Йўқ».
- Қамоқдан чиқдингми? – деди Очил бува тикка қараб.
- Акбарали бош қимирлатди: «Йўқ».
- Нега бу ерда юрибсан? Меҳмонхонада...
- Акбарали чуқур ботган кўзлари билан бобосига изтиробли тиккиди: «Ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ экан...»
- Ҳаммасини айтиб бераман. Сизга айтиб бераман, бува...
- Узоқ гапми?
- Узоқ гап.
- Биз сени қидириб юрибмиз... Азимжон ҳам шу ерда.
- Акбарали тушунмади: «Нега қидиради? Азимжон ким?»
- Азимжон-чи, сенга аммавачча бўлади. Чет элдан... Сени кўргани келди.
- Акбарали тушунмади. Унинг чалкаш, заиф ўйлари бошқа ёқда экани юз кўзидан билиниб турарди.
- Бува, сизга айтиб бераман... фақат сизга. – У Очил бувани ўз хонасига етаклади. Хона ғира-шира, совуқ, бир стол, бир каравот; аллақандай қўланса ҳид анқир эди. Очил бува деразани очиб хонани шамоллатгач, Азимжонни чақириб келди. Азимжон патнисда нон-чоё кўтариб кирди. Танишган бўлдилар, Акбарали унга тикилиб турди-ю, индамади, кимлигини билолмади чоғи. Азимжон ҳам қариндошини бошқача тасаввур этгани учун, ҳозир уни кўриб бирдан гап тополмади.
- Гапир, – деди Очил бува. Унинг чарчоғи ҳам, уйқуси ҳам қочган, кўнгли бир шумликни сезгандай, кекса, ҳорғин юзини бетоқатлик қўланкаси қоплаган эди.
- Хуллас, дўстларим, Акбарали қиссасига ҳам навбат етди. Лекин шу пайт хаёлимга бир ривоят келиб, у ҳам шу дафтардан ўз ўрнини талаб қиляпти. Шунинг учун рухсатингиз билан, аввал.

## **РИВОЯТ**

Тошбақа судралиб бормоқда.

У бутунлай тупроқ рангида. Бўйинлари бурушган, кўзлари ўлик. Жони бор. Қимирлайди. Қаёққа бораётганини билармикин? Мунча секин қимирлайди? Қони совуқ бўлса керак-да. Бундай жонивордан ўлик ернинг ўзи яхши эмасми?..

Тошбақа бир замонлар тошбақа эмас экан. Уддабурон ва чаққон, хушбичим махлуқлардан бири экан. Ўтлоқларда майин барралардан тамадди қилиб, япроқларда йилтиллаган шабнам томчилари-

дан чанқоғини қондириб, кўм-кўк осмонга тикка қараб, жониворлар орасида кўркам ва мағрур, ҳаётнинг завқини суриб, дориломон яшаб юрар экан.

Кунлардан бир кун Чангали Мозандарон томондан йиртқич ҳайвонлар мўр-малахдек бостириб келиб, жониворлар ўртасида жангу жадал, ҳарбу зарб бошланибди. Лак-лак лашкар кетидан лашкар келибди, аскар кетидан аскар; жониворлар босқинчи йиртқичларни дам орқага суриб бориб, дам ўзлари чекиниб, кўп қурбон беришибди, қирқ йил қирон бўлиб, тоғ этакларидаги яшил ўтлоқлар қизил қонга беланибди.

Кумурсқадан тортиб филгача, катта-кичик ҳар бир махлуқ урушинг тақдирини ҳал қиладиган бир пайт келганда, ёнидаги шерикларининг ҳалок бўлаётганини кўриб, тошбақанинг кўнглига бир шумлик, бир ғулув оралабди: «Менга навбат келяпти-ку, ўлиб кетавераманми?!» Осмон жуда тиниқ, банорас экан. Яшил ўтлар, ранг-баранг гуллар майин шабадада аста тебраниб, ҳаётнинг нашъасини кўз-кўз қилармиш.

«Йўқ, йўқ, мен ўлмайман!» дебди тошбақа. Дебди-ю, яна жангга кирибди. Лекин яшин чақнаб, ер титраб, яна ёвнинг қўли баланд кела бошлаганда, унинг юрагига яна ғулув тушибди. Шу бир зумлик таҳликадан қалтираб кетган тошбақа ўзини беихтиёр сафдан четга олиб, йўл ёқасидаги тошлар орасига яширинибди. Дўстлари буни пайқамай, ёвга қарши қонли жангга кириб кетаверишибди. Тошбақа эса тошлар орасидан бошини чиқариб жанг суронига қулоқ солиб ётибди. Аламли фарёдлар, йиртқичларнинг даҳшатли бўқиришлари, дўстларининг ўлим олдидаги ёлворишлари эшитилибди. У эса «Бўлар иш бўлди», деб титраб-қақшаб ётаверибди, энди қайтиб чиқса дўстга ҳам, душманга ҳам эл бўлолмаслигини билибди.

Яна қирқ йил қирғин бўлиб, кўп дўстлари ўша майдонда ҳалок бўлиб кетибди. Ўз ери учун жонини тиккан жониворларни ёв енголмабди. Душман чала ўлик лашкарларини судраб чекинибди. Булутлар тарқаб, чарақлаб офтоб чиқибди. Жанг суронлари тинган хушҳаво ўтлоқларда яна кўзи-қулунлар ўйноқилаб, қушлар сайрай бошлабди.

«Энди хавф ўтиб кетди, мен ҳам аста чиқай-чи», деб бизнинг тошбақа ҳам бир қимирлаган экан, ётган жойидан силжиёлмабди. Қўл-оёғи, боши қимирлармишу ўзи силжиёлмасмиш. Қараса, қирқ йилдан бери писиб ётаверганидан, тагидаги тош билан устидаги тош бир-бирига эт ўриб, туташиб кетибди. Боши билан қўл-оёғигина чиқиб ётганмиш.

Энди нима қилиши керак? Ост-устига қопланиб қолган тошларни ҳам судраб, икки қадам йўлни бир неча кунда зўрға босиб, тўрт оёқлаб ёнидаги йўлга чиқибди. Чикса, бунга ҳеч ким танимасмиш, тош, деб ўтиб кетаверишибди. Биров таниса ҳам нима дерди, нима деб тушунтиради? Ундан кўра, энди у ҳеч кимга индамагани, уни ҳеч ким танимагани маъқул. Шундай ёлғиз, кимсасиз, тош ичида яшашга тўғри келади. Бироқ яшаш учун овқат ейиш керак. Ўт ичига кирай деса, тўнкарилиб қолишдан қўрқади. Шунинг учун йўл юриб, «Онда-сонда тиканларни ерман», деб, жонсиз саҳроларга чиқиб кетибди.

Ўшандан бери унинг оти тошбақа экан.

Осмонни кўрмайди, офтобни кўрмайди, бир умр ёлғиз, тош косаларини тавқи лаънатдек судраб оламдан ўтиб кетаркан. Болалари ҳам қалқон ичида туғилиб, азоб билан тош судраб яшаб, тош ичида азоб билан ўлиб кетар экан. Ўша бир зумлик кўрқоқлиги учун кўпроқ азоб тортсин деб, Худо ҳам унинг умрини ҳамманикидан узун қилганмиш. Бу азоблардан унинг юзлари доим бурушган, жонсиз кўзлари ҳамма вақт ерда, ранги эса тупроқ билан тенг, бир яшил барг дардида саҳро кезиб, тўрт юз йилдан бери имиллагани – имиллаган...

Тошбақа ҳамон судралиб бормоқда...

## ҚИССА

*«Энг даҳшатли йиртқич – куён».*  
*Насриддин Афанди*

Акбарали кутилмаганда, кечаси кириб келди. Усти боши ҳўл, этиклари лой, соч-соқолидан ёмғир суви томарди. Қоронғида юзлари оқаринқираб кўринди, худди намгарчилик куз кечасини бошлаб кирган эди даҳлизга.

Шу кунлари тушида ҳам, ўнгида ҳам Шодасойни кўриб, ёлғиз ичикиб ўтирган Шарофат хола ўғлининг юзига тикилиброқ қарамади ҳам – кексаликдаги бирдан-бир ширин орзусининг ушалишидан кўнгли бўшашиб, йиғлаб юборди. Ниҳоят! Ниҳоят Акбаралиси ваъдасининг устидан чиқиб, уни олиб кетгани келибди. Ахир, Акбарали бир йилдан бери «Сизни Шодасойга олиб кетаман», деб ваъда бериб келади. Мана ниҳоят, орзуси ушаладиган бўлди Шарофат холанинг. Шодасой, она юрт!

Шарофат хола Шодасойдан чиқиб кетганига тўрт йил бўлган бўлса, жонажон тоғ даралари бир кун ҳам кўз ўнгидан кетгани йўқ. Аслида ўзи Акбаралининг дадасидан кейин иккинчи эрга тегиши

ҳам, Шодасойдан чиқиб кетиши ҳам хато бўлган эди. Кимсан Очил буванинг севган келини, бева бўлса ҳам, ўғли билан бинойидек яшаб турган эди, иккинчи эри раҳматлик, бошини айлантириб, қаёқларга олиб кетди. Буни уруғларидан ҳеч ким юзига солгани йўғ-у, лекин йўқламай қўйишди. Айниқса иккинчи эридан ҳам бева қолгач қийин бўлди унга, энди ич-этини еб, Шодасойни ўйлагани-ўйлаган. Бу узоқ шаҳарда тўртинчи қаватдаги хувиллаб ётган икки хонали квартирада ёлғиз ўзи, шу ёшида... Яна ўша кондаги Акбаралисига суяниб қолган эди.

– Келдингми, айланай болам, – деб гиргиттон бўлди Шарофат хола шунча сарғайганларини бир зумда унутиб. У юрак касали, ўпка қисишидан юзлари бир оз солқи, икки эрнинг доғида сочларига барвақт оқ оралаган, лекин кўзлари тийрак, чехрасидан жувонлик ҳусни қочмаган бўйдоргина аёл. Узоқ ивирсиди, тинмай гапирди, ўғлининг этигини тозалади, ёпинчиғини сиқиб қозиққа илди, чой дамлади...

Бир вақт қараса Акбарали суяниб ўтириб ухлаб қолибди. Шарофат хола шундагина унинг келгандан бери оғиз очиб бир гап айтмаганини эслади, шундагина унинг қутсиз юзини кўриб, кўрқиб кетди.

– Чарчабди, бола фақир... – деди-да, якандозга болиш ташлаб, ётқизиб қўйди.

Ўзи бўлса кечаси билан ухлаёлмай чиқди, у ўғлининг эрталаб: «Қани, ойи, бўла қолинг, қишлоққа кетамиз!» дейишини орзиқиб кутарди. Ахир сабри чидамай, саҳарлаб туриб ўғлидан бир хабар олди, лекин Акбарали ҳали донг қотиб ухлаб ётарди.

Шу ётганича у эртасига кечга яқин кўзлари қизариб, қовоқлари салқиб турди. Онасига аллақандай бегона назар билан қараб, бошини эгди. Кейин имирсилаб соқолини олди, дераза олдида ташқарига қараб туриб қолди.

Ҳавода куни билан рўшнолик кўринмади. Кузнинг калта, хира куни дарров тугаб, шаҳар томларини намчил оқшом қоронғиси қоплади.

Шарофат хола ўғлидан ўзи кутган гап у ёқда турсин, бошқа бир тузукроқ гап ҳам эшитмади. Энди у ўз орзуларидан умидини узиб, бошқа бир ваҳимага тушган, Акбаралидан хавотир олиб қолган эди:

– Тобинг йўқми, болам? – деди у секин ўғлининг ёнига келиб.

– Йўқ, ойи... соғман, – деб ўғли унга майин қаради.

Хайрият, ўша-ўша Акбарали, онасига меҳрли, овози отасиникидек ширали, беозор. Шарофат хола, унинг бу ҳолатига мен сабаб-



чимиканман, деб жуда қўрққан эди, унинг майин қарашидан сал далда топди.

– Ишинг тузукми? – журъатсизгина сўради у.

– ...Ҳм.

– Мени олиб кетгани келдингми ахир?

Акбарали ундан ўзини олиб қочмоқчи бўлгандек нариги дераза олдига борди, тескари туриб жавоб берди:

– Йўқ, бормаймиз, ойи, мен у ердан кетдим...

Шарофат хола шум хабар эшитгандек, ичидан қалтираб кетди. Йўқ, бу гапнинг мазмунидан эмас, соғинган Шодасойга бормайдиган бўлганидан эмас, ўғлининг ғалати товушидан сесканди.

– Бутунлай-а?

–...

– Бошлиқларинг билан чиқишолмадингми?

–...

– Нега ахир, болам?

–...

– Ё бир иш қилиб қўйдингми?

– Йўқ! йўқ! йўқ! – деб бирдан ловиллаб кетди Акбарали. Бўғилиб ўшқирди. – Кетсам ҳақим йўқми? Истаган жойимга боролмайманми, сўрайверасизми? – У асабий ҳолатда ёқасини бўшатиб, тарақлатиб деразани очиб юборди. Совуқ шамол хонага нам ҳаво билан ёмғир томчиларини учириб олиб кирди.

Шарофат хола кўксига қўлини қўйиб, букчайиб қолди. Бу сафар ўғлининг товуши яна ҳам хунукроқ, бегонароқ эшитилди. Бирон кулфатга йўлиққани аниқ, маъюс кўзларида аллақандай ҳадиксираш, дард бор.

– Ўзинг гапирмаганингдан кейин сўрайман-да, болам, Қутавериб... жигарим эзилиб кетди. Ўша гапингдан бери кўзим йўлингда. Ёлғизман. Қариб қолдим... Бағримга босарман деб...

Акбарали дағаллигидан хижолат бўлиб онасининг ёнига келди-да, бошини кўксига босиб, елкаларини силади.

– Ойи... – товуши паст, лекин ҳамон бегона, хаста эди. – Ойи, мен сизнинг олдингизга келдим, сиз билан бирга бўламан. Ишга кираман... Ёмонми, катта шаҳар!

– Нега ёмон бўлар экан, болам, ёмон эмас, тан-жонинг омон бўлса бўпти ишқилиб...

Она шундай деди-ю, лекин кўнглида бир ваҳима темирнинг зангидай ёпишиб қолди. Энди у Шодасойни тамоман унутган, фикри ёди ўғлининг дардида эди: нима бўлди унга? Ишлаб турган жойини бекордан-бекорга ташлаб келаверадими? Ўзича ташлаб келган

бўлса, унда нега бунча изтироб чекади? Бола бечоранинг рангига қараб бўлмайдими. Бир нимани яширяпти? Ё бирон хотин-қиз...

Шарофат хола калаванинг учини топгандек сал ўзига келди, қўли ишга қовушиб, ўғлини ўз ҳолига қўйди. «Бирон қиз важдан бўлса, бир кун эмас-бир кун қулфи-дилини очар ахир», деб ўзига тасалли берди. Уйланмай ёши ўтиб кетаётган ўғлининг гоҳо қизлар ҳақидаги гаплари Шарофат холага ҳамма вақт сирли бир қувонч бағишлар эди. Ҳозир ҳам шу фикр билан юпаниб, ўғлининг ғалати аҳволига чиройлироқ тус беришга уриниб, ўз ишлари билан овора бўлди.

Акбарали бўлса ҳамон камгап, деразага қараб ўйлагани-ўйлаган, соқол олишни эсидан чиқариб қўяр, соқол-мўйлови ўсган ҳолда кўчага чиқиб кетар, қайтиб яна тор уйга сиғмагандек дераза олдида қотиб турар эди.

– Гапирсанг-чи, болам, ўз ёғингга ўзинг қовурилгунча, дардингни айтсанг-чи, – дер эди Шарофат хола кечқурунлари.

– Нимани гапираман? Иш қидиряпман. Топилиб қолар...

Гапиради-ю бошқа нарсани ўйлайди – онаизор билиб турибди. Бир ҳафтанинг ичида сўлиб қолди бояқиш. Дарди бўлакка ўхшайди.

– Мендан дардингни яширма, болагинам, юрагингда борини айтсанг, енгил тортармидинг.

– Нимани айтаман! – деб яна жеркиб берди Акбарали. – Ўз ҳолимга қўясизми, йўқми!!! – У курсини бир тепиб, ташқарига отилди. Эшик тарақлаб ёпилганда онаизор тарсаки еган одамдек кўзини чирт юмиб, кўксини ушлаб қолди. Ўпкаси қисиб, дераза томонга, соф ҳавога интилди. Деразанинг ромини ушлаб пастга қараган эди, бирдан кўзига ажал кўрингандек боши гир айланиб ўзини орқага ташлади. Тўртинчи қават жуда ҳам баланд, кўча ўпқондек чуқур. Шарофат хола сира деразадан пастга қараб кўрмаган экан. Акбарали ҳар куни қарайди. Нега қарайди?..

Она кўнглини даҳшатли ўйлар чулғади, вужудини қўрқинч босиб, деворга суянганча ёлғиз йиғлади. Ўғли бадбахт. Кўриниб турибди – у бадбахт. Қандай касофатни бошлаб келди? Зора унутиладиган бир нарса бўлса! «Иш топаман», деяпти, иш топса балки унут бўлиб кетар...

Шарофат хола дармонсиз юриб бориб каравотига ёйбошлади. Ўғли қайтгунча анча ўзига келиб қолди.

Акбарали этигини мойлатиб, бир оз очилиб қайтди. Дастурхон устида онасининг маъюслигини кўриб, гап очди:

– Сизни хафа қилдим, ойи...

– Иш қидирдингми?

- Яхши иш ваъда қилишяпти.
- Ишга кириб олсанг бўларди. Уч ҳафта бўляпти. Зерикапсан.
- Пулим бор, мана олинг, – Акбарали дастурхон остига анча пул қўйди. – Тузукроқ иш қидиряпман.
- Ҳа, илгаригисига ўхшаш мартабаликкина иш топилсайди...
- Илгаригисини гапирманг! – Акбаралининг товуши яна синиқ косадек жаранглади.

«Йўқ, йўқ, у мени ўйламаяпти. Олам кўзига қоронғи. Худоё худовандо, нима гап ўзи, бу нима азоб?»

Аммо бугун Акбарали ухлади, унча ётоқчиламади. Шарофат хола ҳар кеча унинг уйқусини пойлайди. Уйқусинигина эмас, умуман, ўзини ҳам, негадир деразани ҳам пойлайди, ухламайди. Хайрият, бугун Акбарали тузук ухлади, ҳатто жиндек хуррак ҳам отди бир зумгина.

Бунинг устига, эртасига «ишга кирдим» деб ҳам келди. Ўтириб нонушта қиладиган бўлди. Иштаҳаси тузук, баъзан гаплашиб ҳам ўтиради. Шарофат холанинг кўнгли жойига туша бошлади. «Шукур-эй, болагинам-эй, жонимни ҳалқумимга келтириб, тоза юрагимни ёрдинг-ку...» дерди ўзига-ўзи уйда ёлғиз қолганида. У ўғлига тинмай парвона бўлар, ишдан кутиб олар, эрта туриб кузатиб қолар, кийим-бошини ювиб-тозалаб, гўжасини, маставасини вақтида иситиб берар, ҳориб-чарчаб кечалари тош қотиб ухлар эди.

Акбаралининг ҳам рангига қон югурди, унинг юриш-туришида сал-пал паришонлик бўлса ҳам, илгаригидек эмас.

У комбинатга электрик бўлиб ишга кирган эди. Қиши билан янги цехни ишга туширамиз, деб ҳар куни ҳамма қатори тонгдан шомга қадар ишда бўлди. Баъзан кечалари ҳам чақириб қолишса, йўқ демай, брезент шимини кийиб, шалдир-шулдур занжирли «темир тирноқ»ларини елкасига илиб чиқиб кетарди. Одам қаторига кириб туппа-тузук бўлиб қолди. Келган кунларидаги кайфияти зерикишдан экан-да. Ишга кирди дегунча ўзгарди-қўйди. Шарофат хола ҳам худди шундай бўлар, деб ўйлаган эди. Меҳнатда гап кўп.

Баҳор яқинлашиб қолди. Қиш бўлмади деса ҳам бўлади, ёмғир билан ўтиб кетди. Тўртинчи қаватнинг деразасидан бутун шаҳар фақат томлардан иборат бўлиб кўринарди; қизил, кўк тунука катакларини, чеккароқ маҳаллаларнинг сарғиш черепица томларини ёмғир топ-тоза қилиб ювган. Қаердадир, уфқнинг нарёғида эрта баҳор момақалдироғининг сўнги, бўғиқ гулдуриси эшитилади.

Акбарали очиқ дераза олдидан туриб, ошхонага чиқди-да, газ плитанинг қулоғини буради, канфорка шарақлаб қайнаётган рух чойнак тагидаги зангори тилини лип этиб ютди.

Товоқчада қаймоқ кўтариб кириб келган Шарофат хола ёмғир суви сирқиб турган нимчасини бошидан олиб қозиққа илди.

– Оби нон билан мана бунни еб ол-чи, болам, ҳозир чой дамлаб бераман.

Акбарали эринибгина келиб столга ўтирди. У энди ўттизлардан ошган бўлса ҳам, юзига бевақт кексаликнинг нуқси уриб қолган, тароқсиз сочларига оқ оралаган, ҳорғин, сўлғин эди. Шарофат хола чой дамлаб келиб, нон ушатди, ўзи ҳам ўтириб, узун уҳ тортди.

– Зинасидан чиқолмайдиган бўлиб қолдим, болам, нафасим қисади.

Акбарали унга ачиниб, меҳр билан қаради-ю, индамади. Онаси кекса, сўнгги ойларда гавдаси бирдан чўкиб, чеҳраси камдан-кам очиладиган бўлиб қолган эди. Акбарали унга қараб-қараб қўйди, лекин назари тобора маъносизланиб, кўзлари ҳеч нарсани илғама-ётгандай бўлиб қолди, хаёли бошқа ёққа оғди шекилли. Онаси яна гап бошлагандагина, беихтиёр ўзига келиб, қаймоққа нон ботирди.

– Қирда лола гилам бўлиб кетибди, дейди. Болалар кучоқ-кучоқ қилиб териб келишган экан, ҳаммасининг баргида шундоқ ғубор.

– Ёмғир ҳам ювмабдими? – ҳафсаласизгина сўради Акбарали чой хўплаб.

– Ёмғир ҳам юволмабди, қурум-да қурум. Бу комбинатларингнинг мўрисидан озмунча гард учадимми?

Акбарали индамас, иштаҳасиз нон чайнар эди. Онаси давом этди:

– Ўзимизнинг Шодасой лолалари эсингдами, ўтдек ёнарди-я! Гард-ғубор йўқ, шабнам қўнса анор донасидай қизариб, милтиллаб турарди.

– Айниқса тегирмоннинг пастида... – деди Акбарали бирдан товуши юмшаб. Ажинлари ёзилиб, юзида болаларча соддалик пайдо бўлди. – Чимликсой бўйида тўп жийда билан тераклар ҳам турганмикан?

– Тургандир шовуллаб, – деди она ҳам масъум чеҳраси очилиб. – Болаликда югурган сўқмоқларинг шундоққина кўз ўнгимда турибди. Манзуралар билан шийпонда ётиб қолганларингда азонга-ча хавотир олиб қалтираб чиққанман. Сутдек ойдин эди...

– Хавотир олиб нима қилардингиз... – деди секин, ширин хотиралардан бўшашиб кетган Акбарали. – Чўмилганмиз ойдинда... Шодасойнинг сувидан мусаффо сув йўқ.

– Одамларини айтсанг-чи, болам!..

– Манзура тушимга кирса нуқул эски Чоргузарда кўраман... Клубнинг олдида-чи, ҳов мажлис бўладиган жой...

– Нега билмас эканман Чоргузарни!..

– Хидирали бува оқшомлари сада тагига шакароб қилиб сув сепганида, қуёш тапти аралаш райҳон ҳиди анқиб кетарди. Ҳали-ҳали димоғимда турибди...

Шарофат хола ўғлининг ҳам товушида ажиб қўмсаш оҳангини, кўзларида маъюс хаёлчанликни сезиб, эски дарди лип этиб юзага чиқди. Иссиқ кафтини унинг қўлига қўйди.

– Қайтиб кетайлик, болам, – деди паст товуш билан, ялингандек, – мен ҳам бамисоли пишиб турган меваман, бугун бор, эртага йўқ, болам. Қишлоғимизга қайтайлик.

Акбарали қўлини тортиб олди, ўрнидан туриб сутнинг кўпигидай кўтарилиб кетди. Ширин хотиралар ҳам, хаёлчанлиги ҳам бирдан йўқолган эди.

– Қишлоқ йўқ ҳозир у ерда, неча марта айтаман сизга, шаҳарча, кон шаҳарчаси бўлиб кетган.

Шугина гапни секинроқ айтса ҳам бўларди. Онасини яна ранжитди. Шарофат хола дастурхонни йиғиштирар экан, ер остидан ўғлига қараб қўйди. Энди у билан гаплашиб бўлмаслигини билиб:

– Жаҳлинг чиқмасин, болам... – деб қўйди.

Акбарали қовоғи солинганча коржомасини қўлтиқлаб ишга кетди. Рўмоли елкасига тушган Шарофат хола бояги ўрнига мукка тушиб, оппоқ бошини икки кафти орасига олди. Момақалдиरोқ худди том тепасида қаттиқ гумбурладию деразалар бирдан қоронғилашиб, шаррос ёмғир қуя бошлади.

Она-бола ўртасида бундай суҳбат биринчи марта бўлаётгани йўқ. Гап ўзидан ўзи бошланиб кетади-да, охири дилсиёҳлик билан тугайди. Кейин, «Бир чехраси очилиб келса эди», деб кечгача йўлига кўз тутади онаизор.

Йўқ, ишга жойлашгандан кейинги биринчи қувончлар кўп ўтмай сўнди. Акбарали яна бояги-боягидай руҳсиз, қутсиз, индамай кириб келиб, кийимини ҳам ечмасдан каравотга ўзини ташлайди. Бирпасдан кейин туриб яна дераза олдига боради, столда чой совиб, онаси баъзан ўтирган жойида мудраб қолганини ҳам сезмайди.

Хаёлида такрорланавериб, занглаган мих билан ўйиб ёзилгандек хотирасига ўрнашиб қолган ўша совуқ куз, ўша воқеалар яна кўз ўнгига келади. Ёлғиз қолдими – келиб чирмашаверади. Ёлғизлик эса унга ҳамиша йўлдош. Кўпчилик орасида ҳам, онаси билан ёнма-ён ўтирганда ҳам у ёлғиз. Хаёлида ўша ўйларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ўша воқеаларни хаёлидан кун-бакун ўтказиб, ўзига нажот излайди. Тополмайди...

...Шодасойда қаёқдан ҳам пайдо бўлди у киши! Оти Бектемир эди. Акбарали унинг отини тилга олгиси келмайди, қўрқади. Уйқуда алаҳсираб айтиб қўйиши бор.

Кечаси келиб деразани тақиллатди. «Оч, Бектемирман. Дадангнинг ўртоғиман», деди.

Акбарали унақа одамни билмасди. «Дадангнинг ўртоғиман», деганидан кейин, туриб эшикни очди. Ҳали-ҳали кўз ўнгида турибди: бир кўзи кўр эди бу одамнинг. Кириб келиши билан брезент қалпоғини елкасига туширди-да, Акбаралини ўз боласидай бағрига босди. Ундан димиққан хом тери ҳиди келарди.

– Акбаралимиди отинг?

– Ҳа.

У халтасини бурчакка қўйиб, ёмғирлигини ечди. Устида пиджачи ҳам йўқ, қўйлакчан эди. Акбарали шунча тикилса ҳам танимади. Лекин отаси тенги одам эди. Жуда узоқлардан, кўп қийинчиликлар кўриб келган бўлса керак, ниҳоят бошпана топганидан руҳи тетик, жиҳозларга тикилиб-тикилиб қарар, иссиқ печкага қўл теккизиб кафтини кафтига ишқар эди.

– Чой қўйиб юбор. Ойинг йўқми?

Меҳмонга чой қўйиш эсига келмабди. Шошиб қолди Акбарали. Чойга уринди.

– Ойим... бошқа эр қилиб кетганлар.

– Э-ҳа... – деди Бектемир чўзиб. Стол ёнига ўтириб, ўз уйидагидек энгини шимарди. – Шундоқ дегин, – деди яна ўйчан. У Акбаралидай баланд бўйли, юзини чуқур ажинлар тилкалаган, кўр кўзи юмуқ, ичига чўккан, қора, чўтир одам эди. – Биз даданг билан урушга бирга жўнаган эдик... Бир эшелонда, – деди бошқа сўз тополмагандай. – Капсанликман, ҳов тоғдан.

Шугина экан-ку. Акбарали, дадамга жуда яқин одаммикан, деб ўйлаган эди. Ҳафсаласизгина чой дамлаб келди.

– Дадам урушнинг биринчи йилиёқ ҳалок бўлган, – деди.

– Биламан. Эшитган эдим.

– Ҳозир қаёқдан келяпсиз?

– Бунинг тарихи узоқ... – деди меҳмон. У чой хўплади-ю, ҳеч нарса емади. Бошидан кўп савдолар ўтганлиги кўриниб турарди. Чиндан ҳам тарихи узоқ экан, кечаси билан гаплашиб чиқишди.

Бектемир 1942 йили Моздок яқинида қуршовда қолиб, уч ой жанг қилгандан кейин, очликдан сулайган, ўқ-дорисиз ўн етти ярадор билан бирга душманга асир тушди. Дармонга кириб олай, сал ўзимга келай, деб лагерма-лагер юриб, ҳамма танишларини йўқотди. Уларни бир жойда узоқ тутишмас, дам аллақандай ер ости

корхонасига, дам тоннел қурилишига, дам тош карерига қўйишар, кечалари билан нотаниш йўллардан колонна қилиб ҳайдашар эди. Бектемир бу йиллар ичида не-не одамларни, не-не азобларни кўрмади, бир неча тилларни ўрганди, неча-неча ўлимлардан қолди, неча хил касалликларга йўлиқди. Энди унинг бир кўрмагани ўлим эди. Ҳамма нарсадан умид узиб, ўлимни кутар эди у.

Урушдан кейин уларни ҳамма унутиб ташлаб кетган асирлар лагеридан америкалик солдатлар келиб қутқазди. Шундан кейин Бектемир ажалга чап берди ҳисоб-у, лекин энди унинг учун дарбадарликнинг янги даври бошланган эди. Европада элма-эл судралиб юриб ризқини терди, икки соғлом қўлидан бўлак таянчи йўқ эди. Гапларга қараганда, Ватанга қайтиш хавфли, у ерда унга ўхшаганлар учун яна лагерлар тайёр эмиш...

Лекин йўқ, ватангадоликнинг азоби гўр азоби билан тенг экан. Ўн уч йил саргардонликдан кейин юрагини ҳовучлаб бўлса ҳам юртига қайтди. Қайтиб келса, «Яхши қилибсиз, боринг, оилангиз билан тирикчилигингизни қилинг», дейишибди.

Бектемир пешанасига тарс этиб урди, ўрнидан туриб кетди.

– Келганимдан бери биронта танишга кўринганим йўқ, сени қора тортиб келдим, Акбарали. Дадангни яхши кўриб қолган эдим, келишим билан лоп этиб эсимга тушди...

– Овқатдан олинг, Бектемир ака...

Бектемир дастурхонга қаради-ю, ҳеч нарсани кўрмади, у изтиробда эди.

– Менга қара, мен... мен бир иш қилишим керак. Нимадир қилишим керак, биласанми!..

– Бола-чақа омон эканми?

– Ҳа, хотиним, қизим... Лекин ҳали уйга борганим йўқ, юрак дов бермаяпти.

– А?

– Улар менинг тирик эканимни билишмайди. Қайси юз билан бораман? Нима деб бораман? – Бектемир яланғоч кўксига, юрагига, чўнтақларига шапатилаб, жаҳл билан гапирди: – Нима билан бораман? Мен... бир иш қилишим керак.

– Ишга кириг.

– Ҳа, аввал – иш. Сенга келганимки... менга бир иш топиб бер, ука. Шундай касб керакки, қасд қилиб қўйдим: кечаю кундуз ишга шўнғиб кетай. Токи одамлар мени кўрмасин, фақат меҳнатимни кўришсин. Меҳнат! Меҳнат! Меҳнат!

Бошқа нарса керак эмас. Шундагина бир кун и бориб хотиним билан қизимнинг оёғига бош қўйсам, балки гуноҳимдан ўтишар. Акбарали, ука, сенга ёрилдим, ёрдам қил...

– Акбарали! Ҳов, Акбарали!

Мудраб ўтирган Шарофат холанинг қўзи очилиб кетди. Қараса, Акбарали ҳамон дераза олдида турибди-ю, кўчадан чақираётган ўртоқларининг овозини эшитмаяпти.

– Болам, чақирешяпти.

Акбарали хаёл чангалидан базўр қутулиб, толғин киприкларини тез-тез қоқди-да, пастга қаради.

– Ҳозир. Абдусамад!

Кийина бошлади.

– Чой ҳам ичмадинг.

– Ичгим келмаяпти. Буфетда ичарман.

Майли. Хайриятки танишлари, ўртоқлари пайдо бўла бошлади. Ўшалар билан бўлса, яхши-яхши ошна-оғайни орттирса, алахсиб кетар, унутилар ер юткур азобли ўйлари.

Шарофат хола билса экан бу ўйларнинг нималигини! Она у ёқдан ҳам ёндашиб кўрди, бу ёқдан ҳам. Айтмади. Айтмайдиган гапга, битмайдиган ярага ўхшайди. Ишқилиб, энди янгиланмаса бўлгани. Ўғлининг мана шу ёр-дўстларидан умиди катта.

Ойлар ўтиб, Акбарали анчагина ўртоқлар орттирди. Худди Шарофат холанинг ўйлаганидек, юзига ранг, овозига жаранг қўшилиб яна бир оз очилди ўғли. Ўртоқлари билан «гурр» этиб кириб келар, «гурр» этиб чиқиб кетар эди. Футболгами, лола сайлигами – она учун барибир. Ишқилиб, барака топкур ўртоқларининг шовқин-сурони билан андармон бўлса бас.

Ўртоқлари ажойиб. Бири бўйдоқ, бири бола-чақали, бири техник, бири ишчи, лекин бир-бирини учратганда бари шалдир-шулдур; ҳазил кулгидан тинмагани-чи буларнинг! Шарофат холанинг ҳаваси келади: пешанаси ёруғ оналар ҳам қўп. Мана, Абдусамад деган дали-ғули, бақалоқ шофёр буларга жўрабоши. Ўзи ҳам зерикш нималигини билмаса керак. Билмаган нарсаси йўқ: футболни ҳам ипидан-игнасигача билади, ойга учган йўлдошни ҳам. Комбинатда «Ўртоқлик суди», «Бахт саройи» деган гапларни ҳам шу ўйлаб чиқарди, елкага кичкинагина приёмник осиб юришни ҳам шу расм қилди. Қаерга борса ёш-яланг ёпирилиб шунга эргашгани-эргашган. Шу Абдусамад жўраларини бошлаб келса Шарофат холанинг ўғлидан кўнгли тинч, қўл қовуштириб ўтириб шуларнинг ҳазил-мутуйибасига қулоқ солади, ўғлининг уларга чой дамлаши, алланималар устида гап талашишини жилмайиб томоша қилади.



Йигитлар Акбаралиникига тўпланишни яхши кўришади. Шарофат хола беозор хотин, бола-чақа йўқ, холи жой. Бир куни қандайдир цех бошлиғини пенсияга кузатиб қайтаётиб, бир пиёла чойга киришди. Ҳаммалари ҳам ширакайф экан, киришлари билан электр пайровида аския бошланиб кетди. Пензионернинг счётчи ги ишламай қўйгани-ю, комбинат директорининг ёрғоқ боши уч юз шамли лампадек чарақлагани ҳам қолмади, секретарь қизнинг чирсиллаб кетгани ҳам қолмади, хуллас, алла-паллагача бўлди кулги, бўлди кулги.

Бир вақт қарашса, Акбарали юмшоқ курсига чўкиб, бош эгиб ўтирибди, қовоғи солиқ. Гўё битта ўзи, атрофда кулги, қаҳқаҳа-ю қувноқ ўртоқлари йўқдек. Хушчақчақ шовқин бирдан тинди. Меҳмонлар бир-бирларига, кейин соатларига қарашди, ўнғайсизланиб ўринларидан туришди. Шарофат хола ҳам кўксини ушлаб, безовталаниб қолди. Ўғлининг таниш бу ҳолати зумда онанинг кўнглини ғаш қиладиган бўлиб қолган эди.

Акбарали ўртоқлари билан хайрлашмади ҳам. Онаси уларни кузатиб қайтиб кирса, ўғли кийим-боши билан каравотда чўзилиб ётибди.

– Болам...

Акбарали эшитмади. Унинг фикри ёди яна ўша бир кўзли Бектемирда эди.

Ҳар бир сўз, ҳар бир тафсилот яна хаёлидан лип-лип ўтарди: «Ёрдам бераман, нега ёрдам бермас эканман. Конга олиб борай, кўринг. Ишга кириг. Меҳнат десангиз, меҳнатнинг зўри шу ерда».

Ўшанда эртасига у дадасининг ўртоғига конни кўрсатадиган бўлди. Қуёшли куз эртаси жуда чиройли эди. Йўл бўйидаги қайрағочларнинг шапалоқдек-шапалоқдек қизғиш барглари оёқ остида шитирлайди, кўлмак сувлар жимирлайди. Тоғ шабадаси Шодасойнинг совуқ шовқинини дараларга таратмоқда, узоқда қорли чўққилар қуёшга ўчакишгандек йилт-йилт чарақлайди, кунгай ён бағирларда саф тортган арчалар қорайиб кўринади. Сўқмоқ йўл қадам сайин юқорига ўрлаб боради, пастда эски Шодасой қишлоғи сарғиш дарахтларга бурканиб ётибди, сал берида унга туташиб кетган кон шаҳарчасининг тунука томлари. Кончилар сменадан чиққандан кейин уйга қайтадиган йўлни зап манзарали жойлардан солишибди-да! Кела-келгунча ҳордиғи ҳам чиқиб кетса керак.

Йўлда дуч келган одамлар Акбаралини таниб салом беришар, булар иккаласи баробар алик олиб, шошмасдан гаплашиб, атрофларни томоша қилиб боришар эди. Бектемир ўз сменасига кетаётгандек, кўнгли яйрайди. Агар у конга ишга кириб олса, ҳар куни

мана шу йўлдан юради. Неча йиллардан бери биринчи марта ўз одамлари ичида, ўзи учун енг шимариб, терга ботиб, яйраб меҳнат қилади. Кейинроқ хотини билан қизини кўчириб келиб, уй-жой ҳам қилиб олса! Бектемирнинг бир вақтлар ўйлашга ҳам юраги дов бермай юрган орзулари шу эмасмиди? Акбарали бунинг нималигини тушунмайди, унинг учун бу оддий бир иш куни. У шунчаки, йўл-йўлакай бир танишини бошлаб, ўзининг одатдаги сменасига кетяпти. Кончилар киядиган петлицали қора пиджагини билагига ташлаб, тор сўқмоқдан меҳмонга йўл бериш учун четдаги шағал уюмлариини шақир-шуқур босиб одимламоқда. Бектемир унинг офтобда тер томчилари йилтиллаган юзига қараб қўйди.

Акбарали отасига унча ўхшамас, новча, ингичка, камгапроқ эди. Лекин кечасидаги ҳикояларидан кейин оқ кўнгил Бектемир ака унга ёқиб қолди, ота ўрнига меҳрибон бир одам орттиргандек бўлди Акбарали.

– Уйланмабсан-да, чакки қилибсан... – деди Бектемир ака.

Акбарали ерга қараб кулиб қўйди.

– Ҳа, майли, ҳали кеч эмас. Менинг қизим ҳам бўйи етиб қолган-дир. Онасига тортган бўлса дўндиққина бўлиши керак, олиб келаман, кўрасан. Ёқтирсанг сенга бераман, Худо хоҳласа.

Акбарали яна кулиб қўйди. Конга яқинлашиб қолишган эди. Қирлардан, жарлардан ҳатлаб осма вагонеткалар ғизиллайди. Ташландиқ жинслардан пайдо бўлган тепаликлар дам қизғиш, дам кўнғир рангга кириб товланади. Кон яқинида улар сув сепилган кенг асфальт йўлга чиқишди.

– Мени киргизишармикан? – деб сўради Бектемир.

Руда ортилган МАЗлар ўтиб борарди, Акбарали эшитмади.

– Ҳужжатим йўқ, киргизишармикан?

– Мен бор-ку! – деб қичқирди Акбарали кулиб. Эшитмади деб ўйлаб, кўкрагига уриб кўрсатди: – Мен, мен! Мана бўлмаса, кийиб олинг, буни кўрса тўхтатиб ўтирмайди, – дея пиджагини ирғитди Акбарали. Бектемир ака пиджакни илиб олиб, кийди.

– Ярашди, ярашди! – деб қичқирди Акбарали. Иккаласи ҳам хандон ташлаб кулди. Бу вақт МАЗлар ўтиб бўлган эди, кон оғзида уларнинг кулгиси янграб эшитилди, тоғлардан бир зум акси садо келиб турди.

– Энди сенинг ўзингни киргизмаса-чи? – деб кулди Бектемир ака йигитнинг яна ҳам ингичка тортган кўйлақчан гавдасига қараб.

– Мени танишади, – деб қўл силтади Акбарали. – Пропуск олсак ҳам бўлади-ю, идора узоқ. Битта ҳийла ишлатайлик-чи, ўтарми-

кан. – Иккаласи яна яйраб кулди. Бектемир ака устидаги формали пиджакка қараб-қараб қувонарди.

– Эрта-индин ўзимга ҳам тегади Худо хоҳласа.

Қоровулхонада уларга ҳеч ким индамади, йўлакда қўлларига биттадан карбид фонари олиб бошларига каска кийишди-да, конга кириб кетишди.

Тоғ қаърининг зах совуғи бирдан кўкракка урди. Пиёда юрадиган тахта йўлак зах девор бўйлаб борар, темир йўл излари учрашган чорраҳалардагина тоннель бир оз кенгайиб, ёруғ майдонларга олиб чиқар эди. Бектемир ака бош устидаги йўғон-йўғон кабелларни, иссиқ-совуқ сув, ҳаво қувурларини, электр, телефон симларини ушлаб қўяр, Европада ишлаган конларини гапириб, чироқсиз, ҳавосиз, худди кўркаламушдек ер қазиганларини эслаб, у ерларда инсоннинг хорлигини сўзлаб борарди. Улар узоқ юришди. Тепадан чакка томиб баданларни жунжиктиради, руда ортилган вагонетка эшелонлари ўтганда, қулоқларига бармоқларини тикиб, деворга ёпишганча тўхтаб туришади. Неча-неча «тор кўча»ларга кириб чиқишди, узоқ штрекларга бориб келишди, забойларда одамлар билан гаплашишди, бир ярим соатча юргандан кейин орқага қайтадиган бўлишди.

– Ҳа... – деди Бектемир ака, – аввал ёрдамчи бўлиб бирон касбга зехн солиб юришга тўғри келади. Мураккаблашиб кетибди...

– Нима бўлса ҳам кончи бўлдингиз энди, Бектемир ака, – деди Акбарали.

Тоғ қаъри жимжит бўлиб қолди. Тахта йўлак тагида шилдираб сув оқар, чироғини силкиб олдинда кетаётган Бектемир ака ўйчан жилмаяр эди: у чиндан ҳам кончига ўхшайдими?

Бир маҳал муюлишга келганларида қаердадир чақмоқ чақилгандек бир нима йилт этди-да, иккалаларининг ҳам кўзлари қамашиб, бир зум ҳеч нарса кўрмай қолишди. Сўнгра зулмат таралганда, бир-бирларига савол назари билан қарашди. Бектемир ака темир йўлдан сакраб ўтиб, олдинга югурди. Нарироққа борганларида бир нима чирс-чирс этиб, яна чақмоқ чақилди.

– Бу ёқда! – деди Бектемир яна олдинга югуриб.

Ҳўл тахталар устидан олдинма-кейин югуриб, тойиб қоқилиб бир жойга етиб боришса, йўл четида деворлари бетонланган катта камеранинг шифти ўпирилиб, йўғон рельслардан ясалган темир балкаларнинг бир учи муаллақ осилиб ётибди. Бутун темир балкалардан пайвандлаб ишланган оғир шифт бир четидангина илиниб, лопиллаб турар, ҳар лопиллаганида аллақасерида чирс-чирс

электр чакмоқ чақиб бутун штрекларни дам чарақлаган шуълага, дам зим-зиё қоронғиликка ғарқ этар эди.

Акбарали яхлит темир шифтнинг ваҳимали лопиллашиданми ё кўзлари ҳеч нарсани кўрмай қолганиданми, ўзини йўқотиб бақира бошлади:

– Эҳтиёт бўлинг, қочинг, Бектемир ака!

Электр ҳамон чирсиллаб кўз очирмас эди, улар бир-бирларини қаерда турганларини овозларидан, нафас олишларидангина пайқашар эди.

– Трансформатор! – деб қичқирди Бектемир. – Ҳозир балкалар босиб тушса, трансформатор портлайди! Бу – ёнғин деган гап, забойларда одам бор! Бу ёққа юр!

– Қочинг! Нима қилмоқчисиз?

– Трансформаторни ўчириш керак, портлайди!

– Қочинг, босиб қолади ҳозир!

– Ўчириш керак, фалокат юз бермасин, қаёқдасан?

Чирс-чирс чакмоқ чақилар, темир шифт даҳшатли лопиллар эди. Бектемир унинг тагига кириб, қайтиб чиқди.

– Дастага бу ёндан яқинлашиб бўлмайди, кўзга уряпти. Қаёқдасан, кўтар буни! – У девор тагида турган қандайдир эски яшикка ёпишди.

– Қочинг деяпман, Бектемир ака! Ана тушяпти! – деб бақирди Акбарали. Бектемир бўлса бўйин томирлари ўйноқилаб яшикни силжитар эди, яшик оғир, жиққа сув, четларига бетон ёпишиб қотган...

– Кўтаришвор! Бир зумда ячейкадан ошиб тушиб ўчириб чиқаман! Қаёқдасан?

Чирс-чирс этган ўлик шуълада Акбарали унинг қонсиз юзини, оғирлик зўридан соққадай бўлиб кетган ёлғиз кўзини сўнгги марта кўриб қолди.

– Қаёқдасан?!

– Қочинг, Бектемир ака! Тезроқ қочинг, портлайди!

Акбаралининг товуши ўзига ҳам аллақайлардан эшитилгандек бўлди. Қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмасдан, қоқила-сурина қочар, бақирар эди. У негадир бирдан дармонсизланди, томоғи хириллаб, овози чиқмай қолди, чаккасини ушлаган кўлида қон юқини кўриб яна ваҳимаси ошди. Узоқда туйнукдагидек бўлиб кун ёруғи кўринганда ҳаммаёқда чироқ ўчди. Йўллар, штреклар зим-зиё бўлиб қолди. Шу пайт орқада бир нима гурсиллаб, узоқдан мудҳиш фарёд эшитилди. Бу аччиқ товуш оёғидан чалгандек, Акбарали қоронғида зах деворга юзи билан суялиб қолди. Бироқ штреклардан нимадир гувиллаб уни қувлаб келаётгандек эди, ҳа-

лиги товушнинг тоғ қаъридаги акси садоси эшитилди қулоғига. У тупроқ деворга суйкалиб, тармашиб олдинга силжиди, нафаси бўғилиб, узоқдаги кун ёруғи уни ўзига тортаётгандек эди. Ҳалиги товуш... Бектемирнинг товуши. Уни темир балкалар босиб қолди.

Улгурмади. Трансформаторни ўчирди-ю, ўзи чиқиб олишга улгурмади... Қочиш керак, энди қочиш керак!

Кимдир кўрқмади, у кўрқди. Бир зумгина кўрқди. Бир зум... Бир зум. Ўша ҳал қилди. Қайтмоқчи ҳам бўлган эди, қайтмади. Яшик... оғир, цементли яшик... Қайтмади. Кўрқди. Бир зумгина кўрқув... Энди қочиш керак! Қочиш керак!

– Қочиш керак!!!

– Болам, Акбарали! Менга қара, ўргилай, ағдарилиб ёт, болам, босинқираяпсан...

Акбарали ўрнидан сакраб туриб, чаккасини ушлаб кўрди – қўлида қон юки йўқ эди. Рўпарасида, ранги қув ўчган онаси турибди.

– Ухлаганга ҳам ўхшамайсан, болам. Нимадан кўрқдинг, ёмон туш кўрдингми?

Акбаралининг кўз ўнгида ҳамон Бектемир турарди. Лекин Бектемир йўқ. Бектемир темирлар остида мажақланиб кетган... Акбарали хунук тушга ўхшаган бу ўйларини улоқтириб ташламоқчи бўлгандек кўзини юмиб, бошини силкиди. Боши тошдек оғир эди...

У қочиб келди. Қочиб қутуламан деб ўйлади. Лекин одам ўзидан қочиб қутулолмас экан. Калласи ҳам, кўкси ҳам бўм-бўш...

Ўртоқлари келганда яна ўзини четга оладиган бўлди. Хола разм солса, орада энг камгап, камсукуми шу. Кейинроқ ошналари чақириб келса ҳам, «Чиқмайман» деб жавоб берадиган бўлди. Ўшандан бери шериклари ҳам келмай қўйишди. Акбарали уларга қулфи-дилини очолмади, эл бўлолмади.

Дардингни айтолмаганингдан кейин эл бўлолмайсан-да.

Шундай вақтлар ҳам бўлар эканки, дўстларингдан, одамлардан нажот сўролмайсан, ўзингни ўзинг ҳимоя қилолмайсан, ўз орзуларинг юзига ўзинг тупроқ тортиб, жон ришталарингни ўзинг қирқасан.

У яна ўша-ўша, гарданидан босган кўринмас юкдан букчайиб, дардини бировга айтолмай ё ишида завқ, ё уйқусида ҳаловат, ё ошида таъм сезмай кунларни, ойларни ёлғиз, ер сузиб ўтказди.

Онаси унинг ҳам, худди ўзидек, туғилиб ўлган жойларини қаттиқ дард билан қўмсаганини сезар, билар эди. Шодасойга қайтишса, балки кўнгли ёришиб кетармиди, у ерда уни ҳамма билади, дардини айтишининг ҳожати йўқ, айбдор бўлса кечиришар... Дардини

ичига ютиб юраверса, бир умр қаддини кўтаролмайди. Қайтиш керак.

Бир чеккаси, албатта, ўзининг ҳам Шодасойни яна бир кўриб, тупроғини кўзига суртгиси келганидан, Шарофат холанинг кўнглига бу фикр яна келиб ёпишди:

– Манзура тушмагур ҳам бола-чақалик бўлиб кетгандир, – деди у ўғлига яна бир куни кечқурун.

– Бўлмаса-чи, – деди Акбарали, – шу вақтгача.. – Қулоғида бўлса узоқлардаги Бектемирнинг бўғиқ овози янграрди: «Менинг қизимнинг ҳам бўйи етиб қолгандир. Олиб келаман, кўрасан. Ёқтирсанг, ўзинга бераман, Худо хоҳласа...» Акбаралининг бадани увушиб кетди, бу товушдан қочмоқчидек, бошини буркаб ётди.

Қиш эди. Деразадан телевизион антенналарнинг изғиринда хуштак чалгани эшитилди. Онаси ҳам гапнинг дилсиёхликка айланишидан қўрқиб жим бўлди. Алламаҳалгача изғириннинг совуқ хуштагидан бошқа овоз эшитилмади.

Бир бемаза қиш бўлдики, қорасовуқ, тўнғак кўчирадиган аччиқ изғирин жонга тегди, яланғоч дарахтлар ҳам, ер ҳам қоп-қорайиб, фиғони чиқиб ётгандек. Бир мусаффо қор учқунлаб, бу ҳавонинг ғуборини олиб кетса-чи. Кейинги пайтларда ўпка қисиши яна зўрайган Шарофат хола ўғли ишга кетганда ёлғиз деразага қаргани юраги безиллаб ўтиради. Олам бўм-бўш кўринади кўзига. Оҳ деса оғзидан олов чиқади. Бир сув сепиб ҳовли супурса, келини билан гап талашиб хумордан чиқса, қатиқ увитиб, девор рахнаси-дан қўшнисига узатса нафаси очилиб кетармиди. Тавба, суқсурдек ўғил ўстириб, шуларга зор бўлиб ўтирса энди...

Бир куни тушдан кейин салмоқлаб лайлакқор ёғиб бердики, шаҳарнинг чеҳраси очилиб кетганидан болалар кўчада «Офтоб чиқди оламга»ни айтиб юборишди. Офтоб қаёқда, пар ёстиқ тўзғигандек, осмон оппоқ бўлиб ётибди. Ёпирай, шунинг ҳаммаси ерга тушармикан?

Шарофат хола кечгача деразадан кўз узмади. Хамирдан хабар олди-ю, яна келиб ўтирди. Лайлакқор. Зап топиб айтган-да одамлар. Қанот қоқмай, аста учиб келиб қўнади...

Шарофат хола бирдан ўрнидан туриб, манглайини деразага босди.

– Субҳон олло... Субҳон олло! – деди ранги оқаринқираб. Йўлкада, булдуруқ боғлаган оппоқ акация тагида келишгангина бир қиз билан Акбарали турарди. – Тушим бўлмасин тагин, – деб Шарофат хола юз-кўзини сийпади, бир нималар деб пичирлаб икки елкасига куф-суф қилди.

Қиз билан йигит бир-бирларига муҳим гаплари бўлмаса ҳам, афтидан, ажралолмай туришар, лайлакқорни кафтларига қўндириб, эриб кетишини томоша қилишар, қиқирлаб кулишар эди. Акбаралининг кулиши Шарофат холанинг юрагини ўйнатиб юборди. Ўйлаб қараса, кўпдан эшитмаган экан унинг кулишини. Қиз ким бўлди экан, Шарофат хола уни ҳеч кўрмаган, кўрган бўлса узоқдан ҳам танир эди. Тўртинчи қаватдан иккаласи ҳам паканагина бўлиб кўринади, бошлари, елкалари оппоқ. Қизнинг қомати дуркун, пошнаги туфлиси билан оппоқ ерни тўхтовсиз таптайвериб ғалбир қилиб юборибди, сумкачасини ўйнаганча баъзан эркаланиб, қийқириб кулар, Акбаралидан кўз узмас эди. Шарофат холага у жуда қадрдон кўриниб кетди: «Овла, гиргиттон, болагинамнинг кўнглини овла. Ўлиб бўлдим-ку... – Хола деразага пешанасини тираб йиғлаб юборди. – Хайрият-эй, худога минг қатла шукур! Астойдил бўлсин, ишқ-муҳаббат бўлсин ишқилиб. Ёш кўнгилнинг кўчаси кўп. Дўстлари билан юпанмаса, қайлиғи билан юпанар. Кўнгил савдосидан зўри йўқ, у бошқа ҳамма гарду ғамни юрагидан сиқиб чиқаради. Рост бўлсин, илоҳи, омин, рост бўлсин». Шарофат холанинг бирдан-бир илинжи шу бўлиб қолди. Дармон ҳам киргандек у-бунга баҳона қилиб ивирсир, ўғлини узоқ йиллар кўрмагандек эшикка кўз тутар эди. Уни Шодасойдан кутганда ҳам бунчалик илҳақ бўлмаган.

Акбарали ҳақиқатан ҳам одатдагидан бошқачароқ бўлиб кириб келди. Соқоллари тоза қирилган, ўзи ҳам бир оз яшаргандек. Ойиси ҳам ҳеч нарсани билмагандай, унга зимдан разм солиб, дастурхон тузади. Акбарали яхши кўрган шовласини иштаҳа билан тушириб, форточкаларни очди, ҳуштак чалиб у ёқ-бу ёқни айланди.

– Ойи, кўкламда мана бу болохонани ойнавонлик қилиб, тузатиб олиш керак.

Унинг овози жуда тиниқ эди, Шарофат хола тўлқинланганидан жавоб беролмади. «Ойигинанг ўргилсин, кўнглимда нималар бўлаётганини билсанг эди! Наҳотки ўша ўзимнинг Акбаргинамни янгиттан топган бўлсам?!»

Акбарали бўлса ҳамон шўх ҳуштак чалиб, уч ойдан бери гапирмай ётган эски приёмнигини тузатиб қўйди. Кейин тўрдаги бурчакни мўлжаллаб:

– Ойи, шу ерга битта диван олсам майлими, жуда ҳувиллаб ётибди, – деди.

– Ол, ўргилай болам, ола қол.

– Нафасингиз қалай?

– Яхши, тасаддиқ, бугун қор ёғиб, ҳаво яхши бўлиб қолди.

– Сиз энди ўзингизни кўп уринтирманг. Чой қайнатсангиз бўлгани. Бозорни ўзим қиламан. Дазмолни ҳам... – Бирдан эсига тушгандек, дазмолни штепсельга тикиб, галстукларини саралай бошлади. Икки-учтасини дазмоллаб қозиққа осиб қўйди.

Она бугун ухламади, нафаси сиқилса ҳам, писанд қилмасликка уриниб, қайнаналик орзуларига эрк бериб, тонггача тилак тилаб, дуо қилиб чиқди. Эртасига гастроном олдида Абдусамадни кўриб қолиб, негадир, ўзи ҳам билмай, олдига югуриб борди.

– Вой, ўғлим, нимага ўртоғингизнинг олдига кирмай қўйдингиз?

– Ўртоғимнинг иши катта, хола. Халақит бермайлик деймиз-да. У кишининг ҳозир бизларга вақти йўқ. Шаҳарнинг энг бориб турган дилбарини ўзига оғдириб олди. Тўйга борамиз Худо хоҳласа. – Бақалоқ Абдусамад от ёлини силагандек, машинасининг капотини сийпаб қўйди. – Салом денг, хола.

– Ҳўп, бўлади, отагинам, – Шарофат хола самосвалнинг дуди ичида қолди. Унинг гапи ўзидан бошқа ҳеч кимга эшитилмасди: Шаҳарнинг бориб турган дилбари... Тўй...

Вой ўлай, қаёқдан келди мен шўрликка бу бахт-толе... Вой ўлай...

– Ҳа, хола, нима бўлди?

Бу нотаниш бола эди. Мажолсизланиб қолган холанинг қўлидан сумкасини олиб, подъездигача суяб элтиб қўйди.

Ажабо, ким экан-а шаҳарнинг бориб турган ўша дилбари? Бу фикр Шарофат холани гангитар, чўчитар, ҳар куни неча марта хаёлига келиб, чарчатар эди. Акбарали бўлса ҳеч нарса бўлмагандек, бепарво кириб келиб, ҳуштак чалиб чиқиб кетади. Ваҳолонки, Шарофат холага маълум – ҳамма гап мана шу бепарволик билан мана шу ҳуштакда. Хола оналарга хос синчковлик билан яна анча-мунча нарсаларни ҳам билиб олди: бахт қушининг оти Ҳадия экан, техникумни битирибди, комбинатнинг лабораториясида ишлармиш.

Ишлар шундоқ юришиб кетдики, ҳатто ўзи билан танишиб ҳам олди.

Дам олиш куни эди. Эрталабдан офтоб чарақлаб, ерни эритиб юборган бўлса ҳам, тоғ бағирларида, чанғибоп қияликларда қор кумушдай ярқираб турарди. Акбарали саҳарлаб туриб, даҳлизда пишиллаганча ниманидир боғлаб, тугиб, тика бошлади. Шу пайт пастда Абдусамаднинг машинаси жимжит кўчани янгради гудок чалди. Шарофат хола деразадан қараса, эшик тагида бир машина йигит-қизлар. Елкаларида рюкзак, кузовда ғилоф кийгизилган жуфт-жуфт чанғилар. Ҳаммалари бирдан шовқин солиб, деразага қараб қўл силкишарди.



– Ойи, ойи, мана буни олиб тушинг, – деди Акбар дахлиздан, – ҳозир тушади, денг, каллайи саҳарлаб маҳаллани бошларига кўтаришмасин. – У онасининг қўлига тугунча тутқазиб, ўзи рюкзакни елкасига олишга уринди. Юзини тер босиб кетган, шошар, пастдаги шовқинни кесолмай, қичқирар эди: – Ҳозир деяпман-ку, мана бўлдим!

Шарофат холанинг юраги чапак отди. У зинадан тушаётганида пилдираб чиқиб келаётган қизга дуч келди. Бу Ҳадия эди. Улар илгари сира учрашмаган бўлсалар ҳам, бир-бирларини танишди. Қандайдир ички бир сезги билан танишди бир-бирларини.

– Шарофат хола... – Қиз бош эгиб тўхтаб қолди. У кампирни лол қилиб қўйган эди. – Акбарали акам тушадиларми?

Шарофат хола бир нима деёлмай илжайганча тугунни узатди. Қизни дилбар деганларича ҳам бор эди. Нозиккина оқиш юзида ғубор йўқ, лаблари бўртган, сал-пал қалам теккан пайваста қошлари чиройли чимирилиб, «мунча қарадингиз» дегандек ийманиб турар, қалин сочи қизил беретини тўлдирган, ўзи ориққина бўлса ҳам, кўкси тўла, пахмоқ оқ жун фуфайка юзининг мармар рангини янада шўлалантирар, торгина ҳаво ранг шими эса қадди-қоматининг баркамоллигини таъкидлаб тургандек.

Қизни кўриб эсанкираган Шарофат хола пастда ола-тўполон, шовқин-суроннинг устидан чиқиб, на Ҳадияга, на ўғлига бир оғиз гап айтолди. Ўғли билан Ҳадия бир-бирларини кўриб қип-қизариб кетишди. Акбарали қизнинг белидан ушлаб даст кўтарганча кузовдан ошириб қўйди, кейин йигитлар ўзини ҳам қўлидан тортиб чиқариб олишди. Йигит-қизлар қий-чув солишар, тинмай кулишар эди. Қаердадир гармон ғийқ этди, кимнингдир чанғисими, таёғими қирс этиб синди, аллаким машина жилганда чинқириб юборди.

Машина жўнаб кетгандан кейингина «Хайр, хола, хайр!» деб қичқиришди-ю, қулоғи тинган Шарофат яна бир сўз айтолмасдан қолаверди. Лекин Ҳадияни роса тўйиб кўриб олди, жўнаб кетгунича кўз узмади ундан.

Чиройли келиндан қўрқиб юрарди, мана, худо берди чама-си. Чиройлининг ташвиши кўп бўлади, дейишади. Бу – бир. Иккинчидан, ҳам чиройни, ҳам эсни бирдан ато қилмас экан худо. Камдан-кам бўлади. Учламчи, чиройли келин ҳеч қачон қайнаниннг хизматини қилмайди...

«Вой, нималарни ўйляпман, мен эси паст. Бандаи ношукур. Буларнинг ҳаммаси ҳам бекор гап, эскилик гап. Борди-ю, биронта кам-кўсти бўлса ҳам гўрга. Кимнинг кам-кўсти йўқ? Менга ўғилгинаминг очиқ чехраси керак. Чехраси очилди унинг, бир ой-

дан бери қайта туғилгандай бўлиб қолди. Лоҳовлавалакуввата! Муҳаббат-да, ўргилай, муҳаббат! Яна қайтиб келмаса бас ўша эски дилхиралиги. Поққос гумдон бўлиб кетсин ишқилиб. Қайтиб келмайди энди, гумдон бўлиб кетади, ишқ-муҳаббат нималарни енгмайди!»

Бугун куни билан Ҳадиянинг каптардеккина ҳаво ранг кўй-лакдаги қомати кампирнинг кўз ўнгидан кетмади. Шарофат хола уни бир кўришда роса ёқтириб, кўнглига жойлаштириб олган эди, бағрига босгиси келаверди. Толеидан чўчиб-чўчиб, хаёлида нукул, келиним, деб эркалайди. Ўйлаганмиди ахир, осмондан тушгандек, шундоқ, барно қиз, эсли, кўхлик, иболи. Товуши ҳам беозоргина: «Акбарали ака тушадиларми?» «Акбарали» деган тилгинангдан онанг айлансин! Сен Акбарали билан менга қандай қувонч, қандай бахт-толе келтирганингни билсайдинг...»

Шарофат хола ёлғиз ўтириб йиғлаб олди. Ҳеч қачон бундай роҳат қилиб йиғлаган эмас эди.

Кечқурун деразадан томоша қилган манзараси ширин хаёлларининг давомидек бўлди.

Машина келиб тўхташи билан чаққон сакраб тушган Акбарали қўлларини ёзди, кузовдаги йигитлар Ҳадияни чинқиртириб унинг кучоғига отишди. Қиз ҳам ерга қаттиқ урилмаслик учун ноилждан йигитнинг бўйнига осилиб қолди. Абдусамад бўлса, шартта газни босди, кузовдаги йигит-қизлар қий-чув билан тебраниб, қаҳ-қаҳ уриб, қўл силкиганча жўнаб кетишди. Акбарали қизни ҳамон кўтариб турарди.

Шарофат холанинг юраги қинидан чиқаёзди. «Олиб кира қол! Олиб кира қол, болам!» дерди пичирлаб.

– Вой ўлай, меп нима деяпман, тавба, тавба! – деб деразадан ўзини четга олди. Нима қилишини билмай, яна қайтиб келди. Ташқарида шом қоронғиси, йўлка четларида қор уюмларигина ялтираб турарди. Акбарали қизни ҳамон кўйиб юбормай ҳазиллашарди. Қиз типирчилар, йигит бўлса уни дам юмшоқ қор уюмига ирғитмоқчи бўлиб, дам бўйнидан тишлаб олмоқчидай таҳдид солар эди.

– Вой қўпол, вой қўпол, қизни хафа қилиб қўймасайди, – деб Шарофат хола тепада жонини ҳовучлаб турибди.

Акбарали ниҳоят қизни ерга туширди. Туширди-ю, лекин қиз қўлларини унинг бўйнидан олмади. Шом қоронғиси куюқлашдими. Шарофат холанинг кўзи хиралашдими, хуллас, ўғли билан Ҳадияси тушмагур худди бир кишидек, биттагина қоп-қора соядек бўлиб қо-

лишди. Дарахт тагида оппоқ қор, қор устида икки соя; новчароғи булару, пастроғи – рюкзак. Бошқа ҳеч нарса кўринмас эди.

Акбарали бирор соатлардан кейин оловдек ёниб кириб келди. У бугун серғап, серҳаракат эди. Тоғлардан, чанғи учишининг завқларидан гапира кетди.

– Ҳадияхонни уйигача кузатиб қўйдингми, болам?

– Ҳадияни? – Акбарали кўзлари чарақлаб оиасига қараб қолди, – сиз уни қаёқдан биласиз?

Ойиси узр сўрагандек ерга қараб жилмайди. Бу жилмайишида меҳру миннатдорлик ҳам, аллақандай эзгу бир андиша ҳам бор эди. Акбарали аста келиб ойисини кучди.

– Овқатингни олиб келайми, болам?

– Олиб келинг, ойи! – деди хушчақчақ Акбарали.

У ечиниб, ювингани чиқди...

– Чой ҳам дамлайми?

– Дамланг, ойи! – деб қичқирди ўғли.

Лекин ювиниб чиққандан кейин диванга чўзилди-ю, стол тузалганча қолаверди. Тоғ саёҳатидан қони қизиб яшариб кетган Акбарали хаёлчан шифтга тикилиб ётарди. Бу унинг илгариги ўй суриши эмас, кўзлари тийрак, чехраси ёрқин, хаёллари аллақайда. Ҳадияни ўйлапти, она буни сезди. Шу пайт ўғлидан кўз узгиси келмаса ҳам, аста шипиллаб ошхонага чиқиб кетди. Ўйласин, ўйлари жуда ҳам ширин ҳозир, кўзларини ўйлаяптими, лаблариними... шивирлашларини эшитяптими, кулишлариними...

Сокин тун чўкди. Ташқарида қорамтир осмон билан қор қоплаган ер оқлиги жимгина олишади. Ҳар деразага шуъла кўнгандек, хоналар ёруғ, илиқ, файзли.

Ёқимли ҳорғинликдан Кейин оромбахш уйку босиб келади... Уй ичида муҳаббат шарпаси кезса яхши-да.

Шу тариқа кунлар, ҳафталар ўтди. Шарофат хола ўзининг нафаси оғирлашиб, ҳансираши зўрайганига қарамай, фикри-зикри ўғлида эди. Акбарали гоҳо оғир, ўйчанроқ қайтса ҳам, кўпинча хушчақчақ, комбинат газетасига мақтаб ёзилганларини ҳазил-мутойиба билан сўзлар, онасининг кўнглини овлашга, нима биландир банд бўлишга ҳаракат қилар эди. Унинг бу ҳаракатида аллақандай бир сунъийлик, зўрма-зўракилик борлигини она пайқамади.

Бир куни, Акбарали ишда эди, кутилмаганда эшикдан отилиб Ҳадия кириб келди. Кирди-ю Шарофат холанинг юзига тикилиб тўхтаб қолди. У яна ҳам дуркунроқ, оловдек иссиқ кўринди холага; ингичка белини қисиб кенг тилла ранг камар боғлаган, бурмали юбкаси кўпчиб турибди, лекин оқиш юзида, чўччайган лабларида

аллақандай титроқ, ваҳима бор эди. Бўлғуси келинининг ҳуснига маҳлиё, унинг тўсатдан кириб келганига ҳайрон бўлган Шарофат хола аввалига унинг ҳолатини пайқамади.

– Шарофат хола! – деб унинг бағрига ташланди қиз. Улар кўпдан таниш қадрдонлардек, она-боладек бир-бирларининг бағрилари-га инишди. Қиз, аъзойи бадани қалтираб, йиғлаб юборди.

– Вой жонгинам, сизга нима бўлди, ўргилай? – деди эсанкираб қолган Шарофат. Қизнинг товуши хунук, у ўқиб-ўқириб йиғлар эди. – Вой ўлмасам, қизим, кўтаринг бошингизни, нима бўлди?.. – Уни бирдан ваҳима босиб қизни бағридан узди: – Акбаралига бир нима бўлдими? Гапиринг!

– Йўқ, унга ҳеч нима бўлгани йўқ, – деб қиз бош силкигач, она уни астойдил юпата бошлади. Ҳадия унинг елкасини ҳўл қилиб юборган, юзи буғриқиб, мижжалари қизарган эди.

– Гапир, нима ҳасрат тушди бошингга, дардингни олай, жонгинам, – деди хола қизнинг бошини, елкаларини силаб.

– У мени... у мени яхши кўрмайди, хола, энди нима қиламан?... – Ҳадия яна йиғлаб юборди.

Шарофат хола кўнгли ёришиб, яйраб жилмайди. Қизни яна бағрига босиб эркалади.

– Вой, шунга шунча йиғи-сиғими, ўргилай... – деб кулди хола. Ўғлининг бу нозик ниҳолни қанчалик севишини у билмай, ким билсин! Қизнинг бу йиғиси ҳозир унга ҳам кулгили, ҳам ширин туюлди. – Сизга шундоқ кўрингандир – да... – товушини пасайтириб шўхлик билан гапирди хола. – Яхши кўради, айланай, шундай яхши кўрадики, эс-ҳушини йўқотиб қўйган, ҳа.

– Йўқ, яхши кўрмайди, – қиз жиддий гапирди, бошини кўтармай кўз ёшини артди.

– Вой, мен биламанми, сиз биласизми, тасаддуқ? У бутунлай ўзгариб, бошқа одам бўлиб қолди. Ҳаммасига сен сабабчисан, болагинам.

Онанинг сенлаб гапиргани таъсир қилиб, Ҳадия тағин кўзига ёш олди. Лекин пичирлаб яна такрорлади:

– Яхши кўрмайди...

– Нега энди, гапир, тушунтир ахир менга, бир нима дедими, хафа қилдими, ёлғон гапирдими...

– Йўқ...

– Олманинг икки палласидек ярашгансизлар, бир-бирига Худонинг ўзи бичиб-тиккан деб ҳамманинг ҳаваси келяпти, тағин нима?..

– Акбарали акам ғалати... – Қиз юз-кўзини артиб, ўтирди, «мен тушунмайман, тушунтиролмаймаман», деган маънода елка қисди, ожиз тикилди. – Акбарали... ғалати. Айниқса кейинги вақтларда. У кўпчилик орасида хушчақчақ, ҳуда-беҳудага кулади, мени эркалаган, ҳурмат қилган бўлади. Лекин биласизми... буларнинг ҳаммаси зўраки, ясамага ўхшайди.

– Нега энди, болам! – жаҳли чиқди онанинг.

– У фақат ўзини овутишга урингандай. Назаримда мен билан ҳам ўзини овутиш учун... ниманидир унутиш учун... Нега десангиз, ёлғиз қолганимизда у менга ҳеч нарса гапирмайди, баъзан хаёли аллақа-ёқларга кетади, ёнида менинг борлигимни ҳам унутиб қўяди...

– Йиғлама, буларнинг ҳаммаси беҳуда гап, сенга шундай туюлгандир, болам. – Холанинг юзига ҳам хунук соя тушган эди, лекин у тан олмасликка, қизга тасалли беришга астойдил уринди: – Йўқ, қизим, у сени яхши кўради. Менга қара, сени яхши кўрмай бўлади-ми-я!

Қиз тасалли топмади.

– Ёлғиз қолсак гўё йўқ бўлади-қолади. Бир нима суриштирсам, ғалати қарайди совуқ назар билан. Яхши кўрган одам шунақа бўладими, холажон?

– Ахир, эркала, силаб-сийпа, бағрингга ол...

– Мен ундай қиз эмасман, Шарофат хола, – дили оғриб, ерга қаради қиз. – У мендан бир нимани яширади.

– Мендан ҳам... – деб юборди она. Беихтиёр айтиб юборди-ю, ўзи Ҳадиядан баттар аҳволга тушди. Ўпкаси тўлиб, кўз олди қоронғилашди. Ўша илгариги дардчил Акбарали гавдаланди кўз ўнгида. Бошини столга қўйиб йиғлаб юборди. – Тавқи лаънатинг бор бўйнингда, болам!.. Нега очилмайсан, нега айтмайсан?

Ҳадия унинг айтиб йиғлашига тушунмади-ю жуда кўрқиб кетди. Шарофатнинг йиғиси даҳшатли, кўпроқ тутқаноққа ўхшар эди, нафаси қисиб, юзлари оқарди. Ҳадия дарров хушёр тортиб, шошиб жой қилди, суяб олиб бориб, ётқизди. Рўмолчаси билан авайлаб юзларини артди, сув берди.

– Холажон, тинчланинг. Ҳеч гап бўлгани йўқ, мен... мен... энди сиз гапирманг, дам олинг.

Форточкани очиб, елпиб, анча ўтирди. Онани сал ўзига келтиргандан кейин, соатига қараб, кетишга отланди. Акбаралининг ишдан қайтадиган вақти бўлган эди. Ҳадия хайрлашди. Остонадан яна қайтиб:

– Менинг келганимни айтманг, хўпми, хола, – деди-да, пиқ этиб йиғлаб чиқиб кетди.

Шарофат хола хушсиз ётдими, босинқирадими, ишқилиб, кечга яқингина ўз товушидан уйғониб кетди. «Шундай қизни-я! Шундай қизни...» деб ҳамон пичирлар эди қуруқшаб кетган лаблари. У нарирокда ўтирган ўғлини кўрди. Акбарали ҳамма нарсадан хабардор, Ҳадиянинг келиб кетганини ҳам, онасига нима бўлганини ҳам пайқаб турар, ҳаммасига ўзи айбдорлигини ҳам билар эди чоғи. Шунинг учун онасидан ҳол-аҳвол ҳам сўрамай, ҳиссиз, ўйсиз, чақмоқ урган тўнкадай бўлиб ўтираверди. Шарофат холага у узоқдан аллақандай қорайиб кўринди. Ориқлаб кетибди. Биринчи марта ўғли ҳақида ёмон фикр келди кўнглига, Шум қадам... уйга касофат бошлаб келдими... Шунини ўйлади-ю инграб юборди.

Онанинг кўзлари сўниқ эди. Муҳаббат келтирган дастлабки қувончлар ҳам сўнди. Умр шамини ҳам сўндиради шекилли.

Шарофат хола ётиб қолгандан кейин Ҳадиянинг ҳам, Абдусамадларнинг ҳам дарағи бўлмай кетди. Акбарали ҳаммасини ўзидан чўчитиб бездириб қўйганга ўхшайди. У уйнинг қоронғи бир бурчагида узоқ ёлғиз ўтирадиган бўлди. Баъзан ўз-ўзи билан гаплашади: «Бир зум... фақат бир зум... Ўша лаҳзада бир зумгина ўзимни бошқача тутганимда эди... Одам ўзини ўзи ўлдирганда ҳам унга бир зумлик бардош етишмай қолади, дейишади...» Яна алланималар дейди. Кейин қўрқиб ўрнидан туриб кетади.

Бориб қаёқлардандир ичиб келади, кечаси ухламай у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб чиқади.

Кейинги вақтда онасига, унинг бетоблигига ҳам эътибор бермай, аллақаёқларда бир нима қидиргандек, бир ўзи тентираб юрар, кеч қайтар эди. Бугун ҳам кун ботгунча айланиб юриб, посёлканинг овлоқ бир еридаги кимсасиз буфетга кириб борди. Бу ерда буфетчи хотин уни таниб қолган эди, сўрамасданоқ, икки юз грамм ароқ қуйиб берди. Ишсиз кунлари Акбарали бу ерга икки-уч қайта келиб кетади, бошқа кунлари бўлса ишдан кейин...

Уйда Шарофат хола касал. Ўзига қарамаса ҳам, ўғлининг хуштак чалиб, папирос тутатиб келганига баъзан хурсанд бўлиб бош кўтаради. Аммо қаровсиз қолган беморнинг аҳволи кундан-кун оғирлашарди. Айниқса, ўғлининг ундан яшириқча ича бошлаганини пайқагач, у сўнгги илинжини ҳам йўқотгандек бўлди.

– Ойи! – деди Акбарали бир куни маст ҳолда онасининг ёнига ўтириб. – Мен ҳаммасини айтиб бердим. Соняга. Буфетчи хотинга айтдим...

– Нимани айтдинг, болам?

– Ўшани... У ёқда... одам ўлдирганимни... Сабаб бўлганимни.

Шарофат холанинг кўзи тинди, худди тушдагидек, тубсиз қоронғи жарликка шўнғиб кетди. Лекин ҳуши бор эди, гапиролмас эди холос. «Илоё, кетиб қолмасам бас. Яна қиттак қувват бер!» деб ўйлаганини билади. Анчадан кейин тили айланди:

– У нима деди, болам.

– Ичгин, унутасан, деди..

Акбарали омонат ўтирган жойидан гандираклаб, йиқилиб тушишига сал қолди. Шарофат хола дармонсиз қўли билан уни ушлаб қолмоқчи бўлиб, алланима деди. Энди унга барибир эди. «Энди у дунёлигимни ўйлашим керак», деб қўйди ичида. Шунинг учун: «Кимни, нега, қандай қилиб?» деб сўраб ўтирмади.

– Сен, болам, буфетчи хотинга эмас, бошқа ҳеч кимга ҳам эмас, фақат шодасойликлар олдига бориб гуноҳингни ўтинишинг керак. Фақат ўшалар гуноҳингдан кеча олади. Ўзингни кўрсат, бош эг. Бошқаларга ёрилганинг билан, у лаънати бўйинтуруғинг гарданингда қолаверади. Қайтайлик, жон болам, кўзим очиғида...

Маст Акбарали каравотдан сирғалиб, қоқ полга мукка тушди-да, бўкириб йиғлаб юборди...

Шу кечадан кейин Акбарали ичкиликни ташлай олмаса ҳам, соқоли ўсган, қовоғи салқи, маст ҳолда онасига қатиқ-сут, дори-дармон олиб келиб бериб юрди. Аммо Шарофат хола энди на овқат ер, на дори ичар эди.

Бир куни у ўғлини ёнига чақириб, васият қилди:

– Рози бўл, бўтам... Шодасойга олиб бориб, ота-буваларимиз ёнига қўй, мен ҳам рози кетай, жон болам. Тиригимда унамадинг...

Акбаралининг кайфи бирдан тарқаб, заиф баданини титроқ босди, ранги оқариб кетди. Фақат анчадан кейингина ўзига келиб:

– Ойи! – деб ўзини каравотга ташлади. Лекин Шарофат хола аллақачон кўз юмган эди...

– Мен ўлдирдим сизни, ойижон, мен ўлдирдим, мен, мен, мен!.. – дерди Акбарали икки қўли билан салқи юзларини чангаллаб.

Сўнгра у, йиғлаб ҳолдан тойгандан кейин, бош кўтариб онасининг қоғоздек оқ, жонсиз юзини кўрди. У шу ҳолда: сийрак, оқ сочлари тўзиган, ияги туртиб чиққан, бурни юпқа, кўзи юмук мурда қиёфасида Акбаралининг хотирасига михлангандай ўрнашиб қолди. Кўзини юмса ҳам кўз олдига келади. Авваллари Бектемир аканинг темир рельслар остида мажақланган қонли юзини кўз ўнгидан қуволмас эди. Энди иккита бўлди: дам онаси, дам Бектемир ака... Бирини қувса иккинчиси келиб гавдаланади...

Негадир бирдан жимлик чўқди. Узок, оғир жимлик. Тунми, қишми, қанча давом этди – Акбарали билмайди. Кўзини очса, ҳали ҳам

ўша ерда, онасининг жасади ёнида ўтирибди. Кун иссиқ, қуёш қизитарди, деразалар, эшиклар очик, уй тўла одам, уй тўла жимлик. Туни билан шундай ўтириб чиққанга ўхшайди. Бу одамлар комбинатдан, маҳалладан, кўни-кўшнилари. Акбарали кўпини танимайди. Шарофат холанинг қадрдонлари, таниш-билишлари бўлса керак.

Марҳуманинг ҳамсухбати, дўсти кўп эди. Акбаралиники бўлса – йўқ. Битта ҳам йўқ. Мана комбинатдан кимдир таъзия билдирыпти, кимдир кўнгил сўраяпти, маҳалладан келган биров маросимга бош... Акбарали улар билан ҳеч қачон ёзилиб ҳангома қурган эмас.

Нарироқда шериклари билан Абдусамад кўринади. Ҳаммалари астойдил дард чекиб, ташвиш тортиб туришибди. Абдусамад Шарофат холанинг васиятини билгач, машинасини йўлга шайлагани шошганча гаражга жўнаб кетди. Кимдир ҳужжатлар билан банд эди, кимдир телефонда... Акбарали буларнинг ҳаммасига бепарқлик билан ҳиссиз, ўйсиз кўзларини ер остидан тикиб, эсанкирагандек, бир ерда қўл қовуштириб турибди. Гўё она ўлими унинг ҳаётида энг муҳим, энг мусибатли воқеа эмас. Гўё ҳали олдинда бундан ҳам муҳими, бундан ҳам оғири бордек. Бордек, аммо нима эканлиги маълум эмас...

Тобутни пастга олиб тушганларида Акбарали бир чеккада бош эгиб турган Ҳадияни кўрди. Назарида, у ҳозир бир нафасгина бўлса ҳам ўзини Акбаралидек ҳис этиши керак, бир нафасгина бўлса ҳам унинг аҳволини тушуниши керак эди. Чунки марҳуманинг дастлаб кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб қолишига ўша сабаб бўлган. Ҳозир у шуни бировга айтолмай тургандек...

Акбарали қизни кўриб қотиб қолди. Бир интилди ҳам шекилли, лекин оёқлари бўйсунмади. Нима қилсин, ёнига бориб, бор гапни тўкиб солсинми? Аммо энди нима фойдаси бор, барибир бирга бўлишолмайди-ку.

Ҳа, яхшиси билмай қўя қолсин. Билса бу ажралиш унинг учун шунчаки бир бадбахтликдан қутулишдек бўлади. Қўй, у ҳам бир нарсасини йўқотгандек бўлсин...

Акбарали қизнинг ёнига бормади. Қайрилиб, машина томон юрди, зинага оёқ қўйиб очик кузовга, онаси ёнига чиқди. Унинг кетидан машинага яна анча-мунча одам чиқди. Таниш-билиш қадрдонлар марҳумани сўнгги йўлга кузатишга, унинг васиятини бажо келтиришга отланишган эди.

Офтоб тобора қизитяпти. Машина секин юрганидан, шабада кун тафтини кесолмайди. Орқадан етиб келган машиналар ғувиллаб ўтиб кетади, уларнинг кетидан енгилчанг кўтарилиб, йўл четидаги ўт-ўланлар тебраниб қолади. Арпа-буғдой ўриб олинган,



қирлар сап-сарик. Олдинда дам қорайиб, дам қўнғир тусга кириб тоғлар кўзга ташланади. Ўша ерда, қайси бир дарада Шодасой...

Акбарали у ерга яна ўз ихтиёри билан қайтиб боришини сира ўйламаган эди. Ҳозир ҳам боргиси йўқ, бормаса ҳам бўларди, лекин негадир оёғи ўша ёққа тортяпти. Тақдир экан шекилли. Шум тақдир етаклаб кетяпти уни. «Она васияти. Она васияти...» деб такрорларди ичида нимагадир далил келтираётгандек.

Йўлга чиққанларидан бери орада бир оғиз сўз қотилгани йўқ.

Акбарали онасини ўйлашга уринарди. Лекин Шарофат хола унинг кўз олдида нукул ўлик қиёфасида гавдаланаверди. Акбарали бунга чидаёлмай тўлғанди, кузов тахтасига бошини қўйиб ўтирганча бошқа нарсани ўйлашга ҳаракат қилди. «...улгурар эдик. Икковлашиб баробар уринсак, улгурар эдик. Ўша бетон ёпишиб қолган яшиқни икковлашиб силжитсак...» Бирдан кўк томирлари ўйноқилаб чиққан, кўзлари бақрайган Бектемир ака кўз олдига келди. Кейин унинг мажақланиб кетган қонли юзи келиб гавдаланди, Акбарали бошини кузов тахтасига уриб инграб юборди. Бирга келаётган ҳамдард одамлар ачиниб бир-бирларига қараб қўйишди. Ҳар ким ўзича тасалли беришга уринарди. Қўрқиб кетган Кенжа деган йигит нима қилишини билмас, тим қора мўйлови тердан ялтирар эди. У Акбаралининг елкасига қўлини қўйиб овутомқчи бўлди:

– Оғир бўлинг ака, фойдаси йўқ... Тириклар омон бўлсин...

Шодасойга соат бешларда кириб боришди. Акбарали шу ерда катта бўлиб, қабристон қаердалигини билмас экан. Абдусамад бу ерларга бегона бўлса ҳам, ҳар қалай, шофёр эмасми, адашмасдан топиб борди.

Қабристон кўприкка етмасдан чап томонда Шодасойнинг шундоқ тепасида, баландликда эди. Бу ердаги тераклар, қайрағочлар ҳозирдан сарғайиб кетибди. Куз эрта келганидан эмас, сув чиқмаганидан бўлса керак. Оёқ ости қалин хазон, узоқдаги сой шабадасига тепадан ҳам сарик барглар пилдираб тўкилиб турипти. Оёқ остида хазон шитирлаши, қош қораярда узоқ-узоқларгача эшитилиб, бу теракзор қабристоннинг диққинафас жимлиги яна ҳам сирлироқ, оғирроқ бўлиб туюлар эди.

Акбарали энди эслади: унинг болалигида бу жойлар яланглик бўлиб, шодасойликлар бу ерда улоқ чопишарди. Бу тераклар кейин экилган, у вақтлар сойнинг бу бетида битта бўғоз тутдан бошқа дарахт йўқ эди. Акбаралининг болалар билан чойшаб тутиб тут қоқишгани эсида. Соё ёқасидан ялпиз ҳиди келарди, маст бўлиб қарқуноқлар сайрарди. Соёнинг нариги қирғоғи бўлса тикка жар,

«Жар тагида ялмоғиз камар бор», дейишарди. У ерга болаларни йўлатишмасди. Акбаралини ҳам дадаси у ердан қувлагани – қувлаган эди.

У киши Шодасойда аравасоз эди. Тўғин эгадиган катта кунда бутун ҳовлиларини эгаллаб ётарди. Дадаси ҳўл қайрағочни кўр аралаш кулга кўмиб тўғин эгар, кегай йўнар эди. Акбарали бўлса отасининг ёнида ип эшиб, сирач қорар, ойисининг ўғирда жўхори талқон туйиб, заранг косага бир қошиқ шинни солиб беришини тоқатсизлик билан кутарди. Қимматчилик эди-да. Жўхори талқонни яхши кўрарди Акбарали.

Кейин тоғда кон очилиб, сойнинг нарёғида меҳмонхона, яна қандайдир катта бинолар туша бошлади. Дадаси аравасозликни ташлаб, конга ишга кирди. У урушда ўлиб кетгандан кейин Акбарали ҳам кончи бўлди.

Энди буларнинг ҳаммаси Акбаралига узоқ ўтмишдек, гўё ўзининг эмас, бегона бир одамнинг бошидан ўтган хотиралардек бўлиб туюларди. Шодасой ҳамон шовуллаб ётибди-ю, лекин Акбаралининг болалиги йўқ. Жар тепасида бегона бир шаҳар оқшом чироқларини ёқмоқда. Бу ерда эса, қабристонда жимлик...

Ҳалидан бери жонсиздай қотиб турган Акбарали қараса, онасини аллақачон қўйиб бўлишибди. У беихтиёр ҳаракат билан эгилиб бир сиқим тупроқ олди-да, дўппайиб турган янги қабр устига сочди. Фақат шундагина, онасидан жудо бўлганлиги хушига етиб, оёқлари қалтираб қабр ёнига тиз чўкди, юзини қўллари билан тўсиб, ўкраб-ўкраб йиғлади.

Абдусамад, Кенжа, бирга келган одамлар Акбаралининг тепасида бирпас туришди. Сўнгра, Абдусамад Акбаралининг ҳозир онасини ташлаб кетолмаслигини билиб:

– Қоронғи тушиб қолди, Акбарали ака, бўлмаса биз қайтайлик. Сиз ҳали бир-икки кун шу ерда бўларсиз. Тўзим берсин... – деди.

Улар жўнаб кетишди. Юк машинасининг гувиллаши Шодасой шовқинида йўқ бўлди ҳамки, Акбарали бош кўтаргани йўқ.

Акбаралининг ҳаётда ҳеч бир илинжи қолмаган, қалби бўм-бўш эди. Ҳозир унинг ҳам жонини олишса-ю онаизорининг ёнгинасига қўя қолишса, мингдан-минг рози бўлар эди. Чиндан ҳам, нима қилади энди, қаёққа боради? Бировга маслаҳат сололмаса! Бу туғилиб ўсган жойлари ҳам энди унга бегона. Одамлар ҳам... Ҳамма, ҳамма одамлар бегона! Битта-ю битта муштипар онаси бор эди, мана энди у ҳам қора ернинг қаърида ётибди.

Акбарали она қабридан бош кўтариб, ўрнидан турганида атрофим қоронғи эди. Оёқ остида хазон шитирлаб жимликни бузди,

кўналғада қушлар чўчиб питирлашди. Акбарали теракларни, қабр дўнгликларини оралаб, панжараларга, сағана тошларига урилиб, сўқмоқ йўлни излар, аллақандай ваҳимадан қора тер босиб кетган эди. Нимагадир илиниб енги йиртилди, қовжираб ўт босган дўнгликлар, харсанг тошлар қоронғида ваҳимали соядай киши юрагига ғулув соларди. Акбарали ниҳоят сўқмоқни топди, узоқдан панжарали дарвоза кўринди. Бироқ муюшда бир одам қорасини кўриб, сочи томирларигача музлаб кетди. Одам жуда катта эди, ударахтлар соясида, қоронғида пусиб тургандек кўринди. Танини совуқ тер босган бўлса ҳам, Акбаралини қандайдир ғайри табиий куч ўша томонга сургади. «Кўрқавераманми, энди менинг кўрқадиган жойим йўқ!» деб пичирлади-ю, ўзи истамаса ҳам оёғи тортиб кетди. Одам шарпаси дарахт соясида бирпас кўринмай қолди, Акбарали дадил босиб борарди. Дарахт орасидан оқаринқираб уфқ кўринди. Шу пайт беш қадамчагина нарида ҳалиги шарпа яна пайдо бўлди. Энди у ёни билан турарди. Акбарали унга қараб тўхтади-ю орқага тисарилди. Бирдан... Ҳавогача титраб кетди. У бақириб юбордими ўзи билмайди, лекин оғзи очилиб, бехосдан тамом гунг бўлиб қолган эди. Акбарали қозикдек қотди, тебранди, қўли билан кўзларини беркитди, яна очди: рўпарасида... ўзи... ҳа, ўзи, Акбарали турарди!

Бу ердан қандай қилиб қочганини у билмайди, бир маҳал бориб дарвоза панжарасига урилганида сал ўзига келди. Хайрият, йиқилиб қолмабди... Ё йиқилиб, яна туриб кетдими? Қанча ётди? Тилдан қолмадимикан?

Гапириб кўрай деса ёнида одам йўқ. Ўзича гапирса ҳам бўлади-ку. Тили шешинқираб оғзига сиғмай турганга ўхшайди, лекин йўқ, айланяпти.

– Ёлғон! Ёлғон! Бас. Кўрқмайман! – деб қичқириб юборди у.

Қоронғида жимжит қабристон янграб кетди, сойнинг нариги қирғоғидаги жардан: «...ас!» «...ан!», деган акси садо келди. Акбарали ўз товушидан яна қаттиқроқ кўрқиб кетган эди. «Нега қичқирияпман? – деб ўйлади. – Бу жиннилик аломати эмасмикан? Бу кўзимга кўринган одам... одам? Ўзим-ку бу! Ё жинни бўлганда одам ўзига ўзи кўринармикан? Ўзим...

Ҳа, бу унинг худди ўзи эди. Ўша қирра бурун, ёноғи чиққан ориқ юз... Лекин қоп-қора. Соя!

Акбаралининг яна орқасига қайрилиб қарагани юраги дов бермади. У қоқила-сурила катта йўлга чиқиб олиб, бир қўли билан пешанасини ушлаганча шаҳар чироқлари томон юрди. Пешанаси муздек эди. Лекин у ишонмади.

«Иситма! йўқ, жинни эмасман мен! Иситма бу! Совуқ иситма!» – деб тинмай пичирлар эди, анча юргандан кейин орқасига қайрилиб қаради, асфальт йўлга аллақаёқдаги чироқ шуъласи тушиб, йилтиллаб ётар эди. У кўприкдан ҳам аллақачон ўтиб кетган экан, билмабди. – «Тавба, ўзига ҳам ўзи кўринадими одам! Йўқ, бир нима бўляпти менга, бирон жойга бориб ётишим керак. Ҳадеб ўйлагандан. Ҳадеб ўйлагандан. Энди ўйламайман. Бориб ётаман. Қаерга бўлса ҳам. Тавба, ҳамма азобларни тотдим, энди бир камим жинни бўлиб кўча-кўйда тентишмиди? йўқ, ўйламайман. Бектемирни ҳам, ойимни ҳам, Ҳадияни ҳам, ўзимни ҳам... Ўзимни? Гўристондаги ўзимними?.. Ҳа, ҳа, ўйламайман, ҳеч қайсисини ўйламайман, бас!»

У ҳақиқатан ҳам ҳеч нарсани ўйламай қўйди. Тўғри бориб меҳмонхонага кирди, йўлакда мудраб ўтирган семизхотин биққи қўлини чўзиб унинг паспортини олди-ю, калитни бериб, яна уйкуга кетди.

Акбарали калитда номери кўрсатилган хонани очиб кирди-да, ечинмасданоқ каравотга чўзилди. Деразалар ланг очик, ташқаридан Шодасойнинг муздек шовуллаши қулоққа чалинади. Бу – руҳан чарчаган, жисман эзилиб кетган Акбаралининг чалкаш ўйларини бирпасда аллақаёқларга олиб қочди, у қачон қотиб ухлаб қолганини ҳам билмайди. Эрталаб жунжикиб ўрнидан турди.

Энди у анча тетик эди. Тунги ғалати воқеани аниқ эслаб, лабининг бир чети билан салгина маъюс жилмайиб қўйди. Қаттиқ чарчаган экан-да, одамнинг жинни бўлиши ҳам ҳеч гапмас. Энди нима қилиш керак? Кимга учраш керак? Учраш? Нега? Акбарали ҳеч нарсага тайёр эмас, ҳеч қандай режаси йўқ эди. Каравотда ўтирганча ўсиқ соқолларини пайпаслаб кўрди. Оч қоринга папирос тутатди. Эшик тақиллаганда чўчиб ўрнидан турди, одам товуши эшитилиши билан кечаги чарчоғи яна қайтиб келгандек, ичида нимадир яна сўнди, бўшашиб, лоқайд бўлиб қолди.

Эшик қоққан кечаги семиз хотин экан, Акбаралини кўриб, кўрқиб кетгандек, ғалати саломлашди-да, столга меҳмонхона анкетасини ташлаб, тўлдириб бериш кераклигини айтиб, чиқиб кетди.

Акбарали анкета қоғозни қўлига олди. Иккита. Иккита ташлаб кетибди. Нега иккита? Ҳар эҳтимолга қарши деб бўлса керак, бири бузилиб-нетиб қолса...

Нималарни ўйлаяпти ўзи? Шундан бошқа ўйи йўқми? Йўқ-да, миясига тузук-куруқ ўй келмай қолди. Мияси карахт. Нима гап ўзи? Нима қилиш керак? Бу ерда нима қилиб ўтирибди? Анкета... мана, анкета тўлғазиш керак.

У беихтиёр гижимлаб қўйган анкетани столга ёзиб, кафти билан текислади-да, қўлига қалам олди. Қоғозга тикилди.

«Акбаробод посёлка меҳмонхонаси» деб ёзилган эди анкетанинг тепасида. Акбарали ўқиди, негадир илжайиб қўйди, кейин ҳиж-жалаб ўқигандек, яна узоқ тикилиб турди. Кўзини пирпиратди. Гижим қоғозни кафти билан яна текислаб, яна ўқиди, иккинчи анкетани ҳам олиб, солиштириб ўқиди. Кўзини четга олиб бирпас ўтиргач, яна тикилди. Қоғоз ловиллаб ёниб кетгандек, сесканиб ўрнидан турди. Эшикка отилмоқчи бўлди-ю, остонада тўхтаб, яна столдаги қоғозларга қаради. Оёқ учида қайтиб келиб, кўзини уқалаб, яна ўқиди. Энди бунинг рўё эмаслигига астойдил ишонди шекилли, юзи қоғоздек оқариб, ўрнига ўтириб қолди. Сувдан чиқиб қолган балиқдек оғзини очиб анча ўтиргандан кейин, қоғозга бир нима бўлмадимикан, дегандек қия кўз ташлади. Қоғоз турибди. Тепасига аниқ ёзилган: «Акбаробод посёлка меҳмонхонаси». Акбар... Акбарали... Акбаробод... Нега Акбаробод? Шодасой эди-ку? Оти бошқа бўлибди-да. Бошқа... бошқа Акбар.

Шу пайт рўпарадаги тошойнага кўзи тушиб, ўрнидан сапчиб турди. Кўзгуга яқинлашди, бирдан терга тушиб, тиззалари қалтирай бошлади: унга башарасини соқол босган, ёноқ суяклари туртиб чиққан, рангсиз, ёввойи бир одам кўзлари бақрайганча тикилиб турарди.

– Бу бошқа... Бошқа, бошқа! – деб қичқириб юборди Акбарали. Бирдан лоп этиб кечаги гўристонда кўрган одам қораси ёдига тушди. У Акбаралига кўпроқ ўхшарди...

У ҳозир боши тарс ёрилиб кетадигандек, отилиб йўлакка чиқди. Семиз хотин қаҳрабодек ҳусайни узум билан чой ичиб ўтирарди. Чўчиб ўрнидан турди.

– Менга қаранг... Менга қаранг... – деди Акбарали унга. Лекин тили айланмай қолди. Қўли билан ғалати ҳаракатлар қилди-ю, хотиннинг қаттиқ кўрққанини кўриб, гапиролмай, шошганча кўчага отилди.

Шу кетганча югураверди.

Тонгда сув сепилган асфальт йўлкалар салқин, озода, товсилиб қолган кузак гуллар соф ҳавода ҳушбўй таратиб туради. Ҳансираган Акбарали буларни пайқаётгани йўқ, унга ҳаво етишмаяпти, этагига ўт илашгандек ҳамон югурмоқда. Қаёққа кетяпти – ўзи билмайди.

Бир маҳал уни кимдир чақиргандек бўлди, у орқасига қайрилиб қарашга журъат қилмай, тўхтаб деворга суянди. Ўпкаси оғзига тикилгандек ҳансирар эди. Ҳалиги овоз яна келди.

Бу чорраҳадаги репродуктор эди. Унда кончилар ҳаётининг сўнгги янгиликларини эшиттиришмоқда: «Акбарободликлар кеча

яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдилар: маҳаллий футбол командаси Олмалик спортчиларини қабул қилиб...»

Акбарали яна югурди. Уни қандайдир бир даҳшат қувлаб борар, ноаниқ бир фикр олдинга судрар эди. Докадек оқарган, баданлари қалтираган ҳолда гўристон дарвозаси олдида пайдо бўлди. Аввал дарвозанинг салқин панжарасидан ажралолмагандек анчагача ёпишиб турди-да, кейин яна югурди, қоқила-сурина кечаги қора кўринган мушга етиб борди. У оёқда зўрға турар, кўзларини ишқалаб-ишқалаб ҳайкалга тикилар, ҳеч нарса илғамас эди.

Чала сарғайган қайрағоч соясида, қабр устида чоғроққина бронза ҳайкал. Кеча шомда кўланкадай қорайиб, катта, ҳайбатли бўлиб кўринган экан.

Акбарали аввал тепада сузиб бораётган булутларни кўрди. Сўнгра қайрағочнинг ҳайкалга соя солиб турган шохини. Шундан кейин ўзининг яқингинадаги ёшлик даврига жуда ўхшаш, чиройли, иродали, навқирон бир кончининг қиёфасига кўзи тушди.

– Акбарали... – деб пичирлади у негадир, гўё ўзи бошқа одамдек.

Бу маҳал олтига бола келиб, ҳайкал тагида саф тортди. Бўйсиранинг энг охирида турган қизча галстугини тузатиб, олдинга чиқди-да, қабрни айланиб ўтиб, қўлидаги гулдастани ҳайкал тагига, мрамар устига авайлаб қўйди.

Улар бу тантанали маросимни бажаргандан кейин, қий-чув қилиб тарқалишар экан чеккароқда индамай турган бегона одамни кўриб қолишди. Унга ётсираб, хўмрайиб қарашди. Акбаралининг ёқавайрон, кўзлари бежо, башараси ҳам кўйлаги ҳам ғижим, кир, этик қўнжигача кечаги қабр тупроғи ёпишиб қотган эди. Кичкина қизча унга хавфсираб қараб турди-да:

– Бу ерда турманг! – деди жиддий. Кейин ҳайкалга фахр билан яна бир қараб қўйиб, ўртоқлари кетидан чопқиллаб кетди.

Қизчанинг товушими, бирдан кетиб қолишими ёғочдай қотиб турган Акбаралини сескантириб юборди. Боланинг кетидан «Мен Акбаралиман!» деб қичқирмоқчи эди, овози чиқмади, бунинг ўрнига «Мен тирикман, мен тирикман», деб пичирлади.

Одам ўзига-ўзи тикилиб турса ғалати бўларкан. Бошқа оламдан, нариги дунёдан келгандек... Акбаралининг ҳуши ўзида бўлмаса ҳам, лекин негадир ҳайкални ўз қўли билан ушлаб кўргиси келди. Сарғайган ўтни босиб, ўзининг бронза қиёфасидан кўз узмасдан, аста яқинлашди, қўлини узатиб совуқ харсанг тошга бармоқларини тегизди. Яна яқинроқ қадам босай деганида қабр дўнглигига қоқинди. Гўр... Акбаралининг гўри. Анча чўкиб ҳам қолибди...

«Мен тирикман, мен тирикман...» дерди кўнглида бошқа бир фикр дам-бадам бош кўтариб.

Ўзи эса ҳайкални пайпасларкан, пичирларди:

- Акбарали... Акбарали Ғозиев...

Тошга ўйиб зарҳал билан ёзилган лавҳада ҳам шундан дейилган эди:

### **АКБАРАЛИ ҒОЗИЕВ**

(1931-1960)

Кончи дўстларини ҳалокатдан қутқариш

йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Акбарали энди ҳеч нарсага ҳайрон бўлмайдиган бўлиб қолган. Ҳайрон бўлиш; ўйлаш қобилиятини йўқотган, бир мўъжиза юз бериб, отаси билан онаси тирилиб келиб, ҳозир рўпарасида пайдо бўлса ҳам, ҳайратда қолмас эди чоғи. У бир қўли билан харсангга суянганча қотиб қолди, кўзи тинди. Анчадан кейин зарҳал ҳарфлар кўз ўнгида яна пайдо бўлди: «А-к-б-а... Акбарали Ғозиев... ҳалок бўлди».

У яна кўзини юмди. Миясининг қайси бир бурчидадир кичкинагина умид, бир ўй сарғайган баргдай зўрға илиниб, қилтиллаб турар эди: «Кўзимга кўриняпти, ҳозир кўз очаману менинг отим ўрнида Бектемир аканинг оти пайдо бўлади!...»

Йўқ, яна ўзининг оти пайдо бўлди. У ҳарфларни пайпаслаб кўрди, уларни қалтироқ бармоқлари билан кўпориб ташлашга ҳам уринди. Тилла ранг ҳарфлар товланиб турарди. Кейин Акбарали тарс ёрилиб кетаётган чаккасини ушлади. Шу пайт бармоқларига боқса – қон, тирноғи қайрилиб кетибди.

Қон юқини кўриб ҳуши ёришгандек бўлди, бу қон алланималарни эсига солди. Қон, зах... қоронғи штреклар. Даҳшатли шовқин, аччиқ ёввойи товуш, инграш...

Акбарали қонли бармоғига яна қараб, талпинди, қочмоқчи бўлди, кейин бўшашиб тўхтади: «Ахир бу Бектемир ака-ку! Бектемир ака ҳалок бўлди! Одамларни деб... мажақланиб кетди!»

У қовжираган майсага ўтириб йиғлади. Узоқ йиғлади, энди тасомом ҳушига келган эди, воқеа бутун тафсилотлари билан ёдига тушди, яна бир марта хаёлидан ўтди. Ҳатто ўз кўзи билан кўрмаган тафсилотлар ҳам кўриниб кетди кўзига. Мана, конда чироқлар ўчиб, барча моторлар, конвейерлар тўхтагандан кейин, ҳамма штреклардан қўл фонарини ёқиб кончилар чиқиб келишди. Ўн, ўттиз, етмиш, юз киши... Улар трансформатор ёнида темир том босган ёлғиз мурдани топадилар, қуршаб оладилар, каскаларини ечадилар. Қоронғида узоқ сукут. Юзлаб одамлар ҳаётини сақлаб

қолган бу марднинг ким эканлигини ҳеч ким айтолмайди, юзи таниб бўлмайдиган даражада мажақланиб кетган... Кейин костюм... костюм чўнтагидан пропуск, шахсий гувоҳнома чиқади.

Акбарали Бектемир аканинг бахтиёр кулиб турган юзини кўз олдига келтирди, у кончи формасини кийганда қандай қувониб кетган эди: «Ярашди, ярашди, Бектемир ака!» «Ҳа, яқинда ўзимга ҳам тегади!..»

Гувоҳнома: Акбарали Ғозиев. Ҳамма ерда ҳайратомуз, мусибатли тантана. Митинглар. Акбарнинг номи тилдан тушмайди. Қариялар дуода, тирик қолган кончиларнинг болалари унинг фидокорлигига бағишлаб йиғинлар ўтказадилар. Ҳайкал, музей... Кончилар посёлкаси «Акбаробод» деб аталади. «Акбар» деса она-ларнинг кўзига ёш келади. Акбарали эзгу ном...

Бу-чи, бу бўлса аянчли бир қўрқоқ, чиркин бир ҳашаротдек кавакларда писиб юрибди, ўзининг лаънати, ифлос вужудини, бир пақирга қиммат жонини ўйлаб дўстлик, муҳаббат, она меҳридек эзгу нарсаларни поймол қилиб келиб мана гўристонда ўтирибди, тириклар у ёқда турсин, ёнидаги қабрларга ҳам бош кўтариб тик қарагани ҳадди йўқ.

«Одамларнинг соддалиги! Одамларнинг софлиги... азиз армонлари. Йўқ, булар мени бу дунёга сиғдирмайди. Мен қаёққа боришим керак? Бектемир ака! Нотаниш одам... Қора ерда мен ётсам бўлмасмиди! – Акбарали қабр тошидан бошини кўтарди. – Мен яна ўзимни ўйлаяпман. Наҳотки шундан бошқага ярамасам?.. Ярар эдим, ўша бир зум дақиқадан ўтиб олсам, албатта ярар эдим. Лекин энди... энди кеч. Бир зумлик хато. Бир нафас тубанлик... уни энди бутун ҳаётни бериб ҳам тузатиб бўлмайди. Акбарали ўзининг ҳайкалига қаради. – Хайр... Бектемир ака».

Оёқларини базўр судраб, кўзини ердан олмай, қабристон дарвозасидан чиқиб кетди. Меҳмонхонага етиб боргунча ердан бош кўтармади.

Яна бир кун каравотда чўзилиб ётди. Бу уйқу ҳам эмас, туш ҳам, ўй суриш ҳам эмас, қандайдир ҳис-туйғусиз, қоронғига – ёруққа, сукутга – шовқинга лоқайд, карахт бир ҳолат эди. Ётган ерида нимадир кавшади, графиндан сув ичди-да, яна чиқиб кетди.

Ўзининг илгари турган уйига борди. Бу ерда негадир болалар кўп, одамлар тинмай кириб-чиқиб турарди. Акбарали йўлкага ҳам ўтмади, узоқдан қайтди, оёғи тортган томонга юрди.

Биронта таниш учрамасди. Хотинлар, болалар негадир уни четлаб ўтишади. Фақат дарахтлар, ариқлар, кўприкларгина таниш.



Ўша, неча йиллар мактабга, ишга қатнаган кўчалари. Лекин ҳамма нарса, ариқ бўйида ўсган ялпизгача бегона. Бутун олам бегона...

У негадир кон бошқармасига, кейин шаҳарча кенгашига бориб қолди. Ҳамма жойда, вивескаларда ўзининг отини кўриб орқага қайтди, калтак еган дайди кучукдек ўзини панага олди.

Одамлардан кўрқадиган бўлиб қолди.

Бугун кечаси булутдек буғ қайнаб турган кутубхонада «Чой қуйиб бера қолай» деган товуш неча кундан бери қулоғи эшитмаган биринчи меҳрибон инсон товуши эди.

– Мени ҳеч ким танимаяпти, бобо! Ҳеч ким танимаяпти... – деб йиғлаб юборди Акбарали қиссасини тугатар экан.

Кўзларини жавдиратиб ағрайиб ўтирган Азимжонга ҳам у энди бу дунёнинг одами эмасдек туюлиб кетди.

Юзи униққан, ориқ, чўкиб кетган кўзлари нурсиз. Одамга тикилади-ю, ҳеч нарсани кўрмаётгандек. Шунча ҳикоядан кейин ҳам у Азимжонга бегоналигича қолди.

Узоқ жимлик чўкди. Вақт ярим кечадан оғиб қолган, тун салқин эди. Очиқ деразадан Шодасойнинг салқини билан қаердандир пишган беҳи ҳиди анқиб кирди. Қизғиш лампочка зириллаб ёнар, Очил буванинг ажин пешанасида икки томчи тер ялтирар эди.

Ўртадаги столда ўша тўлдирилган анкеталар ётибди. Азимжон бу жимликда нима билан шуғулланишини билмай, столда ётган қаламни олиб, анкетага бир нималар чизди. Рус ҳарфларини машқ қилиб, «Акбаробод... Акбаробод» деб такрорлаб ёзди. Қизиқ... У Акбарободда ўтирибди. Ўз холаваччаси Акбаралининг шаҳри. Чиройли шаҳар. Чиройли афсона. Сирли мангулик... (Азимжоннинг кўзи Акбаралига тушди). Фақат мана бу одам...

Хона ҳамон жимжит. Тун ҳам бу уч одам ўртасидаги сирни сақлашга қасд қилгандек, оғир сукутга толган эди. Лекин Очил бува жимликни бузди:

– Ҳа, болаларим... Одам деб ўлган одам – доим тирик бўлади.

Бобо ўзи ўйлаб ўтирган гапни яқунлади шекилли. Азимжон бунга унча тушунмади. Воқеа бутунлай бунинг аксини кўрсатиб турибди-ку: одамларни деб ўлган Бектемир ака деган киши; у ўлиб ном-нишонсиз кетган. Тириклар – бошқа...

Лекин Азимжонга бобосининг гапи ёқди: «Одам деб ўлган одам – доимо тирик». Азимжон бунга ҳатто анкета қоғозининг орқасига машқ қилаётган русча ҳарфлари билан ёзиб ҳам қўйди, яна бир ўқиб кўрди.

Акбарали маъносиз кўзлари билан бўшлиққа тикилиб ўтирар эди. Очил бува «Ётиб дам олиш керак», деб ўрнидан турганида у бирдан кўзлари мўлтиллаб унга ёлворгандай термилиб қолди: «Айтадиган гапингиз шуми? Энди мен нима қиламан?» деган кўрқув бор эди кўзларида.

– Эрталаб мия тиниқроқ бўлади. Бир чорасини топармиз, ҳозир кеч бўлиб қолди, сен ҳам ётиб дамнингни ол.

У соқолини силаб ўрнидан турганда салобатли гавдаси хонани тўлдиргандек бўлди. Унинг бир маслаҳат бермай ўрнидан туриши Акабаралига ўлганнинг устига тепгандек бўлди шекилли, баттар қути ўчди. Азимжон у билан бир зум ёлғиз қолишга кўрққандек бобосига эргашди.

Улар ўз хоналарига чиқиб ётишди. Қаердадир хирқироқ хўроз қичқирарди.

– Адашиб қолган жўжахўроз бу. Ҳали вақт бор, ухла, дамнингни ол, – деди Очил бува чироқни ўчириб ётаркан.

Лекин Азимжон пайқадики, бобонинг ўзи ухлаётгани йўқ. У ҳадеб у ёқдан-бу ёққа ағдарилаверди. Акбаралининг фожиаси уни энди тўлғантира бошлади шекилли. Дам нафаси ичига тушиб кетар, дам узун, чуқур уф тортар эди.

Азимжон бир вақт бошини кўтариб қараса, бобоси қоронғида оппоқ бўлиб каравотда ўтирибди: соқоли оқ, кўйлак-лозими оқ, Тушундики, бобонинг Акбаралининг олдидан «Ётамиз, дам оламиз», деб чиқиб келгани ётиш, дам олиш учун эмас экан.

– Бобожон, нега индамадингиз, маслаҳат бермадингиз? – деди Азимжон бобосининг ёнига бориб ўтираркан.

– Мен шу узундан-узоқ умримда-чи, болам, ҳеч қачон бундай ожиз, бундай аянч ҳолга тушган эмасдим, – деди Очил бува.

Шундан кейин иккаласи ҳам индамади. Улар шу ўтирганларича тонг отгунча каравотда ўтириб чиқишди.

– Дам олсин, ўзига келсин, – деб кўярди Очил бува ҳар замонда. Ўзи бўлса ўтирган жойида тебраниб, кекса асабларини босишга уринар, пешанасини артиб-артиб ўй сурар эди.

– Сиз ҳеч қачон аянч ҳолга тушмайсиз, бува, – деб шивирлайди ёнида Азимжон. – Сиз... сиз ҳамма нарсага хўжайинсиз. Назаримда қисмат ҳам сизнинг кўлингизда... Бизнинг ширкатимизнинг бош директори кекса одам. Нуфузли пирга қўл берган. «Пиримнинг олти минг муриди бор», деб мақтанарди. У пирни кўрганман. Жуда хасис одам, наша чекар эди. Машина босиб кетди...

Азимжон «Бунга нега гапиряпман?» деб хижолат чекиб ўтирган эди, бобоси кулиб юборди – таъсир қилибди:

– Пирни машина босиб кетибди, дегин? – Очил бува яна маза қилиб кулди.

Шу билан улар жонланиб, ўрниларидан туришди. Деразалар тонг шафағидан қизарган эди. Ювиниб-кийинишгунча йўлакда қадам товушлари ҳам эшитила бошланди, челақларини тарақлатиб фаррошлар ишга тушишди.

Бобо-невара бошлашиб чиқиб, Акбаралининг эшигини қоқишди. Қия турган эшик очилиб кетди. Акбарали йўқ эди. Хона ўша-ўша: тартибсиз, деразалар ланг очик, жой ғижим.

Очил бува кириши билан юраги «шув» этди-ю индамай ўтирди: бирпас қутиш керак. Азимжон йўлакка мўралади, аллақаяёқларга бориб ҳам келди, хонанинг эгаси ҳеч қаерда йўқ эди. Беш минут ўтиришди, йигирма минут... Очил бува тоқати тугаб ўрнидан турмоқчи эди, столдаги анкета қоғозига кўзи тушди. «Адем деп ўлген адем даемо тирик». Бу Азимжоннинг қўли. Кечаги ёзгани. Хатолари бўлса ҳам анча ўрганиб қолибди. Зеҳни жойида. Буниси нима? Тагида яна бир хат бор-ку. Қўли қалтираб, ажи-бужу, лекин хатосиз ёзибди. «Ўзини деб яшаган – ўлик». Оҳо, ҳикмат-ку! Икки сатр байт бўпти!

Очил бува жилмайганча бирпас ёзувга тикилиб ўтиргач, юзига ёлқин ургандек, бирдан ўрнидан туриб кетди. Ялт этиб деразага қараб, қоғозни чўнтагига тиқди. Эшикка отилди.

Ўқдек ўтиб кетган чол билан йигитга йўлакдагилар анқайиб қараб қолишди. Азимжон қаёққа кетишаётганини ҳали билмас, бобосига аранг етиб юрар эди. Бобо меҳмонхонани айланиб ўтиб, ўт босган чорвоқ устидан йўл солди, пахса девор рахнасидан ошганларида гўнг тепадаги бир тўда товуқ ваҳима билан қақалаганча тирқираб қочди. Тўзғиган пат ичидан чиқиб кучукка йўлиқишди, хайрият боғлоғлиқ экан, томорқадан текис ялангликка чиқиб олишди.

Ялангликда Очил бува қадамини секинлатиб, нафасини босишга уринди. Лекин ранги оқарган, тўғрига тикилган кўзларида одатдаги вазмин хотиржамлик йўқ эди. Яланглик кўм-кўк майса, оёқ босилмаган; шабнам нуқрадай йилтиллер, теп-текис эди. Икки юз кадамча юрганларида яланглик бирдан қирқилиб, тикка тушиб кетган жар тагида қайнаб оққан Шодасой кўринди, салқин шамоли, юракка ваҳима соладиган шовуллаши юзларга урди.

– Бобо! Берироқ туринг! – деб қичқириб юборди Азимжон. Овоз эшитилмаса ҳам, Очил бува бир кадам орқага чекинди. Сойнинг бетиним шовуллашиданми, кўп юзурганиданми, ё номаълум ҳаяжонданми – Азимжоннинг боши айланиб кетди. Бобоси унинг юзига қараб, аҳволини тушунди, лаблари қимирлади: «Бу ерда ҳамма ҳам шундай бўлади, кўрқма», деди шекилли. Унинг этиги кўнжигача нам,

юзида ожизлик, мусибат қўланкаси кезар, соқоли сал титрар эди. У аввал жар остида кўпикланиб турган сойга узоқ қараб турди, кейин чўккалаб шабнамда қолган қандайдир изларни пайпаслади, кафтини соқолига суриб ўрнидан турди, орқага қайтди.

Азимжон эргашаркан, воқеани тушунган эди. У Акбаралининг қиссасидан бу жар ҳақидаги сўзларини эслади: «Тагида ялмоғиз камар бор дейишади. Болаларни у ерга йўлатишмасди. Мени ҳам дам у ердан қувлагани – қувлаган эди...»

Сойнинг сурони орқада қолгандан кейин, қалтироқ босиб кетган Азимжон сўради:

– Сиз шунга аминмисиз, бобо?..

– Ҳа, – деди Очил бува неварасига ҳазин қараб. Чўнтагидан ғижимланган қоғозни олиб унга тутқазди. Азимжон дам тўхтаб, дам юриб узоқ ўқиди. Акбаралининг кечаги кутсиз юзи, маъносиз қарашлари кўз олдига келди.

– Кечқурунги ўша гапингиз... туртки бўлибди-да, – деди у бобосига, – Комилани уйдан ҳайдаб бир хато қилган эдингиз. Бу сафар ҳам.

– Бу сафар хато қилганим йўқ. Ўзи... банди мўрт эди. Учди кетди.

– Бераҳмсиз..

– Ҳаёт бераҳм. – Чолнинг қатлам-қатлам ажин босган юзи кўз ёшлари билан намланди. – Кўрқоққа айниқса бераҳм. Бола аҳволни ўзича тузатмоқчи бўлган. Лекин яна кўрқоқлик билан. Йўқ, хатони тузатиш, ҳақиқатни юзага чиқариш учун жасорат керак, сен ҳам билиб қўй!

Янги кўтарилган қуёш чарақлаб турса ҳам, куз нафаси келаётган совуқ шамол хазон тўзғитар эди. Бу шамол майсалардаги шабнамни ҳам, шабнамдаги изларни ҳам бирпасда ялаб кетди. Бу пайт меҳмонхонага бир машина ёшлар – туристларми, алпинистларми шовқин-сурон билан, гуллар, рюкзаклар билан келиб тушган эди. Эшик олдидаги майдон гувиллаб ётарди. «Буларга жой бўшатиб бериш керак», деб ўйлади ичида Очил бува. Шошиб зинадан чиқиб борди. Лекин эшик олдида бир нарсага бориб урилгандек тўхтаб қолди – меҳмонхона лавҳасига кўзи тушган эди: «Акбаробод посёлкаси меҳмонхонаси».

Очил бува ёзувга яна яқинроқ келиб тикилди, изтиробда кўзини олди, атрофдаги одамларга қия боқди. Эшик томонга юриб, яна орқага қайтди. У гўё гангиб қолган, вазоҳати шундай эдики, Азимжон: «Бобом ҳозир лавҳани мушти билан уриб чилпарчин қилса керак» деб ўйлади.

– Бобо... – деди секин.

Очил бува бўшашиб, ичкарига қадам қўйди. Ўз хоналарида бирпас жим ўтириб асабларига дам беришди.

– Энди нима қиламиз, бобо?

– Нима қилардик?.. Қани, тугунингни туг.

Азимжон ҳайрон бўлди.

– Шундоқ кетаверамизми?

– Одамларга жой бўшатиб бериш керак.

Азимжон: «Бундай чигал воқеани билгандан кейин нимадир қилиш, ниманидир аниқлаш керак, бунинг нима эканини бобом ўзи билади», деб ўйлаган эди. Гаранг бўлиб қолди.

– Сен нима, Очил бува ҳамма нарсани билаверади, деб ўйловдингни? – деди чол қалтироқ қўллари билан нарсаларни саранжомлашга қарашаркан.

Азимжон индамади. Улар йўлакда Акбарали учун ҳам ҳисоб-ки-тоб қилиб, автобус тўхтайдиган жойга қараб жўнашди.

Ҳамма иш қандайдир ғайри ихтиёрий бир ҳолатда бажарилар эди. Бошлар оғир, мияга ўша даҳшатли воқеанинг чалкаш тафсилотларидан бошқа нарса сиғмайди.

– Аслида ҳеч нарсани ўзгартирмай, шундай қолдира қолса ҳам бўлади, – деди Азимжон хуржунни елкасида кўтариб бораркан, – ўлганми–ўлган. Шаҳарча унинг номида. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ. Бектемир деган одамга нисбатан... ҳеч ким билмайдиган адолатсизликнинг кимга зиёни бор?

– Ҳа, агар сен бўлмасанг, мен бўлмасам, ёки иккаламизнинг ҳам виждонимиз бўлмаса – бўлак гап эди. Лекин виждонни қаяёққа қўямиз? У ейди-ку сен билан мени...

– Шундай дейсиз-ку... жуда чиройли қилиб қўйишибди-да. Шаҳар, музей, ҳайкал, гуллар, лавҳа, муҳр...

– Кўнгиллардаги эзгулик, инсон мардлигига ишончу ҳурматни айтмайсанми! Ўзим ҳам одамларнинг чиройли ўйларини, яхшилик ҳақидаги афсоналарини сира бузгим келмаяпти... Лекин бундай қолдириб бўлмайди. Чиройли нарса соф бўлиши керак... Одамларнинг туйғуси билан ўйнашиш гуноҳ. Қайдам, билмадим, болам, ўйлаш керак. Сен ҳам ўйла. Ҳозир эмас, бошимиз бир оз хушёр тортсин, маслаҳат соладиган одамларимиз бор...

Автобус гангиб нима қиларини билмай қолган бу икки йўловчини тоғлар орасидан олиб чиқиб кетди. Темир йўл станциясига етиб келганларида шовуллаб ёмғир қуйиб берди. Совуқ куз ёмғири уларни поездда ҳам яна анча ергача кузатиб борди. Ёмғир, совуқ, лойгарчилик, станциялардаги югур-югур, тиқилинч, деразада соат сайин алмашилиб турган манзаралар, ғалати-ғалати қўшнилари, қаяёқда-

ги одамлар билан танишиш, хайрлашиш, қутилмаган ҳангомалар, ётиш, туриш, юрмоқ ташвиши – буларнинг ҳаммаси уларни кечаги оғир ўйлардан бир оз чалғитди. Лекин Азимжон ҳамон камгап эди. У стаканларга чой қуйиб қуйиб, ичишни унутар, баъзида соатлаб деразадан кўз олмас эди. Қариндошининг ғалати ўлими ҳамон хаёлидан кетмасди. Ташқарида эса кузги ёмғир ювган узумзорлар, онда-сонда каҳрабодек сап-сариқ беҳи, сўлғин палакларда ўксиб қолиб кетган хамаклар йилтиллаб қолар, дам яна бирдан кўз илғамас кенгликлар бошланиб, узоқ-узоқларда кўк коптокдек юмалоқ садақайрағоч, кимсасиз шийпонлар кўзга ташланар, пахтаси териб олинган далалар эса гоҳ жигарранг, гоҳ сурмадай қорайиб кўринар эди.

– Ажаб... – деди Азимжон узоқлардан кўз узмай ўзига ўзи, – ҳаммасини ташлаб, осонгина кетди-қолди...

Очил бува ҳам Акбаралини ўйлаётган экан чоғи, Азимжоннинг шивирлашини эшитди.

– Ниманинг «ҳаммасини»?

Азимжон чексиз далаларни, узоқда олтин ранг боғларга кўмилиб ётган қишлоқлар, қорамтир тоғлар, кўм-кўк осмон барисини бирдан қучоғига олмоқчидек қулочини ёзиб, дераза томонни кўрсатди.

– Мана буларнинг ҳаммасини...

Бу содда гап Очил бувага таъсир қилди.

– Биласанми, бизнинг жиян... «бунинг ҳаммасини» ўзиники қилиб олганича йўқ эди-да. «Бунинг ҳаммаси» жуда улуғ гап. Одам боласи шу улуғликнинг бир зарраси. У унга жон риштаси билан чирмашиб кетиши керак. Бўлмаса, сен айтгандай, «осон» кўчади. Мана бизларга қийин... «кетиш». Бизлар бу тупроқни қонимиз билан суғорганмиз. Ҳар бир гиёҳни, ҳар қаричини ўз кўлимиз билан ясаб олгандай...

– Бу ерлар қаровсиз ёввойимиди?

– Гап унда эмас. Нима деб айтсам... қандайдир чиркин, таҳқир этилган ерлар эди. Янгилаш, орзулаш керак эди. Эҳ-ҳе, болам, нимасини айтасан! Ҳов ана у ола тоғларнинг нарёғида...

## ҲИКОЯТ

Ҳамал чиқиб, савр кирган кунлар. Савр келди – экинчига давр келди, деганларидек, тақачининг устахонаси эски омок, мертик кетмон, тишсиз сихмола, чопқи, қирғич, инчунин турли-туман темир-терсак билан тўлиб-тошган, иш қисталанг палла. Сармойяси темир, дастмойяси кўмир, дегандек, «Ё ҳазрати Довуд!» деб кеча-кундуз болға урадиган Очил шундай долзарб маҳалда, гўштан ажратилган тирноқдек, устахонадан чиқиб, Тошкентга жўнади.

— Бироқ конференция очиладиган куни эрталаб қўлларига қизил мандат ўрнига поезд билети тутқазишди: жанубий районларни чигиртка босибди, конференция вакиллари ёппасига чигирткага қарши сафарбар қилинган эди.

– Чигиртка? – Очил оғзининг бир чети билан жилмайиб елкасини қисди. У яқиндагина босмачиларни қийратиб қайтган, шоп мўйловли, элликларда бўлса ҳам, қирчиллама йигит эди. Энди чигиртка бормиди? Бу унга бир бачкана юмуш бўлиб туюлди. Шошмасдан кўчага чиқиб пойтахт сартарошхонасида мўйловини қиртишлатиб, мушуддаги яҳудий чолга этигини мойлатиб келди. Келса конференция бўладиган залда ваҳима: яна шошилинч телеграммалар келибди – сариқ чигиртка бутун Туркменистонни босганмиш! Йигирма кунда Қорақумдан ўтиб келиб Аму бўйлари-ни – бутун Лебобни қуритиши мумкин, Тошовуз, Бухоро хавф остида эмиш!

Очилнинг группасига тайинланган ёш энтомолог ҳовлиқмароқ эканми, ваҳима қилиб юборди: сариқ офат Каспийдан Тяншангача минглаб километр масофани эгаллаганмиш. Миллион тонна келадиган катта галалари беш-олти минг квадрат-километр майдонни қоплаб, боғ, яйлов, экинзор дейсизми – барини шудгор қилинган ердай қорайтириб келаётганмиш!

Очил бу ваҳимага унча ишонмаса ҳам, ҳайрон бўлиб қолган эди. Бошқалар ҳовлиққан, ҳаяжонда, у бўлса нукул ўйлайди: сариқ чигиртка бу ерларга қаёқдан келиши мумкин? Илгарилари бу офат ҳақидаги шум хабар Мозандарон тарафлардан келарди. Бизнинг деҳқон бу офатни билмайди, кўрган эмас. Наҳотки шу гапларнинг ҳаммаси рост бўлса?

Ниҳоят олти киши бир группа бўлиб, ўз чекларига тушган Чучуксойга жўнаб кетди.

Далалар кўм-кўк. Довул қоқиб, чақмоқ чақиб, сурони билан келган баҳор бутун оламни уйғотган эди. Стансиялар гавжум, болаларнинг қўлларида қизил чуқри, одамнинг оғзининг сувини келтириб, равоч чайнашади, мешкобчилар югуриб юриб сув сотишади. Шовқин-сурон.

– Кеп қолинг, исмалоқ сомса! – деб чинқирганча қизчалар чопқиллашади.

Очилга табиатнинг мана шу пайти сирли туюлади. Наврўзи олам, сумалак қайнаган кечалар, барра кўзиларнинг биринчи маъраши, қандайдир ширин ташвишлар, софликка, кенгликка интилиш... Бундай вақтларда одамлар офатни ўйламайди. Гўё ҳеч

қандай ёмонлик бўлмайдигандек. Фақат тирилиш, янгилиниш, яшариш, талпиниш, қанот чиқариш...

Қанот чиқариш?

Наҳотки оддий сариқ чигиртка шунчалик ваҳимали бўлса?

Когонда уларнинг келишини билишар экан, станция бошлиғи билан яна бир неча киши перронда кутиб олди. Ярим кеча эди. Очил бу кутиб олганларнинг тунги саросимасини кўриб, ҳайрон қолди: паровоз йўқ, вагон етишмайди, ҳаммасини керосин, смола, дорилар юклаб жанубга тўхтовсиз жўнатиб туришган экан. Буларга транспорт йўқ, лекин қандай йўл билан бўлса ҳам ҳозироқ жўнатиш ҳақида буйруқ бор экан. Дрезинада жўнашга тўғри келади...

– Дрезинада? Шунча жойга кечаси-я?

– Ҳа, ўртоқлар, – деди станция бошлиғи. У кўк пахталик кийган, кўзлари қизил, расмийроқ ва жуда ишчан киши кўринар эди. – Сув-пув олволинглар, ҳозир жўнатамиз.

Очил гапнинг жиддийлигига энди астойдил ишона бошлади.

Тўрт ярим от кучига эга бўлган мотодрезинанинг уч кишилик баланд скамейкасига беш киши зўрға жойлашиб, тонг қоронғи-сида йўлга чиқишди. Аввал бу, ўзи юрадиган ўйинчоқдек, ҳаммага болаларча қувонч бағишлади, намхуш ўт-алаф ҳиди димоққа урилди.

– Чу, жонивор! – деди кимдир шўхлик билан. Йўловчиларга жон кириб, ҳазил, кулги, ҳангома анчагача давом этди. Лекин бора-бора туннинг рутубатли салқини заҳрини ўтказиб жунжиктира бошлади, чексиз қоронғиликка думалаб кетаётган бу бир кўзли шайтон аравани тўхтатиб бўлмасдек туюлар, ёлғиз фараси йўл четидаги ўйдим – чуқурларни узоқдан тубсиз жарликдай қилиб кўрсатар эди.

Уч соат давомида олдиларида биронта чироқ милтиллаб кўрин-маса-я. Хунук увлайдиган чиябўридан бўлак тирик жон эгаси учра-майди. Дийдираб қолган энтомолог йигит – унинг оти Мамажон – Очилнинг пинжига кириб кетди, Очил ҳам ғужанак бўлиб олган бу кичкинагина вужудни бутун гавдаси билан тўсиб, иситишга уринар, гапга солар эди. Лекин бу кўпол, кекса солдатнинг олдиндаги офатга парво қилмай, шерикларини камситиб кесатишлари, айниқса бу йигитчани «Чигиртка-полвон» деб атаб, бошқаларни ҳам кулдириб, ҳадеб масхара қилишлари энтомологга ёқмади. Бу ерда сариқ офатнинг нима эканлигини ҳозирча фақат шу йигитчагина унча-мунча тасаввур этарди.

Тонг қандайдир бирдан ёришди. Тонг билан бирга чеҳралар ҳам ёришиб, ҳалиги хафагазак гаплар тезда унутилди, уфқ кўринди, уфқда яшил теракларга бурканган қишлоқлар, кентлар, қўрғонлар



ухлаб ётарди. Ҳозиргина тим қора атроф, текис далалар, экинлар, ўтлоқлар тиниқ кўк рангга кириб, шабнам қатралари жимирлаган пастликлар оқар дарё сингари йилтиллади, бўлиқ баҳорнинг бутун ҳаётбахш руҳи совуқдан ёшланган кўзларда, кўкарган юзларда барқ урди, диллар исиб кетди.

Улар эгилиб йўл бўйида ўсган қизғалдоқни узишга интилишар, ўзларича хиргойи қилиб, бу ажойиб темир араванинг беозор вазнига тебранишар, завқ билан бақариб-чақариб, ўзларини иситишга уринишар эди.

Қора тун қаъридан отилиб чиқиб, дилбар субҳидам қўйнида соф кенгликлар хуснига маҳлиё бўлган, бирпасга ҳамма нарсани унутган бу беш йўловчи туйқусдан нима бўлганини пайқамай қолди. Ҳамма ўзини қудуққа тушиб кетгандек ҳис этди. Йўқ, дрезина ағдарилгани йўқ. Лекин осмон тўнкарилгандек, бехосдан бошлар айланиб, кўнгил айниб, ҳаммани даҳшат, кўркүв босди. Сутдек оқариб келаётган уфқ бирдан қоронғилашиб, атрофни зулмат босди. Дрезинанинг пайваста садоси эшитилмасди, бош устидами, қулоқ ичидами нимадир ғимирлар, шитирлар, аста шитирласа ҳам оламни тутгандек эди бу ёқимсиз шарпа.

Бу жарлик ҳам эмас, осмон ҳам тўнкарилмаган, бу – булут эди. Жуда катта, оғир, ифлос бир сарғиш булут йўловчиларни ерга қапиштиргудек пастлаб сузмоқда. Улар бунинг сариқ чигиртка булути эканини билишди, лекин чигирткани кўришмади, унинг нам, шилимшиқ оғирлиги бошлари устида сезилиб турар, чиркин шитирлаши даҳшат солиб, аллақандай қўланса ҳиди кўнгилни ағдарар эди. Ҳаммалари ўзларини ожиз сезиб қолишди, кўпни кўрган кекса солдат Очил ҳам вужудига чирмашган бундай чиркин нарса ни биринчи сезиши. Дрезина соатига қирқ чақирим тезлик билан борар, нотаниш душмани билан биринчи марта юзма-юз келган сафарбар гуруҳ беихтиёр бошини ичига тортиб, совуқ скамейкага қапишиб қолган эди.

Улар ўша аҳволда бир неча дақиқа юришдими, бир соатми – буни Очил бува ҳалигача билмайди – бир маҳал чексиз, кўм-кўк осмон кўринди, улар қудуқ тагидан тортиб олингандек эркин нафас олишди. Сассиқ, оғир яшил булут ўтиб кетди. Лекин кўнгилда ваҳимаси қолди. Шу дамдан бошлаб дилларини ҳайрат, қизиқиш ўрнига даҳшатли ҳаяжон эгаллади.

– Булар урғочи, бўғоз чигирткалар, пастлаб учяпти, – деди лаблари қалтираб Мамажон. Бошида чуст дўппи, овози ингичка. – Нарироққа бориб кўнади. Экинга, боққа, яйловга ёпирилиб, кўкарган нимаики бўлса томиригача кемиради, кейин қора ерга тухум

қўяди. Ўн беш кундан кейин бундан юз барабар катта галалар ер бағирлаб... – Мамажон тиши тишига тегмай қалтирар, унинг гапини эшитиш оғир, баданлар жимирлаб кетар эди. – Ёш чигиртка учмайди, ер бағирлаб ўрмалайди, ўн-юз чақирим фронтни эгаллаб, ифлос сувдай елиб, ғимирлаб келаверади, ҳар бирининг жағи тинмай ишлаб туради...

– Бас! – деб бақириб юборди Очил. Ҳалиги қўланса ҳид яна димоғига келиб урилган эди. У буни энтомологнинг ҳикоясидан деб билди. Аммо қараса, ҳид борган сари зўрайиб, кўнглини айнитяпти. Бир вақт дрезина ҳам силжимамай қолди.

– Чигиртка! – деб қичқирди кимдир. Ерга қарашса, бутун атроф, шўр босган дала, йўл, темир излар ҳам кета-кетгунча сап-сарик! Оёқ босгудек ер йўқ. Ғилдирак борганда чигиртка қатлами ситилиб рельслар ям-яшил шилимшиқ модда билан қопланар, ғилдираклар ғириллаб бир жойда айланар, дрезина олдинга силжий олмас эди.

Ерга тушиб итаришга тўғри келди. Пастга тушишлари билан бу ҳисобсиз жирканч ҳашарот оёқ остидан сакраб, юзларга ура бошлади, елкага, қўйинга, этик қўнжига, сочлар орасига тўлди. Лекин бошқа илож йўқ, бу доирадан чиқиб олиш керак эди, кўзни шартта юмиб дрезинани итариб кетишди. Тошда ҳам, ўтда ҳам, тупроқда ҳам, темирда ҳам оёқлар тоярди. Очилнинг табиати шу қадар кир бўлдики, бирдан руҳи тушиб кетди. Гуркираган баҳор қўйнидаги бу чиркинлик унинг тасаввурига сиғмасди. Тиззалари қалтираб ярим чақиримча югурганларидан кейин, юзларига соф ҳаво тегди, оёқлари ерда тирак топиб, қўйин-қўнжиларини қоқдилар. Дрезина тез юриб кетгач, салқин шамолда зўрға ўзларига келдилар. Ҳар бирининг кўнглида бу жирканч офатга қарши кучли нафрат, ўч аланга олган эди.

Район марказида уларни қишлоқма-қишлоқ бўлиб юборишди. Очил ака билан Мамажон бир жойга тушди, Чучуксойдан уларга яна бир одам – Маткаримов деган милиция бошлиғини қўшиб беришди. Маткаримов баланд бўйли, келишган, мўйловини бўяб юрадиган чиройли одам эди. Очил аканинг «Шоп-шалопни қолдилинг», деган илтимосидан кейин тўппонча-ю камарларини, қоматига ёпишиб турган формасини ечиб, одмигина кийиниб чиқди. Бунга бир оз оғринганини Очил ака ҳам сезди-ю, лекин нима қилсин, уларга одамлар билан ишлаш, ётиғи билан тушунтириб, аҳолини офатга қарши сафарбар қилиш вазифаси топширилган. Бу ерда озгина бўлса ҳам зўрлик, дўқ, пўписа кетмайди. Милиция формаси,

тўппонча бу ишда зиён етказиши мумкин, холос. Маткаримов ортиқча қаршилиқ кўрсатмаса ҳам, тўнғиллаб қўйди.

– Маҳаллий шароитни билмайсизлар...

– Биз ҳукумат номидан кетяпмиз, акаси, – деди Очил гапни қисқа қилиб.

Шом олдидан уч отлиқ нотаниш қишлоққа кириб борди. Қишлоқнинг ўзи кўримсизгина бўлса ҳам, атрофдаги манзара, тоғ этагидаги ям-яшил қирлар, узоқ-узоқларга чўзилиб кетган тахта-тахта текис далалар, икки ёни қатор терак арава йўллар, бодроқ-бодроқ оқариб ғуллаган шафтолилар ғира-ширада сирли кўринар эди. Кўчалар бўм-бўш, ҳовлилар жимжит, бу ердагиларнинг чигиртка тугул, оламдан ҳам хабари йўққа ўхшарди.

Қишлоқ шўроси олдида отдан тушдилар. Югуриб чиқиб жиловни ушлаган одам ёғоч оёқ, елкасида кўшотар милтиқ, соқоли ўсиб кетган бир чол эди. Дам «тақсир», дам «ўртоқ» деб, меҳмонларни ичкарига таклиф қилди, стол тепасида осифлиқ қирқинчи лампани имиллаб ёқди.

– Сиз кимсиз?

– Мен қоровулман, тақсир... ўртоқ.

– Бизга раис керак.

– Раис? Э-ҳа... шундоқ денг? Хўш... раис йўқ, ўртоқ... тақсир.

Бу ғалати одамдан Очил аканинг энсаси қотди.

– Кўшотарни бундоқ қўйиб гапиринг, биродар. Отингиз нимади? Қурбонали? Гап мундай, Қурбонали. Бизга қишлоқ раисини чақириб беринг.

– Раис йўқ.

– Қаёқда?

– Йўқ, бутунлай йўқ.

– Бу қанақаси?

–...

Қоровул чайналавергандан кейин меҳмонлар ким эканликларини айтиб, ўзларини танитишди. Шундан кейин Қурбонали милтиқни бурчакка суяб қўйиб, аввал шошмасдан нос отди, кейин, қишлоқда икки йилдан бери бирин-кетин тўртта раисни ўлдириб кетишгандан бери бу лавозимга рози бўладиган одам топилмаётганини айтди. «Ҳозирча ҳамма ишларга ўзим қарашиб турибман» деди қоровул носни бурчакка тўплаб.

Меҳмонлар бир-бирларига қараб олишди.

– Бизларни нима қиласиз?

– Сизларни, – Қурбонали тўнғакдай кўпол ёғоч оёғини дўқилла-тиб бориб, эшикни тамбалаб келди. Бу вақт кўшотарга қўл узат-

ган Маткаримовни тинчитди: – Ўқи йўқ... – Кейин Очилга қаради: – Менинг вазифам шуки, сиздайларни дарров изига қайтариб юбораман. Бекордан-бекор нобуд бўлишнинг ҳожати йўқ.

– Чигирткани кўрганмисиз, Қурбонали? – деб сўради Очил.

– Кўрган эмасман. Чигирткага нима бор шу топда, қоронғи тушяпти, жўнанглар! Чироқни ўчиришим керак.

– Ким ахир улар, кимдан кўрқижимиз керак?

– Мардонқул кўрбошидан қолган каллакесарлар. Ҳозир уларга сибир бўлиб кетган Шариф оқсоқолнинг кенжаси Сангинбойвачча бош бўлган.

– Қаерда улар?

– Қайдам? Ҳар замонда пайдо бўлишади. Ҳозир сизларнинг келиб тушганларингдан огоҳ бўлди деяверинг. Қаёқдан хабар топишади, билмайман.

– Ўзингиз хабар бермайсизми ишқилиб? – Маткаримов хезланиб ўрnidан туриб кетди.

Очил ака уни кўз қараши билан босди. Хафа бўлган Қурбонали: «Чироқни ўчираман, кетинглар», деб қисталанг қилди. Очил ака унинг қўлидан ушлади, ўтқазиб қўйиб, эртами-индин етиб келадиган даҳшатли офат – чигирткани гапира кетди.

– Энди бизларни жойлаштиринг, эртага халқ билан кенгашамиз.

– Қаерга жойлаштираман? – деди қоровул йиғлагудек бўлиб.

– Сангинбойвачча келганида кимникига тушади?

– Тошхўжаникига...

– Ўша ерга олиб боринг бизни.

Буни эшитган Маткаримовнинг кўзлари олайиб, кўркам юзидан қон қочди.

– Ўша ерга олиб боринг, – деб такрорлади Очил бошқа жойда ёт-сак ғафлатда қоламиз.

Қурбонали «мен огоҳлантирдим, билганингни қил», дегандек, елкасини қисиб йўл бошлади. Чироқ ўчганда, ҳаммаёқ қоронғи бўлиб, Маткаримовни баттар ваҳима босди. У зим-зиё кўчада ёғоч оёқнинг ғирч-ғирчига эргашиб бораркан, Очилдан норози, ҳадеб тўнғиллар эди: қуролсиз, несиз, каллакесарларнинг уясига кириб бориш – ўзбошимчалик... қалтис ўз бошимчалик... Кимдир жонидан тўйган бўлса унга нима, унинг жони ўзига керак...

Очил ака бу гапларни эшитмагандек жадал юраверди. У Тошхўжани ҳам, иложи бўлса Сангинбойваччанинг ўзини ҳам таниб қўйгиси келар эди. Кимлардандир қочиб-пусиб юриш учун келган эмас ахир. Ҳукумат номидан халққа мадад бериш учун, офатга қарши курашни уюштириш учун келган.

- Бу ернинг халқи Тошхўжанинг измидан чиқмайди, - деди Курбонали, - сизлар бир нима десанглар ҳам, ўшанинг оғзига тикилади...

- Қулоқми?

- А?

- Ери кўпми дейман?

- Кўп...

- Батрак ишлатадими?

- Бе, батракни нима қилади. Еттита девдек ўғли, қизлари, келинлари, неваралари... Ярим қишлоқ аймоғи-ку.

Мамажон ҳам гаранг бўлган ҳолда энг орқада эргашиб борар, эрталаб чигиртка булутидан даҳшатга келган кичкинагина юраги бу иккинчи даҳшатни сиғдирилмас эди. Чигирткадан ҳам хуну-крок ишларга дуч келишмаса ҳали.

Тошхўжанинг ҳовлиси ичкари-ташқарили, этакда кенг чорбоғ сўкма йўллар билан бошқа ҳовлиларга туташиб кетган - болаларининг хонадонлари бўлса керак. Булар кириши билан ойдинда шоҳсупадан барваста бир одам кўзғалиб, «Хуш келибсизлар», деди. Тошхўжанинг ўзи шу бўлса керак. У қирғиз қовоқ, қоши сийрак, чўтир одам эди. Курбонали бошлаб келганидан, меҳмонларнинг ҳукумат одамлари эканини билди-ю, чиройи ўзгармади, заҳил юзи қандайдир ифодасиз, нима ўйлаганини билиб бўлмас эди. Меҳмонхонага таклиф қилди.

- Йўқ, ижозат бўлса мана шу атрофда чўзила қоламиз, - деди Очил шотут тагидаги эски сўрини кўрсатиб. Ечиниб, ариқда ювинишди, Курбонали ичкаридан чой дамлаб, патнисда жийда, майиз олиб чиқди, нон синдирди.

Ойдинда бу нотаниш жойлар сирли кўринар, гап қовушмас, Мамажон бўлса ўзини четроққа олиб ўтирган уй эгасига зимдан тикилиб, ўйлар эди: наҳотки каллакесарларнинг ҳомийси шу бўлса? Бўлса бордир: ўлгудай тўнг кўринади, юзида бир илиқлик сезилмайди, камгап...

- Меҳмонлардан хурсанд эмассиз чамамда, Тошхўжа ука, нимани ўйлаяпсиз?

Курбонали жавдираб қолди: Тошхўжани қишлоқда ука дейишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмасди. Тошхўжа ҳам ялт этиб Очил акага қаради. У меҳмоннинг ўзидан катта одам эканини энди пайқаган эди.

- Нега, эшигимиз ҳаммага очиқ, - деди у елкасидаги беқасам чопини тузатиб.

- Ҳаммага денг?.. - Очил ака чой ҳўплади. - Қишлоқ шўроси раисларини пичоқлайдиган меҳмонларингиз ҳам бўлар экан.

Тошхўжа бу гапдан сакраб тушар, деб ўйлашган эди, пинак ҳам бузмади.

– Менинг бурчим – келган мусофир мўмин-мусулмонга эшик очиш, чой тутиш... У кўчада нимаики қилса, гуноҳи-ю савоби ўз гарданида.

– Бас, ётинглар, дам олиш керак... – деди Очил сўрига чўзилиб. – Сиз ҳам боринг, Қурбонали, раҳмат.

– Йўқ, мен кетмайман, мен шу ерда ўтираман, – деди қоровул ўқ-сиз кўшотарини кучоқлаб ўтирганча.

– Кетманг, кетманг! Шу ерда ўтиринг! – деди Маткаримов.

Очил ака юлдузларга қараб ётаркан, Тошхўжа ҳақида ўйларди. У инқилобнинг ашаддий душманларини кўрган, лекин бунақа хилдагисини кўрган эмас эди...

Ўйлаб ётиб пинакка кетиб қолган экан, Маткаримов уйғотди:

– Менга қаранг, шу ерда ётаверамизми?

У ваҳимада ҳалигача мижжа қоқмаган эди. Бир соатча ўтдими, йўқми, Очил акани яна уйғотди:

– Эшитяпсизми?

Очил ака эътибор қилмади. Лекин дарвозахонада чиндан ҳам кимнингдир шарпаси эшитилар эди. Кўчадан от дупури ҳам кулоққа чалинди. Маткаримов тикка туриб олган, новча гавдасини қаёққа яширишнинг ташвишида қолгандек аланглар, одати бўйича, тўнғиллай бошлаган эди.

– Айтмадимми, тузоқдамиз, деб! Бу чўтирнинг башарасидан кўриниб турибди жаллодлиги! Мен огоҳлантирдим. Қани энди чорасини топиб беринг, жўмард ака! Кўра-била туриб каллакесарларнинг уясига бошлаб келган – сиз эдингиз! Уч одамнинг жони билан ўйнашяпсиз. Ё атайлаб...

Очил унга шундай қарадики, қоронғида кўзининг оқи чарақлаб кетди. Ҳамма оёққа туриб олган эди. Очил ака дарвозахонага қараб юрди.

– Кўштиғни олинг... – деб пичирлади қалтираб қолган Қурбонали.

Кўчада уч-тўрт кишининг гаплашгани эшитилди, атрофда итлар ҳурди. Бирпасдан кейин эшик ғирчиллади, Очил қайтиб кирди.

– Отланиглар! – деди у, ўзи этигини ечди-да, шошиб-пишиб пайтавасини бошқатдан ўрай бошлади.

Тумандан чопар келибди. Чигиртканинг олдинги галаси дашт-ни кесиб ўтиб, экинзорга ёпирилганмиш, ўн олти чақирим нарида... Бу мутлақо кутилмаган ҳол. Туманнинг мўлжалича офатнинг бу ерларга етиб келишига камида тўрт кун бор эди. Агар катта гала бўлса, бу жуда хавфли. Керосин, қорамой, мум, смола сингари

ёнилғилар етиб келмаган, Осоавиахим аэропланлари тайёр эмас, химикатлар йўк, қишлоқ аҳолиси ғафлатда...

Чопар Очилнинг топшириғи билан тезда районга қайтиб кетди. Очил ака Маткаримовга қишлоқдаги керосин запасларини йиғиштиришни буюрди. Мамажон билан Қурбоналига: «Халойиқни уйғот, тушунтир, бошлаб бор!» деб, ўзи далага от солди.

Ўн олти чақиримни босиб боргунча тонг ҳам оқарган эди. Очил ака таниш манзарани узоқдан кўрди. Қизғиш чигиртка галалари пахтазорларга, боғларга етиб келмаган бўлса ҳам, қир этагидаги баҳорикорликни бутун эгаллаган эди. Очил ака вазиятни аниқлаш учун от чоптириб бутун «фронт линияси»ни айланиб чиқмоқчи бўлди, лекин охирига етолмай, ваҳима билан орқага қайтди. Кўпикка ботган от ҳам одатдан ташқари хатарни сезгандек, бутун вужуди билан қалтирар эди.

Кўп ўтмай Қурбонали билан Мамажон уйғотган қишлоқ аҳолисининг олди етиб келди. Лекин буларнинг кўпи офатга қарши курашдан ҳам кўра, «Чигиртка қанақа бўлар экан?» деб қизиқиб келган томошабинлар эди. Мамажон тўдадан тўдага пилдираб юриб, офатнинг хавфини, чигиртканинг «одатлари»ни, уни қандай қириш мумкинлигини тушунтирар эди. Ҳар жой-ҳар жойда хашак, шох-шабба тутай бошлади, бола-чақа, хотин-халаж таёқ кўтариб, тош, супурги, косов – нима дуч келса қўлга олиб экинзорга ёпирилди. Маткаримовнинг аравасида керосин етиб келганда, эркакар латта, хашак, лой аралаштириб, қорабуввра ясай бошладилар.

Кечагина шабадада баррадек товланиб ётган кўм-кўк қирларда қиёмат қойим бўлиб кетди, дўзахдек ўт ёнар, тутун тўлғанар эди, қийқириқ, тарақ-туруқ, ваҳима, йиғи-сиғи... Кампирлар жом қоқиб, девонадек бақирришар, эркакарлар этиги билан ер тепиб, чигирткани эзар, бола-чақа таёқ билан ўтларни савалар эди... Лекин мўр-малахдек ёпишган миллиард-миллиард бўғоз чигиртка шовқинга, ўтга, сувга бепарво, ширали буғдой майсаларни, ёввойи гул новдаларни томиригача қиртишлаб, йўлида нима дуч келса қуритиб, супуриб, яхлит лойқа тошқиндек силжиб келар эди.

Одамлар уни эзишар, чирсиллатиб ёндиришар, тупроқ билан қориштириб ташлашар, лекин оч офат ўлиги устига янгиси босиб келаверар эди. Одамлар, аламдан, тинмай ер савалар, ўтли қорабувраларни юмалатишар, отлиқлар экин топтатар, ожизликдан кўзларидан ёш чиқар, хотин-халаж эса умидсиз, ваҳимада шовқин солар эди.

Туш пайти осмонда тариллаб Осоавиахимнинг учта аэроплани пайдо бўлди. Тинмай от чоптириб юрган Очилнинг янги буйруғи

далама-дала, қирма-қир тарқалиб, бутун зарарланган доира аэропланларга бўшатиб берилди, гўнг тутатиб, белгилар қўйилди.

Силласи қуриган, кир-чир, ола-қуроқ халойиқ сал-пал эркин нафас олди, чет-четга чиқиб қизиқиш билан томоша қила бошлади: нима бўлар экан? Аэропланлар ҳам яшил, катта чигирткаларга ўхшар, одамлар ёнидан ер бағирлаб вариллаб ўтиб, уфқлардан яна қайтиб келар эди, уларнинг уч соат давомида тинмай тариллаши ҳар бир вужудда такрорлангандек бўлди.

Ниҳоят аэропланлар кўнди. Эрталабдан бери еб-ичмаган, куюлоғи батанг бўлган одамлар бирдан жонланиб, кенг далада қувончли садолар кўтарилди, исқирт бўлиб кетган одамлар бир-бирларини кучоқлашар, дўппиларини осмонга ирғитиб қичқирришар эди.

Аэропланлардан сепилган заҳарли дорилардан тўлқин-тўлқин бўлиб келган чигиртка галалари бир-бирининг устига қалашиб, ерга қапишиб қолаверди.

Одамлар ҳам қувонар, ҳам ҳайратда ёқаларини ушлар эди: бунча кўп бўлмаса! Қават-қават, миллиард-миллиард!

– Худойимга ҳайронман, бунча кераксиз жонни яратиб қўйиб...

– Ҳой, худога тил теккизма.

– Энди бунга молалаб ташлаш керак.

– Қуёш қурийтиб, тупроққа қориштириб юборади.

Далада ҳангома, гурунг, қувонч икки соатча давом этди.

Кечга яқин... Яхши ҳам кўпчилик уй-уйига тарқаб кетмаган экан.

Кечга яқин ўша ерга қапишиб ётган яшил офат аста қалқиб, яна ғимир-ғимир силжий бошлади. Ё алҳазар! Ўлмаган экан, газдан маст бўлиб, дам олиб ётган экан касофат! Димоғига кирса, одамни тарашадек қотирадиган заҳар бу жирканч ҳашаротга кор қилмабди! Энди нима қилиш керак?

Ожизликдан аламзада бўлган одамлар ёқа ушлаб бирпас қараб туришдию томоқлари қирилиб кетган Очилнинг буйруғи билан яна эски, ибтидоий қуролларга тутинишди: ўтлар ёқилди, керосин сепилган қорабувларлар, латта машъалалар, таёқлар ишга тушди. Кекса деҳқонлар хода, тўнгат, сихмолаларни отга судратиб буғдойзорга кириб кетишди.

Кечаси билан ишлашни уюштириш зарур эди, Очил акага бу қийин бўлмади, чунки ўчакишган халқ куну тунни фарқ қилмай жон-жаҳди билан курашар эди. «Агар эрталабгача райондан ваъда қилинган қорамой, керосин келиб қолса, чигиртканинг тухум солишига қўймаймиз», деб дилига тугиб қўйди Очил ака. Чунки тухум қўйиб улгурса, Мамажоннинг айтишича, чигиртка яна юз баравар кўпаяди...



Очил ака билан шериклари тонг олдидан жиндак нафас ростлаш учун жойларига қайтиб келишди. Уларга Тошхўжанинг ўзи эшик очди. Очди-ю лой сувоқ супага гурс этиб ўзини ташлаган Очилни кўриб, анқайиб қолди: у гўё кечаги меҳмон эмас, бирдан қариб, ориқлаб қолган чол эди, юзлари қурум, соқолига ифлос тер оқиб тушган, қошлари ҳам куйган, чопони йиртилиб пахтаси осилиб ётибди, қўллари сидирилиб, лой, қоракуя аралаш қон қотиб қолган. Дармонсиз, қалтираб этигини тортаркан, Тошхўжа унинг оёқлари товонидан этик қўнжларигача яшил шилимшиққа беланганини кўрди. Очил ака чарчаганини энди сезди шекилли, ариқ томон юраётиб гандираклаб кетди. Шунда Тошхўжанинг ўзи бориб, унинг бошига челақдан сув қуя бошлади.

– Қалай, нима бўлди? – деди у секин, эҳтиёт билан.

Очил ака совуқ сувни роса сачратиб белигача ювингач, сал хушёр тортиб, уй эгасига қаради, Тошхўжанинг чўтир юзида қизиқишми, ачинишми, хайрихоҳликми, ҳайтовур, қандайдир ифода пайдо бўлган эди.

– Иш ёмон, ҳеч нима қилиб бўлмапти... – деди Очил.

Улар тош фонар ёруғида ўтириб чойнак-choйнак қайноқ чой ичишди. Нон-понга қарашмади ҳам. Тошхўжа бўлса кечагидек чек-кароқда ўтирганча, ҳайрат тўла кўзларини булардан узмас эди.

Тонг отганда уларни кузатиб қўйди-ю, ўзи ҳам уйда ўтиролмади: тавба, булар ким ўзи, нима учун бунчалик жонларини беришяпти? Наҳотки иш шу қадар жиддий бўлса?

Гузар, кўчалар ҳувиллаб қолган, бирон кимса кўринмас эди. Тошхўжа ўйлаб турди-да, оғилхонадан қари биясини эгарлаб чиқиб, баҳорикор қирлар томонга йўртиб кетди. Қишлоқдан чиқиши билан боғлар орқасидан баркашдек қуёш юзига урилди. Ҳали ернинг ҳовури кўтарилмаган, яиги туғилаётган кундан баҳор ҳиди келарди. Тошхўжа қаёққа кетаётганини ҳам унутди шекилли, шўхлиги тутиб, шохлари девордан ошиб ётган ўрикдан бир ҳовуч ғўра сидириб олиб, оғзига солди. Чўтир башарасини буриштирганча роҳат қилиб чайнади...

Бироқ у ярим соат юрар-юрмас нақ дўзахнинг ичидан чиқиб қолди. Қийғос ниш урган ғўзалар, боғлар ичида қора тутун тўлғанар, ҳар жой-ҳар жойда чирсиллаб ўт ёнар, ёш баргак тутлар каллаклангандек қорайиб, унниқиб кетган, осмонни жананг-журунг, кутсиз сурон тутган эди. Ўз ерларига қараб от солмоқчи бўлди-ю, лекин бия алангадан ҳуркиб, қир томонга олиб қочди. Тошхўжа тизгинни жон-жаҳди билан тортиб, ғазабдан жониворнинг юз-кўзи аралаш қамчилаб тўхтади-да, эгардан сакради. У тушган жой

негадир тинчроқ, ҳалиги даҳшатли сурон узоқлардан элас-элас эшитиларди. Бир пайт қараса, шудгор қилинган қоп-қора ер ўртасида турибди. Шудгор? Йўқ, бу кечагина тўлқинланиб ётган ям-яшил лалмикор ерлар эди, ҳозир пода ўтгандек топталиб, балчиғи чиқиб ётибди, ҳов тоғ этагигача. Бирон туп кўк ўт, ниҳол, барг кўзга чалинмайди, қоп-қора. Тошхўжа отни ҳам унутиб, телбадек қоқила-сурина юриб кетди, баъзан пошнаси билан чўнқирларни ковлаб кўради, қоракуя аралаш тупроқни ҳовучига олиб тикилади, қани энди биронта тирик илдиз учраса. Бу қанақа офат! Бу қандай қаҳри ғазаб! Нима гуноҳ қилган эди деҳқон? Тошхўжанинг қисиқ кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Кейин у бир-бирига қарамай жон-жаҳд билан ер савалаётган, боғ кесиб ўт ёқаётган, қорамой, дуд ҳиди анқиб турган тўда-тўда одамлар ёнидан ўтди, ҳамқишлоқларидан ҳеч кимни танимади. Нарироқда яхлит ўт олган жўяклар ичида тўхтаб қолди, керосин сепилган жўякларда ер бағирлаб ўт ўрмалар эди, чирсиллаб ёнаётган чигиртканинг қўланса ҳидига чидай олмай, бочкалар томон югурди. Қорамай, мум ҳиди димоғига ширин туюлиб, шу ерда тўхтади. Уст-боши лой, юз-кўзи қурум, жулдур, шошқалоқ одамлар бир-бирини танимас, гап қотгани вақти йўқ эди. Тошхўжа нима қилишини билмай, телбадек анқайиб тураркан, биров ёнидан туртиб кетар, биров пақирдаги қорамойни чопонига суркаб ўтар, ҳеч ким индамас, кўрмаётгандек эди.

Тошхўжа ваҳимадан вужуди қалтираб зўрға уйга етиб келди. Халқнинг бу хилда офатни енга олишига кўзи етмасди. Очил қаёқда экан? Тошхўжа далада уларнинг бирини ҳам кўрмади. Улар билан очиқроқ гаплашиб кўриш керак эди. Нимани? Тошхўжа ҳам билмайди...

Очил акалар яна ярим тунда қайтишди. Тошхўжа пешвоз чиқиб, у-бу гап қотиб кўрди-ю, лекин унга ҳеч ким тузук-қуруқ жавоб бермади, ҳаммалари кела солиб ютоқиб сув ичишди-да, таппа ташлаб тошдек қотишди.

Ҳалигиларнинг кийим-бошидан ҳовлини жизғанақ, куюнди, дуд иси, яна аллақандай сассиқ ҳидлар босиб кетган эди. Тошхўжа ухломмади. Битта ўзим уйғоқман, деса, йўқ, булар ҳам ухламаган экан, азонга бориб анов жиккак Мамажоннинг овози эшитилди:

- Очил тоға, ухлаётганингиз йўқми?
  - Гапир, - деди Очил уйқули кўз билан.
- Мамажон бирпасдан кейин гапирди:

– Менинг ҳисобимда чигиртка тўйди, эртага тухум қўяди. Биласизми, бу нима деган гап? Миллиард-миллиард чигиртканинг ҳар бири саккиз-ўнтадан тухумни ерга кўмади-да, ўзи жон беради.

– А? – Очил сакраб ўрнидан турди. – Буни нега энди айтяпсан?

– Тўхтанг, менинг бир режам бор. Хўш... – Мамажон яна анчадан кейингина давом этди: – Ҳар танобда ботмон-ботмон тухум. Ўн тўрт кун деганда шу тухумларнинг ҳар биридан янги ҳашарот бош кўтариб чиқади.

– Менга қара, сен қанақа мутахассиссан ўзинг..

– Тўхтанг, тўхтанг бу янги, яна баттар оч насл... осмонга кўтарилмайди. Уша куниёқ ер бағирлаб силжий бошлайди. Ҳозиргидан саккиз-ўн марта катта тўдалар... ер юзидаги яшилликни қийратиб ўрмалайди. Уларнинг табиати шундай-ки, йўлида ўт учрайдими, сувми, жарликми, ўз йўналишидан на чапга, на ўнгга қиттак четга чиқмасдан, бир тўданинг ўлиги устига иккинчи тўдаси ўлимига қараб ҳам тикка кетаверади. Худди худосидан буйруқ олгандек...

– Сен ҳашаротнинг интизомидан завқланыпсанми, нима бало, режангдан гапир, – деди нариги супада ётган Маткаримов.

– Режа шуки, чигиртканинг табиатидаги мана шу темир қонундан фойдаланиш керак. Бизнинг ихтиёримизда ўн тўрт кун бор. Шу вақт ичида бутун «фронт» бўйлаб ариқ қазиб, кейин бу ариқларни қорамой билан тўлғазиб ўт қўйиш керак. Иложи бўлса икки қатор, уч қатор! Аминманки, офатнинг йўлини тўсамиз, ўтга ўзи келиб тушади.

Ҳовли жимжит бўлиб қолди. Атиги ўн чақирим нарида хунук фожиа юз бермаётгандек, гўё қишлоқда ҳамма тинч ухлаб ётгандек, баҳор шабадаси боғлар оралаб шитирлаб юрибди. Аслида эса бу атрофда неча кундан бери на уйқу, на ором бор. Деҳқон зоти борки, ҳозир қон йиғлаб ётибди, дабдала бўлиб, кукуни чиқиб ётган ерларни кўриб, ҳозир одам тугул мол жониворларга ҳам титроқ тушяпти.

Очил ака апил-тапил этигини кийди-да, Мамажоннинг ёнига келди.

– Тур, ука, районга чоп! Режангни маъқулла. Бу фикринг бошқа районларга ҳам иш бериши мумкин. – У кичкинагина бўлиб рўпарасида турган қўйлакчан Мамажонни бағрига босди: – Баракалла, идрокли йигит экансан. Тезда отлан! Мен бу ерда ишни бошлай бераман.

Шундан кейинги йигирма кун худди иситма ичида ўтгандек, ундан узук-юлуқ хотиралар қолган эди, холос. Аввал мажлис, мажлис, мажлис, дам районда мажлис, дам қишлоқда, дам темир йўл

разъездида, Очил ярим кечалари ҳолдан тойиб қайтиб келарди. Шу кунлари билдики, доклад, музокара, шунчаки гап гапириш ҳам худди кетмон чопишдек чарчатар экан. Мамажоннинг машҳур бўлиб кетганини айтинг! «Мамажоннинг таклифи», «Мамажоннинг усули», «Мамажон ариқлари» деб ҳар мажлисда юз марталаб номи тилга олинади. Узи бўлса йўқ, районга олиб қўйишди, ҳозир у ерда ўнлаб қишлоқларга кўрсатма бериб ўтирибди. Кўримсизгина бу йигитча бош маслаҳатчи бўлиб қолди.

«Энг қийини халқни ташвиқ қилиб, ёппасига қўзғаб чиқиш», деб ўйларди Очил. Чунки, хом чўтларга кўра, фақат шу районнинг ўзида бир қатор бўлса, икки юз саксон чақирим, икки қатор бўлса беш юз олтимиш чақирим чуқур ариқ қазиб керак эди. Кўп деганда ўн-ўн икки кун муддат бор.

Лекин оқибатда ўша энг қийин дегани осон бўлиб чиқди. Чунки халқ, айниқса деҳқон офатнинг қандай хавfli эканини кўришга улгурган эди. Чигиртка билан бир-икки кунлик учрашув одамларга шундай таъсир қилган эдики, халқ ҳамма нарсани, ҳар қандай фиску фасод, бидъат, низо, адоватни йиғиштириб қўйиб, далага чиқди. Станциядан темир йўлчилар, шаҳарлардан ҳашарчилар етиб келди. Тўда-тўда одамлар кетмон, белкуракни елкага ташлаб, узоқ қишлоқлардан пиёда, отда, эшакда, аравада тинмай оқиб келар, араваларнинг шотисига «Ҳамма ариқ қазигани!» «Ҳамма чигирткага қарши курашга!» деб ёзилган алвонлар осилган эди. Экинни, боғларни, яшилликни, баҳорни сақлаб қолиш керак эди. Ризқи-рўзининг, азиз тупроғининг булғанишига ҳеч ким бепарво қараб туrolмади. Бу далалар ҳеч қачон бу қадар одамни кўрган эмасди. Қумурсқа карвонидек узоқ-узоқларгача буралиб-буралиб кетган одамлар занжири тинмай қимирлаб турар, минглаб кетмонлар эртадан кечгача дам тушиб, дам баланд кўтарилиб, офтобда ялт-ялт этар эди.

«Чигиртка тамом қуритилди» деган куни кечқурун тантана қишлоққа, маҳаллаларга, гузарларга кўчди, кўчди-ю мана шу ерда шартта қирқилди...

Очил буванинг хотирасида бу оқшом тошга ўйилгандек ўрнашиб қолган. Ўн тўққиз кунлик заҳмат ҳам бир бўлди-ю шу оқшом ҳам бир бўлди.

Қош қорайганда қишлоқ шўросининг орқасида чўлоқ қоровул Қурбоналининг ўлигини топишди. Очил пайқадикки, бу чигирткага қарши курашнинг давоми эди. Ола-ғовурда эсдан чиқиб кетган Сангинбойвачча лоп этиб эсига тушди. Маткаримовга боқди.

Туман милиция бошлиғи кечаёқ формасини кийиб, тўппончасини тақиб келган эди, ҳозир унинг қўзлари чақнаб кетди.

Кечаси халқни зўрға тинчитиб, уй-уйига тарқатиб юборганларидан кейин, Маткаримов Очилни четга чақириб, маслаҳат берди:

– Қишлоқда Сангиннинг каллакесарларидан албатта кимдир бор. Икки-учта одам келиб, халқни бундай ишга руҳлантирса-ю, у тишини-тишига қўйиб жимгина юрибди, деб ўйлайсизми? Қишлоққа оёқ қўйган қотил қаерда яшириниши мумкин, фаҳмлаясизми?

Ҳа, Очил-фирқа фаҳмлаб турибди, бугун Тошхўжаникига кириб бориш ўтакетган эҳтиётсизлик бўларди. Лекин бормасдан кетиш ҳам, бир чеккаси, қочишга ўхшаса, иккинчи томондан, ишни чала ташлаб кетиш бўларди.

Ярим кечада улар Тошхўжа қўрасининг орқа деворидан айланиб ўтишди. Оғилхона томондан девор пастаккина, бутун ҳовли кўриниб турибди, лекин ҳовуздаги қурбақаларнинг сайрашидан бошқа овоз эшитилмас эди. Бу хилда ўғридек қочиб-пусиб юриш Очилга ёқмасди, лекин Маткаримов қўймади:

– Меҳмонхонада чироқ ёниқ, кўряпсизми? Менинг орқамдан юринг!

Улар девордан ошиб, таниш ариқча бўйлаб айвон томон юришди. Айвонда гилам тўшалган, оёқ товуши эшитилмас эди, ичкарига қулоқ солишди, Маткаримов тўппончани тақимига босиб, деразага қулоғини қўйди. Ичкарида фақат битта одам, Тошхўжанинг ўзи гапирар эди. Олдида неча киши бор, ким у, нимага сира индамай қулоқ соляпти – билиб бўлмасди. Узига-ўзи гапирётган бўлиши мумкин эмас, кимдир бор. Лекин хирагина чироқ ёниб турган меҳмонхонанинг ичини тўла кўриб бўлмас эди, деразага рўйирост рўпара бўлиш мумкин эмас. Нафасларини ичларига ютиб қулоқ солишди.

– Йўқ, улар менга ҳеч нарса бергани йўқ, – дерди Тошхўжа салмоқлаб, – менга нима керак, ерим бўлса бор, худога шукур. Лекин мен уларнинг ерга бўлган меҳру оқибатини кўрдим. Ҳар қарич ерга жон фидо қилганларини кўрдим. Демак, деҳқоннинг кўнглидагини билишади. Ергаки муҳаббатлари борми, деҳқонга дўст...

Кимга гапиряпти? Нега унга ҳеч ким жавоб бермайди?

– Мен чигиртканинг нима эканини кўрдим. Оламда бу оч офатга қувонган одам, ғўзада, арпада, боғда ғимирлаган бу жирканч ҳашаротга қўшилиб деҳқоннинг ниҳолини кемиришга тайёр одам бордир, деб ўйламаган эдим... Мен ҳар қандай мусофирга бошпана

бераман. Лекин номардга эмас. Одамлар бошига тушган кулфатдан фойдаланиш пастлик эмасми, бойвачча?

Сўнгги сўзни эшитган Маткаримовнинг кўзи чақнаб кетди. Бир нафасдан кейин улар бири эшикни, бири деразани шартта очиб, ичкарига сакрадилар. Лип этган чирокда ҳамма нарса кўринди: меҳмонхонада дастурхон тузоқлик эди, пойгакроқда ўтирган уй эгаси қимир этмади. Тўрдаги якандозларда икки киши чўзилиб ётар, кўл-оёқлари чирмаб боғланган, оғизларига сочиқ тиқилган эди.

– Кўтар кўлингни, – деб бақирди Маткаримов тўппончани ўқталиб. Ётганлар қимирлай олмади-ю, Тошхўжа шошмасдан туриб кўлини кўтарди. Очил унга яқинроқ келиб, «нима гап?» дегандек тикилди. Тошхўжа боғланганларни имо билан кўрсатиб, тушунтира кетди, булар Сангинбойвачча билан унинг йигити экан, Тошхўжадан Очил ва унинг шерикларини шу ҳовлида тутиб беришни талаб қилишибди. Тошхўжа кўнган бўлиб, уйкуга кетганларида чирмаб ташлабди.

Тошхўжа ҳикоя қиларкан, Очилнинг илжайган юзини кўриб, кўлини туширди.

– Кўтар кўлингни! – деб бақирди Маткаримов.

Очил унга олайиб қараб, кўли билан тўппончасини четга суриб кўйди.

– Бу кишини кўйинг, ановларга қаранг.

Лекин Маткаримов бўш келмай, Тошхўжани нуқиб-туртиб, бурчакка турғизди, кўлини пастга туширгани кўймади.

– Нега қўяр эканман? Иши танг келганда шерикларини тутиб бериб қутулмоқчи. Баландроқ кўтар!

Очил Тошхўжа олдида жуда хижолат бўлиб кетди. Ўзини ўлимдан қутқазган одам бўлса...

– Маткаримов, эсингизни ебсиз! Кўйинг деяпман! Ахир у киши... Қахрамонлик кўрсатишингизнинг ўрни йўқ.

– Кўрсатиб қўяман мен унга... қахрамонликни! – У Очилга шубҳа билан тикилди: – Ҳа, сиз нега буларнинг тарафини олиб қолдингиз?

Бу гапга чидай олмай қони қайнаб кетган Очил бир силтаб унинг кўлидаги тўппончасини учуриб юборди. Маткаримов ерда ётган тўппончага интилган эди, Очил ака уни пошнаси билан босди. Кейин ўқларини чиқариб олиб, деразадан улоқтирди-да, чўнтагига солди.

– Қани ўтиринглар, маслаҳат қилиб олайлик...

*Азимжон вагон деразасидан кўзини ололмасди. Чигирткага қарши жангни, кинодаги сингари, худди шу деразадан кўргандек...*

– Кейин нима бўлди, бува? – деб сўради у.

– Нимани айтяпсан, болам?

– Маткаримов нима бўлди?

– Ҳеч нима... Фақат ўттиз еттинчи йили жиндек овора қилди. Босмачини ёқлаган деб...

– Тошхўжа-чи?

– Тошхўжа узоқ йиллар давомида қишлоқ советига раислик қилди. Ҳозир пенсада. У ҳам қариб қолди бояқиш.

Азимжон бобосининг катта умридан яна бир манзара кўрди.

Бу умрнинг ич-ичига кирган сари ўзини бобосининг бир қисмидек сезар, уни яна яқинроқ билгиси келиб, кўзларига узоқ тикилар, бирон сўзини қулоғидан қочирмасликка уринар эди.

Сершовқин бир станцияга етиб келганларидагина бободан хаёлини узиб, ўрнидан турди. Бу Горчаково станцияси эди.

Фарғонага уларни бир паканагина қора йигит ўзининг «Москвич»ида олиб бориб қўйди. Икки томонда кекса тераклари шовуллаб турган катта кўчада тўхташди. Йигит пул олмади.

– Биз савобталаб йигитларданмиз, Очил бува. Сиз танимасангиз ҳам, биз сизни таниймиз... – деб қўлини кўксига қўйиб жўнаб қолди.

Умида болаларини чўмилтираётган экан. Болаларнинг кўплигидан ваннахона билан даҳлиз бир бўлиб, ҳаммаёққа кўпик сачраб, сув оқиб кетибди. Вой-бў, булар нечта ўзи... Беш, олти, етти... Учтаси ялонғоч, иккитаси иштончан. Яна биттаси ваннада кўпикка ботиб ётибди... Меҳмонлар кириши билан ҳаммаси тикка бўлди, бир-биридан кичик, худди диаграммадек.

– Вой ўлай, дадажоним! – деб Умида Очил буванинг бўйнига осилди. Бу, кўкрак бурмали кенг кўйлак кийиб, енгларини шимарган, биллакларига, бўйинларига совун сачраган, туриш-турмушидан хонадон файзи анқиб турган, бўйи кўримсизроқ бўлса ҳам, мулойимгина кўҳлик жувон эди. Ҳаяжондан қорача юзлари оловланиб кетди. Ҳовлиқиб қолганидан липпасини ҳам туширмаган экан, отасидан уялиб қолди, дарров сочларини турмаклар дурра боғлади, қий-чув билан болаларини жой-жойига қувди – бири ваннага, бири у хонага, бири бу хонага кириб, шунча одам бир зумда йўқ бўлди қолди.

– Буларнинг мен танимайдиганлари ҳам бор шекилли? – деди ота кулиб.

– Вой, бувалари, уч-тўрт йилда бир келасизу бўлмайдими? – деди Умида. У сал уятчан бўлса ҳам, жуда очиқ эди. Бир зумда у ёқ-бу ёғини тузатиб олди-ю, яна ҳам очилиб кетди. Эрининг команди-ровкага кетганлигини айтиб, қариндош-уруғларнинг ҳол-аҳволини суриштира кетди. Очил бува ҳозирча воқеаларни батафсил гапир-

май, кўрганлардан дуойи салом топширди. Кейин Азимжонни таништирди.

– Вой, ўлмасам!.. Қаранг-а, Азимжон денг? Ўргилай дадамдан, сиз бўлмасангиз биз ҳали қачон кўришар эдик! – Умиданинг тили чучукроқ эди, қувонганидан бурни ёнидаги холлари бўртиб, жуда чиройли, ёш кўриниб кетди Азимжонга.

– Мен сизни хола демайман, майлими? – деди у.

– Нега, вой? – деб қулиб юборди Умида.

– Умида опа дея қолай?

Умида қулиб, рози бўлди. Дастурхон тузашга уннаб кетди. Унинг қувноқ овози дам у хонадан, дам бу хонадан эшитилар эди.

– Зап келибсиз-да, Азимжон. Опам раҳматликдан бир ўғил қолган, деб эшитардиг-у кўрмаган эдик. Мана, танишиб олдик. Қариндош-уруғларни кўрамиз, деб роса чарчагандирсизлар..

Очил бува ювиниб бўлиб, енгил кийиниб олиш учун хуржунни титаётган эди, Азимжон унга имо-ишора қилиб, пешанасига урди, бува ҳам бошини сарак-сарак қилиб, елкасини қисди: шунча балалик уйга совғасиз келишганига ўқинишаётган эди.

Совға-салом юракка сиғадиган кунлармиди! Ҳозир шу уйга кириб келибгина сал кўнгиллари илиди. Шу сербола, серхона, серғавго уйнинг нимасидир кўнгилга ором берарди. Ечиниб яйраб ўтириб, ғам-ташвишни унутиб, дўсара Умиданинг хушчақчақ ҳикоясига маҳлиё бўлишди.

Вағиллаб турган самовар келиши билан ёнбошлаб ётган Очил бува оёқларини буклаб чиқиб ўтирди. Бирин-сирин кийиниб болалар ҳам чиқиб келишди, боболарини ачом қилишди. Ҳаммаларидан ироқи совун ҳиди келарди. Энг каттаси ўн учга кирган, оралари бир ярим-икки яшар, юм-юмалоқ соғлом болалар эди. Бобо билан уларнинг машмашаси икки соатлик томоша бўлди. «Қайси биринг ўғилу қайси биринг қизсан, қайси биринг бобонгни танийсану, қайси биринг танимайсан?» деб суриштирди бува. Кейин невараларининг отларини ёд оламан деб, исмларини адаштиравериб, ҳаммасини роса қулдирди...

Умида Очил буванинг энг севган қизи, кенжаси эди. Бу уйда ҳамма вақт барча иш жойида, ҳамма соғ-саломат, ҳамма нарса мўлқўл, саранжом-сарийшта. Тўрт-беш хона, деразалари шаҳар паркига қараган. Айниқса, баҳор кезлари саҳар туриб деразани очсанг, саъваларнинг сайраши дилингдаги ғуборни кўтаради. Балки гап манзара-ю қушларда эмасдир. Умиданинг ўзи, гапи, чеҳраси, бутун оиласи билан отанинг кўнглига ором берарди. Шу ерга келса Очил бува ҳақиқатан ҳам яйраб, бир йиллик ҳордиғини чиқариб кетарди.



Эрталаб болалар бири мактабга, бири боғча, бири яслига тарқаб кетгандан кейин, Очил бува ноношта устида Умидага ҳам-ма саргузаштларни: Орифжон вақеасини ҳам, Комиланинг қиссаси, Акбаралининг фожиасини ҳам гапириб берди. Бир-икки йил ичида шунча янги гап.

– Ҳаммасини эшитиб, кўриб, ўз бошимиздан кечиргандек толиқиб кетдик. Фақат мана сеникига келиб андак ором оладиган бўлдик, кизим, – деди Очил бува.

Бироқ шу маҳал сал четга қараб турган Умиданинг кўзларида безовталиқ, чексиз бир ўй, бир ғусса кўрди. Умида бошини куйи солган, кўзини олиб қочар эди.

– Узумдан олинг, Азимжон, – деди диққатни чалғитиб: Лекин Очил бува бу ерда ҳам ором бўлмаслигини дарров пайқаган эди.

– Айтавер, Умида, бир гап борлиги барибир кўриниб турибди. Эринг тинч, саломатми?

– Тинч, тан-жони соғ.

– Нима гап бўлмаса?

– Ҳеч гапмас... Ўтди-кетди... – деди Умида, маъюс жилмайиб.

Ақлли, меҳрибон, бахмал кўзли севимли қизи яна ҳам яхшироқ кўриниб кетди отанинг кўзига. Йўқ, унинг турмушида хунук воқеа юз бериши мумкин эмас, у ёмонликни билмайди...

– Хайрият, ўтиб кетган бўлса... Нима гап эди? – деди Очил бува.

– Мен... мен бир одамнинг ўлимига сабаб бўлдим, дада.

Кўз қарашини осуда, болажонли бир жувондан бу гапни эшитиб Очил бува аввал қулоғига ишонмади. Негадир бепарвогина дивандан тушди. Шошмасдан кавушини кийгачгина:

– Нима? – деб пешанасини тириштирди. Умида унга ялингандек қараб турарди. Очил бува Азимжон билан ҳам кўз уриштирди. Кейин қўлини орқасига қўйиб хонани бир айланиб чиқди. Қўл силтади:

– Сенинг ишингда бундай воқеа чор-ночор юз бериб туриши мумкин-ку.

– Йўқ, мен доктор сифатида эмас, шундоқ...

– Шундоқ?

Умида гуноҳкорона бош силкиди: «Ҳа».

– Ёмон одаммиди?

– Қайси бири?.. – деди Умида киприкларини пирпиратиб.

Очил бува билан Азимжон иккалалари бир-бирларига қараб, анграйиб қолишди.

Кўриб турибсиз-ки, Умиданинг қиссасини ҳам бошдан айтиб бермасак бўлмайди. Лекин аввал, таомилимизга биноан, кичгинагина бир...

## РИВОЯТ

Бу воқеа узоқ Севильяда бўлиб ўтган экан.

... Дон Жуан қабристонда тош ҳайкалга тикилиб қолди. Бу ҳайкал унга кайф-сафо оқшомларидан бирини эслатган эди. Бир-бирига ўхшаш бундай кечалар жуда кўп бўлган унинг умрида. Лекин буниси негадир ёдида қолган.

Сокин ётоқ деразасидан ошиб тушиб, гўзал донна Аннани қучишга улгурмаган ҳам эдики, мана бу кириб келиб...

Ҳа, бу савлатли одам эди, кўкси тўла нишон, мансабдор, ёш.

Лекин дон Жуанга барибир эмасми? Катта-кичик, ёш-қари... Унинг бир кечалик ишратига ҳеч ким халақит бермаслиги керак.

Бу сафар қиличини суғуриб, ридосининг этагига қонини артаркан, гўё бундай ишни илк бор қилаётгандек, сесканиб кетди.

Мана ҳозир ўшанинг ҳайкалига қараб туриб ҳам негадир эти жимирлади.

– Ҳа, кўрқиб кетдингизми? – деб сўради хизматкори.

– Нега кўрқарканман, буни шу оқшом донна Аннаникига меҳмонга таклиф қилишим мумкин! – деб қаҳ-қаҳ отиб кулди дон Жуан.

*Дарвоқе, буни нега сизларга ҳикоя қиляпман? Тош меҳмоннинг кейин нима қилганини яхши биласизлар-ку?*

*Келинг, қиссамизга ўта қолайлик.*

## ҚИССА

*«Командорнинг оғир қадамлари...»*

*А. Блок*

Умида отелда энг барвақт турадиганлардан бири. Бугун ҳам тонг қоронғисида уйғониб кетди. Ҳозир Фарғонада соат ўн икки, ухлаб бўладими!

Келганидан бери аҳвол шу, бу ернинг вақтига сира кўниколмайди. Йўлакдаги навбатчи ҳам – сочлари сап-сарик, сепкилли хотин – буни билиб олган, эшик тепасида чироқ ёниши билан кичкинагина қулоқликда қаҳва олиб келади.

– Битте, фрау доктор.

– О, данке шон!

Икковлари ҳам ширин жилмайишади, бир-бирларига юлдузлари тўғри келиб, ёқиб қолишган. Биринчи куниеқ, бир-бирларига ўз болаларининг суратларини кўрсатишди. О, аин, сваи? драи... ет-тита! Булар билан қандай қилиб доктор бўлдингиз?! – деди кўзларини катта очиб навбатчи аёл. Унинг оти Берта эди. Фрау Берта.

Кейин ўзининг иккита боласини кўрсатди: – Мен ҳам машинисткаликка ўқимоқчи эдим, булар халақит беришди.

Улар бир-бирларига тикилиб ширин-ширин кулишди. Шундан бери ўртада муомала шу.

Умида қаҳвани оёқ устида ичиб, докладини яна бир кўриб чиқди. Кейин ювиниб-таранди. Йигирма минутли ахбороту келганидан бери шу туфайли асаби таранг. Программа бўйича, хайрият, бугун унга ҳам навбат тегади. «Кутулиб олсам бир тўйиб ухлай», деб аҳд қилиб қўйди Умида.

Йигирма минутлик гапу, лекин йигирма йиллик иш, ҳаяжон, иккиланиш, излаш, аламлар, қувончлар, заҳматлар натижаси бу. Осонми! У пайтлар, фронтдан қайтганида кирза этик кийган, сочи калта, ориққина, жиккак бир қиз эди. Ҳозир бўлса...

Кўзгудан қалин қора сочларини орқасига турмаклаган, оқ ёқали, тўладан келган қорача жувон жиддий қараб турарди.

– Доктор Қориева!

Умида жилмайди. Кеча, «халқаро симпозиумда иштирок этаётган энг ёш доктор», деб аллақайси газетада суратини ҳам чиқаришди. Энг ёш эмиш! Сочидаги йилтиллаб турган оқ толаларни пайқашмабди-да. Ҳарқалай, бугун чиройлироқ бўлиб бориши керак. Минбарга чиқади. Киночилар, телевидениечилар, фоточилар, мухбирлар дегандек...

Умида киприкларига, қўш холига ҳам сал сурма тортди. Атир керак эмас. Ихчам қора жакет, ридикюл ўрнига чарм папка. Мана, доктор Қориева тайёр!

Лекин ҳали тонг отгани йўқ. Ёки отса ҳам чеҳрасини очолмай, осмонни яхлит қора булут билан қоплаб ётибди. Бир ҳафтадан бери шундай. Ёғиб ёғмайди, очилиб очилмайди. Умида бу ернинг вақтига ё об-ҳавосигагина эмас, шаҳрига ҳам ўрганолмай қийналди. Кўкка найзасимон учланиб чиқиб, чўққилари булутга санчилган готик усулдаги қизил ғишт иморатлар орасида одам кичкина бўлиб қолгандек, кумурсқадек ҳис қилади ўзини. Умида делегатлар учун отель олдига келадиган машиналардан фойдаланмасдан, бир-икки марта пиёда қатнаб кўрди. Жамиятдан ташқари тасодифий одамлар, ожизлар орасига тушиб қолгандек бўлар экан киши. Кўча ўртасида тинимсиз оқиб турган савлатли машиналарда эса бошқа олам... Умуман, бой шаҳар. Умида ҳали унинг қадимий университетлари, илмий лабораториялари, клиникаларини бориб кўрмоқчи. Бу режалар ҳаммаси бугунги ахборотга боғлиқ. Муваффақиятли ўтса...

Нима гап? Ҳаяжонланяптими? Ҳозирдан-а? Ҳазил эмас албатта. Халқаро симпозиумда тиббиётнинг битта-ю битта вакили! Лекин Умида маълум қиладиган кашфиётнинг заминиде шогирдлар, устозлар, бутун бир коллективнинг ўн-ўн беш йиллик ҳалол меҳнати ётибди. Умида дадил. Дилидаги бу ҳаяжон эса. Лекин шундай бўлмаслиги ҳам мумкин эмас.

...Қора лимузин бетон майдонга келиб тўхташи билан шофёр тушиб эшикни очди.

– Мадам...

Умида, раҳмат айтиб, ингичка пошнаси билан тақ этиб бетон плитага тушди. Майдон кенг эди, унинг туман босган нариги чеккасида модерн усулида ойна ва пўлатдан тикланган медицина академиясининг биноси оқариб турибди. Ўпка касаллари бўйича халқаро симпозиум шу бинода давом этмоқда. Майдонга бирин-кетин келиб тўхтаган машиналардан жаҳондаги турли мамлакатларнинг вакиллари туша бошлади. Узун қора мантия кийган, бўйинларига фахрий мукофот ленталари осиб, нишонлар таққан кекса олимлар, смокинг кийган ёш врачлар, японлар, инглизлар, лабораторияларда сочлари оқарган қотма хонимлар, ўз миллий кийимида ҳиндилар, африкаликлар, катак шимли, соқол қўйган ола кўз мухбирлар ойна деворли фойеларнинг ҳамма қаватларини бирпасда ранг-баранг қилиб тўлдиришди. Ташқаридан ювилиб, туман билан намланиб турган бу бино худди рангли балиқлар сузаётган аквариумга ўхшаб кетарди.

Умида ҳам шу оқимга қўшилиб товушсиз эскалаторда қават-қават чиқа бошлади. Учинчи қаватнинг ҳашаматли кенг холлида Ибн Сино, Гиппократ, Кох, Мечников, Гамалеянинг катта портретлари осилган жойда цейлонлик олимлар кўришишди, Умида улар билан Москвада танишган эди шекилли.

Кулуарда новча, хушмуомала доктор Бергер кўринди. У шошиб кетяпти, унинг ҳам бугун доклади бор, саломлашганларнинг баъзиларига қўл бериб улгуролмай, жилмайиб тез-тез бош силкиб ўтяпти. У олтимышларга борган, лекин қомати ўқдек тикка, юзи қизил, боши тақир, пўлат ранг костюми қотма гавдасида шалви раброқ турибди. Кўпчилик қаторими ё танибми, Умида билан ҳам қўл олиб кўришди. Умида ич-ичидан ғурурланиб кетди. Доктор Бергер! Бу номни келганидан бери эшитади. Унинг ахборотини ҳамма ҳовлиқиб кутмоқда. Фойеда, минбарда, радиода ҳар куни шу тўғрида гап. Доктор Бергерни газеталар «симпозиумнинг бош қаҳрамони» деб атамоқда.

Умиданинг кўнгли кўтарилиб кетди. Бошқа соҳаларни билмай-ди-ю, лекин илмда излаганингни топасан. Бу эса жуда катта бахт. Мана ҳозир доктор Бергер қандай бахтли! Ўзигина эмас, уни тингловчилар ҳам, Умида ҳам шерик бу бахтга. У янги бир кашфиётни биринчилардан бўлиб яратувчисининг ўз оғзидан эшитади. Ким билади, ўша кашфиёт билан бирга янги уфқлар очилиб кетадими ҳали! Янги оламга қадам қўйиш нақадар ҳаяжонли! Умида бундай ҳаяжонни бир-икки марта бошидан кечирган. Шундан бери фанда ўзини дадил сезади. Бугунги ахбороти ҳам, айтарлик катта ихтиро бўлмаса ҳам, ўпка хирургиясида дадил гап. Фанда яхши бир туртки бўлишига ишончи комил.

У мажлис бошланишидан олдин польшалик икки дугонаси билан буфетга ўтиб енгилгина нонушта қилди. Кейин газета киоскаси олдидан ўтаётиб, бир журнал муқовасида яна Курт Бергернинг суратига кўзи тушди. Доктор қўлларини столга қўйиб, объективга тикилганча жилмайиб тушган эди. Билагидаги сариқ тукларигача билиниб турибди. Жарроҳ қўллари... суяксиздек, лекин кучли, бармоқлари пианиночиники сингари узун.

Мажлис зали эшикларидида таблолар ёнди. Умида докладчилардан бири бўлгани учун президиумда ўтирарди. У ерга тўгарак зални кесиб ўтиб, зинадан чиқиб бориш керак. Баланд. Залнинг орқа қаторлари ҳам жуда баланд. Ярим доира шаклида, зина-зина бўлиб тиккага чиқиб кетган. Шунинг учун олдинда ўтирганлар ҳам, орқадагилар ҳам минбарга шундоққина яқин бўлиб туюлади.

Умида президиумнинг иккинчи қаторига, ҳар кунги жойига бориб ўтирди. Бугунги раис – букчайган, тўрва соқол голландиялик олим – энг кейин кириб, президиумдагиларнинг ҳаммаси билан қўл бериб кўришди. Пенснесини олиб, тепадаги матбуот болохонасига кинояли норозилик билан тикилди: ҳар сафар шундай, зал аллақачон тинчиса ҳам, тепада мухбирларнинг ғала-ғовури раисларни анчагача куттириб кўярди.

Телевизион аппаратларнинг қизил тугмачалари ёнди. Намойиш экранларига ёруғ тушди. Прожекторлар чарақлаб, кинокамералар чириллай бошлади. Нотиқлар бирин-кетин минбарга чиқар, улар сўз бошлаганда аввал анчагача таржима наушникларининг тилини ўзгартирадиган калитчалари чиқиллар эди. Ахборотларнинг кўпи одатдаги гаплар, бу ердагиларнинг аксариятига маълум, лекин шундай бўлса ҳам олам фанида қайд этилиши лозим бўлган янгиликлардан иборат. Беш кундан бери бундай гаплар анча зериктирди. Шунинг учун Умидага ўхшаб наушник тутмай ўтирганлар ҳам анчагина. Зал баъзи-баъзидагина жонланиб, кўпинча

чуқур сукутда, бир момақалди роқ бўлишини кутгандек, бутун ҳайратини, шавқу завқини кимгадир сақламоқда эди. Бу «кимдир» бугун албатта Курт Бергер бўлиши керак, буни ҳамма билади. Буни доктор Бергернинг ўзи ҳам сезиб, юпқа лабларини қимтиганча бу шон-шарафдан ўнғайсизлангандек камтарона мунғайиб ўтирибди.

Унга тушки танаффусга яқин сўз берилди. Новча, спортчиларга хос кўркам гавдаси минбарда пайдо бўлганда пастда ҳам, юқорида ҳам ҳамма прожекторлар бирдан чарақлаб кетди. Зал оёққа туриб кетишига сал қолди, турмади-ю лекин бир гувиллаб олди. Кейин бирдан чуқур жимлик чўкди, фақат фотоаппаратларнинг чиқиллаши, кинокамераларнинг чириллашигина эшитилар эди. Типирчилаб қолган мухбирлардан бир нечаси узун дастали микрофонларни минбарга чўзди, бир нечаси шошиб блокнотини очди, эснаб ўтирганларнинг уйқуси қочди. Орқада ўтирган хотинлар, медицина «юлдузлари»ни кўргани келган оддий врачлар кўзларига дурбин тутишди.

Доктор Бергер бу ҳайратомуз тараддудларга мумкин қадар бепарво бўлишга, енгил киноя билан қарашга уриниб бир зум турди-да, астойдил сукутга чўмгандан кейингина йўгон, вазминтовуш билан аста бошлади: бу юксак минбарга чиқиш нақадар шарафли ва масъулиятли, кўп мамлакатлардан келган ҳамкасбларининг қимматли фикрларини эшитиш, янги кашфиётлардан воқиф бўлиш билан доктор Бергер ғоят бахтиёр. Фанда ҳар бир кашфиёт фидокорликни, бутун бир умрни талаб қилади ва у шунга арзийди. Чунки инсониятнинг...

Умида жуда қулай жойда ўтирган эди. Прожекторлар нотиқни ён томондан шундай ёритардики, Умида докторнинг профилига маҳлиё бўлиб қолди. Юз чизиқлари, ёноқ суяклари эркакларга хос дағал, йирик, оғзи катта, бурун катаклари ҳам лаблари юпқа, боши тап-тақир. Киприклари ҳам сариқ шекилли, ҳатто сариқ ҳам эмас, оқишроқ. Умида ҳозир бу киприкларни кўрмаётган бўлса ҳам, унга шундай туюляпти... Туюляпти? Нега туюлади?..

Доктор завқ-шавқ билан гапирмоқда. Унинг фан аҳлига баён этмоқчи бўлган камтарона фикрлари бу ерда ўтирган азизларнинг эътиборига сазовор бўлса, у ўзининг ўн йиллар давомида катта умид ва мушкулликлар билан ўтказган тунларидан, ўзининг қалтис таваккал билан қўл урган хатарли фанний тажрибаларидан мамнун бўлур эди...

Умида қулоғига наушник тутмади. У немисчани ҳали ҳам тузуккина тушунади. Келганидан бери бу янгроқ тилни яна эслаб, анча янгилаб олди. Лекин ҳозир бирдан пайқадикки, у нотиқнинг гапи-

ни эмас, негадир овозини тинглаяпти. Бу йўғон, бир қарашда жуда вазмин товуш гоҳо беҳосдан шафқатсиз янграб кетишга қодирдек. Юпқа лаблари эса қонсиз...

Умиданинг курсиси ғирчиллаб кетди. Жон қулоғини нотикқа бериб жим ўтирган зал бунга дарров эътибор қилди. Умида ўнғай-сизланди. Лекин зал уни тезда унутган эди: нотик можаровор кашфиётини ҳали баён қилгани йўқ, бундай бетоқат лаҳзада ҳар нарса бўлиши мумкин.

Бироқ Умида ҳамон гапни эшитаётгани йўқ. У нотикқа тикилиб қолган эди. Бергер минбарда операция столи устига энгашгандек жиддий, Умида унинг манглайидаги тер томчисини артиб олгиси келиб кетди. Курсиси яна ғирчиллади, беихтиёр ўрнидан кўзғалиб қўйганини пайқади. Зал бунга қандай қаради – Умида энди буни ўйламас эди, негадир бадани қизиб кетяпти. Димоғига операция пайтида анқийдиган дори аралаш ғалати ҳид келиб урилди. Назарида, Бергер унинг ўзига тикилиб ўтирганини сезяпти. Умида эса ўчакишгандек яна тикилди, агар ҳозир гапини тўхтатиб, қайрилиб қараса... Қайрилиб қараса...

Қараса нима бўлади? Бу нимага керак? Умида буни билмайди. Бадани ўт олиб кетяпти. У кўз олдида доктор Бергердан бошқа ҳеч нарсани кўрмаган ҳолда қоғозларини йиғиштириб ўрнидан туриб кетди. Курсининг таг тахтаси тарақ этиб ағдарилди, бутун зал нотикдан кўз узиб, норозилик билан шу томонга қаради. Умида гангиб турганида залда «гув» этиб қарсак чалинди. Нотик нима деди, кашфиётини баён эта бошладими, қарсак нега чалинди – Умида англаёлмади. У бошқаларга қўшилиб чапак ҳам чалмади. Бирдан бигиз пошнаси билан тўқ-тўқ юриб, саҳнадан пастга тушди-да, биринчи қаторга, Бергернинг шундоқ рўпарасига келиб, курсини намойишкорона тарақлатиб ўтирди. Зал безовта бўлиб бир тўлғанди-ю нотик гапидан тўхтамади.

– Яшаш учун инсонга ўпканинг қанча қисми зарур? Учдан икки қисми? Балки ярми етар? Чораги-чи? Ўпка операцияси, унинг зарарланган қисмини олиб ташлаш фанда оддий нарса бўлиб қолди. Бироқ биз унинг максимал чегараларини биламизми? Менинг қуйидаги барҳаёт ва ҳозирда соғ-саломат пациентларим ўпка фаолиятининг энг сўнги имкониятлари, фанний тажрибалардан ўтган аниқ ва минимал чегаралари билан қаноатланиб яшамоқдалар: Ганс Кафельд – 1937 йилда туғилган, гамбурглик, операция 1954 йил, 13 сентябрда ўтказилган; Давид Гюнтер – 1928 йилда туғилган... Гойзер қишлоғидан...

Доктор Бергер номларни узоқ санади...

Умида энди унга рўпарадан тикилар, ўзининг қаердалигини нутиб кўзини излар, нотиқ эса бошини кўтармас, пинак бузмай ахборотини ўқир эди. Ўқир эди-ю, аммо овози илгаригидақа эмас, ҳар замондагина темирдек жаранглаб кетар эди. Умиданинг қулоғига аллақаяқда йиртқич овчарканинг вовиллагани эшитилгандек бўлди. У нотиқнинг юпқа лабларидан тупук сачраганини, билинар – билинмас рангсиз, оқиш киприкларини кўрди... Энди бу эрталаб жилмайиб келиб кўришган сипо ва олижаноб доктор Бергер эмас эди. Бу аниқ! Бу аниқлик Умиданинг хотирасинигина эмас, бутун вужудини ёлқиндек ямлаб олди.

У яна ўрнидан турди. Назарида залда ҳеч ким йўқ эди. Тикка турганча асабий ҳолатда бир парча қоғозга бу минбарда туриб илмий ахборот беришдан воз кечганлигини ёзиб, президиумга узатди-да, папкасини қўлтиқлаб залнинг қоқ ўртасидан тақ-туқ юриб чиқиб кетди. Залнинг ярми ҳайратда оёққа туриб, гувиллаганча уни кузатиб қолди. Аллақаяерда кинокамералар чириллади. Нотиқнинг товуши ғовур ичида кўмилиб кетган эди. Умида остонада букри раиснинг зални тартибга чақириш учун зўр бериб кўнғироқ чалаётганини эшитди.

Отельга машинада келганини ҳам, пиёда келганини ҳам билмайди. Ўзини юмшоқ курсига ташлаб, анча ўтиргандан кейингина ён-берига қараб, ёлғиз қолганидан енгил тортди. Остонада афтини занг босгандек, сепкил юзли Берта кўринди:

– Доктор! Сизга нима бўлди? Ойнага қаранг...

– Йўқ, йўқ, – деди Умида, биров ҳозир ойнага қарашга мажбур қиладигандек, тез-тез бош силкиди. Ўз аҳволини биларди. Навбатчи хотин келтирган қаҳвани ичгандан кейин, ўйланиб қолди: «Нима қилиб қўйдим? Тўғри қилдимми? Ҳовлиқиб қолдим, бошқа бир йўл топишим керак эди. Зал нима деб ўйлади экан? Раис хатимни ўқиб бердими ёки... касал бўлиб қолибди деб хаспўшлашдимми? Энди нима бўлади? Шов-шув гап бўлиб кетса-я? Бу мухбирлар галаси қўярмиди. Нима, қилишим керак эди? Ўзимни тутолмадим, ўтиролмадим, ёниб кетаётгандай... Ҳали ҳам, шукур, ўзимни тутиб қолдим, ўрнимдан вазминлик билан туриб чиқиб кетдим. Минбарга югуриб чиқиб башарасига чанг солсам нима бўларди...»

Эшик тақиллади. Фрау Берта сариқ бошини суқиб:

– Сизга пресса, доктор! – деди.

– Йўқ, киритманг.

Ташқарида бир нафас олағовур бўлди-ю тинди. Лекин кўп ўтмай яна Бертанинг овози эшитилди.

– Мухбирлар, фрау доктор! Кўйишмаяпти.



– Қабул қилмас экан, денг.

– «Франкфуртер Алгемайне», мадам, биттагина савол! – деди катта кўзойнакли пакана одам кимнингдир қўлтиғи остидан бош суқиб.

– Йўқ! – деди Умида, бир тўда мухбирларнинг қўз олдида эшикни шартта ёпиб қўйди. Лекин эшик ёпилишидан аввал тўда орқасидан кимдир «чиқ» этиб унинг суратини олиб қўйди. Умида фото чироғидан қамашган кўзларини уқалаганча ўрнига бориб ўтирди.

«Бошланди!» деди уҳ тортиб.

Юраги сиқилиб кетиб яна ўрнидан турди. Хона қоронғи, дарпардаларни суриб қўйди ҳамки барибир қоронғи, ўша-ўша лангати яхлит булут шаҳар осмонини чулғаб турар эди. Умида жакетини ҳам, туфлиларини ҳам ечиб ташлади. Гилямни пайпоқчан босиб, ёруғлик излагандек у деразадан бу деразага асабий юрарди. Ниҳоят дарпардани чангаллаб деворга суянди, қандайдир товуш уни тўхтатди. Доктор Бергер... Курт Бергернинг товуши.

Ҳозир қоронғи хонада ёлғизлик юрагига аллақандай ваҳима солди. Лекин унга шу ваҳима керак эди, унинг аллақачон ерга кўмган хунук хотираларини шундай ваҳимагина уйғота олади.

Кун оғди дегунча кўчада туман, машиналар чироқларини ёкди. Бир-бирини кесиб-санчиб деразада акс этган фаралардан, деворда ғалати соялар сапчиб ўйнайди.

... «Фолксваген» шалоқ мотори билан гувиллаб келиб, эшик олдида ғиппа бўғилгандек тўхтади. Яна касаллар келди шекилли. Уларни юк машинасида соқчилар кузатчилигида олиб келишар эди. Кондан. Коннинг ўзи узоқда. Касалхонаси бўлса бу ерда, жимжит ўрмон этагида. Шундай бўлиши ҳам керакдир-да, чунки беморларнинг ҳаммаси ўпка касаллари, силлар. Коннинг ўзи шунақанги шекилли, қўрғошинми, рухми чиқади. Гарди тўғри ўпкага ураркан. У ерда ишлайдиган асирлар тутдай тўкилармиш.

Умида бу коннинг даҳшатини концлагердаёқ эшитган эди. Хайриятки конга эмас, «Ревьер» – касалхонасига тушиб қолди. Унинг ҳамширалиги-ю унча-мунча немисча билиши иш берди. Толеидан рози бўлса бўлади, ҳар ҳолда одам боласини парвариш қилади, дори-дармон беради... Кондан келган ўша шўрликларнинг кўзидаги туганмас ҳасратига шерик бўлади. Бу ерга келганларнинг тузалиб чиққанлари йўқ ҳисоб, лекин ҳар ҳолда улар ўлим олдидан тоза тўшак, иссиқ сув, Умиданинг бахмалдай майин, дард-каш кўзларини кўрадилар. Бу кўзлардан, дори ҳидларидан йилт этган умид учқунларини топадилар... Кондагиларга бу ҳам йўқ,

улар инсон эканликларини унутиб, тубанликда, бир махлуқдек ўлиб кетишади.

Лекин, конда аҳвол оғир бўлишига қарамай, негадир, касалхонада одам кўп эмас. Бу ерга тузалишига умид қилиш мумкин бўлганларини, яна касби, бошқа бирон жиҳати билан керак бўладиганларини олиб келишса керак. Жисмоний бақувват, ҳали иш бериши мумкин бўлган одамлар бўлади кўпинча. Мана бугун ҳам Умида анчагина тетик одамларни кутиб олди. Улар машинадан гурс-гурс сакраб тушишди, ёшгина ҳамшира қизга аввал ҳадиксираб, озодалигига ижирғаниб қарашди, кейинроқ эса осуда кўзларида ниманидир сезиб, кўпдан бери илк марта бўлса керак, чўчиброққина жилмайишди. Булар турли миллат одамлари, кўпи ёшлар эди. Касалхонага келиб қолганликларини энди пайқашди шекилли, қўланса жулдур кийимларини ташлаб, ола халат кияр эканлар, бир хиллари хурсанд бўлиб: «Даволар экансиз-да, фройлейн!» деб ҳазиллашган бўлишди, бир хиллари эса хавотирда кўз уриштиришиб, ўйга толишди.

Яхши одамлар. Айниқса мана бу хушчақчақ ёшлар билан чиқишса бўлади, улар бақувват, дардни ҳам тез енгиб кетишлари мумкин, Умидага эса шу керак. Чунки бу ердан бирон кимса тузалиб чиқиб кетса, ҳамшира ўзида қандайдир куч сезади. Куч эса унга ҳозир керак, жуда ҳам керак. Тиканли симлар билан ўралган бу ям-яшил ўрмон этаги, бу оппоқ палаталарда кечаю-кундуз азоб, ўлим. Ўлим, азоб, ўлим... Озода ўлим, касалхона шароитида, қонуний ўлим. Шунинг учун, бир чеккаси, бу ерда одам камроқ бўлгани ҳам маъқул. Унинг назарида кон қошидаги бу касалхона қандайдир халқаро комиссия учун «хўжа кўрсин»га ташкил этилган. Ихчам, қулай, озода, баҳаво жойда, ҳозирги замон медицина асбоблари ва дори-дармон билан таъмииланган, мукамал жиҳозланган. Ҳатто оғир, мураккаб операциялар ҳам бўлиб туради. Йирик мутахассислар бор. Масалан, бош хирург доктор Бергер...

Лекин янги келган беморларни Умидага беришмади. Унинг ўз касаллари бор. Палатасидаги олтита жойнинг ҳаммаси ҳозирча банд. Умида улар билан яхши танишиб, дўстлашиб кетган. Бири билан русча, бири билан немисча гаплашиб, ярим кечагача ёнларида ўтиради. Дори беради, жойларини тузатади, иссиқларини ўлчади, кечаю кундуз ҳамма маълумотларни ёзиб бориб, врач кўраётганида унга топширади.

Вацлав – поляк. Жуда ҳазилкаш, хушчақчақ йигит. Зийрак, ер тагида илон қимирласа билади. Умиданинг юз ифодасига қараб,

ўйлаётган ўйини топа олади. Кечаси Умида мудраб қолиб, полга бирон нарса тақ этиб тушса, қарамасдан айтади:

– Ҳамшира, тароғингиз тушди.

Умиданинг ундан қўнгли тўқ. У тузалиб кетади. Ўтган кунигина оғир операциядан чиқди, бугун бўлса тегажаклик қилиб ётибди. Операцияси жуда муваффақиятли ўтганга ўхшайди. Яқинда оёққа туриб кетади.

Дераза олдида ётган касал – немис. Умида ундан авваллари қўрқиб юрди. Жуда бесўнақай, бақувват, ўмровли, оёқлари узун, сира касалга ўхшамайди. Умидага олайиб, ёввойи қараш қилади-да, тескари ўгирилиб олади, термометрни бармоқ орасида синдириб қўлига беради. Умида унга ёлворгандек ожизгина қараб қолади.

– Мен касал эмасман! – дейди немис.

– Бекорчи гапни қўйинг, касал бўлмасангиз нега келдингиз? Сизга гапиряпман, адаш...

Немиснинг оти Умайдер эди. Умида «адаш» деб ҳазиллашгандан кейин, баджаҳл, совуқ башараси сал юмшаб, янги термометрни олади.

Бу билан гаплашиш қийин бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ, бир гап бўлар, лекин анави эшик тагидаги французнинг аҳволи чатоқ. У кичкинагина. Асли шунақами экан, оғир касаллик шунақа бир бурда қилиб қўйганми – Умида билмайди. Уч-тўрт марта операция бўлган. Лекин ўпкасида ҳамон асорати қолади шекилли, борган сари қовжираб кетяпти. Кечалари тиззаларини кучоқлаб, ичак-чавоғи ағдарилиб чиққудек йўтала бошлаганида, Умида чидолмаганидан орқасини ўгириб пешанасини совуқ деворга тираб қолади. Қарамаса ҳам, бўйин томирларининг ўйноқилаб кетганини, кафтига қонли тупук зарралари сачраганини кўриб тургандек бўлади. Чиқиб кетолмайди, бу касалга ёмон таъсир қилиши мумкин. Узун тунлар бўйи бундай азоб тортгандан кўра, ўлиб тинчигани ҳам тузук эди.

Бироқ бу бечора ҳамон ўлмайди, йўтали бир зумгина тинса ҳавога тўймаётгандек, тез-тез нафас олади, заиф тани осойиш топади. Умиданинг назарида, у ҳар замонда бўладиган шу бир зумлик ором учунгина яшаётгандек бўлиб туюлади. Шундай пайтларда бир оғиз гап айтиб қўнглини кўтариш керак эдию, аммо Умида тилини билмайди. Француз ҳам на русчани, на немисчани тушунади. Бир ҳисобда гапирмагани ҳам маъқул, негаки, бир зумлик ором унга қимматга тушяпти...

Ором. Умиданинг ўзига ором олиш қачон насиб бўлар экан? У баъзан ўша француздан ҳам аянчроқ ҳис қилади ўзини. Наинки

вужуди, бутун ҳаёти, руҳи қийноқда. Дунёда нима гап? Сарик дарпардали бу «олтин қафас» оламдан батамом узилган, бу ўрмонга ҳеч қандай хабар етиб келмайди, бу умидсиз, жон қайғусида ётган шўрликларга кўнгил ёришдан эса фойда йўқ. Энг тетиги мана бу Умайдер бўлса, ўлардек ёввойи, жоҳил одам, гап уқтириш қийин. Вацлав ҳам кўринишдан тетигу, лекин ўпкасининг ярми кссиб ташланган, ўзини хушчақчак кўрсатишга урингани билан, барибир, ярим жон...

Умида ўрмонда оқариб тонг отишига тикилиб ўтириб, дераза рафига бош кўйганча мудраб кетган экан, французнинг товушидан ялт этиб кўзини очди. Касал уни чақираётган эди. Умида борди. Француз имлаб, каравотига ўтиришга таклиф қилди. У нимадандир хурсанд, ҳамширага бир яхши гап айтмоқчидек зўр бериб илжайишга уринар, бир парчагина озғин юзи бужмайган, илтижולי кўзлари нам кул босаётган чўғдек йилтиллар эди. Умида унинг аянчли юзига қарамасликка ҳаракат қилди. Француз ўз тилида алланималарни сўради, қўл ҳаракатлари билан тушунтирди, боланг борми, деди шекилли. Умида кулиб бош силкиди. Француз ўзининг уч боласи борлигини англатди, ҳар бирини таърифлади чоғи, узоқ гапирди, бўйларини кўрсатди.

– Жак, Дени, Люлю...

– Люлю, – деб такрорлади Умида, ном унга ёққан эди, чиройли исм, қиз бола бўлса керак...

– Жак .. Дени... Люлю... – француз ҳаммаси ҳам ширин дегандек, ҳар қайси исмни алоҳида-алоҳида, бутун вужуди роҳат қилгандек такрорлади. Гапириб дармони қуриган эди. Лекин Умида у билан гаплашиб олганига хурсанд бўлди. Бу оддийгина гап француз учун жуда зарур эди шекилли. Балки дилидаги ягона, энг эзгу гапидир. Умида бир савоб иш қилгандек, ўзини енгил тортди. Бунинг устига уни немис ҳам чақириб қолди:

– Адаш, адаш ..

Умида кулди. Касалнинг олдига борди.

– Сиз французга қулоқ соласиз, менга қулоқ солмайсиз, – деди немис.

– Қулоғим сизда.

– Бу ер жуда яхши. Озода, тинч. Мен концлагерданман. Мен касал эмасман. Нега бундай? Нега бундай?

– Конда ишлагингизми?

– Ҳа.

– Демак ўпкангиз касал. Бу ер яхши, дедингиз. Бу ер яхши эмас. Бу ер касалхона, Ревьер, тушундингизми? Одамлар ўлиши мумкин.

- Мен касал эмасман.
- Жим ётинг! Врачнинг кўригига тайёрланишимиз керак.
- Ана, тагин қулоқ солмадингиз... – деди немис бесўнақай гавда-си билан девор томонга ўгирилиб.

«Қулоқ солмадингиз...» Нимасига қулоқ солиди? Бу одам Умидага ниманидир даъво қилаётгандек. Умида нима дейиши мумкин бу гапга? Врач бўлмаса. Ҳамшира врачларнинг айтганини қилади холос. Касал эмасмиш. Ўпка касали шундай маккорки, одам қип-қизил бўлиб юраверади... Бу ерга шундай беморлар келиб, дардни енголмай ўтиб кетяптики, келган пайтлари Умайдердан ҳам бақувват эди улар.

Умида кундалик эрталабки таомилга кўра палатани врач кўригига тайёрлай бошлади. Тупдонларни чайди, касалларга юз ювгани хўл сочиқ берди, жойларини тузатди, жовонларнинг чангини артиб, ортиқча идишлар, дори шишаларни олиб чиқиб ташлади. Кейин совунлаб қўл ювгач, форточкаларни очди-да, ўз столи олдида янги ювилган халатини кийиб олиб, касалларнинг варақаларини тартибга келтирди.

Кўп ўтмай йўлакда оёқ товушлари эшитилди. Ҳали кўриқка вақт бор эди, Умида халат боғичини йўл-йўлакай боғлаб югурганча пешвоз чиқди. Қараса, врачлар тўп бўлиб келишяпти, олдинда доктор Бергернинг ўзи.

Бергер кўриқка кўпда қатнашмас эди. Унинг палаталарга кириши катта воқеа. Касалхона учун қонун бўлиб қолган одатлари бор: касалларнинг гапиришини ёқтирмайди, бу, қарийб, тақиқ деган сўз. У касални ўзи кўриб, ўзи қарор қабул қилиши керак. Ҳамширалар ҳам гапирмасликлари шарт. Ҳар кимнинг касаллик тарихини, кечаги аҳволини ўзи ёд билади.

Бергернинг келаётганини кўриб, Умида ўзини йўқотиб қўйди. Врачларга шошиб эшик очди. Французнинг аҳволини докторга гапиришни ўйлаб қўйган эди, гапи оғзида қолди. Бергер французнинг олдида тўхтамади ҳам, йўл-йўлакай кўз қирини ташлади-ю, ўтиб кетди. Шўрликнинг салқиган заҳил юзи ёстикда доғдай, қимир этмай қолаверди.

Врачлар Вацлавни қуршашган эди. Поляк ўзини тетик кўрсатишга уриниб илжайар, Бергерга чаққон-чаққон кўксини очар, орқасини тутар, томир уришига қўлини тутар эди. Доктор унинг нафасини узоқ тинглагач, юзига кулиб қаради. Вацлав шодлигидан сакраб туриб кетишига сал қолди. У ҳақиқатан ҳам тамом соғайгандек, ўнг қўлтиғида яраси битиб, иштаҳаси ҳам очилиб, соф ҳавога талпинмоқда эди. Бироқ яна бир нимаси бор экан ше-

килли, доктор Бергер тўхтаб қолди, касалнинг варақаси билан қалам ушлаб турган Умида томонга узун бармоғини туртди. Шу ҳолда туксиз қошини чимириб анча турди, врачларнинг кўзи унинг оғзида эди.

Курт Бергер у пайтлар сочи сал сийраклашган бўлса ҳам, ҳали ёш, олтин гардишли кўзойнак тақар эди. Бошидаги оқ қалпоқ, бунинг устига чайир, ориқлиги бўйини яна ҳам новчароқ қилиб кўрсатар, халат этаги остида ярақлаган ҳарбий этик, сариқ жун босган пайдор билаклари, қотиб қолгандек қилт этмайдиган юз чизиқлари уни шафқатсиз, иродали қилиб кўрсатар эди. Умида бундай клиникада, бундай шароитда бош хирург бўлиб ишлаш ҳақиқатан ҳам худди шундай хусусиятларни талаб қилишини ўйлаб қўйди. Худонинг берган куни оғир операция бўлса, осонми!

Умида унинг буйруғини кутиб турибди.

– Операцияга тайёрланг! – деди доктор, бесўнақай бурнининг каттаклари кенгайиб. Овози темирдек жаранглади. Умида аввал англамагандек бир нафас анграйиб турди, лекин Бергернинг узун бармоғи ҳамон у томонга санчилиб турарди. Ҳамшира буйруқни ёзиб бўлганидагина тушди бу бармоқ. Врачлар кетидан эргашишди.

Умида орқада қолиб, юраги бетламайроқ поляк томонга кўз ташлади. Вацлавнинг ҳалиги тетиклигидан асар қолмаган, у шамдек оқариб шифтга тикилганча жим ётар эди.

Навбат Умайдерга етди. Бергер одатига хилоф равишда ҳаммиллатига қандайдир хушчақчақ бир савол берди. Лекин бесўнақай немис индамай, тескари қаради. У ҳозиргина поляк қўшнисининг устида бўлган воқеани кўрган эди, энди ўзининг қисматидан таҳликада. Лекин доктор унинг томир уришини кўрди холос.

– Сариёғ! Сариёғни кўпайтиринг, – деди Умидага қараб. Кейин ҳарбийча шахдам юриб чиқиб кетди. Врачлар, ординаторлар тўдалашиб эргашдилар. йўлакда анчагача дупур-дупур оёқ товушлари эшитилиб турди. Кейин палатада жимлик чўкди. Умида бу жимликдан кўрқиб, ўз столи олдида, бурчақда пусиб турар, титроқ бармоқлари билан халат боғичларининг тугунини ечишга уринар, ер остидан касалларига қараб кўяр эди. У Вацлавдан хавотир олмоқда эди. Шовқин солиб, тўполон кўзғамаса бас, тузалиб қолгандек эди бояқиш. Унга яна бир операция буюрилиши ҳаммага ҳам алам қилди, ўзи бўлса зўрға ётибди, ғазаби ошиб кетса ёмон бўлади.

Аммо ундан садо чиқмасди. Аксига, кутилмаганда жимликни Умайдер бузди. У девор томонга шундай ағдарилдики, гўё ўзини кўтариб ургандек бўлди, каравот мажақланиб кетгудек ғирчилла-

ди. Бу нимадандир қаттиқ норозилик аломати эди. Умида унинг олдига югуриб борди:

– Адаш... Нима бўлди?

– Адаш эмиш! Бу бачканалик билан нимани яширмоқчисиз?

– Менга қаранг, бемор!

– Ана, сизнинг ҳам йиртқич тишингиз иржайиб турибди. Яхшиси мулойимлик ниқобини олиб ташланг, нима қиласиз яшириб?!

Умида нима қилишини билмай қолди. Томоғига тиқилиб келган йиғисини базўр босиб, ўзини тутди.

– Шовқинламанг, Умайдер, худо ҳаққи! – ялинди у эшикка хавотир билан қараб. – Наҳотки менга ёмонлик тиласангиз. Ахир сиз... шукур қилсангиз бўлади. Сизга бақувват овқат тайинлади доктор... Демак касалингиз энгил. Операциясиз энгиб кетасиз...

– Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ... Мен сизни ўйлаяпман, ҳамшира!

Умида унга тикилганча ҳайрон бўлиб қолди. Бу бесўнақай, кўпол одамнинг кўзларида биринчи марта аллақандай сирли бир шиддат кўрди.

– Сариёғингизни олиб келинг. Бўлди, шовқин солмайман. Оғзимни мойланг.

Умида ранжиб нари кетди. У негадир бирдан букчайиб қолган эди. Вацлавнинг раҳми келди шекилли, кўзи билан имлаб чақирди. Кўлини ушлади.

– Хафа бўлманг... – кўпол қўшниси учун узр сўради у. – Биз ниманидир тушунолмаепмиз. Биз ҳам, сиз ҳам. Шунинг учун шунақа.

– Қаерда?

– Бу ерда ҳам, бутун оламда ҳам...

– Нимани ахир?

– Билмайман.

Афтидан булар ундан ниманидир умид қилишганга ўхшайди. Лекин нимани? Умида нима қилиши мумкин? Умида ҳамиша бу ердагиларнинг аҳволи кондагиларникидан яхшироқ, деб ўйларди. Ҳаммаларига доим яхши қаради, гурунглашди, соғайишларини истади. Яна нима кутишади ундан?

Бу фикр Умиданинг хаёлидан нари кетмай қолди. Ўзининг ички азоблари етмагандек, баъзан беморлар ҳам ҳар замонда дилини беҳуда оғритиб, ҳақорат қилишгани ортиқча. Тўғри, бемор одам инжиқ бўлади, бунинг устига, ётавериб бировнинг кайфияти билан ҳисоблашмайдиган худбин ҳам бўлиб қолади. Лекин булар аллақандай, аламзада, кекли, доим талвасада... Бир чеккаси тушунарли ҳам. Булар тузалишса ҳам яна конга, яна жаҳаннамга ташла-нишларини билишади, қаршиларида йилт этган умид учқуни

кўринмайди. Кечаю кундуз ўлимни, шу қора қисматларини ўйлай-веришса керак-да. Кейин аламларини кўзлари олдида доим ўралашиб юрадиган якка-ю ягона соғлом одамдан – Умидадан олмай, кимдан олишсин?

Бу орада Вацлав иккинчи операциядан чиқди. Энди унинг хушчақчақ ҳазилкашлиги сўниб, хунук тус олган, аянч масхарабозликка, беандиша бир тубанликка айланган эди.

– Ўпкам тоғдек эканми дейман, шунча қиймаласа ҳам тугамайди. Бергернинг ўзи ҳам-чи, роса қассоб экан-да, пинагини бузмайди-я! Менга қара, немис, менинг битта ўпкам аллақачон йўқ, биласанми, Бергер қийма қилиб еган, ҳа-ҳа-ҳа!

Вацлав дармонсизланиб жимиб қолди. Умайдер энди унинг бу ясама хушчақчақлигига ишонмайди, бу унинг заҳарли изтиробларининг бир ифодаси, холос. Илгариги Вацлав энди йўқ. Ўпкасининг хириллаши шу ергача эшитилиб турибди.

Бу орада кунлар исиб, баҳор кириб келди. Ўрмон этагида майсалар жонланиб, шабадасиз, тинч, илиқ ҳавога минг хил дала гулларининг нозик ҳидлари таралди. Худди оламда қонли уруш ҳам, мана бу оппоқ палаталарда сассиз кезган даҳшатли ўлим шарпаси ҳам йўқдек. Ҳаммани ҳайратда қолдириб яна тузала бошлаган Вацлав деразадан адашиб кирган асаларилар билан гаплашар эди.

– Ёпишма, одам ўз тезагини ҳам яхши кўрадим! – дерди уларни қувлаб. Аммо ҳазиллари энди илгаригидек ўткир, доно эмас. Илгарилари беморларнинг кўнглини кўтариб турадиган гаплари энди ҳеч кимга таъсир қилмай қўйган. Лекин кутилмаганда Вацлав Курт Бергернинг энг ардоқли беморларидан бўлиб қолди. Доктор унга ёғ, асал буюрди (Асалариларнинг дераза ошиб унинг суҳбатига келиши бежиз эмас эди-да). Докторнинг ўзи ҳам тез-тез кириб, ундан хабар олиб турадиган бўлди. Яшашга умиди ошиб қолган Вацлав ҳам унинг маслаҳатларини жон қулоғи билан тинглар, кўшнилари ҳам кўзига кўринмай, ўзи билан ўзи овора эди.

Умида билан немис бўлса улар ўртасида пайдо бўлган бу иноқликдан таажжубланар, юз берган ўзгаришга тушунишолмас эди. Бергер Вацлавга ўзи бунёд қилиб қўйган одамдек, ўзи жон бағишлаган кўғирчоқдек қарар эди. Унга илжайиб тикилганида кўзлари мойланиб кетар, севиниб кифтига қоқар, ҳеч кимга айтмаган гапларини айтиб мақтаб қўяр эди. Лекин бу одам беморга қанча меҳрибонлик қилмасин, олтин гардишли кўзойнак остидаги кўзлари ҳар қанча меҳр билан йилтилламасин, Умида унга кулиб боқолмади. Кўнгли тортмасди. Бунинг учун ўзини койир эди ҳам. Чунки нима бўлса ҳам, шундай фожиали даврда, инсон боласининг



пашшачалик қадри бўлмаган бир замонда одам соғлиги учун курашиш олижаноблик-ку. Умиданинг ўзи ҳам шундай хизматда бўлгандан рози. Умайдернинг унга хўмрайиши беҳуда.

Шундай кунлардан бирида Умайдерни операцияга тайёрлашни буюришди. Шундан жуда қўрқиб юрган Умида касалга яқинлашишга юраги дов бермай, кечгача ўзини иложи борича четга олди. Кечкурун эса эшик тагида ётган француз ўлиб қолди. Шу воқеа билан чалғиб, Умайдернинг шашти пасайди шекилли, тўполон чиқмади. Кечаси палатада уйқу ҳам бўлмади, гап ҳам. Эшик тагида оқ чойшаб тортилган ўлик ётарди. У кичкинагина, боладек... Болаларининг исмини тилга олган бўлса керак, Умида сўнгги минутда ёнида бўлолмади. Жак... Люлю... Жак, Люлю. Яна биттаси нима эди? Хаҳ, нима эди-я? Ҳозир энг зарур нарса шудек, Умида ҳарчанд эслашга уринмасин эслолмади.

Бирдан аччиқ чинқириқ эшитилди:

– Айтинг ахир! Олиб чиқиб кетишсин!!!

Бу Умайдер эди. Умида қаттиқ қўрқди: ўрндан туриб кетса ёмон бўлади, Умидага ҳам, ўзига ҳам.

– Айтдим, тинчланинг, айтдим.

Бироқ ўликни тонг отгунча олиб чиқиб кетишмади. Эрталаб ҳам замбил келди-ю, мурдани эмас, Вацлавни олиб кетишди. Вацлав ҳам мурдадек оппоқ эди. У нима бўлаётганини билмаганидан, индамади, замбилда ётганча бу ерда қолаётганларга ялингандек атрофига бир аланглади-ю, чиқиб кетди.

Умайдер бошини кўтариб кузатиб қолди. У ҳам энди ўзининг касаллигига ишона бошлаган эди, чунки ўзи ҳам, асаби ҳам бекордан-бекорга бўшашиб, ақли етмайдиган нарсаларга қўл силтаб, бепарво қарайдиган бўлиб қолди. Ўзининг операцияга тайинланишига ҳам шундай парвосиз бўлишга уринди-ю, лекин бир фикр сира тинчлик бермасди: Вацлав французнинг кетидан, мен бўлсам Вацлавнинг... Ҳаммамизнинг борадиган жойимиз бир.

– Ҳамшира! – деб бақирди у.

Умида французнинг ўлигини топшириш, қоғозларини саранжомлаш билан овора эди. Олдига ўша заҳоти боролмади. Немис яна бақирди. Умида эшик олдидаги бўшаб қолган жойни тузатиб қўйиб, кўзидан тирқираб чиққан ёшни шошиб артганча, Умайдернинг олдига борди. Немис тескари қараб ётган эди.

– Полякни қаёққа олиб кетишди? – деди.

– Билмайман. Консилиумга бўлса керак.

– Консилиум...

Умида ишига кетмоқчи бўлди.

– Тўхтанг. Ўтиринг.

– Тикка туриб ҳам эшитавераман. Гапиринг.

Умайдер анчагача индамай ётгач, бошқача, пастроқ, мулой-имроқ товуш билан сўради:

– Йигирмага энди кирган экансиз... Шундайми? – Умида жавоб бермади. Немис шу оҳангда давом этди: – Қаёқдан ўргана қолган эдингиз... ҳам у ёққа, ҳам бу ёққа ишлашни?..

Умиданинг юраги орқага тортиб кетди. Нима демоқчи бу? Бирон сир биладими? Нега қийнайди?

– Менга хизматдан ташқари гапни гапирманг.

– Хизматингиз нима ўзи? – немис шартта қайрилиб ғазаб билан тикилди. Умида йиғлаб юборди.

Шу хилда яна бир неча кун ўтди. Немис операцияни кутиб ётар-ди. Бир куни эрталаб Вацлавни яна ўрнига олиб келиб ётқизишди. Бу энди илгариги Вацлав эмас, унсиз, рангсиз, нафас олиши қисқа, гапиришга мадори йўқ, фақат жавдираб турган кўзларигина қолган эди. Кўзлари билан бир нима деди шекилли, Умида тушунмади. Юзидан терини артиб, сўради:

– Мени танияпсизми, Вацлав?

Бемор кўзини юмди: демак, танияпти.

У икки кеча шундай гапиришга чоғи келмай ётди, унинг қисқа-қисқа нафас олишигина эшитилар эди. Учинчи куни доктор Бергер кириб, Умайдерни операцияга тайёр эмас, деб топиб, дарғазаб бўлиб кетди. Касал уйқудан қолган экан шекилли:

– Счлаффен! Счлаффен! Счлаффен! – деб бақирди.

Умида унинг башараси бунчалик даҳшатли эканини билмас экан: юпқа лабларидан қон қочиб, бурун катаклари керилди, қошсиз, киприксиз кўзларида найзадек бир нарса чақнади, сийрак сочлари орасидан тер қалқиди.

Йўқ, бу бошқа одам эди. Бошқа одам...

Умида қаттиқ кўрқди. Фақат тескари қараб ётган немиснинг бепарволигигина унга бир оз далда берди.

Шу куни Вацлавдан садо чиқди. У Умидага имлаб деразани кўрсатди. Умида унинг истагини тушуниб, орқасига қўшалоқ ёстиқ тираб, деразга қаратиб қўйди. Гуркираган баҳорнинг манзараси касалнинг намчил, ғуссали кўзларида акс этди. Бу кўзлар тикилган сари катта очилар, яна кўпроқ намланиб, қорачиғига чексиз ҳасрат пардаси тортилар эди. Умида кейин билса, бу фожиали видолашув дами экан. Баҳор билан видолашув! Авжи баҳор чоғи ҳаётдан кетиш... Бундан ҳам оғир ўлим бўлмаса керак!

Ўша кечаси саҳарга яқин Вацлав Умидани ёнига чақирди. Жонсиз кўзлари шифтга қадалган, дармонсиз қўли билан қаёқнидир, немис ётган томонни кўрсатар, аммо гапиролмас эди. Умида ҳарчанд уринмасин, унинг нима демоқчи бўлаётганини англай олмади. Шу пайт немис ётган ерида ўзини кўтариб уриб, бақириб юборди. У сукунатга тоқат қилолмайдиган бўлиб қолган эди.

– Жим ётинг! – деди Умида.

– Яна ўлим! Яна ўлим! – деб бақирди немис.

Умида Вацлавнинг айтмоқчи бўлган гапини эшитмай қолишдан кўрқар эди. Немисга жаҳл билан қўл силтади.

– Ме-ен... ҳо-зир ўла-ман, – деди Вацлав пичирлаб. Қизиқки, пичирласа ҳам палатага барала эшитиларди. Мангулик сукунати олдида ҳар бир товуш тошдек зил бўлади, шекилли. – У... у... операция-га... бор-ма-син... – деди Вацлав яна дармонсиз қўли билан немисни кўрсатиб. Бир сўзни тўла айтишга нафаси етмас, нафасидек қисқа ҳижжалаб айтар эди. – Ҳеч ким бормасин. У соғ ўпкани кесяпти. Тажриба учун. У касаллар билан шуғулланмайди... Тушундингизми?

Умида докадек оппоқ оқариб ўрнидан турди. Икки қўли билан юзини ушлаб, ўлаётган касалга тикилди. Юзи совуқ, нам эди. «Ўлим олдидан алаҳлаяпти...» деб ўйлади, бош чайқаб.

– Йўқ, йўқ, сўнгги гапим, рост гапим, – деди Вацлав. – Мен касал эмас эканман. Тўрт марта кесди. Тирик одамга бемалол пичоқ солади. Қассоб! Жаллод! Қочинглар бу ердан! Ҳозир... Қочинг...

Умида тиззалари титраб орқага тисарилди. Вацлавнинг нафаси ичига тушиб, оёқлари силкинди-да, жони узилди.

Умида қаёққадир югурмоқчи эди, Умайдер тутиб қолди. У кийиниб ўрнидан туриб олган эди. Бир қўли билан Умидани ушлаб, бир қўли билан тепадаги чироқни ўчирди. Қолган икки касал қаттиқ уйқуда, жавон устида биттагина тунги чироқ хира ёнарди. Тонг олди қоронғиси деразаларга сақичдек ёпишган, йўлақлар, палаталар жимжит.

– Эшитдингизми? – деди Умида немиснинг бежо кўзларига қараб.

– Ҳа, – деди у, – мен ҳам касал эмасман. Касал эмасман, энди тушундингизми?

Умида ундан кўп марталаб эшитган бу гапнинг даҳшатини эндигина тубдан пайқади.

– Энди «хизматдан ташқари» бир гап айтсам майлими? – Немис аланглади. – Қочиш керак. Бошқа йўл йўқ.

Ҳанг-манг, ранги ўчган Умида нима дейишини билмай ўтирарди.

– Сиз уриниб кўринг. Мен...

– Сизни операция қилишмайди, шундайми? Лекин сиз гувоҳсиз. Бундай ишнинг гувоҳи бўлмаслиги керак, биласизми?

Умиданинг кўз олдига Курт Бергер келди: катта ялтироқ этик-ли, кўзойнаги олтин гардишли, узун бармоқлари қонга бўялган. Умиданинг бақириб юборишига оз қолди.

– Мен сизга дардисар бўлишим мумкин... – деб пичирлади у.

– Бекорчи гапни қўйинг.

– Қўлга тушсак-чи?

– Бошқа йўл йўқ! – деб Умайдер қизни қоронғи дераза томон етаклади.

Умида ҳозир қўлга тушишдан ҳам кўра, яна Бергернинг даҳшатли башарасини кўришдан кўрқар эди. Тупук сочган қонсиз, юпка лабларини қимтиб, киприксиз кўзлари олайиб рўпарасидан чиқиб қолмаса бас. Мунча қоронғи тун... Мунча қоронғи...

Улар қочдилар.

Лекин ўша мудҳиш қоронғилик, ўша кўрқув Умиданинг дилидан ҳамон кетмагандек.

Эшик тақиллади. Қоронғи остонада икки киши кўринди. Чироқ ёниши билан Умида беихтиёр чинқириб юборди. Оппоқ оқариб, орқасидаги юмшоқ курсига ўтириб қолди. Рўпарасида шляпасини кўлида тутганча Курт Бергер турарди. Берта сепкилли қовоқларини пирпиратиб дам униси, дам бунисига қаради-да, кейин каравот тагидан Умиданинг туфлиларини олиб берди.

– Кечирасиз, фрау доктор, сизни кўрқитиб юбордим шекилли, – деди у. – Қоронғи тушиб қолди, чироқни ёқмабсиз. Мана сизни жентльмен йўқлаб келибдилар. Қаҳва буюрайми? – навбатчи аёл жавоб ололмагач, яна узра сўраб, чиқиб кетди.

– Фрау Берта! – деди Умида шошиб. «Чиқиб кетманг!» демоқчи эди, айтмади. – Қаҳва олиб келинг, – деди ўзини тетик тутишга уриниб.

Лекин рўпарасида Бергер турарди. Ўша одам... Ўша... У негадир ҳозир Умида ўйлагандек даҳшатли эмас. Сира ҳам даҳшатли эмас. Шляпасини ушлаб, салом бериб турибди. Такир боши тиришган. Қомати ҳам кундузи минбарда тургандагидек тик эмас.

– Хизмат... Бергер? – «доктор» демади Умида. У энди ўзини ўнглаб олган эди.

– Ўтирсам майлими?

– Ўтиринг.

Бергер шляпасини тиззасига қўндириб, олтин узук таққан узун қўлларини қаёққа қўйишни билмагандек, ўнғайсизгина ўтирди. Умида хотирасидаги даҳшатли Бергернинг вазоҳатини кўз ўн-

гидан қувиб, бу кекса жентльменга, бошқа Бергерга тез кўникиб олди, талвасага тушган бу одамнинг аянчли аҳволини ҳам пайқаб турибди. Унда эрталабки виқор ҳам йўқ, қандайдир шумшайиб қолибди.

– Мактубингизни мажлисда ўқиб эшиттирдилар, коллега, биз кўп афсус қилдик. Сабабини айтмаган экансиз, саломатлигингиз дурустми?

– Гапингизга қараб, бемаҳалда менинг ғамимни еб юрган экансиз, деб ўйлаш мумкин.

Бергер шляпасини қаёққадир қўймоқчи бўлиб, яна тиззасига олди. Тагидаги курси оғир ғирчиллади.

– Бир мен эмас, бутун илм аҳли учун ғалати воқеа бўлди. Ахборотингизни ҳамма зўр умид билан, қизиқиш билан кутган эди.

– Ҳа, ғалати воқеа... – Умида рўпарасида суҳбатдоши йўқдек, гўё ўзига ўзи гапирарди: – Тожлар, тахтлар, меҳроблар қонга бўялганини эшитганман... Ўлим фабрикасининг дарвозасига «Меҳнат ва Озодлик» деб ёзиб қўйилганини ҳам билардик. Сиёсатда, муҳаббатда макр-жоду азалдан бор. Гўзаллик бизнесга айланган жойларни ҳам биламиз. Лекин фан даргоҳида қонли излар!.. Қудсият борми, Бергер?

«Меҳмон» Умиданинг узоқдан айлантириб ўтириш нияти йўқлигини англади. Иккаласи ҳам бир-бирини шубҳасиз таниган, иккаласига ҳам ҳамма нарса ойдин эди. Бергер мулоим жентльменликни йиғиштиришга мажбур бўлди, безовталигини яширмай, шляпасини диванга улоқтирди.

– Доктор. Доктор Бергер.

– Йўқ!

– Мен меҳмонингизман, коллега, ниҳоят сиз ўзингиз меҳмонсиз бу юртда.

– Коллега деманг. Қассоб сизга коллага, жаллод сизга коллага!

– Хў-ўп... – деди Бергер, ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юра бошлади. У асосий гапнинг бундай тез бошланишини ўйламаган эди.

– Ўзингиз келдингиз, – деб давом этди Умида. – Мен юзингизга тупуриб чиқариб юбормадим, сиз билан гаплашиб ўтирибман, бунинг қадрига етинг.

– Сиз врачсиз, тушунишингиз керак...

– Йўқ, мен врач эмасман! Токи фан йўли сиздек тубан махлуқнинг қонли пошнаси билан топталар экан, мен врач эмасман! Мен аввало инсон бўлишим керак, кучли, виждонли, хушёр инсон! Акс ҳолда, сиз бу холи хонада ҳозир мени ҳам бўғизлаб кетишингиз мумкин, мен сизнинг жиноятларингизга гувоҳман.

– Жуда асабий экансиз, мадам, – илжайишга уринди Бергер, – дарвоқе, россияликлар ҳамиша шунақа бўлади. Ҳар қадамда кўзингизга жиноят, ўлим, бўғизлаш кўринади. Халқаро форумни бузмасдан, олимларга хос вазминлик билан докладингизни ўқиб бўлиб, кейин чиқиб кетсангиз ҳам бўлар эди. Гапингиз бўлса, кейинроқ гаплашар эдик.

– Сиз ўзингиз тилкалаган мурдаларни босиб келиб минбарга чиқасизу, инсон ҳақидаги азиз, ардоқли ўйларим билан мен ҳам шу минбарга оёқ қўяйми? Фан даргоҳининг муқаддас поклиги менга болалигимдан эзгу бир ҳайрат, улуғворлик, инсонга меҳр, ишонч, олижаноб ғурур бағишлаб келган. Мен бу софликка ўлакка кузгунлари қўнишини истамайман.

– Болалиқдан... Мен ҳам болалигимдан нимаики қилган бўлсам, ҳаммасини шу фан учун қилганман, – Бергернинг юзида ҳасратли ўйчанлик пайдо бўлди. У бир нуқтага тикилиб, бир оҳангда гапирар эди: – Сиз, шафқат уйғотмоқчи, деб ўйлайсиз албатта. Лекин урушдан кейинги йиллар оч, уйсиз-жойсиз, вайроналарда яшаб юриб... Охирги пулимга врачлик практикаси сотиб олдим. Ундан кейин...

– Бергер! – деди Умида сабри чидамай. – Сиз менинг олдимга нима учун келдингиз? Бу арзи додингизни нима учун менга айтишга қарор қилдингиз? Гапингизнинг оҳангига қараганда, сиз ҳозир тиз чўкадиганга ўхшайсиз. Наҳотки бунинг самимийлигига мени ишонтирмоқчи бўлсангиз?

– Йўқ, мен сизни оддий мантиққа даъват этмоқчиман, холос. Уруш. Даҳшатли уруш. Жаҳон уруши! Миллионлар бекордан-бекорга ўлиб кетяпти. Шундай вақтда шулардан беш-ўнтаси фан учун қурбон қилинса, денгиздан бир томчи-ку! Фан учун!..

– Бас! Фанни тилга олманг! Фанга алоқангиз йўқ сизнинг. Ганс Браун поэзия тили билан халқларни қиришга чақириб, ўзини шоир деб атаган. Освенсим печларини ўйлаб чиқарганлар ҳам ўзларини инженер деб ҳисоблаганлар. Аммо бу билан уларни фашистмас деб бўладими?

– Мен Россияни асоратга солишни орзу қилганлардан эмасман. Ўзингиз биласиз, мен фан фидойиси... Менинг кашфиётим барибир фанда қолади.

– Фан инсон учун. Сиз бўлсангиз қотилсиз!

– Олимларча, ҳозирги замон тили билан гаплашсак.

– Ҳозирги замон... Мен ўзимнинг инсонпарварлигим, инсонга муҳаббатим, инсоний ахлоқим билан жуда эскиб қолибман, жуда орқада қолибман, шундайми?

– О, нақадар примитивсизлар! Инсон... инсон деган аллақачондан бери қалдираган идишдек қуруқ сўз бўлиб қолган, хоним.

Умида креслога ўрнашиброқ ўтириб Бергерга тикилди.

– Ана энди ўзингизга келдингиз! Нима қилардингиз ҳалидан бери минг бир товланиб?

– Ҳа, сиз мени яхши биласиз! – Бергер асл қиёфасига кирди. Тупук сочган юпқа лаблари қалтираб, бурун катаклари керилди. Аммо Умидада энди кўрқувдан асар ҳам қолмаган эди. Чунки у суҳбат давомида бу одам кўнглининг ҳамма қоронғи бурчакларига кириб чиқди.

– Биладан, сиз янчилик битмаган фашистсиз, – деди Умида осойишта. Бу босиқлик Бергернинг тоқатини тоқ қилиб юборди. Узун бармоғини Умида томонга нукди. Бу собиқ ҳамширага таъниш ҳаракат эди.

– Ҳа, бу ҳеч кимга сир эмас! Эллик йилдан бери ўзингизни ўтга-чўққа уриб, жон олиб-жон берасиз. Жамиятни тозалаймиз, соғломлаштирамиз, деган хом хаёл билан. Хўш, нима бўлди? Одам тобора маразга ботди, офат, касал яна ҳам кўпайди, янгилари, даҳшатлироқлари пайдо бўлди. Сиз, жамият учун курашяпмиз, деб ўйлайсиз. Жамиятга сиз эмас, биз керак! – Бергер қўйнидан бир даста газета олиб столга сочди. Булар бугунги кечки газеталар эди. Саҳифалари Бергернинг суратлари билан тўла. Бунда унинг симпозиум минбаридагина эмас, бошқа минбарларда тушган суратлари ҳам бор. Ғалати-ғалати ҳарфлар билан терилган сарлавҳалар кўзни қамаштиради: «Доктор Бергернинг кашфиёти», «Халқаро симпозиумда ажойиб сенсация», «Инсонга қанча ҳаво керак?», «Скальпель қил устида», «Энг кичик ўпка...» Умида саҳифанинг пастки бурчагидаги уч-тўрт сатрли хабарга кўз солди: «Совет олимаси ўз докладидан воз кечди».

– Сиз жуда катта кетдингиз, Бергер, – деди Умида газеталарни бепарво суриб қўйиб. – Агар сиз билан биз гаплашадиган бўлсак, фақат сизнинг жиноятингиз ҳақида гаплашишимиз керак.

– Вақт ўтган. Юридик жиҳатдан мен оқман. – Бергер шляпаси ичидан оқ қўлқоп олиб, узун бармоқларига асабийлик билан торта бошлади. – Сиз мени жиноят устида ушлаган эмасиз. Мен сизни танимайман. Эҳтимол, сиз олим ҳам эмасдирсиз...

– Билардим сизнинг ҳеч нарсадан тоймаслигингизни! – Умида беихтиёр юриб бориб эшикни очиб қўйди. – Агар орамизда ҳозирги тортишув бўлмаганда, мен лақма, балки шу кўйи уйимга қайтиб кетган бўлармидим? Ўтган гап, у-бу деб... Аммо энди қайтмайман!

Бу ўтган гап эмас, Бергер, бу худди шу бугунги гап. Эртага мен матбуот конференцияси чақираман.

- Исбот? Гувоҳ?

Умида очиқ эшикка ишора қилди.

Бергер йирик тер томчилари қалққан тақир бошига шляпасини бостириб кийиб, дўқ-дўқ юриб чиқиб кетди. Умида орқасидан қараб қоларкан, «унга этик кўпроқ ярашар эди», деган фикр келди хаёлига.

Исбот! Гувоҳ! У минбардан ўзи операция қилиб тузатган ўнтача одамни атади, улар тирик. Умида-чи? Умида кимларни тилга олади? Унинг гувоҳлари битта қолмай ўлиб кетган. Матбуот конференцияси қуруқ баёнотдан, исботсиз даъводек, гувоҳсиз айбномадан иборат бўлмайди-ку ахир! Мухбирлар уни гангитиб қўйишмайдами?

Умида ярим кечагача бошини чангаллаб ўтирди. Уйқуси тамом қочган эди. Энди нима қилса! Ё бекор қўзғадими бу машмашани?

Умида ҳеч қачон бу қадар чорасиз, бу қадар изтиробда қолган эмас эди. Қўргошиндек оғир бошини ёстикдан кўтариб, тиззаларини қучоқлаганича тонггача ўтирди. Тунни уйқусиз ўтказиш азоб. Йўқ, агар бу ишни шу ҳолича қолдирса, унинг бутун умри қийноққа айланиши мумкин. Жаллод пичоғидан тўртинчи ўтишида уч боласининг исмини аташга тили келмай, авжи баҳорда қийналиб жон берган кичкинагина француз... Оти нима эди? Яна бири поляк Вацлав... Фамилияси-чи? Йиллар ўтиб шундай ҳолга дуч келишини билганида Умида ўша ўлимга маҳкум этилган шўрликларнинг, ҳатто бошқа палатадагиларнинг ҳам исм-фамилияларини сўраб олган бўлмасмиди!..

Умайдер... Дарвоқе, Умайдер!.. У тирик қолган эди-ку! Шу шаҳарлик эди. Эҳтимол, бирон ерда юргандир? Умайдер, Умайдер... Ҳаёт бўлса ҳам, урушдан кейин тақдир тўлқинлари уни қаёқларга олиб кетди экан, энди уни топиб бўлармиди...

Бугун одатдан ташқари оппоқ оқариб тонг отди. Готик найзаларга санчилиб турган муаллақ булут кечаси силжиб кетганга ўхшайди. Умиданинг ҳам фикри равшан тортиб, бошини бирдан кўтарди, енгилгина ўрнидан турди. «Карл Умайдер, Густав Умайдер, Фриц Умайдер...» деб пичирлаётганини сезиб қолди. Бу фамилия хаёлидан кетмай қолган эди. Бесўнақай, оёқлари узун, дев қомат Умайдер кўз олдига келди. «Шу гавдангиз билан кашта тикасимми?» деб қулган эди унга Умида қочиб қутулганларидан кейин. Улар хайрлашадиган қуни аллақандай ташландиқ бир гаражда қулга картошка кўмиб ейишган эди. «Кашта тикаман. Сиздек жо-



нон қизларнинг кофталарига машинада нозик гул чекаман», деган эди Умайдер. У ўзи сиёсатдан кўрқадиган одам эди. Ўғлининг ҳарбий хизматдан қочганлиги туфайлигина концентрацион лагерга тушиб қолган. Энди яна қўлга тушмай, урушдан эсон-омон ўтиб олса, хотини билан мустақил тикув устахонаси сотиб олишни аҳд қилиб қўйган эди...

А? Тикув устахонаси? Шахсий устахона. Марказий солиқ инспекцияси билади-ку бундай устахоналарнинг ҳаммасини! Агар Умайдер ўз аҳдида турган бўлса...

Умида ғизиллаганча кўчага югуриб чиқди. Йўлда эндигина очилган кичкина кафедан битта бутерброд олиб наридан-бери овқатланган бўлди-да, маълумотлар бўлимида югурди. Марказий солиқ инспекцияси дегани «Федерал замин солиқ инспекциясининг префектура бошқармаси» деб аталар экан. Умида машина кира қилиб, ҳайдовчига манзилини тутқазди.

Такси йигирма минутларда эски, қизил ғиштин бино олдига бориб тўхтади. Умида ўзига керак хонани пастда суриштириб олиб, лифтни ҳам кутмасдан, бешинчи қаватга чиқиб кетди. Унинг орқасидан яна биров чиқиб келарди. Бўйиига фотоаппарат осган, юзи сап-сарик, қари одам. У боя кафсда ҳам кўзига чалингандек бўлган эди. Йўғ-э, аппарат осган одам битта шуми!..

Умидага ўттиз учта машиначи Умайдернинг манзилини бердилар, шундан еттитаси Густав, учтаси Вильгельм, яна нечтаси Конрад, Ёзеф, Карл... Густавлардан бошлаш керак шекилли. Манзилларига қараганда бир-бирларидан жуда узоқ яшар эдилар. Биринчиси шаҳар четида, бадбўй ертўлада жойлашган устахонадан топилди, у йигирма беш ёшлар чамасидаги, попга ўхшаш узун сочли йигит экан. Отаси ҳам Густаф Умайдер бўлган, лекин у ўлиб кетган экан.

– Неча ёшида? – шошиб сўради Умида.

– Саксон икки ёшида вафот этди, худо раҳмат қилсин, – деди йигит.

Умида ҳафсаласи пир бўлиб, метрога югурди. Узоқда яна ҳалиги сарғиш башарали одамни кўргандай бўлди-ю, тўдада йўқотиб қўйди. Йўқ, бунисининг бўйнида аппарати йўқ эди...

Иккинчи адрес неон вивескали, серҳашам замонавий бинога олиб келди, бу устахона деб аталса-да, ҳақиқий фабрика эди, «Хўжайини Мюнхенга кетган» дейишди. Умида нима қилишни билмай, ҳийла ишлатди:

– Мен жаноб Умайдерни яхши эслайман, бўйлари... – ҳазиломуз қўлини кўтариб, новча одамни тасвирлади. Қабулхонадагилар

бирдан шарақлаб кулиб юборишди. Уларнинг хўжайинлари, аксинча, бу атрофда энг пакана, бақалоқ одам экан.

«Ҳазилкаш» меҳмон кўчага чиқиб яна такси чақирди. Федерал ўлканинг қайсидир шаҳарчасида юрганларида бир «Мерседес» изларидан тушди.

– Тўхтанг-чи, – деди Умида.

Такси тўхтади. Ҳалиги машина ҳам олдинга ўтиб муюшга қайрилди-ю тўхтади.

– Юринг.

«Мерседес» яна эргашди. Кечроққа борганда у икки марта таксининг яқингинасидан ғувиллаб ўтиб кетди. Умиданинг ҳайдовчиси мард йигитга ўхшайди, нафрат билан сал жилмайди-да, пинаги ни бузмади.

– Сизга таҳдид қилишяпти, фрау. Сабр қилинг, мен уларни адаштираман.

Ҳақиқатан ҳам адаштириб кетди. Кутилмаганда қайрилиб, аллақайси жин кўчалардан ўн беш минут айлантириб чиқди. Шундан кейин орқаларидан ҳеч ким эргашмай қўйди.

Лекин кейинги адреслар ҳам фойдасиз бўлиб чиқди. Охирги Густав шаҳарнинг ўзида экан, Умида пиёда кетишга қарор қилиб, таксига жавоб берди.

Бу охирги Густав Умайдер ҳам Умида излаган одам эмас, бошқа, серажин, баджаҳл бир тикувчи чол экан. У ўлгудек сергап чиқди. Умида унинг узундан-узоқ гапини охиригача эшитмади ҳам, ўкинганча чиқиб кетди.

Лекин устахона хўжайини деразадан бош суқиб, уни яна чақирди. «Оббо, – деди Умида ичида, – бекорчи қулоқ топса қўймайдиган хилидан экан шекилли...»

– Момент, фрау...

«Моментинг» бошингдан қолсин! Умида, куни бўйи эшикмаэшик юриб тинкаси қуриган, бунинг устига эртага эрталабдан яна бошқа Умайдерларни қидириши керак. Фойдасиз иш бўлиб чиқди шекилли-да. Исмсиз, адрессиз одам топиб бўладими... Неча йиллар ўтиб кетган бўлса.

– Момент. Бир воқеа ёдимга тушди. Эсим қурсин, кексалик-да... – деди чол.

«Ҳали хотираларини ҳам гапиради шекилли...» дея ғижиниб ўйлади Умида. Истар-истамас йўлидан қайтди.

– У аблаҳ жирафа билан мени тағин чалкаштирганга ўхшайди, қутуламанми, йўқми ундан! Ким берди сизга бу манзилни?

Умида кўзини пирпиратиб пастдан юқорига, деразага қараб қолди, бу маҳмадона чолнинг баджаҳллиги ҳам энди унга беозор туюлиб кетди.

– Жирафа дедингизми?

– Аблаҳ жирафа! Суғурта кассасида менинг пулимни қоқиштириб кетишига сал қолган! Нукул ўша билан адаштиришади. Отимни бошқа қўяман шекилли, азбаройи худо!..

– Тўхтанг, отахон, сиз нега уни жирафа деяпсиз? Лақабими?

– Сен, қизим, – деб салмоқлаб бошлади чол, – немисчани туппа-тузук гапирсанг ҳам, кўриниб турибди, бу ерлик эмассан. Жирафани кўрганмисан?

– Менга қаранг, қисқа қилайлик, биламан жирафани, – деди тоқати тоқ бўлган Умида. – Айтинг-чи, кимни жирафа деяпсиз?

– Ўша аблаҳни-да. Сал бўлмаганда пулимни ўмариб кетарди. Мен сенга айтсам у...

– Унинг ҳам оти Густав Умайдерми?

– Август Умайдер у аблаҳ, Август Умайдер! Тушундингизми? Нега уни мен билан чалкаштиришади, қани, айт-чи, ўхшашлигимиз бўлмаса! У аблаҳ, мен бўлсам касби корим билан кун кўрадиган ҳалол косибман. У жирафадек найнов, мен бўлсам, худога шукур, кўриб турибсан... – Чол қаддини ростлаб, тамакидан сарғайган мўйловини силаб қўйди. Умида кулиб юборди.

– Мен ор қиламан унга ўхшашдан. Нима сабабдан адаштиришади бизни, тавба!..

– Тўхтанг, ота, тўхтанг!

Қувонганидан фикрини бир жойга тўпловмай қолган Умида югуриб яна ичкарига кирди. Энди унинг рўпарасида жоҳиллиги ҳам, сергаплиги ҳам ёқимли, теварагини ўргимчак уясидай ажин босган кўзларига меҳр яширинган бир чол турарди. У умри меҳнатда ўтган, энглари доим мана шундай шимариғлик, ўзи айтгандек, ҳақиқатан ҳам ҳалол одам бўлса керак.

– Демак у ҳам тикувчими? Ўша... жирафани айтяпман.

– Ҳа, бахтга қарши.

– Август Умайдер денг?

– Ҳа, бахтга қарши.

– Қаерда туради?

– Узоқда-да бахтга қарши. Гелдингфорд деган жойда туради.

– Нега «бахтга қарши?» – кулиб сўради Умида шаҳарчанинг номини блокнотига ёзиб оларкан.

– Яқин бўлганида бориб бир адабини бериб келардим.

Умида севинганидан чолни қучоқлаб, оппоқ тиканак босган юзларидан ўпди. Кейин ғизиллаганча чиқиб кетди.

– Салом дегин аблаҳ жирафага! – деб қолди чол ёноғини ушлаб. – Айтиб қўй, агар яна чалкаштирадиган бўлса...

Умида у ёғини эшитмади. Қария ҳали албатта анчагача жаврайди. Қизиқ чол. Шунақа одамлар бўлади. Ўзининг одамгарчилигидан иймангандек, уни юзаки баджаҳдлик, қўполлик ёки сергаплик билан ниқоблашга уринишади. Муҳитга мослашишнинг ибтидоий усули.

Меҳмонхонада Берта қаҳва билан бирга бир патнис визит қоғози олиб кирди. Кимлар сўрагани, куни билан қаерлардан нечта мухбир, қандай номаълум одамлар келиб кетгани, яна алланималарни узоқ гапириб чиқиб кетди. Умида биронтасига ҳам эътибор бермади, фикри-ёди Август Умайдерда эди. Август... Бу албатта ўша. Уни биринчи кўрган одамнинг кўнглига албатта шу сўз келади: «Бесўнақай...» У жуда бесўнақай эди. «Жирафа».

Умида кулиб юборди. Чол тушмагур-эй, зап топибди лекин...

Эртага тонг отиши билан жўнаш керак. Гелдингфорд. Умайдер. Новча... Бесўнақай...

Умида шу билан тош қотиб уйкуга кетди. Эрталаб Берта келиб эшик қоққанда у ўрнида йўқ эди.

Кўчаларга сап-сарик каштан барги тўшалиб ётибди, онда-сонда биқсиб хазон ёнади. Намхуш, яланғоч хиёбонларни туман, тутун булутлари чулғаган. Таниш куз ҳиди.

Фақат шаҳар ёт. Қадимий немис провинцияси, бу ерда бутун куч, салоҳият, қобилият вивескага сарф қилингандек, ҳар бир бачкана баққол дўкони, ҳатто ҳаммом, сартарошхона ҳам ажаб жимжимадор ҳарфлар билан ўзидан катта лавҳа ёзиб пештоқига кўндирган, тепадаги болохоналарда бўлса, арқонларга ёйилган ола-була кир ҳилпирайди.

Август Умайдернинг тикув-тўқув устахонаси Кирха майдонидан ўтгандан кейин, ҳовли ичкарасида, бир қаватли узун бинога жойлашган эди. Эшик очилиши билан қайнатилган қайин пўстлоғи, қандайдир бўёқ ҳидлари димоққа урилди, бир маромда гувиллаган тикув машиналари қулоқни битирди.

Умайдер устахонада йўқ экан. Умида энгил тортди. Бу Умайдернинг ҳам бошқа одам бўлиб чиқишидан кўрқар эди.

Шунинг учун хўжайиннинг кўрасига етаклаб борганларида узоқда новча одамни кўриб, юраги қинидан чиқаёзди. Бошлаб келган одамга раҳмат айтиб, жавоб берди-да, каштан тагидаги скамейкага ўтирди. Энди нафасини ростласа бўлади. Уф-ф...

Лекин унинг юраги тинчимади. Ўзининг бу бегона юртда нима ишлар қилиб юргани ҳушига эндигина бирдан етиб боргандек эди. Ким буюрди? Нима зарурат?

Виждон етакласа буйруқдан ҳам, заруратдан ҳам кучли бўлар экан. Топди! Омадни қаранг! Умида, бунчалик ишим юришар, деб ўйламаган эди. Энди унинг матбуот конференцияси ер юзига шов-шув бўлади. Жуда соз!

Кўрада кўринган одам ҳақиқатан ҳам ўша Умайдер эди. У дарвоза олдида бировни кўриб, уй соясидаги дурадгорлик дастгоҳидан бош кўтарди-да, шимига илашган пайраҳаларни қоқиштириб, бу томон юрди. Оёқ-кўли узун, бўйдор, яғриндор, елкалари чиққан, бесўнақай...

– Салом, ким керак сизга? – деди у.

Умида нарироқда тўхтаб, жилмайиб турди: «Қарибди. Анча қариб қолибди».

– Адаш... – деди секин.

Умайдер меҳмонга бошдан-оёқ тикилиб чиқди, қулоқларига ишонмай, қошини чимириб узоқ турди. Ўша-ўша, ёноқлари туртиб чиққан, дағал юзига хотиралар бирпасда дам хунук соя солди, дам чеҳрасини ёритди. Беихтиёр шивирлаб: «Ҳамшира!» деди у ҳам.

Умида дадил қўл узатиб яқинлашганида, у қўпол қўллари билан икки елкасидан ушлаб, бағрига босди:

– Ҳамшира!

Унинг кучоғига Умидага ўхшаганлардан бештаси сиғар эди. Ҳансираб, меҳмонни кичкина елкаларидан ушлаб, юзига тикилди-да, яна бағрига босди. Сарғиш киприклари намланган эди.

– Ҳамшира, ҳамшира... – дерди нуқул. Бу сўз шунча хотиралар билан боғлиқ бўлгани учунми, бу содда одамнинг ёдида сақланганигами, ҳозир Умидага жуда ёқимли эшитилди.

– Август!.. Мен сизнинг исмингизни кечагина билдим.

Нега? Қандай қилиб? Ҳозир буларни сўраш Августнинг хаёлига келмасди. У гаранг эди. Кутилмаган учрашув! Нима қилишини, нимадан гап бошлашини билмасдан, дарров мақтана бошлади. Уйига бошлаб, ҳамма хоналарини кўрсатди, йиллик даромадини тушунтирди, хотини билан таништирди. Умайдер, афтдан, анча ўзига тўқ, хоналари дидсизроқ бўлса ҳам, бой жиҳозланган, кўпириб турган пар ёстиқлар, деразаларда оҳорланган оқ тўр пардалар, катта тошойна, бурчакда зарҳал икона, духоба диван суянчиғи устида бир-бирдан кичик еттита мармар фил...

– Айтгандек, мен нуқул «ҳамшира, ҳамшира» деяпман нима деб аташни билмаганимдан. Хафа бўлманг тагин, эҳтимол энди сиз... –

У Умиданинг тўладан келган қоматига, севинч тўла кўзларига яна тикилди.

– Зиёни йўқ, шундай деб чақираверинг, – кулди Умида. Кейин гапни чалғитди: – Ахир олибсиз-да устахонани?

– Олдик. Мана, айтганимдай, Гертруда билан иккаламиз тенг шерикка, – деди Август анча ҳилвираб қолган хотинининг елкасига қўл ташлаб. Икковлари ҳам бахтиёр кулиб туришарди. Гертруда ёшлигида чиройли бўлган бўлса керагу ҳозир эридан қариоқ кўринарди. Эрини кутиб ёлғизликда сўлган бояқиш. Умида унга бир яхши сўз айтгиси келди:

– Ўша ерда ҳам сизни кўп гапирар эди Август, – деди у аёлга қараб. Бироқ сездики, «ўша ерда» сўзи иккалаларига ҳам ёқмади...

– Қани, Гертруда, ҳамширани меҳмон қил! – деди Август қувноқ товуш билан. Хотини пилдираганча чиқиб кетди.

Булар икковлари диванга ўтириб ўз аҳволларидан, бола-чақаларидан, ўтган умрлари, босган йўлларида узоқ гаплашишди. Умиданинг ҳикояси Курт Бергерга келиб тақалганда Август ғазабланиб: «Оббо жаллод-эй!» «Вой йиртқич-эй, тирик эканми-я!» деб, рўмолчаси билан терини артиб ўтирди. Гап матбуот конференцияси, гувоҳлик беришга келганда ҳам, чўқмордай муштумини тугиб: «Қойилман сизга, ҳамшира! Фош қилиб адабини бериш керак қотилнинг. Бутун дунёга шарманда қилиш керак!» деб маъқуллади. Қизишиб, тиззаларига шаппатилаб, ўрнидан туриб кетди.

– Қаранг-а! Илмга ўрмалабди денг! О, йиртқич-эй! Олдингизга ўзи келдими? Оёғи куйяпти-да, типирчилаб қолган.

– Ҳа, Август, мен бутун воқеани очиб ташлайман, эртагаёқ бутун дунё билади. Лекин бу осон эмас. Мен унга, матбуот конференцияси чақираман, деб очиқ айтиб қўйдим. У ҳам ҳозир тинч юрмаган бўлса керак. Чора кўради, иғво қилади, мухбирларни сотиб олади, ўзингиз биласиз, ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайдиган одам. Эҳтимол, у ёлғиз эмасдир... Менинг эса бирдан-бир ишончим – сиз. Бориб, матбуот конференцияси вақтида гувоҳлик берасиз, яъни, шундай-шундай воқеалар ҳақиқатан ҳам бўлган эди, деб...

– Йўқ!!!

Бу Гертруда эди. Унинг товуши узоқ йиғлаб томоғи қуриган одамникидай хунук хириллаб, бўғиқ янгради. У қўлида вилка, пи-чоқ ушлаганча стол олдида бақрайиб турарди.

– Йўқ, йўқ, йўқ! Август, ҳеч қаёққа бормайсан! – деб қичқирди у.

– Фрау Гертруда... – деб ўрнидан турди Умида ҳайрон бўлиб. – Фрау Гертруда, ахир...

– Йўқ, дедимми, йўқ! Хеч қаёққа бормайди, бас! – деб, Умидадан кўрққандек орқасига тисарилди Гертруда. Унинг оппоқ, сўлгин юзларидан ёш оқар эди.

Умида Августга ўгирилиб, унга савол назари билан тикилди. Дафъатан ишнинг бундай пачаваси чиқишини сира ўйламаган эди, анг-танг бўлиб қолди. Лекин ишнинг бу хотин айтгандек бўлишини кўз олдига келтиролмасди.

– Гертруда... – деди Август. Хотини қарамади. – Асаблари қаттиқ қақшаган... – деб серсуяк елкаларини қисиб, хотини учун жуда ўнғайсизлангандек, узр сўрай бошлади. Лекин шу пайт Гертруданинг қаттиқ шанғиллаган йиғи аралаш ғазабли товуши яна эшитилди:

– Ким қақшатган менинг асабларимни? Ким? Қани айт-чи, ким? Сен! Сен! Сен! Ўша сиёсатингни деб...

– Мен сиёсатга аралашган эмасман.

– Аралашмаганмисан? Концлагердан ким қоқ суяк бўлиб қайтиб келди? Ўша сиёсат туфайли эмасмиди? Мана, тагин бош суқмоқчисан! Ким оёққа турғизди сени, унутдингми? Ўлсам ўлиб бўлдим-ку сенинг дастингдан... Энди уй-жойли бўлиб, жоним сал ором олганда...Йўқ, йўқ, тоқатим қолмади, тамом бўлдим...

Унинг йиғиси тингунча, жим туришди. Кейин Умида яна Августга ялингандек қаради:

– Август... адаш...

Августнинг бирдан бўшашиб, четга қараганча бош эгиб қолгани Умидани баттар таҳликага солди: «Наҳотки? Наҳотки... Гап Гертруданинг ўзидагина эмас шекилли...»

– Август, мен сизга ишонаман. Фрау Гертрудага тушунтиринг.

Август ўрнидан жилолмай, иккиланиб турганида яна хотинининг аччиқ товушини эшитиб, букчайди.

– Гап тамом, хоним, биз бундай ишга аралашмаймиз! – дерди Гертруда нарироқда туриб. Эрининг сал бўшашганини кўриб, у яна дадилланган эди, овози ҳам янграб эшитилди. Умиданинг яна Августга ялинишдан бошқа иложи йўқ эди.

– Бунинг хеч қандай хавфи йўқ, ахир, суд эмас, бор гапни айтиб тасдиқласангиз бўлгани, Август.

– Биз, ҳамшира, Гертруда билан иккаламиз устахона сотиб олиб, рўзгоримизни бир оз йўлга солиб, бола-чақамиз билан энди шу кунга етишган эдик...

– Қулай пайт. Биз ҳаракат қилмасак, ким қилади бу ишни? – Минбарга чиқса индамасак, партия тузса – индамасак... Яқинда,

ўша йиллардагидек, кўча тўлатиб марш қила бошлашса ҳам, яна дераза пардасини қия очиб томоша қиламизми?..

– «У йиллар...» «Ўша йиллар...» Наҳотки унутиб бўлмаса?! – деб дод солди Гертруда.

– Август, сиз мард одам эдингиз-ку? Эсингиздами...

– Йўқ, йўқ, эсимизда йўқ! Ўтиб кетган. Аллақачонги гап! Август ҳеч қаёққа бормайди, тушундингизми, хоним! – Гертруда яна йиғлаб келиб, эрини елкасидан кучоқлади, ёш боладек унинг орқасига пушиб, ёшли кўзларини жавдиратди.

– Бизнинг болаларимиз бор, ҳамшира, – деди латтадай бўшашган Август ҳам ёлвориб.

– Менинг ҳам... болаларим бор, – деди секин Умида, товуши тов-ланишидан қўрқиб. Жужуқларини соғинган эди.

– Сиз дўзахни тўзғитиб қўйиб, болаларингиз олдига жўнай-сиз-кетасиз, хоним, – деди Гертруда, – биз бўлсак бу ерда бор-йўғи-миздан айрилиб, яна...

– Кейин улар бизни қўйишмайди, ҳамшира... – Бесўнақай Умайдернинг йўгон товушида ҳам йиғламсираш оҳанги бор эди. – Мен сиздан қарздорман албатта, мен сизни ҳеч қачон...

– Гап менда эмас, Умайдер, мен сиздан қарз талаб қилиб келганим йўқ. Бола-чақаларимиз тинч-омон катта бўлиши учун Бергерга ўхшаганлар таҳликага тушиши керак, агар улар ўзларини бемалол сезишса, ўша йилларнинг яна такрорланиши ҳеч гап эмас, фрау Гертруда! Кўрдингизми, «ўша йиллар»ни мен эмас, Бергерлар эслатяпти... Ўйланг, Август, бу жуда муҳим иш. Мардлик иши. Шундай иш сизга боғлиқ бўлиб турибди.

– Йўқ, бу иш битта Августга қараб қолган эмас, битта Август нима қиларди? – деди аёл Умайдернинг орқасида туриб. Эрини ҳозир биров тортиб олиб қўядигандек, унинг кўйлагига ёпишган эди. – Биз ҳеч қаёққа бормаймиз, тамом! – У эрини чимдилади, биқинига туртди. Умайдер ҳам бошини қуйи солиб, елкасини қисди:

– Биз... боролмаймиз, ҳамшира... афв этасиз.

Умида эшикка ўгирилиб совуқ манглайини ушлади. Шунча югуриб-елишларидан кейин кўзига авлиё кўринган бу одам бирдан унга бегона бўлиб қолди.

Секин эшикка қараб юрди. Эр-хотиннинг орқасидан тикилиб қолишганини сезиб турибди. Хотини бало-қазодан қутулгандек, хурсанд албатта. Икона қаршисида ёшли кўзларини йилтиллашиб, шошиб-пишиб чўқинаётган бўлса ҳам ажаб эмас. «О, майин гот!» Август-чи? Нима қилишини билмай, виждон азобида қолди...

– Ҳамшира...



Меҳмон бир умид билан тўхтади. Тўхтади-ю орқасига қайрилмади, қулоқ солди: нима дер экан, «Эртага етиб бораман!» деб қичқирса-чи?

Анча жимликдан кейин Умайдер узрли товуш билан деди:

– Қаҳва тайёр эди-ку... Ҳамшира? Энди кўришмаймизми?

– Билмадим, Умайдер... – деди Умида. Йўлида давом этди. «Сизга боғлиқ» деб кўшиб кўймоқчи эди, индамади. Умида ҳафсаласи пир бўлиб, бўшашиб кетаётган бўлса ҳам, аслида кўнглининг бир чеккасида жиндак илинж қолган эди: «Эртага бориб қолиши ҳам мумкин».

Ўзига нечоғлиқ тасалли бермасин, нимадандир умидвор бўлмасин, унинг аҳволи оғир эди. Энди таваккал қилишдан бўлак иложи йўқ. Чекиниш мумкин эмас. Симпозиум қатнашчилари, қанча-қанча олимлар ундан изоҳ кутяпти. Мухбирлар ҳар қадамда йўлини тўсишади. Агар индамаса, ақл бовар қилмайдиган иғволарни тўқишлари мумкин. Энг муҳими, агар шундай қайтиб кетаверса, бу ношудлик, заифлик ифодаси бўлади, виждон азоби бир дардга айланади. Умида ўзини билади ахир! Беморлар юзига боққанида, қўлига скальпель олганида чиркин ҳис қийнамайдими?..

Меҳмонхонада ётоғига кирса, столда самолёт билети турибди. Бугунга, Москвага. Кимдир унга тез жўнаб кетишни таклиф қилибди.

Умида билетни аста қўлига олиб, майда-майда қилиб йиртди-да, ўрнига қўйди.

– Йўқ, кетмайман. Ишим бор, – деб юмшоқ курсига ўзини ташлади. Жилмайди. Ўзидан кимнингдир қўрқиши унга завқ бағишлар эди...

Матбуот конференцияси эртасига, Умида турадиган эски отелнинг биринчи қаватидаги доим хувиллаб ётадиган «Конференц-салон»да очилди. Салон тор, алмисоқдан қолган эски диванлар, иккинчи қаватга буралиб чиқиб кетувчи, доим ғирчиллаб турадиган ёғоч зиналар ҳам лик тўла; лабига узун мундштукли сигарета қўндирган мухбир хонимлар тиззаларини очиб деразаларга чиқиб ўтиришган; ўргадаги узун стол атрофида мункиллаб қолган, кекса, лекин сипо олимлар суҳбатлашар эди. Кўпни кўрган, қари, бачкана кийинган, ёш, доим серҳаракат мухбирлар киноаппаратларини мослаб, блокнотларини варақлаб, ишчан қиёфада сақич чайнашар, бир-бирлари билан узоқдан бақариб саломлашишар, сабрсизлик билан аланглашар, сигареталарини бурқситишар эди. Прожектор ёруғида ҳозирданоқ қуюқ тутун суза бошлади.

Умида кириб келганда кўп тилли ғовур-ғувур аста босилди. Элчихонанинг пресс атташеси, дипломатларга хос ихчам ва содда кийинган ёшгина йигит, фотоаппаратлар чиқ-чиқи тугагини бир

нафас кутиб, конференцияни очди. Баёнот учун совет олими, доктор Қориевага сўз берилди.

– Хонимлар ва жаноблар! – деди Умида еб қўйгудек бўлиб тикилган кўзларга қараб. – Ўпка касалликлари бўйича халқаро симпозиумда ўз илмий ахборотимдан воз кечганимдан буён жуда кўп матбуот вакиллари бунинг сабабини сўраб, менга муурожаат қилишди. Бу хатти-ҳаракатимнинг сабабларини кенг жамоатчилик билиши зарур деб топганим учун мазкур матбуот конференциясини чақириб, сиз мухтарам зотларни безовта қилишга журъат этдим.

Умида анча равон, ортиқча ҳаяжонсиз сўзлай бошлаганини таъкидлаб қўйди ичида. У тўрдаги узун, ялтироқ стол ёнида ёлғиз ўзи тикка турарди. Қора атлас қўйлак устидан кийган қора жакети тўлагина белини қисиб турар, бошига чамбарак қилиб турмакланган йўғон қора сочи уни яна ҳам қорамангизроқ қилиб кўрсатар эди. Қўлида ҳам, столда ҳам ҳеч қандай қоғоз йўқ. Шошмасдан, янгроқ немис тилида сўзлар экан, дастлаб сал безовталанган осуда қорачиғлари салоннинг дам у ерига, дам бу ерига аланглаб турди. У қидирган одамлар йўқ, на Бергер, на Умайдер. Кўзлари юқори зиналарни ҳам, йўлакда тикка турганларни ҳам оралаб чиқди. У Августдан негадир ҳамон умидвор эди.

Вақт етиб, Умида асосий баёнотини ифодалашга киришди. Бошлади-ю, худди хотираларидагидек, ўша узоқ йиллар ортида қолган машъум ревиердагидек ўзини бирдан ёлғиз сизди. Тириклайин тилкаланган ўша одамларнинг таниш юзлари, ўлим олдидаги инграшлари, сўник ғазаблари; оқ халат, қора этик кийган «доктор»нинг ҳиссиз, совуқ кўз қарашлари – ҳаммаси кўз ўнгида турибди-ю, булар бари ҳозир исмсиз-жисмсиз... Умида ўзи ёлғиз. На гувоҳлар, на қурбонлар, на Бергернинг ўзи...

Лекин бу ёлғизлик баттар ишонч бағишлар, куч берар эди. Залдан юзига қадалиб турган ўнлаб фото-теле киноаппарат объективлари жонли кўздек туюлар, биронтасидан ҳозир гумбурлаб ўқ чиқиб кетадигандек, Умида ўзига ўқталган қурол ҳалқумлари қаршисида қўрқмай ёлғиз тургандек эди.

Бир пайт нутқи давомида ўтирганларни сўзларига ишонтириш учун ортиқча уринаётганини пайқаб қолди. Бунинг кераги йўқ эди. Унинг гапи мутлақо холис баёнот ва бир олимнинг қатъий виждон норозилигидан иборат бўлиши керак.

Масаланинг доктор Бергерга боғлиқ эканини кўплар илгаридан тахминлаб билган бўлса ҳам, баёнотнинг моҳияти маълум бўлганда салон ари уясидай ғувиллай бошлади, ёғоч зиналар оғир ғирчиллади, баъзи олғирроқ мухбирлар магнитофонларини

очиқ қолдириб, телетайпга югуришди. Бундай сенсацияларни кўп кўриб пихи қайрилганлари бўлса, оёқларини чалиштириб, гавдаларини орқага ташлаб ўтирганча, бепарво қулоқ солишар, ҳар замонда бир-бирларига хат ёзиб узатишар, юзларида ғазаб ҳам, ҳайрат ҳам сезилмас эди.

– Шармсорлик! Германияга иснод! – деган товуш эшитилди орқадан. Уни кимдир тартибга чақириб, тинчитиб қўйди. Умида гапида давом этарди. У ҳеч нарсага қарамай, деярли осойишта, батафсил гапирди. Курт Бергердек кишининг фан даргоҳига, илмий кафедра-ларга, клиникаларга оёқ босишига қатъий норозилик билдириб, барча виждонли олимларни бу баёнотни қўллаб-қувватлашга чақирди, энг инсонпарвар фан бўлган медицинанинг поклигини, олижаноб анъаналарини, унинг улуғ гуманист даҳолари ҳурмати-ни, олимлик шарафини ҳимоя қилишга даъват этди.

Энди унинг товуши яна ҳам тиниқ, дадил, янгроқ эди.

Шундан кейин савол-жавоблар, конференциянинг энг оғир, асабий қисми бошланди. У зўр шовқин-сурон билан, гўё ҳамма деразалардан, эшиклардан, йўлаклардан кириб келгандек бўлди. Ҳамма оёққа туриб кетган эди.

Сўз олувчилар саволидан олдин ўз газетаси ёки ўз радио – теле-видсние компаниясининг номи ёзилган лавҳани баланд кўтариб кўрсатар, ёки уни қичқириб эълон қилар, савол эътиборга лойиқ бўлмаса ўзидан-ўзи шовқин ичида кўмилиб қолаверар эди.

– Доктор, айтинг-чи, Бергернинг ўша пайтдаги операцияларида сиз ҳамшира сифатида бевосита қатнашганмисиз, ёки операция-лар жарайонини ўз кўзингиз билан кўрганмисиз?

Бу савол ўзига йўл очиб, залда тинчлик ўрнатди.

– Йўқ, – деди Умида жимжит зал ўртасига қараб. – Менинг вазирамга палатани озода тутиш, беморларга қараш, уларни опе-рацияга тайёрлаш сингари юмушлар кирар эди. Мен палата ҳам-ширалигига тайинланган асира эдим, холос. – У билагини очиб концлагердаги асирлик рақамини кўрсатди. Фотоаппаратлар чиқиллади. Умида ғижиниб ўзини прожектор ёруғидан четга олди. Одамнинг юзини қадоқ қилиб юборишади булар, Умида умри бўйи ҳам мунча кўп суратга тушмаган эди.

– Сизнинг илмий ахборотингиз билан қаерда, қачон танишиш мумкин? Симпозиум тўпламларида чиқадими?

– Агар у тўпламларга Курт Бергернинг ахбороти кирса, чиқмай-ди, – деди Умида.

– Чиқмайди! Асли борми ўзи? – деган хушчақчақ товуш эшитилди.

Зинапоя тагидаги жимжимадор эски диванда уч йигит сақич чайнаб ўтирарди. Бу овоз ўшалардан бириники. Улар учаласи ҳам башанг кийиниб, кўкрак чўнтагидан оқ рўмолчалари чиқиб турган, сочларини мойлаб силлиқ тараган ёш жентльменлар, ҳеч нарса ёзмай-чизмай ҳалидан бери қувноқ гаплашиб ўтиришибди.

Ҳамма овоз чиққан томонга қайрилиб қаради-ю, жимлик ўрнашмади. Фақат, сочлари тўкилган кекса француз ўрнидан турганда зал тинчиди.

– Мадам, – деди салмоқлаб қари мухбир, кўзойнагини ҳафсала билан артаркан. У русча сўзларди: – Сиз тарихни анча ишонарли қилиб гапирдингиз. Лекин биз истардикки... яъни бу воқеаларнинг гувоҳлари билан қачон ва қаерда учраша оламиз?

Умида бу саволни кутган эди. Унинг жавобини неча кундан бери ўйлаётган бўлса ҳам, тополгани йўқ, тайёр эмас.

– Гувоҳлар йўқ... – деди у залга биринчи марта хавотир билан қараб. Немисча жавоб берарди. Зал аста гувиллай бошлади. – Тушуниб турибсизки, гувоҳлар ҳаммаси ҳалок бўлган, жаноблар. Шунинг учун, мана мен гувоҳлик беряпман. – Гувиллаш орта борди, Умида терлаб кетди: хуштак чалишмаса бўлгани. Эҳ, Август Умайдер... Шу зумда бир кўриниб қўйсанг ниманг кетарди! Юрак ўз жонингни сақлаш учунгина экан-да?!

– Қизиқ-қизиқ хотираларингизни ҳикоя қилиб бермоқчи экансиз, бизни тинч қўйиб, бола-бақрани тўпласангиз бўлмасмиди, хоним? – деб қичқирди ҳалиги уч олифтанинг яна бири. Бу савол жавоб талаб қилмасди, шунинг учун ғовур-ғувур яна кучайди – бу бақириқни ким маъқулламоқда, ким қораламоқда – билиш маҳол эди. Қулоғи битган Умида бошлар устида сузган қуюқ тутунга тикилиб туриб, на ўз қадрини, на ўлик-тирикнинг ҳурматини биладиган бу бош тўдага нисбатан бир парвосизлик, бефарқлик сеза бошлади.

Бир ингичка, новча хотин инглизчалаб қичқирди. Унинг гапини Умидага таржима қилишди:

– Қориева хоним, бир дақиқа фараз қилайликки, ўша қурбонлар, ўша тажриба жарайонида ўлган одамлар мутлақо бўлмаган дейлик. Ўшанда сиз доктор Бергер кашфиётининг фан учун аҳамиятини тан олармидингиз.

– Йўқ, мен буни фараз қилолмайман, мисс. Ярим дақиқа ҳам фараз қилолмайман! Чунки ҳайвон ўрнида тажриба столида ўлдирилган ўша ўнлаб одамлар менинг кўз ўнгимда турибди. Улар бирон дақиқа ва бир умр менинг кўз ўнгимдан кетмайди... Мен

врачман, одамларни ўлдириш учун эмас, уларни ўлимдан сақлаш учун яшайман.

Зал тинч эди.

– Бизнингча, сиз кўпроқ агитаторсиз!

Бу қичқириқ жимжит зал тепасида муаллақ қолди. Ҳеч ким индамади. Ҳалиги силлиқ, сочли жентльменлар томонга ҳеч ким қарамади ҳам. Овознинг ўшалардан чиққанлигини ҳамма биларди. Бу ўнғайсиз жимлик узоқроқ чўзилди. Буни ўзларига эътибор деб билган ҳалиги учовидан бири, кексароғи ўрнидан турди.

– Мадам, сиз доктор Бергерга қарши ҳеч қандай исбот ёки гувоҳ кўрсатмадингиз, – деди у бепарво тебраниб, қўлида калитми, қаламми – бир занжирли нарсани айлантириб ўйнаркан. – Хўп, майли. Ўзингизнинг илмий ахборотингизни ҳам эълон қилмадингиз. Энди умуман фанга алоқангиз борлигига ҳам ҳеч қандай исботсиз ишонавераимизми?

Зал бир тўлғаниб, жимжит бўлиб қолди. Қоғоз шитирлагани ҳам эшитилмас эди. Умида бу кекса олифтани қаердадир кўрганга ўхшайди-ю, ҳозир бу ҳақда ўйлашнинг пайти эмас эди.

– Жавоб бераман, сэр, – деди у. – Жаноблар, сиз, учалангиз ҳам, – у зина тагида оёқ чалиштириб ўтирган ҳалиги силлиқ сочли жентльменларни кўрсатди, – сиз учалангиз ҳам Курт Бергер аъзо бўлган партиёга мансуб эканлингиз аён бўлди. Мен сизга ҳеч қандай исбот келтирмайман. Сизга исбот қор қилмаслигини тарих яхши билади. Юридик жиҳатдан сизнинг партиёнгиз билан биз ҳали ҳам уруш ҳолатидамиз. Биз фашизм билан ҳеч қачон ярашган эмасмиз!

Аввал кимлардир қарсақ чалди, кейин зал портлагандек бирдан гувиллаб, ҳеч нарса эшитилмай қолди. Бировлар қалам-қоғозини йиғиштириб югурганча тўдани ёриб чиқиб кетди. Кимдир стул устига чиқиб қичқириб сўз сўрар, бошқаси сўз олмасданок кимдир бақириб сўкар эди. Сухбатни давом эттиришнинг имкони қолмади. Пресс-атташе Умиданинг имоси билан микрофонга бўйнини чўзиб, бир нималар деди, баёнотнинг холис ёритилишига умид билдирди-да, конференцияни ёпди.

Умида ётоғида ёлғиз қолгандан кейин асабини босиб олиш учун шошиб у ёқдан бу ёққа юраркан, салондаги бояги сурон миясида ҳамон гувиллаётгандек эди. Бироқ асаби босилмади, қайтага баттар бўлиб, нафаси тиқилиб, ҳаво етишмай қолди. Тамаки тутуни синган жакетини ечиб ташлади. Нима бўлди ўзи? Уйлаган гапларининг ҳаммасини айтди-ку? Кўнглини бўшатди. Виждони ол-

дида мусаффо бўлиб олди. Енгил тортиши керак эди. Лекин ором тополмаяпти.

Ё бирон фикрини тушунтиролмадими? Ортиқча сўз қотди-ми? Йўқ. Ҳаммаси ҳаққоний, пухта, тиниқ. Ортиқ чирангани ҳам йўқ, хотиржам, осойишта гапирди. Аммо нимагадир қониқиш йўқ, кўнгли хижил, безовта.

Назарида у асосий мақсадга эришолмади, унинг самимиятини англамадилар. Уларга исбот керак, гувоҳ керак. Оддий ҳиснинг, юрак ноласининг бунда қадри йўқ.

Қизиқ, Бергер қаерда? Нима қиляпти? Унинг бугунги гапларни эшитмаган бўлиши мумкин эмас. У аҳволини Умидадан яширяпти. Истеҳзоли кулиб май ичиб ўтирганмикан, ёки талвасадамикан?

Ҳар ҳолда, эртага бир шов-шув бўлади. Ё унинг фойдасига, ё...

Умида деразани очиб юборди. Ёмғир ҳиди келди. Бир ҳафтадан бери ёғолмай, узокда бўғиқ момақалди роқ юмаларди. Умида намиққан ёқаларини бўшатди. Қоп-қора деразага боқаркан, ҳатто кўзларини қисди: тун қоронғиси шу қадар қуюқ, тубсиз эди. Ҳаво бўлса шундай зиқ, дим, электрланганки, гугурт чақсанг портлаб кетадигандай. Юракни эзадиган жимлик чаккаларини оғритди. Энди бу қоронғи жимлик ва димликка бардоши тугади деганда, қаердандир, тун қаъридан, қизиган темирдек оппоқ чақмоқ отилиб, ёввойи кучини қаёққа қўйишни билмагандек, шунақа гум-бурладики, кўк гумбази чатнаб, ер титраб кетди. Умида ерга ботиб турган оғир қизил ғишт биноларнинг қоғоз ўйинчоқдек силкиниб кетганини бутун вужуди билан сезди. Ўлик чақин томларни, томлардаги найзаларни, дарахтларни, шохларда илиниб турган ҳар бир барғни бир зум ёритиб, кейин еру кўкни кўр қилди-қўйди.

Умида чироқ ёқишга кўрқди, деворларни ушлаб бориб, кресло-ни топди.

Бир нафасдан кейин шовуллаб ёмғир қуйди. Бир ҳафтадан бери ёғолмай ҳавони димиқтириб турган булутлар нураб тўкилмоқда эди. Умида бир меъёрда шовуллаган куз ёмғирининг сарин салқинидан сал ором топгандек бўлди, бўшашиб креслога чўкди. Хона қоронғи эди.

У бугун ҳам ўтириб тонг оттиради шекилли, аъзойи бадани мажаклангандек, тамом толиққан бўлса ҳам, уйкудан дарак йўқ эди. Столда майдалаб йиртилган билет ётибди. Юраги увушди. Бирдан болаларини кўмсаб уйига қайтгиси келиб кетди...

Курт Бергер барибир фош этилмай қолди. У ҳамон қомати тик, дадил юраверади, ўзидан мамнун, сал жилмайиб таъзимларга бош

эгиб қўяди, оқ халат кийиб клиникаларга киради, минбарларга чиқади. Атоқли олим қиёфасида аудиторияларни оғзига қаратади.

У шунинг учун одам ўлдирган, соппа-соғ одамларни... Кўксини ёриб, ойлар давомида ўпкасини қиймалаб, аста-секин ўлдирган. Яшнаб турган навқирон ҳаётнинг кунлаб, соатлаб сўниши, мурдага айланиши неча марталаб унинг совуқ назаридан ўтган. Йиллар давомида...

Кимлардир тирик вужудни, мия фаолиятини бутун илоҳий қудрати билан кибернетик моделда такрорлашга уринади. Кимлардир модданинг туганмас сирларига, самовий оламларнинг сеҳрларини фош этишга интилади. Ҳаммаси инсон учун, унинг қудрати, шарофати билан; айна пайтда кимлардадир миллиард йиллар илгариги ибтидоий йиртқичлик инстинктлари ҳали тирик...

Яқинда телевизорда бир тошни, унинг соясини кўрсатишди, балки эртага уни музейга қўярмиз. Ой тоши... Биздан миллион-миллион нур йиллари узоқлигидаги туманликларнинг кимёвий таркиби аниқ. Аммо инсон билан ҳайвоннинг чегараси қаерда – биз бунга ҳали билмаймиз.

Чиндан ҳам инсонликнинг чегараси қаерда? Идеал, олижаноб инсоний покликдан ҳали шунчалик узоқмизми? Ёки ҳамма одамлар ҳам инсон эмасми? Нега бўлмаса қонунлар бир, ҳуқуқлар бир, унвонлар бир?..

Бир епископ шундай деган эди: «Ҳайвоний инстинктлар инсонга таҳдид сололмайди. Инсон ҳайвонлик босқичидан аллақачон ўтиб кетган. Энди унга иблислик таҳдид солиши мумкин, холос».

Ажабо! Иблислик. Қанақа иблис? «Сариқ иблис»ми?

Умиданинг хаёлида замонлар, тушунчалар қоришиб кетди. Ўнги билан туши ҳам, кун билан тун ҳам қоришиб кетди. Бир вақт кўзини очиб қараса, деразалар ёруғ. Ёмғир тиниб, ҳаво ёришдими ёки тун ўтиб, тонг отдими?

Эшик тақиллади. Жунжикиб қолган Умида креслодан шошиб туриб у ёқ-бу ёғини тузатди.

– Килинг.

– О, фрау доктор! Қандай кўнгилсизлик! Қандай кўнгилсизлик! – Хонага Бертанинг ўзидан аввал овози кирди: – Қаранг-а, шундай жентльменни ўлдиришибди! Қандай хушбичим эди, қандай хушмуомала... – У йиғлагудек бўлиб бир даста газетани столга қўйди. Қаҳвани докторнинг қўлига берди.

Умида газетадаги суратга кўз ташлади: қаёқдаги кўримсиз, ориқ, сал шишинқираган кўзлари ичига чўкиб кетган, шляпаси

ғижим бир одам эди. Нимаси хушбичим бунинг? Берта таниса керак-да. Ҳар кимнинг ўз дунёси, ўз ҳасрати...

Бир маҳал Умиданинг қўлидаги ликопча билан кичкина қулоқлик идиш тебраниб зириллай бошлади, қаҳва тўкилиб кетди, яхшики, Берта вақтида қўлидан олди, бўлмаса тушиб синарди. Умида икки қўллаб газетани ёзиб ушлаганча курсига ўтириб қолди. У шошиб қолган, ҳали қувонишини ҳам, қувонмаслигини ҳам билмас эди. Ҳалиги суратнинг тепасига кечаги матбуот конференциясининг ҳисоботи босилибди. Тўлалигича. Саволлар, жавоблар, қарсақлар, шов-шувлар ҳаммаси! Қандай бўлган бўлса – шундай. Икки жойда Умиданинг гапириб турган сурати ҳам бор.

Умида шошиб кўз югуртирди, ҳа, ҳаммаси қандай бўлса шундайлигича босилибди. Холис. Газета ўзидан ҳеч нарса қўшмаган. Нечук бундай бўлди? Бу ернинг газеталари ундай қилмас эди-ку? Бу яхшими, ёмонми?

Умида яна кўз югуртириб, ўз жавобларини ўқий бошлади. Ёнида Берта бир қўлида қаҳва ушлаганча ҳамон зорланар эди.

– Жуда кўнглим бўш, фрау... ўлай агар, йиғлаб юбордим. У жентльменни бир мартагина кўрган бўлсам ҳам, шундоқ кўз олдимда турибди. Жуда ачинарли воқеа юз берди-да...

Умида унга қайрилиб қаради. Бертанинг сепкилли юзи қизариб кетган эди.

– Ўлдириб кетишибди...

– Кимни? – деб сўради Умида.

– Вой, ўқимадингизми, фрау... Мана, ахир, мана, – деб Берта ёноқ суяқлари чиқиб турган ҳалиги ориқ одамнинг суратини туртиб-туртиб кўрсатди. – Ўша куни сизнинг ёнингизга келган жентльмен-чи! Ўқинг! О, қандай ачинарли воқеа, доктор!

Умида ҳеч нарса тушунмади. Лекин юраги «шув» этиб кетганини сизди. Газетанинг қаерига қарашни билмай, сарлавҳаларни ўқиди. Нима деяпти бу аёл? «Ўша куни келган жентльмен?» Ким келган эди? Бергер? Ҳа, Бергердан бошқа ҳеч ким келгани йўқ...

– Мен йўғимда келибмиди?

– Йў-ў-ўқ, ахир! Келиб сиз билан суҳбатлашиб ўтирди-ку? Хушбичим, хушмуомала...

– У Бергер эди, Курт Бергер! – деди Умида негадир зарда билан.

– Ҳа-ҳа! Ўша, ахир! Ўша одамни айтяпман, фрау доктор...

Бергер? Уни ким ўлдиради? Қачон? Нега?

Умиданинг хаёлига бир фикр чақмоқдек урилди: «Умайдер! Наҳотки...»



Кўзларига ишонмагандек, яна суратга тикилди. Йўқ, бу бошқа одам эди. Умида уни ҳеч қачон кўрмаган.

Уф-ф, нима бало бўляпти ўзи! Умида икки қўлини юзига босганича бир зум ўтириб қолди. Сўнг яна газетага тикилди. Кўзи бирдан сурат тепасидаги сарлавҳага тушди: «Алло, полициями? Дарров етиб келинг. Мен одам ўлдирдим!» Қора, йирик ҳарфларни яна бир кўздан кечирди. Кейин хабарни ўқий бошлади. Унинг чўғланиб турган кўмирдек қорачиғлари газетани ёндиргудек эди.

Бугун кечаси соат иккиларда номаълум бир одам доктор Бергерни ўз иш кабинетида отиб ўлдирибди. Қотил ўша ернинг ўзидаёқ полицияни чақириб, ўзини қонун ихтиёрига топширибди. Хабарда воқеа бутун тафсилотлари билан баён этилган эди, суратдаги – ўша номаълум одам экан.

Умида унинг киртайган умидсиз кўзларига қараб, ўрnidан туриб кетди. Бундай кўзлар... бундай аянчли кўзларни у фақат концлагердагина кўрган. Бу, шубҳасиз, Бергернинг қурбонларидан бири. Лекин у қаёқдан чиқди?

Умида шошиб келиб яна газетани қўлига олди.

Ҳалиги хабардан пастроқда «Қотил билан интервью» босилган эди. Қотил унда ўз номини, туғилган жойини айтади. Бир вақтлар жуда бақувват спортчи йигит бўлган экан. Уруш йиллари, ўн тўққиз ёшида гестапо қамоқхонасидан Бергер клиникасига кўчирилибди, бир неча операция давомида битта ўпкаси батамом олиб ташланибди. Энди иккинчи ўпкасини ҳам операция қилишга тайёрлаб юришганда бомбардимон бўлиб қолиб, қочибди. Ўшандан буён бир ўпка билан яшаб келаётган экан. Ўшандан бери умри тўшақда ўтибди, ўшандан бери ҳавога, одамлар кечаю кундуз шимириб юрган оддий ҳавога зор бўлиб яшабди. Бергерни кўрмасдан ўлмасликка қасд қилган экан. Кеча тўсатдан радиода уни гапириб қолганларида сўнгги дармонини йиғиб тўшақдан турибди, уйини топиб келибди. Учратибди. «Бу ёғини ўзларингиз биласизлар. Мен шунинг учунгина жон сақлаб келган эдим, энди... энди мана, қаманглар мени...» дебди қотил.

Саҳифанинг энг пастида полиция бошқармаси хабар берар эди: қотилни қамоққа олишга қонун йўл қўймайди. Врачларнинг хулосасига қараганда, унинг бир ойликкина умри қолган...

*Ўша заъфарон юзли, қоқ суяк одам, худди нариги дунёнинг дарчасидан мўралагандек ҳали-ҳали Умиданинг кўз олдидан кетмасди.*

*– Мен унинг ўн тўққиз ёшлик навқирон чоғини сира-сира кўз олдидан келтиролмайман, – деди Умида бир нуқтага тикилиб.*

– Бир ой бўлса... ҳозир у...

– Энди у йўқ, Азимжон, – деди Умида. – Ўйчанлик билан кўшиб қўйди. – Бир ўпкали қасоскор. Менинг гувоҳим...

– Ҳар нарса ўз вақтида бўлиб ўтгани яхши, болам. Яна бир ой кечикканингда шу сўнги гувоҳни ҳам тополмас эдинг.

– Сўнги гувоҳмикан, дада?

Очил бува увушган тиззаларини уқалаб, ўрнидан турди. Пиёлаларда чой совиб қолган эди. Лим-лим офтоб тўла хоналар жимжит, фақат қайси бир дарпарда орқасида қамалиб қолган қовоқаригина тинмай визиллар эди.

Четроқда ўтирган Азимжон оғир хотиралардан кейин чуқур ўйга толган бу ажойиб холасига тасалли бергиси келди:

– Ҳеч хафа бўладиган жойингиз йўқ экан, Умида опа. Аввало, уни сиз ўлдирибсизми? Қасосли дунё қайтади. Хўш... у яшаб юраверса-ю, сиз шундоқ қайтиб келганингизда кўнглингиз баттар нотинч бўларди.

– Тўғри айтасиз, Азимжон. Лекин ўша ердан қайтганимдан бери, бир нопок нарсани босиб олган одамдай дилим ғаш.

– Менинг ҳам... – деди Очил бува белини ушлаганча гиламда пайпоқчан юраркан, – менинг ҳам кўнглим хира тортди, болам. Энди сенинг уйингдан асабларимиз қиттак ором олиб, кўнглимиз равшан тортиб кетармиз, десам... бўлмади.

– Биласизми, дада, бориб-бориб одамнинг ахлоқ бойлиги етмай қолмасмикан – мен нуқул шунини ўйлайдиган бўлиб қолдим. Одам ядро ичидаги даҳшатли кучларни озод қиляпти, бу билан у ўзи ҳам жисмоний жиҳатдан юз марта, минг марта кучлироқ бўлади. Бу қудратни ўзига қарши қаратмаслик учун ахлоқий кучи етармикан? Ахлоқий иродани ядродан олиб бўлмайди, фандан олиб бўлмайди, қаердан олади?..

Бобо-набира тушундиларми, тушунмай жим қолдиларми, Умида уларга тикилиб жавоб кутарди. Тўғрироғи, у ўзидан кутарди жавобни. Аммо анча жимликдан кейин Очил бува унинг рўпарасига келиб, сербўғин, титроқ бармақлари билан қизининг пешана сочини силади.

– Қаердан олади дейсанми?.. Биздан олади. Бизнинг турмушимиздан, бизнинг ишларимиздан, бизнинг одамларимиздан. Мана сендан олади, қизим.

Умида кекса отасининг кўзларига қараб туриб чарақлаб кетди. Бобонинг гапи Азимжонга ҳам жуда маъқул бўлган эди, ажойиб холаси ҳақида унинг ҳам кўнглида шундай яхши бир гап бор эди-ю, ай-

толмай турган эди. Ҳозир Умиданинг яна кечагидек чиройли бўлиб кетганини кўриб, ундан кўзини узолмай қолди.

Улар самолётда тишлари узоқдан ярақлаб турадиган бир мухбир йигит билан ёнма-ён ўтириб қолишди.

– Чўлга денглар? Жуда соз бўлди-да, гаплашиб кетамиз! – деди йигит чаққонгина ўрндан туриб буларнинг нарсаларини жойлашга ёрдамлашаркан. У жуда сергап эди, самолёт ҳавога кўтарилгунча шанғиллаб қулоқларини битирди.

– Йўлдош аканикига денг? – ҳамон гапдан тинмасди мухбир, – у киши ўзимизнинг акамиз-ку! Кечирасиз, сиз Очил бувасиз-а, мен сизни танимабман. Эшитган эдим у кўрган эмасдим.

Эшик тепасидаги табло ўчиши билан йигит сигарета тутатди. Унинг жағи сира тинмасди, дам гапирар, дам ўқир, ниманидир титар, кўпинча эса бир йўла ҳам гапирар, ҳам ниманидир ўқир эди.

– Йўлдош акани бу йил депутат қилиб сайладик, хабарингиз бордир, у киши комбинатга директор-ку ҳозир, – деди мухбир эски журнални варақлай туриб.

Очил бува жиянининг мансабларидан беҳабар, лекин унинг чўлда обрўли одам эканлигини билар эди.

– Йўлдош кам бўлмайди, биламан. Бобосига тортган, – деди Очил бува гавдасини орқага ташлаб ўтириб. – Бобоси Абдулаҳад-дума кўп билимдон, аллома одам эди, раҳматлик.

– Ўша замонда-я, бува? У замонларда бир фоиз ҳам саводхон бўлмаган дейишади-ку? – деди бобосининг ирғай таёғини этагида ушлаб ўтирган Азимжон. – Сизнинг айтишингизча, Комиланинг дадаси ҳам, Йўлдош акамнинг боболари ҳам...

– Ўтмишни ёппасига зулмат қилиб кўрсатадиганларни ёмон кўраман, – деди Очил бува соқолини силаб. Буунинг шу топда гапга, суҳбатга мойиллигини билдирарди.

– «Номи йўқ, қашшоқ, гадо...» – денг? – киноя қилиб қўйди мухбир.

– Ўзбек ҳеч маҳал гадо бўлган эмас, – деди бува. – Ота-бувамиз ёғичиб, яланғоч ётмаган албатта. Нони бўлмаса бўлмагандир, лекин кўнги қашшоқлиги унга бегона эди...

– Менга қаранг, ака, – деди йигит Азимжонга қараб, – сиз нима, ойдан тушганмисиз? Шундоқ бўлса ҳам ҳазрат Навоийни билсангиз керак ҳойнаҳой. Улугбекнинг Птоломей билан ёнма-ён турган суратини кўрганмисиз? Беруний «Илиада»ни юнон тилида ўқиган мен сизга айтсам. Санскритдан арабчага таржима қилган. Ал-Фарғоний Бағдод академиясининг академиги эди. Уни Данте «Илоҳий комедия»да тилга олади. Машрабнинг ўзини олинг! Жасорати, тақдири жиҳатидан, ўша давр шарқ шароити-

да Жордано Брунодан нима фарқи бор? Ал-Хоразмийнинг... – Йигит анча билимдон чиқиб қолди, у шалоладай тошиб гапираркан, гапининг кўпига тушунмаган Азимжон анграйиб қолди. Очил бува бўлса тарихга томир отган ўз аجدодларини ўйлар эди: кимдир Бухородан Иван Грознийга амирнинг элчиси бўлиб кетаётганда Волгада фарқ бўлган, кимдир «Правда»нинг биринчи сонини Орол балиқчиларига етказган, кимдир Пётр II нинг Турон экспедициясида қатнашган, кимдир Завқий билан бирга зиндонда ўлиб кетган... Эҳ-ҳе!!!

– Ҳаммасини ҳам қўйинглари мана шу ўзимнинг акам – Абдулаҳад-думани гапириб берай сизларга, – деди Очил бува. Ирғай таёғини олиб таянди...

## ҲИКОЯТ

Сентябрнинг охириги кунлари.

Экин-тикин йиғиштирилиб, далалар шип-шийдам бўлиб қолган, фақат ўтлоқлардагина пичан ғарамлари кузак ёмғиридан қорайиб, яккам-дуккам қаққайиб турибди; сийраклашиб, ичкарилари кўриниб қолган ўрмонлар камалакдек товланади. Аввал энг ёрқин ранглар, кумуш танли қайинлар, ҳануз ям-яшил қарағай, ўтдек ёниб турган арғувон, олтин барглари тинмай пилдираб учиб тушаётган эман, тераклар кўзга ташланади. Қирмизи қувоқзор этакларидан буралиб кетган сўқмоқ йўлларда қўзиқорин ҳиди келади. Эндигина қазилган картошка, лавлаги пайкалларида булут сояси кезиб юрибди, у зах жарликлардан ҳатлаб ўтиб, узоқда ялтираб кўринган граф кўрасининг оқ иморатлари томон ўрмалайди.

Сўқмоқда, арчанинг ўтган йили тўкилган хушбўй игналарини юмшоққина босиб, қўлини орқасига қилганча келаётган одам кузак ўланларининг талх ҳидидан табиати очилиб, атрофга суқланиб боқар, йўл бўйидаги милашнинг қип-қизил шодаларига қўл узатиб, бир-иккита аччиқ донасини оғзига соларкан, юзларини буруштириб, лабларини чапиллатиб қўяр эди. Қора мовут мурсақ устидан қўш белбоғ боғлаб, устидан олача чопон кийган, бир тутамгина қора соқолли қотма юзини оппоқ салласи очиб турган бу кимса бу ерларда бегонадек кўриниши мумкин эди. Шу вайдан бўлса керак, узоқдан кўринган отликнинг кўзига чалингиси келмай кекса эманзорга бурилди.

Лекин бу ерларда нима кўп – буралиб келиб бир-бири билан қайта-қайта туташиб кетаверадиган ёлғиз оёқ йўллар кўп. Нарироққа бориб отлик яна рўбарўсидан чиқиб қолди. Бу йўллар отга ўрганиш бўлиб қолган эканми, анғиз бўйлаб тикка келавер-

ди. Бошоқ териб юрган болалар ҳам, ўткинчи мужиклар ҳам уни кўришлари билан бошларидан қалпоқларини олишар, эгилиб таъзим қилишар эди. Яқинига келиб қолганида мусофир ҳам ўзини четга олишни эп кўрмай, қўлини кўксида қовуштирди. Отлиқ бу ёқлар учун бегона одамни кўриб тикилиб қолди.

Отлиқ оппоқ соқоли кўксига тушган кекса одам бўлса ҳам, от устида қоматини тик тутиб турар эди. У пастаккина отдан енгил сакраб тушди. Шунда мусофир худди Хизрга дуч келиб қолгандек, бу букчайган, кичкинагина қария олдида ўзини йўқотиб қўйди. Оёғида эски маҳси, бошида туя жунидан бўлса керак, юмшоқ қалпоқ, елкасига катта тивит рўмолни икки буклаб ташлаб олган, қулоқлари катта, бурни сергўшт, оппоқ бароқ қошлари кўзларини босиб тушган бу одам уни илгаридан танийдигандек, у томон юрди. Мусофир ҳам пайқадик, ё авлиё, ё бир буюк сиймога дуч келди, чунки подшоҳ олий ҳазратларига рўпара бўлганида ҳам, уни бу қадар салобат босмаган эди.

– Салом алайкум, – деди қария қўлини узатиб. Қўли катта, сертомир, иссиқ эди, – граф Толстой Лев Николаевич.

Узоқдан яхши кўрмас экан шекилли, у мусофирга яна бошдан-оёқ разм солди. Кенг манглайдаги, қонсиз юзидаги дағал ажинлари яна ҳам чуқурлашди, пахмоқ қошлари остида шиддатли кўзлари пўлатдек йилтиллади.

– Мен Абдулаҳадқори деган кимсаман... – деди мусофир ҳаяжондан тили базўр айланиб.

У буюк адиб ҳақида кўп эшитган, унинг имениеси шу атрофда эканини билар, баъзи ҳикоя ва эртақларини ўқиган ҳам эди.

– Сиз туркмисиз ёки эронлик?

– Мен Туркистонданман, тақсир, ўзбекман.

– О, ажаб қизиқ. Қани, ўтирайлик-чи. – Толстой кекса эманлар орасидан ўтиб, икки-уч тўнғак қаққайиб турган сарғиш пичанзорга бошлади. У узилмай сўлган бу кузги мойчечаклар орасида тез-тез дам олса керак, тўнғаклар силлиқланиб, йилтиллаб кетган эди.

Лев Николаевич аввал индамай, анчагача нафасини ростлади. Мулла Абдулаҳад ҳам ўзини ўнглаб, бу буюк одам ёнига дадилгина келиб ўтирди.

– Сихат-саломатлигингиз дурустми, муҳтарам Лев Николаевич?

– Яхши. Яхши. Ўлимга ҳар дам яқинман. Бу ҳам яхши. «Катта ма-рака»нинг ҳам мавриди етди ахир... – Унинг товуши йўғон, хотир-жам. Гапирганида тишсиз жағи билан бирга кенг, сергўшт бурни ҳам қимирлар эди.

- Отингиз эсли экан, - деди мулла Абдулахад, чолнинг шафқатсиз, хунук гапларидан чалғитмоқчи бўлиб - Қўйган жойингизда турди қолди-я, жонивор.

Ёллари узун-узун пастаккина бўз бия чиндан ҳам тўхтаган жойида қимир этмай турар, ҳар замонда паҳмоқ думини силкиб қўяр эди. Толстойнинг кўзлари жонланиб, юзига мулойим табасум ёйилди.

- Делир... Феъли одамларникига ўхшайди. Сеҳрланган шахзода шу бўлмаса, деб ўйлаб қўяман гоҳо... «Минг бир кеча»дан, ёдингиздами?

- Ҳа, - деди мулла Абдулахад, унинг сўзида ва кўзида жонланиш пайдо бўлганидан қувониб. Граф, ҳақиқатан ҳам, бирдан жонланди:

- Қаёқлардан сўраймиз, мулла, нечук бу томонлардасиз?

Мулла Абдулахад қариянинг кўзларидан пайқадики, у билан гаплашганда ҳамма гапни очиқ айтиш, ўз виждонинг билан гаплашгандек самимий бўлиш керак. Акс ҳолда барибир инонмайди.

- Подшолик томонидан бу ерга бадарға қилинганман, Лев Николаевич.

- Шундай денг! - Лев Николаевич оппоқ бароққошларини чимирди, бўғинлари тугилиб кетган қўпол бармоқлари тивит рўмонли бесаранжом пайпаслаб қўйди. - Мени сира бадарға қилмадилар. Риёзат чексам эди, ташнаман. Атрофимда сиздек одамлар, минглаб, юз минглаб мазлумлар азобда. Мени эса қамоққа, ё таъқибга арзитишмади. Мен ҳам подшоликка зарарлиман сизга айтсам. Мен ҳақорат қилмаган подшо қолмаган, ҳа... Бир риёзат чекким келади.

- Орзу қилманг, Лев Николаевич.

- Биламан, оғир. Аммо эркинликда ундан энгил эмас. Хўш, қандай тирикчилик қиляпсиз?

- Бир нав... Бу ерда оз бўлса ҳам мусулмон урфдошларим бор. Қорачойлар, черкеслар.. маросимларига таклиф қилишади, ёсин ўқийман, қуръон тиловат қиламан...

- О, жуда қизиқ, хўш, хўш?

- Ўз юртимда домла, яъни муаллим бўлганман.

- Муаллим? Қани, гапиринг, гапиринг, қандай гуноҳларингиз учун бу ерга бадарға қилишди? Ё сиз осиёликлар ҳам эндиликда дину ибодатни йиғиштириб қўйиб, ўзларингизни сиёсатга урган-мисизлар?

Мулла Абдулахад кулиб қўйди. Черков оламга сурон солиб лаънатлаган бу буюк қариянинг сўнги сўзларини киноя ёки ҳазил деб тушунди. Сўнгра, ўзининг Давлат думасига аъзолик вақтида баъзи депутатларнинг қутқуси билан подшоҳи аъзамга арзнома

ёзишга бош қўшганини сўзлаб берди. У арзномада икки нарса талаб қилинган эди. Биринчиси – мол-дунёга муккасидан кетиб, ҳаддидан ошган баъзи бойларга ортиқча давлатларини ўзгалар билан баҳам кўришни таклиф этиш...

– Менга қаранг, мулла...

– Абдулаҳад.

– Мулла Абдулаҳад, бу ғоят тўғри талаб! – Лев Николаевичнинг қонсиз, дағал бармоқлари узун соқолининг кумуш тўлқинлари орасида қалтираб кеза бошлади, юзи нурланди. – Бу айни муддао! Сиз Генри Жоржни биласизми?

– Йўқ, Лев Николаевич.

– Ҳа, майли. Бироқ талабингиз жуда тўғри. Керагидан ортиқ бойликка чанг солиб ётиш – ашаддий ахлоқсизлик! – узоққа тикилган кичик чуқур кўзлари хиралашиб, унда қандайдир унутилган бир дард йилтиллади, товуши пасайди Толстойнинг. – Қизиқ, сиз билан биз маслакдош чиқиб қолдик. Бундай талабни олий ҳазратларига ўз вақтида мен ҳам изҳор этган эдим. Аммо оқибати бўлмади. Азият чекдим, оғир дардга чалиндим. Ҳатто бир инглиз газетасида таъзия ҳам чиқди. Қабр учун ер ҳам сотиб олган эдик... – Қария хаёли узоқларга кетиб қолганини пайқаб, мавзуга қайтди: – Хўш, иккинчиси-чи?

– Иккинчиси шуки, Лев Николаевич, жаноб Столипиннинг буйруғи билан маҳаллий аҳолининг ерлари тортиб олиниб...

– Ҳа, қисқаси, арзноманинг жавоби мана шу бадарға бўлди, денг?

– Шундай, тақсир.

Лев Николаевич хаёлининг аллақандай чўвалган ришталари билан чалғиб бориб, Ясная Полянадаги бир ясовул ҳақида гапириб кетди. «Ёнингда осилиб турган нима, пичоқми?» деса, «Йўғ-э, қилич!» дебди ясовул. «Уни нима қиласан? Нон кесасанми?» «Қанақа нон?» – «Бўлмаса, сени боқадиган мужикни чопасанми?» деса, «Нима, чопсам чопавераман-да», дермиш. «Ахир, ўзинг ҳам мужиксан-ку, уят эмасми ўз биродарингни қилич билан чопсанг?» деса, «Менинг хизматим шундай», дермиш. «Бундай ёмон хизматга кириб нима қилардинг?» деса, «Қандай қилай, ўзимнинг баҳом ўн олти сўм, бу хизматда эса менга ўттиз икки сўм тўлашяпти», дермиш. Ясовулнинг бу гапи менинг анча чигал нарсаларни тушунишимга ёрдам қилди, – деб давом этди Лев Николаевич. – Мана, ўша сиз айтган Столипинни олайлик. Отасини яхши билардим, ўзини ҳам болалигида тиззамга ўтқазиб эркалаганман. Ҳозир у ҳам одамларни осяпти, чопяпти. Чунки хизмати шунақа. Бу хизматга шунинг учун кирганки, ўзининг баҳоси сариқ чақа, хизматда эса

йилига саксон минг оляпти. Олий табақа деб аталган бу жамиятнинг ҳаммаси шунақа, мулла. Подшоҳ ҳам мустасно эмас. Агар у ахлоқи комил одам бўлса, мен ундан илтимос қилардим: одамларро меҳру муҳаббат ҳукмронлигини жорий этинг, деб...

Абдулаҳадқори қулоқларига ишонмаётгандек безовталаниб, нима дейишини билмай қолди, лекин эътироз билдиргиси келарди.

– Муҳтарам Лев Николаевич...

Лекин Толстой, суҳбатни сал энгиллатгиси келдими, пайровни бузиб, тўсатдан бошқа савол берди:

– Айтгандай, сиз бу далага қаёқдан келиб қолдингиз?

Мулла Абдулаҳад ҳам суҳбатдошининг чигал ўйлар дунёсидан «қайтиб», оддийгина савол билан мурожаат қилганидан энгил тортди:

– Мен бу ердан узоқ эмас, Козлова Засекада истиқомат қиламан, Лев Николаевич. Бу ўрмонлар, рус кузи кўнглимга ўтиришиб қолди. Сўнгги марта яна бир кўрсам, кўзларим тўярми деб, айланиб чиққан эдим.

– Сўнгги марта?

– Ҳа. Яна икки ойдан кейин «муддатим» тугайди, Лев Николаевич.

– Шундай денг? Ундан кейин қаёққа борасиз?

– Юртимга қайтаман, насиб бўлса, болаларим қошига. Олтита фарзандим бор, Лев Николаевич.

Улар ҳар бири ўз ўйи билан бўлиб, анча жим қолдилар. Нарироқда, тилла ранг ўрмон этагида пастаккина серёл Делир тўнгалар соясида қолган яшил ўтти қиртишлар эди. Булут сояси ўтиб кетди. Сурмадек қора картошка полизида лапанглаб учган қарғалар, узоқдаги ғарам тепасида сичқон пойлаб ерга шўнғиган миққий, яккам-дуккам қолган кунгабоқарлар, дала-туз, қувоқзор жарликлар қуёшга чиқди.

– Дилбар табиат, – деди Абдулаҳадқори.

– Бу ерларни мен ҳам яхши кўраман. Ясная Поляна менинг онажоним...

– Бизда бўлса бу гўзаллик... Юзлаб шоирлар ғазал, дoston ёзишар эди.

– Ҳа, Шарқ, Шарқ... Бир замонлар мен ҳам унга қаттиқ кўнгили қўйган эдим, – Лев Николаевич майин, ҳазин товуш билан ҳикоя қилди: – Декабристлар даври ҳақида роман ёзиш ниятим бор эди. Ўша вақтда генерал Перовскийнинг Хивага юриши, Хоразм ҳақида кўп нарса ўқидим. Ажаб ўлкалар, ажаб шоирлар... Ҳозир ҳаммаси ёдимдан кўтарилиб кетибди. Шоирларингиздан ўқинг-чи менга, мулла Абдулаҳад.



Абдулахадқори ўнғайсизланиб, бармоқларини қирсиллатганча, бир нималарни эслашга уринди. Қийин аҳволда қолса ҳамки, чўзиқ, қотма юзида ҳаяжонли қувонч шуъласи ўйнади.

– Сизга маъносини тушунтириб беришга қурбим етмайди-да, Лев Николаевич.

– Майли, ўз тилингизда ўқинг, тинглаб кўрай.

Абдулахадқори кўнглига келган бир ғазалдан ўқиди.

– Аттанг, мен тушунолмас эканман, – деди арузнинг мусиқийлигига мафтун бўлган Лев Николаевич. – Аммо нимасинидир англаяпман. Биласизми, мен Қозонда ўқиганимда туркийни анча ўзлаштириб олган эдим. Ёддан кўтарилибди. Сиз менга бошқасини, соддароғини ўқий олмайсизми?

– Хўп бўлади. Соддароғи мана бу – Яссавий, – мулла қироат билан «Ҳикмат»га тушиб кетди:

Оқил бўлсанг, ғарибларнинг кўнглин овла,  
Элни кезиб етимларга меҳр боғла,  
Нафси ёмон нажислардан бўйин товла,  
Кўнгли бутун халойиқдан қочдим мано.

Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ,  
Ҳақ васлига етарман, деб руҳим муштоқ,  
Куйдим, ёндим, бўлолмадим ҳаргиз оппоқ,  
Шабнам бўлиб ер остига кирдим мано.

Қулни кўрсам кули бўлиб хизмат қилсам,  
Тупроқсифат йўл устида йўли бўлсам,  
Ошиқларнинг куйиб учган кули бўлсам, –  
Дея зор-зор ер остига кирдим мано.  
Золимларни шиква қилма, золим ўзинг.  
Ул юзингга агар урса, тут бу юзинг.

Дунё молин тўла бердим, тўймас кўзинг,  
Бу нафс учун хору ҳайрон бўлдим мано.  
Золим агар зулм қилса, манго йиғла,  
Ёшинг сочиб, манго сиғиниб, дилинг тиғла,  
Ҳаром шубҳа тарк этибон, юрак доғла,  
Золимларга ўзим ривож бердим мано.

– Ажаб, бу буюк мутафаккир-ку! У сизда машхурми?

– Машхур, қадимий шоир.

– Отини нима дедингиз?

– Яссавий, тақсир.

– Қизиқ, нега мен билмайман бу одамни? Конфуцийни биламан, Гандини биламан... Буни эса... Яссавий дедингизми? – Толстой яна

бутун вужуди билан жонланиб, кўзларида савол аломати пайдо бўлди: – Мана энди сиз менга айтинг: нима учун бу таълимотни ҳамма замонларнинг буюк донишмандлари бу қадар зўр бериб тарғиб қилишади? Ҳамма динларда, барча халқларда нима учун булар мунча кўп: Кришна, Будда, Лао-цзи, Сократ, Эпиктет, Марк Аврелий, Руссо, Кант, Эмерсон, Чаннинг, яна Яссавий... Чунки, бу Исонинг таълимотигина эмас, бу умумбашарий қоидалар. Ахлоқий ҳақиқат билан диний ҳақиқат – иккиси бир ҳақиқат. Ўзаро меҳру муҳаббат – инсоннинг бирдан-бир оқилона фаолияти. Инсон давлат қонунлари билан эмас, муҳаббат қонунлари билан яшаб, ўз ахлоқий камолотини тинмай ўйлаши керак. Подшоҳ ҳокимияти бузуқ, ярамас ҳокимият. У халқни инқилоб жарига итармоқда. Даҳшатли, қонли инқилоб бўлади. Бу жуда катта жиноят, мулла.

Абдулаҳадқори суҳбатдошини таниёлмай қолгандек, безовта жавдирай бошлади, нимадир айтгиси, эътироз билдиргиси келар, аммо қариянинг сўзини бўлолмас эди. Лев Николаевич тўхтамай давом этди:

– «Жамият манфаати» деган гап бор. Одамлар у ҳақда қанчалик кам ўйласалар, ўз руҳий ҳолатлари, ахлоқий камолотлари ҳақида ўйлашларига шунчалик кўпроқ вақт қолади ва зулм, қатл, қон тўкишлар шунчалик камаяди. Одам ўзи туфайли одам ўлдирмайди, ёру биродарлари туфайли ўлдириш осонроқ, «жамият манфаати» учун эса минглаб одамларни қиришади!

– Лев Николаевич...

– Ҳозирги жамият фақат зулмга асосланган. Ундан қанчалик узоқлашсангиз, шунчалик юксак ва соф бўласиз.

– Сиз менинг фикримни тушунмадингиз, Лев Николаевич.

Лев Николаевич унга қулоқ солмасдан Будданинг ўз болаларини очдан ўлаётган йўлбарсга едиргани ҳақидаги афсонани гапира кетди.

– Лев Николаевич, мен сизга... Мен ундай эмасман, Лев Николаевич, думадаги пайтим... Яссавийни ҳам тасодифан... Энди мен бутунлай...

– Сиз қуръонни ёд биласиз, лекин сиёсатга чалғиб кетманг, Европа одамни шундай бузади. Билимдон одам экансиз, суҳбатингиз менга ёқди... Сизнинг баҳонангизда бекорчи мухлислардан сал дам олдим, раҳмат, – деб кулди Лев Николаевич ва негадир бирданига чарчагандек ўрнидан туриб, бош бармоқларини белбоғига тикди-да, енгил хўрсиниб, қайишган белини ростлади. Юмшоқ одимлаб бияси томон юрди.

– Айтгандай, – деди яна бирдан тўхтаб, – сиз Тулада профессор Румянцевнинг кутубхонасидан фойдаланинг. Билимдон одамнинг китобга зор бўлишдан ёмони йўқ, – у узун жун кўйлагининг катта чўнтагидан дафтар олди-да, ёқасига осиглиқ пуфакли ручкаси билан бир парча хат ёзиб, мулла Абдуллаҳадга узатди. – Қўрамга келинг, яна суҳбатлашамиз. Ҳозир жуда толиқдим. Хайр.

Мулла Абдуллаҳад ҳеч нарса деёлмасдан жойида туриб қолди. Ёлдор пакана от замоннинг буюк одамини бутун фожиаси билан бирга аста олиб кетиб борарди. Мулла Абдуллаҳад ичидагини айтолмай, унга интилганча қолди. «У нима деб ўйлади мени?!» дерди қувончданми, аламданми ёшланган кўзларини артиб. Юрагида эса, афсус, армон, фарёд қолди: «Мен ундай эмасман, Лев Николаевич! Сиз янглишяпсиз, мен энди сиз ўйлаган одам эмасман, нима десангиз денг!»

Румянцев кутубхонасига граф Толстой тавсияси билан келган меҳмонни биринчи кунданок яхши кўриб қолишди. Айниқса профессорнинг қизлари. Улар мулла Абдуллаҳадни ҳазиллашиб «шаҳзода» деб атайдиган бўлишди. «Шаҳзода» китобга жуда чанқоқ чиқиб қолди, худонинг берган куни элдан бурун ҳозир у нозир, кечгача бош кўтармай мутолаа қилади. Бу икки қаватли ёғоч уй, унинг рус услубида ясалган қандилли шинам заллари, айниқса кекса, хушмуомала швейцари билан кўпдан-кўп ёш-қари аёллари унга жуда ёқиб тушди. Хазинага йўлиққан кишидек, бутун вужуди билан китобга шўнғиб кетди.

У Толстой асарларидан бошлаган эди, шундан чиқолмай қолди, кунига келиб Толстойни сўраб олади-да, оқшомда хаёлчан уйига қайтиб кетади. Кунлар, ҳафталар шу зайлда, атрофида ҳеч нарса ни кўрмагандек, тамоман ўзга оламда сеҳрланиб қолган сингари юраверди.

Қор учкунлаган кечалари лой йўллардан Засекага қайтаркан кўз ўнгида ўша ўзга оламнинг манзаралари жонланар эди. Гоҳ Аустерлиц далаларида чалқанча ётган ярадор Андрейнинг шивирлашлари қулоғига чалинади. Юксак-юксак, чексиз, соф осмон... Тиниқ, сокин, улуғвор! «Нима учун илгари юксак тиниқликни пайқамаган эканман? – дейди княз. – Ҳозир унга тўйиб-тўйиб тикилганимдан нақадар бахтиёрман! Ҳа! Шу бепоён осмондан бошқа ҳаммаси пуч, ҳаммаси ёлғон. Ундан ўзга ҳеч нарса, ҳеч нарса йўқ... Шунга ҳам шукур!»

Гоҳ «Шаҳзода»нинг кўз ўнгида гўзал Наташа пайдо бўлади. Ёш, шўх, эрка, ошиқ қалбли қизалоқ... Уни баъзан хафа қилишса, «Шаҳзода»нинг кўнгли озор тортади.

Эрталабки ғира-ширада яна ўша йўлдан лой кечиб Тулага келаркан, унинг қулоғида Оленининг товуши янграйди: «Ҳамма ёқни ўргимчак уясидек муҳаббат тўрлари билан чулғаб ташлайман...» «Узилиб кетади, Дмитрий Андреевич, ўргимчак тўрлари узилиб кетади». Буниси ажойиб қария Ерофейнинг овози. Доно чол Ерофей. Тўғри-да, ҳаммани яхши кўриб бўладими! йўқ, ғазаб ҳам керак.

Шундай ўйлаб кетаётганида мулла Абдулаҳад бир куни ўзидан ўзи қичқириб юборди:

– Йўқ, Лев Николаевич, сиз ҳам ундай эмассиз! Ўзингиз айтгандай эмассиз! Ундай эмассиз!

Бароқ қошлари оппоқ, кўзи пўлатдек йилтиллаган улуғвор қария кўз олдига келди, унинг томирлари ўйнаб чиққан, дағал, бўғин-бўғин бармоқлари соқолини пайпасларди. «Ҳа айёр, муғамбир чол, – деб жилмайди мулла Абдулаҳад кўнглида, – итоаткорлик, меҳр-муҳаббатдан гапирасизу, ўзингиз бир умр исён кўтарасиз, қаҳр-ғазаб сочасиз! Нехлюдов инқилобчиларга ихлос кўяди. Симонсон бўлса – нур, ёруғлик, куч! йўқ, Лев Николаевич, нима қиласиз дилингиздаги қуёшни менадан яшириб!»

Ўша куни Тула йўлидан бехос Ясная Полянага қараб бурилди. Лев Николаевични кўргиси келди. Кўришмаса бўлмай қолди, буни дилидан сезиб турибди. У билан бошқатдан гаплашмаса ёрилиб кетадигандек, ҳовлиқиб, ҳансираб, шошиб борарди.

– Йўқ, сиз ундай эмассиз, Лев Николаевич! – деб пичирларди ички ҳаяжонини босолмай. Гўё оламшумул бир кашфиётни Толстойга тезроқ етказгани шошарди.

...Ясная Полянада ҳамма нарса оппоқ: далалар ҳам, кумуш қировинган ўрмонлар ҳам, қўшқаватли дарвозанинг қуббали устунлари ҳам, қўрадаги ҳовузлар, уйлар ҳам. Қиртишлаб куралган йўлларнинг икки чети баланд қор, чорраҳаларда чиройли тарантаслар, отлари тумшуғига кийгизилган тўрвадан сули чайнаёпти. Айвоннинг зинасида, шийпонларда тўп-тўп одамлар гурунглашиб туришарди. Мулла Абдулаҳад тушундики, булар ҳаммаси узоқдан келиб эртадан бери графнинг қабулини кутишяпти.

Ўҳ-хў, Лев Николаевичнинг «мухлислардан қочиб дам оламан», деганича ҳам бор экан-да, энди нима қилиш керак? Қори аста нарироқ бориб шийпонга кириб ўтирди. Куннинг кўзи кўринай деб, осмон ёришиб келаётган бўлса ҳам, қор учқунламоқда эди.

Бурчакдаги креслода тулки пўстинга ўралиб оқ пийма кийган қалам мўйловли ёшгина бойвачча керилиб ўтирар, кимгадир уқтирар эди:

– Граф ўзининг «Душанба» деган асариди...

– «Душанба» эмас, тақсир...

– Ҳа, «Душанба» эмас, «Чоршанба» деган романида фоҳишалар ҳаётини тасвир этади. У буни... ҳалиги, қҳи – қҳи... қаёқдан биледи деб ўйлайсиз? – бойвачча яна бир нима деб кафтига қиқирлаб кулди.

Мулла Абдулаҳад бу шилқим нодоннинг ёнидан кетиб, кўк скамейканинг нариги бошига бориб ўтирди. Скамейканинг суянчиғига, шийпоннинг ёғоч устунларига пичоқ билан ўйиб, қалам билан ҳар хил ёзувлар қолдирилган эди. Қори эрмак топиб олди, шу хатларни ўқий бошлади:

«Ўлим жазоси йўқ қилинсин!» Имзо.

«Буюк даҳога шон-шараф! Студентлар».

«Курашда толганлар, шу даргоҳга келиб, ором олинг...»

Мулла Абдулаҳаднинг орқасида болдирига қизил чарм кўнж – крага кийган новча бир муҳожир ғазабланар эди.

– Майн готт! Қандай тартибсизлик! Мен Кёлндан шу ёққа нақд пул тўлаб келганман. Кеча куни билан кутдим. Бугун ҳам майн готт!

– Шунча зарурмиди, жаноб?

– О, маълумки, Россияда иккитагина... ҳалиги, нима эди... ремаркабле пласес – диққатга сазовор нарса бор: Василий Блаженный бутхонаси-ю граф Толстой. Кўрмай қайтсам, дўстларимга нима дейман?

Қори энсаси қотиб тескари қаради-да, ёзувларни ўқишда давом этди:

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз ва инсон даҳосига таъзим қилингиз! Ёш Россия».

«Мен, хокисор дарвеш оёғингни ўпаман».

«Гигант мутафаккир, раҳмат!» Профессор (имзо).

Сал нарида эски чакмон устидан белини арқон билан танғиган шилпиқ кўзли бир букри чолнинг хотинчалиш овози эшитиларди:

– Ҳақ таоло ўзи гувоҳ, бу дунёда неки савоб орттирган бўлсам, ҳаммаси муҳтарам граф шарофатлари туфайли. У кишининг таълимлари... – Букрини йўтал тутиб гапи бўлинди. Салдан кейин яна товуши чиқди: – Чумолига озор берган эмасман. Гўшт, тухум емайман, тарки дунё қилганман, худога шукур...

Бу вақт айвонга яна швейцар чиқиб, Лев Николаевичнинг бугун қабул қилолмаслигини эълон қилди. Яна шовқин бўлиб кетди.

– Майн готт!

– Графга айтсангиз, мен биринчи гилдия...

– Менга қаранг! Мени айттингизми?

Бироқ швейцар кириб кетган эди.

Мулла Абдулаҳаднинг кекса, дармонсиз Лев Николаевичга раҳми келди. Бу одамлар унга нима учун керак? Қорининг ўзи-чи? У нима қилиб турибди? Ёнидаги оғзи шалоқ бойвачча, нодон ажнабий, шиллиқ дарвешни ўйлаб, бирдан хўрлиги келди, юзини икки қўли билан тўсиб бирпас ўтирди-да, жўнаб қолди. Қор астойдил гупиллаб ёғиб кетган эди. Йўлларни дарров яна қор босибди, оёқ таги ғирч-ғирч қилади.

Йўқ, келиб уни безовта қилиш керак эмас. Дам олсин. У мана бу бойликдан кутурган бекорчилардан жуда безор бўлса керак. Бу олифта «мухлис»лар «фалончини кўрдим» деб керилиш учунгина бу ерга келиб, эшигининг турумини бузаяпти. Юзсизлар!

Мулла Абдулаҳад яна бир ҳафтача иккиланиб юрди, Толстой кўз ўнгидан кетмас эди. Бутун вужуди билан унга интилади, эрталаб «албатта бораман», деб ўрнидан туради-ю, кейин ўйлаб ниятидан қайтади.

Кунлардан бир кун станциядаги дўконга нон олгани борса, ўша кунги букри шилпиқни қовоқхонада кўриб қолди. Бир мужик билан ўртага яримтани кўйиб ўтириб, қовурилган чўчка гўштини тушириб ётибди. Оғизлари ифлос, кайфдан кўзлари юмилиб кетибди, кўлида катта суяк, итдай мужийди! Оббо аблаҳ-эй, эт емасмиш, тарки дунё қилганмиш!

Нафрат туртки бўлди-ю, мулла Абдулаҳад шу ернинг ўзиданоқ яна Ясная Полянага жўнади. Омади келиб Лев Николаевич билан учрашиш насиб қилса, нима дейишини ҳали билмайди-ю, лекин нимадир уни ўқдай учуриб борар эди.

Осмон булут. Кеч кирмаган бўлса ҳам, қоронғи, ўрмонлар булут-дек қорайиб турарди. Қори таниш йўллардан дадил юриб дарвозадан кириб борди. Уни ҳеч ким қарши олмади. «Прешпект»нинг қори куралмаган, кўра бўм-бўш эди: на мухлислар, на извошлар, на хизматчилар. Қори яқинлашиши билан таниш шийпон олдидаги от тезагидан бир гала олақарға кўтарилди. Ҳаммаёқ хувиллаб ётар эди. Мулла Абдулаҳаднинг юраги орқага тортиб кетди...

Уни кимдир қўлтиқлаб дарвозадан ташқарига олиб чиқиб қўйди.

– Кетди, бояқиш, ахир кетди, – деди ўша киши. Қори унинг ким эканлигини билмади. Нарироқда мужиклар ҳасратлашиб туришарди:

– Кечаси қочибди, ё раб, охири бахайр бўлсин...

– Ясная Полянадан бош олиб кетибди.

Мулла Абдулахад ўша куни Засекада ҳам, Косая Горада ҳам ўзини қаёққа қўйишни билмай, мақсадсиз кезиб юрди, қаерга борса одамлар тўпланиб «қочиш» воқеасини гаплашишар эди. Қори нотаниш одамларнинг суҳбатларига аралашиб кетди, сирли воқеа гапирган сари чувалиб, афсонага айланиб борар эди. Лекин мулла Абдулахад бир нарсани аниқ билади: бир Толстой бор! Буюк исёнкор, мағрур, бахтсиз Толстой бор!

Кечкурун бир гурунгда қулоғига чалинди:

- Тарки дунё қилиб бутхонага кетибди.
- У дунёлигини ўйлаш вақти ҳам етди-да ахир.
- Черков билан ярашмоқчи эмиш.

Шунда Мулла Абдулахад ўзини тутолмай тўдани ёриб кириб, бақириб юборди:

- Йўқ, у ундай эмас! Билмайсизлар, у ундай эмас!

Тўдадагилар бунини тушунадиган одамлар эмас эди, елкаларини қисиб, тарқаб кетишди.

- Ҳозир девона кўпайибди... - деди биттаси кетаётди.

Мулла Абдулахад ҳужрасига ҳолдан тойиб қайтди, қани энди ухлай олса. Чўян заводининг идорасида хат кўчирувчи бўлиб ишлайдиган ўта ҳалол, камгап Матвейнинг ҳужраси чоғроқ бўлса ҳам, иссиққина, ёруғ, шинам эди. Мулла Абдулахад ҳукуматнинг берадиган бир сўм йигирма тийинидан тўқсон тийинини тўлаб, уч йилдан бери шу ерда туради.

Уч йил. Кейинги кунлардаги ҳаяжонли воқеалар билан андармон бўлиб, Мулла Абдулахад сургун муддатининг тамом бўлиб қолаётганини ўйламабди ҳам. Илгарилар бу кунларни қачон келар экан деб зориқиб кутар эди. Ўша кунлар яқинлашиб ҳам қолди. Ҳадемай она юртига қайтади. Қувончи терисига сиғмаслиги керак эди. Кетишига бир ҳафта қолди-я!.. Лекин негадир у осойишта, бутунлай бошқа нарсаларни ўйлайди. Уйига қайтганида нима иш қилади? Бола-чақасини бағрига босади, ундан кейин-чи? Қозилик, қорилик энди замонга ҳам, ўзига ҳам эриш туюлса керак. Лев Николаевичнинг китобларини таржима қилишга уриниб кўрса қандай бўларкан? Эплаганча, баҳоли қудрат...

Мулла Абдулахаднинг ўйлари «қайтиш» мавзуйида астойдил қарор тополмай, яна четга бурилиб кетди. Ўтган уч йил ҳам бир бўлди-ю, сўнги бир ой ҳам бир бўлди-да ўзи. Уч йилнинг қанчалик беҳуда, маъносиз ўтиб кетганини ўйласа, энди ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Кейинги кунлар унинг ҳаёт ҳақидаги барча тушунчаларини остин-устун қилиб, ўзгартириб юборди.

Ярим кеча бўлганда жой солиб ётди. Эртага жума эди.

Жума намозини улар Абдурахмонқори деган бир бошқирдининг хужрасига тўпланиб ўқишар эди. Абдурахмон бу ерга япон урушидан кейин сургун қилинган, бошқалари қорачойлар, нўғойлар, чеченлар – ўн икки-ўн уч киши. Кўпчилиги қувғинди. Улар Абдулахадқорини Ҳазрат деб аташар, қироатини яхши кўришар эди.

Энди сужудга бош қўйганларида эшик бирдан очилиб, ғўриллаган қаҳратон совуғи билан Гвоздиков кириб келди. Кирди-ю, эшикка орқа ўгирган намозхонларни кўриб, бурчакдаги курсига ўтирди, мўйловида қотган музларни териб, қулоқчинини этагига қўйиб кута бошлади.

Унинг кириб ўтирганини ҳамма сизди, кўрмаса ҳам таниди, бу ердагилар уни шарпасидан танир эдилар. Жандармерияда буларни ҳар ойда рўйхатга оладиган шу Гвоздиков. Ўз ишига берилган, қотма, кўзи ўлик қўйнинг кўзидек жонсиз, форма киймай, пўстин билан қулоқчин кийиб юради. Унинг келишида бир гап бор. Намоз зоҳиран давом этса ҳам, аслида аллақачон қазо бўлган эди. Намозхонлар «омин» деб юзларига қўл тортишлари билан Гвоздиков ўрнидан туриб:

– Жаноблар! – деди. – Мен сизларга министр жаноби олийлари-нинг янги буйруғини етказиш учун келдим. Бугундан бошлаб учдан ортиқ кишининг бир жойга тўпланиши қатъиян ман этилади. Ҳозир тарқалинглар ва бундан буён бундай тўпланишни қонунга хилоф деб ҳисоблаймиз.

Намозхонлар кигиз устида пайпоқчан тикка турардилар, шунинг учун деразалар тўсилиб, уй қоронғи бўлиб қолган эди. Қоронғидан мулла Абдулахаднинг овози чиқди.

– Жаноб Гвоздиков, биз бу ерга тоат-ибодат учун тўпланамиз, холос. Ҳар гал келиб қулоқ солишингиз мумкин...

Гвоздиковнинг мўйлови учди:

– Министрнинг буйруғи қонун! Мулла, сизга алоҳида гап бор, сизлар тарқалинглар! – Бошқалар чиқиб кетгач, Гвоздиков қорини қўлтиқлаб олди: – Гап бундай, мулла, сиз анов имонсиз чолникига қатнаб юрганмишсиз. Эҳтиёт бўлинг, яхшиликча маслаҳат берман. Беш кунлик муддатингиз қолибди. Агар қонун-қонидани бузадиган бўлсангиз, яна роса шунча ваъда қиламан, – у қўлқопини ечиб, уч бармоғини Абдулахад қорининг бурни тагига олиб келиб кўрсатди. – Яна, бошқатдан шунча, – деб кўзига маъноли қаради. – Айниқса мана бу сўнги буйруқ – билиб қўйинг. – Гвоздиков шартта бурилиб, гурс-гурс юриб чиқиб кетди. У турган жойда ҳалқоб бўлиб ифлос қор суви қолди.



Уч кундан кейин, эрталаб, мулла Абдулахад деразанинг тақиллашидан уйғонди. Деразани гулдор қиров қоплаган эди, ким тақиллатганини кўролмади. Эшикни очса – Матвей. Ранги оқариб кетибди, ундан узр сўрагандек мингиллади:

– На чора... Шундай бўлиши керак экан шекилли-да... Катта-кичик деб ўтирмас экан... Астапово станциясида. – Матвей яна алланималар деб, пўнғиллаганича нари кетди. Мулла Абдулахад бу орада апил-тапил кийиниб бўлган эди, телпагини бостириб кийиб, чопонини ҳилпиратганча югурди, баданини совуқ тер босган, кўкраги очиқ, изғирин совуқни сезмас эди.

Хабарнинг бутун даҳшатини Тулада поездга чиқиб ўтирганидагина идрок этди: «Толстой ўлган! Лев Николаевич йўқ...» Кўз ўнги қоронғилашди. Вагонларда ҳам, перронларда ҳам одам тирбанд, лекин шов-шув йўқ, ибодат пайтидагидек. Мулла Абдулахад буни энди пайқади. Наҳотки ҳамма Астаповога кетаётган бўлса? У ерга ҳамма сиғадими, Петербург бор, Москва бор, ҳаммаси Астаповога сиғадими? Толстой ўзи қандай сиғди экан? Уни олиб кетишмасмикан? Мамлакат бўйлаб, жаҳон бўйлаб елкаларида кўтариб олиб кетишмасмикан?

Мулла Абдулахадни қандайдир алам, хўрлик эзар эди, Толстойнинг жонсиз жасадини кўз олдида келтиришга кўрқади. Бу одам унинг ҳувиллаб ётган кўнглини аллақандай умидларга тўлдирган эди. У ҳали билмайди: яхши кўрармиди бу одамни ёки йўқми? Фақат бир нарсани сезарди, бу одам ҳамма вақт қандайдир буюк нарсалар билан боғлиқ эди: башарият билан, ўлим, даҳшат, бахт, инқилоб билан, тақдир, инсон қадри билан, ҳаёт билан, худо билан... Энди бўлса... Энди нима бўлади?

Вагонда кимдир йиғлар, кимдир уҳ тортар, онда-сонда жандармлар ҳам кўриниб қолар эди. Лекин мулла Абдулахаднинг ўйларини ҳеч нима чалғитолмади. Алам қилади, алам! Бир умр қабиҳликка қарши курашиб, шундай бир буюк зот яна шу қабиҳлик қуршовида ўлиб кетса...

Тушдан кейин поезд Астаповога етмасдан тўхтади. Ҳамма тапта-тапта ўзини ташлаб югура бошлади. Олдинда ҳам состав турар эди. Мулла Абдулахад эшикдан туриб фақат икки рангни кўрди: оқу қора. Оппоқ қорда тумонат одам қоп-қора булутдек силжиб борарди. Қандайдир бир тўда мулла Абдулахадни ҳам оёғини ерга тегизмай, суриб олиб кетди. Тиззадан қор кечиб, яланғоч дарахтлар орасидан ўтдилар, чўян панжарадан сакрадилар. Станция биниси узокдан кўринганда оломон тақа-тақ тўхтаб қолди. Мулла Абдулахаднинг оёғида кавуш-маҳси бўлгани фойда қилди, чипта

кавушликлар аллақачон қорга ботиб қолиб кетган эди. У бўлса оломонни ёриб олдинга ўтиб олди. Бир жойга бориб жандармнинг кенг елкасига тақалди. Улар бу ерда кўп эди, ўнлаб, юзлаб... қўл ушлашиб майдонни занжирдай куршаб, оломонни қайтариб туришибди. Оломон зўр беради, занжир узилай-узилай дейди. Лекин нарироқда найзасини ўқталганлар ҳам турарди. Одамлар бақира бошлашди. Кимларнингдир оёқлари музлаб йиқилиб қолган, оёқ остида бола-чақа, хотин-халаж чинқирар эди. Норозилик орта борди, орқада кимдир жандармни ҳақорат қилди, кимдир музлаб қотган от тезаги билан бирининг башарасига туширди.

Шу вақт «занжир»нинг ёнгинасида турган мулла Абдулаҳад ўнг елкасида кимнингдир қўлини сезди. Ўгирилиб қараса – Гвоздиқов.

– Ваъдани бажаришга тўғри келади, мулла... – деди қўлини унинг елкасидан олмасдан. Бу «қамоққа олиндингиз», деган ишора эди.

Мулла Абдулаҳаднинг қоп-қора соқолига қайноқ ёш юмалаб тушди. Қаҳратон бунинг қандай ёш эканлигини билмасди, тасбеҳнинг садафидай қилиб соқолида қотирди-қўйди.

*Самолёт тушга яқин қўнди. Кенг далада бир қаватли кўримсизгина аэропорт экан, мухбир йигит зир юзуриб зўрға бир машина топиб келди. Ўн минут деганда улар гувиллаб турган суронли шаҳар кўчасига кириб бордилар. Сон-саноқсиз платформали юк машиналари шалдираб ўтаверди, саноат маркази экан шекилли, лекин катта, кўркам, янгича, планли шаҳар. Кўчат қилинган сада, липа қаторлари суратдагидек текис, машина йўлларигина эмас, икки чеккадаги ариқлар ҳам бетондан. Байроқ, гуллар билан безанган майдонлар учради, саф тортган болалар, майкасида номери бор эстафетачи қизлар ўтиб кетди.*

– Чўлга борамиз, демовдингизми, бобо? – деб сўради Азимжон.

– Чўл эски номи. Одамлар янгисига кўникишолмаяптими, ёки осонроқми – ҳалиҳам «Чўл» дейишади. Ўзи шаҳримизнинг оти Чўлобод, – деб тушунтира кетди сергап мухбир.

*Монтёр симёғочга ранг-баранг лампочкалардан маржон тақаетган жойда машинани тўхтатиб, босмаҳона олдида тушиб қолди.*

– Сизники нариги кўчада, – деб хайрлашди, олиб бориб қўйишни ҳайдовчига тайинлаб, зинага сакради.

*Йўлдошники гастроном тепасида, учинчи қаватда эди. Эшиги берк экан. Бува нима қилишни билмай, хуржун устига ўтириб ирғай таёққа иягини тираган эди, зинадан бурнини торта-торта бир бола кучугини кўтариб тушиб қолди.*

– Йўлдош амакимми калитлари наматти тагида, – деди у.

Очил бува оёқ артадиган наMATни кўтарса, калит йилтиллаб ётибди. Оббо, зап ишончли жойда экан-ку. Эшикни очишди.

Уч хона. Китоб тўла иш кабинетидан бошқалари анча қаровсиз, бетартиб, аммо иссиқ-совуқ сувлари, совуну атирларигача тайёр экан, эгалари келгунча маза қилиб ювиниб-тараниб олишди. Азимжон анчадан бери соқолини олмаган эди, яшариб кетди.

– Мен бир нарсага ҳайронман, бобо, – деди у ўзини ойнага солиб, – шундай уйли-жойли невараларингиз, жиянларингиз, ўнлаб-юзлаб жигарбандингиз бор экан. Бирини бир йил кўрмабсиз, бирини тўрт-беш йил. Улар ишдан бўшамайди шекилли, сиз пенсиядасиз... Иложи бўлса айланиб ҳаммаларидан хабар олиб юрсангиз бўлар экан...

– Қайдам... Қариндошдан хабар олмаган бўлсам, ноқариндошдан хабар олгандирман. Яшайверганингдан кейин-чи, болам, фарқи қолмас экан. Инсонки бор, бари қариндошдай.

– Шундай оилага бош бўлиб, каттароқ боғ-роғ ҳам қилмабсиз, Чинордаги ҳовлингизни қаранг, – деди Азимжон.

– Ҳовлимиз чоғроқми? Буни пайқамаган эканман. Уйда эмас, бир умр эл ичида яшадим. Бир замон катта хонадон эдик. Полопонларим учирма бўлиб ҳар томонга ошён қилиб кетишди. Боғ-роғ хаёлимга ҳам келмабди.

Аммо толеим бутун, Азимжон. Фарзандларимнинг ташвиши кўп, ҳаммасининг елкасида элнинг юки. Мен уларни шунинг учун ўстирганман. Яна нима керак мен кекса одамга?

Азимжоннинг бобосига тикилиб турган қувноқ кўзлари яна ўйчан бўлиб қолди. У баъзан бобосини энди кўриб тургандек, унга тикилиб қолар, уни сира тушуниб етолмайдигандек бўлар эди.

Йўлдош ҳовлиқибуч-тўрт йигит билан кириб келди. Ҳаммасининг ёқалари оппоқ, бўйнида галстук, эгнида башанг костюм. Кўришишди, танишишди.

Йўлдош хурсанд бўлиб меҳмонларни ўтқазди, ҳол-аҳвол сўради, лекин билиниб турардики, вақти зик, ўртоқлари ҳам шошиб туришибди.

– Зап келибсиз, Очил бува! Зора пойқадамингиз ёқиб...

– Нима гап ўзи, ҳаммаёқ ясан-тусан, бирон маросим борми? – сўради Очил бува.

Бугун комбинатнинг йигирма йиллиги экан.

– Тўйнинг устидан чиқдингиз, Очил бува, – дейишди. – Катта маросим, меҳмонлар, шу комбинатни қурган, ўз коллективимиздан чиққан ёр-биродарлар келади. Улар орасида ҳатто космонавтлардан ҳам бор. Ичимиздан чиққан!

– Уни-бунни қўйинглар, менинг хотиним қаёқда қолди? Сен биласанми, инженер? – деди нима қилишни билмай шошиб қолган Йўлдош.

– Азиза ўша ерда, Раънонинг олдида, – деди инженер.

Йўлдош ийманибгина ўтирган, ўзидан каттароқ дўстига қаради. Бу Раъно деганнинг эри экан шекилли.

– Раънони туғуруқхонада қолдириб келдим, ўртоқ директор. – деди у.

– Қалай аҳволи?

– Бугун кутишяпти чамамда...

Йигитлар бир-бирларига қарадилар. Йўлдош қаттиқ ўйлаб қолди.

Бу вақт яна бир одам кириб салом берди. Бу кекса, катта кўзойнакли одам эди, меҳмон келганини эшитиб кирибди, Очил бува билан кексаларча узоқ сўрашиб кўришди.

– Нима қиламиз? – деди Йўлдош, кейин ўз қарорини айтди: – Тантанали мажлисни бугундан қолдирамыз.

– А?

– Гап шу! – Йўлдош Раънонинг эрига мурожаат қилди. – Мастер, сиз ўша ерда бўлинг, биз борамиз!

Сўнгра у новча гавдасини кўтариши билан, ҳамма шериклари ўрниларидан туриб, гурра чиқиб кетишди.

– Дада, сиз меҳмонлар билан гаплашиб ўтиринг! – деди мастер чиқиб кетаётиб ҳалиги кекса одамга.

– Чой плитада! – деб қичқирди Йўлдош ҳам чиқиб кетаётиб.

Улар чиқиб кетганларидан кейин Очил бува янги танишидан сўради:

– Нима бу, бировнинг кўзи ёрир экан, деб бутун шаҳарнинг байрамини кечиктиришяптими?

Кўзойнакли чол аввал чой дамлаб келиб, меҳмонларнинг рўпарасига ўтирди-да, шошмасдан жавоб берди:

– Э, буларни билмайсиз, тақсир, бир-бирини деса, мажлис экан-ку, ундан каттасини ҳам кечиктиради. – Чойни қайтариб, чойнакни сочиқ билан ёпгандан кейин давом этди: – Кечиктиради, кечиктиради. Қатордан биттаси тўлғоқда ётади-ю, булар мажлисда ўтиради дейсизми? Йўқ, тақсир, булар ундай болалар эмас, бир-бирини деса, Алининг тигига уради ўзини! Шундай тарбияланишган, мен биламан буларни. Бири директор, бири мастер, бири инженер, бири парторг бўлган билан, бари шу комбинатнинг болалари. Қани, нонга қаранглар. Олинг, меҳмон ўғлим, олинг, тақсир, тортинманг... Хўш, – деб хушбўй чой қуйди қария. – Ҳа, мен биламан буларни... Урушдан кейинги йиллар эди, десангиз...

## ҚИССА

*Фақат тепадан қараб ўрганган одамгагина настдагилар тўда бўлиб кўринади, аслида эса настда ҳам алоҳида-алоҳида одамлар яшайди, ҳар бирининг ўз ақли, ўз истаги бор, ҳар қайсиси бир дунё.*  
Андрей Платонов

Какра гуллаган пайт. Ҳали ернинг нами қочмаган. Чўл ҳавосидан аллақандай ачитқи ҳиди келади.

Қурилиш комбинатининг оппоқ гардга қопланиб ётган чала корпуслари ҳам, курум пуркаб, биқсиб турган хумдон мўрилари ҳам, ўзининг дим, ғуборли ҳавоси билан орқада қолди. Сийрак янтоқ устидан янги тушган пасту баланд йўлда елиб кетаётган шақирлоқ машина ҳар сакраганда кузовидан кул ранг цемент тўзони тўзғиб, йўлнинг ўша ери чойшабдек оқариб қолади. Кузовда эса ясаниб олган етти-саккиз йигит тикка турганча кетяпти. Кўплари бош яланг, чўл ҳавосини шимириб, мастона кўзларини узоқларга тикадилар, пиджакларининг бари қанотдек ёйилган сари завқлари ошиб, яна ҳам тезроқ учгилари келади, кабинанинг томини дўмбира қилдилар:

– Қамчила қирчанғини, ҳой Пакана Пак!

Кепкасининг соябонини орқага қилиб кийиб олган Саид уларнинг қўлидан ушлайди:

– Бас қилинглар! Хафа бўлади, зўрға кўндирганмиз.

Сиркаси сув кўтармайдиганроқ корейс шофёр – уни «Пакана Пак» дейишарди – аввал бормайман деб роса ноз қилди. Лекин йигитлар гапни шундай айлантириб олиб келишдики, куёв Пакка «офтобда қатиқ ялашган» узоқ бир қариндош чиқиб қолиб, ахири кўнди. Машинаси шалоқ бўлса ҳам, ҳайтовур, пиёда қолишмади. Тўй қилаётган чўпон оғайнилариники эллик чақирим йўл ахир.

Саиджон ҳаммадан ҳам Азизанинг ўша ерда бўлишидан хурсанд. Чўпонга турмушга чиқаётган унинг эгачиси экан. Тўй баҳона, дийдор ғанимат. Саиджон бу хаёлидан ҳузур қилиб жилмайиб кўйди. Бир машина дўстлари билан тушиб боради, Азиза югуриб чиқишга уялади, албатта, бир чеккада қараб туради. «Қоч, болалар, кимсан Саиджон келди улфатлари билан!»

Улфатлар орасида Йўлдошвой ҳам бор. У жўрабоши. Бу ҳам обрў Саиджонга. У ҳозир Саиджоннинг елкасидан маҳкам ушлаб, бўйдор гавдасини шамолда зўрға тутиб кетяпти. Йўлдош найнов лўли башарароқ, қошлари қуюқ, қотма чайир йигит соқол-мўйловини ҳар куни эрталаб роса қиртишласа ҳам, икки соатдан кейин яна чиқаверади. Саид эса унинг акси – семиришга мойил юм-юмалоқ

гавдаси кузовнинг энг олдида, михлаб қўйилгандек, қимир этмай кетяпти. Юзида бир тук йўқ, тирсиллаб турибди.

Чўл ҳавоси денгиз сувидек танга ёқади, уфқларга қараб учган саринг учгинг келади. Орқада кимдир тароқ тишига сув қоғоз ўраб, «сурнай» чаларди. Йўлдош найнов қўлтиғидаги китобни чилдирма қиламан деб, ағдарилиб тушди. Қий-чув, кулги кўтарилди. Йўлдошнинг тагида қолган икки йигит ўрнидан тураётганда, бирдан кўзлари ғалати бир манзарага тушди.

Йўл чеккасидан икки юз метрча нарида иккита катта машина турибди, бири очиқ, бири ёпиқ. Очиқ машина ёнида уч киши нима ҳақидадир қизгин баҳслашяпти. Ҳатто бир-бирларига мушт кўтариб ўдағайлашади, агар биров ажратмаса, ёқалашишгудек.

– Ҳой, қани, қайси биринг зўр?! – деб қичқирди Саид.

Ҳалигилар қайрилиб ҳам қарашмади. Жанжал анча жиддийга ўхшаб қолди. Пак машинасини сал секинлатиши билан аввал Йўлдош, Саид, кейин бошқалар тап-тап сакраб, ўша ерга қараб югуришди.

Жанжаллашаётганлар тўсатдан пайдо бўлган бу олифта йигитларни кўриб, анграйиб қолишди.

– Оталарингнинг молини талашяпсизларми? – деди ҳансирага-нича Саид.

Ҳалигилардан кексароғи этагидан маҳкам ушлаб турган шеригининг қўлини силтаб ташлади-да, «сен олифталар етишмай турувдинг-да!» дегандек Саиджонга бир хўмрайиб, ёпиқ машина томон юрди. Шериги бўлса Йўлдошга ёлворганнамо қараб, сипороғи шу экан деди шекилли, йиғлагудек зорлана бошлади:

– Бунга бир нарса денглар ахир, жон биродарлар, қайтиб кетяпти, энди мен нима қиламан, қаёқдаги кўрқоқ одамни юборишибди...

– Гапириб нима қилади, нодон, ана кўришсин, кўришсин! – деди кекса киши машина ёнида тўхтаб – Кўрқоқ эмишман-а!

Йигитлар нарироқдаги тупроқ уюми орқасида бир ниманинг вишиллаётганини энди пайқашди. Югуриб ўша ерга боришди. Магистрал газопровод дарз кетиб, кучли портлаш ерни ўпириб ташлаган, катта ўпқон тепасида ҳовур жимирлар эди. Бурунларини ушлаб, орқага тисарилишди.

– Нимадан бўлади бу, а? – деди кимдир бошқа гап тополмагандек.

Бояги ёрдам сўраб, ялиниб турган одам тушунтирди. Ўзи трассада обходчик экан, авария хизматига хабар қилса, «мана бу кўрқоқни» юборишибди. «Кўрқоқ» эса сал нарида: «Ҳа, гапир, гапир, шу тирмизаклар сенинг додингга етади, гапир!» дегандек илжайиб турарди.

– Қувурларнинг қалин-юпқалиги ҳар хил, шундан бўлади бу, ука, – деди обходчик куйиниб, – заводдан чиққан брак.

– Газ бўғилдими ахир? – сўради Саид.

– Бўғилди. Компрессор билан тортилди ҳам.

– Ҳали ҳам сизиб ётибди-ку?

– Ҳаммасини тортиб олиб бўлмаяпти, масофа узоқ, сирқиндиси қолади.

– Ҳали бу сирқиндисими? – Пак тупроқ уюми орқасида жимирлаб турган ҳавони кўрсатди.

– Ана, кўрдингларми? – деди авария хизматидан келган чуваккина кекса ишчи буларга яқинлашиб, унинг соқоли ўсиб кетган, юзлари бурушган. – Бу лодон бўлса мени пайванд олови билан ана шунинг ичига тушасан дейди. Мени кавоб қилиб нима қиласан, тишинг ўтмайди, чандирман!

Бу ҳазилга ҳеч ким кулмади. Йўлдош Саидга қараб қўйди. Саид унинг нима демоқчи эканини сезди-ю индамади.

– Беҳуда жанжал экан, юринглар, тўйга кеч қолмайлик, – деди орқада кимдир.

Лекин унга ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Шунча одам қимматбаҳо зангори тўлқинларнинг тупроқ ичидан вишиллаб чиқиб, ҳавога учаётганига ожиз қараб турар, нима қилишини билмас эди. Тажрибали пайвандчи Саид ҳам калласини сарак-сарак қилди: горелка у ёқда турсин, гугурт билан ҳам яқинлашиб бўлмайди.

– Тўйингдан қолма, болалар! – деди «авариячи» шафтоли қоқидек бурушган юзини кир қўли билан сийпаб. – Гази чиқиб тугаганда ўзимиз келиб ямаб берамиз.

Йигитлар бир нарса деёлмай аста орқага қайтишди. Пак моторни юргизиб юборган эди.

– Қанчада чиқиб бўлади? – деб сўради Йўлдош.

– Қайдам, – обходчик елкасини қисди, – бир ой, икки ой...

Кимдир ҳайратдан ҳуштак чалиб юборди. Йўлдош тўхтади. Комбинатнинг янги ишга тушган юз метрли цемент пишириш печлари кўз олдига келди. Улар газ билан ишлар эди.

– Унгача комбинат...

– Комбинат ҳам, яна этакдаги тўрт-беш корхона ҳам тўхтаб туради, акт қилинади...

«Акт...» Йўлдош яна шерикларига эргашиб, беихтиёр юриб кетди. Шу пайт Саид тўдадан чиқиб, шошганича негадир авария хизматининг ёпиқ машинаси томон юрди. Бориб машинанинг эшигини очиб ичкарига қаради. Узоқ қараб турди. Машинанинг хўжайини – чол анқайиб қолган эди.

Саид ўйлаб турди-да, ҳеч нарса демасдан қайтиб келди. Йўлдошнинг елкасига қўлини ташлаб, ўз машиналари томон юрди. Болалар кузовдан ошиб чиқишаётган эди. Саидга ҳам кимдир қўл узатди. У оғир, бақувват гавдасини бортдан енгилгина ошириб чиқиб олди, кейин Йўлдошга қўл чўзди, Йўлдош унинг қўлини олди-ю, кўз кўзга тушиб тўхтаб қолди. Улар нима қилишларини билишмас, лекин иккалаларининг ҳам кўзларида «кетаверамизми?» деган савол бор эди. Йўлдош шеригининг қўлини қўйиб юбориб, кузовга пешанасини тақаганча жим қолди. Ҳали эшитилмаган газ оқими энди қаттиқ вишиллаб қулоғини тиндирад, асабига тегар эди.

– Йигитлар, мунча имиллайсизлар, борасизларми, йўқми? – деб қичқирди Пакана Пак стартёрни босиб. Йўлдош юриб кетган машинага осилиб чиқиб олди.

Энди кузовда бояги хушчақчақликдан асар қолмаган эди. Йўлдош қопми, брезент палатками – бурчақда уйилиб ётган ифлос бир нарсага чўққайиб ўтириб, тахи бузилмаган янги костюмдан уялгандек, бошини қуйи солди. Саид бўлса яна «сурнай»ини визиллата бошлаган сариқ боланинг қўлидан тароғини уриб туширди. Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Машина ғизиллаб кетиб борар, лекин Йўлдошнинг назарида у орқага қайтиб кетаётгандек эди. Сиқилиб кетиб ўрнидан турди, атрофга қаради.

– Нега индамайсизлар? Нега?

Яна ҳеч ким индамади, кўзларини олиб қочишди. Нима ҳам дейишарди? Саид ҳамманинг юзига бир-бир қараб чиқди.

Машина елиб боради. Жимлик чидаб бўлмайдиган даражага етгач, Саид бирдан кабинанинг томини бузиб юборгудек, икки қўллаб муштлай бошлади. Пак ҳам, бировни босдимми, деган хаёлда аланглаб, тормозни шундай тортдики, Саиднинг юмалоқ гавдаси орқадан келиб урилганларнинг зарбидан эзилиб кетай деди.

– Қайт, Пакана! – деб бақирди у.

Бу овозга қаршилик кўрсатиш қийин эди, машина орқага қайтди.

Авария содир бўлган жойга етиб келишлари билан Саид ҳам, Йўлдош ҳам машинадан сакраб тушиб, тўй кийимларини ечиб ирғитдилар. Улар бир-бирларининг ниятларини тушунган эдилар.

Ҳалиги сариқ «сурнайчи» орқаларидан норози овоз билан пўнғиллади:

– Нима қилишмоқчи бу ўпкаси йўқлар? Ҳайда, тўйдан қоладиган анойи йўқ! Қолганлар қолаверсин. Барибир уддалашолмайди.

Кекса ишчи билан бирга ёпиқ машинадан газ пайванд аппаратининг балонларини, шлангларини тушираётган Саид бу гапни эшитмади.



– Ечин, болалар! Белкураклар анов машинада! Хой, сен, сурпайчи, палаткани судраб туш! – деб қичқирди у ёнидаги чолнинг ўғитларига қулоқ солмасдан.

– Ёшлик қиялпсан, ука, – деб минғилларди чол, – гапимга ишон, ўн тўққиз йилдан бери шу ишдаман. Овозини эшитялсанми? Лоп этса беш метрдан жингиртоб қилади...

– Отингиз нима? – деди Саид унинг гапига жавоб бериш ўрнига.

– Зокир...

– Зокир ака, насосга қайси машинани юборамиз? Ўзингизникини юбора қолинг, тез топади.

Зокир ака елкасини қисиб, шофёрни қидириб кетди.

Бу вақт Йўлдош бошлиқ йигитлар белкураклар билан қувурнинг эски траншеясини оча бошлаган эдилар. Фақат «сурнайчи» ечинмаган, «Тўйдан қолгандан кейин, барибир эмасми?!» деб янги лиджагининг бари билан бурнини тўсар, бир курак тупроқ отмасданоқ ўзини газдан четга олиб қочар эди.

– Бошим айланяпти...

– Куракни отма, қувурга тегиб ўт чақнайди! – деб огоҳлантирди Саид.

Бу вақт унинг олдига келиб тўхтаган Йўлдош ўйчан, ташвишли товуш билан ерга қараб гапирди.

– Саид... қандай бўларкин ...

– Билмайман. Билмайман! – деди Саид. Дарҳақиқат, тўсатдан аҳд қилган иши тўғрими, йўқми, ўзи ҳам билмасди. Лекин энди орқага қайтиб бўлмайди. Саид қалин брезент палаткани ариққа ботирди, ацетилен запасини, кейин горелкаларни қайта кўздан кечирди.

Насос етиб келганда дарз кетган қувур устидаги ўпқон кенг пухта траншеяга айланган, газ ҳидидан гангиб қолган йигитлар баданларини оқ қўйлак билан артиб, нарироқда белкуракка таянганча туришар эди.

Йўлдош нукул Саиднинг изидан эргашиб юрибди:

– Сен... ҳеч бўлмаса, асабингни босиб ол.

Саид индамас, ўз иши билан банд, чолнинг тор комбинезонини кучаниб-кучаниб оёғига тортар, темир қалқонининг ойналарини латта билан артар эди.

Ярим соатдан кейин уни оғир нам брезентга ўраб траншеяга туриширди.

– Хой йигитлар, мен розилик берганим йўқ, мен йўқ дедим, ҳамманг эшиттинг, – деб жаврарди ҳалиги чол. У билан «сурнайчи»ни нарироқда туришсин деб, ариқ бўйига, насосга қўйишди. Брандспойтни Йўлдош ўзи қўлга олиб, шайланиб турди.

Кўли бўшлар бир чеккага чиқиб, дамларини ичларига ютиб турганларида бир неча қулоч жойда ҳавони лов этиб ўт олди. Саид тушиб кетган траншеянинг устини қўм-қўк аланга қоплади, атрофдаги ўт-ўлан бир зумда қовжираб, кумли тупроқ мазут тўкилгандек қорайиб қолди. Яқин турганлар алланималар деб бақириб, юз-кўзларини тўсиб тисарилишди, лекин овозлари эшитилмас, ловиллаган ўт, насосдан шариллаган сув, пайванд аппаратининг вишиллаган товуши қулоқларни қоматга келтирар эди. Йўлдош брендспойт билан ўтга яқинроқ бормоқчи бўлди, кўрққанидан ранги докадек оқариб кетган чол билан «сурнайчи» йигитга «Бос!» деб бақирди, ҳамма типирчилаб қолди, юзларини қурум босган яланғоч «тўйчилар»; «Нима қилиб кўйдик? Саид қани?» деган ваҳимада ўт атрофида зир югуришар эди.

Ўт қувурдан ярим метрча тепада зангори рангда лов-лов ёнарди. Йўлдош чуқурда қорайиб ётган брезентни кўрди холос. Саид тирикми, йўқми, билиб бўлмади. Ҳаво қизиб кетган, яқинроқ бориш амри маҳол. Қанча вақт ўтди ўзи? Соатга ҳам қарашмаган экан, умуман, ҳеч нарсани шартлашишмабди ҳам, қандай хабарлашиш, қандай ёрдам бериш, қачон... Пишиқроқ режа тузиб олишмабди. Болаларча иш бўлди, Зокир ака ҳақ, Саид сулайиб ётган бўлса ёки куйиб кетган бўлса нима бўлади?

Йўлдошни ваҳима босди, оддий қўл насосидан тизиллаб отилаётган сув ўйинчоқдек туюлиб кетди, уни ўт ямлаб ютиб юборяпти...

Қанча вақт ўтди – бир минутми, бир соатми – билиб бўлмади, бир пайт траншеянинг ёлқин ямлаб турган бир четида қора нарса қимирлаб, тупроқ ўпирилиб тушди. Брезентга бурканган Саид ўрмалаб чиқиб келмоқда эди. Ҳамма ўша томонга югурди. Насосни буғланиб турган брезентга тўғрилашди, икки-уч йигит сув остига кириб Саидни даст кўтарганча ўтдан олиб чиқишди. Кўтарганда ноқулай келиб қўли лат еганми, ишқилиб, Саид брезентдан чиқибок қалқонни бошидан олиб ирғитди-да, ёнидаги йигитнинг кўкрагидан итариб юборди: «Кўпол! Хўкиз!»

Гандираклаб орқасига йиқилиб тушаётган «хўкиз» Саиднинг товушини эшитиб қувониб кетган эди, илжайди. Саид брезентга ўзини ташлаб, чалқанча ётди-ю, тиниқ осмонга тикилди. Ҳушидан кетишига сал қолган, кўкраги темирчининг дамидек тез-тез кўтарилиб тушар, вужуди сув бўлиб оқар эди. Унинг филдек бақувват эканлигини шериклари энди тан олишди. Соф ҳаво уни бирпасда ўзига келтирган эди. Ётган ерида кўзи билан излаб Йўлдошни топди.

- Қалай? – Йўлдош чўкка тушиб унинг елкаларини ушлаб кўрди.
- Арқон керак, – деди Саид секин.

Ҳамма жим бўлди.

– Арқон керак, – деди Саид яна. Баъзилар нимадандир шубҳа қилиб бир-бирларига қарашди. Лекин Йўлдош унинг режасини тунгунган эди.

– Саид...

– Бир ярим, икки минут чидаш мумкин. Ўт тепада.

– Саид... Сен шошма, ўйлаб кўрайлик. Ҳазил эмас.

– Сен горелкага урма, бошни мўлжалла, бошни. Ҳаво етишмаяпти.

– Менга қара...

Саид ўрнидан турди. Олиб келинган арқонни белига боғлади. Брезентни ариққа ботириб, яна бурканди.

– Эсини ебди, бола... жинни бўлибди, – деб чол тесқари қаради.

– Арқон қимир этди-тортасанлар! – деди Саид қичқириб, унинг товуши энди анча тетик эди. – Икки минутдан ортиқ қолсам, қимирлатмасам ҳам – вира!

У оғир ҳўл палатага ўралганча айиқдек лапанглаб бориб ўтга кирди-ю, шу зумдаёқ чуқурга шўнғиди. Ҳамма ўз постига югурди. Яна гувиллаган товуш, бошни айлантирадиган газ ҳиди, юзни ялайдиган ёлқинли ҳаво... Арқондагилар соатдан кўз узмай, ер бағирлаб ўтга яқинроқ боришди.

Икки минут бўлар-бўлмас арқон қимирлади, шошиб торта бошлашди. Лой, сув оқиб турган брезент кўринди.

Бу сафар Саиднинг аҳволи оғирроқ эди. Устидан пақирлаб сув сепишса ҳам, анчагача ҳушига келолмай ётди. Беш-олти минутдан кейингина кўзини очиб, тўйиб-тўйиб нафас олгач, атрофдагиларга жилмайиб кўз қисди:

– Ўйламанглар тагин... калла ишлаб турибди. Фақат юрак дош беролмаяпти, – деди у яна туриб. Унинг юзи эрталабқидек таранг эмас, бир оз синиққан, пайлари бўшашган эди.

Ўн минутчадан кейин яна тушди. Бир оздан сўнг чуқур устида оловнинг камайгани сезилди. Энди режа аниқ, ҳар ким ўз ишини биледи, натижа ҳам кўриниб қолди. Ҳамма жонланиб кетган эди. Лекин Саидни бу сафар мутлақо ҳушсиз тортиб олишди. У инграр эди.

Бироқ ҳушига келиши билан яна ўтга, траншеяга кўз тикди...

Шу хилда уни етти марта тушириб, етти марта тортиб олишди. Охирги тушишида ярим минут ўтар-ўтмас оловнинг уни ўчди. Ҳамма чуқур томонга ёпирилди, лекин қувурларга ҳамон яқинлашиб бўлмас, битум, изоляция қолдиқлари тутаб ётар эди. Пастда ҳовур чиқиб турган кўлмак сувда лой брезентга ўралиб ғужанак

бўлиб ётган Саидни яна арқон билан тортиб олишди. У кейинги ярим минутда қалқонсиз ишлаганга ўхшайди, қалқон нарироқда, қувур остида юмалаб ётарди. Нега ундай қилди экан, қош-киприги куйиб кетибди, кўзи омон бўлса бўлгани.

Лекин соф ҳавога чиқариб ётқизишлари билан ўлкаси яна темирчининг дамидек ишлай бошлади. Унинг баҳодирларча ҳансираб ҳушсиз ётишига ўртоқлари ҳавас билан тикилиб туришарди. Авария хизматидан келган кекса ишчи билан обходчик ўз кўзларига ишонмагандек, дам қувурнинг у ёғига ўтишарди, дам бу ёғига.

– Мустаҳкам ямабди азамат! – деб, чол сонига шапатиллаганича траншея ёнидаги балчикқа ўтириб қолди. Бошда анча сергап кўринган обходчик энди миннатдорчилик билдиришга гап тополмасди. Йигитлар ҳам «ҳозир гап ортиқча» дегандек, жим эдилар. Саиднинг уйқуга кетганини кўргач, тупроқ уюмига ўтириб, папирос тутатишди. Шабада куюк исларини ҳам тарқатиб юборди. Кун ярмидан оған, атроф жимжит эди. Аллақаяқда, осмонда тўрғай сайради. Ёз кирапти.

Саид бўлса қўлларини ёзганча чалқанчасига ётибди. Ернинг боласидек...

Шу ётганча роса бир соат ухлаб, анча тетик тортиб турди. Ҳаммалари хурсанд бўлиб, ҳол-аҳвол сўрай кетишди. Зокир ака ҳам олдига келиб, қўлларини силкий бошлади, қўйиб берса, қўлларини кўзига суртадиган.

– Менга қаранг, – деди Саид унинг миннатдорчилигидан ўзини бир оз ноқулай сезиб, – траншеяни кўймай турунглар, ямоқни яна бир текшириш керак, битум билан изоляциялар ҳам ёниб кетди...

– Хўп, ука, хўп, ҳаммасини айтганингдай қиламиз... – деди чол қўлини кўксига қўйиб. Обходчик иккаласи Саиддан кўз узолмасди. Йигитлар янги костюмларини кўлтиққа уриб, машинага ёпирилишди. Пакана Пак моторни юргизиб юборган эди.

– Ҳой, ука, ақалли отингни айт, отинг нимади, кимсан? – деб қичқиранди Зокир ака. Лекин унинг товуши мотор шовқини, шўх қийқириқ, сурон орасида, ўзи бўлса тўзон ичида қолиб кетди. Шафақ кизартирган кенг уфқларга қўшиқ таралди:

Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,  
Ўлан кўпдир, ёр-ёр.  
Ўлан айтган тилингдан  
Менга ўптир, ёр-ёр...

Машина, орқадан тун қувлаб келаётганини сезгандек, тинмай елар, кузовдаги йигитлар бир-бирларининг елкаларига қўл ташлаб, тебраниб боришар, олдинда Саид билан Йўлдошнинг кир қўйлак устидан елвагай ташлаган пиджаклари ҳилпирар, «Ёр-ёр» эса ҳамон янграр эди:

Сени десам ичим тўлиб,  
Олов ёнар, ёр-ёр.  
Лабларингдан тўйиб ўпсам  
Меҳрим қонар, ёр-ёр.

Буларнинг кайфияти моторга ҳам, бутун табиатга ҳам ўтган эди. Кўкимтир қоронғи осмон, оламда фақат шуларни кўраётгандек, тепаларида жаранглаб гир айланар, қип-қизил шафақ эса худди байроқ сингари олдинга чорлар, чўл бағрида гўё бир машина қувонч, бир машина ғурур учиб борар эди.

Комбинат посёлкасининг кўчаларида уларни «Тўйдан келишди, ҳаммалари ширакайф», деб кутиб олишди. Ҳеч ким бўлган воқеадан гап очмади, кўзлари ёниб, учраган танишлар билан шўх-шўх гаплашиб, уйларига тарқалишди. Саид билан Йўлдош ҳам елкаларига қўл ташлашиб, ётоқларига жўнашди.

Бу кўчаларда комбинатнинг аллақайси цехида доим вишиллаб турадиган буғ товуши кечаю кундуз пайваст эшитиларди. Шунинг учун бемалол гаплашиб бўлмайди, бақириб гаплашиш керак. Саид ариқ бўйида ёнбошлаб ўсган ёш қайрағоч шохига бир сакраб ниҳол синдириб олди, тишлади. Бўртиб турган куртакнинг нордон шираси оғзига ёқди.

– «Тўй» ёмон бўлмади-я? – деди Йўлдош қичқириб.

Саид ҳозир ўз ҳаётида қандайдир юксак бир палла эканини ҳис қилар, бу фавқулодда мардлик унга муносиб шуҳрат олиб келишини, эртадан бошлаб ҳамма жойда дув-дув гап бўлишини ҳам билар, юрагида ёнган ёрқин машъални яширгиси йўқ, ўртоқлик, йигитлик ҳисларини ошқора қилгиси келар эди.

– Менга ўптир, ёр-ёр, битта ўптир... – деб қуйлаб юборди у. Кейин дўстининг қулоғига чўзилиб деди: – Азизани ўпган эмасман, ишонсанми?

– Йўғ-э, – бу Йўлдошга ҳам қизиқ эди. Шу вақтгача унинг юрадиган қизи йўқ.

– Бугун бутун умрим бирдан ялт этиб ёришгандай кўзимга кўришиб кетди. Ўшанда шу ёдимга келибди.

– Ишонмайман, – деди Йўлдош чин кўнглидан.

- Ишонавер. Тўйдан қайтиб келдимикан? – Саиднинг кўзлари ёнар, у бахтиёр эди. Шу пайт Йўлдошнинг кўнгли сал хира тортди. Саид ҳозир албатта Азизани қидириб топади, дилидаги қонуний ғурурни, қувончли, бахтли ҳисни у билан ўртоқлашади. Бугун топ-маса, балки эртага Азизанинг ўзи газета кўтариб югурганча келиб қолар. Саид уни бағрига олади, илгари ўпмаган бўлса, энди...

Йўлдош ётоғига қайтаркан, бошини қуйи солган эди. У ҳозир кимни, нимани ўйлашини билмай, хаёлларини эпполмай қолди. Комбинатнинг тунги шовқини, гоҳо хира, гоҳо кўзни оладиган чироқлари осмонни тутган эди. Бу комбинат ҳали чўлда ёлғиз, худди қоя-оролдек қаққайиб турибди. Келгусида бу ер чўлнинг пойтахти – катта шаҳар бўлади, атрофда ўнлаб совхоз шаҳарчалари қад кўтаради. Қурилиш комбинати бу ерга шунинг учун тушган, жуда кўп цемент, ғишт, асбест, плиталар, йирик панеллар, қувурлар, темир-бетон каркаслар, йиғма конструкциялар, блоклар керак. Ҳозир янги-янги цехлар очиляпти, бирининг ҳавозаларида электрпайванд дугаларининг кўзни қамаштирадиган шуълалари чарақлаб турибди, бирининг ҳали котловани ҳам битмаган. Йўлдошнинг ўзи авваллари темир-бетон конструксияларни оморга узатадиган кранда ёрдамчи бўлиб ишлар эди. Ҳозир блокларни печга ташийдиган вагонеткачиларнинг бригадири. Асбест қувурлар конвейерида ишлайдиган Азиза билан шу ерда танишди. Бу ғалати қиз авваллари Йўлдошга, ҳаммага ақл ўргатаверадиган, керак-нокерак ерга суқилаверадиган, ҳаёсизроқ қиздек кўринди. Йўлдош унга Саид билан юрадиган бўлгандан кейингина қизиқиб қолди.

Разм солса, жуда ажойиб қиз экан, кўнгли соф, тўғри сўз, мулоҳазали. Лекин энди кеч эди.

Шундай қилиб, «оғзидагини олдиргани»га ичи куйиб юрганида, мана бугун бу воқеа юз берди. Шу кунгача кўксидида қандайдир умид ўти милтиллаб турган бўлса, ҳозир Азиза ундан бутунлай узоқлашиб кетгандек туюлди.

Комбинат посёлкасида кам кийиладиган атлас кўйлаги қорайиб турган дарахтлар орасида милт-милт кўринар, ихотасиз ҳовлиларни босиб ўтганида итлар вовиллаб қолар эди.

Ётоқхона йўлагига киргач, Саиднинг эшиги олдида тўхтаб, калта қирқилган тўлқинли сочларини тузатди, кенг ёноқли юзида тўйда ичилган жиндак винонинг қизиллиги ҳали ҳам балқиб турар эди. Эшик очилиши билан қизни кўриб юз-кўзи чарақлаб кетган Саид уни дарров остонадан ичкарига тортди. У Азизани кутган

эди. Ваннадан чиқиб оппоқ кўйлак кийган, ёқалари очик, илҳақ вужуди унга талпиниб, ички бир ҳароратдан ловиллаб турар эди.

Азиза кириши биланоқ унга ғалати тикилиб қолди.

– Тўй яхши ўтдими? – деб сўради Саид. Азиза унинг безовта юзига тикилганча:

– Ҳа, яхши ўтди, – деб бош ирғади, кейин. – Саид, ҳаммасини эшитдим, – деди Саиднинг йўғон билагидан маҳкам ушлаганча.

Шошиб қолган Саид қизни бирдан ўзига тортиб, бағрига босди, бутун вужудини ўт олгандек, узоқ ўпди. Бўшашиб кетган Азиза сал гандираклаб, дарров ўзини қўлга олди-да, ердан кўз узмай, йигитнинг ғижим бўлган кўйлак ёқасини тузатди.

– Аммо лекин ҳовлиқиб кетманг... – деди у. Анча жим тургандан кейин: – Эртага клубда учрашамиз, – деб шартта чиқиб кетди.

Саид прожектор шуъласига тушиб қолган парвонадек ўзини йўқотиб, «тўхта, сабр қил» ҳам деёлмади, орқасидан югуриб чиқмади ҳам. Ажаб, лабини куйдирди-ю, кетди-қолди. Худди тушдагидек...

Саид қувончини ичига сиғдиролмай, қулоч кериб бориб ўзини каравотга отди. Кутилмаган бахтли ҳаяжон унинг сўнги дармони олиб қўйган эди. Тошдай қотиб уйқуга кетди.

Эртасига газопоровод трассасида бўлган воқеа ҳамманинг оғзига тушган эди. Кўчада ҳам, цехда, идорада, уйда ҳам, қаерда иккита одам тўпланса – шу гап. Биров қўшиб-чатиб, кўпиртириб, афсона даражасига олиб бориб қўйган, биров бўлса, тўйдан келаётганларнинг мастлик билан қилган иши, деб ерга урган... Фақат учинчи куни, газетада хабар босилиб чиққандан кейингина миш-мишлар сал босилди.

Газетани бир қучоқ қилиб кўтариб келган Салим эди. Бу ўша сариқ «сурнайчи». Платформадан цемент туширарди. Қош-киприги доим чанг. Ўзи қўрқоқ бўлса ҳам, ўлгудек бақироқ, ваҳима.

– Ҳой, газетага тушибмиз! Мана: «Фидокор ёшлар!» – деб қичқирганча кириб келди у нонушта вақтида цехга. Бу цех ҳали битмаган, томи очик, дераза ромлари йўқ, бурчакларда тахта, ғишт уюлиб ётарди, эрталаб ёшлар шу ерга тўпланишиб, бири деразада, бири ғишт устида ўтириб, бири тахтага қийиғини ёйиб, нонушта қилар эди.

– Мана, «Фи-до-кор ёш-лар!» Уқдингми? Шуни биттаси аканг бўлади. Навбат билан ол, шошма, йиртасан. Шунинг биттаси аканг бўлади, ҳа! Насоснинг лўкидонини босиб турганман!

Салим бир даста газетани бир зумда улашиб чиқди. Ҳамма қатиғини, термосини, ёнғоғу туршагини бир четга қўйиб, газетага

ёпишди. Лекин жимлик, газетанинг шитир-шитири узоққа бормади, ҳамма ҳеч нарса бўлмагандек, яна нонуштасига тушиб кетди. Хабар кичкинагина, интервью тариқасида берилган эди.

- Ваҳимангни қара, маллавой!
- Шугина гап экан-ку.
- Лўкидонини босганмиш.
- Шунақалар тарқатади-да...

Яна ўзларининг гаплари билан бўлиб газета ҳам унутилди. Фақат новча Йўлдош тахта устида оёғини осилтириб ҳамон газетага тикилганча ўтирар эди. Ўқиётгани йўқ, лекин кўзини ололмаяпти, ранги сал оқаринқираган, дўстларининг гапларига зимдан қулоқ солади. Атрофга бир қараб, яна газетага кўз ташлайди. Интервьюни Фармонов берган эди. Унда онгли, ғайратли ёшлар ҳақида гап боради. Комбинат коллективи, бир гуруҳ ёшлар... Дам олиш куни... Йўлдош қайта-қайта ўқиб, Саиднинг номини қидирди. Йўқ, Саиднинг ҳам, бошқа биронта йигитнинг ҳам номи тилга олинмаган хабарда. Бу қандай бўлди? Йўлдош атрофга қараб Саидни қидирди-ю, лекин уни кўриб қолишдан кўрқарди. Худди бунга ўзи айбдордек... Бадани қизиб кетди. Ўша кунги ўт-олов, брезент ичидан чиқиб келган хушсиз Саиднинг синиққан юзи, куйган қошлари кўз олдида келди. Чиндан ҳам у ҳозир Саиднинг олдида ўзини гуноҳкор сеза бошлади, унга рўпара келганда нима дейди, юзига қандай қарайди? Бу адолатсизлик-ку ахир! Ҳаётини хавф остида қолдириб...

Шу пайт юзидан темир қалқонини манглайига кўтариб, бир қўлтиғида электрод қутиси, бир қўлтиғида газета, Саид кириб келди.

- Ўқидингми? - деди у Йўлдошни кўриб. Унинг юзидаги хотиржамликни пайқаб, Йўлдош бир оз ўзига келди. Хайрият. Яхши йигит-да. Бошқа одам бўлганда... Саид тахтага суяниб ўтириб, папирос тутатди.

- Чекмас эдинг шекилли?
- Бекорчиликдан.
- Бекормисизлар?
- Электрод йўқ, омборда захлатиб қўйишибди.
- Бефаросатлар, - деди Йўлдош анчадан кейин ғижиниб. - Газетадагини айтаман, - деб қўшиб қўйди.
- Э, қўйсанг-чи...
- Йўқ, қўймайман, Фармоновга кираман. Билмаган-кўрмаган нарсасига аралашмасин.

- Жинни бўлдингми? - Саид этагини қоқиб туриб кетди. - Мен халқимга кетдим, коллективимга! - деди у деразадан сакраб.



Аммо Йўлдош сездики, унинг артистлигида жиндак аламзадалик бор, ўзини хурсанд қилиб кўрсатишга уриниши ясамароқ эди. Бу табиий. Уни қаттиқ хафа қилишди. Саид экан-ку, Йўлдошнинг ўзи ҳам, ичида нимадир узилиб тушгандек, кўнглидаги чироқ лоп этиб ўчгандек, бўшашиб, ҳамма нарсага бефарқ, ҳафсаласиз бўлиб қолди. Адолатсизлик унга доим шундай таъсир қиларди.

Фармонов уни ўз идорасида хушчақчақ кутиб олди.

У Йўлдошнинг отини билмайдими, унутиб кўядими, хуллас, доим шундай деб чақирарди, Йўлдош бундан хафа бўлмайди. Фақат, ҳозир хушчақчақликнинг хонаси эмас, Йўлдош жиддий масалада астойдил гаплашгани келган.

– Менинг исмим Йўлдош, – деди у жиддий туриб. Кейин бўш стуллардан бирига ўтириб гап бошлади. Кузовнинг бурчагидан тасодифан брезент палата чиқиб қолгани, юзлари ажин Зокир ака тўғрисида, Саиднинг ўзини газ ўпқонига уриб, уни етти марта арқон билан беҳуш тортиб олганларида кўзларига ўлиб қолгандек кўриниб, ҳамманинг юраги орқага тортиб кетганини, яна аллақандай икир-чикирларни гапирди. Бу воқеани бировга биринчи ҳикоя қилиши бўлганиданми, батафсилроқ гапиргиси келди. Фармонов эшитиб ўтирар экан, дам столдаги пресспапени, дам блокнотлари у ёқдан-бу ёққа олиб кўяр, дам тирсаги остидаги ойнани куҳ-куҳлаб ғижим қоғоз билан артиб кўяр эди.

– Ҳаммасини эшитдим, қойилман! Эшитдим, гапириб беришди, – деб ўрнидан туриб кетди Фармонов. Сербар камарига қўлларини тираб, икки қадам нари-бери юрди. У элликлардан ошган бўлса ҳам, кўсароқ оқиш юзи ёш кўринадиган, юмшоқ сочи доим машинкада олинган, катта кўзойнакли, гапи ҳам, кийими ҳам пухта, ишчан киши эди. – Ишчи синфининг ҳақиқий сифатлари бу. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деб шуни айтади. Ажойиб коллектив. Тўғриси, катта коллективнинг кичик бўлаги! – деди у ғурур билан.

– Бу гапларингизни биз интервьюда ўқидик.

– Ҳўш, бирон нарсадан норозимисиз?

– Ахир бу ўзига яраша қаҳрамонлик эди, ўртоқ Фармонов.

– Ҳа, ҳа, албатта! Ҳўш?

– Буни айрим, конкрет одамлар қилди. Жумладан, Саид... Тўғрироғи, асосан Саид. Орамизда у бирдан-бир пайвандчи эди. Агар у бўлмаса ёки Саиднинг ўрнида бошқа одам бўлганида, балки...

– Нима гап ўзи, нима демоқчисиз?

– Газетага Саид ҳақида ёзиш керак эди. Сизнинг хабарингизда ақалли бирон фамилия ҳам йўқ. Бу...

– Э-ҳа, гап бу ёқда денг? Нима, коллективдан айрим шахсларни устун қўйиш керакмиди сизнингча? – Фармонов столга энгашиб, бошини қийшайтириб, Йўлдошга қулимсираб тикилди.

– Бу адолатсизлик-ку, у қилди ҳамма ишни, у жонидан кечиб...

– Қолганлар-чи, сиз-чи, яна бир машина ёшлар-чи? Фараз қилайлик, у қаҳрамонингиз ёлғиз ўзи бўлса, қўлидан нима келарди?

– Ахир, ақалли номини тилга олиш...

– Менга қаранг, ким дедингиз, ўша... мабодо ўшанинг ўзи юборгани йўқми сизни менинг олдимга? Эҳтимол, у газетага тушиш учун ўтга киргандир?

Йўлдош шундай кескин ўрнидан турдики, тагидаги курси тарақлаб, нарироққа сурилиб кетди.

– Нега ҳақорат қиласиз, ўртоқ Фармонов! – деди у бўзариб.

Фармонов стол ортидан чиқиб, аста келиб Йўлдошнинг билагидан ушлади:

– Ўзини пеш қилган одамни ёмон кўраман. Лекин маълумки, ундайларнинг даври ўтган. Коллективни, оммани оёқ ости қилишга энди йўл қўймаймиз, акаси! – Фармонов уни билагидан ушлаганча эшик томон етаклади. – Якка қаҳрамонлик бизга ёт мафкура, бизда алоҳида, танланган зотлар йўқ, омма бор, коллектив бор...

Қабулхонага эшик очилиши билан, Йўлдош тўхтаб қолди. Эшик ёнидаги диванда бошини икки қўли орасига олиб, тиззасига эгилганча Саид ўтирар эди.

– Саид? – деди бунга ҳайрон бўлган Йўлдош. «Ҳамма гапни эшитибди!» деган фикр миясига келиб урилди.

Саид сакраб ўрнидан турди. Унинг кўзлари ғалати, юзида алақандай шубҳалар аралаш етилиб келаётган қатъият ифодаси бор эди.

– Ҳа, йигит, сизмидингиз ўша... – Фармонов қизиқиш билан Саиднинг гавдасини кўздан кечирди. Кейин қаншаридан катта кўзойнагини олиб, ҳафсала билан артаркан: – Тузук, таваккалчи экансиз, – деди.

Унинг Саидга айтган гапи шу бўлди. Мақтаб айтдим, қоралабми – билиб бўлмасди.

Йўлдошнинг фикрича, Саиднинг ўзгариши ҳам, фожиаси мана шу кундан бошланган эди. Одамнинг шу қадар кескин ўзгариши мумкинлигини ҳалигача ақлига сиғдирилмайди. Саиднинг юриш-туриши ҳам, ўйлари, гаплари ҳам ўзгариб кетди, ўзи ҳам тушуниб бўлмайдиган, ғалати бўлиб қолди. Гап уқтириб бўлмайди, қайсар. На дўстликни, на яхшилиқни тан олади. Йўлдош унинг соя-

си бунчалик юпқалигини билмас экан. Ҳаммани ташвишга солиб қўйди. Айниқса Азиза бечорани.

Бир ҳафтадан кейин Йўлдош хунук гап эшитди: Саид комбинатдан кетиш ҳақида ариза берганмиш. Йўлдош мунчалигини кутмаган эди. Шунчаки кетиш бўлса майли эди, ҳар ким ҳам кетиши мумкин: Саид ҳам, бошқаси ҳам. Лекин Саиднинг аризаси ўша воқеага боғлиқ-да. Бунга ҳамманинг ҳам ақли етади. Йўлдошнинг кўнгли ғаш тортиб кетди. Ахир у бу қилмиши билан ўзига ҳам, шерикларига ҳам, доғ туширади-ку унда. Фармоновнинг гапи башорат бўлиб чиқади: номим газетада чиқсин, деб ўтга кирган бўлади.

Аммо Йўлдош Саиднинг ундай эмаслигига ишонади. Уни ҳозир топиш керак. Балки уйдадир. Кейинги вақтларда кечқурунлари у клуб-млубга ҳам чиқмай қўйган. Гаплашиб кўриш керак, ўзи нима гап?

Борса, пайвандчи каравотда ярим яланғоч бўлиб папирос бурқситиб ётган экан. Чироғини ҳам ёқмабди. Қоронғи уй тутунга тўлган. Йўлдош дўсти билан саломлашиб, чироқни ёқди, деразани очиб юборди. Саид бақалоқ гавдасини аста кўтариб, шимини кийди, олди очиқ қўйлагини елкасига ташлади. Унинг бир хоналик уйи анча файзли, полга чўғдек гилам тўшалган, бу атрофнинг магазинларидан топилмайдиган аломат торшер, ҳатто буфетига арзонгина сервиз ҳам бор эди.

Саид столдан аллақандай олди-қочди фантастик китобларни суриб ташлаб, рюмка, стакан қўйди.

– Алмисоқдан қолган чорактам бор... – деди у.

Йўлдош ўзи курси олиб, столга ўтирди.

– Бунинг учун келганим йўқ... Менга қара, ариза берганинг ростми?

– Берсам нима бўпти? – Саид рюмка билан стаканни ижозатсиз тўлдирди. – Биров кетади, биров келади, ҳар кимнинг ихтиёри ўзида. Қозончининг эрки бор қайдан қулоқ чиқарса, деган гапни эшитмаганмисан? Бошқа жойда ҳам бир ишлаб кўрайлик. Ё бунинг айби борми?

Йўлдош олдидаги рюмкани уриштирмасданоқ, якка ўзи сувдек ичиб юборди.

– Ўзингни гўлликка солиб нима қиласан, Саид, – деди лабини енги билан артиб, – мен биламан-ку, дўстларингни, коллективни осонгина ташлаб кетадиган одам эмассан. Эсингни йиғ, девона аразласа тўрвасига зиён, дейишади, қайтиб ол аризангни. Одамлар нима дейди?

Саид арақни ичмай, яна папирос олиб каравотга чўзилди. У ўзи ҳам ҳалиги ётишда шу гапларни ўйлаб ётган экан чоғи.

– Буни араз деб ўйласанг, сен ҳам жўн экансан. Қайтиб олмайман, кўп ўйладим, – деди у бир оздан кейин.

– Қаёққа борасан?

– Бошим оққан томонга. Шаҳарга, – Саид бирдан ўрнидан туриб қизишиб кетди, папиросни кулдонга босаман деб, бармоғини куйдирди: – Мен пулга қизиқмайман, ўйлама...

– Биламан.

– Мен қадримга йиғлайман. Борманми, йўқманми? Мана сен ҳам Фармоновга ўхшаб, икки гапнинг бирида «коллектив», «омма» дейдиган бўлибсан. Ахир коллектив мендақалардан иборат бўлса, ёмонми? Нега буни тан олмайсизлар?

Ана, энди ёрилди, деб ўйлади Йўлдош. У Саиднинг ариза бериш сабабини тахминан шундай деб билар эди-ю, бу сабабни ўзича таҳлил қилишга негадир чўчиб юарди.

– Нега тан олмас эканмиз?

– Тан олганларинг шуми? – Саид кўлини бигиз қилди: – ўйлаб қара, ахир бу ерда сен билан бизнинг ҳатто отимиз ҳам йўқ.

– Бу битта одамнинг одати. Уни сен... коллективга тикма, – деди Йўлдош, – ундан кейин, сен бу сўзга осилма! йўл қўймайман. Қудратли сўз бу. Мен уни Фармоновингдай бекорга ишлатаётганим йўқ. Коллектив! У одамни қадрлайди. Сен ўзингни етимча қилиб кўрсатмай қўя қол, дийдамиз қаттиқ, йиғлатолмайсан. Бизда илғорлар ишига яраша ҳурматдалигини яхши биласан.

– Ҳа, ўтган йили сен билан биз олти ойгача ҳурмат тахтасида осилиб турдик, – деди Саид. – Эсингдами, дарвозадан кираверишда олтмишта илғорнинг катта-катта фотосуратлари осиб қўйилган эди. Осилиб туравердик, туравердик... Аста сарғайдик. Ёмғирда бужмайиб, шамолда йиртилдик. Сенинг суратинг йиртилиб, менинг суратимни тўсиб қолди. Мени сезмади дейсанми: ҳар ўтганда зимдан кўз қирингни ташлаб қўярдинг, тузатиб қўяй десанг – ноқулай, тузатмасанг яна яхши эмас. Ахири, ярминг узилиб тушди, мен унинг лойда ётганини кўрдим, кимдир билмай босиб олибди. Кузги шамолда мен ҳам йиртилиб тушдим...

– Ҳамма гап шунда дегин?

– Йўқ, гап бунда эмас. Шунчаки эсимга тушди.

– Бўлмаса нима демоқчисан? Ўзимга алоҳида эътибор керак, демоқчимисан? Сал камтарроқ бўлиши керак одам. Коллективда барча баробар.

Саид дўстининг юзига тикилиб кулди.

– Тагин фақат Фармонов шундай, дейди дейсан. Ўзинг усто-  
зингдан ўтиб кетибсан-ку...

Сўнгги гапи Фармоновникига ўхшаб кетганини Йўлдошнинг ўзи ҳам фаҳмлади-ю, лекин айтиб бўлган эди. Саиднинг очиқ ку-  
либ қарашидан юзини четга олди. Саид давом этди:

– Коллективда барча баробар дейсан, қани айт-чи, нега? Нега ҳамма баробар бўлиши керак? Ё шундай қонун борми? Аксинча, «ҳар кимнинг ишига яраша, қобилиятига яраша» эмасми принци-  
пимиз?

Йўлдош индамади. У каравотда узала тушиб ётган Саидга теска-  
ри қараб ўтирибди. Гўё ҳар қайсиси ўзига-ўзи гапираётгандек эди. Бир бўш рюмка билан лим тўла стакан столда турганча қолаверди.

– Бирон кишининг номи сал тилга тушиб қолса, «Шахсга сиғи-  
ниш бу!» деб бақирадиган «демократлар» чиқибди. «Оммавий илғорлик» «оммавий қаҳрамонлик». Оммавий бўлгандан кейин нимаси илғорлик? Кимларга нисбатан илғорлик? Қаҳрамонлик ҳам оммавий бўлиши мумкин эмас, Йўлдошвой. Агар оммавий бўл-  
са, у қаҳрамонлик дейилмайди.

– Кечирасану... Ватан урушидаги ғалабамиз-чи?

– Ватан урушининг қаҳрамонлари бўлмаганми? Гастеллони тил-  
га олмай қўйишгани билан, барибир, у бор эди ахир!

– Аввало, тилга олмай қўйишди, деганинг хато, – деди Йўлдош, –  
иккинчидан, бировларни ҳадеб гапиравериб, бу ёқдаги миллион-  
миллион номаълум солдатларни унутиш ҳам хато бўларди.

– «Номаълум солдат» дейишнинг ўзи унутиш эмасми? – Саид ўрнидан туриб кетди. – Йўқ, мен бу иборани тушунмайман. Унда аччиқ бир алам бор, одамнинг қадрига йиғлагинг келади. У ўзи йўқ... номи ҳам йўқ. Нимаси бор? – У Йўлдошнинг рўпарасига келиб ўтириб, аста ўйчан давом этди. – Эшитганмисан, Африкада бир хил чумоли бўлар экан. Тўда-тўда бўлиб силжиганда икки-уч таноб ер қоп-қора бўлиб кетаркан. Агар йўлда чуқурлик учраса, олдинда-гилар ўзини чуқурга ташлайвераркан, кейиндагилар унинг устига, ундан кейин етиб келганлар яна унинг устига, ишқилиб, чуқурни ўз гавдалари билан тўлатиб, кўприк ҳосил қилмагунча бир-бирларининг устига ташлайверар эканлар. Борди-ю бу чуқур эмас, тубсиз жарлик бўлса-чи, Йўлдошвой? Маълумки, чумолилардан биронта-си бун билмайди ҳам, ўйламайди ҳам. Улар фақат бирин-кетин юриш кераклигини, ҳалок бўлганда ҳам бирин-кетин ҳалок бўлиш кераклигини билади. Миллиардлар ўз жасадидан кўприк ясайди,

орқадаги миллиардлар шу кўприкдан ҳеч нарса бўлмагандай ўтиб кетади. Мен жарга ўзимни ташламай орқага қайтсам-чи, мен чумоли бўлишни истамасам-чи, шунга нима дейсан?

– Менга қара, даҳшат-ку бу! – деди Йўлдош шеригини ҳозир кўриб тургандек тикилиб. – Коллективчилик тўғрисидаги бундай машъум тасаввурни сен кимдан орттирдинг?

Саид елкасини қисди:

– Мен ҳеч қаерга борганим йўқ, ораларингда юрибман...

– Орамизда юрганинг билан бегона экансан. Бундан ҳам узоқлашиб кетсанг, ҳолинг нима кечади? Ўйлаб кўр, кўпга кесак отиб, рўёбга чиқолмайсан, бармоғингни тишлаб қоласан. Коллективнинг энг ёмони ҳам ёлғизликдан афзал, билиб қўй. Муддаонг нима, гапир?

– Менга ҳеч нима керакмас! – деди Саид стакандаги арақни деразадан сепиб ташлаб. – Мен одамман, мен борман, ўзимга яраша бир дунёман, ишим, номим, туйғуларим бор, мойдай эриб, ён-атрофимга сингишиб кетишни истайман, – деди у кўкрагига уриб, – истайманки, ўзлимни, ўз шахсиятимни ҳис этсам.

– Бу истагинг ашаддий худбинликка айланиб кетибди! Майдонга чиқиб ўзингни ос, ҳамма кўрсин! Ўзимга ўзим хўжайинман, деб бақир! Ўзлинггни кўрсат! – Йўлдош йўлидаги курсини оёғи билан тарақлатиб суриб, шартта чиқиб кетди. У қоронғида туртилиб-сурилиб шошиб бораркан, ўйлари чалкашиб кетганидан пешанасини тер босган эди. Мана, ниҳоят, Саид дилида борини тилига чиқарди. Чиндан ҳам ўзи бир олам экан. Аммо унинг бундай пасту баланд ўйлари борлиги Йўлдошнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бир чеккаси, Йўлдош унинг қайсарлигини англаётгандек бўлиб турибди. Бу тўдачиликка, қиёфасизликка қарши исён эди. Аммо унда коллективга бундай қараш қаёқдан пайдо бўлди?

Бу вақт йўлкада Азиза кўринди. Йўлдош уни ғира-ширада ҳам дарров таниб, ариқлардан сакраб, рўпарасидан чиқди.

– Азиза, мен Саидникдан чиқиб келяпман.

– Салом.

– Авзойи бузуқ. Сиз ҳам ўша ерга кетяпсизми?

Азиза қараб турди-да, индамай жўнаб қолди. Йўлдошга бу ўлганнинг устига тепгандек оғир ботди. Жуда хафа бўлиб, хиёбонга ўтиб, скамейкага ўтирди. Кўриниб турибдики, Йўлдошнинг бу ишларга аралашувини Азиза ўзича тушуниб, маъқул кўрмай юрибди. Саиднинг ўзгариб қолишида Йўлдошнинг қўли бор, деб ўйласа ҳам ажаб эмас. Аслида-ку, Саиднинг даф бўлиши Йўлдошга бир омад, чунки Азиза унинг изидан эргашиб кетмайди албатта,

қолади. Аммо Йўлдошнинг кўнглида бундай режа йўқ. Агар бўлса, бу ғаразғўйлик, дўстга нисбатан инсофсизлик бўларди.

Шундай қилиб, Йўлдош Азизанинг олдида айбсиз айбдор бўлиб турибди.

Орадан сал вақт ўтмай қайрағоч тагидан таниш овоз эшитилди. Йўлдош Саид билан Азизани овозларидан таниб, мушкул аҳволда қолди: туриб кетай деса, уларга яна кўрингиси келмасди, индамай ўтираверай, деса, гапларига беихтиёр қулоқ солишга тўғри келади. Шу ўйлар билан бир қарорга келолмай, анча ўтириб қолди. Нариги скамейкадагиларнинг товуши оқшом тинлигида баралла эшитиларди. Азизанинг қумри ку-қуси сингари кўкракдан чиққан ширали овози «Сени олиб қолишга ўзимнинг кучим етади, бировлар аралашмасин», дегандек ишончли, дам паст, дам баланд, эҳтиросли эшитилар эди.

– Мен севгимдан уялмайман, Саиджон ака, ўтинаман, қолинг. Мени билмайди дейсизми, кўриб-билиб турибман – тенги йўқ уста мутахассисиз. Қани энди мен ҳам шундай бўлсам. Сиз қилган ишни ҳамма ҳам қилолмайди. Бироқ...

– Сиз хато тушунибсиз, попук... – Саиднинг йўғон овози эшитилди. (Уларнинг гаплашиб ўтиргани майли-ю, мана шунақа «попук-мопуги» юрагидан ўтиб кетади Йўлдошнинг.) – Хато тушунибсиз. Мен ўзимни ўйлаётганим йўқ. Ахир одамларни бир ерга жамлаб, кейин баробар тақсим қилиб, ўрта миёна бир нарса ҳосил қилиб бўлмайди. Коллектив бир кафт майиз эмас. Унда одамлар бор, одамлар ичида яхши-ёмони, пучак-сараги бўлади...

– Сизнинг албатта бошқалардан фарқ қилиб тургингиз келади-ми? Имтиёз...

– Кўйинг, эшитдим бу гапларни. Ҳозиргина Йўлдош бир соат жавраб кетди.

Бу зардадан Азизанинг кўнгли ранжиди шекилли, анчадан кейингина товуши чиқди:

– Бегона бўлиб қолибсиз...

– Тил бириктириб олганмисизлар, нима бало! – Саиднинг овози баландлашди. – «Бошқалардан ҳеч фарқ қилма, ҳамма юрган издан юр, чапга қарама, ўнгга қайрилма, олдинга ўтма, орқада қолма, ерга кирма, осмонга чиқма, тўдадан ажралма, бўлмаса бегона бўлиб қоласан!» Шунақами?

Азиза пиқ этиб йиғлаб ўрнидан турганча югуриб кетди.

– Азиза, попук, попукжон! – деб Саид ҳам гурсиллаб чопди орқасидан, – ахир мен шаҳарга сизни, сени...

Сўнгра шу ерда бирпас машмаша бўлди, бунинг нималигини Йўлдош тахминлабгина билиши мумкин эди: Саид қучмоқчи бўлди шекилли, аммо қиз юлқинди, тарсаки тушдими, новда синдими, хуллас, ниманингдир қирс этгани ҳам эшитилди, кейин бири қолиб, бири жўнади. Қайсиниси?

Барибир эмасми...

Йўлдош бу ерда пусиб ўтирганига ўзидан жуда норози эди, бунинг устига ҳозир дилида бир қил узилгандек, ғашлиги орди, илиқ баҳор оқшомида вужуди қалтираб, жунжика бошлади. Азизадек дилбарнинг ўз қизлик ғурурини шундай ерга урганига хўрлиги келди...

Бу уч кишининг кўнглини тўлқинлатган муаммолардан кўпчилик беҳабар эди. Кунлар ўтаверди. Комбинатнинг цемент гардига ботган дарвозаларидан хомашё ортган платформалар кириб, прицепларига йирик темир-бетон конструкциялар юклаган автомашиналар тўхтовсиз чиқиб турар, янги цехлар аста қад кўтарар, мўрилардан бурқиган тутун, хумдон ва печлардан кўтарилган буғ чўл осмонини кул ранг булутларга тўлдирар эди.

Якшанба куни Йўлдошни Фармонов чақиртириб қолди. У дам олиш кунларини ҳам идорада ўтказарди.

Йўлдош унинг қандай кутиб олиши, нима дейишларигача олдиндан билади. Фармонов унча мураккаб одам эмас эди.

Унинг отини ҳеч ким билмайди. Фақат «Фармонов» дейишади. Отини билишга эҳтиёж ҳам йўқ шекилли. Чунки Фармонов том маъноси билан «ижтимоий одам» бўлиб, бутун ҳаёти коллективда, идорада, мажлисда, минбарда ўтган. «Фалончижон!» деб яқин олиб, ё эркалаб чақирадиган жигари, улфати ёки кадрдонлари ҳам йўқ. Битта-ю битта қизи бор, дейишади, у ҳам қаердадир ўқишда.

Фармонов бўйдоқлар ётоғида, кичкина бир хонада туради. «Туради» дейиш ҳам унча тўғри эмас, у ётоққа ётгани боради, холос. Қолган вақти идорада, кўпроқ мажлисларда ўтади. Ҳар мажлисда уни қаергадир сайлайдилар, бир замонлардаги Осоавиахим, МОПР уюшмаларидан тортиб, касаба, жамоат ташкилотларигача, нуқул сайлаб қўйиладиган мартабаларда, баъзан бир нечтасида баробарига ишлаб келди.

Ҳозир у завком раиси. Лекин комбинат директори унга кўпроқ ёшлар билан ишлашни топширган, ҳатто шу масалада ўзига муовин қилиб олган деса ҳам бўлади. Негаки, ҳозир комбинатда юзлаб ёшлар бор, кўплари уруш вақтида, оғир шароитда, ФЗОда ўқиган болалар. Янги цехлар қурилиши муносабати билан деярли ҳамма-



си ёрдамчи ишларга қўйилган. Улар билан ишлашга алоҳида эътибор бериш керак эди.

Фармонов жуда ишчан одам. Эски гимнастёрка устидан боғлаган сербар камарига бош бармоғини тикиб, катта, юмалоқ кўзойнаги остидан талабчан назар билан тикилганида, Йўлдош айтмоқчи бўлган гапини ҳам йўқотиб қўяди. У Йўлдошни кўпинча ёшлар билан ишлаш масаласида чақирарди.

Ёшларнинг ишдан ташқари вақтларини қандай «уюштириш» тўғрисида гаплашишар, кундалик график, иш планлари тузишар эди. Фармонов бу ишга катта аҳамият беради. Ёш ишчиларнинг ҳар соат вақти учун ғам ейди. Бу сафар ҳам Йўлдошнинг келишига катта рангдор жадвалларни, графикларни столга ёйиб ташлаган эди.

– Хўш, – деди у мураккаб жадвалларга худди жанговар харитани ўрганаётган командирдек тикилиб. Кейин бир бўш графага бармоғини нуқди. – Мана бу соатда нима иш қилишади, айтинг-чи?

Йўлдош ўргимчак уясидек бўлиб кетган жадвалнинг ўша катагига гоҳ у ёққа ўтиб, гоҳ бу ёққа ўтиб қаради-ю, жавоб беролмади.

– Мана бу соатда-чи? – деб шоширди яна Фармонов ва жавоб кутмай, кўрсатма берди: – Лекция! Лекция қўйинг!

– Бу ҳафтада лекция жуда кўп бўлиб кетди, ўртоқ Фармонов, бир оз бўш вақт... бир оз ўз ихтиёрларига ҳам қўйсак... – деди Йўлдош.

Фармонов катта қизил қаламни қўлида ўйнатиб, стол атрофида айланарди.

– Бекорчилик...

– Бекорчилик эмас, ҳар кимнинг ўз иши ҳам бор-да.

– Гапни чалғитманг. Бекорчилик – ҳар қандай номаъқулчиликларнинг онаси! Ичкилик, безорилик, бузилиш, одобсизлик – ҳаммаси бекорчиликдан келиб чиқади. Йўқ, комсомол! Сиз банд қилинг уларни, ижтимоий иш билан банд қилинг, – Фармонов қизил қаламни яна ўша катакка ниқтади: – Клубда бўлишсин! Коллективда. Лекция бўлмаса, танца белгиланг, танца.

– Хўп...

Кейин кеча ва ўтган кунги клуб машғулотларига келмаган «баъзи шахслар» ҳақида гап бошланди. Фармонов уларнинг рўйхатини, келмаганларининг сабабини бугуноқ аниқлаб, чора кўришни топширди.

– Коллективда интизомни, бирликни бузишга йўл қўймаймиз, ҳа. Ҳозироқ шу билан шуғулландинг, шундай бўлсин.

– Ҳозир? Ўртоқ Фармонов... – деб чайналди Йўлдош, кейин очиғини айтиб қўя қолди. – Ҳозир жуда қорним оч... кейин, бир шахсий ишим бор эди.

Фармоновнинг билинар-билимас сийрак қошлари чимирилиб кетди. Йўлдошга, худди рўпарасида қанотли туя тургандек, хайрат билан тикилиб қолди. Ажабо, гап коллективнинг тарбияси ҳақида кетаётган бўлса-ю, бу қорни очлигини гапиради. Шахсий иш? Қандай шахсий иш бўлиши мумкин?

– Менга қаранг...

Лекин Йўлдош унинг фикрини кўз қарашидан тушунди. Давом эттиришнинг ҳожати йўқ эди.

Йўлдош аввал Тўлаганникига борди. Йирик блоклар цехида такалажчи бўлиб ишлайдиган бу писмиқроқ йигит бир кекса мастерникида ижарада турарди. Лекин ижарага олган хонаси қолиб, бутун вақтини чордоқда ўтказар, ёз кунлари ўша ерда ухлар, ўқир, ишлар эди. Бир вақт мастернинг армияга кетган ўғлига каптархона бўлган бу чордоқни Тўлаган кенгайтириб, дераза очиб, ўзича жиҳозлаб олган. Радио ҳаваскорлик устахонаси ҳам шу ерда, тарақтуруқи қўшниларга эшитилмайди, томида беш-олти хил антенна.

Йўлдош каптар тезагидан оқариб кетган ёғоч зинадан чиқиб борганида, майкачан ўтирган Тўлаганнинг чеҳраси ёришиб кетди. Писмиқнинг сал кайфи бор эди, қувонганидан бақариб юборди, қучоқлаб олди. Йўлдош уни ҳеч вақт бундай хушчақчақ кўрмаган эди. Бир зумда япалоқ шишада болгар коняги ҳам пайдо бўлди. Тўлаган машхур бир рассомнинг жияни. Унда бунақанги анвойи нарсалар бўлиб турарди.

– Йўқ, Толя, қорним оч... – деб Йўлдош келишининг сабабини айтмоқчи эди, Тўлаган гапиртирмади.

– Менга қара, клуб-млубингни қўй, гап бор, – деди Тўлаган. Бугун унинг кайфи жуда чоғ эди. – Қоринни бўлса ҳозир тўйғазамиз! Сен аввал мана буни кўр! – у қандайдир қизил дафтарчани қўйнидан олиб, тақ этиб столга қўйди, ғурур билан Йўлдошга қаради. – Ол, ол! Қара, қўлингга олиб кўр!

– Нима бу? – Йўлдош дафтарчани қўлига олди.

– Эфирга чиқишимга рухсатнома! – Тўлаган унга стакан тутқазди, қаттиқ уриштирди. – Ол! Арзимайдими? Ҳаммага ҳам беравермайди, йилига икки ёки уч киши олади. Радиоклубга етти йил қатнаб етишдим бунга. Ич! – Ичишди. – Кеча шаҳарда, мусобақада эдим.

– Мусобақада?

– Белгилар қабул қилиш бўйича республика мусобақаси. Чакки бўлмади, кўриб турибсан. Сен бўлсанг танца, клуб дейсан.

– Бу нимага керак? – деди Йўлдош ҳамон қизил дафтарчани кўлида айлантириб. Тўлаганнинг кайфияти унга ҳам таъсир қилган эди.

– Бу деган сўзки, энди эфирда менинг ўз тўлқиним бор. Ер юзида, тоғларда, саҳроларда, океанларда минглаб дўстларим бўлади, мен улар билан истаган вақтимда гаплаша оламан.

Тўлаган дафтарчасини авайлаб кўкрак чўнтагига солди-да, Йўлдошнинг кўлига бутерброд тутқазиб, чордоқни айлантириб, устахонасидаги «хўжалиги»ни тушунтира кетди. Бу ерда жўнгина ишланган радиоприёмниклар, пластмасса кутида радио телефон трубкаси, қўлбола передатчик, алмисоқдан қолган Морзе аппарати, хилма-хил лампалар, аккумулятор, батареялар, яна аллақандай электр асбоблари, ўрам-ўрам симлар, кичик станокча, токарлик асбоблари, битмаган шасси тахталари қалашиб ётар эди.

Кувончи ичига сиғмай узоқ гапиргандан кейин Тўлаган куйган резинка ва елим ҳиди келаётган қадоқ бармоқлари билан фақат ёниб турган лампалардан иборат очиқ приёмникни бураб, қандайдир шовқин ва ҳуштаклар орасидан бир-икки сигнал тутиб, ёзиб олди.

– Вақтини беряпти... Буларнинг ҳаммаси билан танишиб оламан ҳали! – деди у, гўё энди бутун осмон, ҳамма шаҳару қишлоқлар ўз кўлимда, дегандек. Чиндан ҳам Йўлдошнинг кўзига у ҳозир фазо сирларини қўлга олган, аллақандай мўъжизали бир тил биладиган сеҳргардек кўриниб кетди. ФЗОда совуқ қиш кунлари доимо бурнини тортиб радио ҳаваскорлари тўғарагига қатнаб юрганида Тўлаганни ҳеч ким писанд қилмасди. Энди бўлса у чиндан ҳам ўзи бир олам. «Вира!» «Майна!» деб қичқиришдан бошқани билмайдиган оддий такелажчи деб ким айтади уни!

Йўлдош завқи ошиб турган дўсти билан хайрлашиб чиққач, шуларни ўйлаб келаркан, Фармоновнинг топшириғи хаёлидан кўтарилиб кетганини эслади. Ҳа, майли, Тўлаганнинг кўнглига унақа гап сиғармиди ҳозир!

У Эргашникига қараб йўл солди. Эргаш ҳам кейинги ҳафтада клуб машғулотларига қатнамай қўйганлардан бири эди.

У оилалик бўлгани учун коммунал уйдан икки хонали секция олган. Йўлдош кириб борганда у ўн бир-ўн уч ёшли икки ўғли билан овора эди. Кичигига кўзгу ушлатиб, каттасини курсига ўтқазиб, машинка билан сочини оляпти. Каттаси бўйнига совуқ машинка

теккан сари қитиғи келиб қийқираркан этагига тўпланган уюм-уюм малла соч оёқ остига тўкилар, униси бўлса акасидан қиқирлаб кулиб ойнани эплаб тўғрилолмасди. Ака-ука иккаласи ҳам кўк кўз, малла ранг, жажжи болалар. Йўлдош остонада тўхтаб, Эргашнинг болажонлигига, болалари шўхлик қилган сари завқланишига бир-пас маҳлиё бўлиб турди.

Эргаш боланинг сочини олиб бўлиб, ёқаларини қоқди-да, иккаласига жавоб берди. Болалар ҳиринглашганича чопқиллаб ичкарига кириб кетишаркан, ортларидан маъюс қараб қолди.

– Кел, ука, – деб Йўлдошнинг елкасига бир қўлини ташлади-ю, болалар кириб кетган эшикдан кўзини олмади. – Биласанми, ука... кетишяпти, – деди у секин. Чарақлаб турган кўзидан бир томчи ёш юмалади. – Мария Николаевна ўз тенгини топибди...

Эргаш силикат ғиштлири пишириш печида мастер ёрдамчиси. У Йўлдошдан уч-тўрт ёш катта, бир оёғи оқсаб, ўзи сал букчайиб юрадиган, ширин сухан, одамохун йигит. Ҳозир Йўлдош унинг қаттиқ хафалигини пайқади.

– Бутунлай кетишяпти... – деб такрорлади Эргаш, – шунча йилдан кейин, бирдан. Бирдан ёлғиз қоламан...

Бу аччиқ фиғон эди. Бу гапдан Йўлдошнинг ҳам эти жимирлаб кетди.

Мария Николаевна билан Эргашни кўпчилик эру хотин деб билар, уларнинг тотувлигига ҳавас қилар эди. Ишчилар тушликка чиққанда сават ё тугун кўтарган юмалоққина, ўрта яшар, чиройли рус хотин икки боласи билан комбинат дарвозаси олдида пайдо бўлар, болалардан бирининг қўлида бир шиша сут, бирининг қўлтиғида иссиқ нон, оталарини овқатга кутишар эди. Эргаш уларни узоқдан кўриб югурар, болаларни битта-битта осмонга отиб эркалагач, ариқ бўйидаги майсага ўтиришар эди. Чўл кенг, ариқ бўйи шабада, ловиллаган печ олдидан чиққан Эргашнинг тери қотиб, иштаҳаси очилиб кетади. Мария Николаевна унинг ярим яланғоч бўлиб ариқда ювинишини, майса устида ёнбошлаб иштаҳа билан овқат ейишини, атрофда болаларнинг чуғуллаши, қудратли комбинат шов-шувига жўр бўлиб ёвойи ўтлар орасида ариқнинг майин шилдираб оқишини яхши кўрарди.

Бир неча йилдан бери шундай. Бу ажойиб оилани ҳамма ҳурмат қиларди. Ҳатто хотин-халаж Мария Николаевнанинг ўз эридан саккизи-ўн ёш катталигини тилга олиб қолгудек бўлса ҳам, буни қоралаш маъносида эмас, оиланинг тотувлигини таъкидлаш учунгина эсларди.

Оиладаги асл муносабатларни эса Эргашнинг яқин дўстларигина билишарди.

1942-йили Бердичев шаҳри эвакуация қилинаётган кунлари ёш лейтенант Эргаш қий-чув, тўполон устидан чиқиб қолди. Вақт зиқ, транспорт етишмайди, саросимада тартиб-интизом бузилиб кетган, айниқса, уюлмаган аҳоли ўртасида ваҳима, йиғи-сиғи, фарёд, ҳар оила ўзи эплаганча отда, пиёда қочмоқда, ит эгасини танимайди. Эргаш турадиган уйнинг бекаси – юмалоққина чиройли бева хотин тўртта кичкина боласи билан чинқириб кўчада қолди, тугунини тугиб, гўдагини кўксига босганча, қолган учтасини етаклаб кўчага чиққан-у, қаёққа юришини, нимада кетишини билмайди. Эргаш у ёққа югурди, бу ёққа югурди, қани энди бир машина ёки аравага ўтқазиб юборишнинг иложи бўлса! Транспорт, сўнгги от-уловгача ташкилотлар, корхоналар, муассасаларга тақсимлаб бўлинган эди. Вақт оз қоляпти, яна бир неча соатдан кейин шаҳар тўпга тутилади, ёнгин ловиллайди, йиртқичлар бостириб киради.

Эргаш югурганича қайтиб келиб болаларни уйга қамади-да, кўксидаги гўдаги билан Мария Николаевнани загсга етаклади. Эргаш судраган томонга елиб кетаётган Мария Николаевна ҳанси-рар, қоқинар, қаёққа кетаётганини билмас эди. Рўпарасида ЗАГС ёзуви пайдо бўлгандагина тушунди: зобитларнинг оилаларига бенавбат транспорт берилаётган эди. Мария Николаевна аввал гангиб, ўнғайсиз аҳволда қолди, қайтиб чиқмоқчи бўлди, лекин Эргаш унинг биллагидан маҳкам ушлаган эди: «Мария Николаевна! Коля, Ирина, Миша ҳақи... Витя учун!» – деди ва бекасининг қолидан гўдакни олди.

Кейин идоранинг жиҳозларини ортиш билан овора бўлган ходимани топиб келди, у улардан тезроқ қутулиш учун апил-тапил қоғоз қилиб берди.

Шундай қилиб, улар «эр-хотин» бўлиб қолишди. Мария Николаевна Ўзбекистонга эвакуация қилинган эди, урушдан кейин Эргаш уларни мана шу комбинат қурилишидан топди. Коля ўқишда, Ирина ўн еттидаёқ эрга чиқиб кетди, Миша билан Витя Эргашнинг қўлида ўсди.

– Бирдан бўлса қийин бўларкан... Бўлмаса ўзим ҳам билардим, ўзим айтганман Мария Николаевнага, – дерди Эргаш остонада йўлдошнинг елкасига қўлини қўйиб хомуш тураркан. – Ўзим айтганман, эрга тегинг, деб. У мени қистарди: «Ўйлан, ахир мен сенинг қўлинг-ни боғлаб тургандай қийналяпман, қачон уйланасан», дерди. Мен

қандай қилиб уйланаман, буларни ташлаб, ўзинг ўйла... – у маъюс кўзлари билан болалар кириб кетган эшикни имлаб кўрсатди.

Эргаш билан Йўлдош узоқ дардлашиб ўтирдилар, Эргаш жуда эзилган, чўккан эди. Кўшни хонадаги болаларнинг ҳар қийқириғи, ҳар кулгиси унинг вужудини ларзага соларди. Шундай тотув оила, ўз фарзандидек бўлиб қолган болалар, уларнинг меҳр-оқибати, шўхликларига ўрганиб қолган, шуларни деб йигитлик даврини ўтказиб юборган одам энди булар ҳувиллатиб кетадиган уйда сўп-пайиб ёлғиз қолса чиндан ҳам оғир. Буни эшитиб Йўлдошнинг ҳам юраги эзилиб кетди.

Шу кайфият билан кўчага чиқди. Нима қилиб юрибди ўзи дам олиш куни? Эргашга ҳам на тасалли беролди, на гапини айтолди. Ҳозир шартта уйга бориб ўзини каравотга ташлагиси, аламини уй-қудан олгиси келди-ю, лекин Фармоновнинг айтганини бажармаса бўлмайди, эртага сўрайди.

Ҳафсаласи пир бўлганча, судралиб Темир билан Пўлатникига кетди. Уларни бирга эслаганики, ё Темир Пўлатникида бўлади, ё Пўлат Темирникида. Иккаласи ҳам янги цех котлаванида скрепер ҳайдайди, иккаласи ҳам боксчи, комбинатдагилар уларни, гўё бир кишидек, доим бирга «Темир-Пўлат» деб аташади, клубда бокс бўлса афишада ҳам «Биринчи жуфт Темир-Пўлат!» деб ёзилади. «Бугун Темир-Пўлат экан!» деб клубга ҳам бола-бақра ёпирилиб кетади.

Шундай бўлса ҳам, Йўлдош буларнинг бирон минут баҳслашмай туришганини кўрмаган. На ажралиша олишади булар, на келиша олишади. Бу сафар ҳам Йўлдош Пўлатнинг эшигига яқинлашиши билан иккаласининг овозини эшитди. Баъзилар бу баҳсларни менсимай, маҳмадоналик деб қарашади: «Ҳа, буларга тренери папиросни, арақни ман қилган, ичмаса, чекмаса, нима ҳам қилади, гап сотади-да!» дейишади. Йўлдош эса бошқача фикрда. Масалан, Пўлатни олса. У бундан бир неча йил муқаддам шаҳарда ёшгина бир врач қизни яхши кўриб қолиб, ўшандан бери медицинани ўзига худо қилиб олган. Ибн Синоними ёки бошқа бирон тиббий китобни ўқиб ўтирган бўлса, уни на тўйга, на азага сургаб бўлади.

Йўлдош кирганда Пўлат дераза рафида тиззасини кучоқлаб ўтирар, столда, ёстиғи устида медицина энциклопедиясининг томлари сочилиб ётар эди. Темир бўлса икки қўлини чўнтакка тикиб, у ёқдан-бу ёққа юрарди.

– Инсон авлоддан авлодга ўсиб, юксалиб бориши керак. Ҳар авлод – бир босқич. Сен айтгандай, ўзи билан ўзи овора бўладиган

бўлса... – Темир Йўлдошга қўл бериб сўрашди-ю, гапини тўхтатмади, – агар ўзи билан ўзи овора бўлса, у юксак онгли мавжудот бўлиб қаёққа борди?

– Кеча кечқурун қаерда эдинглар? – деб сўради Йўлдош орага суқилиб.

– Кеча ҳам шу ерда эдик, – деди Пўлат. – Гап шунда-да, юксак онгли мавжудот деб аталамиз. Биз ўзга оламларга интилсагу, ойнинг тупроқ таркибини билсагу, ўз қонимиз таркибини билмасак, жигаримиз қаердалигини, унинг нимага кераклигини билмасак унда юксак мавжудот деб аталишимизнинг маъноси қаерда қолди? – Пўлат бир нафас тинганда Йўлдош яна тиқилинч қилди:

– Олдинги куни-чи?

– Олдинги куни ҳам шу ерда эдик, – Пўлат яна тўхтамасдан давом этди, – инсон даставвал ўзини мукамал билиши керак. У ҳаётнинг тожи – кишига умр бир марта берилади. Балки бутун оламда энг бебаҳо нарса инсон ҳаётидир. Инсон ақли сўнса оламни зулмат қоплайди... Аммо ақл нима, мия нима – биламизми? Инсон ҳамма нарсадан аввал ўз физиологиясини: ўзининг яшаш сирини, тузилишини, асаб, қон, мия, юрак қонуниятларини яхши билиши керак, токи...

– Бунинг учун алоҳида ихтисослар, жумладан медицина бор, – деди Темир ҳамон у ёқдан-бу ёққа юраркан.

– Балли, ҳар бир одам аввало врач бўлиши керак, – яна илиб кетди Пўлат, – аммо бировларни даволаш учун эмас, ўзи учун, ўз онги, даври савиясида бўлиш учун. Инсон номи бўла туриб, ўзини билмаса – уят. Ахир, мана сен ердан олти миллиард нур йили чамаси узоқда учиб юрган Квазарлар тўғрисида гапирдинг, бироқ ҳозир қорнинг оғриб қолса кимгадир муҳтожсан, ожизсан, кимдир ўзингдан сўраб-сўраб сенга тахминий ташҳис қўяди. Аслида эса организмнинг ўзингдек яхшироқ биладиган, вужудингда нималар бўлаётганини сендан яхшироқ сезадиган одам йўқ. Диагнозни сен қўйишинг керак, врачлар эса даволасин. Медицина алоҳида, катта, мураккаб соҳа, ҳар бир онгли киши, ақалли, у билан гаплаша олиш учун тилини билиши керак.

– Бошқа ишларни ким қилади?

– Инсон бўлмаса бошқа ишлар ҳам йўқ. Шунга кўра инсон учун инсон физиологияси – яшашнинг алифбоси бўлиб қолиши керак. Бошқа ишлар – алифбодан кейин...

– Сен худбинликни тарғиб қиляпсан, ўзинг учун ўл етим... – деди Темир. – Ҳали ўзинг айтдинг: инсонга умр бир марта берилади,

деб. Умр эса қисқа. Шундай бўлгандан кейин ўзгалар учун, келажак учун, авлодлар учун яшаш керак. Биз илми, техникани қайси даражага кўтардик, олам сирларини ўрганишга қандай ҳисса қўшдик – келажак биздан шуни сўрайди. Йўқ, ака, яшашнинг қизиғи, туб маъноси – яратиш, янгиликлар очиш, мўъжизанинг ўзагига санчилиб, юлдуздай чақнаш... Ана ўшанда яшадим, десанг арзийди. Ҳали сен Квазарларни эсга солдинг. Квазарлар – коинот болалигининг гувоҳлари. Уларнинг миллиард йиллар аввал йўлга чиққан нури, радио тўлқинлари космосимизнинг қайси бир галактикасига энди етиб келибди. Улар ерга етиб келганда не-не дунёларнинг тарихини сўзлаб бераркан! Улар сўзлаганда биз тилини англай оламизми?.. Сен бўлсанг ичбуруғдан келасан.

Пўлат шеригига «бачкана бўлма» дегандек, аччиқ билан қараб, деразадан тушди, столдаги кефирдан шимирди. Иккаласининг бўй-баста ҳам тенг, ўзлари ўратепалик. Сочлари жингалак, яғриндор йигитлар. Йўлдош уларнинг баҳсида ўзига мустақил йўл тополмай, қайсиниси гапирса ўшанисининг фикрига қўшилиб узоқ ўтирди. Лекин суҳбатлари тугайдиганга ўхшамасди. Қоронғи тушиб қолди. Ҳали Азизаникига ҳам бориши керак. Шунинг учун секин ўрнидан кўзгалди...

Азиза комбинат шахарчасининг уч-тўрт қаватли бинолар туша бошлаган янги қисмида туради. Бу ер комбинатдан четроқ бўлгани учун, эски одат бўйича уни ҳали ҳам «чўл» дейишади. Келгусида шахар шу ерга қурилар экан, ҳали номи ҳам йўқ, фақат газетачилар уни ҳар замонда мақолаларида «Чўлобод» деб аташади.

Эшикни Азизанинг ўзи очди. Очди-ю Йўлдош остонани ҳатлаб ўтиши билан, бошини унинг кўксига қўйиб йиғлаб юборди. Қиз бош яланг, ёқаси очиқ кенг бурма кўйлақда, яланг оёқ эди. Унинг юмшоққина, пастак гавдаси йигитнинг кўксига титраб турибди, атир аралаш аллақандай сеҳрли бўй димоғига урилди. Бу йиғига тушунмай турган Йўлдош баттар эсанкираб қолди.

– Ўртоғингиз кетиб қолибди. Аввал бола бечорани умидвор қилиб, кейин ҳеч нарсага қарамай... Мана энди... – Она енгини тушириб, тескари бурилди.

Демак, Саид ахири кетибди-да. Йўлдош ўшанда унинг кетаман деганига ишонган эди, ҳозир бўлса ишнолмай турибди. Очиғи, Азиза буни шунчалик оғир олар, деб ўйламаган эди.

– Қиз бошингни хор қилма, ялинма, дедим. Йўқ, мана кўриб турибсиз... – Қизнинг йиғисидан юрак-бағри эзилган она курсига беҳол ўтириб қолди.



Йўлдош ҳам ўтириб, она-болани юпатган бўлди: қаёққа ҳам кетарди, қайтиб келар, келмаса хат ёзар, яхши ўрнашса чақиртирар, комбинатдан бўлак жой йўқми, дунё кенг... Меҳр-оқибат бўлса бўлгани...

Йўлдош шу топда Азизанинг эзилишини кўриб, дўстидан воз кечишга аҳд қилворди. Саиднинг қизда жиндак кўнгли бўлса, бундай қилмасди. Ишқилиб, Азиза иззат-нафсини оёқ ости қилиб орқасидан излаб кетмасин-да...

Йўлдош хайрлашаётиб ўзи ҳам кутмаган ишни қилди; қизнинг йиғидан қизарган ёноқларига кафтини тегизди. Азиза буни қандай қабул қилганини билмайди-ю ўзи учун бу катта воқеа эди. Қизнинг ял-ял ёнган ёноқлари йўл бўйи кўз ўнгидан кетмади, кафти эса ўтдек қизир эди...

Йўлдош бугун яна қолипчи Нормат, лаборант Ольга, хумдондаги Зариф деган болаларникига бориши керак эди. Бормай кўя қолди. Барибир иш чиқмайди: Нормат ҳозирги рассомларнинг суратларини коллекция қилади, ботинка ипига пули бўлмаса ҳам, сўнгги чақасига бориб сурат олади. Ҳар дам олиш куни шаҳарда. Ольга бўлса... Уни қандайдир генерал яхши кўриб қолган. Унинг ҳозир клуб-млубинг билан иши йўқ. Генералга нима деб жавоб бериш керак – қариндош-уруғини йиғиб шунинг маслаҳати билан андармон. Зарифни ҳозир ўтирган жойидан бигиз билан чўқилаб ҳам чиқариб бўлмайди: у комбинатнинг тарихини ёзипти...

Лекин Фармонов ўз топшириғини унутмаган эди. У эртасигаёқ сменадан сўнг Йўлдошни чақиртириб, бош бармоғини айилдай кенг, сариқ камари остига суқди. Бу унинг «Хўш?» дегани бўларди. Йўлдош чайналиброқ гапирди, лекин ҳамма ҳақида бир-бир тўхтаб, клуб машғулотларига келмаслик сабабларини батафсил айтиб берди.

– Бу дейман, уларни оқлагани келдингизми, нима бало? – деди Фармонов, унинг гап оҳангидан норози бўлиб, – ё улар сизни даллол қилиб юборишдими?

– Йўқ, нега, мен бўлган гапни гапиряпман. Ҳар бирининг ўз ғами, ўз қувончи, олам-олам ташвиши, манфаати...

– Мен сизни шахс манфаатини эмас, коллектив манфаатини ҳимоя қилинг, деб юборган эдим, – Фармонов хафа бўлса ҳам, оғиргина гапирди, у камдан-кам қизишар эди. – Йўқ, бу гапларингизнинг биронтасини ҳам узрли деб ҳисоблаб бўлмайди. Рўйхат қилиб беринг, чора кўриш керак.

– Сиз уларнинг қандай одамлар эканини билсангиз эди, ўртоқ Фармонов... – деди Йўлдош ялингандай.

– Билгим ҳам келмайди, интизомидан кўриниб турибди кимлиги. Уларнинг ҳар қайсиси: мен бошқаларга ўхшамайман, мен алоҳидаман, деб ўйлайди. Йўқ, биз ҳаммамиз бирмиз, биз яқдилмиз, биз коллективмиз, ҳа!

– Шундай-ку, лекин ҳар бирининг қалбига кириб, кўйнига қўл солиб кўрсангиз...

Фармонов ўтирган жойида кўзини катта очиб, ёш болани эркалагандай кулимсираб қаради.

– Биласизми, менинг кўлимда икки минг, уч минглик коллективлар ишлаган.

Агар мен ҳар бир одамнинг қалбига кириб чиқаверсам, бутун умрим кирди-чиқди билан ўтарди. Раҳбар деган ҳеч вақт ҳар бир шахсни алоҳида тарбиялай олмайди, акаси, бунинг учун қудратли коллектив бор. Коллектив бизнинг кўлимизда катта қурол.

«Қурол эмас, бу сизга ниқоб!» деб юборишига сал қолди Йўлдошнинг. Кейинроқ ўзини босиб, ўйласа: яхши ҳам айтмаган экан, нақ Саиднинг гапи бўлиб чиқарди. Йўлдош энди Саидни нафратсиз ёдга ололмайди. Шунча савлат, шунча чиройли гаплар бари пуч экан, унинг коллектив юзига оёқ кўйиб кетиши Фармонов олдида Йўлдошнинг тилини қисик қилиб кўйди.

–...Ҳар бири бир олам эмиш-а!.. – давом этди Фармонов. – Ҳар ким ўзини алоҳида олам, деб ҳисобласа, жамоа нима бўлади?

Йўлдош Фармоновнинг нима демоқчи эканлигини тушунмай, кифтини қисди. Гарангсиб чиқиб кетди.

Фармоновнинг ёшлар билан ишлаш иштиёқи ҳар замонда худди иситмадек хуруж қилиб қолар эди. Кейинги вақтларда авжи пасайди шекилли. Йўлдошни чақиртирмай кўйди. Айтишларига қараганда, қандайдир хўжалик ишлари билан жуда қаттиқ банд эмиш.

Йўлдош ҳам бошқа нарса кўнглига сиғмай, Азизани кузатиш билан банд бўлди. Унинг олдига боролмас, тайёрлаб кўйган гапларини айтолмас, фақат зимдан кузатар эди: Саидни излаб шаҳарга тушяптими, йўқми? Йўлдош учун ҳозир энг муҳим нарса шу эди.

Баҳор ўтиб, ёз куёши чўлни шафқатсиз қовжирата бошлади. Оқшомлари истироҳат боғида ҳаваскор духовой оркестр ҳаммага таниш бўлиб кетган куйларни чалар, ёш-яланг ўзининг сирли ишлари билан банд, фақат Йўлдош ёлғиз, Азизанинг деразаси тагида айланар эди. У қизни учратиб гаплашолмаса ҳам, кўнгли анча

тинчиб қолган эди: Азизанинг шаҳарга тушганини кўрмади ҳам, эшитмади ҳам.

Бу орада комбинатда ҳам керамзит цехи ишга тушиб, анча ўзгаришлар, янгиликлар юз берди. Янгиликларнинг муҳими шу эдики, комбинатга хомашё ташийдиган янги йўллар очиш учун ёшлардан бригадалар тузила бошлади. Шундай бригадалардан бирини тузиш Йўлдошга топширилди. Янги, нотаниш ерларга кўчиш, ўз тенги ёш-яланг билан дала-даштда чодир қуриб яшаш, катта пул ишлаш ҳаммани қизиқтирар, «Мени ёз! Мени ёз!» дейдиганлар кўп эди. Аммо Йўлдош кўпроқ Тўлаган, Эргаш, Темир, Пўлат, Салим – ваҳима, Нормат, Зариф сингари ўз танишларини рўйхатга олди.

Ҳаммалари ич-ичидан жонланиб, «Қачон экан?» «Қаёққа?» «Ким бошлиқ бўлади?» деб бир-бирига минг хил савол бериб, шайланиб юрганларида, бирдан маълум бўлдики, тоғдаги силикат конларига йўл очадиган бу бригадага Фармонов бошлиқ бўлиб борар экан. Бошда ҳамма бирдан гангиб қолгандек қош чимирди-ю, лекин мулоҳазага вақт йўқ эди – жўнаш муддатлари тезлашиб кетди. Фақат Йўлдош ўйланиб қолди: Фармонов у тузган рўйхатни кўриб нима дейди? «Уни ўчир – бунга ёз»га тушиб кетса, ишни бошдан бошлашга, балки дўстлардан ажралишга ҳам тўғри келади-ку?

Хайриятки, Фармонов шахслар билан қизиқмади, рўйхатдагиларнинг биронтасини танимасди ҳам, фамилиялари ҳам ёдида йўқ, у Йўлдошнинг ўзини ҳам баъзан танимай қолар эди.

– Коллектив тайёри, – деди у ишчан хушчақчақлик билан. – Нечта бўлди? – деб рўйхатнинг охирига қаради-ю, касбларини суриштириб, олиб қолди. Йўлдош хурсанд эди. Фармонов ҳам бу сафар унга ёқди: «Ёмон одам эмас бу, худо ҳаққи!» деди ичида. Зинадан югуриб тушаркан, ялт этиб эсига келди: Азизага бориш керак!

Кетишга икки кун қолди, ҳар куни бориши керак. Хайрлашиш баҳона, балки дилидагини ҳам айтиб олар. Кетишдан олдин айтиб олса яхши бўларди, тараддудда қийналиб юришдан ёмони йўқ. Янги борадиган жойларида ҳали иш қанақа бўлади, шароит қандай бўлади – ҳар қандай оғир пайтда ҳам кўнглингда бир умид бўлса, мушкулинг осон кўчади.

У ҳеч ерда тўхтамасдан Чўлободга югурди. У ерга энди тик йўллар тушган, Чўлободнинг номи ҳам расмийлашиб, ундан комбинатга автобус қатнайдиган бўлган эди. Одам кўз ўнгида юз берган ўзгаришларни сезмайди. Йўлдош Азизаларнинг уйи кўркамгина

сувоқдан чиқиб, эшик олдида гулзор пайдо бўлганини, ариқларга шилдираб сув келганини ҳам пайқамабди.

Таниш тугмани босганида эшикни Азизанинг онаси очди. У қизига жуда куюнса ҳам, унга гапи ўтмаганидан зорланувчи муштипар.

– Кетди, – деди, кўзига ёш олиб, – ўшани излаб кетди.

Йўлдошнинг юраги орқага тортиб, ранги қув ўчди. Илгарилари шундай бўлишини кутса ҳам, бу сафар сира хаёлига келтирмаган эди. Устидан совуқ сув қуйгандек, бутун ҳаяжонлари, ҳислари, тайёрлаган ўтли сўзлари ҳам бирдан совиб, мулзам бўлиб орқага қайтди. «Қаёқда эдингиз, болам, нега илгарироқ келмадингиз?» – деразадан онанинг товуши эшитилди, лекин Йўлдошда жавоб қилгудек мажол йўқ эди. Ҳақиқатан ҳам қаёқда эди, нега илгарироқ келмади? Бўшанглигидан, ландовурлигидан. Саиднинг кетишига ҳам шу сабаб бўлган эди. Саид-ку гўрга, ундан нари... Лекин мана буниси ошиб тушди. Келиб-келиб, йўл қурилишига жўнаш олдидан...

Йўлдош ётоқхонага қайтиб, ичкарига киргиси келмай, ҳовлидаги гулпечак чирмашган серсоя сўри остидаги чорпояга чўзилди. Дам қаёққадир шошиб кетаётган Азиза, дам камарига қўлини тикиб тикилиб турган Фармонов кўз олдига келар, гоҳ вагонеткаларнинг товуши, гоҳ сершовқин дўстлари тўла машинанинг чўлларда елиб бориши қулоғига эшитилар эди. Нимани ўйлашни, нимада тўхташни билмайди. Қандайдир ўт ичидан илжайган Саиднинг башараси кўзига кўриниб, ўйлашга халақит беради. Индинга кетиши керак. Азизани кўрмай кетадими? Юрагидаги дардини айтмай кетадими? Наҳотки... Наҳотки...

Бу пайт Азиза шаҳарда Саид ижарада турган уйнинг эшигини тақиллатмоқда эди. «Ҳовлида қопағон ит бор» деб ёзилган тунука лавҳадан ваҳимага тушиб, нарироққа бориб турди. Эшик очилавермади. Яна оёқ учида бориб аста тақиллатди-да, ундан ҳам нарироққа қочди. Муюшда бозорча бор экан, кўча гавжум эди. Эрталабдан бери шаҳар кезиб шу ҳовлини қидирган Азиза сумкасини дам у қўлига, дам бу қўлига олиб, оёғида зўрға турар, ғуборли хавони офтоб қизитгандан қизитар эди.

Ниҳоят эшик секин ғирчиллаб очилди. Ўрта ёшлардаги, дўмбоққина, истараси иссиқ аёл эшикдан бошини чиқариб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Азиза «Аяча, аяча!» деб югуриб бормаса, эшикни ёпиб кириб кетадиган. Азиза Саидни сўради. Шу ерда тураркан, лекин ҳозир ишда экан.

– Сиз кими бўласиз, айланай? – деб сўради ширин сўз «аяча» қизнинг бошидан оёғигача разм солиб.

– Мен... Мен у кишининг илгариги ишлайдиган жойларидан... Сингил қатори...

– Ҳа-а... – деди маъноли қилиб аяча. – «Сингил»ларингизни олиб келмайсиз, деб шартлашган эдик-ку у киши билан?!

У семиз гавдаси билан бир тўлғаниб, ингичкагина икки ўрим сочини елкасига силкиб ташлади.

– Шунақа шарт ҳам бўладими? – деб сўради Азиза.

– Ҳо! Бу ижарачиларни кўп кўрганмиз, оймим қиз. Айниқса бўйдоқлари... – аячанинг кўзлари мойланиб, Азизага: «Тушуниб турибсан. Хўш, ўзинг қанақасидансан?» дегандек қадалиб турарди. – Шарт қўймаса бўладими, ўргилай.

Бу аёлнинг ғалати тагдор гаплари Саиднинг шаънига доғ тушираётгандек туюлиб, Азизанинг орини келтирди.

– У кишини кўришим керак эди. Узоқдан келганман. Қачон қайтаркин?

– Кира қолинг, – деди уй бекаси зарда қилгандек, бурилиб ичкарига юрди.

Азиза ваҳима билан ўнгу сўлига аланглади:

– Ит-чи? Ит қаерда?

– Ит йўқ! – деди хотин орқасига қарамай. Эшикдаги ит сурати солинган тунука эсида ҳам йўқ экан чоғи. Азиза унинг изидан сўри томон юрди.

Бу кўримсизгина бир ҳовли эди. Деворлари нураган, иккита қариб қолган олма соясида, зах, гўнгли тупроқда уч-тўрт жўяк ола чиққан қулупнай, беш-олти туп атиргул. Узун айвонга туташган уч хонага уч эшик. Бека паст пошна амиркон туфлисини ғарчиллатиб, шу эшикларнинг дам униси, дам бунисига кириб чиқар, нима қилаётганини билиб бўлмас эди.

– Узукларингиз бирам чиройли экан! – деди Азиза. Беканинг кўлидаги кўшалок олтин узукка бояёқ кўзи тушган эди. – Қаерда ишлайсиз, аяча?

– Вой, сиз томонда одатми дейман, Саиджон ҳам мени авваллари «аяча» деб юрди. Наҳотки шунақа қариб қолган бўлсам?! Отим Малоҳат, ўргилай.

– Ёлғизмисиз, Малоҳат опа?

– Ёлғиз бўлмасам мана бу ер ютуруларга чўри бўлиб юрармидим, айланай! Буларнинг ташвиши оз дейсизми?

– Ижарачиларингиз кўпми?

– Учала уйимда ҳам одам. Сўққабош бўлса гўрга-ю, кампир-сампирлиги ҳам бор, жонимдан тўйиб кетаман.

– Саид ака қайси уйда туради?

Малоҳат имо билан кўрсатди. Бояги уч хонадан бири экан.

– Кўрсам майлими? – Азиза Саид турадиган хонага кирди. Бу катта хонада аввало девордаги катта қизил гилам лов этиб юзига урилди. Полда ҳам катталигидан икки буклаб солинган хитой гилам. Тошойнали гардероб тепасида чинни вазалар, Берлинда чиқадиган қимматбаҳо гарнитур йилт-йилт этади, бахмал пардалар, телевизор, магнитофон... Азизанинг оғзи очилиб қолди, ҳеч кимнинг уйида бунақа даҳмазани кўрмаган эди.

– Мунча чиройли! – деди у кўзлари ўйнаб.

– Вой, топганига яраша-да, ўргилай, қандини урсин! Кимсан горгазнинг контролёри туради бу уйда, сал кам инженер-а!..

– Шуларнинг ҳаммаси Саиджонникими!

– Вой, меники бўлармиди? Мен бир бева бечорада бунақа нарсалар қаёқдан бўлсин, айланай? Бозор-ўчаримга етиб турса бўлгани.

Азиза жиҳозлардан ҳамон кўз узолмай, курсига омонатгина ўтирди. Малоҳат йилт-йилт қилиб турган сервантни дам енги билан, дам этаги билан артиб гапирарди.

– Саид акамнинг ойлиги шунақа каттами? – деб сўради Азиза.

– Вой, ўргилай, тушунмаган одамдай гапирасиз-а. Ким ҳозир ойликнинг ўзи билан туради? Бунақанги авлиёлар қаёқда дейсиз!

– Бўлмаса қаёқдан...

– Ажаб содда экансиз! Шу шаҳри азимнинг нечтаки ўчоғи бўлса бари шу кишининг қўлида-да, ўргилай. Ён деса – ёнади, ўч деса – ўчади. Ундан кейин, буларнинг ҳаммасининг рухсати бор дейсизми? Бири ўғрича, бири техникага хилоф, дегандай... Мен сизга айтсам, газ плита қўйдириш бир дунё ташвиш: навбати дейсизми, плани дейсизми, рухсати, баллони дейсизми! Бир йиллаб навбат кутиб юрганлар бор. Шунақалар Саиджоннинг қаловини топсами – бир кунда таппа-тайёр-да: рухсати ҳам, схемаси ҳам, плитаси ҳам, ҳаммомида ҳам, ошхонасида ҳам! Ими-жиммида, тушундингизми?

Азизанинг юраги ўйнаб, юзлари оппоқ оқариб кетди.

«Тухмат! Тухмат! Ғаламис аёл экансиз!» деб қичқириб юбормаслик учун тишини-тишига қўйиб ўтирарди. Саид бундай бўлиши мумкин эмас. Йўқ, йўқ!..

Малоҳат жиҳозлар орасида лапанглаб юриб давом этарди:

– Пулини қўйинг, мартабасини айтинг, ўргилай, нима десангиз ҳам, иши савоб иш-да, ҳозир шаҳарда энг таниқли одам ким десангиз

гиз, шу Саиджон. Ҳа, айтгандай, очиқроқ айтмадингиз, кими бўласиз, ўргилай?

Бунинг унга нима қизиғи бор? Саиджонга бутунлай бегона бўлса. Бировнинг ишига аралашиб нима қилар экан.

Аёл Азизанинг кўзига бирдан совуқ кўриниб кетди. Шубҳа билан қараши, бақ-бақалоқ бармоқларидаги катта олтин узуклари, дидсиз кийиниши, ёш бўлиб кўринишга уриниши кулгисини кистатди.

Бир вақт Саид келиб қолди. Уйда биров борлигини пайқади шекилли, шошиб кирди. Дик этиб ўрнидан турган Азизани кўриб тўхтаб қолди. У яна ҳам тўлишган, юзи шаҳарликларникига ўхшаб оқаринқираган, устида янги чиққан лавсан костюм. Асбоб сумкасини остонага қўйди-да, нарироқда сурбетлик билан тикилиб турган Малоҳатга ўқрайиб қаради. Аёл буни тушуниб, зарда билан туфлисини ғирчиллатиб чиқиб кетди. Шундагина Саид Азиза томон интилди, аммо Азиза илгаригидек кучоғига ташланмай, секин бош эгди.

– Энди хат ёзай деб турган эдим... – деди Саид чайналиб.

– Ўзингизни оқламанг.

– Ўзимни нега оқларканман, бирон жиноят қилибманми? – Саид Азизага ёқадиган одатдаги мулоимлигини қилиб суйкалиб келаверди: – Ўзингиз тузукмисиз, попук, келганингиз жуда яхши бўпти-да. Оғайнилар қалай, нима янгиликлар бор?

Азиза ён берди, юзидан ўптирди. Саид ҳам шу билан саволига жавоб олгандек, бошқа гапга ўтди. Чой дамлаб келди, ҳашаматли буфетдан қимматбаҳо конфетлар билан тузалган кумуш патнис олди.

– Қачон келдингиз, йўлда хўп чарчагандирсиз?..

У кўп гапирар, кўп сўрар эди, лекин Азиза пайқадики, жавобига унча қизиқмаяпти.

Жажжигина йилтироқ столчада ўтириб чой ичишди.

– Иссиқ, – деди у енгил ҳансираб. Сал қалқиб чиқа бошлаган қорнининг пасту баланд тебрангани билиниб турарди.

– Ўзингиздан жуда мамнунсиз дейман? – сўради Азиза чой хўплай туриб. Саид илжайди. Жиринглаган телефонга ўтирган жойидан қўл узатди.

– Қўйишмайди, – деди гаплашиб бўлгач.

Сал ўтмай телефон яна жиринглади. Саид қўнғироқ қилган одам билан писанд қилмай, ҳафсаласиз гаплашар эди.

– Қаёқдан излаб топишади-я? – деди трубкани қўйиб. – Билишади, ишқилиб. Хурмат қилишади.

– Ишлайдиган коллективингизданми?

– Коллектив... Айтгандай, йўлдошлар юришибдими «коллектив, коллектив» деб? – беозор жилмайди у. Кейин саволига жавоб кутмай давом этди: – Бизда коллектив бори-йўғи ўн уч киши. Бир-биримизни кўрмаймиз ҳам. Бу телефон қилган улар эмас, халқ.

– Мақсадингизга эришибсиз-да? – Азиза ер тагидан қараб сўради: – Коллективдан озодсиз, мустақилсиз, халқ орасида машҳурсиз.

– Саид илжайди. Ажабки, у илгаригидек эҳтирос билан суҳбатлашмас, пичингларга ҳам парво қилмас, умуман у билан гаплашиш анча зерикарли эди.

– Бу молу мулкни дарров қаёқдан орттира қолдингиз? – деди Азиза атрофга имо қилиб.

– Бе, менинг бу ерда ҳеч нарсам йўқ. Мана, магнитофон олдим, бу меники.

– Қолгани-чи?

– Қолган бари Малоҳатники, буларга ҳам пул олади.

– Азизанинг боши қотиб қолди. Қайси бирига ишониш керак.

– У қаердан олади? Ишламаса..

– Э, у уста хотин, – деди Саид. Мақтаб айтдим, қоралабми – билиб бўлмасди.

– Менга қаранг, Саиджон ака... – Азизанинг кенг ёноқлари қизарди, қисик қўзлари чақнаб, шаддодлиги тутди: – Ўзгариб кетибсиз. Ташлаб кетган уч минг кишилиқ коллективингизни эслайсизми? Дўстларингизни-чи? Клубдаги, боғдаги оқшомларни? Анов ўт ичига кирган кунингизни-чи? Сиз унда кўркам эдингиз, қалбан кўркам эдингиз, эслайсизми?

– Саид Азизанинг товуши ўзгарганидан сал чўчиди-ю, ҳаяжонини билдирмади.

– Эслайман, нега эсламас эканман, – деди совуққина.

– Йўқ! Эсламайсиз. Сиз сўла бошлабсиз. Печак чирмаша бошлабди сизга. Ҳамма нарсага лоқайд, бефарқсиз. Қаёққа кетаётганингизни...

– Мен сизни... ахир, попук, мени кўргани келибсиз, деб хурсанд бўлсам... Сиз ташвиқотга келган экансиз.

– Ҳа! – деб қичқирди Азиза. – Сизни кўргани келиш керак, зиёрат қилиш керак сизни, сиз буюк шахсиз! Алоҳида, беназир, ноёб шахс! Махсус экскурсия уюштирамиз! Майдонга бориб, педесталга чиқиб туринг!



– Бўлмаса, майли, қилинг ташвиқотингизни, нима дейсиз?

– Биз сизни одам деб, қутқазамиз, йўлга соламиз, деб юрибмиз. Эссизгина... Лекин йўқ, барибир қўймаймиз, қулоғингиздан тортиб чиқарамиз бу ботқоқдан! Ҳали Йўлдошлар билан келамиз! – Азиза сумкасини олиб шартта чиқиб кетди.

– Азиза! Попук, менга қаранг...

Азиза чиқиши билан ҳовли эшиги тарақ этиб ёпилиб, занжири тушди. Бу уй бекаси Малоҳат эди. Баланд девор, ёпиқ эшик орқасидан Саиднинг чақирган товуши эшитилмай қолди.

Умидлари пучга чиқиб, қаттиқ изтиробга тушган Азиза кўчада ит сурати солинган муздек тунукага пешанасини тираб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

«Ҳали Йўлдошлар билан қайтиб келамиз» дерди у йиғлаб. Азизанинг бирдан-бир умиди шу эди.

Йўлдошлар эса бу маҳал комбинатдан икки юз ўттиз километр узоқда, тоғ-тошлар орасида янги иш жойларини кўздан кечирмоқда эдилар. Негадир Довтепа деб аталадиган бу жойлар қадимда ҳам карвон йўли ўтмаган, ёввойи дашт экан. Бир томони яланғоч ясси тоғлар билан ўралган, бир томонидан пастлаб нафсиз дарё оқиб ўтарди. Комбинатга бу ердан бирдан-бир йўл – шу дарё. Агар тоғдаги конлардан дарёга тикка йўл очилса, силикат маъданлари қарийб текинга тушади. Йўлдошлар Довтепага мана шунинг учун келиб ўтиришибди.

Уларни баржаларга ортиб, ўн беш-ўн олти кун деганда бутун лаш-лушлари билан келтириб ташлашди. Лойиҳачилардан қолган икки чайла ёнига учта ётоқ-вагон, ошхона билан омборлар учун яна бир нечта брезент томли тахта палаталар ўрнатилди. Табиий пристандай қулай қирғоқ экан, скреперлар, экскаваторлар баржадан «ўз оёқлари» билан юриб чиқаверишди. Биринчи ҳафтадаёқ движок ишга тушиб, хувиллаб ётган қирларга жон кирди. Юк ташиш, жойлашиш, лойиҳани ўрганиш, график тузиш, сменаларга бўлиш ишларининг ҳаммаси билан Фармонов шахсан ўзи шуғулланди. У ошхона ичкарасидаги кичкина тахта каталакни идора қилиб олган, кечалари билан чироғи ўчмас эди. Иш кўплигиданми, бу ерда вазминлиги йўқолиб, тез-тез асабийлашадиган бўлиб қолди. Йўлдошни идорага чақириб, панжасини камари орқасига суқиб, кўзойнак тагидан савол назари билан узоқ қараш учун вақт ҳам, шароит ҳам йўқ эди. Қаерга борса Йўлдош ҳам, бошқалар ҳам ёнгинасида, яхши-ёмон қилиқлари, хулқ-атворлари билан – ҳам-

маси кўз ўнгида, товуши, сурони, ҳазили, кўшиғи ҳамиша қулоғида. Ёшлар тенгларидек бўлиб кетди.

«Мана буни кўтаришиб юборинг, ўртоқ Фармонов!» деб мурожаат қилади кимдир баъзан шерик етишмай қолганда. Фармонов ҳам у билан хода кўтаришга мажбур бўлади. Ўзини қандай тутишни билмайди, баъзан худа-беҳудага жаҳди чиқади, ҳамма ҳам гапига жим туриб қулоқ солавермайди-да, ахир, мажлис эмас, кенг дала.

Хуллас, у ҳали сира бундай аҳволга тушмаган эди. Очиқ ҳавода бирга ётиб, бирга туриб, бирга нонушта қилгандан кейин, катта-кичик фарқи қолмас экан. Фармонов уч-тўрт куннинг ичида йигитлардан баъзиларининг исмларини ҳам билиб олди.

Техника запас қисмлари билан портловчи моддалар келган куни аксига олиб ёмғир савалай бошлади. Қоронғи тушмасдан ташитиб олиш ташвишида турган Фармонов яшиқ, қоғоз қоп турганда уч-тўрт боғлам китоб кўтариб ўтаётган йигитни кўриб жони ҳалқумига келди.

– Тўхта, қайт! Нима бу? – деб қичқирди Фармонов, ёмғирдан пальтоси шалоббо бўлиб кетган, сал қалтирар эди.

– Китоб бу, китоб, ўртоқ Фармонов, мен ҳозир! – Китоб кўтарган йигит этигини лойдан суғуриб, тўхтамай югураверди.

– Тўхта дейман! Отинг нима?

– Отим Пўлат! Пўлат! – деди тўхтамай, ёмғирда ивиб кетган китобига ачиниб, қирғоқдан тикка йўл солди. – Мен бир зумда қайтаман!

Лекин вазоҳати ўзгарган Фармонов унинг рўпарасидан тўсиб чиқди, елкасига қўл тегизиши билан, Пўлатнинг оёғи тойиб кетиб, бир боғлам китоб елкасидан тушиб кетди. Ёмғир шиббалаб ёғар, ёшлар: «Пўшт! Пўшт!» деб бақириб-чақириб, лой сўқмоқлардан йиқилиб-туртиниб юк ташишар, ивиб кетган Фармонов ғазабланиб «виждонсизлик», «шахсий лаш-лушлар» ҳақида алланималар деб қичқирар, Пўлатнинг эса қулоғига гап кирмас, лойга қоришиб ётган китобларига йиғлагудек бўлиб тикилиб турар эди.

Ниҳоят, у Фармоновга қараб ўқрайиб, китобларини йиғиштириб олди-да, вагонча томон кетди. Фармонов унинг исм, фамилиясини суриштириб, ёзиб қўйди. Энди у бу исмни унутиши мумкин эмас эди.

Эртасига у Пўлатни чақиритишни буюрди. Лекин йўлдош югуриб чақириб кела қолмасдан, остонада депсиниб тураверди.

– Энди, ўртоқ Фармонов, ишни шундан бошламасак, – деди у одатдагидан дадилроқ туриб.

- Нимадан?

- Шу... чақириб койишдан-да. Унинг ўзи шунақа, китобсиз туролмайди.

- Китобни мен ҳам яхши кўраман, акаси. Яна анчагина нарсаларни яхши кўраман, лекин кўпчилик давлат иши деб жон фидо қилиб турганида, шахсий манфаатимни устун қўйиб, ўша ўзим яхши кўрган нарсаларим билан машғул бўлолмайман. Бу худбинлик, интизомсизлик! Биринчи кунданоқ коллективни тўзатиб юбормоқчимисизлар?

Фармоновнинг камарига таяниб туриши бу ерда ярашмабди. Гимнастёркаси ғижим, хужра тор, қоронғи, тепадаги целлулоид туйнукчадан хирагина нур тушиб турибди, холос, стол йўқ, пол йўқ, бурчакда юпунгина йиғма каравот...

Йўлдош жуда чарчаган. Бунинг устига-устак томоғи шамоллаган эди. Намакоб билан ғарғара қилиб юриб, кечагина зўрға тузатиб олди. Бугун куни билан трассага парма тишлари, бурғу тўқмоқларини ташиб, ҳозиргина қайтиб келди. Пўлат ҳам ўша ердан келиб ҳансираб ўтирибди. Йўлдошнинг уни чақириб бергани кўнгли бўлмади.

- Пўлатни ўзимизга қўйиб беринг, раҳбар одам ҳеч вақт ҳар бир шахснинг тарбияси билан алоҳида шуғулланмайди. Бунинг учун коллектив бор, - деди Йўлдош.

- Бекор гап!

- Бу ўзингизнинг гапингиз, ўртоқ Фармонов.

Фармонов уни танитай қолгандек, кўзларини пирпиратди.

- Аммо ўша гапингизнинг жони бор эди: агар сизга ўхшаш раҳбар тарбия ишига киришса, Пўлатларнинг ҳам коллективни ташлаб кетиши ҳеч гап эмас. Саид нима бўлганини...

- Гапирманг менга у шуҳратпарастни! Биласиз-ку унинг биздан нима талаб қилганини! Сиз кимларнинг тарафини олмоқчисиз, акаси?

- Акаси деманг, отим бор. Аслида Саид нима-ю сиз нима! У коллективни менсимай кетиб қолди. Сиз-чи? Сиз менсийсизми? Сиз ҳеч қайсимизни танитайсиз, билмайсиз. Саид-ку дилидагини ҳар ҳолда очиқ-ойдин билдирди. Сиз бўлсангиз менсимаслигингизни яширмоқчи бўласиз, «коллектив», «омма» оғзингиздан тушмайди, ашаддий «демократ»сиз. Шошмай туринг ҳали сизни ҳам тарбиялаб олишга кучи етади коллективнинг. Тарбиялай олмаса ҳам, эсингизни киритиб қўяди.

Йўлдош тахта эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Фармоновнинг ранги ўчиб ғужанак бўлиб қолди. У биринчи марта ўзини бунчалик ожиз сезиши эди, хўрлиги келди. Қандай адолатсизлик? Булар нега унинг юзига оёқ кўйишади? Нега бунчалик ёмон кўришади? Бу совуқлик илгари ҳам бормиди, ёки шу ерга келганларидан кейин пайдо бўлдимиз? Илгари ҳам бор эди шекилли. Бор эди-ю, лекин у вақтларда Фармоновнинг бу ҳақда ўйлашга эҳтиёжи йўқ эди. Мана энди ўйланиб қолди. Нега бундай?

Наҳотки бошлиқ бўлса-ю, ўз коллективи билан бўлган муносабатни ўзи белгилаб беролмаса? Ё бу унга боғлиқ эмасми? Нега?

Нега? Нега? Нега? Қўл остидаги одамлар билан юзма-юз яқинлашган сари, Фармонов ўчакишгандай низоларга тикка қараб бораверди. Бу унинг асабини бузар, айна чоқда завқ ҳам берар, қийнар, минг хил саволлар туғдирар эди.

Орадаги муносабат тобора таранг тортмоқда эди. Йўлдош баъзан ўзининг Фармоновга қилган шаддодлигидан пушаймон бўлар, лекин бошлиқ баъзан ёшлар билан қаттиқ олишиб қолса ҳам, идорага чақиртирмай, ўша ернинг ўзида ишни бир ёқлик қила бошлаганини кўрганда эса, муносабатларининг мана шундай таранг тургани маъқулмикан, деб ўйлаб ҳам кўяр эди.

Бу вақт ҳамма жабҳаларда иш бошланиб кетган эди. Қирларнинг орқасидан скреперларнинг овози эшитила бошлади, қияликдаги тандирда чирсиллаб арча ёнади, дарё соҳилига янги сўқмоқлар тушди, сменага чақирувчи рельс жаранги қулоқларга синашта бўлиб қолди. Трассанинг ўзи узун эмас, лекин ишнинг қийини бўлғуси йўлни тўсиб турган икки ясси тепаликни қирқиб олиб ташлаш эди. Айниқса наригиси, тоғ этагидагиси девор каби тикка, узоқларга чўзилиб кетган, гўё бу ердан йўл ўтмасин деб атайлаб ясаб қўйилгандек, Довтепа деган ном ҳам эҳтимол шу билан боғлиқдир. Бу тепа нуқул қоя тошли тоғ жинсларидан иборат бўлиб, уни портлатишдан бошқа чора йўқлиги лойиҳадаёқ кўрсатилган эди. Шунинг учун бу тепада ҳозирдан ўнлаб қия қудуқлар, шурфлар кавлаш зарур деб топилиб, асосий куч ўша ерга ташланди, чўкичли парма станоклари ўрнатила бошлади.

Фармонов, болаларнинг ишидан мамнун бўлса ҳам, муомалаларини ҳазм қилолмасди. Уларнинг муомалалари жуда жўн, содда, «бошлиғимиз» деб ҳайиқиш йўқ, гўё ўз тенгқурларидек. Аслида ҳеч ким бошлиқнинг обрўсини туширишга уринаётгани йўқдир, лекин Фармоновга уларнинг ҳар бир қилиғи шунга қаратилгандек туюлар эди.

Бир куни портлатиш тармоқларининг монтажи ҳақида ин-структаж бўлди. Тўлаган билан яна бир-икки йигит «биламиз» деб, келишмабди. Фармоновнинг қаттиқ ғазоби келди: «Билса билар, ахир бошлиқ айтгандан кейин келиш керак-да!»

Кечга яқин Фармоновнинг ўзи ётоққа бориб, ўзбошимча Тўлаганнинг адабини бериб қўйишга қарор қилди.

Тажанг бўлиб бориб эшикни очса, ётоқда ҳеч ким йўқ. Лекин ғи-ра-шира қоронғи пучмоқдан овоз чиқди:

– Нега сўроқсиз кирдинг, йўқол! Нега сўроқсиз кирдинг, йўқол!

Фармоновнинг сочи тикка бўлиб кетди: бу қанақа муомала? Ичкарироқ кирди. Каравот саранжом, дарпардалар туширилган, ҳеч ким кўринмайди-ю, ҳалиги овоз яна такрорланди:

– Нега сўроқсиз кирдинг, йўқол!

Фармонов бурчакка қараса, бутун бошли устахона – усти очиқ радиоприёмниклар, телефон трубкалари, антенналар, чу-валиб ётган симлар, ғалтак, болға, қисқич... Буларнинг ҳаммаси Тўлаганники эди. Мана у нима билан банд!..

Фармонов буни ўйлаб улгурмай, ҳалиги овоз яна эшитилди:

– Нега сўроқсиз...

Фармонов пайқадиди, бу магнитофон экан. Жаҳл билан шартта тугмасини босиб, овозини ўчирди. Бироқ шу пайт бошига тақ этиб калтак тушди. Бошини ушлаб тепага қараса, шифтда лапанглаб ўқлоғи осилиб турибди. Қайириб олиб ташлайман деб жон-жаҳди билан ушлаб тортган эди, устига қаёқдандир шувиллаб кум тўкил-ди, оёқ остида мушак портлаб, кўзи тинди.

Қони миясига уриб, дарғазаб бўлиб кетганидан на кўзини уқа-лаш, на уст-бошини қоқиш хаёлига келар, атрофга аланглар эди.

– Безорилар! – деб бақириб, телбаларча бориб бурчакдаги қан-дайдир асбобларни тепиб ағдарди, устига чиқиб яна тепкилади, нима балолар тарақ-туруқ ағдарилиб, лампалар чил-чил синди. Фармонов отилиб эшикдан чиққанида, ҳамма ёғидан шув-шув кум тўкилар, уст-боши ифлос, кўзи тинган эди.

Вужуди ғазабдан ловиллаб турган бўлса ҳам, кўзларида: «Ҳеч ким кўрмадимикан важоҳатимни?» дегандек савол бор эди.

Хайрият, атрофда деярли ҳеч ким йўқ экан, фақат бошлиқни узоқдан кўрган ошпаз хотингина: «Вой ўлай!» деганича уйнинг па-насига ўтиб кетди.

Тўлаган билан оғайнилари ишдан қайтишганда ошпаз хотин-дан бу гапни эшитиб, аввалига қотиб-қотиб кулишди, кейин эсларини йиғиб, «Яхши бўлмабди, бориб узр сўраш керак», де-

ган қарорга келишди. Ахир Тўлаган бу ҳазил «техника»ни қурганида, вагонга бошлиқ кириб қолар, деб хаёлига ҳам келтирмаган эди-да. У буни ҳазилкаши Темир учун қилган. Темир: «Қисқа тўлқинли радиопередатчик орқали қизлар билан танишамиз», деб Тўлаганларнинг вагонига келаверди. Кечаси ҳам, кундузи ҳам. Тўлаганнинг борида ҳам, йўғида ҳам келиб, аппаратларга рухсатсиз тегаверди. Маълумки, рухсатсиз, парольсиз эфирга чиқиш мумкин эмас. Шунинг учун Тўлаган ҳалиги «техника»ни ўйлаб чиқариб, Темирнинг адабини бермоқчи эди. Бу «қопқон»га келиб-келиб Фармонов илинибди. Йўқ, ундан бориб узр сўраш керак. Яъни шундоқ-шундоқ эди, ўртоқ Фармонов, кечирасиз, деб...

Бироқ вагонга кириб, аппаратларининг пачоқ-пачоқ бўлиб ётганини кўргач, Тўлаганнинг фиғони фалакка чиқиб кетди. Бу инсофдан эмас, ҳазилни тушуниш керак ахир, бошлиқ бўлмайдиган худо бўлсанг ҳам! Ахир буларни бунёдга келтиргунча...

Тўлаган йиғлағудек бўлиб, мажақланиб кетган передатчигининг қолдиқларини йиғиштира бошлади. Чилпарчин бўлиб кетибди-я аппарати. Тўлаган узр сўрамади, бошлиқ ҳам чақиртирмади. Қўнгилсиз воқеа шундай қилиб босди-босди бўлиб кетгандек эди-ю, бироқ орадаги муносабат борган сари кескинлашиб борарди.

Худди шукунлари Довтепага Фармоновнинг қизи келди-ю, аҳвол ўзгарди-қолди. Қиз рассом эди. Ёзги каникулини чўлда ўтказмоқчи бўлиб, комбинатга келган экан, отасининг Довтепадалигини эшитиб, йўлни бу ёққа солибди. Эсанкираб қолган дадасини дарров тинчитди: «Худди мен қидирган манзаралар шу ерда экан: тоғ, дарё, тошкесарлар!»

Фармоновнинг оилавий, қариндош-уруғлик муомалаларини сира кўрмаган ёшлар бу учрашувга жуда қизиқиб қолишди. Ажабки, сира ўйламаган жойда Фармоновнинг оталик меҳри жўш уриб, юриши, товушида, юз-кўзида мулойимлик пайдо бўлди. Қизи ёлғизланиб, қийналиб юрган кунларда келди шекилли, қаерга борса, Раъносини ёнидан узоқлаштирмас эди.

Раъно – чўпдеккина, озғин, қорача. Кўримсизгина бўлса ҳам, анча эсли, бамаъни, ҳунарига жуда берилган қиз экан. Шунинг учун авваллари фақат Фармоновнинг қизи сифатидагина диққатни тортган Раъно кўп ўтмай йигитларнинг тинчини ўғирлаб қўйди. У ҳамма жойда ўзи ҳақида гап бўлаётганини, йигитларнинг атайлаб у ишлаётган сўқмоқлардан юришга ҳаракат қилишини, серашула бўлиб, кечроқ ётадиган бўлиб қолишганини сезар, лекин буни ўз жозибасидан деб билмай, коллективда бошқа қиз зоти

йўқлигига йўяр эди. Йигитлар эса унинг бундай гапларини эшитганлари сари атрофида баттар парвона бўлар эдилар.

Раъно этюдларини ошхона деворига суяб кўярди. Йигитлар бўлса этюдларидан ҳам кўра, кўпроқ ўзини кўриш пайдан эдилар. Уни ҳар ким ўзича тасаввур қилиб, ўзича фазилат кўшар, ҳар қайсиси кўнглида ўз Раъносини ардоқлар эди. Уйланиш палласи ўтинқираб қолган Эргаш бир куни унга қараб туриб очиқдан-очиқ узун уҳ тортиб қўйди. Бунинг маъносини ўзи билади-ю, худо билади.

Иш вақтида Раъно кўк блузкаси билан жигар ранг чолварини кийиб, дам у тепаликда, дам бу тепаликда пайдо бўлар, баъзан портлашларнинг гард-ғубори ичида, қоя тош устида кун бўйи ўтириб, смена билан бирга қайтар эди. Унинг молбертини кўтаришиб қайтаётган йигитлар янги этюддаги манзараларни таниб фахрланар эдилар:

– Мана бу бизнинг участка, орқадаги тоғни кўрдингми?

– Мана бу чанг булути – бизники. Парма-станок ҳам.

– Раънохон, яқинда биз тепани портлатамиз, эллик тротил, икки юз атмосфера! Ана шунда кўрасиз чанг булутини, ўн минутгача тош ёғади, ажойиб манзара! Борасизми?

Йигитлар Раъно қурилишда бир кун кўринмаса зерикадиган бўлиб қолишди, илгари усиз қандай ишлашганига энди ўзлари ҳам ҳайрон. Бир куни жиндек тоби қочиб, ҳужрасидан чиқмай қолган экан, ишлагандек бўлишмади. Бунинг устига ўша куни Фармонов об-ҳавони эшитиб, кўнгли ғаш бўлиб юрган эди, иш суратини кўриб баттар тутуни чиқди. Тахминга кўра, тоғ районларида кучли ёмғир, сел кутилар экан. Агар бу тош қудуқларга заряд бериш вақтига тўғри келса, бутун иш, бир неча ойлик меҳнат чиппака чиқади. Қудуқларга сув тўлиб, портловчи моддалар намиқади, оқиб кетади. Селгача зарядларни портлатиб улгуриш учун суръатни яна ҳам ошириш лозим эди... Булар бўлса...

Булар бўлса мана бугун ҳам кечки овқатдан кейин ошхонада столларни бир четга суриб, ярим кечагача танца қилишди. Тўлаган бисотидаги магнит ленталарини икки мартадан айлантириб чиқди. Раъно ҳали у йигит билан, ҳали бу йигит билан айланиб пилдирар, ҳансираб, юзлари олмадек қизариб кетган эди. У бугун калтароқ, кенг юбка кийган, бир йигит кучоғидан учиб, иккинчисига отилганда этаклари ҳилпираб, ўзи қийқириб қулар, Темир ёки Пўлатдек бақувватлари эса унинг енгил гавдасини айлантирганда кўтариб-кўтариб ташлашар эди. Раъно фақат Эргаш кучоғига тушганда сал даммини ростлайди, чунки Эргаш босиқ, бошини эгиб,

бошқалардек қизнинг юзига тикилмай, унга озор бермай салмоқ билан айлантиради. Ошхонанинг тупроғи ўйнаб, чанги чиқиб кетди.

Шундай қилиб, ўша кечаси брезент том тагида роса тўстўполон, қий-чув, ўйин-кулги бўлди. Шунча йигит билан баробар ўйинга тушган Раъно охирида жуда ҳолдан тойиб, йигитларнинг тунги дарё сайри ҳақидаги таклифларига ҳам унамасдан, ранги оқаринқираб отасининг ҳужрасига кириб кетди. Йигитлар ҳам бу кеча донг қотиб ухлашди.

Эртасига ҳаво шундай сарин, шундай майин эдики, навқирон кун худди ҳозиргина, худди шу ерда, Довтепа этакларида туғилгандек, энди эса узоқ сафарга отланаётгандек эди. У чиндан ҳам ҳозир, жаҳон бўйлаб кеза бошлайди, чанг ютади, тутунга тўяди, ҳавонинг бу қадар ширин эканлигини билмайдиган одамлар ёнига боради, чарчайди, қарийди...

Қирда бонг урди, тинч уфқларда темир садоси узоқ янграб турди. Трассада смена тугаган эди.

Йигитлар ювиниб-тараниб энди ишга отланганларида Салимваҳима хунук хабар топиб келди: Раъно тўсатдан қаттиқ касал бўлиб, ётиб қолганмиш!

Йўлдош соатига қаради:

– Бирров кириб кўриб чиқамиз!

Бу гап ҳаммага маъқул тушди. Фармоновнинг ҳужрасига ошхона орқали кирилар эди. Йигитларнинг кўнгил сўрагани келишганини кўриб қизининг бошида ўтирган Фармоновнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Раъно бурчакдаги йиғма каравотда юзигача бурканиб ётарди. Унинг авзойидан ҳамма кўрқиб кетди: кечаги лодадек ёниб турган Раъно қаёқда-ю, бу қаёқда! Юзини совуқ тер босган, яллиғлаган мижжалари нам, кўзларининг оқи сарғайган, иситмадан қалтирар, нафас олиши оғир, ҳар замонда кўнгли беҳузур бўлиб, туришга интилар, лекин қайт қилолмай азобланар эди. У келганларни танимади шекилли, инграб тўлғанди.

Келганлар Пўлатга йўл бериб, олдинга ўтказишди.

– Раъно, Раънохон! – деди Пўлат қизнинг ёнидаги курсига ўтириб. Қиз киприкларини зўрға очиб, уни таниди. Пўлат унинг иситганини ўлчади, томир уришини кўрди.

– Тилинғизни кўрсатинг-чи, Раънохон.

Кейин Пўлат ўртоқларига:

– Чиқиб турунглар, ҳавони тўсманглар... – деди қўл силтаб. Раъно билан ёлғиз қолди. Ота эшик олдида турарди.

– Анов куни касал бўлганинғизда ҳам иситманғиз баландмиди?



– Ҳа, – деди қиз заиф товуш билан.

Пўлат узоқ ўйланиб ўтирди-да, тасалли берадиган бир сўз айтолмай, ўртоқлари олдига чиқди. Ҳаммалари ошхонада кутиб туришарди.

– Ҳеч нима билолдингизми? Тузалиб кетармикан? – деб сўради Фармонов. Бу савол ҳамманинг кўзида бор эди. Пўлат жавоб беролмасдан бир зум индамай турди-да, яна касал олдига кириб кетди. Ҳамма эшикка ёпирилиб, қулоқ солди. Орадаги омонатгина тахта эшик яхши ёпилмас, хунук ғирчиллар, унинг боридан йўғи дуруст эди, барибир ҳамма гап эшитилиб турибди.

– Раъно... нима бўлди сизга? Қаерингиз оғрияпти?

Қиз инграб бош силкиди:

– Билмайман...

Пўлат сочиқ билан унинг манглайини артиб, яна сўради:

– Менга қаранг, портлатилган тошлар орасида юргангизда, қояда ўтирганингизда сезмадингизми... бирон нарса чақмадимми?

Раънонинг кўзлари катта очилди. Кўз қорачиғлари ваҳимада йилтиллар эди. Кейин бош қимирлатиб, секин: «Ҳа, чаққан эди», деди. Деди-ю, «Сиз қаёқдан биласиз!» дегандек савол назари билан тикилганча қолди. Пўлатнинг пешанаси тиришди.

– Қачон? Эслай оласизми?..

Қиз ўпкаси оғзига келгандек, нафаси бўғилиб, қайт қилолмай, тўлғана бошлади. Томирлари бўртиб, юз-кўзи бирпасда жиққа сув бўлиб кетди.

– Нима эди? Нима эди, Пўлат ака?

– Майли, гапирманг, ҳеч гап эмас. Ўзингизни уринтирманг, чарчайсиз...

Пўлат ошхонага чиқди. Фармоновни имо билан касал ёнига кiritиб юбориб, ўзи эшик томон юрди. У атрофда ўртоқларини кўрмаётгандек, бесаранжом, паришон эди. Ўртоқлари ундан жавоб кутишарди. Нима гап? Хавfli эмасми? Буни бу ерда Пўлатдан бошқа ким ҳам билиши мумкин?

Пўлат эшик олдида тўхтади, Йўлдош бир нимани сезгандек хавотирда у томон юрди.

– Ҳўш? Бир нима деёласанми?

Пўлат индамади, у аллақандай саросимада ўртоқларини зимдан кузатар эди.

– Қани бўлмаса ташқарига чиқайлик, ўша ерда бир маслаҳатга келармиз, – деди Йўлдош соатига қараб. Ҳамма кўзғалди.

Шу пайт Пўлат илдам юриб бориб, эшикни орқаси билан тўсди. Шу турганча орқада қўли билан пайпаслаб, олдин темир тамбани туширди.

– Нима қиляпсан? Бу нимаси?

Пўлат индамай, эшикни ичкаридан кулфлади-да, калитни чўнтагига солди.

– Ие, ҳа?!

– Оч эшикни!

– Мумкин эмас! – деди Пўлат, худди бунга ўзи айбдордек, паст ва кескин овоз билан.

Йигитлар бир-бирларига қараб, оз вақт жим қолишди-ю, яна ғала-ғовур кўтарилди.

– Нима қилмоқчисан, нима гап?

– Гапир ахир!

– Эшикни оч!

– Очмайман, – деди Пўлат ва ўз гумонини тушунтира бошлади. Унинг гумонича, Раънонинг касали оғир, юқумли касал бўлиши мумкин. Чунки уни ағдарилган ғор тупроғи орасида ёмон кана чаққан. Пўлатга аниқ маълумки, бундай каналарнинг баъзилари жазирама чўл шароитида табиий эпидемия ўчоғи бўлиб, чаққанда баданга спирохета деган хавфли инфекция тарқатади.

– Менинг диагноз қўйишга ҳеч қандай ҳаққим йўқ, билганимни айтяпман, касалнинг барча белгилари шундан далолат бериб турибди... – деди Пўлат бошини эгиб. У бирдан мажолсизланиб эшик тагидаги ёғоч скамейкага ўтириб қолди. Йўлдош ҳам ўтирди, бошқалар лол, тикка туришар эди. Қизининг ёнидан чиққан Фармонов ичкари эшик остонасида бу ғалати жимликдан хавотир олиб, қотиб қолди, катта кўзойнаги ғира-ширада ғалати йилтиллар эди. Анчадан кейин Эргашнинг вазмин овози жимликни бузди:

– Бу тушунарли... Раъно, афсуски... – деди у Пўлатга яқинлашиб, – ҳўш, бу эшикни кулфлаганинг нимаси? Бизлар...

Пўлат ортиқча тушунтиришни, негадир, эп қўрмади, кўнглига келган фикрдан ўзи чўчидими, ё ўз гумонларига ишончи комил эмасми, хуллас, бежо кўзлари билан дўстларига ялингандай қаради-ю индамади. Гап ўзи тушунарли эди, кеча ахир булар ҳаммаси ярим кечагача Раъно билан ўйинга тушишди, бугун хонасига киришди... Ҳамма жим эди. Кимдир воқеани ҳали ҳам миясига сингдирилмай норозилик билдириш учун, қизишиб, нафаси тезлашиб, сўз қидирар, кимдир тузоққа тушганини тан олгандек, фикрни бир жойга тўплаш учун ўзига ўзи: «Хў-ў-ўш...» дер, кимдир бош

экан, кимдир ваҳимада бақрайиб қолган эди. Бу ерда бутун бир смена, бошлиқ билан тўққиз киши, тунги сменадагиларнинг ҳали бу воқеадан хабари йўқ, улар эрталаб ишдан келиб ухлаб ётишибди.

Бирдан Фармонов ўзини эшикка уриб қолди. Воқеанинг жиддийлигини энди тушундим, ёки ҳеч нарсани тушунмаганим, бирдан қўлларини силтаб, қизишиб кетди:

– Қани очинг! Очинг деяпман! – деб қичқирди у Пўлатга. – Сизга ким ҳуқуқ берди? Ким ҳуқуқ берди!

Йўлдош бориб эшикни тўсди.

– Уртоқ Фармонов... – кейин у ҳам овозини баландлатишга мажбур бўлди: – Ўртоқ Фармонов!

– Очинг деяпман! – Фармонов яна эшикка интилди. – Ким бошлиқ бу ерда? Ким бошлиқ? Сиздан сўраяпман!

– Ўртоқ Фармонов...

– Ахир, ахир... – Фармоновнинг товуши ўзгарди, аянчлироқ эшитила бошлади, – ахир касалга доктор чақириб керакми, йўқми? Эрта-индин сел келяпти, қудуқларнинг зарядини тугатиш керакми, йўқми? Мен бу ерда бошлиқманми, йўқми? Нима, қамаб қўймоқчимисанлар! Оқибати ёмон бўлади, билиб қўй!

– Ўртоқ Фармонов, – Йўлдош уни четроққа бошламоқчи бўлди, – наҳотки тушунмасангиз... аҳволни?!

– Тахмин! Гумон!

– Бунақа ишда тахмин билан гумоннинг ўзи етарли. Ташқарида одамлар бор... Бизнинг ҳақимиз йўқ.

Фармонов шаштидан сал қайтди.

– Нима қилмоқчисизлар?

– Маслаҳатлашайлик.

Ҳамма буларнинг атрофига ғуж бўлган эди.

– Биринчи вазифа... – Бу вақт ичкаридан Раънонинг инграган овози эшитилди, Пўлат гапини бўлиб, бемор олдига кириб кетди. Йўлдош давом эттирди:

– Биринчи вазифа ўталди: касал ва у билан муносабатда бўлганлар алоҳида ажратилди, – у эшикка кўз ташлаб қўйди, – саросима бўлмасин. Иккинчи вазифа – тезликда врач чақирибнинг йўлини топиш...

Шапкасини ғижимлаб бурчакда спортсмен ҳайкалидай қотиб турган Темир шарт кесди:

– Бунинг йўли йўқ.

– Юк баржаси қачон келади?

– Тўрт кундан кейин.

Яна жимлик чўкди. Ҳар ким ҳар қаерга жойлашиб ўтириб олди. «Ана холос, пишди гилос», деб қўйди устунга суяниб ўтирган Эргаш.

Бирдан шовқин кўтариб ўрнидан турган Салим-ваҳима Йўлдошнинг ёқасига ёпишиб қолди:

– Эшикни очасан! Менга юққан эмас! Мен соппа-соғман! Ҳаққинг йўқ, очасан! – деб чинқирарди у. Дўпписи бошидан тушиб, сочи тўзиб, оғзидан кўпик сачради. – Оч дейман! Менга юққан эмас! Ким айтди? Ким доктор? Қани, доктор айтсин! Оч!

Уч киши бўлиб зўрға жойига ўтқазиди.

– Э, жуда ингичка экансан-ку, хумпар, – деди Эргаш кафтини қоқиб.

Салим-ваҳима ҳолдан тойиб, кичкина жуссаси ғужанак бўлиб, ўтириб қолди. Кўйлаги йиртилган, шими тупроққа беланган, оғзининг чети кўпикланган, кўзи бежо, аянчли эди. Фармоновнинг унга кўзи тушиб ранги сўлиб кетди, ўзи ҳам боягина шу тутқаноққа ўхшаб дағдаға билан бақирганини эслади шекилли...

Ичкаридан Пўлат чиқди.

– Иситмаси тушяпти. Менимча, ҳар ким унинг олдига киравериши шарт эмас. Мана мен... бундан кейин ҳам фақат...

– Келишдик, – деди Йўлдош. – Айтиб қўяй, интизомни кўрса-тишнинг хонаси келди. Гап бошқаларнинг ҳаёти ҳақида кетяпти. Эҳтиётсизлик қилишга ҳақимиз йўқ...

– Гап ўзимизнинг ҳам ҳаётимиз ҳақида кетяпти. Бир йўлини топишимиз керак, – деди Пўлат. Унинг бу гапи ҳаммани ҳушига келтириб, ўйлатиб қўйди: йўл йўқ эди.

Бу орада Йўлдош ташқарига чиқиб, ошхонадан нарироқдаги устунга бошқаларни огоҳлантирадиган қоғоз ёпиштириб кирди.

– Қани, нима қиламиз?

Ҳеч ким индамади.

Күёш ҳам тиккага келиб, ўтовдек юмалоқ брезент томнинг тепа туйнукларидан тушган ёлқинли шуъла ошхонанинг ҳавосини дим қилиб юборди. Биров тақдирга тан бериб, скамейкага чўзилган, яна биров ҳамон нима бўлаётганига ақли бовар қилолмай, сонини шаппатилаб ўқинар, ух тортар эди. Бирдан Эргашнинг ҳовлиққан овози эшитилди.

– Менга қаранглар! – деди ўрнидан сакраб туриб. – Тўлаганнинг передатчиги-чи? Тўлаганнинг передатчиги қутқазади! Унга хабар қилиш керак.

Ўтирганлар туриб, ёнбошлаганлар ўтириб, ҳамма қимирлаб қолди, шовқин кўтарилди. Аммо шу вақт Темирнинг бурчакдан келган овози ҳамманинг ҳафсаласини пир қилди:

– Дабдала бўлиб кетган. Передатчик йўқ, – деди у.

Бу гапдан кейинги жимлик Фармоновга чўяндек оғир туюлди. У ўтирган жойида ғужанак бўлиб қолган, кўзи ерда бўлса ҳам, атрофдагиларнинг назарини сезарди. Шу пайт у бошлиқ эканлигини ҳам, обрўси тушишини ҳам унутиб, кўзига ёш олди:

– Жон укалар, болани қутқазиш керак... Раънони қутқазиш керак, жон биродарлар, Йўлдош, Пўлатжон, иним...

«Ажабо, отларимизни билиб олибди!» деб ўйлади Йўлдош хайрон бўлиб. Фармонов унга ҳозир шу дўстларидек содда, яқин туюлиб кетди. «Ўзининг исми нима экан-а?»

Кун оғиб қолди. Ҳали ҳеч қандай чора топилгани йўқ, ўйлаб ўйларига етишолмади. Ҳамма ниманидир кутар, нима эканлиги маълум эмас эди. Юк баржасиними? Хўш, ундан кейин-чи? Унда ҳам врач йўқ-ку? Ташқаридагиларнинг бирон тадбир топишига умид боғлаш ҳам беҳуда. Улар нима қилиши мумкин? Бульдозер билан йўлга тушса неча кунда етади, йўл тополадими? Йўқ, ҳамон ўша юк баржасини кутиш қолади.

Ҳамма кўнглида бир илож қидирар, лекин сиртдан буни билдирмасликка уриниб, ўзи билан ўзи банд, бошқа, аҳамиятсиз гаплар билан ўзини чалғитиб ўтирар эди. Яхши ҳам ошхонада қамалиб қолишгани. Бу ерда сув ҳам, озиқ ҳам бор. Бурчакда Раънонинг суратлари, қандайдир темир-терсак, бузуқ приёмник. Гоҳо Раънонинг безовта алаҳлаши эшитилади, Пўлат унинг олдига кириб-чиқиб отасини юпатган бўлади. Кейин у бир чеккада шумшайиб ўтирган Салимнинг пешанасини ушлаб кўрди. Иситмаси йўқ эди.

– Хафа бўлма, ваҳима, – деб қўйди кулиб. Бориб Йўлдошнинг ёнига ўтирди.

– Нимани ўйлаяпсан?

– Аҳволимизнинг бемаънилигини-да, – деди Йўлдош паст овоз билан. – Ҳар нарсада ҳам қандайдир маъни бўлиши керак. Яшашда ҳам, ўлишда ҳам...

Нарирокда Эргаш, яна битта қора бола, Фармонов ўтиришибди. Қора бола жуда камсуқум, камгап, доимо қандайдир дарсликлар қўлтиқлаб юради. Шу ерда ҳам «Физика»ни варақлаб ўтирибди. Худди эртага имтиҳонга кирадигандек. Эргаш, бекорчиликдан, аввал бошлиққа мурожаат қилди:

– Мана шунақа, ўртоқ Фармонов, келажагимиз порлоқ... – У қўлларини ёйди. Бошлиқ аччиқ киноясига жавоб қилмагач, қора болага қаради:

– Шу ердан эсон-омон чиқсам, шартта уйланаман. Сен-чи, акаси? Сен нима қиласан?

Бола елкасини қисиб, дарслигига тикилиб ўтираверди. Унинг ўрнига нарироқдан бошқа йигит жавоб қилди:

– Менми? Мен омон чиқсам, одамларга қўлимдан келганча яхшилик қиламан. Ўйлаб қарасам, умримда ҳеч кимга бир тузукроқ яхшилик қилмаган эканман.

Бу гап қоронғида кўнгилларга чўкиб кетди. Ўқтин-ўқтин гап, гурунг эшитилиб қоларди. Фармоновнинг диққати Эргашда: бошлиқ уни хотин, бола-чақалик, деб ўйлар, Йўлдошнинг бир вақтлар у ҳақда айтган гапларига ишонмаган эди. Ҳозир суҳбатига қулоқ солса, ҳаммаси рост экан. Боқиб олган болалари онаси билан кетиб қолибди. Уларни деб уйланмай ўтаёзган Эргаш болаларни соғинганини йиғлагудек бўлиб гапириб ўтирибди. Фармонов бирдан сўраб қолди:

– Менга қаранг, иним, сизнинг отингиз Эргаш-а?

– Ҳа, ўртоқ Фармонов.

Фармонов бошини сарак-сарак қилиб, ерга қаради, индамай қолди.

Тепа туйнук тагида ўтирган Темир ёнидагиларни нукул осмонни фалак ҳақидаги ақл бовар қилмайдиган ҳикоялари билан банд қилган эди. Туйнукдан Сомон йўли кўриниб турибди. Ёнидагилар Темирни саволга тутишади.

– Ҳаммаси юлдузми? – деди кимдир жимир-жимир этган Сомон йўлига қараб.

– Ҳаммаси, сони-ҳисоби ҳам маълум.

– Бе, санаб бўлармиди?

– 150 миллиард юлдуз! – деди Темир.

– Бири-бири билан уришиб кетиши мумкинми?

Темир юлдузларнинг тўқнашиш имконлари ҳақида гапга тушади.

– Тахминан бир неча миллиард йилда бир марта тўқнашиш эҳтимоли бор. Масалан, бизга энг яқин Центавр юлдузини олайлик. У биздан атиги 4,2 нур йили узоқда. Қуёш бу масофани юз минг йилда босиши мумкин. Борди-ю, агар у тикка Центаврга қараб юрса ҳам, уни қувиб етиб тўқнашиши учун беш миллиард йил керак...

Ичкаридан Раънонинг қаттиқ алаҳлаб инграгани эшитилди. Пўлат скамейкага чўзилиб ухлаб қолган эди. Уни чақиринди, туртишди, уйғотишолмади – жуда толиққан экан. Фармонов ўрнидан туриб атрофга бежо аланглади, Пўлатни яна силкиб кўрди. Қизининг товуши унинг юрагини тилмоқда эди. Шу вақт Эргаш шартга туриб, тўзғиган сочларини тузатди-да, тахта эшикни ғирчиллатиб касал олдига кириб кетди.

– Эргаш! Эргаш!.. – деб чақирганча қолишди.

У қайтиб чиққанда Пўлат уйғониб, кўзларини уқалаётган эди.

– Ухлайвер, ухлайвер, ҳеч гап йўқ, сув ичирдим. Нега одам кўп, нима қилиб ўтирибсизлар деяпти...

Пўлатнинг уйқуси тамом қочган эди, Эргашга афсусланиб қаради:

– Чакки қилибсан...

Кейин курсини кўтариб бориб, Раънонинг эшиги тагига ўтирди.

– Эргашвой... – деди Фармонов секин.

Эргаш унинг ёнига ўтиб ўтирди.

– Ётиб дам олсангиз бўларди... Раънодан хавотир олманг, хабардор бўлиб турамиз.

Фармонов бир нима демоқчи-ю, айтолмай қийналяпти.

– Кечирасиз, ўртоқ Фармонов, исмингизни билмаймиз...

– Исмин... Исмин Муҳаммаджон, – деди Фармонов. Ўзи яйраб кетди. Худди шуни айтолмай қийналиб турган эканми.

– Муҳаммаджон ака... Шундай илиқ, содда отингиз бор экан-ку, билмас эканмиз, – деди Эргаш. Мудраб ўтирганлар ҳам бир янгилик топгандек, хушёр тортиб, Фармоновнинг исмини такрорлашди.

– Йигитлар сел ўтгунча қудуқларни зарядламай туришса эди, сиз нима дейсиз, Эргаш иним? – деди Фармонов. – Бизсиз барибир улгуришолмайди, бутун ишимиз ҳам, тонна-тонна портловчи материалларимиз ҳам оқиб кетиши мумкин.

Йўлдош ҳам уларнинг ёнига келиб ўтирди.

– Тўғри айтасиз, Муҳаммаджон ака, эрталаб тонгдаёқ етказамиз буйруғингизни.

– Етказинг, Йўлдошвой.

– Хўп, Муҳаммаджон ака.

Тонг яқин. Кўпчилик пинакка кетган. Тонг олди жимлигида узоқдан дарё шовуллашими, қир шамолими қулоққа чалинар эди. Шу пайт қаердадир бир нима тарақлади. Уйғоқ ётган Эргаш эшикка югурди, эшикда ҳеч ким йўқ. Пўлат Раънодан хабар олди, бемор ҳам иситма азобидан дармонсизланиб, тонг салқинида уйқуга кетган эди. Яна жимлик чўқди. Лекин бир нафасдан кейин ошхо-

нанинг орқа томонида яна бир нима қаттиқ тарақлади. Уйкудан уйғонганлар эсини йиғиб улгурмай, деворнинг икки тахтаси гурс этиб қайрилиб тушди-ю, тешиқдан бировнинг ҳансирагани эшитилди, шарпа кўринди. Бир кўлида болта, бир кўлида яна алланималар, илжайиб қараб турарди.

– Тўлаган?!

Йўлдош, Пўлат, Эргаш оёққа туришди.

– Қайт орқангга!

Тўлаган қайтиш ўрнига, қайрилган тахтани жойига қоқиб, ердан яна алланималарни кўтарди-да, булар томонга илжайиб келаверди.

– Жинни бўпти бу!

– Тентак!

Лекин уйқуси қочган ёшлар уни қуршаб олишди: «Нима гап?» «Бирон чора кўрдингларми?» «Йўли топилдими?» «Хабар берилдими?»

Тўлаган бўлса, ҳеч нарса билмасди. У воқеадан хабардор бўлгандан бери йигирма соат давомида вагонга қамалиб ишлади. Овқат егани йўқ, сув ичгани йўқ.

У кўлидаги қутичани авайлаб ерга қўйиб, эшик тагидаги сув бакига боғланган занжирли кружкага ёпишди. Тўкиб-сочиб ютоқиб сув ичди, қолганини юзига сепди-да, Пўлатнинг ёнига келди.

– Қани, нима деймиз?

Эргаш билан Йўлдош ҳам уларнинг ёнига келишди. Йўлдош Тўлаганни қучоғига олиб:

– Бўлар иш бўлди, молодец! – деб кўкрагига мушт туширди.

– Раънонинг аҳволи қалай? – дерди Тўлаган. Унга ҳеч ким жавоб бермасди.

– Лекин аҳмоқлик бу, – деб Пўлат қутичадан передатчикни олди, – ғирт аҳмоқлик, – деди яна авайлаб кўлида айлантираркан. – Бунинг учун бу ерга ўғринча бостириб киришинг шартмиди?

– Эшиқдан келсам киргизармидинглар? Сизларсиз бунга нима дейишимни қаёқдан биламан?

– Бу фақат передатчик, қабули йўқ, шундайми?

– Ҳа, кўп айлантираверма, тушириб юборасан. Бир марта пачақланган эди, етар... – Тўлаган нарироқда ҳаяжон ичида индамай турган Фармоновни кўриб, кўзи кўзига тушди. – Шуни ҳам зўрға эплаштирдим. – Передатчикни икки қўллаб ушлаб девор олдидаги столга олиб бориб ўрнатди. – Қани, тезроқ бер текстингни, менинг ишим бор.



– Қанақа иш? Энди чиқиб бўпсан бу ердан.

– Майли, бер текстингни. Ҳар ўн беш минутда тақрорлайверсам, бирон ҳаваскор албатта тутади. Менинг тўлқиним яхши.

Пўлат текст ёзишга ўтирди.

– Қисқа, аниқ бўлсин! – деди Тўлаган, енгини шимариб. Уни ҳам-малари қуршаб олишган, уларда умидворлик пайдо бўлиб, юз-кўз-лари жонланган, тинмай сўроққа тутишар эди.

– Демак жавобини ололмайсан?

– Сигналингни биров тутдими, йўқми, қаёқдан биламиз?

– Ким бузган ўзи, нега бузган?

– Жим!.. Жим! Тарқалинглар, халақит берманглар.

Йўлдош билан Тўлаган столни тўсиб ўтиришди, Пўлат текстни олиб келиб берди.

«Биз Довтепадамиз. Тиббий ёрдам керак. Тезда тиббий ёрдам керак. Врачга етказинг, кана чаққан, деб тахминланади. Спирохета Согдиана! Ёки орнитҳодорус папиллипес! Карантиндамиз».

Тўлаган передатчикнинг калитини босди. Узун-калта, узун-калта «би-би, би-би-бийп»лар қатор тизилиб кумуш ғилдиракчалардай эфирга сингиб кетди. Ўтирганлар бу ажойиб ғилдиракчаларнинг юмалашини кўргандек бўлдилар, чехраларига нур қўниб, бир-бирларига қарадилар.

Фақат Фармоновнинг чиройи очилмай, пешанаси терлаб, нимагадир азоб чекар эди. Бу йигитларнинг ҳар бири унинг кўзи олдида дафъатан бир кашфиётдек очилиб кетди.

Тўлаган деган шу экан-да. Ноёб ҳунари бор экан-ку. Ундай деса, бошқалари ҳам... Мана, Пўлат, Эргаш, Темир... Йўлдош айтгандек, ҳар бири бир олам деганича бор. Анов биттаси ҳам ғалати эди.

Фармонов бирдан эслаб, гўё ҳозир энг муҳим масала шудек, жиддий сўраб қолди:

– Йўлдошвой, ҳов бир оғайнингиз бор эди, газ трассасида ўтга кирган-чи, кейин биздан хафа бўлиб ҳам юрди, оти нима ҳам эди?

– Саид, – деди Йўлдош. – У ўша кетганча кетди, Муҳаммаджон ака. Нобуд бўлди у.

– Нечук?

Йўлдош Азизанинг хатларидан ўзига маълум бўлган воқеаларни айтиб берди: Саид бориб-бориб ўша уй бекаси Малоҳатга уйланган эди. Малоҳатнинг ўзи кечаси бостириб кирибди, дейдими – хуллас, бирга турадиган бўлиб қолишибди. Икки ҳафтадан кейин эса орада муҳаббат тугул, бирон инсоний илинж ҳам йўқлиги маълум бўлган. Саид Азизага тавба-тазарру қилиб, ёлвориб хат

ёзибди. Азиза ундан юз ўгирибди. Шундан кейин Саид тушкунликка тушиб, ичкиликка берилиб кетибди.

– Малоҳат билан судлашибди чоғи, ўзи ҳам милиция назоратида эмишми, нима бало... хуллас, қуриди, сўлди бола... – деди, Йўлдош ер чизиб ўтириб.

– Аттанг-а! Кетмаса-ку, кўпчилик йўлга солиб оларди.

– Албатта! Кимларни хушига келтирмайди дейсиз коллектив!

Бу пайт яна Раънонинг безовта товуши эшитилди. У қусолмай қийналар, ўқтин-ўқтин хушидан кетар эди. Овози эшитилганда Фармоновнинг жуссаси кичрайиб, кўзлари жавдираб қолади, Пўлат уни қизининг олдига киритмайди. Бу ёқда передатчикнинг овози тинмайди. Тўлаган ҳар ўн беш минутда «би-бийп»лаб турибди. Ўзича ҳижжалаб қўяди:

– Спи-ро-хе-та Сог-ди-а-на...

Салим-ваҳиманинг тутқаноғи яна бошланди. Асаби жуда чатоқ экан боланинг. Касалнинг инграшларига ҳам, жимликка ҳам бардош беролмайди.

– Ҳавога кетяпти бари! Фойдаси йўқ! – деб аввал Тўлаганга бақира бошлади, кейин бориб Йўлдошга ёпишди: – Оч эшикни! Кетаман, пиёда жўнайман! Бу дўзахда қамалиб ўлиб кетавераманми! – Кейин бориб Фармоновга осилди: – Сизга барибир, Эшмат ўладими, Тошмат ўладими, қирилиб кетсин, сизга коллектив қолса бас! Биламиз! «Коллектив!» «Коллектив!» оғзингиздан тушмайди!

Қизининг бетоб бўлиб қолганидан эзилиб ўтирган Фармоновга Салимнинг бу дағдағаси ўлганнинг устига тепган бўлди. Чол бечора ёш боладек бурчакка суқилиб қолди. Унга жуда раҳми келиб кетган Йўлдош Салим-ваҳиманинг кўпик сочаётган оғзига қараб бир мушт туширди. Салим гандираклаб кетди.

– Кўйинг, Йўлдошвой... – деди Фармонов йиқилаёзган Салимнинг билагидан ушлаб қолиб. – Яхши эмас. У тўғри гапиряпти. Отинг нимади, ўғлим?

Салим йиғламсираб отини айтди.

– Салимжон. Кел, қизишмасдан гаплашайлик...

Улар ота-боладек бир ерга ўтирдилар.

Нарироқда Тўлаган катта столга қутисидаги барча асбоб-ускуналарини сочиб ташлаб, бузуқ радиоприёмникнинг ҳам астар-аврасини ағдариб, гоҳ кичкина станокчасида сим ғалтак ўрар, дам бир нималарни улар эди.

– Менга қара, сен текстга ўзингдан бир нималарни қўшяпсан шекилли, – деб сўради Темир унинг ёнига келиб.

– Алоқа вақтини тайинляяпман.  
– Алоқа вақтини? Қабулни ҳам йўлга қўя оламан деб ўйлайсанми?  
– Бекорга терлаб-пишяпманми?  
– Фақат вақт... вақт йўқ. Кечгача корреспондентимни тутол-сайдим!

У яна передатчикка бориб, қўлини калитга қўйди.

Кун оғиб қолган эди. Ўтирганлар кечадан бери қорин очганини энди сезиб, биринчи марта нон чайнашди.

Темир йигитларни атрофига тўплаб космосдаги аллақандай портлашлар ҳақида сафсата сотаётган эди, бирдан ер қаттиқ силкиниб, ташқарида еру кўкни титратувчи кучли портлаш юз берди. Ҳамма ўрнидан туриб кетди, қулоқлар динг бўлди. Портлашнинг гувиллаши ҳамон тинмай, ҳавони зириллатиб, осмонда муаллақ тургандек эди.

– Бизникилар! – деб қичқириб юборди Йўлдош.

Ҳамма Фармоновни қуршаб, кўзларини катта очганча, ундан гап кутар эди.

– Бизникилар портлатишди, ўртоқ Фармонов!

– Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа... – дерди бошлиқ ҳамон ташқарига қулоқ тутиб. – Бу тўққиз қудуқнинг ҳаммаси! Кучли портлаш. Эшиттингларми? Лекин забойка қилишдимикан? Забойкасиз портлатишган бўлса чатоқ бўлади, ҳаммаси бекорга кетади. Билишармикан?

Ҳамма жим бўлиб қолди. Чиндан ҳам бундан беҳабар бўлишса-чи? Ҳовлиқиб бекорга портлатиб қўйишган бўлса-чи?

– Забойка... Забойка, – деб пичирларди Эргаш у ёқ-бу ёққа асабий юриб. – Йўқ, наҳотки...

– Хавотир олманглар, ҳаммаси жойида! – бу бир чеккада ўз иши билан банд бўлиб ўтирган Тўлаганнинг овози эди. – Ҳаммаси жойида, сизларнинг бундай аҳволда қолганларингни билгандан кейин бир нафас ҳам тинч туришгани йўқ. Забойкани ҳам билишади. Менга, айтмагин, дейишувди, ўртоқ Фармонов ман қилади деб қўрқиб...

– Азаматлар... – деди Фармонов секин. Юзига қон югурди. Вужудида ёқимли чарчоқ сезиб, ёнидаги курсига ўтириб қолди. Илгарилар унинг кўзи қаерда экан. Нега бунчалик ҳиссиз, совуққон бўлиб яшар экан-а? Агар қизининг касали сабаб бўлиб, бу йигитлари билан мана бундай икки кунгина юзма-юз тўқнашмаса, бундай ҳаяжон нималигини билмас, уларни ҳам бунчалик яқиндан таний олмас эди. Буларнинг ҳар бири бир олам, турган-битгани янгилик, воқеа.

Кечга бориб ҳақиқатан ҳам қиссамизни шартта кесадиган бир воқеа юз берди. Қир, соҳилларга майин оқшом сокинлиги чўкиб, кечки шабада ёввойи ўтларнинг намхуш ҳидларини тарата бошлаган бир пайтда осмонда вертолёт паррагининг вағиллаши эшитилди.

Бу ёқдан қулоғига қўл бола наушнигини тутган Тўлаган бақира бошлади:

– Тўхтанглар! Жим бўлинглар! Мен корреспондентимни тутдим. Жим бўлинглар ахир!

Қани энди жим бўлишса! Вертолёт гўё буларнинг юракларида вағиллаётгандек эди.

– Жим бўлинглар деяпман!

– Жим! – деди Йўлдош. Бир оз тинчишди. – Қани гапир корреспондент нима деяпти?

– Оқмолми, Оқшомми деган қишлоқдан бир ҳаваскор қозоқ бола экан, – деб кулиб юборди Тўлаган. – Мени эрталабдан бери эшитаетган экан. Эрта биланоқ районга хабар берибди. Врач билан маслаҳатлашибди. Карантин энг биринчи, энг тўғри чора, дебди доктор!

– Яша, азамат! Бундан кейинги шовқин-суронни пастлаб келаётган вертолётнинг гувиллаши босиб кетди.

Қиссамиз охирлашга охирлади-ю, лекин бир омадида бир учрашув ҳақида айтиб ўтмасак, тугалланмаганга ўхшаб қоляпти.

Довтепадан қайтиб келгандан кейин ўртоқ Фармонов тўсатдан пенсияга чиқиб кетди. Ундан бунини ҳеч ким кутмаган, ўзи ҳам бу қарорга тўсатдан келган бўлса керак. Бир умр кўникиб, ҳавосини олиб олган бу иши энди ўзига ҳам ваҳимали кўриниб қолдими, хуллас, «Йўқ, йўқ, баҳол-қудрат ишлаб келдик, энди жавоб беринглар», деб туриб олди.

Пенсионер бўлиб олгандан кейин, зерикиб, кўпинча шаҳарга борар, қадимий хиёбонларда соф ҳаводан нафас олиб ўтирар эди. Шундай кунлардан бирида у ўтирган скамейкага биров келиб ўзини ташлади. Кўм-кўк, соя-салқин, озода хиёбонда ҳар қандай бегона ҳид дарров сезилади. Фармонов бурнини жийирди: ёнидаги кўпол одамни, гавдасини гурс этиб ташлаб, скамейкани майиштириб юборганидан ташқари, ҳиқичоқ тутиб, оғзидан саримсоқ билан ароқ ҳиди гупиллаб турар эди.

Фармонов энсаси қотиб, туриб кетмоқчи бўлиб ёнига қараган эди, ҳалиги одам танишга ўхшаб туюлди. Ғалати бўлиб кетди. Тунги ёмғирдан пайдо бўлган халқоб ёнида икки мусича ку-кувлаб

юрган эди, мастнинг ҳиқичоғидан чўчиб, учиб кетди. Фармонов пешанасини тириштириб ўйлар эди: бу ўша Саид-ку! Ёпирай, одам ҳам шунақа ўзгарадими!

Саидни ҳақиқатан ҳам таниб олиш қийин эди. У бесўнақай қорин қўйган, уст-боши ғижим, ифлос, камарининг тўқаси узилиб кетай деб турибди. Бақалоқ юзини соқол босган, кўзларининг таги халтача бўлиб осилган, оғзи, ияги ирkit, тўшига ҳам бир нарсалар томган. Энг ҳайратда қоладигани: таниб бўлмайдиган даражада қармсиқ бўлиб қолган эди, илгариги Саиддан асар ҳам йўқ...

Фармонов Йўлдошнинг у ҳақидаги ҳикояларини эслади: қандайдир ўзидан катта хотин, шубҳали тирикчилик, қалтис ишлар, суд, ичкилик...

Саид ён-верида бировни танимас, баъзан кўнгли беҳузур бўлиб кўзи олаяр, атрофга алангласа ҳам, ҳеч кимни кўрмагандек яна кўзини юмиб, ҳар замонда бутун гавдаси билан силкиниб «ҳиқ-ҳиқ» қилар эди.

Фармонов муздек бўлиб кетди. Турай деса, нимадир елкасидан босиб тургандек эди.

– Менга қаранг... – деб қолди Саид кўпол, маст овоз билан, – ҳазар қиляпсизми? Нега ҳазар қиласиз? Мени... мени ким яратди? Худо яратди! Ҳа! Сизни ҳам, между прочим. Шунинг учун, нимаики айбимиз бўлса, худодан! – У кўлини скамейка суянчиғига силтаб ташлаб, кўзини юмди. Шу билан индамай қолди.

– Шўрлик... – деди Фармонов шивирлаб. Кейин ўрнидан туриб, ёқасини кўтарди-да, аста жўнади. Хиёбон жимжит, ҳаво илиқ. Лекин Фармонов жунжикиб кетди. Орқасидан ҳалиги одам кўланка сингари судралиб келаётгандек туюларди. Фармонов қадамини тезлатди:

«Худо яратди...» йўқ, сени мен яратдим. Лекин аслида сен нима-ю мен нима! Фарқимиз фақат шундаки, сен уларни ташлаб кетдинг, мен уларнинг орасида қолдим. Оқибатда мана: мен ўзим ҳақимда фикр қилишга қобилман. Сен эса...

Кимсасиз хиёбонда букчайиб кетаётган Фармонов ўзича шундай деб пичирлар, орқасида қадам товуши эшитаётгандек шошар, лекин қайрилиб қарай деса, ўзидан уялар эди...

*Ташқарида қош қорайди. Чўлободнинг проспектларида чироқлар ёниб, комбинатнинг кундузи эшитилмайдиган ўзига хос сурони оқшом суқунатида яна қалқиб чиқди.*

Ёноқлари қизариб кетган дуркунгина жувон ҳовлиқиб кириб келганда, қисса тугаган эди. Жувоннинг кўзларидан кўриниб турибдики толиққан, лекин ҳаяжони кўксини тебратарди.

– Ассалом-алайкум...

Аввал ким билан кўришишни билмай, останада бир зум туриб қолди, кейин кўзойнакли қария олдига югуриб бориб, кўлини сиқди:

– Неварача муборак! Раъно қиз тугди...

Чол кўзларига ёш олиб, жувоннинг кифтига қоқди. Очил бува билан Азимжон ҳам уларга яқинроқ келишди. Тикилиб қолишди.

– Демак, сиз...

– Мен ўша Фармоновман, тақсир... – деди чол кўзидаги қувонч ёшларини эплотмай. Очил бувага қўл берди, бошқатдан танишдилар.

– Фарзанд муборак бўлсин, – деди Очил бува ҳам уни энди кўраётгандек, бошдан-оёқ қузатиб. Кейин жувонга қаради: – Сиз Азизахонсиз, шундайми?

– Ҳа... – деди Азиза келинлик ибоси билан бош эгиб. Кейин яна бирдан очилди: – Вой ўлай, жуда уят бўлди-ку, а! Куруқ нон билан чой ичиб ўтирибсизлар... – У ошхонага югурди. Кейин унинг хушчақчақ овози ўша ёқдан эшитилди. – Ҳозир Йўлдош акамлар ҳаммалари туғуруқхонадан комбинатга кетишди. Байрам эртага қолдирилди-ку, хабарларингиз бордир... Ундан аэропортга чиқишади...

Ҳалиги қиссанинг ичидан чиқолмай ўралашиб қолган Азимжон ҳамон Фармоновга тикиларди.

– Менга қаранг, ота... Эргаш деганингиз ҳалиги мастер, шундайми?

– Балли. Куёвим, – деди фахрланиб Муҳаммаджон ака.

– Инженер-чи? Тўлаганми?

Фармонов «топдингиз» деб, бош ирғади.

– Космонавт-чи, космонавт? – негадир секинроқ сўради Азимжон. Фармонов кулди.

– Буниси сир. Бунисини ўзинглар топинглар, – деди у Азиза келтирган сабзи тахта билан пичоқни қўлга олиб. Столга жойлашиб ўтириб сабзи тўғрашга киришди. – Лекин у ҳали ҳақиқий космонавт эмас, фақат номзод экан, дейишади. Ўзимнинг ҳам кўргим келяпти. Ҳаммасини ҳам соғинаман. Эртага байрамда кўришамиз насиб қилса... Каҳрабодек сап-сарик сабзи унинг пичоғи остида ипак сингари эшилиб, таралиб чиқар эди. Ошхона томондан иштаҳани кўзғатадиган пиёз доғ ҳиди келди.

...Комбинатнинг юбилеи уч кун давом этди. Меҳмонлар уч кунга-ча тантанадан тантанага, мажлисдан зиёфатга юриб, иззат-ҳур-

мат кўрдилар. Азимжон ҳам қаерга борса бобоси билан Йўлдошнинг ёнида, тўрда ўтирар, қиссада танишган ошналарини қидирар эди. Уларни таниб олиш қийин, деярли ҳаммалари коллективнинг раҳбарлари, ишлаб чиқаришнинг командирлари бўлиб кетишган, ундан ташқари, бу байрам кунлари раҳбар қайси-ю, ишчи қайси – ажратиб олиш мушкул, ҳаммаси бир хил, ҳаммаси апоқ-чапоқ, гапдон, ширакайф... Лекин шундай бўлса ҳам, Азимжон «танишлари»нинг ҳаммасини, ҳатто Салим-вахимагача тахминлаб таниб олди. У фақат шуларни, шуларнинг босиб ўтган йўлини, тақдирини, иқболини ўйлар эди. Ҳаммаси унга қандайдир яқин, қариндошдек туюлар, Ориф ака, Комила, Умида, Йўлдошлар билан бирга ўзини ҳам Очил бува атрофидаги шу азим оилага бир жигарбанд деб сезар, лекин булар орасида ўзи ким – буни сира аниқлаб ололмас эди. У ҳали кўп нарсани ўйлаши, кўп чигалларни ечиши керак, ҳозир хаёли чувалиб турибди, бу воқеалар, янги танишу янги қариндошлар, сафар ташвишлари, байрам шов-шувлари орасида фикрни бир жойга тўп-лолмаяпти. Шунинг учун тўртинчи кун Очил бува:

– Энди қайтайлик, болам, Чинорга қайтайлик, – деганида Азимжон шошиб қолди. Чинор! Афсонавий, осойишта гўша! Ҳар қанча ўй бўлса ана ўша ерда ўйлаб, тағига етиш мумкин. Азимжон худди ўша ерда туғилиб ўсгандек, бутун сафари давомида Чинорни ўйлади, уни соғиниб қолган эди.

– Чинорга қайтамиз, бува!

Улар хайрлашишди. Йўлдош, Муҳаммаджон ака, Азиза, Эргаш, Тўлаган, Раъно, Темир, Пўлат, Салим яна анча одамлар станцияга-ча чиқиб, кузатиб қолишди. Очил бува сафарни тугатганидан, эзгу бир фарзни бажо келтириб, кони савобга ботган одамдек мамнун кўринар, сокин ва собир эди.

Поезд уларни бир кечада олиб бориб қўйди. Сафарга чиқиб кетганларига неча йиллар бўлгандек эди, лекин ҳали-ҳали ўша куз, Чинор тоғнинг этагидаги бобо қишлоқ ўша-ўша, кузнинг совуқ кечаларига чидам берган чинор ҳали ҳам кўм-кўк шовуллаб турибди, соясида гузару чойхона гавжум.

Очил бува одати бўйича кўчанинг бошидаёқ машинадан тушиб, пиёда юрди, беқасам тўн кийган Азимжоннинг этиги чанг, хуржунини елкасига кўтариб олиб, отанинг кетидан эргашди. Қишлоқ тепасида ёмғир севаларди, жўхори пояси ўриб олинган томорқалар кўпчиб, ҳалимдек бўлиб ётибди.

Очил бува муюшдаги темирчиликнинг бостирмасига қараб бурилди. Баданидан шаррос тер оққан бўз бола ёмғир шабадасидан

роҳат қилиб болға урар, учқун сачратар эди. Азимжон юкни қўйиб, кўча бошидаги чинорга тикилди, чинор бу баландликдан яқингина бўлиб кўринар, майда ёмғирда улғвор товланиб, буғланиб турар эди.

– Зўғатаси бўшаб қолибди сандоннинг, кундасини эртагаёқ бошқа қил, – деб тушунтирарди бува темирчи болага. У бостирмага ёмғирдан қочиб эмас, болғанинг ғалатиноқ овозини узоқдан эшитиб, насиҳат қилгани кирган экан, гапини айтибоқ кўчага чиқди, севалаб ёғаетган ёмғирни писанд қилмай кўча бўйлаб пастга, чинор томонга юрди.

Чинорнинг таги қуп-қуруқ, тош сўриларда чойхўрлар у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришар эди. Узоқдан бобони кўриши билан катта-кичик ўрнидан турди. Уни ҳамма қуршаб олди, бобонинг ўрни йўқланиб қолган экан, бири кучоғини очар, бири қўлини узатар, хуллас, ҳар ким қўлини олиш пайдан эди. Бобо ҳаммасига ўзига яраша гап топиб, ҳамқишлоқларининг дийдорига тўйгандан кейин, бошини кўтариб чинорга кўз тикди, кумуш соқолини силади.

Хуржунни ерга қўйиб, нарироқда тўхтаган Азимжон қадим чинор билан кекса бобонинг кўришувини, сўзсиз сўрашишларини томоша қилди. Чинорга қараб, баланд бир шохида лип-лип учиб ёмғирдан яширинмоқчи бўлган читтакни кўрди. Тухумдаккина қушча товланиб, кўпириб, шовуллаб турган яшил булут қўйнида кўзга аранг чалинарди. Бу қадимий, улғвор чинор эҳтимол қачонлардир мана шундай кичкинагина бир қушчанинг тумшуғида олиб келган битта уруғдан униб чиққандир...

Очил бува билан кўришиш учун чинор тагига яна тўда-тўда одамлар оқиб келаверди. Одам одамга азиз. Азимжон бу юртга келганидан бери шуни кўради: кўришиш, хайрлашиш, кўришиш, хайрлашиш. У катта оиласининг бир қисми билан танишиб, Чинорга қайтди. Бобосини қуршаб олган мана бу гузардагилар ҳам ўша оиланинг одамларига ўхшашади. Ҳар бирининг катта-кичик ўз қиссаси бўлса керак. Азимжон ўзини янги бир оламга кириб қолгандек, ундан қайтиб чиқолмайдигандек ҳис этди.

Ёмғирда чинор ҳамон шовуллар эди.

Гузардагилар бобо-набирани ҳовлигача кузатиб қўйишди. Дарвоза тагида унга Толибжоннинг болалари чуғурчуқ галасидай ёпирилишди, бир зумдан кейин бригадирнинг ўзи пайдо бўлиб, қорамойга бўялган қўлларини шошиб артиб қулочини ёзди. Қўшнилар тоғорада ош, саватда иссиқ нон кўтариб чиқишди. Очил бува ўзи ҳам ўйга толди: энди астойдил қариб, ҳамқишлоқларига табаррук



бўлиб қолибди шекилли, сафардан кутиш маросими ҳар йилдагидан ҳам узоқроқ, ярим кечагача чўзилиб кетди. Одамлар бобонинг суҳбатини соғинишган эди.

Ҳамма жўнаб кетгач, кечаси Толибжон жиянига бир хат тутқазди. Ажнабий маркалар ёпиштирилган бу хатнинг келганига анча бўлган экан.

Азимжон хатни олиб чироқ остига келди. Очил бува уй тўрида ўтириб, унинг оқаринқираган юзига, конверт йиртганида сал титраган қўлларига қараб турди.

– Хайрли хабарми, болам?

Азимжон хатни яна бир қайта ўқигандан кейин, бобосига ғалати бўлиб қаради:

– Ҳа...

– У ёқданми?

– Ҳа.

– Тинчликми?

– Ширкатимизнинг бош директори вафот қилибди.

– Аттанг... Яхши кишимиди?

– Дадамнинг дўсти, дадам ўрнида эди...

Очил бува билан Толибжон юзларига фотиҳа тортишди.

– Яхши бўлса, жойи жаннатдадир. Ўлим ҳамманинг ҳам бошида бор. Қолганлар омон бўлсин. Қайғурма, болам.

– Бобо... – Азимжон анчадан кейин келиб бобосининг рўпарасида чўккалади, – ширкатда энг катта улуш – дадамники, яъни ҳозирда меники. У ернинг одатича бош директор курсиси наслдан наслга мерос қолар эди. Марҳумнинг эса фарзанди йўқ, ўрнини менга васият қилиб, хат қолдирибди...

– Бу нима дегани бўлади?

– Бу... аввало, жуда катта мол-дунё, бобо, жуда катта пул!

Бува беҳосдан дармони қуригандек бошини оғир-оғир тебратиб қўйди:

– Унда жадал етиб боришинг керакдир?

–...Шундай.

Кейин уйга вазмин жимлик чўкди. Тунги бу жимлик уларнинг орасида қалин қора девордек ўсиб чиқди. Унинг оғирлиги чигирткаларнинг чириллашини ҳам, чироқ атрофидаги парвоналарнинг пир-пирашини ҳам босиб тушди.

– Нима ҳам қилардик, – деди бобо ерга қараб, – насибанг ўша ёқларга сочилган экан. Отлан, бўтам, ҳаяллама.

Азимжон чамадонларини саранжомлай бошлади. Тиззасида ўтириб ухлаб қолган қизчасини ичкари уйга ётқизиб чиқиб Толибжон ҳам унга қарашди. Бува неварасига сўнги ўғитларини айтarkan, товуши узоқлардан зўрға етиб келгандек, синиқ эшитиларди.

Улар тун яримлаб қолганда ётишди.

Лекин Азимжон ухлаёлмади. Тонг олдида сарпойчан эшикка чиқиб, оқ тош зинапояда узоқ ўтирди. Тун қоронғи, ҳатто чинор ҳам кўринмас, лекин унинг қаердадир шу атрофда осмонни тўлдириб турганлиги сезилар эди. Кўп ўтмай бир қушча чирқ этди. Кечаги читтакмикан? Худди шу заиф товушни эшитгандек, уфқда билинар-билинмас илк тонг нури чизилди. Азимжон бирдан осмонни кўрди. Худди рўпарасида ҳар жой-ҳар жойида қузги барги олтинсимон товланиб турган улўвор чинорни кўрди. Кечаги хат билан конверт ҳали ҳам қўлида эди. Пул! Бу уни яна қанчадан-қанча душманларга, хавф-хатарларга, низоларга дучор қилади! Ажаб: бобоси билан шунча йўл юриб, шунча одамларни, шунча воқеаларни кўрди, аммо биронтаси пул билан боғлиқ эмас... Азимжон ўтирган жойида хатни аста майдалаб йиртди. Бобоси орқасида тикка турган эди, шу пайт ўзининг шу ердалигини билдириб қўйди. Набираси сапчиб ўрнидан турди. Улар бир-бирларининг кўзларига тикилиб қолишди.

– Бобо, – деди Азимжон ҳаяжонда, – хатони тузатиш учун мардлик керак, деган эдингиз, эсингиздами?..

Кумуш соқолига тонг нурлари оралаган Очил бува неварасининг қарорини тушуниб, бошини сарак-сарак қилди. Неварасининг елкасига қоқди...

## БУХОРОНИНГ ЖИНКЎЧАЛАРИ

*...Бир халта олтин кўтарган бола  
чангалзорга кириб йўқолди...  
(Мозандорон ривоятларидан)*

1912 йилнинг бир куз эртаси Ғозиён маҳалласидан от етаклаб чиққан йигитча Ҳазрати Имом дарбозаси томон йўл олди. у айланиб ўтган тимлардан, саррофлар тоқини янграшиб, қаландар зикри аралаш, ўпоқ-сўпоқ дайди болаларнинг бақариқ-чақариқлари эшитиларди: «Оби ях!», «Айрону чалоб!..» Тавба, кузнинг куни-я! Масковда бу пайтлар тақаланмаган от кўчага чиқолмайди – йўллар яхмалак. Бухорода эса от миниб юриш маҳоллиги эсдан ҳам чиқаёзган экан: аввал Турки Жандий мазори дуч келди, кейин Қулбобои Кўкалдош, Авлиёи Ғариб, хуллас, то шахристондан чиқмагунча эгарга минишнинг иложи бўлмади. Қайроқ кўчага тушиб олганида ҳам, энди узангига оёқ кўяман деган эди, олисда пуштаи Искандархоннинг жизғанак дўнгликлари, Чилдухтарон туғлари ҳилпираб кўринди. Истамурга етганида эса, етакдаги от эсдан ҳам чиқиб кетди: болаликда кўрган жойлари; элас-элас хотиралар босиб келиб, қадамини секинлатди... Ўша-ўша шўр кўл ёқасида чармгарларнинг дўконлари, пўсттарошларнинг қорақўл ошлайдиган ёмхоналари қўланса ҳидини бурқитиб ётарди. У бу ерларга отасига эргашиб бир неча марта келган, отасининг бу даҳада кемухгарлардан устакор кўнчилари, таниш хомжаллоблари бўларди... Умуман, Ромитан йўллари Файзуллога яхши таниш: она юртига кўп борардилар. Мана шу Искандархон масжидининг вақф ерлари ҳам Ромитанда. Бу масжиднинг етти машҳур қориси ҳар пайшанба кеч хатми куръон қилиб, ўша вақф ерлардан йилига ўн минг танга оларкан, дейишарди.

Файзулло ўн минг танганинг нима эканини билади. Бугун отасидан кўнгил сўраб келган Юнус фаранг миллионлардан гапирди. Овруподаги, Фарангистондаги матлубот ҳақида, Варшавадаги дўконни негадир ёпиш кераклиги тўғрисида суҳбатлашдилар. Файзулло болалигида шундай гапларни эшитаверганиданми, катта нарсалар тўғрисида ўйлашга ўрганган. Ҳозир ҳам уни тушуниб бўлмайдиган мавҳум ҳислар, бир оз ғуссали, лекин қандайдир ёруғ туйғулар чуллаган эди. Бу йўллар, ағдарилган кулранг тупроқ, шудгор ҳовури, хазон ҳиди, кузги гуллар ифори илк болалик йилларини эслатди. У мана шу ерларнинг, мана шу қашшоқ замин, унинг дилни энтиктирадиган, кўзга ёш келтирадиган қадрдон оғушини вужуди билан туярган, ҳаёлига кутилмаган ваҳимали савол келарди: «Мен нима бўламан?»

Булар бари, балки отасининг бетоб ётганлигидандир. Ота бечора хаста, истисқо дардидан беҳад ночорҳол. Мана шу ҳазин куздай сарғайиб, қадим Бухоронинг кўҳна вайронларидай, катта тўшак билан бир бўлиб тўкилиб ётибди...

Шаҳристон шовқинлари орқада қолди; узоқ уфқларда муз парчасидай шаффоф булут сузар, унинг ортидаги сеҳрли нилий кўк дилни ўзига чорлар эди.

Эндигина ўн олтини қоралаб келаётган, бўйи ўртадан тикроқ Файзуллонинг чўзинчоқ тиниқ юзида, катта-катта кўзларида жиндак қувончу ташвиш аралаш бир паришонлик сезилар, бу ҳолат унинг либосида ҳам кўрингандек эди. Эғнида соф европача тикилган қўнғир костюму устидан оддий майдақавиқ тўн, оёғида бойроқ қишлоқилар киядиган музаи чаппаю бошида бежирим чақмоқи дастор. Етагида нимадандир норозидек мунғайиб кетаётган пастаккина кўк бодом дўнан шаҳар дарбозасидан чиққандан кейин табиат эркинлигини сезгандек бошини кўтариб бурун парракларини керганча ҳавони тўйиб ҳидлади, қуёшда товланган бўлиқ сағриси сал титраб қўйди. Улар бир-бирларини тушундилар: бу сабрсизлик белгиси эди. Файзулло барини белбоққа уриб, узангига оёқ қўйди-да, гавдасини енгил кўтариб, сариқ чарм эгарга қинғироқ қўнди. Бедов йўрға худди шуни кутгандек, қадимги арава йўлнинг билқиллаган кулранг тупроғини чангитганча ўйноқлаб кетди.

Ҳасти Имом дарвозаси ёнидаги Галаосиёга қатнайдиган кирakash эшакларнинг кетма-кет ханграши салдаёқ эшитилмай қолди. Файзуллонинг тез юргиси йўқ, кузнинг илиқ мусаффо ҳавоси кўксини тўлдириб, сокин хаёлчанликка майил уйғотар, шунинг учун у жиловни аста тортиб, отга тасалли бергандай, ёл остидан силлиқ бўйнини сийпаб қўяр эди.

Офтоб найзага келиб қолди, ammo кун иссиқ эмас, шабада мезон ипакларини тут қаторларига элтиб илади, узоқдаги чорбоғларни хазон ўртаб кетган, фақат Ситораи Моҳи Хосанинг парваришли боғлари ҳамон тўқ-яшил рангга бурканиб ётарди.

Файзулло бутун вужуди билан осмон софлигига туташиб кетгандек сезди ўзини. Кўпдан буён бундай ширин нафас туйгани, бундай ширин ҳаво олгани йўқ эди.

Лағлақи кўприк деган жойга етганида кун ҳам оғди. Лойқаруднинг сумбула сеҳрлаб қўйган бир тўрғай тиккада шундай сайраб бердики, Файзуллони кўнгли энтикиб кетди. Куюқ соя ташлаб турган қари тол тагида тўхтаб, эгардан тушди-да, айилини сал бўшатиб, отни қўйиб юборди. Кўланкада сақланиб қолган бир парча майса, сой ёқасида сувга қонган шу бўлиқ тупроқ уни ўзига тортарди. Этигини, тўнини ечди. Аввал ёнбошлади, кейин кўксини бериб, чўзилиб ётди. Лойқаруд товушсиз оқар, тўрғай тинган, қош бўйи тебранган майсаларнинг қовжироқ ҳиди димоққа урар, тагида ер нафас олаётгандек эди. Кўк майсани кафти билан сийлаб, пайпаслаб туриб, бармоқлари чанг қўнган заифгина бўтагулга тегиб кетди. Гулнинг тўзонда хира тортган зангор кўзлари бир нимани илтижо қилаётгандек туюлди. Файзулло унинг атрофидаги хасларни олиб ташлаб, чангини пуфлади, гул титраб-тебраниди. «Қўрқма, тентак, узмайман, ўсабер...», дея беихтиёр шивирлади йигитчанинг лаблари. Бу тушга ўхшар, уни ер гўё ўзига тортар, худди тушдагидек нимадир устидан босиб турар эди. Масковда шу туғишган ерларини соғиниб тушлар кўрарди, боғларнинг, шу чанқоқ тупроқнинг ҳидини кўкси билан сезар эди. Бу ётиши, бўтагул билан пичирлаб гаплашиши ўша тушларнинг давомидек туюлди. Йўқ, туш эмас, мана, гул чаккасига тегай-тегай деб кўз олдида тебраниб турибди. Файзуллони унга ширин гаплар айтгиси келади. Унинг бундай гап айтадиган кишиси йўқ, бўлса ҳам бари, ҳатто яқинлари ҳам қандайдир бегона. Нукул отаси билан сафар-тижоратда юриб, беш йил Масковда ўқиб, баридан узоқлашиб кетдими – ҳеч кимга кўнглидагини айтгиси келмайди... У чаккасини ерга босиб, икки қўли билан майсани чангаллади. Ер тирик, жонлидек эди. Файзуллони кўзида сабабсиз ёш ғилтиллади. «Йўқ, мен ёлғиз эмасман! Мен бегона эмасман!»

Йўқ, у ёлғиз эмас. Унинг меҳрибони, онажони бор. Файзулло у билан ҳали ҳеч парсани гаплашгани йўқ, лекин онаизор ҳаммасини тушуниб турибди. Райҳон биби фарзанди аржумандининг қайтиб келганига қувонибгина қолмади, кўнгли бесаранжомлигини, паришон ҳолатини ҳам пайқади: бир нима топгандай, яна бир

нимасини йўқотгандай сарсари эди боласи. Қайтдию икки кунда уйга сиғмай қолди. Худди рубъи маскуннинг бутун ошубу ғавғоси бошига тушгандек. Кўриниб турибдики, дарди бор – гаплашадиган кимсаси йўқ.

Бу дарднинг нима эканини Файзуллонинг ўзи ҳам билмасди. У ёққа борди, бу ёққа борди, маҳаллаларни айланди, танишлар билан учрашди – кайфияти ўша-ўша: эртаги кундан қўрқаётгандек эди. Она ҳам аввал, отасининг узилиб қолишидан хавотирда, деб ўйлади. Лекин кейин, Ромитанга, тоғаларининг олдига бориб келиш учун жавоб сўраганида, ҳамма ҳайрон бўлса ҳам, она тушунди: «майли, бор, болам, тоғаларингни кўриб, ёзилиб кел.» Онага бу осон эмас эди: ҳамманинг кўзи Масковдан қайтиб келган валиаҳд хўжазоданинг юриш-туришида, унинг бу кунларда бемор ота бошидан силжиши паст-баланд гапларга сабаб бўлишини бойбиби билмайди дейсизми.

– Онажон... – деб шивирлади Файзулло ерни қучиб ётганча.

Офтобрўя қияликда от пишқирди. Бош кўтариб қараса, жониворнинг безовта бўлганича бор экан: нарироқдаги шўрхок юлғунзорда беш-ўнта итолғими, кузғунми дам учиб, дам ерга, қуриган гужум шохига қўниб, бир жойда айланар, салмоқ билан ёйган катта қанотлари қорайиб йилтилар эди. Ўлжа пойлашяпти шекилли, сеҳрлангандек ғужғон ўйнаб, одам шарпасининг йўқолишини кутишяпти. Файзулло ўлаксахўрларнинг ифлос, илгакли тумшуғини, яшиқ бўйинларини кўрдими, тасаввур этдими – ишқилиб, юрагини ваҳима босди. Аллақандай таниш ваҳима.

Ўрнидан турди, тўнини қоқиб кийиб, йўлга тушди. Кузғунларнинг ўлжаси – эшак ўлиги экан, Файзулло уни эгарга минганда кўрди. Қариб, ишга ярамай қолганда Чўли маликка қувилган жонивор бўлса керак, юлғундан бўкиб ўлган, қорни дўмбира бўлиб ётибди. Ўлаксанинг кўнгил ағдарадиган қўланса ҳиди энди етиб келди. Ёмон ҳид қандай ўткир, қандай беор! Ҳалиги кир гулининг атри сезилар-сезилмас, нафис, заиф. Ёлғиз одамнинг эзгу хаёлига ўхшаш, ўчадиган шамдек...

Қаердадир сал ёришиб турган ўша таниш қутқу, ўша паришон безовталиқ яна вужудини чулғади. Орқасига қайрилиб қаради: одам шарпаси аригандан кейин кузғун галаси бирдан ҳаракатга тушиб қолган эди.

Файзулло отини қичади, тезроқ тоғаларникига етиб бориб ҳаммасини айтиб бериши керак: ўйларини, аҳволу кайфиятини, ҳислари, хавотирларини... Лекин булар нима ўзи, уларни қандай қилиб тушунтиради – ҳали ўзи ҳам билмайди.

Негадир яна отаси, касал атрофида уймалашган таниш-нотаниш одамлар яна ёдига тушди. Уйда ҳамма хоналар димиққан, ичкари-ташқари гавжум. Меҳмонхоналардан тортиб қазноғу сайсхонагача ҳамма ерда ниманидир кутиш, аста шивир, ғўнғир-ғўнғир ҳангома, сирли бир бесаранжомлик кечаю кундуз судралиб юради. Бухорои шарифнинг казо-казолари шу ерда, бири кетиб, бири келади: шариатпаноҳ муфтию аълам, маърифат пешволари, миллатнинг сарватдорлари, Убайдуллаҳжанинг Балжувон, Қоратегин ва бошқа туманлардаги мулкларидан келган гумаштаю корфармонлари, тимчию тижорат соҳиблари, ҳатто дарбор аҳлидан, амирнинг нуфузли надимларидан ҳам кимдир маҳобат билан келиб, дуои ҳумоюн изҳор этиб кетди. Файзулло уларнинг кўпини танимайди. У кунжаки домла қўлида бир йилча абжадхон бўлиб юриб, кейин мадрасада Жомийнинг «шарҳи мулло»сини хатм қилар-қилмай, отаси билан Масковга кетиб қолган эди. Лекин меҳмонларнинг мана бу икки-учтасини яхши билади: ҳазрати Шоражаб муфтий зуфунун – мударрисларнинг саромади, ҳатто Кўкалдошда ваъз айтган, банораспўш охунд, билимли, муомалали, содда, яхши киши, ўзга муфтийлардек кавушбардорларини эргаштириб юрмайди; Хўжа Зухриддин маҳдум, асли муҳрсоз, заршунос эди, фозил тарихдон, маърифатчи, ҳозир Пойи Остонада мактаб тутади; яна бир Мирза Муҳиддин, ўзи «Бухорои шариф» газетасидан, лекин ҳамиша қиримча «Таржимон» деган сарғиш жаридани қўлтиғига қистириб юради... Яна косагаронлик мавлавий... Қисқаси, шунақа бир неча танишлар бор. Қизиги шундаки, бу ерда неча хил маслағу мансаб толиби бўлса ҳам, на жадиду қадим низоси, на сунний билан шиъа, на бошқа бир нифоқ сезилади. Бу хонадонга келиб ҳаммаси бирдан ярашиб, мурасага кириб қолгандек...

Файзуллонинг назарида, улар ҳаммаси унинг йўлини тўсиш, унга дуч келиб бир илтифот кўрсатиш пайдан, гўё ҳаммаси шунинг учун келиб ўтиргандай. Файзулло эса уларнинг мулозиматини ёқтирмайди, катталар қуршовида туриб, ҳамманинг диққатини тортиш жуда ноқулай. Шунинг учун ўзини улардан олиб қочадию лекин суҳбатларини эшитгиси келади. Уларнинг гапларидан Бухородаги аҳвол, янгиликлар, кайфият, ўзгаришлар ҳақида кўп нарсани билиб олиш мумкин. Бир куни улар хонадон соҳиби ҳақида гурунглашдилар, Файзулло беихтиёр қулоқ солди:

«Убайдуллаҳжанинг олтини туфайли Бухоро оқчасининг маъзи бут: бошқа пошшоликларники сингари пуч қоғоз эмас».

«Ҳа, нима бўлади-да: амир жаноб олийлари билан тиззама-тизза ўтириб музофот мулкининг тасарруфини ўйлашар эди. Хўжаевсиз амир амир эмас, тақсир, ҳа».

«Оврупо...»

«Овурпани қайғурасиз, маҳдум. Чўли-биёбондаги қорақўлчи бойларимизни, хомжаллобларнинг ҳолини айтинг. Қемухгаронда ёмхоналар ҳозирдан бад бўй таратяпти».

Ҳом терининг ҳидланиши ёмон, димоғдан кетмайди. Ҳовлиларидаги катта қазноқнинг тағхонасидан ҳам шундай ачим-сиқ ҳид чиқиб туради. Файзулло ундан безор бўлган. Ахир чидолмади:

– Бибижон, мен тоғаларимни кўриб келаман.

– Бора қол, болам, ёзилиб кел.

Файзулло орқасига қайрилиб қаради. Қузғун базми кўз илғамас жойларда қолиб кетган эди. У энгил тортди.

Яна бир фарсаҳ йўл юрса қишлоқ кўринади. Файзулло энти-киб олдинга тикилди. Она қишлоқ, қадрдон обоғая тоғайилар, содда, ғўлабир деҳқонлар. Отаси бу томонларга йўли тушганда Файзуллони доим бирга олиб юрар, ўзи саҳройилардан тери йиғиб сотувчи гўспанджаллоблар билан савдою тижорат қилиб Чориқулбой қўйхоналарида қолиб кетганида Файзулло ҳамиша тоғалариникида бўларди. Ўша болалик, аллақаяёқларда қолиб кетган ўша болалик ҳозир яна кўз ўнгида гавдаланди: чўлиқбаччаларнинг қумда кураш тушишлари «қочди-тутди», «пойданак» ўйнаганлари, гўнг ташувчи ёш-ялангнинг эшак пойгалари... Қувноқ, серсув, сертегирмон қишлоқ эди бу. Чор атрофдан дон ортиб келиб, ун ортиб кетишарди. Шаҳобиддин тоғаси қайрағочдан тегирмон чархи йўнарди. Шаҳобиддин говжигар дейишарди уни. Говжигар дегани бу ернинг шевасида довюрак дегани. Шаҳобиддин тоға йигитлик чоғи Мағоқ жарлигида тўсинни ўпириб тушган тегирмон тошига елкасини тутиб, бир кекса деҳқоннинг яккаю ягона отини ўлимдан асраб қолган экан. Бу лақаб ўшанда қолган. Файзулло келганида Шаҳобиддин говжигар дағал қўлларида кичкинагина ўтқир искана билан парракка сайқал бериб, хушбўй пайрахага кўмилиб ўтирган бўлар эди. Файзулло кела солиб, уни кучоқларди-да, рахнасига янтоқ босилган пастак девордан ошиб, эшакда гўнг ташиётган тенгқурлари ёнига югурарди; далада арпалар кўкарган, шудгорларда қарға галаси...

Ҳозир яна ўша баҳор ҳиди димоғига урилгандай бўлди.

Лекин қишлоқ ҳамон кўринмас эди. Узоқлардан кўзга ташланадиган адил тераклар, гужум қайрағочлар йўқ, уфқ негадир сапсарик...



– Боймулло! Файзулло! – деган овоз эшитилди. Қараса, бир новча бола икки боғлам исириқни елкалаганча рўпарадан югуриб келяпти. Файзулло овозни танигандек бўлдию болани танимади.

– Ассалому алайкум, боймулло, дамлимисиз!

– Мўминшо? – деб Файзулло сакраб отдан тушди. – Сенмисан, Мўминшо! – Улар кучоқлашдилар. – Мунча найнов бўлиб кетманг!

Бу Файзуллонинг ўша «пойданак» ўйинида ҳеч ким бас келолмайдиган қурдошларидан эди. Бўйи чўзилиб кетибди-ю, ўзи ўша ўша бола, қишлоқи, олача бўз кўйлаги тиззадан. Файзулло унинг олдида миқти, жиддий йигит, ўткир кўзларидаги ўй қувонганидагина аллақайёққа учади. Улар қувнаб-қувнаб ҳол-аҳвол сўрашдилар, болаликни эслаб, яна кучоқлашдилар. «Боймулло» ҳам қолиб кетди, илгаригидай сенлаша бошладилар. От уларга эргашиб бош чайқаб борар эди.

– Менга қара, Мўминшо, қишлоғимиз...

– Ҳа, сен энди кўряпсан. Далаларни кўчма қум босгандан бери қишлоқ... шу. Ўлик... Пахта экмаймиз, арпа экмаймиз, боғроғ йўқ. Деҳқон болалар чўпон-чўлиқ бўлиб ёлланиб кетди. Ўзинг қалайсан, энди қайтиб келдингми?

Файзулло жавоб бермади. У бирдан ўпқонга тушиб кетгандек карахт эди.

– Сен хафа бўлма, тағойиларинг бари омон, – деди Мўминшо. – Одам боласи тирикчиликнинг иложини топар экан. Фақат, қишлоқда йигитлар камлигини пайқаган Ғарибмозор шоқоллари ҳаддан ошяпти.

– Ғарибмозор шоқоллари?

– Ҳа. Ўтган куни мурид овлагани узоқ қишлоқлардан хўжалар келиб, «авроди фатҳия» ўқиб кетишган эди. Бу дуо дардмандларга шифо эмиш, деб кўп халқ йиғлади... Кетида таянчи йўқ қизлар борлигини кўриб кетишган экан, эртасига ҳалигилар келиб, тоза чирқиратишди.

– Қизларни...

– Қизларни сотишади.

– Кимга?

– ...Бахти очилганлари саройга ҳам етиб боради, қолаверса – пинҳона қулжаллоблар бор.

– Қулжаллоб?! Ҳали ҳам-а?

Мўминшо бу саволга тушунмади. Улар индамай юриб, қишлоқнинг тупроқ кўчаларига кириб бордилар.

– Мачит саҳни сарҳовуз эди-ку, бу хома қайдан келди? – сўради Файзулло, қумранг либосдаги даҳшатли манзарага жовдираб. – Руд-чи? Руд қани?

У саволнинг ўринсизлигини биларди. Чорбоғдаги қум босган майсада болаларнинг ялангоёқ изларини кўриб эти увишиб кетди.

Шу маҳал бўғиқ танбур навоси эшитилди. Кимдир синиқ, мунгли товуш билан «Муножат»ни айтарди. Аввал тўхтаб тингладилар. Кейин Файзулло аста куй эшитилган томонга бошлади. Машшоқ барханлар остидан девор рахналари қаққайиб ётган вайрона бир ҳовлининг кўча эшиги олдида ўтирганча бутун гавдаси билан тебраниб танбур чертар, эзиб куйлар эди.

Мўминшо меҳмонни енгидан ушлаб тўхтатди.

– Гап қотганни хушламайди... у – басир.

Файзулло турган жойида ерга чўкди. Дўсти ҳам унинг ёнида кўк исириқ боғламини тагига босиб ўтирди. «Муножат»нинг сеҳрли садолари узоқлардан ғариб шомни бошлаб кёлаётгандай, ернинг ўзидан чиқиб бутун борлиқни раҳм-шафқатга чорлаётгандай эди.

«Дўстлар, мен телба аҳволига йиғланг зор-зор...»

Файзуллонинг юраги эзилиб, қаердадир эски яра очилгандек бўлди. Дилида беш йил аввал кетганида узилган жой эмасмикан? Болалик... Ширин болалик. Унинг дунёнинг бўлак чеккасида эмас, шу ернинг ўзида ўтганига ишонгиси келмайди киши. У ўтирган жойида қум аралаш кулранг тупроқни уқалаб туриб гапирди:

– Бу садо, бу сўзлар шу ернинг ўзида, ҳозир туғилаётгандек... Аслида, биласанми, Мўминшо, бу жуда қадимий куй... Уни жабрдийда бир машшоқ Бухоро зиндониде яратган экан. Муножат... У ҳали ҳам зиндонда янграётганга ўхшайди...

Мўминшо дўстининг кайфиятини пайқадия гапига унча тушуниб етмади – Файзулло буни кўриб турарди.

– Яшил ўрмонлар, сарин ёмғирлар, пичанзорлар бўлади... Ҳидини искаганмисан? Ўзинг қаёқдан келяпсан шу топда?

Мўминшо гап ўзига келгандагина яйраб-сайраб гапира кетди. У ҳозир қўшни қишлоқдаги бўзчи соҳибкор қўлида халфа бўлиб ишларкан. Файзулло тушунди: бўзчи халфалар белигача чуқурга тушиб ишлайди, шунинг учун Мўминшо шўрликнинг ранги синиқ.

– Ҳа, Зандоненинг абрибанда усталари бор, қалами бўзлари Маккаи мукаррамада ҳам хардоргир, дейишар эди. Симкорни мўл оларкансан-да? – деди Файзулло дўстининг кўнглини кўтариш учун.

– Йўқ. Бу йил симкор йўқ, – деди халфа, – бел боғлатиш расми кушодига устакордан бўнак олганман: касбимизнинг пири имом Аъзам арвоҳларига қуръон тиловат қилдирдим. «Арвоҳи пир» базмини, рисолага кўра устакорлар, оқсоқоллар, вофурушлар ейди, биласан. Ҳозирча шип-шийдон югурдакмиз.

– Майли, эвазига энди белбоғингда моки бор, – деди Файзулло. Кичкина дўстининг мулоҳазали йигитча бўлиб қолгани кўнглига тасалли берарди. – Кўлингдаги нима?

– Ҳазорспон, жинсбанд..

Файзулло Бухоронинг бу қишлоқи лаҳжа сўзларига эски танишларга жилмайгандек кулимсираб қўйди.

– Даданг ҳали бормилар?

– Йўқ... Ўтган йили иякларини ўзим боғладим.

Файзулло юзига фотиҳа тортди, шеригининг елкасидан ушлаб, силкиб қўйди.

Кўрғоннинг ташқарисида қизил лозим, малла бўз кўйлак кийган уч-тўртта қизалоқ қумлоқ ўтларини оралаб юришарди. Файзулло улар орасида танишларини топмади. Унинг танишлари энди уй-жойлик бўлиб кетган бўлса керак, булар – янги ўсиб чиққан қизғалдоқлар...

– Илдиз теришяпти, – деб тушунтирди Мўминшо, – саланг, қақак, хардандон...

– Булар биладими?

– Оч меъда бетоқат қилади, мана бола-чақани ҳам ўргатиб қўйди. Қуритиб туйса ем бўлади, арпа уни қўшиб талқон қилишади. Хўп тўйимли нарса, бир ҳовучини еб олсанг роса ухлайсан – очлигинг билинмайди. Болалар буни ҳам билиб олишган.

– Қаҳатчилик қаттиқми?

– Экин-тикин йўқолиб кетди-да. Қишлоқда, фалончи бу йил қум тагидан ер очиб уч дўппи арпа сочганмиш деса, ҳавас қиламиз.

Бундай аҳволда оилага бош бўлиб қолган Мўминшо ҳамон бола эди: Шаҳобиддин говжнгарнинг кўраси кўринди дегунча меҳмонга кўз қисдию шаталоқ отиб суюнчига югурди.

Тоғанинг кўраси катта, лекин тап-тақир, илгариги икки таноб боғ ҳам қуриб, қўшилиб кетган, аммо шом олдидан анча гавжум эди. Этакда чўктирилган икки туя янтоқ кавшайди, ёнида чўпон-чўлиқ эшак тўқимини ёстиқ қилиб ҳозирдан ухлаб ётибди. Кимдир шўрқудуқнинг ғарғарасига меш боғлаб охурга сув тортар, кимдир аччиқтош сувида юнг қайнатар эди. Берироқда хотин-халаж гуппи чолиб, қўй сутидан маска ажратар, ёрғучоқ тортиб ўтирар, кўмир хокасини гангча қўшиб, рангрелик қилар эди. Ҳовлини

тезак тутуни тутган. Бу катта хонадоннинг кечки машғулоти Файзуллога таниш.

Отни якка миҳга қантариб, совға-бағил тўла хуржунни ерга туширгунча, Шаҳобиддин говжигар ҳам лопиллаб чиқиб келди. Ўша-ўша бесўнақай, чорпахил, қизғишмўй. Бу – катта тоға, хонодоннинг саромад отахони. Кўзига ёш олиб жиянини бағрига босди. Ажабки, у сира ўзгармаган, деярли қаримаган эди. Вужудидан гуп этган пайраҳа ҳиди Файзуллони дарров таниш болалик дунёсига қайтарди-кўйди. Таниш дунё, таниш чехралар. Ана, Нуриддин тоға, Кўшмоқ тоға қаёқдандир ҳансираб етиб келишди, Шоди бедол билан чўтир Ҳамзанинг дўриллаган овозлари ҳам эшитилди. Булар ака-ука, улар ҳам тоға ҳисоб. Бу ерда ярим қишлоқ – Файзуллонинг обоғаю тағойилари. Бири яқин, бири узоқ, бири таниш, бири ноташи, ишқилиб, сон-саноқсиз. Бари бир-бирига жонкаш жафокаш.

Тансиқ меҳмонни қучиб-куршаб, сал ис босган, тоқисининг гуллари ўчган чорхари хонага кирдилар, гур этиб шолчага чўкдилар. Катта тоға шукрона ўқиб, қизғиш соқолини сийпади.

– Ҳўш, соҳиби давлат сиҳатмилар? Бойбиби синглимиз, амакиларингиз?

Файзулло онасининг дуоларини айтиб, аҳволни гапириб берди.

– Ҳаммалари отамизнинг бошларида... – деди у ҳикоясига ғуссали яқун ясаб.

– Ҳа, дардлари астойдил бўлди чоғи, – деб аралашди ўз лақабига ўрганиб қолган чўтир Ҳамза. Бу сийрак соқолли, сергапроқ, семиз, чўтир одам яқин тоға бўлмаса ҳам, Файзулло унинг суҳбатини яхши кўрар, лақабини айтмаслик учун шунчаки «тоға» деб ўрганган эди. – Аввал ўйлагандек: язнамулломиз ясоғли уйда ястаниб ётгандирлар-да, деб...

Файзулло уйда жонига теккан бу мавзудан қочиб, тоғаларидан бир-бир ҳол-аҳвол сўради. Янгаларини, бола-чақаларини суриштирди, кейин қишлоқ ҳолини, ўзининг биринчи таассуротини ачиниб гапирди. Гуппи чопон этагини тизза остига босиб чўтир Ҳамза яна гапни илаштириб кетди:

– Ҳай, шаҳар ёнмагунча дарвишнинг кабоби пишмас экан: Кум босдию мана баримиз хунарли бўлдик. Дехқон эдик, жиян, мана энди тоғаларингиз, бири – саррочу бири – хумдончи, бири – шустгару, бири – бўйрабоф... Тирикчилик экан, гилкорлик қиламиз, супурги боғлаймиз, аёлларимиз зеҳидўз, бирёнгар...

– Фақат дехқон эмас, чорвадорларнинг ҳам кишту коридан пупур кетди, – деди катта тоға.

Чўтир Ҳамзанинг ўйноқи, жимжимадор гаплари қайғули суҳбатда ҳам жилмайиш, жонланиш уйғотмоқда эди. Шаҳобиддин говжигарнинг салмоқли овози эса тубсиз сукунатга чўккан тошдек, гурунг кайфиятини оғир босиб тушди.

– Терини ўз нархида йиғиб оладиган одам – саҳройига бир нажоткор эди. Биласиз, уни биёбондан туякарвон қилиб олиб кетишга фақат валинеъмат отангизнинг қурблари етарди. Энди нима бўлади, билмайман – хомжаллоблар қоракўлни сув текинга ортиб жўнашади, шўринг қурғур пўстишўй «Ё ҳазрат Аҳий!» деб пирига нидо қилганча чирқираб қоляпти...

Қоронғи тушган эди. Қатта тоға меҳмон хурматига «ер ёғи лампа» ёқишга буюрди. Дастурхон ёзилиб, янгаларидан бири зоғора кулча, бири тут майиз, бири пишлоқ, яна бири шўрак келтирди. Файзулло бўз рўмол учи билан юзини ярим бекитган янгалар билан бирма-бир саломлашдию тикилмагач, ҳеч бирини танимади. Хизматга тушиб кетган Мўминшо остонада уларнинг қўлидан чой-нонни олиб, узатиб турарди.

– Туманнинг чор ҳокими ҳануз ўшаларми? – сўради Файзулло. Унинг ўйлари, қаёқдадир, бошқа томонларда эди чоғи.

– Ҳа, ўшалар, – деди катта тоға, кулча нон ушатиб, – лекин улар ҳозир танҳоўр бўлишган. Аллақандай шўрапўшт ғалаёнчиларни тинчитгани учун ҳумоюн уларга шундай унвон ато қилиб, ўзлиги-ча солиқ йиғиш ҳуқуқини берган.

– Амир солиқлари устига?

– Ҳа-да, жиян, – илиб кетди чўтир Ҳамза. – Сўпи сўғон ер, топилса йўғон ер. Қапсан дейди, ҳаққулло дейди, даҳяк, молият, хирож...

– Яна таъзири билмол... – кўшди кимдир.

– Э, солиқ деб келган амлақдорнинг ўзи ҳам чалкашиб кетопти ҳозир, – гапга тушди чўтир Ҳамза, – бир куни келиб, қум босган ерлардан «тикан пули», «ўтлоқ пули», деб қолди. Ие, акун, унмайди-ку, десак, «худо беради! Ё мункирмисан?» дейди...

– Э, менга қолса, болам, қишлоқни қум босганига ҳам розиман, – деди шу вақтгача индамай ўтирган Шоди бедод. Бу кўсароқ одам (отаси жоҳил ва заҳил киши бўлган, лақаб унга отамерос) ўзи ёш, лекин орада ҳаммадан кекса кўринар эди. Кемшик лунжида нон, кавшаниб гапирди: – Пахтакашга ҳам осон тутманг – минг бурду балоси бор. Ерлар ота-бобомиз даврида «мол қилинган», унадими, унмайдими – молиятини олаверади. «Ўғрини тополмасанг хасбурчини тут», деган гап бор. Хасбурчи келиб бир ботмон ҳосилингни ўн ботмон деб ёзиб кетади. Кейин гумаштаси фириб беради.

Каппон тарозининг паллабардори-ку қумдай қуритади. Муштакчи билан тили бир – қоқма чакмонингни шилиб оладилар...

– Ҳай... – деди Шаҳобиддин тоға гапни бўлиб. Мавзу бу ердагиларнинг меъдасига теккан, пойгакдагилар тарқала бошлаган ҳам эди. – Қани, дастурхонга қаранг, жиян. Кела солиб нолаю зоримизга дучор бўлдингиз. Ўзингиздан эшитайлик. Бутунлай келдингизми?

– Ҳа.

Файзулло дилидаги дардларини айтиб, тоғаларидан панду насихат олиш умиди билан кўксидан тутаб келган эмасми, қараса буларнинг ўз жумбоқлари ҳам чувалашиб ётган экан.

– Маскоплардан гапиринг, жиян, – деди чўтир Ҳамза яқинроқ силжиб ўтириб. Товушлар тинган, улфат сийраклашган, айвондаги чироқпояда мангқол чирсиллаб ёнар эди, унинг ёруғида Файзуллонинг қорача юзи ғамгин соялардан аримади. Улар гоҳо чуқур кўз тубларида, гоҳ узунчоқ ёноқларининг кўланкаси бўлиб, қорайиб кўринарди. Шу бир куннинг ўзида негадир жуда эзилиб кетганини ўзи ҳам сезди. Лекин уни бола деб ўрганган тоғалар бунни кўп ҳам пайқашмасди, хафалигини кўришса ҳам, бунни ота хасталигидан деб билишарди.

– Масковда турмуш бошқача, тоға, – деди меҳмон йигит ва алақандай нурли хотиралардан бирданига юз-кўзи жонланиб, ҳикоя қила бошлади. – Гиштин иморат, тунука том, тош кўчалар... Шундай нимарсалар борки, бизда ул шайнинг номини ҳам билмайдилар. Инчунун, ҳар хонада оёқ остига пойгакдан то тўргача тахта тўшайдилар: «пол» дейдилар. Ёхуд, шаҳарнинг у даҳасидан бу даҳасига сим орқали гуфтигу қиладилар. «Телефон» дейиладир. Ҳар гўшада тартибу саришталик, Хонадонларда жўмракдан тоза сув оқадир, оқ чойшабда ётадилар. Оқшомлари жуфт-жуфт бўлиб театру томошасига, от ўйинига бориш одат, боғу оромгоҳларда сайр этадилар. Қариялар хиёбонларда рангин чорпоялар қуриб ўтирадилар, оройишу осойиш била... Ёшу яланг озода кийиниб салонларда мажлису машварат қурадилар, илми маърифату сиёсатдан баҳс очиб... Фазли комилу фусоҳо, зиёли кимсалар бисёр...

– Бу подшоҳу боён, аркону давлатдир, болам... – деди соқолини тутамлаб, ўйга толган Шаҳобиддин говжигар.

– Йўқ, тоға. Мана, мен бир оддий муаллимникига қатнаб дарс олардим. Унинг саранжом уйида беназир кутубхонаю мусиқий асбоблар, электр фонус, мужассамаи курра... Илик оши емайдир, исқорлот чопон киймайдир, аммо илм толиби учун жами олат муҳайё. Йўқ, тоға, русларнинг умргузоронлик тариқи шоён диққат ва ибратомуз.

– Аттангки, биз унга эришолмаймиз.

– Нима учун, тоға? – қандайдир ёрқин маъюслик билан бирдан кескин сўради Файзулло. – Ўрганиш мумкин-ку?

– Еримиз бўлак, динимиз бўлак... ё уларни кўчириб келтирамизми? Ана амир кеназ Антоновска деганга Паттакесар ерларини сотибди, нима бўлди? Тирикчилик ўзгариб қолдими? Хомхаёл бу, болам.

– Князь Антоновский дедингизми?

– Ҳа. Нима эди?

– Мен билан бирга Саша Антоновский деган ўспирин алмон шева-сидан сабоқ олар эди. Аслзодалардан. Ўшанинг отаси эмасмикан?

– Билмадим, мулла болам. Тун оғди, ётиб дам олайлик, – деди катта тоға омин тутиб. Унинг барваста гавдаси билан бирга бошқалар ҳам кўтарилишди. Тим қоронғи тинликда бирин-кетин хўроз қичқириғи эшитиларди, ҳамма жой-жойига тарқалгач, айвонда фонус ўчди. Узоқ жимликдан кейин, меҳмонхонада кўрпага кираётиб, Файзулло яна аста гапириб қўйди:

– Тоға, бари бир русларнинг турмуш тариқатини ўрганишдан бўлак йўриғимиз йўқ. Уни беш йил татиб келган жиянингизга ишонинг...

Шаҳобиддин говжигар томоқ қириб қўйдию жавоб бермади. «Танчага чўғ солайми?», деб эшик очган кимнидир «йўқ», деб жеркиб ташлади. Шу билан Файзулло ҳам гапдан қолди, сассиз тун чўқди...

Саҳарда уни деразадан бош суққан Мўминшо уйғотди. Ўчоқ бошида пистапўчоқдан бужғун қайнатаётган кампирдан бўлак одам йўқ эди. Бир пиёладан мурчли ширчай ичиб, кулчатойни қўлтиққа урдилар-да, кўрадан чиқиб кетдилар. «Девбандликни кўрсатаман!», деди ҳовликқан Мўминшо.

– Кечаси сен театру томошасини гапирдинг. Бизнинг театрумизни ҳам кўриб қўй.

Улар қишлоқнинг пастқам маҳалласига қараб юрдилар. Новча Мўминшонинг узун оёқлари қум хомаларидан, тиканак, тўсиқлардан биратўла ҳатлаб, отда юриб ўрганган Файзуллони шошириб қўйди. Яхши ҳамки одми чопон кийиб олган экан... қўнжига қум, ўпкасига тўзон тўлиб кетди.

– Қаерда ўзи у томоша?

– Девбанд эшонникида...

Кеч қоладигандек яна тезлаб кетди Мўминшо. Бир жойга етгач ҳафсаласиз тўхтади.

– Афсус, бугун урмайдиган куними дейман. Шу паллада овози чиқар эди.

Файзулло у ёқ-бу ёққа қаради, тушунмади.

– Кимни уради?

– Жиннини-да.

– Ким?

– Эшони қамчизан.

– Нимага?

– Ичидаги инсу жинсни шундай банд қилади-да.

Сал юрганларидан кейин чалдивор раҳнасидадан вайрона бир ҳовлининг айвони кўринди, лойсупада яланғоч девона ағанаб ўкириб ётарди. Оёғидаги занжир айвоннинг тагсинчидан ўтказиб боғланган, тани яра-чақа, совуқ куз эртасида вужудидан қалққан муздек тер аъзои баданидан лой бўлиб оқар, тақир боши қўтирлаб кетган, қош-қовоғи чанг, олдида қоқнон, обдастада сув, умидсиз кўзлари осмонда, қараши ҳам, ўкириши ҳам маъносиз эди...

– Кеч қолибмиз... – деди Мўминшо.

– Савалаб тузатадимми?

– Тўрт қават қайишдан ўрилган дарра билан ҳар куни чунон савалайдик, дев демаганинг...

– Юр, олдига борамиз! – деди Файзулло.

– Йўқ, унга ҳали ақл кирмаган. Нима қиялпсан, қўрқмайсанми? Жинни-я!

Файзулло яқинлашиб бораверди. Мўминшо ҳам юзидан қон қочиб, девор раҳнасидадан ошди-да, шеригининг енгидан ушлади, Файзулло тўхтамади.

– Ассалому алайкум... – деди жиннига яқин бориб. Девбанд эшоннинг мижози бу ғалати ўткинчига хавотир билан олайиб қаради: ўткинчилар одатда уни калака қилиб, бола-чақа эса тош отиб, эслироқлари нарироқдан айланиб ўтгучи эди. Буниси қанақа бўлди? Оддий ўткинчига ўхшамайди, бу ерлик ҳам эмас шекилли, юзида имон...

– Табибмисиз? – деди жинни ўтириб. Жулдур иштонининг йиртиқ жойини ёпишга уришиб. Бу ҳаракатни пайқаган Файзулло орқадаги шеригига маъноли қараб қўйди.

– Қалтақдан тузалишингизга ишонасизми?

– Мулла, меҳмон экансиз, кетинг бу ердан. Менга гап қотгани қўрқмайсизми? Девбанд эшонга ҳаддингиз сиғадими?

– Гап сизнинг ҳақингизда. Сиз жинни эмассиз-ку?

– Мен худонинг бандасиман.



– Сизни эшонга сотишган. У сизни «соғайтиш» билан «девбандлик»да донг чиқаради.

– Кетинг, мулла.

– Дарвозанинг зулфин тамбасини ола келинг, Мўминшо.

Халфа «нима қиялпсан?» дегандай ваҳимада бир қараб, икки сакрашда зулфин тамбасини суғуриб келди. Файзулло занжир боғланган устунни ушлаб кўриб, темирни кишан ҳалқасига суқди, қайиришга кучи етмади. Мўминшо у ёқ-бу ёққа аланглаб, ёрдамга келди. Кишан ҳалқаси қайрилдию узилмади. Темирни иккинчи томондан тикдилар. Халфанинг тиззалари бедармон, Файзуллонинг аста, босиқ ҳаракатлари уни баттар қалтиратар эди. Ҳалқа узилгандан кейин ҳам ошиқмасдан:

– Юзингизни ювиб олинг, – деди Файзулло жиннига обдастани кўрсатиб. Мўминшо қочиш йўлини излаб алангларди, девор орқасидан ўтадиган сувсиз анҳор ўзанини мўлжаллаб ҳам қўйди. Файзулло шошмасди:

– Отингиз нима? – деди жиннига.

Жинни отини ҳам унутганми, нима бало, жавоб бермай, унга тикилиб турибди. Тутқаноғи тутиб бир кори ҳол юз бермаса бўлди. Тезроқ юрса-чи!

– Файзулло!.. – қақирди Мўминшо девордан ошиб... – Ёпир... уни ҳам бошлаб келяпти-ку, нима қилмоқчи?

Отим Зайниддин эди... Зайниддин чала, – деди жинни оёғидаги занжирнинг учини билагига ўраб ушлаганча судралиб келаркан. Файзулло биларди: мусулмонликка ўтган яҳудийларнинг отига «чала» сўзи қўшиб айтилади.

– Во ажабо! – деди у Зайниддинни Мўминшо изидан бошлаб. – Оддийгина, ёқимтойгина исмингиз бор экан-ку!

Анҳор ўзанини кўчма қум босган, эрталабки намда бир этик, икки ялангоёқ изи қолиб борарди. Бунга кўзи тушган Мўминшонинг юраги шув этиб кетди: ҳозир билиб қолиб, қувиб келишади-ку, эшоннинг дидбону даррадастлари.

Улар ўзандан пастга қараб узоқ юрдилар. Мўминшо олдинда, Файзулло билан Зайниддин орқада нимадандир гаплашиб келишар эди. Тўпга борганда пуштаи Ғарибон деган қабристонга етдилар, демак икки қишлоқ оралиғи, саҳронинг қоқ этаги. Шу ерда раъдзада бир қари тут соясига ўтирдилар.

– Қани, гапиринг, биродар, ким сизни бу аҳволга солди? – деди Файзулло бир оз нафас ростлагач.

Зайниддин, юзини соқол босган, ёши нечадалигини билиб бўлмайдиган, жиккак, заиф одам, йўл юриб дийдирашдан қолган ел-

касини офтобга бериб ўтирар эди. Оғзи сув очади шекилли, тилини сўриб-сўриб гапга тушди:

– Сиз сўраманг, мен гапирмай, бойвачча. Маноқибни саргузаштим узундан узоқ, дардим бедаво. Бир замонлар мен ҳам сиздек бир мулла эдим...

– Ҳай... – деб қўйди Файзулло ҳайратда. Чиндан қам жиннининг гапида муллаваччаларнинг китобий сўзлари кўп учрар эди.

– Ота-онам жўйбарий қашшоқлардан бўлган. Биласиз, уларга касб-кор, меҳнат қатағон эди. Отам қазо қилгандан кейин, онам мени қабристонда чалпакхўрликка ўргатди: жума оқшомлари кўр қорига жўр бўлиб қуръон айтардик, яқинларини эслаб, лаган кўтариб мазор бошига келган кампир-халаж бизга чалпак улашарди. Мазор чалпаги билан онамни икки йил боқдим. Ёш бола деб, ачи-ниб кўпроқ ҳам беришарди-да. Кейинроқ кўр қори бунга чидамади, мен сиғиндини ҳайдаб юборди, онам бандаликни бажо келтирдилар, жойлари жаннатда бўлсин...

Аммо саводсиз бўлсам ҳам, қорилик тажрибаси мадрасага кириб олишимда кор келди, «Бидон»дан бошладим, «Кофия»га ўтдим, дарсфаҳм эдим, баймулло...

– Ҳай... – деди Файзулло, буни айтган эдингиз, дегандек.

– Чуқурликдаги ғўзабозорда қизилча пишириб сотиб ифтитоҳона тўласак ҳам, вақфхўр, ориятнишин қашшоқ муллабачча бўлсак ҳам, ўткир масалачи эдик... Аммо бахтиқаролик экан, уч-тўрт йилдан кейин бош оғриққа дучор бўлдим. Чакка томирларим зирқирар эди. Икки фасл чидадим, табибга бордим, гилмоя едим... ҳеч иложи бўлмади. Мадраса талабаларининг бир одати, биласиз, таътил пайти пастқам жойда чилла ўтириб, сабоғини пухталаб олади. Мен ҳам ўша кунлари хўжа Хилват Шақшақий мазорида, чашмаи гул суви дардисарга шифо эмиш, деб эшитган эдим. Ҳатто бир мулло, Шақшақий – арабча «шаҳида», яъни «бош оғриғи» сўзидан олинган, деб тушунтирди. Оғриқ жонимдан ўтиб кетганида жазму таваккал қилиб йўлга чиқдим: ҳам чилла ўтириб дарсимни пиштаман, ҳам дардимдан дариғ бўламан, деб.

Хўжа Хилват Шақшақий мазори шаҳардан қирқ чақиримча четда, Қизилкум хомалари орасида экан. На дов-дарахту на боғу сабза. Хонақоҳ ёнида бузрукворнинг меҳмонхонаси, мазор биқинидаги моғакда чиллахона. Мутавалли билан жорубкашдан бўлак зиёратчилар, менга ўхшаш хастаю дардман, савобга хизмат қилувчи муридлар, гадою девона – ишқилиб, Чашмаи гул бошдаёқ дидимга ёқмади. Бунинг устига, зиёратчи бир маҳдумнинг

айтишича, «гул» дегани гул эмас, ўша ернинг шевасида «кўтир» дегани экан. Чашмани кўрсам кўнглим айнийдиган бўлди.

Чилла ўтиришимнинг учинчи куни муолижа бошланди. Боши оғриган киши ҳафтада бир сопол тоғорада пиширилган қўзи калласини бошига кўтариб киради, шайхнинг мешкобчиси тоғорани олиб, касалнинг бошига Чашмаи гул сувидан сочади. Кечкурун ёздахуми маҳр: зикр тушиб чиллахонада худои еймиз.

Икки ҳафта деганда, дард аримади-ю, бирдан сочим паққос тўкилиб, бошим хунук фасодлаб, жийиган кал бўлдим-қолдим. Қарасам, бу ерда каллар кўп, улар билан негадир мозор шайхнинг ўзи шуғулланар экан. Шайх ғавсул аъзамни ёдлаб худойи қилар, худойига кўплаб зикрчилар келар, ғавсул аъзамга аталган назр-ниёз ҳисобидан бу калларга бепул дармон берилар эди: рух кукунидан қилинган тўтиёни сиркага эритиб, «Ешафё, имом Қутайбанинг кўлидур!» деб бошимизга суркардик. Баттар бўлди, бошим борган сари қип-қизил шилиниб, фасод ҳидланиб, гадоларни ҳам ҳуркитадиган бўлиб қолдим. Инсон зоти ёнига йўлатмайди, энг паст, сасиб кетган тиланчи ҳам ор қилади, жирканади, моховдек ёлғизман. Бу бош оғриқдан ёмон бўлар экан. Чиллахонага киришга кўрқаман, иштонбоғимга ўзимни осиб қўяманми, деб...

– Бўлмади, қочдим, боймулло, – давом этди Зайниддин чала узр сўрагандек аянчли тикилиб, – шаҳарда ҳам аҳволим шу – ёлғизлик, очлик. Қайга борсам итдек уриб ҳайдайдилар. Бошимга чортарк кулоҳ кийиб қаландарларга ҳам эргашдим – ҳайдадилар. Моховдан баттар эдим. Одам қиёфасидан чиқиб, ор-номусни ҳам паққос еб, бандасига нақ йиртқичдай қарайдиган бўлганимда ўзим тенгиларни учратдим...

Булар мендек юқимли каллар тўдаси, юртда уларни «Хумоюн кузғунлари» дейишар экан. Мени Тўқимдўзлик ҳаммомига олиб боришди. Гўлаҳхонада ётамиз, юз-кўзимиз кул-қурум. Увада чакмон беришди, белда чилвир...

Касбимиз нима – пошшоликнинг ғарибкашхонасидан ўлик ташиймиз...

Ҳикоя шу жойга келганда Мўминшо қаёққадир туриб кетди. Зайниддин: «Боланинг кўнгли айниди шекилли», дегандек ачиниб унинг кетидан бир қарадию давом этди.

– Ҳукм куш авжида, биласиз. Регистонда ҳар оқшом ўғри-ми, тўғри-ми, кимлардир сўйилади. Қатл этилганлар Мурдашуён маҳалласидаги ғарибкашхона деган чуқурликка ташланар эди. Ярим кеча деганда тўртталамиз ўша ерда пайдо бўламиз. Ўликлар совуши билан: «Омин! Жаҳонгир бўлсинлар! Чорёр мададкор!» деб

чукур тепасида жаноб олийларини дуо қиламиз-да, шартта кўтариб кетамиз. Бошқаларимиз Тўқимдўзликда саҳармардон ўткинчиларни тўсиб, аллақачон «иш бошлаган» бўлади. Ўлжани кўча ўртасига қўйиб, «ўликлар кафани учун» ўткинчилардан пул талаб қиламиз. Бермаса этагидан тутиб, кал бошимизга кафтимизни ишқаб юзига суркаймиз.

– Тез бер, бўлмаса дўппимни оғзингга тикаман!

Беради шўрликлар. Биз юзсиз эдик. Тубанлик – бизнинг ризқи рўзимиз. Одамларнинг жирканиш ҳиссини уларнинг ўз пулига сотардик. Биз билан муомалада бўлган кимса қусар, неча кунлаб томоқ еёлмас эди. «Саҳарда ҳумоюн кузғунларига учрагур», деган қарғиш шундан қолган. Мен бу тонгги даҳшатларга кўникиб қолдим. Гоҳ ўликнинг эгаси чиқиб қолса, мўмайгина пул унади. Қорин тўйиб, бу дуоғўй Жўйбар мурдашўйининг етим қизига уйланиб ҳам олган эдим... Лекин ҳожи Порсо ҳаммомининг тобутхонасида каббону кадхудо бўлиб уч кеча ётгач, шўринг қурғур завжамиз ғойиб бўлди. Кейин, ҳумоюнимиз Хайробод боғида қазо қилганларидан сўнг, жулус кунидан икки ой ўтар-ўтмас, кузғунларнинг гўлаҳхонасини миршаб босди. Камина бир қув миршабнинг дастига тушган эканман, ўша сиз кўрган супага элтиб боғлаб, эшонни-кида бир кеча айши-нўш қилиб жўнаб қолди. Буёғини кўрдингиз. Сизга нима десам экан, Шаҳобиддин говжигар қилолмаган ишни қилдингиз...

Бу мақтов ҳақорат бўлиб эшитилдими, Файзуллонинг боши яна ҳам эгилиб тушди. У гўё ичидан ёниб кетаётгандек эди. Яхши ҳам, бу пайт ҳансираб Мўминшо етиб келди. У қаердандир топиб келган эговини «жинни»нинг олдига ташлади, Файзулло ҳам қўлтиғидаги кулчани Зайниддиннинг тиззасига қўйиб, тўнини унинг яланғоч елкасига ёпди-да, ёшли кўзларига бир тикилиб қараб, жўнаб кетди.

– Шошманг, энди шошиб қаёққа борасиз? – деди Мўминшо унинг орқасидан эргашиб, Файзулло алланимадан, ўз азобли ўйларидан, таҳқирланган инсоннинг даҳшатли қисматидан, оғир таассуротдан тезроқ қутулмоқчидек, яна ҳам тезлаб юрди. Қуриган тут тагида қорайиб Зайниддин қолди. «Энди у нима бўлади? Тезроқ эговни қўлига олса-чи!», деб ўйларди Мўминшо ҳам. Этик пошнаси остида қум ғичирлаши ҳам эгов товушига ўхшар, Мўминшонинг ўйчан дўсти тез юрар, гўё бир нимани шошиб эговлар эди...

Улар кечга яқин нон чайнаб кириб келдилар. Шаҳобиддин тоға устaxonасида пайрахага кўмилиб ўтирар эди. Ёнида бир кичкина тобут, икки бежирим бешик. Файзулло тегирмон парраги йўнил-

гандаги қайрағоч ҳидини яхши кўрар эди. Лекин бу ҳам ёмон эмас, тут, терак... Тоға билан саломлашганда Файзуллонинг кўнгли сал кўтарилди, «Қаёққа йўқолиб кетдингиз», деган койишга жилмайиб жавоб берди. Лекин тоға бу жилмайишда ҳам бир дард борлигини сезган эди. Ялтироқ пешбандини ечиб, уст-бошини қоқди-да, ичкарига таклиф қилди. Кўрпача солиб чой буюрди-ю, иккаласи ҳам бир ҳўплаб қўйиб индамай қолишди. Файзулло дастурхоннинг шокиласини ғижимлар эди. Шаҳобиддин говжигар ўзи ҳам пиёла ўрнига чилимни олиб, сархонасига тамаки солиб пишитди-да, найни оғзига тутди.

– Нима гап? Бизникида бир нима ёқмадимми? Болалигингизда бу ерларни яхши кўрардингиз, – деди тутунда узоқ йўталгандан кейин.

– У мехрингиз алҳол дилимда, тоға. Биз қишлоқни кўрдик. Онажонимнинг қишлоғи... – унинг товуши сал товланди. Севимли тоғасига қандайдир эзгу ўйларини, юрагини зирқиратган аламли ҳисларни айтмоқчи эди. Лекин нимадан иборат ўзи бу ўй, бу ҳислар?

– Тоға, нимадир қилиш керак.

– Кечаги гапми?

– Ҳа.

У кўрганларини аллақандай титроқ билан узук-юлуқ тарзда айтиб берди.

– Инсон қадрига ҳўрлигим келади, тоға... Бундай аҳвол фақат бизда бўлиши мумкин.

Тоғага тамакининг нимасидир ёқмади чоғи, чиройини бузиб, чилимни четга сурди. Чироқ пилигини кўтариб қўйиб, бирпас асабийлашиб ўтирди.

– Сиз бу ташвишларни қўйинг, жиян, – деди кейин.

– Нега? Ўз юртимиз эмасми бу жафокаш тупроқ? Унинг ғуссасидан қочиб қаёққа борамен?

Шаҳобиддин говжигар жиянига биринчи бор жиддий тикилди: бирдан улғайиб қайтдимми ёки болалик ҳовлиқиши?

– Нима ҳам қила олардингиз?..

– Руслар нимадир қияпти-ку? Уларнинг ёрдамида биз ҳам кўп нарса қилсак қурбу ҳаддимиз етмасми? Дастурхончи гузаридаги Порсохўжа домланинг айтишича, Бухорода бир жухуд синематограф очмоқчи бўлган экан, уламо қаршилиқ кўрсатибди, лекин Когондаги рус маъмурлари аралашгач очиладиган бўлибди. Бир рус савдогари сарбозлар майдонига тош ётқизмоқчи бўлганида ҳам уламо фатво бермаган экан, рус элчихонаси бу иртижоъни ҳам

тийиб қўйибди. Сиз бунга нима дейсиз? Ҳар бобда ана шундай рус тариқини жорий қилсак агар...

Ташқарида шарпа эшитилди. Юқоридаги сомонхонада нимадир шитирлаб, шотидан гуп этиб ерга тушди. Айвонда кимдир уст-бошини қоқиб, томоқ қирди. Остонада нотаниш одам пайдо бўлди. Эски солдат гимнастёркаси кийган, қоп-қора соқолли бу одам кўринганда уй эгаси дарров ўрнидан туриб, хавотирда, гарангсираб қолди.

– Нима гап, Василич?

– Салом-алайкум. Тинчлик.

Ҳайратда нима қиларини билмай ўтирган Файзуллонинг ёнига келиб чордона қурди, ваҳимада қолган Шаҳобиддин говжигарни осойишта қўл ҳаракати билан тинчлантирди.

– Ҳеч гап йўқ, ўтиринг, Шаҳоб. Хуш келибсиз, бойвачча.

– Хушвақт бўлинг... – у ҳали гаранг: бу бир мўъжизадек эди, хурсанд бўлишни ҳам билмайди, хафа бўлишини ҳам; қаердан келиб қолди, ким? Уни қаёқдан билади? – Сиз русмисиз? – русчалаб сўради Файзулло.

– Шумилов Николай, – деди тунги меҳмон қўл бериб. У қирқ ёшларда, узун қора соқолида битта-яримтагина кумушранг тола товланар, кўзлари ўткир, товушида сал хомийлик, сал кесатиқ эшитилар, лекин кўриниши, хатти-ҳаракатидан жуда ўзига ишонган одамга ўхшарди. Ўзбекча гапирди. – Кеча ҳам эшитдим суҳбатингизни, бугун ҳам... ростдан ўзингиз ишонасизми шу гапларга?

У Файзуллога, эртак тинглаб чиройли хаёлларга бериладиган эсли болага қарагандек, синчков меҳр билан боқди.

– Мени билар экансиз, тағин эътиқодимни сўроқлаяпсиз... Камина сизни танимасам...

Шумиловнинг жилмайиши жуда ёқимли эди, очиқ қараши уй эгасига далда берди:

– Николай Василич беғараз одам, Файзулло, – деди Шаҳобиддин тоға, – Тошкентдан Қрасновотга кетаётиб...

– Қочаётиб... – тузатди меҳмоннинг ўзи.

– Бизникида бир кеча тунаб...

– Яшириниб... – яна қистирди Шумилов.

Файзулло вазиятни тахминан тушунди. Ўлимга тик борадиган бундай хаёлпарастлар ҳақида кўп эшитган эди. Большевикларми, бадарғачиларми, инқилобчиларми, оти нима бўлса ҳам, ишқилиб, ҳали халққа бир наф келтирганларини билмайди. Лекин уларнинг бундай ёқимтой бўла олишини ўйламаган экан. «Шаҳоб...» Тоғаси тушмагур-эй! Наҳотки улар бир-бирларини тушунсалар?

– Сиз менинг гапларимга киноя билан қараяпсиз... – дея соф рус тилида гап бошлади Файзулло, – ўзингиз рус кишиси бўла туриб-а?

– Йўқ, нега, – русчага ўтди Николай Васильевич ҳам, – сизнинг мулоҳазаларингиз мени анча қизиқтирди. Шунинг учун конспирацияни бузиб болохонадан бу ёққа тушдим. Лекин, мен русман, шунинг учун сиздан яхшироқман, дейишим керакми? Агар сиздан афзалроқ томоним бўлса, у шундан иборатки, мен инқилобчиман.

– Бизга сизнинг инқилобингиз керак эмас, инқилобингизни кўрдик... Бизга сизнинг маданиятингиз керак.

– Буни мен тушундим... – деди салмоқ билан Николай Васильевич, – лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, мен сизни шунчаки одобли, билимли бир муллаваччадир десам, сизда ҳам бор экан-ку... қалампирдан. Қаёқдан бўлса экан?

– Яхшими, ёмонми, ҳар ким ўз тупроғига киндигидан боғланган бўлади, жаноб Шумилов. Лекин бизнинг тирикчиликни бир татиб кўрсангиз эди...

– Татиганман, лекин уни минг бежаб шакар сепганингиз билан, бари бир, еб бўлмайди.

– Биладан, сиз ҳамма нарсани тубдан бузиб, ер билан яқсон қилишни ўйлайсиз. Кейин-чи, кейин нима қиласиз бу вайронада? Уй-жойсиз, пулсиз, нонсиз, ҳақ-ҳуқуқсиз... Мана, ўзингиз сомонхонада қочиб ётибсиз. Нима билан қиласиз инқилобни?

– Пул билан қилинадими?

– Мен сиёсатга аралашаман десам, орқамдан етти фирқанинг одамлари эргашиб юрибди...

– Адашиб, чалкашиб қоласиз ўшалар орасида, жаноб Хўжаев. Менинг ҳам шундай бир танишим бор эди, Савва Морозев деган. Фабрикант, миллионер. Ким чоризмга қарши гапирса, ўшанга ёрдам бериб юрди...

– Кейин-чи, кейин нима бўлди? – тикилиб сўради Файзулло.

– Кейин... – Шумилов оқибатини айтгиси йўқ эди, қўл силтади. Лекин охирида овозини пасайтириб айтиб қўя қолди: – ўзини ўзи отиб қўйди.

– Нега? Сабаб? – деди сал оқаринқираган Файзулло.

– Сабаби шуки, у чоризм билан бирга, инқилоб ғоясидан қам нафратланар эди.

– Ана, кўрдингизми, сиёсатга суқулиш оқибати... – Файзулло бу кўнгилсиз гапга ўзича шундай хулоса ясади-ю, лекин дилида гашлик қолди. Шумилов, келажакда кўп ўлимларга, қон тўкилишларга сабаб бўладиган бу одам, уни чўчитар, ҳам нимаси биландир ўзига тортар эди. – Сиз менга қиттак бўлса ҳам ишонмаяпсиз.

- Ҳа.  
- Нима учун?  
- Оёгингизда кишан бор, халтангиз оғир.  
- Қанақа кишан, қанақа халта?  
- Миллионларингиз...  
- Сиз одамдан фақат мулкдор бўлгани учунгина нафратланасиз.  
- Очиқ гапларим учун маъзур тутинг, Файзулло, мулоҳазаларингизга ҳурматим баланд.

- Раҳмат, Николай Васильевич. Мулоҳазаларим кўп. Уларни кимга айтишни билмай юраман. Чунончи, инсон табиатининг азалий қисмат замини нимада? Одам боласи шу туришида ўз ички аъзоларининг намчил юкидан кўп жабр тортади: унинг маънавияти шуларнинг асиридир. Менинг отам мерос сармояни худди тегирмон тошидек бир умр азобда айлантирди, ва бу саҳронинг бирон бурчида кимса йўқ эдики, унинг яна сал бадавлатроқ бўлиши учун қора тер тўкмаса. Аммо отамга раҳмим келади. У соддадиллик билан, ўғлим бу сармоя машинасининг дастагини аста-секин ўз қўлига олади, деб ҳамон хаёл қилади.

Бу менга тўғри келмайди.

Одамда ният бўлади. Пул эса ният йўлида восита. Сармоядорнинг нияти нимада? Бойишми? Бу яна ўша пул-ку? Демак, воситанинг ўзи ният.. Йўқ, одам табиатида пул, мол-дунё дарди – тақдири азал эмас... Масалан, сиз нимангизга ишонасиз?

- Биз она юртимизни севамиз, – деди қора соқолли тунги меҳмон. Кейин ўйчан қўшиб қўйди: – Инсон табиатининг қисмат замини балки мана шудир.

- Сиз мендаги она юрт меҳрига ҳам шак келтиряпсиз...

- Жуда ҳам ёшсиз... – деди жиддий ўйга толган Николай Васильевич. Бу мавзуда у ҳеч қачон жиддийроқ ўйлаб кўрмаган экан. Авахта тупроғини яламаган, сургуннинг сил йўталини кўрмаган, отишга ҳукм қилиниш нималигини билмаган бир арзанда бўлса... Унда юрт меҳри қачон улғаяди-ю, қаерда синалади?..

Фикрининг давомини ҳам айтмади, ичида ўйлаб қўйди, холос: «Эсиз, шундай зако, шундай эзгу талпинишлар... ўзга муҳида у шахс бўлиб етишарди. Бу «ғоялар» чангалзорида эса, албатта нест-нобуд бўлади, афсус...»

- Сиз менинг туғма ҳисларимга ҳам шак келтирасиз... – деди Файзулло унинг ўйларини уққандек, ерга қараб.

- Йўқ, нега? Сизнинг дардингиз бор. Ҳар қандай дард эса бизнинг юксак ниятларимиздан нишонадир... Ўйларингиз, орзуларингиз бор. Орзуга эса, маълумки, айб йўқ...



– Сиз ҳамон менга бегуноҳ орзулар билан банд бир бола, деб қарайсиз. «Сурат соляпсиз, бойвачча, тузук, тузук, болалар сурат солишни яхши кўрадилар...» шундай дея кулиб турибди кўзларингиз...

Николай Васильевич бир оз ўнғайсизланиб турди.

– Яна худо билади, – деди у, – мулоҳазали йигит экансиз. Айтганларингиз астойдил бўлса, балки сиз ҳам сиёсатга чиқиб келарсиз... Қандай ботқоқлардан олиб чиқмайди она юрт меҳри!

Николай Васильевич чўнтак соатининг қопқоғини қирс этиб ёпиб, вақт тугаганига астойдил афсусланиб, Файзуллонинг чеҳрасига боқди. Йигитчанинг юз-кўзида ўткир зеҳн, ақл чатнаб турар, юз чизиқларининг жонли жилвасида руҳиятининг нафис, чалкаш саъи-ҳаракати сезилар эди.

– Афсуски, энди мен кетишим керак, – деди Шумилов ўзбекча-лаб. Ҳалидан бери эшик олдида тик турган Шаҳобиддин тоға бу гапни маъқуллаб, тараддудланиб қолди. Ташқарида тун ярим бўлган, айвонга сал оқиш уфқнинг сезилар-сезилмас шуъласи тушиб турар эди.

Меҳмон соқолини силаб, барваста гавдасини кўтарди-да, Файзуллога омад тилаб, саҳро тунида ғойиб бўлди. Шаҳобиддин говжигар уни аста, фонуссиз, шарпасиз кузатиб қайтди.

– Тоға, – деди ўтирган жойида ёнбошлаб олган Файзулло, – сиз у билан ҳаммаслакмисиз?

– Қайдам, болам... Лекин жуда хушфёъл одам, кўрдингиз.

Бу «хушфёъл одам» Файзулло учун жумбоқ эди. Унинг гоҳ безиллатувчи, гоҳ жозибали гаплари, фикри, қиёфаси саҳаргача уйқу бермади. Саҳарда эса Файзулло ажойиб ёқимли туш кўрди. Москва эмиш. Озода кийинган одамлар ёруғ, саришта кўчаларда тавозе билан сайр қилишармиш. Бир-бирларига мусаллам, юзларида табасум... Йўқ, Москва эмас, Бухоро эмиш бу. Муҳташам ғиштин бинолар. Башанг костюм кийган фузало орасида ҳурмат билан таъзим қилиб Зайниддин ҳам ўтаётганмиш... Фақат негадир Мўминшо йўқ. Файзуллонинг фикри-ёди шунда эмиш: нега Мўминшо йўқ?

– Мўминшо!!!

У ўз овозидан уйғониб, қуёш нуридан кўзи қамашди.

– Жўрангиз келиб кетди, – деди тоға. Унинг овози устахона томондан эшитиларди. – Хайрлашгани келган экан, уйғотишга кўзи қиймади. Зандоне устакорлари тошбағирроқ бўлади, азонда жўнаб кетди бояқиш. Бўзчи халфанинг нони қаттиқ, болам...

Ҳозиённинг ярмидан кўпини эгаллаб ётган бу хонадонга бир вақтлар Бухоронинг захкаш совуқлари йўламас эди. Суронли

тижорат хангомалари, узоқ йўлдан қайтиш қувончи, дабдабали сафар тараддудлари ҳукм сурадиган сершовқин, гавжум ҳовлию меҳмонхоналарда энди у қадим руҳ сўнган, нақшин ҳавзақларга осилган қирқинчи лампаларнинг пилиги қисиқ, шунинг учун айвонларнинг ҳотамкорий устунларидаги каллаи муқарнаслар ҳам, шифтнинг ўйма нақшли қизил вассалари ҳам хира тортган, гажак бағаллар билан зийнатланган равоқларда сирли кўланкалар ўйнардди.

Шомдан кейин дарвозахонада пайдо бўлган Файзуллониң юзига шу совуқ руҳ билан бирга, тағхонада узоқ ётиб ислана бошлаган тери бойламлариниң ҳиди келиб урилди. Чап кўлдаги қазноқдан чиқиб келган қари жиловдор сўзсиз саломлашиб, отни сайсхонага етаклади. Ёш хўжайин куриниши билан ичкари-ташқарида жонланиш бошланди, болохона гулдасталарида кимлардир қимирлаб қолди; бўғчахонада бойваччанинги сафар чопонини ечиб, елкасига майда жиякли енгил тўн ташладилар, обдаста билан сочиқ тутдилар. Файзулло гилам дўппини тортиб кияркан, сиркор парчинлар билан қопланган пештоққа қарар эди: у ердаги гулдастада кўринган бесаранжом шарпа албатта унинг ойижониси бўлса керак. Юмшоқ махси кийиб, югурганча тош зинадан чиқди. Ўйлаганидек, онаси шу ерда, нимқоронғида унга интизор бўлиб турган экан» бағрига бош кўйди.

– Аввал падарингизни саломлаб, дуоларини олгай эдингиз, болам... – деди она, товуши бир оз товланиб. Бу катта хонадонда Файзуллони сизламайдиган одам йўқ эди. Лекин онаси сизлаганда унинг кўнгли алланечук бўлиб кетади. Қоронғида унинг шаффоф юзларидаги намни кўрди бармоқларининг учи билан аста артиб, тоғаларининг дуоларини топширди.

– Қалайлар? – сўради пастга ишора қилиб.

– Кутишяпти...

У ота ҳузурига шошмоғи керак эди, тушиб кетди.

Убайдуллохўжа тоби қочгандан бери миёнҳовлидаги хос хонада кўрпа-тўшак қилиб ётар, келди-кетдини ҳам шу ерда қабул қилар эди. Файзулло ганч сувоқли тоқисимон даҳлизлардан, гулдор намоёнлар билан безатилган нимқоронғи серҳашам меҳмонхоналардан ўтиб, ўймакор эшик олдида тўхтади: унинг ташрифини етказишган шекилли, ичкарида одам кўп бўлса ҳам жимжит эди.

Хос хона ёруғ, лекин бир оз дим. Жиндек исириқ ҳиди келди. Файзулло отаси оёғига бориб тиз чўқди, бошини баланд болишларга кўйиб: исқорлот чакмон ёпиниб ётган бузуркворнинг барини ўпди. Сўнгра туриб меҳмонлар билан бир-бир кўришгач, тўрга, ота

ёнбошига бориб чўкка тушди. Ҳамма ўтириб, фотиҳа тортгандан кейин, отанинг тансиҳатини бафуржа сўраб, тоғаларининг дуоларини етказди, меҳмонларга яна бир-бир бош эгиб хурмат билдирди.

Хос хонанинг деворлари ганчкор часпак усулида шувалган, баланд шифти ўйма нақшли тўсинлар билан бўлиниб, пиромони юлдузсимон шарафалар билан безалган эди. Аммо бу кўҳна безак услублари замонанинг инқирозли изларидан холи эмас: оёқ томондаги деворга зимдан ёқиладиган катта печлар солиниб, дидсиз танланган фаранг кошинлар билан қопланган, ёқут қандиллар ўчган, гиламлар чамандек гуллаб ётмасди.

Дарвоқе, бу ердаги меҳмонлар ҳам шундай қурамароқ бир давра эди. Бугун ҳазрати Шоражаб зуфунундан ғайри яна Абдулазиз аълам Шоахсий ҳам бор эдики, уларнинг бир даврада ўтирганларига Файзулло тушуниб етмади. Шоражаб муфтий-ку, отасининг ақраболаридан, кўп мужодалада ақлий ва нақлий ва далиллар билан енгиб чиққан фазли комил соҳиби, китобпараст; Аҳмат Дониш безаган «Юсуф-Зулайҳо»ни уч юз пуд буғдойга айрибошлаган экан дейишади. Дилкаш қори деган танбурчи бир боғбон билан ошнолик қилади. Ўзи ҳам содда ва дилкаш. Бу Шоахсий ҳазрат эса мутаассиф уламога қайишганроқ. Орқаворатдан уни «оқ муҳр аълам» ҳам дейишади, чунки оқ қоғозга муҳр босиб, фатво котибларига сотар эмиш. Тағин Шоражаб зуфунунга қараб ҳар гапнинг бирида «устоди комил, устоди комил» деб тургани ортиқча...

Ана у, кўнғир мовут чакмон кийиб ўтирган Хўжа Зухуриддин маҳдум-ку, майли, у соқолини риндона қайчилаган, қашшоқроқ бўлса ҳам, маънийи хосга ошиқ, нозиктаъб, рангин хаёл киши. Даромади Сўзангарон мадрасасидаги бир нечагина хужра вақфидан бўлса ҳам, мактаб тутади. Настаълиқдан хуснихат. Гулдўзи маҳси билан кавши олак кийиб, саллани афғонлардек эшиб ўраб, пешини узун қўйиб юради. Қўлтиғида Ҳофизнинг босма девони. Муллалар орасида «бенамоз» деган лақаби бор. Унинг ёнида келган анови иккинчиси-чи? Уни Аҳад Сойиб деб танийдилар. Ўзининг деярлик фазилати йўқ. Қушбегининг мирзахонасида ҳам ишлаган, ҳозир қайси бир туманнинг пахта бозорида торози тутиб, ҳавасга бия боқади, дейишади. Бир оёғи калта, кундров бўлса ҳам, баланд пошналар булғори этик кийиб, белига байтир чандоза, қинлик қаламтарош осиб юради. Жадид номини олганидан бери кўзойнак ҳам тақадиган бўлди. Ойнаги шундайки, кўзи эмас, фақат қорачиғи иккими-уч такрорланиб кўринади, тикилса, сизга ўлик балиқ кўзи қараб тургандек...

Хўжа Зухуриддин маҳдумни ҳам жадид дейдилар. Лекин булар қандай қилиб бир даврага сиғишиб ўтирибди – Файзулло ҳайрон.

Бу орада мулозимлар ўртага дастурхон ёзди. Мулла Аҳад билан Абдулазиз аълам Шоахсий яқинроқ силжиб ўтирдилар.

– Ҳай, болалик билан хайрлашиб бўлдингизми, ўғлим? – сўради Убайдуллохўжа соқолини пастдан силаб. Калтагина мош-гуруч соқол ётган жойида кекиртагини санчиб безовта қилса керак – кўли нуқул ияк остида эди.

– Ҳа, дада. Илло, ҳар нечук, кўнглим нотинч, хотирим жам эмас... – деди Файзулло ўз аҳволини тушунтиришга уриниб. Ота уни ўзича англади.

– Менинг ташвишимни тортманг. Иишоолло, бу дунёлигим бут. Паришонликни бас қилиб, энди омонатимни қўлимдан олурсиз дея орзудамен. Хўп десангиз, у дунёлик омомимни қайғурмоқ менга раво бўлур.

– Бу гапларингиз бемавруд, падари бузрук...

– Қачон бўлса ҳам, валинеъматингизнинг умидлари сиздан, – гапга аралашди Шоражаб муфтий. Унинг мўйлабига туташиб кетган қуюқ соқоли хина кўйгандек қизғиш, овози беозор эди.

– Отамга арз этган эдим – на иқтидорим бор, на қурбу хоҳишим...

– Пайғамбаримиз тижоратни касбларнинг аълоси, тожирларни элнинг ашрафидур, деганлар... – сўз қотди нишолдага нон ботириб, Шоахсий аълам. Файзулло унга жавоб бермади. Фақат мулла Аҳад қувватлаб қўйди аъламни:

– Гар зарурат бувад – раво шавад. Давр савдо даври экан, замонга боқмай, қаёққа ҳам борардик.

– Қадимда ҳам араблар Бухорони Мадинат ут-тужор деб атаганлар, ўғлим.

– Руслар-чи, дада, руслар ҳозир уни жаҳолат ошени деб атамоқдалар.

Давра анчагача жим бўлиб, бир оз ноқулай аҳволда қолди. Мулла Аҳаднинг оғзини чапиллатгани эшитиларди, холос.

– Ўриспараст бўлиб қайтибсиз... – жаҳли чиқди Убайдуллохўжанинг. – Сизни Масковда ўқитишдан муродимиз бу эмас эди.

– Донишмандимиз Аҳмад Калла ҳам ўриспараст эди раҳматлик. Шу билан ўз халқига эл бўлолмай хор-зор ўтиб кетди. Аммо... – Аҳад Сойиб мулоҳазаларини салмоқлаб, ваъз оҳангида гапирар эди, – аммо валиаҳдни койишингиз жоиз эмас. Убайдуллохўжа эшон, Масковда таълиму таҳсил топишлари замона учун айни муддао. Эндиликда савдо ҳисоб-китоб илмидан ғайри бўлмас.

– Замона ўтадир, мулла Аҳад, – деди Шоражаб зуфунун хуш овоз билан, – илло имон қоладур, ҳисоб-китоб илмининг эса виждон сотишда қўл келганини ҳам биламиз.

– Ҳақ сўзни айтдингиз, тақсир, – бемор мол-дунё, рўзғор ишларида кейинги пайтда кўпайиб кетган кўнгилсизликларни эслади шекилли, қорача юзи сарғиш тус олди, – бохабар бўлинг, Файзулло-хўжа, Чоржўйдаги карвонсаройимизнинг булғори борбандлари – хўп мулла йигитлар эди, эшитишимча, бизга фириб беришибди. Араблардан ришват олишармиш. Каркидан пароходда келган бир фасллик булғори тойларимиз ҳануз поездга юкланмай, ёмхонада моғор босиб ётибди...

– Инсоф – дин соф, дейдилар. Бандасига аввало инсофи комил ато этсин.

– Ўриспарастлик эса, – муфтийнинг гап оҳангини илиб олиб давом этди Шоахсий, – боймулло инимдан ҳам бошланган эмас, Аҳмад Донишдан ҳам. Ўриспарастлик ўтмиш асрда хумоюнзодаи валиаҳд Абдулаҳадхондан бошланган эди. У зот Петербурғга сайри сафар қилганларида оқ пошшо дарборининг катта базмидаги айши-нўшдан сўнг бир шартномага даст чекдиларки, унда ўрисларга Бухоро ерларидан, Бухоро боғларидан сотиб олишга иршод берилган эди. Амир Музаффархон ғазаб отига миниб валиаҳд шаҳзодани саройдан дариға қилдилар. Аммо у жаннатмакон ўзлари дорил бақога риҳлат қилганларида Абдулаҳадхон тахтга чиқиб шартнома жорий бўлди. Шоҳлардан куфур етса вабо келур, деган машойихлар. Дарҳақиқат, ўша йили Қаршидан вабо келиб Бухоронинг ярми қирилган эди.

«Оқ муҳр»нинг бу совуқ гапи Файзуллони одобли, оғир ҳолатдан чиқараёзди. Ҳимоя истагандек, отасига ялт этиб қаради:

– Темир йўллар ҳам ўша шартномага биноан қурилган экан-ку! Янги Бухоро, Чоржўй, Қарки, Паттаксардаги бекатлар, банклар...

– Ҳа, темир йўллар, банклар жонимизга ора кирди... – деди Убайдуллохўжа, – аммо ўзимиз ҳам бўш келмаслигимиз керак, ўғлим. Давлатнинг молияси симу зарга ҳамиша муҳтож. Амиримиз ҳотамтой, ҳазина дош бермайди...

Отасининг бу эски гаплари, пулдан пул ясаш дардини яшириш учун топган улуғ баҳоналари Файзуллога сира ҳам ёқмас эди.

– Дада, – деди у кайфиятни ўзгартирмоқчи бўлиб, жонли оҳангда, – князь Антоновский деган ҳам ўша шартномага биноан Паттакесарда 90 йилга баҳолаб жуда катта ерлар олганмиш, шу тўғрими?

– Ҳа, эшитган эдик.

– Менинг бир жўрам бор эди, алмон шевасидан бирга сабоқ олардик. Князь Александр, деб виқор билан тахтга чиқарарди уни немис домулламиз герр Шульц. Унинг ҳам фамилияси Антоновский эди. Ўшанинг отаси эмасмикин?

– Бўлса бордир.

– Ўша бўлса, изн беринг, дада, мен уни топиб бораёй. Саша билан қиёматлик жўра эдик...

Бу гап томдан тушган тарашадек бўлди. Кимдир гаранг, кимдир кулиб юборди, ота эса астойдил кесиб гапирди:

– Сиз аввал Чоржўйга отланинг, – деди буйруқ оҳангида, – менинг номимдан иш тутинг: булғори борбандларини ҳайдаб юборинг, гумаштани ҳисоб-китобга тортинг, корфармонни менинг хузуримга йўлланг. Кейин... Қиш ўтади, ҳамал киради – қорақўл йиғиш фаслига бўнак тарқатиш муддати кечикяпти. Бунинг учун Чоржўйдаги рус ҳисобот банкидан кредит олиш ҳақида гаплашиш керак. Мирсолиҳ саррофга учрасангиз ўзи бошлаб боради.

– Дада...

– Мана, сизнинг ҳозирги юмушингиз шу. Барини уқдингизми?

– Отажон...

– Хамир учидан патир.

– Буни ҳам қиламан, жўрамни ҳам топаман, майлими?

Унинг болаларча умид билан термилишига кулиб юборишди. Отанинг ҳам кўнгли юмшаб, ижозат берди.

– Ҳай, йўлингиз бехатар бўлгай, омин.

Ҳамма фотиҳага қўл кўтарди. Файзулло исқорлот чакмоннинг барини ўпгач, орқасига тисарилиб чиқиб кетди.

Ичкаридагилар унинг соддалигидан завқланиб, ғала-ғовур қилиб қолишди. «Бола-да, болалиқдан айоилиш ўзи бўлмайди», деб кулишарди улар.

Файзулло эса, ғалати, мураккаб ҳиссиёт чирмовида, югуриб бориб яна онажонини топди. Хонадон тун қўйнида, ичкарининг шабхоналарию қазноқ билан дарвозахонадагина хира фонуслар милтиллар эди. Она ҳамон нимқоронғи гўшада ўғлини кутиб турган экан. Бағрига олиши билан унинг бутун ҳолатини сизди.

– Катта йигит бўлиб қолдингиз, болам.

– У кишининг номларидан гапиришим керак экан, ойи... Мен кўрқяпман.

– Дадил бўлинг, юкингиз оғир, биламан, лекин зеҳнингиз тетик, худога шукур, дадангизга тортган уддабурросиз, агар ҳисоб-китобдан адашмасангиз...

– Ундан эмас, мен... тақдиримдан кўрқяпман, ойи. Нима бўламан, нимага бағишлайман ўзимни? Дадангга тортгансан, дедингиз...

– Дадангизга ўхшагингиз келмайдими?

– Кечирасиз, ойижон.

У баданидаги титроқни, ёноғидаги намни билдиргиси келмай, онасидан нари кетди. Ёпиқ айвонда анчагача у ён-бу ён юриб, танча ёнидаги якандозда ётиб қолди.

– Эртагами сафарингиз? – сўради она.

– Эрталаб файтун кўшсинлар.

Куз кечаси аёзли эди. Файзуллонинг ҳаяжони, чалкаш ўйлар ғужғони аста-секин босилди, баданига совуқ ўтиб, ўзини негадир тетик, енгил сезди. Эртага кетади. Яхши. Йўл, эркинлик, истаганча ўй сур, одамлар, танишишлар, суҳбатлар... Бўлмаса бу совуқ ҳовлида, бу димиққан муҳитда ўзини қаёққа кўяр эди?

Файтун янги Бухорога олиб келиб тушнриши билан совуқ куз ёмғири севалай бошлади. Файзулло кириб дераза тагига чўзилдию тунни билан ёмғир шивирига қулоқ солиб, гоҳ мудради, гоҳ ўй сурди. Вагонда ҳафталаб юришнинг нима эканини билган кишига бир кечаю кундуз нима экан! Кеча-кундуз ҳам эмас, эртасига тўпдаёқ етиб борди. Борбанд болалар истиқболига чиқишибди, бири афғон, иккинчиси мадрасадан қочган карманалик, ажойиб хушчақчақ йигитлар экан. Пароход бекатига яқин Девонабоққа бошлаб боришди. Енгил-елпи тамаддидан кейин Терисаройни кўрсатишди. Саройда тартиб яхши эди. Қарши чўлининг суру шерозлари гулини гулига жуфтлаб пухта бандланган, кўн, тери, чарм тойлари чордойларда қатор осиеғлиқ; ишқор, кул, оҳақ, ачимсиқ хом тери ҳиди анқиб ётар эди. Бу болалар ўз ишига чечан, пора олишнинг нима эканини ҳам билмасалар керак. Улар қарийб ўз тенгилари бўлган ёш хўжайинни эшитиб билишар, уни яхши кўришар экан. Меҳмон келганидан бошлари осмонга етиб, унинг ҳимоясида гумаштадан бесўроқ ҳаракатга тушдилару қарийб йўқни йўндирдилар: таниш кўпаслар билан келишиб, саройдаги тойларни рус моли қатори бож-хирожсиз Оренбургга жўнатадиган бўлдилар. Абдуллахон тимидадан жой олган Бақохўжа деган бообрў бир бахмалбоф шу ерда экан, тадбирни ўша ўргатди. Девонабоғда Бақои бахмалбофнинг имомлигида хуфтон ўқилгандан кейин, Хўжаевларнинг бу ердаги гумаштаси ҳақида гап очилди. Хўжайиннинг бетоблигидан фойдаланиб, ўзи йўқнинг кўзи йўқ, вагон олиш навбатини гоҳ Арабовларга, гоҳ Бадаевларга сотиб, молни баҳордан бери карвонсаройда

саситиб келаётган ўша муттаҳам экан. Файзулло уни ўша кечаси зудлик билан ота ҳукмига жўнатди.

Учинчи куни, мол юкланиб бўлгандан кейин, йнгитлар фйитун топиб Файзуллони Каркичига кузатиб қўйишди.

Бу ҳарбий йўл эди. Руслар қурган гарнизонлар, ғарибгина бўлса ҳам, ботартиб тушган бекат ва посёлкалар Файзуллонинг ҳавасини келтирди – шундай кимсасиз биёбонларга озодалик ва оройиш олиб келишибди. Бурдалик ва Хўжамбос деган жойларда от алмаштириб, уч кун деганда Каркичига етиб келди. Бу ерда ҳам отасининг карвонсаройлари бор эди, лекин улар Каркичининг ўзида – дарёнинг у ёқасида. Файзулло эса князь Антоновский ҳузурига шошарди. У нима қила олди экан бу қутсиз ерларда?

Бу ёғига Файзулло ҳарбий обозлар билан бирга юрди. Соқоли ўсиб, юз-қўзини чанг босган рус солдатлари бойваччанинг князь мулкларига кетаётганига ажабланишмади, улар йигитчанинг етук ва нафис рус тилида гаплашишига, аслзодаларга хос лутфу тавозеъ билан қилган муомалаларига ҳайрон эдилар. Суҳбатига тўймай қолишди.

Князь Паттакесарга извош чақирган эди. (Яхши ҳам, Чоржўйда бахмалбофнинг маслаҳати билан «қуръаи лифофа» юборган экан). Соқол-мўйловини тамаки сарғайтган, пўстак камзулли кекса извошчи бекатда Файзуллони ўзи топиб келди.

– Князь Александр Ананьевич Антоновскийнинг кишисимисиз?

– Худди шундай, хуш кўрдик, ёш барин, – дея мужикларча таъзим қилди чол, майдондаги извошни кўрсатиб.

Жанубда ҳаво дим, «афғон» қуюнлари бошланиш хавфи бор эди. Шом олдидан бу шамол билан ҳазиллашиб бўлмади, шунинг учун дарров йўлга чиқишди.

Тош тўшалган тикка йўлда икки ғилдиракли бежирим тарантаснинг равон учиши, якка қўшилган гижинг йўрғанинг чиройли йўртиб бориши Файзуллонинг завқини келтирди.

– Чух, Қийғир! – деди қария қўлидаги қамчинни енгил силтаб.

– Исми шарифлари нимади, бобой?

– Бу ерда Ярошка дейдилар.

– Менга отингизни тўла айтинг, отахон.

– ...Ярофей Карпичман, марҳаматли ёш барин. Бўшашма, Қийғир!

Файзулло шом қоронғисида чўкиб кетаётган узоқ тоғ тизмаларига тикилиб, олдинда бир эзгулик сезгандек енгил тортиб, чарчоғи тарқаб борар эди. Бухоронинг зах совуғидан кейин бу димроқ сокин оқшом ҳам, бу содда, камгап рус мужиги ҳам унга ёқиб тушди.

– Йўл узоқми, Ярофей Карпович?



– Йўл-ку узоқ эмас, ёш барин, – деди салмоқлаб чол; у унутилаёзган ўз исмининг тўла айтилганини эшитиб, меҳмон йигитга меҳр билан қараб қўйди. – Лекин зудлик билан етиб бормасак, нақ жаноб Шульгиннинг ғазабига учраймиз.

– Шульгин? Ким у?

– Князь жаноб олийларининг иш бошқарувчиси, тарантасни атиги икки соатга берган эди...

– Князнинг ўзи йўқми?

– Шу ерда. Аммо у киши ҳам Шульгининг гапини иккита қилолмайдилар...

Файзулло тушунмай елка қисиб қўйди. Лекин сир олаётганга ўхшаб кўринмаслик учун мавзунни ўзгартирди:

– Ёш князь-чи, Александр Александрович шу ердами?

– У кишини фақат эшитиб биламиз. Муқаддас Питерда илм таҳсил қилмоқда эканлар.

– Университетда?! О, Саша тушмагур-эй, айтганини қилибди-да...

Файзуллонинг негадир бирдан руҳи сўниб, анчагача индамай қолди. Яна ўша таниш ҳолат... Унинг қачон келиб юракни чангаллашини билмайсан киши. Уйсизлик, ҳафсаласизлик, жавобсиз саволдек бир сўлғин ҳолат. Сабабсиз келадию эза бошлайди. Ёлғиз отнинг тақаси тупроқ аралаш сой тошига урилиб, бир вазндаги бўғиқ овози оқшом тинлигида узоқ дараларгача таралар эди.

– Йўлни яқин деган эдингиз... – деди Файзулло зерика бошлаб.

– Яқин, марҳаматлим, яқин. Ширин суҳбатингиз билан бўлиб, етиб келганимизни билмай қолдим. Илму одобингиз ҳақида эшитган эдик, кутганимиздан ҳам зиёд бўлиб чиқди, мартабангиз улуг бўлсин. Ерлилар бизга фақат нафрат билан қарайди, деб ўйлардик...

– Нега энди, Ярофей Карпович...

Гап шу ерда бўлинди. Улар ўша шахд билан катта қўранинг қўш сўкичакли оддийгина ёғоч дарвозасидан кириб келдилар. Қўм-кўк майдоннинг тўрида европача услубда солинган катта-катта деразали, зангори ёғоч мезонинли кўркам оқ иморат турар, майсазордан бир неча сўқмоқ йўл унинг чорпоя соябонли кенг тош зиналарига бориб туташарди. Бинонинг қанотларида яна тунука томли бежирим-бежирим иморатлар, омборхоналар, ҳовличалар бўлиб, уларнинг сирланган эшиклари, икки табақали ёғоч дарвозалари қулфлоглиқ, яшил қўрада тартибсиз ётган ёки ортиқча ҳеч нарса йўқ эди.

Зинапояда хром этик, тик ёқали оқ кўйлак кийган князнинг ўзи пайдо бўлди. У қирқма бакенбард қўйган, сал мавжланиб турадиган қўнғир сочли, ўрта ёшлардаги хушқомат киши эди. Файзулло

унинг қиёфасида дўсти Сашани эслатадиган жонлилик, тез ўзгарадиган юз ифодаларини дарров пайқади.

– Марҳамат, марҳамат, меҳмон! Мактубингизни олиб, йўлингизга интизор эдик! – деди у очиқ юз билан, Файзуллонинг қўлини оларкан.

– Кутилмаган бир ташриф бўлди, хурматли Александр Ананьевич, айбга буюрмайсиз, мен Саша шу ердамикин, деб ўйлаган эдим.

– Келинг, келинг, бойвачча, ўғлимиз Сашани кўргандай бўлдик. У сизни ҳамиша соғиниб гапирар, худди эртақдаги шаҳзодадек сифатлаб, тавсиф қилгани-қилган эди. Уни унутмабсиз, раҳмат. Жуда хурсандмиз. Қани, ичкарига!

Улар ярим доира шаклидаги катта вестибюлга кирдилар. Бу ерда ортиқча безак йўғу, лекин бағри кенг, ёруғ жой экан, ҳаво энгил. Тўртта нилий устун орқасида катта зал эшиги очиқ, икки қанотда мансардага чиқадиган ёғоч зинапоялар, девордаги мис шамдонларда шамлар ёқилган. Хизматкор аёл Файзуллонинг саквояжини олиб зинадан тепага бошлади. Меҳмонга ажратилган хонани очиб, энгил таъзим қилди-да:

– Ҳаммом ёқилган, ёш барин, – деб бошини кўтармай чиқиб кетди.

Хонада кийим шкафи, каравот, столдан бўлак жиҳоз йўқ. Икки катта дераза боққа қараган, қоронғида боғ шовуллаб, сезилар-сезилмас хазон ҳиди келиб турибди. «Афғон» ваҳима солди-ю, бўлмади шекилли. Кеч кирган сари димлик ҳам тарқаб, сарин бир экин сезила бошлади.

Файзулло нимқоронғи хон ада уст-бошини ўзгартириб, ҳаммомга тушди. Ҳаммом майсазор кўранинг пастки этагида эди. Бу ерда ҳамма нарса худди Москвадагидек. Озода тош мўрча, ишқаб ювилган тахта супаларда қайин супурги, бочка тўла иссиқ-совуқ сув, муздек даҳлизнинг полига гулли пичан тўшалган, иссиқхона ҳовуридан отилиб чиққанингда димоғингда баҳор ҳиди анқиб кетади.

Файзулло сафар чарчоғидан тамом холи бўлиб, соф европача костюм кийиб чиқди. Зал остонасида князнинг ўзи кутиб турарди. У чиндан ҳам ўғлини кўргандек мамнун кўринарди.

– Жаноб олийлари, стол ясатиғлиқ, – деди ёқаси ялтироқ қора костюм кийган хизматкор.

Улар залга кирдилар.

Катта-катта деразаларнинг кечки бахмал гардинлари туширилган, узун стол тепасида осиглиқ кўк тунука абажурли қирқинчи лампа чироқ парпираб ёнар, ичкариги хонанинг очиқ эшигидан кичикроқ биллиард, эски фортепьянонинг биқини ялтираб кўри-

нар эди. Тўрда саксовул ўтин чарс-чурс отилиб, чўғ сочиб ёнаётган камин меҳмоннинг эътиборини тортди. Ҳозир зал совуқ эмас, камин князнинг болаликдан ўрганган одатига кўра, шунчаки хонани файзли қилиш учун ёқилса керак. Файзулло юмшоқ гиламни босиб ўша томонга ўтди, икки кресло тепасида деворга қоқилган портретларга қаради – сири кўчган, залворли, кўҳна ромлардаги суратларда серсавлат, олтин погонли, мўйловдор ҳарбийлар – булар, шубҳасиз, Александр Ананьевичнинг аслзода аждодлари эди.

– Биз бу ерда хизматдамиз, бойвачча, айбга буюрмайсиз, – деди князь меҳмоннинг зални қизиқиб томоша қилаётганини кўргач, – мен жаноб Хўжаевнинг мулкларини кўришга муяссар бўлган эмасман, ҳар қалай бу жойлар сизга ғалати туюлса керак.

– Йўқ, хонадонингиз менга жуда ҳам ёқди, ҳурматли Александр Ананьевич, обод, саришта, сокин...

Улар супадек катта стол атрофига икков ўтирдилар. Мўйсафид хизматкор чинни идишдан қайноқ бульон тортди. Князь бу катта уйда икки-уч хизматкор билан ўзи елғиз тураркан шекилли, зерика керак, шунинг учун Файзуллодек ёшгина меҳмонга ҳам хурсанд.

– Александр бу ерга келишимни эшитиб хўп қувонди, – деди князь ёқасига қордай оқ салфеткани қистириб, – шаҳзоданинг ватанига борасиз, қандай бахтлисиз, дейди. Сизни ҳазиллашиб шаҳзода дер эди. Оқ салла ўраб бирга тушган расмларингиз унинг альбомида ҳануз сақланади.

– Ҳа, Саша билан биз кўп хаёлпараст эдик. Ҳаёт худди эртадек туюларди, – деди Файзулло ўйга толиб. – Мана, юртимга қайтиб келдим: бутунлай бошқа дунё, кўнглим чўкиб кетди, Александр Ананьевич... Қисқа муддат ичида кўрганларим кўз ўнгимдан кетмайди. – Ромитан йўли, кўр танбурчининг аянчли нидолари, қурдоши Мўминшо тақдири, она қишлоқ қиёфаси, Зайниддин девона саргузаштлари – бари биратўла ёдига тушди. – Чалкаш фикрлар бошимдан чиқмайди, – деди у иштаҳаси тамом бўғилиб. Кейин Антоновскийнинг жилмайиб турган хайрихоҳ юзига талпингандек, тикилиб боқди. – Бу сафаримдан мурод, аввало Сашани кўриш умиди бўлса, сўнгра – сиздан бир маслаҳат сўрамоқчи эдим. Бу менинг учун жуда ҳам муҳим, Александр Ананьевич.

– Хўш, хўш? – ақлли кўзлари билан жиддий боқди князь.

– Англадимки, менинг қавми-элатим ғарибликни қисмат деб биладир. Баракали она заминни фақат хоки тупроқ дея таниб, унда кераксиз урфу бидъат билан банд. Сиз, руслар ўз инсоний қадрингизни юксак тутасиз, умргузаронликни обод қилмоқ билан машғулсиз. Туриш-турмуш тариқатингизга ошуфтамен, князь.

Нахотки биз ундан андоза ола билмасак? – уй эгасининг «ҳали ҳам хаёлпараст экансиз» дегандек чиройли тишларини садафдай йилтиллашиб кулиб турганини кўргач, Файзулло қўшиб қўйди: – Бу шунчаки кўркам сўз эмас, жаноб олийлари. Камина шу йўлга умримни бахш этсам экан, деган орзудамен.

– Яхши. Жуда яхши! – деди князь сал жиддий тортиб. – Александр ҳам ўйсиз шумшайиб юргувчиларни нафратлаб, шундай тутқусиз хаёллар билан тўлғонадики, бу менга кўп маъқул.

– Саша орзусига етибдир. У Санкт-Петербург дорилфунунида! Мен ўқиёлмаганимга яраша амалиётга саъйи-даст урмоқ бўламен, сиз нима дейсиз, Александр Ананьевич? Саша билан қадрдонлигим учунми, сизни кўриб дарров меҳрим тушди, ҳаддим сиққанидан айтаман: ёрдам берасизми?

– Мен ўзим фақат амалиётчи инженерман, ҳурматли дўстим Файзулло...

– Шуни айтаман-да. Шундай қаровсиз жойларга келиб, йўллар солибсиз, тўғонлар қурибсиз.

– Кўп иш қилдик, кўп иш қилса бўлади...

Бу пайт узоқдан томоқ қириб кимдир эшик очди, остонада дупур-дупур қилиб кўпол этикларининг чангини қоқди.

– Ҳа, келинг, Шульгин... – деди уй эгаси қайрилиб ҳам қарамасдан. Афтидан бу сершовқин тунги меҳмонни оёқ олишидан таниди шекилли. Фамилияси билангина қуруқроқ чақиритишдан уни унчалик хушламаслиги ҳам сезилиб турарди, ўрнидан кўзғалмади.

Шульгин ярим ҳарбий кийимда, қалин темир нағалли солдат этиги кийган, чап қўли протез, ечилмайдиган қора қўлқопда, оқ сочини «а ля полька» деган сийқа модада тарашлаган, кўполроқ, миқти одам эди. Файзуллонинг кимлигини тахминлаб билди шекилли-ю, унинг бундай чоғроқ бўйли, оддий қопқора йигитча эканини ўйламаган бўлса керак, оқ киприklarини пирпиратганча беҳаёроқ синчковлаб тикилди. Саломлашгандан кейин столнинг нариги учига, афтидан, одатланган жойига бориб ўтирди. Ўтирди-ю, таклифсиз-несиз, ҳали идиш, овқат олиб келинмаган бўлса ҳам, калтадан келган соғ қўли билан йўғон бўйнига оқ салфеткани осонгина боғлаб олди. Мўйсафид хизматкор унинг олдида дастурхон тузади, графинда арақ пайдо бўлди.

Князь ёлғиз пайтлари бу стол атрофида шу одам билан ҳам гаплашиб ўтиришга мажбур бўлса керак, ҳозир эса унга бир оғиз гап қотмай, Файзулло билан суҳбатни давом эттирди:

– Албатта, бу ерлар очилмаган кўриқ. Лекин сиз айтган масала кўпроқ ўзларингга боғлиқ, иним Файзулло, – деди у, – мен дадан-

гизни шахсан таниш шарафига муяссар эмасману, бироқ амирингиз бизнинг саъйи-ҳаракатимизни унчалик хушламайди. Яқинда ин-женер Анненков Ғузор атрофида олти миллион сўмлик ободончилик ва ирригация ишлари ўтказиш лойиҳасини тақдим этди, лекин зоти ҳумоюн сарфидан қўриқиб, буни хоҳламадилар. Ундан олдин концессионер Лессар Калифдан Қаршигача канал қазиш лойиҳасини тақдим этган эди. Амир буни олдилар-у, лекин Лессар кетгандан кейин, кушбегининг маслаҳати билан йиртиб ташладилар...

Шульгин зимдан жилмайиб суҳбатга қулоқ солар, бир ўзи арақ ичиб, чинакам иштаҳа билан овқат ер, ҳар замонда «Қолоқмиз», «Ҳали жуда орқадамиз», «Жаҳолат, жаҳолат!» деб орага битта-яримта сўз қистириб қўяр, кейин, гўё вақти зиқ одамдек, яна овқатга ўзини урар эди. Файзулло билан князнинг оҳиста суҳбатти узоқ давом этди. Шульгин ҳам терлаб-пишиб узоқ овқатланди. Лекин қорни тўйиб, бўғриққан қизил юзлари салқиб, стулни сал орқага суриб ўтирганидан кейин, у суҳбатнинг тизгинини аста ўзига тортиб олди.

– Ҳа, сиз миллионларга вориссиз, бойвачча, – деди у ёш меҳмонни менсимаганроқ оҳангда, – лекин қўрангиздан чиқиб ҳеч қаёққа бормайсиз. Бўғчасини елкалаб ўтиб кетади бу ернинг бойлари. Ялангоёқлари бўлса бизникидан баттар – кўзини ердан узмайди. Борди-ю, узса – ғазаб, заҳар томади қорачиғидан. Ўз қисматидан аламзада, баттар бўлсин.

Файзулло ёқимсиз бир димликдан бўйлаётгандек, курсини асабий ғичирлатиб, столдан нарироқ сурилиб ўтирди. Ўнғайсиз жимликни тўйиб овқат еган тунги меҳмоннинг пишиллаб нафас олишигина бузиб турар эди.

– Халқда нима гуноҳ, жаноб Шульгин... – деди Файзулло секин, ерга қараб.

– Халқ... – деди Шульгин оғзининг бир чети билангина истехзоли кулиб. – Эшитганмисизлар, Бухорода ришта касали авж олган йили Когондан бир рус врач келиб, шаҳардаги сув манбалари қуртлаб кетганини аниқлагач, касалликнинг боиси фақат шу деб огоҳлантирган экан. Лаби Ҳовуздан минг йиллардан бери сув ичамиз, деб бунга ишонишмабди бухороликлар. Кейин ўша врач микроскоп олиб келиб, Лаби Ҳовуз сувидан бир томчисини ойнага солиб кўрсатса, бармоқдай-бармоқдай қуртлар ғимирлаб ётганмиш. Лекин шундан кейин ҳам ишонишмай, Лаби Ҳовуз муқаддас, бир томчи сувга шундай илонлар сиғадими, бу ўрис ёвуз сеҳргар экан, ур кофирни, деб бечора врачни сангборон қилиб ўлдиришган экан... Шунақа, жонини берса берадики, жаҳолатни бермайди.

«Халқ»ингиз нимаси бойвачча! Бежиз айтмайди ёввойи осиёликлар деб!

– Шульгин! – хитоб қилди Антоновский қовоқ солиб. У Файзуллонинг эзилиб, бетоқат бўлиб кетаётганини сезган эди.

Шульгин, тавба қилдик, дегандек илжайиб, икки кўлини кўтарди. Файзулло унинг қора чарм кўлқоп кийган ёғоч панжаларида аллақандай машъум аломат кўриб, бадани жимирлаб кетди.

– Мен ўз халқимизни ҳам мақтаётганим йўқ, жаноб олийлари, ўзимиз ҳам ўлгудек қолоқмиз, ҳа. Парижда бўлганмисиз, бойвачча? Йўқ. Мен бўлганман, мен кўрганман. Мана, масалан, бизда оддий дор. Уларда гильотина! – Шульгин сўнгги сўзни ноёб бир ширинликнинг отидек, лаззатли қилиб айтиб, шу руҳда завқли ҳаракатлар билан тасвирлай кетди: – Маҳкумнинг эгнида қордек оппоқ кўйлак, оёғида янги ботинка. Озода майдон, худди байрамдагидек. Оққуш бўйни сингари икки оқ устун, орасида қийғоч чалғи. Сал нарироқда икки бежирим кажава: бири – бош учун, бири – каттароқ, гавда учун. Уларнинг иссиқ қон сачратиб типирчилаганини кўрмай ҳам қоласиз... Бизда-чи? Йўнилмаган қарағай устун, ифлос арқон, кир совун. Тфу! Кейин марҳум осилганча сасиб ётади. Искирт мурдани анграйиб томоша қилиш одати – фақат бизда. Бу гапларни Петр Аркадьевичнинг ўзига ҳам айтганман, очиғи. Фарқини шу одам ҳам тушунмади-да, раҳматлик! Орқадамиз, жуда ҳам орқадамиз, князь...

Князнинг энсаси қотиб, ўрнидан туриб кетган эди.

– Биз эрталаб тоққа чиқамиз, Шульгин! – деди у ўзига унча ярашмаган дағаллик билан гапни бўлиб. «Энди кетинг!» демади-ю, тушунарли эди. Шульгин ҳам фаҳмлади. Лекин қаттиқ олмади, одатдаги хайрлашувдек қабул қилиб, ўрнидан турди.

Файзулло уй эгасининг беодоб маст меҳмонни кетказиш учун ёлғон гапирганини билар эди. Лекин бу бадҳазм одам чиқиб кетганида ҳам енгил тортмади, темир нағал қоқилган этик дупури ҳали ҳам худди чакка томирида гуп-гуп этиб турарди.

Уй эгаси ҳам кўнгли ғаш, камгап бўлиб қолди. Файзулло у томон юрди, камин олдидаги креслоларга ўтирдилар.

– Александр Ананьевич, эрталаб чиндан ҳам тоққа чиқамизми?

– А?.. – у ҳалигина айтган гапини зўрға эслаб, кулди. Кейин бейфойда дилтангликдан қутулишга урингандек, шўхчан, жиддий гапирди: – Дарвоқе, чиқсак чиқаверамиз-да. Мен сизга табиатни кўрсатаман, тўғонларни, каналларни, ҳовузларни... Кўриб қўйинг, эҳтимол кор келиб қолар.

Бу айни муддао эди. Лекин Файзулло дилига теран чўккан алам-ли ҳолатдан даров-да қутула олмади.

– Бўпти, жуда яхши бўлади, – деди-ю, кейин Шульгиннинг ким-лигини сўради.

– Нодон, – деди Александр Ананьевич ижирғаниб. Жавобни шундай қисқагина қилмоқчи эди шекилли, жимлик чўзилиб кетгандан кейин, гуноҳкорона кўшиб кўйди: – Даври ўтиб кетганини тушунмайдиган нусхалардан. Лекин усиз мен бу ерда ҳеч нарса қилолмайман. Одамлар билан муомалани ҳам билмайман. Ёввойи жойлар, ахир. Бу ерда муқим туришим қийин. Кетганимдан кейин иш бир қаттиқ қўлда бўлиши керак... – кейин у керишиб, ўрнидан турди, – чиндан ҳам тун ярим бўлди, тоққа чиқадиган бўлсак, дам олайлик.

Файзулло ҳам турди, каминдаги кул босган чўғ шуъласида унинг ҳам кўзлари ҳорғин йилтиллаб кўринар эди. Қадам олганида оёқ остида нимадир қирс этди. Файзулло эгилиб, ялтироқ қора бир нарсани кўлига олди.

– Ангишт?! – дея хитоб қилди. Ҳайратдан бухороча гапириб юборганини ҳам сезмай қолди. – Бу тошкўмирми? Қаёқдан келиб қолди?

– Ҳа, тошкўмир. Шу ерда чиқади, – деди Александр Ананьевич, йигитчанинг ҳайратини юксак баҳолаб.

– Қаерда? Бизнинг еримизда-я? Мен буни фақат Москвада кўрганман.

– Шу ерда, Кетмончопар тоғларида, Тўда деган жойда чиқади. Эртага мен сизга буни ҳам кўрсатаман.

– Ажабо! Бу ҳам бор денг! – Файзулло болалигида қандайдир бир сеҳргар кўлида кўрган ангишт деб аталган бу ёнар тошнинг нима-лигини, шунчалик кўмир эканлигини Москвада билиб олган эди, албатта. Лекин ҳозир оёқ остидан чиқиши, ўз юртида ҳам борлиги уни қувончли бир ҳайратга солди. – Кўпми? – деб сўради у.

– Ўзимизга етиб турибди, ғўзапоя тутунидан қутулганмиз. Бироқ куч йўқ қазиб олишга, техника йўқ, маҳаллий одамлар ер тагига тушишга кўрқишади. Бизнинг шурфларимиз ҳақида «жаҳаннамнинг остонаси эмиш», деган гаплар тарқаган. Авваллари тошнинг ёнишига ҳеч ким ишонмас эди, йўқ, энди баъзилар сотиб ҳам олишяпти...

– Барига ўрганеди, Александр Ананьевич!

– Албатта, албатта, азизим, – у меҳмоннинг кўлтиғидан олди.

– Фақат бошлаб бериш керак... Бошлаб, кўрсатиб бериш керак.

– Мана, эртага аввал мен ўзингизга кўрсатай-чи... Азонда тура-миз, шаҳзода, тўйиб ухлаб олинг. Хайр, – деб уй эгаси меҳмонни зинадан ётоғига кузатиб қўйди.

Файзулло ажойиб энгил кайфиятда эди. Айни муддао бўлди бу ерга келиши. Александр Ананьевич унинг кўнглидаги ҳамма гапни тушунапти, чамаси. Қандай ёқимтой, ақлли одам!

У чироқ ёқмади. Ётоқхона деразасидан бир чети сал бўзариб турган каттакон осмон қотиб қолган кулранг тутун пағасидек бўлиб кўринди: водий этагида қорайиб турган бутазорлар орасидан ой чиқиб келаётган эди. Унинг шуъласи ортган сари, олисдаги тоғ тизмалари туякарвоннинг соясидек қорайиб кўзга ташланди.

Ойдин тунда уйқу қочади. Файзулло деразанинг бир қанотини очиб, ечинди-да, каравотга аста чўзилди. Пастдаги боғдан юмшоқ, намхуш хазон ҳиди кўтарилиб, унинг хаёлларини тўлин ой сеҳрлаган тоғли водий дараларига олиб кетарди.

Москвадаги баланд-баланд иморатлар орасида, извошчилар шовқинига тўлган гавжум Охотний рядда, Бухоронинг пахса девор тафти уриб турган тор кўчаларида, ачимсиқ тери ҳиди нафасни бўғадиган бадбўй ёмхоналарда юриб, табиатнинг орзули кўнги билан уйғунлашиб кетадиган бундай тароватли, сокин гўшалари борлигини унутаёзган экан. Александр Ананьевичдан сўраш эсига келмабди: балки бу воҳада охулар ҳам бордир. Шаршарали дарёлари далаларга шошади, ариқларга таралади. Пастда қишлоқлар, боғлар... Шаҳобиддин тоғани олиб келиб кўрсатиш керак эди, қум босган қишлоғида қочоқ исёнкорларга умид тикиб ўтирмай, балки русларнинг тадбиркорлигига қараб бирон амалий ишга бел боғлаган бўларди. Бу ерлар ҳам ўз еримиз, жонажон юртимиз ахир... Мана, сеҳрли ёнар тош, қора ангишт чиқибди, балки хазиналар бордир, охулар бордир. Оппоқ охулар...

Файзулло ухладими, йўқми, билмайди; совуқдан жунжикиб уйғонди. Пастда оёқ товушлари, сафар тараддуди, чақириқлар, от пишқириғи эшитилар эди. Шошиб кийинди-да, зинадан югуриб тушди. Чиндан ҳам Ярофей Карпович соявонли извошга отларни кўшиб қўйган, тўрвага сули, қанор қопга пичан ғамлаётган эди.

Бу тонг Файзуллога кечки уйқу аралаш хаёлларининг давомидек бўлиб кўринди: тоғларга биринчи қор тушган, аёз, водий устида осилиб турган тунги ойнинг ўзи йўғу, осмонга шуъласини ёйиб қолдиргандек туюлар эди.

Ичкаридан князь чиқди, оддийгина, калта, энгил пахталик кийиб, бўйнига жун шарф ўраган, хушбичим, баланд бўйли, овози шўх, ёшариб кетгандек кўринарди.



– Яхши ухладингизми, шахзода, шаймисиз? Мана олинг, тоғда совуқ бўлади! – деб худди ўзиникидек пахталикни ташлади. Файзулло уни илиб оларкан, князнинг шўх кайфияти унга ҳам ўтгандек бўлди. Сарин тонг ҳавоси ҳам ҳаракатларга тетиклик бағишлар эди. Улар чаққон-чаққон сакраб извошга чиқдилар Ярофей Карпович ҳам аллақачон олдиндаги чарм курсига кўнқайиб олган.

– Чух, Қийғир! – дейиши билан от туёқларининг тапир-тупурида энгил фйитун худди қанот чиқаргандек кўзғалиб кетди.

– Нонуштани довонда қиламиз! – деди Александр Ананьевич кичқириб, – яхши кўраман, бўйдоқчилик! У-бу олдингми, Ярошка?

Қария: «Худди шундай, жаноб олийлари!» дея бош ирғаб, қамчин силтади.

Салқин шабадага юзини тутиб, кўнгли ёзилиб бораётган Файзулло «Ярошка»ни ўйларди: унга ҳамма отлар «Қийғир», ёлғиз умри извошчиликда ўтган, извошда учмаса зерикиб, ҳовлида бошини солганча айлангани-айланган, князь билан сафарга чиқса яйрайди... Худди шундай бўлса керак. Бу кекса одам Файзуллога нима учундир бошқалардан кўра тушунарлироқ эди.

Эрталабки салқинда чанги босилган йўллар ёнбағирлардан айланиб, ўралиб борар, яхши боқилган, ялтироқ ўмровли отлар ҳали-вери чарчамайдиган, айниқса, ўққа кўшилган захча кўзли қашқа тўриқ йўлларни яхши билгандек мустақил, мағрур, куюшқоннинг кумуш қуббали тасмалари сағрисида осилиб, тебраниб борар, ёнидаги қамиш қулоқ жийрон бияни ўзига бўйсундириб, ҳомийлик кўрсатаётгандек, чиройли бўйнини қайириброқ сипо йўртиб елар эди. Сойликлар пастда қолди, тоғ этагидаги қувоқзорлар гўё кичрайиб, олисда аввал сарғиш доғлар, кейин поёнсиз чўллар кўзга ташланди. Тепада яқинлашиб келаётган қорли чўққилар эпкини булут орасидан мўралаган куёш тафтини кесар, шунга қарамай, тикка чиқаётган янги тошлоқ йўлда отларга зўр келиб, айил-жабдук қайишлари остидан оқ кўпиклар сирқиб чиқа бошлаган эди.

– Секинлат, Ярошка! Ана, бизнинг денгиз! – Александр Ананьевич дара тубида осмон рангини акс эттириб, ола-чалпоқ сояларни чайқаб тўлқин уриб ётган каттагина тиниқ кўлни кўрсатди. – Сунъий кўл. Икки йил жамғардик бу сувни!

Чиндан ҳам тоғ «денгиз»ининг пастки соҳили шартта қирқилгандек текис, синчиклаб қаралганда даранинг оғзини тўсган баҳайбат тош тўғон кўзга чалинар, унинг бир ёнида майда оқ уйлар, қоровулхона, яна аллақандай бинолар кўринар эди.

– Бу ердан пастга, тўғон бошига фақат пиёда тушиш мумкин, – деди Александр Ананьевич файтун тўхтаганда Файзуллога тушунтириб, – мен сизни бутун манзара бирдан кўринадиган жойга олиб чиқдим. Ярошка, нонуштани шу ерда қиламиз, гулхан ёқ, чойдиш ос. – Кейин у чаққон сакраб ерга тушди. Оёқлари увишган Файзуллони хазон тўшалган эски сўқмоққа бошлаб, тушунтиришда давом этди. Наъматак, итбурун тиканзорлари орасидан кўлнинг кун ёришига қараб товланиб турган сатҳи, унда сузган булут, тоғ, чангалзор, қирғоқ кўланкалари, тўғондан нари жилдираган жилға, ариқ, оқова сувлар, туманли уфққа бориб туташган куроқ-куроқ далалар кўринар эди. – Воҳадаги ҳаётни бошқариш учун биз аввало сувни кўлга олдик. Илк баҳорда жилдираб-тентираб, биёбонга сингиб йўқоладиган жилғаларнинг йўлига тўғон солиб, сув запаслари жамғардик. Бундай омборлардан ҳозир учта. Бутун воҳанинг боғ-роғу қишлоғу кентлари, дала-даштларининг жони мана шу ерда. Ариқлар эса қон томирлари. Сувни эҳтиёт билан йил бўйи баробар тақсимлаб, янги-янги ариқларга тараб, кўриқлар очамиз, табиий офатларнинг олдини оламиз.

Файзулло узоқлардан кўзини узолмай қолган эди. Зангори кўл мавжлари, бу серғайрат, кўнгли ёш, ажойиб кўркам одамнинг ҳикояси уни гўё сеҳрлаб қўйди.

– Уч ярим миллионни шартта тўқдим. Таваккал! Халққа сув бераман. Юз минг десятина ерни обод қиламан! – деди князь. Кейин исиниш учун кўллари билан елкаларини шапиллатиб, ўзини кучиб, сакраб ирғишлаб, қичқирди: – Ярошка, ўт ёқдингми?

– Ҳозир, мана барин! – овоз келди ялангликдан.

– Юринг, шахзода, шох-шабба терамиз! – дея князь қувоқзорга бошлаб кетди. Файзулло ҳали кўрган-эшитганларидан ҳанг-манг, ҳамон ўзига келганча йўқ, қаёққа кетаётганини ҳам билмай, эргашди. Нарироқда тумшуғини сули халтасига суқиб олган отлар пишқирар, «Ярошка» ўчоқ бошига айри қозиқ қоқмоқда эди. Файзулло чакалакзорда хазон тўзғитиб сўқмоқма-сўқмоқ узоқ юрди. Александр Ананьевични йўқотиб қўйса ҳам, фикри-ёди унда эди. Рус кишиси эзгу ишлар қиляпти. Наҳотки бизларга ҳам юқмаса? Бу мўъжизаларни кўрган ҳар қандай одам икир-чикирни, бидъату ғафлатни йиғиштириб шундай қутлуғ ишларга бел боғламасми? Ҳа, Файзулло излаган кишисини топди. Бу ниманингдир бошланиши. Балки ҳаёт йўлининг бошланишидир. Уни қийнаган жумбоқлар аста чекиняпти чоғи, мана калаванинг учи қаерда!

– Александр Ананьевич!!! – қичқирди у. «Қадрдоним, раҳмат сизга!» дегиси келди. Лекин жавоб бўлмади. Унинг ўрнига «Ярошка»

жавоб берди. У бир боғлам шох-шаббани соқоли аралаш кўксига босиб олган эди. Бу содда қария яна ҳам қадрдон кўриниб кетди Файзуллога. Ҳашар эсидан чиққан экан, ўзи ҳам оёқ остидан қуриган новдаларни шошиб тера бошлади.

– Сиз қўя қолинг, ёш барин, меҳмонсиз, – деди чол унга, – кеча тўйиб ухламадингиз ҳам, яна у бетамиз ошга пашша бўлиб...

Кувнаб турган Файзулло Шульгинни эслаб руҳи сўнди. Чолга яқинлашди.

– Айтгандек, Ярофей Карпович, сиздан бир пимани сўрамоқчи эдим: кеча ўша киши аллақандай Петр Аркадьевични тилга олди. Ким у?

– Петр Аркадьевич, демак, Столипин, ёш барин. Император ҳазрат олийларининг министри. Хабарингиз бордир, бир йил аввал Киевда уни эсэрлар отиб ўлдиришди. Шульгин унинг яқин дастёрларидан эди, ўша воқеадан кейин ўтакаси ёрилиб, бу ёқларга қочди. Бунда ер кўп, қулоқ бўлиб олиш ниятида экан, бизнинг Александр Ананьевичда мўмайгина даромадли иш чиқиб шу ерда илиқиб қолди. Мана шунақа, ҳурматли ёш барин.

Файзулло, шох-шабба қўлидан тушиб, ўйга толди.

– Князь биладими?

Чол индамади. Нарироқдан Александр Ананьевичнинг чақирган овози эшитилди. У йиғиб келган бир кучоқ қуруқ ўтинни гулхан ёнига гурс этиб ташлади.

– Қаёқда юрибсиз, шаҳзода, гулханнинг иссиғи бекорга учиб кетяпти!

– Терлаб кетибсиз-ку, иссиқни нима қиласиз, Александр Ананьевич? – деди Файзулло унинг шўх овозини эшитгач, яна ҳамма нарсани нутиб. «Ярошка» гулхан ёнида, юмшоқ хазон устига дастурхон ёзди. Чўғда сирли чойнақ шарақлаб қайнаётган эди. Олма хиди анқиди, саримсоқ билан пишган товуқ гўштини майдаладилар. Ярофей ўрисча қилиб катта чинни кружкаларга смородина қоқиси билан чой дамлади.

– Шаҳзода, сиз шароб ичмайсиз, албатта? – деди хўжайин.

– Йўқ, Александр Ананьевич.

– Мен ҳам ичмайман. Лекин ҳозир ер зах, томоқ яллиғим бор, дори ўрнига жиндак, – дея чарм ғилофли япасқи флягасидан ўзига вино қуйиб олди.

– Шифо бўлсин, жаноб олийлари, – деди «Ярошка».

– Мен ичаману, сиз сўз айтинг, шаҳзода. Москвани соғиндим, ҳар қалай москвалик меҳмонсиз, ёлғизликда кўнглимни овладингиз. Айтинг, мен ичай.

– Москвада беш йил турдим, – деди Файзулло. – Мен русларни кўп кўрганман. Лекин Бухорога қайтишим билан сизни эшитиб, излаб келдим. Фақат сизни ҳурмат қилганим учун эмас. Менга мана шу заминга қўл урган, унинг қисматига аралашган рус киши керак эди, Александр Ананьевич. Мени сиз билан боғлаган дўстим Сашага раҳмат, Саша учун ичинг!

Князь бу гапдан хурсанд бўлиб, ўғли учун ичди. Соф ҳавода иштаҳа билан нонушта қилдилар. Гулханда чирсиллаб шувоқ ёнар, осмонга буралиб кўк тутун ўрлар эди.

Ярофей нарироқда ким биландир гаплашиб қолди.

– Ҳой, ким у ерда? – сўради князь.

Қайрилиб қарашса, қўлига чўп тутган бола эшак ҳайдаб ўтяпти. Ўн икки-ўн уч ёшларда, тоғликларга хос кўк кўз, ялангоёқ, лабида учуғи бор.

– Ўтинни сотасанми? – сўради князь. Файзулло таржима қилди.

– Бу ўтин эмас, – деди бола йўлида давом этиб.

– Нимади бўлмаса?

– Тол хивич. Кажава тўқиймиз.

Файзулло у билан бироз гаплашгиси келди.

– Кел, исиниб ол.

Руслар билан бемалол гаплашиб ўтирган бу бойвачча йигитдан бола негадир ҳайиқмади. Тоғликлар ўзига мустақил, дадил бўлади. Тайпоқ дўпписини олди-да, чаққон юриб гулханга яқинлашди. Файзулло узатган олмани тишлади. Ҳазил-ҳузул билан болани гапга солдилар.

– Отим Эргаш. Ёзда қирга тушиб галагов ҳайдаман, – деди бола ўзини таништириб. Файзулло князга таржима қилиб бериб турди, – қирда яхши... Куни билан терга ботиб ишлаймиз-у кечаси аёз, юлдузлар жуда кўп бўлади... Жабдуққа бош қўйиб тарашадек қоғиб ухлаймиз. Буғдой ҳиди ҳам яхши... Эрталаб хўкизларни сувлатгани борамиз...

Бола, олмани еб бўлгач, гапи ҳам тугади чоғи, ҳала чўпни қўлига олди-да, ҳангисини ҳайдаб кетди. Князь уни жилмайиб, Файзулло эса ўйчан кузатиб қолдилар.

– Биласизми, Александр Ананьевич... – деди Файзулло анчадан кейин, – менинг мана шу боладан ҳеч қандай фарқим йўқ. – Лекин бу гапни қайси маънода айтганини ўзи ҳам батамом тушунмагани учун суҳбатдошига тикилди. Князь эса қош чимириб ўйлади-ю, елкасини қисиб қўйди, холос.

Нонуштадан кейин улар доводдан нариги сойликкача пиёда тушишга аҳд қилдилар. Извошчи извошни чорраҳага қайтариб, пастдаги айланма йўлдан етиб борадиган бўлди.

Тушга яқин кун исиб, ёнбағирлардаги чакалакзорларда ҳаёт уйғонган, қушлар пир-пир учиб, шохда қуриб қолган дўлана-ю, тоғолчаларни чўқилар, ҳаво кузги ўрмоннинг минг хил тотли тахир ҳидларига тўла; болишдай билқиллаб турган қалин намхуш хазонни босиб, илон изи сўқмоқлардан юриш шавқли эди. Пасту баланд «эчки сўқмоқлар», жарлик тепасига омонатгина ташлаб қўйилган холадан иборат «якка чўп» кўприклар, йўлнинг икки ёнида чувалиб, этакдан ушлаб қоладиган тиканзорлар тез чарчатди, айниқса, бу овлоқ гўшада ғовлаб кетган нотаниш ўсимликларнинг ўткир ҳидлари Файзуллонинг бошини айлантириб юборди. Лекин, бари бир, файзли эди. Мана, танаси чўяндек қорайиб, тарвақайлаб ўсган ёввойи зирк, қип-қизил баргини ҳали ҳам тўкмаган нозик мойчечак, келаётган совуқ кунлардан қўрқиб қалтираётгандек, қўлансароқ ҳидли яланғоч совун дарахт... Орқароқда Александр Ананьевич қандайдир ёввойи мевани чайнаб, тушунтириб келарди:

– Мана бу испан дроки, шаҳзода. Бу ерда унинг қадрига етишмайди, жуда ноёб дарахт. Олой қайинини кўрганмисиз? Қаердан келиб қолган – билмайман. Ҳозир мен сизга яна бир ажойиб нусхани кўрсатаман, учраб қолади. Биласизми нима? Гуттаперча!

– Мум дарахт? Ўсадими шу ерда?

– Бу ерда шакарқамиш, ипак пахта, яна алланималар ўсади, – деди Александр Ананьевич. Атрофга аланглаб, нодир ўсимликларни қидирар эди. – Буларнинг барини пастга кўчираман. Дендрарий қиламиз. Анор, ёнғоқ, наъматак, доривор гуллар – буюк яшил аптека! Узумзорлар, анжир, хурмо... Мутахассис бўлса лимон ҳам ўстирса бўлади. Барининг онаси сув.

Файзулло баъзан орқасига қайрилиб, унинг юзига тикилганча тўхтаб қолар эди. У бу қадим ўлкани қайтадан кашф этган одамдек, «Мана, укам, сенинг қандай ажойиб юртинг бор!» деяётгандек туюлар эди, Файзулло ўзини бирдан улғайгандек, кўнглидаги аллақандай бебош туйғулар уни учуриб олиб кетаётгандек сизди. Чиндан ҳам, бу қадимий тупроқнинг ноёб бойликларини шу вақтгача ҳеч ким тилга олмаган экан. Балки унинг ҳамма бурчакларини ана шундай янгидан кашф этиш мумкиндир?

Улар уч соатча юриб, сойликка тушиб бордилар ҳамки, бу ўйлар Файзуллонинг кўнглидан чиқмади.

– Бу ерда хазиналар бор. Кўп иш қилиш мумкин, – деди Александр Ананьевич. – Лекин кўлимиз калта. Император ҳазратларининг кўнгли тор. Битта Шульгиннинг тадбиркорлиги билан қаёққа борардик. Ҳатто тўғонларни кўриқлашга ўнтагина солдат ҳам беришмаяпти. – Кейин у узоқдан ниманидир кўриб, кўли билан ишора қилди. – Ана, аҳволимиз шу.

Пастда, яйдоқ даштлар бошланадиган жойларда қандайдир тахта бостирмалар, ёғоч ҳавозалар кўринарди. Қора қурумга буланган уч-тўрт одам ивирсиб, чиғириқда ниманидир кўтарар, қора қанор қопларни елкалаб бориб нарироқдаги қора уюмга тўкар эдилар.

– Бизнинг кўмир конларимиз... – деди Александир Ананьевич, – норозилик билан.

Қурумга бўялган одамлар катта темир саватни қудуққа тушириб, анчадан кейин худди шундай кажаванинг кўмир тўлатилганини чиғириқ билан тортиб олишар эди. Файзулло узоқ қараб турди. Бостирма тагидан ярим соатда бир қанор қопда кўмир чиқар, кун салқин бўлишига қарамай, ажинадай қоп-қора одамларнинг аччиқ терга ботганлиги сезилиб турар эди.

Бу маҳал извошда «Ярошка» ҳам етиб келган, сойликда супадай тошни танлаб тушликни ёйган эди. Файзуллони овқатга чақириб келганида, меҳмоннинг бостирмалар томонга қараб қолганини кўриб, у ҳам тушунтирди:

– Асосий иш ер қаърида. Жаҳаннам зулмати, ўн-ўн беш киши кўмирни қазиб, кажавага юклаб бериб турибди. Улар ер юзига камдан-кам чиқишади.

– Чуқурми?

– Ҳали борганда кўрасиз... Юринг, тамадди қилиб олайлик.

Лекин улар овқатдан кейин кўмир стволларига боролмадилар. Куз оқшоми бирдан босиб тушиб, дараларда қош қорайиб қолди. Тоғ сўқмоқлари чарчатган эди, чанг йўлларда сал изғирин ҳам кўзғалди, тунгача катта йўлга чиқиб олиш керак.

Ўша куни извошчи фонарининг керосини паққос тамом бўлиб, тим қоронғида кўрғонга кириб бордилар. «Ярошка»дан бошқа ҳамма, ҳатто отлар ҳам тоза ҳориган эди. Файзулло ҳеч нарсага қарамай, ётоғига кирибоқ ухлаб қолибди. Қанча ухлаганини билмайди. Деразадан кечаги ой мўралаганда уйғониб кетди. Ой бир-икки тишланган нондек сал кемтик кўринди. Файзулло қаерда ётганини, кўрганлари туш эмаслигини аниқлагунча анча вақт ўтди. Керишиб, ўсмирларга учли тирсак, ориқ билакларига, қорача кўлларига боқаркан, ўйлар эди; «Қачон Александр Ананьевичдек бўйчан, баққувват бўламан?»

Уни катта ишлар кутаётгандек, бу ерда бўлаётган ҳамма ишлар унга бевосита даҳлдордек, бетоқат ўрнидан турди. Ювинди, оқ кўйлак кийди.

Лекин пастда одатдагидан ташқари жимжитлик эди. Бир соатдан ортиқ кутди. Ҳамон сукунат. На қадам товуши, на эшик ғичирлаши. Ҳамма бир ёққа кетиб қолгандек. Кун ёйилгандан кейингина хизматкор хотин Агафья мансардага патнисда кофе кўтариб чиқди. Барин тонг саҳарда аллақаяёққа кетиб қолибди, у йўқ пайтлар одатда хонадон шундай жимжит бўлади, деб тушунтирди Агафья.

Кечга яқингина уйда тапир-тупур бошланди; гоҳ агроном келиб кетарди, гоҳ ирригатор, гоҳ узоқдаги ишбошилардан бир нечаси бирдан кириб келади. Ҳамма шошган, тараддуд, хавотир; овозлар дам авж олиб, дам пасаяди, шов-шув, шивир-шивир... Ҳовлида гоҳ бир неча извош пайдо бўлади, гоҳ ёлғиз отлик. Хуллас, бу хонадоннинг ўз ташвишлари. Файзулло халақит бермаслик учун юқорида кутиб ўтирди. Фақат кечга яқин, Александр Ананьевич билан Шульгин ёлғиз қолганда пастга тушиб келди. Мезбонлар унга эътибор бермасдилар, иккаласининг ҳам юзида хавотир, тадбир излаш, безовта бир шошқинлик бор эди. Шульгин камгап, лойи тозаланмаган кўпол этикда миқти гавдасини дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб, князнинг рўпарасида турар, ундан бир гап кутар эди. Александр Ананьевич бўлса ўзини тетик тутишга ҳаракат қилиб, бўлаётган воқеани менсимайроқ баҳолашга урингани сезилар эди.

– Кўрганмиз император жаноб олийларининг тафтишларини! – дерди у. – Ревизорларини ҳам кўрганмиз. Сенатор Кривошейн, гофмейстер граф Пален... кўплар келиб кетишган. Хўш, нима бўлди? Бу ҳам шулардан бири-да!

Шульгин бу бепарволикка кўшилгиси келмас, қора қўлқопли ёғоч кўлини паҳса қилиб, бош силкир эди.

– Йўқ, князь...

Улар Файзуллони кўриб, гапни бўлдилар, князь жилмайиб меҳмон томонга юрди.

– Марҳамат, марҳамат, шаҳзода, бугун сизни мутлақо қаровсиз қолдирдик. Қани, келинг, ҳозир овқатланамиз.

Бироқ князнинг бугунги манзирати, жилмайиши ҳам зўракироқ туюлди.

Маълум бўлишича, амирликдаги концессия мулкларининг бошқарилишини текшириш учун подшо ҳукуматининг ревизори келган экан. Александр Ананьевич дастурхон устида ҳам, ревизорларнинг алмисоқдан қолган одати, дафъатан пайдо бўлишдек

сийқа тактикасидан кулиб, уларнинг асли ўзлари ўғри эканлигини гапириб ўтирди.

– Александр Ананьевич, нималарни текширмоқчи экан ҳукумат ревизори? – деб сўради Файзулло.

– Э, гофмейстер граф Паленинг югурдаклари, – деди князь қўл силтаб. – Императоримиз, бошқа иш қуриб кетгандек, ер қурилиши, олиқ-солиқ, концессия шартномаларининг бажарилиши сингариларни тафтиш қилдирапти.

– Нима, бирон иштибоҳ бор эканми?

– Қани, биз бунда, – кулди Александр Ананьевич, – ерларимизни зўрлик билан кенгайтираётганимиз йўқми – шундан шубҳаланишса керак, – яна заҳархандалик билан давом этди: – аввал-ку бу ердаги баъзи даштларни америкалик корчалонларга сотиб юборишларига сал қолди. Биз қаршилиқ кўрсатиб, бу ҳалокатнинг олдини олдик. Ерларни ажнабий олғирлардан қутқазиб, ўзимиз қўлга олсак, энди обод қиламиз деганда миннатдорлик ўрнига шубҳа, тафтиш... – энди у кулмас, руҳи бесаранжом, кайфи сўниқ эди. Шульгин ҳам овқатни тўйиб еб, индамай чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб хонадонда нимадир ўзгарди. Кундузлари ҳам, кечасидек сирли жимлик, муомалалар совуқ. Александр Ананьевич кўпинча ёлғиз, гоҳо энг ичкаридаги хонада суяк дастали ҳассасининг тўқиллагани эшитилади. Ичмайдиган, чекмайдиган одам, зерикади, қийналади чоғи. Агафья деган художўй хизматкоридан бўлак ҳеч ким кирмайди ёнига. Гоҳо кечқурунлари эски фортепьянода аста эзиб Огинский полонезини чалар, меҳмон борлигини ҳам эсламас эди.

Умуман, бу уйда Файзуллони унутишди шекилли, унга ҳеч ким эътибор ҳам бермай қўйди.

Бундай пайтларда у ҳовлига тушиб, бақатерак япроқлари тўкилган кузги майсада бирпас тентираб юрар, «ташвиш-да, ҳаммада ҳам бўлади, ўтиб кетар», деб ўзини сабр-тоқатга чорлар эди.

Бир куни шундай юриб, бостирма остида эгар-жабдуқ ямаётган «Ярошка»га дуч келди.

– Ҳа, меҳмонга ҳам жой топилмай қолдими дейман-а, ёш барин? – деди чол. Паҳмоқ соқолини ушлаб таъзим қилди.

– Ҳа... – Файзулло эски араванинг ўқига келиб ўтирди. Бостирмада қуруқ пичан ҳиди анқиб турарди. – Бу нима бўлди, а, буларга, Ярофей Карпович, сиз билмайсизми?

– Ҳамма нарсани билавериш бизга тўғри келмайди, ёш барин.

– Мен билан ҳеч ким тузукроқ гаплашмай қўйди, Ярофей Карпович, шунинг учун сиздан сўровдим, айбга буюрмайсиз... –



Файзулло ўрнидан туриб, шимини қоқди. «Айбга буюрмайсиз»ни биринчи марта эшитаётган чол бигизини айилга суққанча қараб қолди.

– Яхши йигитча экансиз... Ҳай-ҳай, барин бўлиш ҳам қийин. Бундай мушкул савдолар бир кун бориб сизнинг ҳам бошингизга тушмаса дейман, марҳаматлим... – Чолнинг товуши юмшаган эди; қизил кўзларида ёш ғилтиллаб, тамаки ўрай бошлади, ёғочдай қотган сап-сарик бармоқлари сал қалтирарди. – Сизга айтаман, ёш барин, сизга айтмай кимга айтаман. Менинг ҳам ичимга сиғавермайди. Қариб қолдим, ичимда кетса ер олмайди мени... – Тошни тошга уриб пилик тутатди-да, тамакисини ёндириб олди. Кейин лаш-лушини тамаки халтага жойлаб хомсурпдан тизза бўйи қилиб тикилган куйлагининг чўнтагига солди. – Мужикча қилиб ростини айтаман, айбситманг, ёш барин, бемаврид келибсиз. Бехуда келибсиз. Бу ер сиздайларнинг кўнглини хушнуд қилмайди...

– Сиз менинг саволимга жавоб бермадингиз, Ярофей Карпович.

– Чегарада қўлга тушган кувғинди-сургундилар бор бу ерда, – деди қария яқинроқ келиб, – пошшонинг ревизори шуларни билиб қолади, деб хавотир олишяпти.

– Улар ким?

– Бешинчи йил ғалаёнидан кейин бу томонларга сургун қилинганлар. Афғонга қочаётганларида ушлаб...

– Ким ушлайди?

– Шульгин-да. Ким бўларди! Унинг қўлидан ҳамма иш келади. Заставада ўзига ўхшаган ароқхўр шериклари бор. Сув текинга ими-жимиди кишанлаб олиб келиб, ўлим ҳукмидан жони ҳалқумига етган бандиларни қора ер қаърида ишлатяпти...

Файзулло «Эси жойидами?» дегандек анграйганча чолга тикилиб қолди, чолнинг қўлидаги тамаки чўғини босган кул гўё унинг юз-кўзини ҳам қоплаган эди.

– Ахир улар... – Файзулло қаттиқроқ гапириб юборганини қариянинг чўчиб кетганидан пайқади. – Ахир қонун...

– Э-эх! – Ярофей шартта қўл силтаб, аламини ичига ютганча ишига кетди.

Оқаринқираб қолган Файзулло гангиб ҳовлига чиқди. Қаёққа боришини билмасди. Қўра жимжит – қозиққа боғланган от пишқириб пичан кавшайди, этакдаги терак учида жимиб қолган қарға галаси телпакдай қорайиб турибди, сирень дарахтлари оралаб ўтган сўқмоқда бароқ мушук кўринди, омбор тагидан ариқ шилдирагани эшитилади. Гўё ҳеч қандай воқеа, кўркув-хавотир кўрмаган, тинч, файзли кўрғонча... Лекин Файзуллонинг юраги сиқилиб кет-

ди. Уйга киргиси келмади. Тез юриб мансардага, ўзига ажратилган ётоққа чиқди. Кўрпа-тўшаги йиғиштирилган, нарсалари саранжом... Бироқ бу ерга ҳам сиғмагандек, вестибюлга тушди. Князни кўргиси келди. У уйдаими, йўқми – маълум эмас. Лекин уни кўриб ҳам нима қилади? Нима дейди? Балки унинг хабари ҳам йўқдир бу хунук гаплардан. У ҳам аслида Файзуллога ўхшаган меҳмон. Келади-кетади. Ҳамма гап Шульгинда. Столипиннинг жаллоди...

Борди-ю, ҳозир Александр Ананьевич билан очикчасига гаплашса, Ярофей чолнинг қисмати нима бўлади? «Шульгиннинг кўлидан ҳамма иш келади». Чолнинг шўри қуриб, Файзулло уволига қолиб юрмасин тағин. Яна бошқа жиҳати ҳам бор: бу гаплар исботсиз бир тахмин бўлса-чи? Ақл бовар қилмайдиган бундай даҳшатли ишга далил керак ахир. Чол ўзи табиатан ҳазм қилолмай нафратланиб юрган бу бетамиз хўжайинига ғазаб устида тухмат қилаётганини ҳам пайқамай қолган бўлиши мумкин-ку...

Эҳтимол, чиндан ҳам маҳоватдир. Одам ишонгиси келмайди. Александр Ананьевичдек одамнинг мулкида шунақанги ваҳшийлик ақлга сиғадими?

Файзулло ўзига ўзи шундай тасалли бериб, кўнгли сал тинчигандек бўлди-да, яна ётоғига чиқди. Энди унга ҳамма нарса сирли кўринар эди: дераза тагидаги яланғоч боғ ҳам, жимлик ҳам, жун пайпоқда шипиллаб келиб кетадиган художўй Агафья ҳам... «Бемаврид келдингиз». «Бехуда келдингиз». Қетиш керак Бу ерда нима қилиб ётибди? Жўнаш керак. Эртагаёқ кетади.

Лекин тўсатдан кетиб қолиш ҳам одобдан эмас. Александр Ананьевич унга илтифот кўрсатди, ўртада дўсти Александр бор. Наҳотки, наҳотки...

Бир кўнгли – ҳаммасини билгиси, аниқлагиси келарди. Ахир Александр Ананьевич номи билан боғлиқ бундай зил тугунни дида олиб кета оладими?

Эртаси куни Файзулло ҳовлига тушганида дарвоза ёнида князь билан Шульгиннинг гаплашиб турганини кўрди. Суҳбат кескин эди. Александр Ананьевич жаҳл устида қизариб ниманидир тушунтирар, Шульгин эса жиндак олазарак, лекин гап таъсир этмасди чамаси, безрайган, тўнгакдек бепарво турар, сўзини бермасди.

– Мен билмадим. Нима қилсангиз қилинг. Бу менинг ишим эмас, – деди князь.

Шундан кейин Шульгин яна ниманидир узоқ совитиб гапирди. Александр Ананьевич бир жойда депсиниб безовта бир ҳаяжон билан тинглагач, қўл силтади-ю, индамади. Шульгин шу билан жўнаб

қолди. Князь эса уйга кирди. Унинг ёноқлари оқаринқираган эди, Файзуллонинг сал нарироғидан ўтиб кетди, кўрмади.

Наҳотки кўрмаган бўлса? Наҳотки кўрмаган бўлса?!

Файзуллонинг хўрлиги келиб кетди. Тепага чиқди-ю, кун бўйи қамалиб ётди. Ҳаммаёқ жимжит эди. Аллақандай ёқимсиз жимжитлик. Фақат кечга яқин пастдан Огинский полонези аста янграб эшитилди-ю, у ҳам ярмида узилиб қолди. Файзуллога энди ҳеч нарса қилмас эди: на музика, на суҳбат... Кўксини оғир тош босиб тургандек. Сиқилиб кетди. Жўнаш керак. Жўнаб қолиш керак бу ердан.

Қош қорайганда Ярофей чолни излаб яна пастга тушди. Маслаҳат сўрамоқчи эди – жўнашга ёрдам бера оладими?

Шомда қўзғалган ёқимсиз шамол катта йўл чангини деворлардан ошириб, қўрғондаги хазон уюмларига қориштирар, омбор, қазноқ эшикларини ғижирлатиб очиб-ёпар эди. Зина устунни орқасида, қоронғида чолнинг ўзи дуч келиб қолди. У ҳам Файзуллони излаб юрган экан шекилли, авзойи бузук, негадир бирдан букчайиб қолган, бетоқат қалтираб, ялингандек гапирди:

– Кетинг сиз, ёш барин, кетинг бу ердан.

– Нима гап, Ярофей Карпович?

Чолнинг товуши яна ҳам пасайиб, аянчли тус олди.

– Шульгин сойлиқдаги кўмир стволларига сув қўйиб юборди... У ерда ҳалиги шўрликлар...

– А? – деб Файзулло чолнинг ёқасидан ушлади. Хомсурп куйлагининг тердан чириб кетган ёқаси йиртилганини сезгандагина қўли сидирилиб пастга тушди. Улар шундоқ рўбарў туриб, ноилож узоқ жим қолдилар.

– Ёш барин, кетинг, – деди чол йиғлагудек бўлиб.

– Неча киши эди?

– Ўн бирми, ўн икки...

– Бари фарқ бўлиб кетдими?

– Ревизор келса, сув босган эски шахталар – гап тамом.

– Жон отахон, онт ичинг, ростми шу гап?!

– Мен буниси сизни ишонтириш учун айтаётганим йўқ, кетишингиз керак бу ердан, ёш нарсасиз... шунинг учун айтаяпман.

– Князь биладими?

Чол йиртилган ёқасини ушлаб четга ўгирилди. Унинг бу йигитчага князь ҳақида бир нима дегиси йўқ эди чоғи.

– Гапиринг! – деди Файзулло.

– ...Князь бундай буйруқ бермайди.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? Ўйлайсиз, шунақами? – беихтиёр қаттиқ бақириб юборди Файзулло.

Чол индамагач, у зина тагидан югуриб чиқиб кетди. Ўйлайдими, аниқ биладими – бунинг фарқи нима? Умуман, Файзуллонинг бу ишларга нима даҳли бор! У ҳозир кетади. Айтгандек, Ярофей кетишига улов берармикан – сўрамади-ку? Э, энди бари бир – от бўл-маса, пиёда...

Унинг бадани қизиб кетаётган эди. Негадир дармони қуриб, ўтиришини ҳам, ётишини ҳам билмай қолди. Бугун тушлик қилгани йўқ, ҳеч ким уни эсламади ҳам. Пастдан димоқни қитиқлайдиган ширин таом ҳидлари келяпти. Залда қандайдир жонланиш, хизматкорлар тараддудга тушиб қолди. Столлар силжитилиб, қандил шамлари ёқилган. Агафья кажавада кўмир олиб кириб кетди. Тошқўмир... Бугун ҳам камин олдида кимдир исинади.

– Агафья хола, нима бўляпти? – сўради Файзулло.

– Питербурглик жаноблар, ревизорлар келади, сиз ҳам шайланинг, ёш барин.

Зиёфат? Балки чиндан ҳам Александр Ананьевичнинг ҳеч нарсадан хабари йўқдир? Шульгин ҳам келармикан?

Файзулло қизиқиб қолди. Ревизорлар қатнашадиган бу учрашув Шульгин учун бир қопқон бўлса-чи? Александр Ананьевич уни бу даҳшатли жиноят учун албатта тутиб бериши керак. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ҳалигина мулзам ҳолда кетиш тараддудига тушган Файзулло тетик тортиб, зиёфатга ҳозирлик кўра бошлади. Тик ёқали оқ кўйлак, камзуллик костюмини кийди, қоп-қора сочларини ҳўллаб таради. Синчков кўзларини ялтиратиб, секин пастга тушди. Жўнаш хаёли эсидан ҳам чиқиб кетган, разилнинг жазоланишини кўриш иштиёқи вужудини қамраган эди.

Шамол турган кутсиз кечада бу чоғроққина зал байрамдагидек файзли кўринди. Шароблар музга солинган, камин қизариб ёнар, ичкарида фортепьяно тинғиллар, кулги эшитилар эди.

– Қелинг, келинг, шахзода, марҳамат! Ташвиш билан бўлиб сизга қаролмай ҳам кўйдим, – деди Александр Ананьевич Файзуллонинг пайдо бўлганига қувониб. – Зерикмаяпсизми, ишқилиб? – у тўзимсизроқ кўринарди, саволига ҳам жавоб кутмай, тузоғлиқ столдан бир нима олиб, ичкарига кириб кетди. У ерда, биллиардхонада кимлардир шарақлаб кулишар, лекин питерлик меҳмонлар ҳали келмаган эди чоғи. Дала-даштда қорайиб кетган бир ёш инженер кампир онасини қўлтиқлаб кириб келди. Кейин яна бир новча, мўйловли одам. Орқадан Шульгиннинг товуши эшитилганда

Файзуллонинг бадани жимирлаб кетди. Бу одам ўша-ўша, ёнида поп хотинига ўхшаган оппоқ, хомсемиз, лекин чехраси очикқина танноз аёл ҳам бор, хотини бўлсамикан...

Шульгин гурс-гурс босиб шишалар қўйилган стол ёнига борди. Худди шу вақт ичкаридан Александр Ананьевич кўринди. Шульгинни кўриши билан юзи ўзгариб, жағ суяги қимирлаб қўйгандек бўлди. Мана ҳозир учрашадилар, ҳозир бир кор-ҳол бўлади...

Файзулло камин чўғига кафтини тутиб, исиниш баҳонаси билан уларни зимдан кузатар эди.

– Ҳали келишгани йўқми? – сўради Шульгин.

Александр Ананьевич жавоб бермади. Шульгин бепарво, шишаларни бир-бир олиб, этикеткаларини ўқир эди.

– Боплаб аралаштириб, нозиктаъб жанобларни бир маст-аласт қилмаймизми, князь? Ҳам томоша, ҳам гап олиш осон бўлади. Мен бунинг йўлини биламан...

Бу пайт кимдир граммофон қўйиб юборди. Ичкаридан хотин-қизлар овози, хушчақчақ шовқин бошланиб, буларнинг гапи яхши эшитилмай қолди. Файзулло князнинг қовоқ солиб, Шульгиннинг гапини жавобсиз қолдириб, индамай турганини кўз қири билан кузатар, қандайдир бир портлашни кутар эди. Шульгин ҳамон гапирар, лекин унинг сўзлари граммофоннинг бўғиқ овозига қўмилиб кетар эди. Ахири, Александр Ананьевичнинг кескин норози товуши эшитилди:

– Билмадим. Мени аралаштирманг. Бу менинг ишим эмас! – бурилиб жўнаб қолмоқчи эди, бу маҳал Шульгиннинг хотини уст кийимини ечиб, оппоқ кенг елкаларини очиб, гардеробдан чиқди, ноз билан князнинг ёнида пайдо бўлди. Александр Ананьевич бирдан кенг жилмайиб, хонимнинг қўлини ўпди-да, у билан граммофон куйига мос гир айлана шўх вальсга тушиб кетди. Унинг юзи ёқимтой, бакенбердлари пухта қиртишланган, базмларда кийиладиган қора фрак белини сиқиб турар, тез айланганда орқадаги учли барлари қалдирғоч қанотидек ёйилиб кетар эди.

Файзулло эсини йўқотгандек туриб қолди. Уй эгасига эргашиб гир айланаётган жуфт-жуфт меҳмонлар уни беихтиёр туртиб-туртиб ўтишар, унга гўё ҳеч қаерда жой йўқ эди. Қулоғида эса князнинг товуши: «Билмадим. Мени аралаштирманг!» Бу гапни у кечами, қачон ҳам бир эшитган эди. Ҳа, эрталаб, дарвоза тагида. «Мен билмадим. Нима қилсангиз қилинг. Бу менинг ишим эмас!» – янгради яна ўша сўзлар.

Файзулло аста тисарилиб вестбюлга чиқиб қолганини, кейин қадамини тезлатиб, ҳовлида – отлар, файтунлар орасида пайдо бўл-

ганини ҳам билмай қолди. Дарвозадан ўқдек отилиб кўчага чиқди. Чанг-тўзон кўтарган шамол гўё уни қувиб, изини супуриб борар эди. Лекин Файзуллонинг қулоғида ҳамон ўша гап: «Билмайман. Мени аралаштирманг». Бунга Ярофейнинг эҳтиёткор товуши келиб қоришади: «Князь унақанги буйруқ бермайди». Ҳа, ҳа, буйруқ бермайди... лекин индамайди ҳам. Демак, беун изн, аломати ризо...

Файзулло бу овозларданми, шамол, чанг-тўзонданми, ўзини ҳимоя қилиб, икки қўли билан қулоқларини бекитганча кимсасиз тош йўлда ҳамон югуриб борар, дам князнинг жилмайган юзи, дам Шулъгиннинг тўнг башараси, гоҳо Ярофейнинг қизил мижжалари кўз олдидан бир-бир ўтар эди. Нафаси тиқилиб, бирдан атроф тим қора тун эканлиги эсига келди. Ўзини қопқора сув ичида сузаётгандек сизди. Ҳаво йўқ, қора сув қаърига ютиб кетаётганмиш, ёнида яна аллақандай башаралар, кишанли оёқлар, даҳшат ичида олайган кўзлар... одамлар бўғилиб, бақириб, ғарқ бўлар эмиш... Файзулло қаттиқ шамол кўтарган қуюқ тўзон ичида хунук товуш билан бир бақириб, йўл четига юзтубан йиқилди. Йиқилганда манглайи қаттиқ урилиб, ҳушига келди: ер, тун, шамол, оғриқ... Бари бор нарсалар. У туриб ўтирди. Бутун аҳволи, бутун вазият кўз олдига келди: базмдан чиқиб қочгани, ёлғизлиги, номаълум томонга югургани... Йўқ, бу ўша келган йўли эди. Зиёни йўқ, юрса бекатга етиб олади, оғриқ босилади, шамол тинади, тонг отади...

Лекин энди буларнинг ҳеч бирининг кераги йўқдай эди. У топиб бўлмайдиган бир нарсасини, балки руҳини йўқотди. Мана, кўкси бўм-бўш. Шамол гўё яйдоқ чўлу йўлларда эмас, унинг ҳувиллаган кўксида тентираб, қуруқ чанг тўзғитиб юрибди.

Ғирчиллаган арава товуши унинг хаёлини бўлди. Чанг булути ичида от дупури тинди. Файзуллонинг юзига тамаки ҳиди гуп этиб урилди.

– Ярофей Карпович!

– Бу нима қилганингиз, ёш барин? Шунақа ҳам бўладими! Қоронғи тунда, ёлғиз... Туринг, ҳали-замон «афғон» хуруж қилади, – деди қария уни қўлтиғидан олиб.

– Қаёққа?

– Қайтиб олиб бормайман, кўрқманг. Югуриб чиққанингизни кўрдиму, қарасам – кўчада йўқсиз. Дарров Қийғирни аравага кўшиб қамчи босдим. Хайрият, мана... – чол унинг аравага чиқишига ёрдамлашиб юборди. Хашак ташийдиган тўрт ғилдиракли четан арава эски, шалоқ, лекин тагига пичан тўшалган, қулай эди. Файзулло унда ўзининг саквояжини ҳам топиб, енгил байтир чопинини ёпиниб олди. – Тўғри Паттакесаргами? – деди Ярофей. – Қани

ёнбошлаб олинг, «афғон» тупроқ шопириб ҳали тинкани қуритади, – у Файзуллонинг устига ҳам хушбўй қуруқ пичандан ташлаб қўйди. – Дамингизни олинг, ёш барин, унутинг ҳаммасини, туфуринг! – ўзи араванинг олдига чиқиб ўтириб, тизгинни қўлига олди.

– Чух, Қийғир!

«Қийғир» қаёқда, човидан кўпик тошган, мункайиб қолгая қирчанғи бия эди. Ярофейга ҳаммаси ҳам қийғир. Тақир-тукур жўнаб кетдилар. Чиндан ҳам, чўзилиб ётгандан кейин Файзулло нафас ростлаб анча ўзига келди. Қандайдир қўланса созлиқдан оёғини суғуриб, йўлга тушиб олган одамдек, енгил тортди. Қуруқ пичан, қовжираган кузги ғул ҳидлари димоғига тўлди. Файзулло секин юрган аравада тебраниб сал мудрай ҳам бошлади. Мана, уйига қайтади, жон ором олади, машъум тушдай ўтган бу воқеалар ҳаммаси унут бўлиб кетади...

– Ухлаб олинг, ёш барин, азият чекдингиз, кўриб турибман, ухланг, ҳали узоқ юрамиз...

Бироқ чолнинг товуши вужудини сескантариб, бутун вазиятни яна эсига солди. Бу оромнинг юзакилигини, ўз кўнглига ўзи беҳуда тасалли бераётганини Файзулло ич-ичидан фаҳмлаб турарди. Умидлари оёқ ости бўлганидан, бу алданишларнинг бутун алами кўксидан қалқиб келди-да, бирдан кўнгли ўксиб, дийдаси ғилтиллаб қолди. Қоронғида, ҳеч ким йўғида, шамол ғувиллаб, тўзғитиб турган пичан остида у ўзига биринчи марта тўла эрк бериб, ўз ўзидан уялишни ҳам йиғиштириб қўйиб, баҳузур йиғлади. Кўзида ёш қуриб тугагунча, ҳолдан тойгунча йиғлади. Лекин кўнглидан дард, чиркин бир ғубор аримас эди. Аблахнинг аблахлигини кўрсанг – бир нав, лекин ишонган, умид тиккан, меҳр қўйиб улгурган одаминг разил бўлиб чиқса, ўзинг ҳам айбдордек, эзилиб кетар экансан. Файзуллонинг кўз олдида Шульгин эмас, нуқул князнинг қиёфаси гавдаланар эди. Бу чиройли, беозор хушмуомала одам энди йўқ Файзулло учун, у пуфакдек ёрилди, ўрнида хотирага ҳадеб ёпишаверадиган шилимшиқ бир чиркинлик қолди. Шу билан, унинг қийналиб ўйлаган ўйлари ҳам; кечагина қувонтирган орзулари ҳам пучга чиқди. Шу кунгача олдинда нимадир сезиб талпиниб юрганлари шунчаки эртак экан. Эртак тугади, энди эртак йўқ. Файзулло умрида биринчи марта шундай қаттиқ алданган эди. Аламли таассуфнинг худди бир касалликдай қақшатишини энди билиб турибди.

«Афғон» шамоли астойдил қутуриб, йўлда гирдибод қуюнлар югура бошлади. Энди димоғида қуруқ пичан ҳиди эмас, қуюқчанг. Ҳавонинг, нафаснинг ўзи паққос чанг. Файзулло мижжаси-

даги намни артмоқчи бўлган эди, юз-кўзи ҳам чанг эканини сездди. Араванинг тақир-туқуридан биқини ҳам оғриб кетган эди: Келишда кушдак учиб бирпасда етган йўли – наҳотки шу бўлса?

– Паттакесардан кечаси бари бир Қаршига улов топилмайди, азонгача аста етиб борамиз-да, – деди чол шамолнинг ғув-ғувини босиш учун овози борича қичқириб.

– Бўронда йўлдан адашмаймизми?

– Бу ерда йўллар кўп эмас, ётиб ухласак ҳам, жониворнинг ўзи топиб боради. Чух, қийғир. Қалай дам олиб олдингизми, марҳаматли барин?

Ажойиб қария. Овозининг ўзи жонни иситади. Шундай вазиятда, шундай одамлар орасида виждон поклигини сақлаганига ҳайронсан.

– Ярофей Карпович, сиз билмайсизми, – сўради анчадан кейин хашак орасида ётганча Файзулло ҳам қичқириб, – борадиган жойимизнинг отини нима учун Паттакесар дейдилар?

– Э, ёш барин, бу ерларни саратонда кўрсангиз эди. Ур-йиқит, бақириқ... Одамлар бир-бирларини жеркиган, ҳақорат қилган. Пичоқбозликкача боришади.

– Нима учун?

– Бу ерда сувга талон қирқилади. Князь келганидан кейин шундай бўлган.

– Сув сотиладимми?

– Сувга патта сотилади. Шундан бу ернинг оти ҳам шунақа. Бадавлатлари-ку, пулни мўмай тўлаб, тўйиб ичади. Экини, боғи парваришли, сероб. Лекин камбағал шўрликнинг эккан-тиккани қуриб...

Файзуллонинг ҳалиги дардчил хаёллари яна безгак тутгандек тўлғониб аллақаёқларга кетиб қолди. Қари мужик баланд овоз билан давом этарди:

– Шулъгин бўлса князнинг тўғонидан зилол томчиларни бами-соли санаб, пулга чақиб, мисқоллаб чиқаради... Пастда қишлоқлар ариқларнинг жилдирашига интизор.

Файзуллонинг кўз ўнгида тоғдаги зангори қўллар чайқалиб кетди. Чол, нима бало, бирон жойда ўқиганларини ёки тарих чўпчакларини гапиряптими? Қандай ур-йиқит, қандай пичоқбозлик? Файзуллонинг қулоғи тиниб, чакка томирлари чатнаб кетди. Кўз олдига таниш манзаралар келарди. Уйлаб қараса, у бир вақт ўзи ўқиган экан Геродот ҳикояларини. Бундан бир неча минг йиллар муқаддам бу жойларни фатҳ этган шоҳи Дорой Гистасп Нондагон дарасида тоғ дарёларини тўғонлар ёрдамида жиловлаб



олиб, водийни сувдан бебахра қилади. Ташналиқдан фарёд чеккан халққа ҳар бир жилдираган ариқни қон-ёш баробарига сотиб, хазинасини жарақ-жарақ олтинларга тўлғазиб қайтиб кетади...

Ажабо, Файзуллонинг кўрганлари худди шунинг ўзи-ку! Нега хаёлига келмади экан тоғларда юрганида? «Халққа сув бераман! Юз минг десятина ерни обод қиламан!» Бу сўзлар, у мулойим жилмайган ақлли кўзлар жиноятнинг манфур ниқоби экан-да. Ундан кўра Шульгин тузук-ку: ошкора, мудҳиш, кўпол, тушунарли...

Князь эса энг қабиҳ йўллар билан замонанинг янги Дороси бўлмоқчи!

Тавба, кимга ишонса бўлади бу дунёда? Кимга?! Наҳотки бу рубъи маскун турган-битгани ёлғон бўлса, ё парвардигор?

Сўнгги сўзни Файзулло умрида биринчи марта, худди катталардек камоли имон билан, дилидан чиқариб айтди.

Бу вақт шамол, тўзон анча босилиб қолган эди. Файзулло, биқинлари увишиб, худди калтакланган одамдек, аъзойи бадани зирқираб ўрнидан турди. Яланғоч терак учларида осмон бўзариб қолган, тонг яқин эди. Тош йўлда тўрт ғилдиракли пичан арава асабга тегадиган даражада ғирчиллаб Паттакесарга етиб келди. Соч-соқоли чанг босган Ярофей чол инқиллаб пастга тушди-да, қовуғини ушлаб панага югурди. Чорраҳада уловчилар турар, араваю извошлар орасида хасчўп тўзғитиб шамол изғир, тезак, тутун ҳиди анқир, қозикда боғлиқ отлар бесабр, эшаклар ҳанграр эди. Файзуллонинг келиб тушганини кўрган киракашлар ғимирлаб қолишди. Бир чапанироғи унинг олдига югуриб келди:

– Бойвачча, Қаршига! Соябонимиз бор, ухлаб кетасиз! – дея кумуш ўмилдириқ, попукли ёпиқлар билан безатилган фойтунни кўрсатди.

Уловнинг тез топилгани яхши бўлди-ю, Ярофей билан хайрлашиш Файзуллонинг яна руҳини тушириб юборди. Чол қизил кўзларига жиққа ёш олиб худди боладек йиғлай бошлади.

– Ярофей Карпович, яхши эмас, ярашмайди, ёши улуғ одамсиз... – деди Файзулло нима қилишини билмай, рўмолча билан юз-кўзини артаркан.

– Мен энди дардларимни кимга айтаман, марҳаматли ёш барин! – деб йиғлар эди Ярофей. У бирдан букчайиб қолгандек кўринди.

Файзулло чолнинг тамаки ҳиди анқиган кўксига манглайини босиб, унинг ўксиганларини тинглаб бирпас турди. Кейин олифта киракаш дамлаб келган чойни ҳам нчмасдан дилида тошдек оғир руҳий азоб билан фойтунга чиқди-да, соябон остидаги қоронғиликка сингиб кетди.

– Шаштингиз паст, бойвачча... – деди ёш йўловчининг авзойига ҳайрон бўлган киракаш, – ҳечқиси йўқ, Тахта қорача довонига чиққанимизда ҳазрат Алининг намоз ўқиган жойларига олтин танга ташлаб ўтсангиз, худо гуноҳларингиздан паққос кечади...

Ҳаво совуқ эди. Ёмғирлар қорга айланиб, қор эса лойга қоришиб кетадиган хосиятсиз палла. Бўғотлар қорайиб, йўлқаларга чурук, сарғиш чакка томади, пахсалар нураган, тор кўчалар бўм-бўш...

Файзуллонинг ўзи ҳам, на ўй, на ҳис, гўё бутун дунёси хувиллаб қолгандай, ичи бўм-бўш, аллақаерида мубҳам бир оғриқдан бошқа ҳеч нарсани сезмай, шом олдидан уйига кириб келди. Унинг руҳсиз чехраси, киртайган кўзларини кўриб Райҳонбиби телваланиб қолди. Йўл азоби – гўр азоби дейдилар. Бу ёқда яна ота бир аҳволда. Бола бечоранинг кўнгли вайрон...

Лекин гап йўл азобида эмас, ҳатто отада ҳам эмас: Файзуллонинг кўнглида бутунлай бошқа, тушуниб бўлмайдиган бир дард бор эди. Уни тушунтириб онажонига айтолса-ку, ўзи ҳам балки енгил тортган бўларди-я...

У ўрганиб қолган одатига кўра аввал ота ҳузурига шошди. Убайдуллоҳўжа ўзининг хос хонасида юмшоқ курсига чўкиб, адрас чопонини оёқларига ташлаб, сап-сарик бўлиб ётар, бир ҳолатда эди. Ўғлини кўриши билан, варақлаб ўтирган қамария тақвимини этагига қўйиб, ҳол-аҳвол сўради. Гапларида илгариги ишчанлик, тиниқ ҳукмрон жаранг, ҳатто катта хўжалик ҳақида бирон таъкид ҳам йўқ эди. У бутун борлиғи билан у дунёга мудоҳил одамдек дардчил бепарволик билан сўзлар, фақат овозида пинҳона тараддуд сезилар эди.

– Энди сафарга шайланинг, ўғлим, – деди у бошини орқага ташлаб, «бўлди, чарчадим», дегандек, – менинг қаватимда борасиз...

Файзуллонинг юраги орқага тортиб кетди. Нима гап? У ўзи билан қаёққа чақиряпти? «Қаёққа?» деб сўрамоқчи эди-ю, ҳиқилдоғи қилт этиб лаблари учганча, тўхтаб қолди. Беморнинг авзойи шундайки, қаёққа деса ҳам фақат қуллуқ қилиб ризолик билдириш лозим эди.

Файзулло бун ичкарида онасидан суриштиришга ҳам ботинмади. Уни кўргач, бутун дардлари устига яна бир совуқ томчи томгандек, хаёлида бошқа бир қийноқли савол туғилди.

– Ойижон... мен нима бўламан?

Бу унинг кўнглини кўпдан тирноқлаб юрган савол эди, лекин ҳозир «Наҳотки бу дунёда мен ҳеч нима қилолмасам?» дегандай кенгроқ бир маънода янгидан туғилиб, ич-ичидан тошиб чиқди.

Отанинг янги сафар ҳақидаги гапи эртасига ойдинлашди. Бир неча кун аввал Убайдуллоҳўжа ҳаж қилиш ниятини эълон этган экан. Файзулло эсанкираб қолган эди, аввал буни заъфарондек бўлиб ётган беморнинг алаҳсираши бўлса керак, деб ўйлади. Бироқ эрталабданоқ бирин-кетин кўрина бошлаган Шоражаб муфтий, Хўжа Зухриддин маҳдум, мирза Муҳиддин, Абдулазиз аълам Шоахсий, Аҳад Соиб ва ғайри ақраблар тўплангандан кейин, бу хабарнинг астойдиллиги тасдиқланди.

Файзулло Шоражаб муфтийни ўрта меҳмонхонанинг долонида тўхтатди. Мударрис бугун кексаларча тик ёқали камзул устидан қора лас чопон кийиб олган эди, Файзулло билан сидқидил омонлашди.

– Отамни бу азмидан нега қайтармадингиз, тақсир? Мушкул сихатларини биласиз-ку?

Зуфунун ўйчан меҳрибонлик билан ўсмирнинг елкасига қоқиб гапирди:

– Руҳингиз безовта, кўриб турибман, мулла ўғлим. Аммо бандасини эзгу ниятдан қайтармоқ макруҳдир.

– Мени ҳам даъват қияптилар, – деди Файзулло, ёлворгандек унинг кўзларига қараб.

– Йўқ деманг, худо амри – фарз, ота амри – қарз. Эҳтимол, сўнги тилакларидир. Кейин ўкиниб юрмагайсиз. – Шоражаб муфтий боланинг вужуди қалтираб кетганини кўриб, унинг бошини кўксига тортди. – Ҳаж йўли чорлаган бўлса, кўнгиллари бир нимарсани сезгандир. Азм этмоққа иродалари етибди, иншоолло. Ҳамма нарса худованди каримнинг иродасидандир, мулла ўғлим.

Файзулло бу суҳбатдан кейин жиндек тасалли топиб, кеча кундан бери биринчи марта ўй-хаёли бир маромга туша бошлади. Отасини қуршаган одамлар орасида мана шу кишининг калтагина қизғиш соқолини чимдиб собирона гапирган гаплари кўпроқ мантиқли, ғуборсиз туюлар эди. Файзулло кўпинча унинг ёнида кўнглига осойиш топадиган бўлди. Убайдуллоҳўжа ўз ақробаларидан Шоражаб муфтийни ҳам ўзи билан йўлга чорлагани маълум бўлгандан кейин эса, Файзулло мударриснинг суҳбатларига кўп дуч келиб, унга ўзининг баъзи ўйларини ҳам ошкор этди. Муфтий ҳазрат унга катталар билан гаплашгандай жиддий, батафсил ўғитлар қилар, бу билан уни Зухриддин маҳдум, мирза Муҳиддин қабиларнинг жадидона серғовга суҳбатларидан ҳам халос этар эди. Бир куни улар девонхона деб аталган, бойнинг гумашталар билан рўзғор ҳисоб-китоблари ҳақида кенгашадиган иш хонасида узоқ ўтирдилар.

– Яна хомушсиз, мулла ўғлим, – деди Шоражаб муфтий, – ҳаж та-  
дорикадамиз, моҳи қурбон яқин, руҳан шаймисиз?

– Ўзимнинг тошимга бир ботмон бўлиб юрибман, тақсир, – деди  
Файзулло, – мана, сиз руҳдан гапирдингиз, руҳоний мавҳумадаи  
фусаҳо қиласиз, айтинг-чи, инсон табиатини не деб билурсиз?

Ҳазрат бундай гапни кутмаган эди, лекин ўсмирнинг безовта  
кўнгли руҳий мувозанат излаши, мавҳума салоҳияти унга жуда  
ёқди. Файзулло унга инсон табиатидаги чиркинлик, сийму зар  
йўлида қатли жон, тубанликлар, виждону диёнат поймол бўлиб,  
иллату разолат авж олганлиги ҳақида гапириб, ўз орзуларининг  
сароб бўлиб чиққанлигини, энг ишонган одамнинг ҳам қаллоб  
бўлиб чиққанлигини, элнинг туриш-турмуш тариқати жаҳолат  
ботқоғига нечоғлиқ чуқур ботганини ўзи билган далолат билан  
анча узоқ ҳикоя қилди.

– Боракалло, – деди Шоражаб муфтий негадир унинг терлаб  
кетган манглайига бармоқларини тегизиб. – Дилингизда нек  
муддао бош кўтарибдир, мулла иним. Безовта жонингизга орому  
осойиш топгайсиз, иншоолло. Ўрисдир, мусулмондир – бандаси-  
нинг табиати бир хилда, иллату танозилга ружу тутмиш. Сиз ке-  
назни сўзладингиз, ўзимизнинг бани муслим дунёпарастлари-чи,  
қалб эшонлар, иртижоъпараст мазҳаблар, шиъалар... Дини ислом-  
нинг поклиги, имонимиз поклиги жумла шаккокликнинг барҳам  
топишини тақазо қилади. Инсон дилидан ёвузликни кўтармоқ  
бизнинг фарзи айнимиз. Иддиомиз диёнат ва имони комилдир.  
Кўнгилни оллонинг ишқи-ёди била тўлдирмоқ керакким, бад ни-  
ятга жое қолмағай, мулла иним. Аввало одамларнинг кўнгиллари-  
дан, имонларидан огоҳ бўлайлик. Кўча озода бўлгани билан, бош-  
нинг кўтири, оёқнинг риштаси битган билан, кўнгил пок бўлмаса,  
имон суст бўлса, бадниятлар тошиб чиқаберадилар. Зулмнинг  
тийғини ҳам имон қайиргуси. Бандасига имон, ақлисалим зарур,  
у сиздек ҳакими ҳозиққа мунтазир, мулла иним. Одамни одам қи-  
лишнинг узоқ ва азобли йўли – сабр-тоқат йўли, пайғамбарлар  
йўлидир. Имонимиз иллатдан фориг бўлғай, омин.

– Бад ният томир ёйган, мударрис. Инсонни таққир этиш ҳирси  
томир ёйган... Имон ҳаммада бўлмоғи керак. Инчунун, рутбаи олий  
соҳибларида ҳам...

– Боракалло. Амир ҳам бандаси, бек ҳам... Дуогўйингиз инсон  
ҳақида сўзлаётирмен. Комил инсон... Сўнгра бари ўз-ўзидан бўлғай:  
ҳақиқат ҳам, адолат ҳам. Маърифат ҳам, маъмурлик ҳам.

Аввало имону диёнат; ёвузлик ўрнига ўзаро меҳру шафқат...  
Чиндан ҳам, бу – олий ният-ку. Файзулло икир-чикир билан ово-

ра бўлиб юргани йўқми? Ким паст, кимдир телба. Ким нодон, кимдир разил... Ҳаммаси билан бир-бир шуғулланиб бўлмади ахир! Илдизидан олиш керак. Дарҳақиқат, барининг ўқ илдизи – имон эмасми? Лекин жуда ҳам... эртакдагидек: «Сўнгра бари ўз-ўзидан...»

Бу мулоҳазалар кейинги кунларда Файзуллони қаттиқ банд қилиб, қийноққа солиб қўйди. Кўнгли ёлғизлик тусаб, уйдан чиқмай, ташқи муҳитдан ажралиб қолди. Уйда эса сассиз, асабий тараддуд, келди-кетди кўпайган, ташқари ҳовлида ҳожибадал бағишлагани келган бою камбағал қарияларнинг «тавофсавоб, омин!» дея дув ўриндан турганлари эшитилар, Файзулло эса бу ивирсишлар ора унутилиб, чекка-чеккада, хонадан хонага соядек ўтиб, ғовлаган ўйларини қаёққа қўйишини билмай юрар, гоҳ Шоахсий аъламга, гоҳ Шоражаб муфтийга дуч келар эди.

– Кузатинг, мулла иним, кузатинг, – дерди зийрак муфтий йигитчанинг доводи раб, ўзига тикилиб қолганини кўрганда, – бандасиким эзгу саъий ҳаракатда банд эса, унинг кўнглида бад ниятга ўрин йўқдир.

Файзулло ҳам худди шуни кузатаётган эди. У ҳатто ўз отасида ҳам катта ўзгариш сезмоқда. Унда ҳозир на рўзғору савдо, на тўл мавсумининг ташвиши, на рақибга қаҳру ва бировни тергаб жазолаш; ҳаёт-мамотни ўртага қўювчи кескин асабий гурунглр бу уйда бўлмагандек, Убайдуллоҳўжа маъсум ва босиқ, ҳатто илгари ёмон кўрган одамларига ҳам мурувват кўрсатиб, олий мақом мавзуларда мулойим суҳбатлашар эди. Моҳи қурбон кириши билан узоқ-яқиндан ҳожи-бадал келтирувчиларнинг кети узилмай қолди. Улар билан муомала қилиш, бағишловини олиб, хатга тиркаш машаққатли иш эди. Убайдуллоҳўжа бунга Шоахсийни мутасадди қилиб қўйди. Бунга ҳамма хурсанд эди – сергап аъламнинг ҳадеб оёқ остида ўралашувидан қутулдилар: эртадан кечгача ташқари ҳовлида келди-кетди билан алақсийди. Лекин бир гап тарқалди: «Салорихаж ёлланг, ўзим кузатиб бораман!» деб туриб олганмиш. Убайдуллоҳўжа бунга кўнибди. Кеча буну Зуфунуннинг ўзи таассуф билан гапирди. Аълам боши билан Шергирон дарвозаси ёнидаги саррочларга бориб, Убайдуллоҳўжа учун оқ мешийдан саноч, яна маккайи яхдон тикдириб юрганмиш. Сафарга дасторбанд ёллашда ҳам Шоахсийнинг қўли бор дейишади: бу вазифага уста Исоҳолнинг рангрзхонасидаги ёшгина пардозгарни олишибди. Шоражаб муфтий, дасторбанднинг ёш эканлигида бир сир бордек, негадир хижолат тортиб, хавотир билан гапирди. Убайдуллоҳўжанинг бу масалаларда ўзидан бемаслаҳат иш тутаётганидан нолиди.

«Қабо кияр»да ҳам, хилофи шаръий бир шай бўлмаса-да, Зуфунунга ёқинқирамаган ишлар бўлди. Бунда Шоахсийнинг кўли борми-йўқми, аниқлаш қийин эди, албатта. Ўша қутлуғ кунда ҳаж қилувчи кимса Маккага бориб қайтгунча ечилмайдиган узун барқут либос қабо кияди. Қабо кийган ниятли киши, бордию қаъбага ётишолмай йўлда дорилбақога нойил бўлақолса, хожи кетади. Маросимда уламога ош берилади, олий фатво ўқилиб, ҳаж сафари эълон қилинади.

Шундай куни маросимга амир дарборидан юпун бир эшони судур келиб ўтирса бўладими! Эшони судур дегани расмий диний рубтадир, еяр-ичари пошшоликдан, ўзининг кафанликдан бўлак нарсаси бўлмайди. Бу эса яна ўзига ўхшаш ориятнишин бир мадраса сўфисини ҳам эргаштириб келибди. Хуллас, шайх ул-исломликни ҳам ўз зиммасига олган амир ал-муслиминнинг югурдаги. Асои пир бажойи пир, дейдилар. «Калломулло»ни дастурхонга қўйиб чўккалаганида, уламо: «Қаранг, ҳаранг: хатчўп ҳам пошшоликниқи», дея шивирлашиб, мазах қилиб ўтиришди.

Лекин эшони судур «қабо кияр»га ҳазрати хумоюннинг фатвоси билан бирга, катта хушxabар ҳам олиб келган эди. Жума куни Болоҳовуз масжидида амир фуқароси Убайдуллоҳўжанинг номи хутбага қўшиб айтиладиган бўлибди. Йиғилган уламо бу хабарни хасталикда ҳаж сафарини ихтиёр этган бир муслими фидойининг азму жазмига муносиб рағбат деб қабул қилди. Ҳазрат хумоюнни дуо қилганларидан кейин, кўзига қуйилиб ёш келган Убайдуллоҳўжа бу мурувватга жавобан, келгуси жума куни бутун Турки Жандий жарибига худойи ош тортадиган бўлиб, шу оннинг ўзидаёқ даҳабошини чақиртирди.

Энди Шоражаб муфтийнинг ҳам дилхиралиги тарқаб, мамнун ўтирар, Файзулло эса Зуфунуннинг чехрасидан маъноли жилваларни ўқигандек бўлар эди: яхшилик яхшилик туғдиради; бандаси учун мурувват ва ҳиммат энг арзон ва энг қимматбаҳо нимарсалардир...

Одамларнинг мулоқотлари ҳамиша шундай беозор бўлса нима қилар экан? Шу кунларда ҳовлию маҳалла гавжум, Файзулло гоҳо бировларнинг юзларига беихтиёр тикилиб боқадиган бўлди. Уларда кўпинча сабру осойиш, маъсумлик ифодасини кўрар, келди-кетдининг тавозе ва мусалламлиги ўзига ҳам таъсир этиб, таниш-нотаниш хожи бадалчилар билан хонадон соҳибидек қуюқ омонлашар эди.

Катта хонадоннинг шу кунлардаги ўзига хос сирли эзгу ташвишлари уни ўз оқимига олди. Энди у ногаҳоний алданишлардан ўзи-

ни йўқотган бола эмас, узун чопон кийиб отасининг хоналарида ўй суриб юрадиган камгап йигит бўлиб қолди, уйдаги катта-кичик ишлар кўпинча у билан бамаслаҳат қилинар эди.

Жума куни азонлаб маҳаллага чиқиб борди. Ғозиёнда асосан Убайдуллохўжа хонадони: Файзуллонинг амакилари, уларнинг хешлари турар эди. Турки Жандий жарибида Ғозиёндан бошқа яна ўн саккиз маҳалла бор. Шайхжалол дарвозасидан тортиб то Хўжа Булғоргача одам, худди ҳайит намозидагидек ярим шаҳар кўчиб чиққан, ҳар бир гузару чорраҳада, сари бозору мадраса саҳналарида, дўкону қассобхоналар олдида чангакка олинган қўйлар нимталанар, ботмон гуруч дамладиган дош қозонлар осилган эди. Бухоронинг бу жанубий маҳаллаларида, айниқса Ғозиён лабиҳовузида салқин, сердарахт жойлар кўп-у, лекин ҳозир қиш, музлаган ер қировдан оқариб, жунжикиб турибди. Намозгоҳ жомесида намозжумадан кейин Ғозиён калон мадрасасининг муллавачалари, уста Носир адрасбофнинг халфалари, Тўракул удайчининг, Зикриё тўқсабонинг корандалари халойиққа ош торта бошладилар. Убайдуллохўжанинг ўзи узоққа боролмай, бир неча ақраболари билан маҳалланинг қадамжоси ИмомҒози мақбарасига чиқиб намоз ўқиди-да, қайтиб кириб кетди. Имом Ғози – чилу чор муштаҳиди якчашмнинг бири бўлган, дейдилар, шунинг учун уламонинг пешвоси шу ерда эди, улар Убайдуллохўжага оқ фотиҳа бағишлаб қолишди, Файзулло ҳам Ғарибия, Косагарон, ҳожи Омонбой маҳаллаларини айланиб, мулла Муҳаммадшариф мадрасасининг саҳнидаги супада мударрислар билан ўтириб ош еди. Бу ер гавжум, саришта, оройишли, бунда худойи ейишни кўплар орзу қилар, кўпроқ мулла одамлар йиғилган эди. (Кўзачада олтин топиб, шу жойни масжиду мадраса билан маъмур этган саховатли Муҳаммадшариф ҳақидаги ривоятлар бу ерга кўпроқ зиёли, бадавлат одамларни жалб қилар эди). Уларнинг кўплари Файзуллонинг этагини ўпиб, ундан бир томчи обизамзам, яримтагина хурмо умид қилиб қолдилар.

Қайтишда Гирибони чок деган кичкинагина бир мадрасаи чўбин ёнидан ўтаркан, Файзулло бошқачароқ манзарани кўрди. Ривоятларга кўра, бу жойни бир мусибатзада қурдирган. Унда на супаю на бўйра, Турки Жандий пуштасини тўлдириб музлаган ерда ўтирган ғарибу ғуроба ўз косасидан бош кўтармай, очкўзлик билан ош ер, ўтган-кетган билан иши йўқ эди. Мешкобчию пойкор, фаррошу гўлах ялангоёқ дийдираган болаларини эргаштириб чиқибди, кўкарган қўлларида сопол синиқларини тутиб, худойи кутишар эди. Файзулло улар орасида бир бақирӣқ, тартибсизлик

ёки қўполлик кўрмади-ю, лекин ўзига бир эътибор ёки саломлашишга бирон интилиш ҳам сезмади. Афтидан, уларнинг фикри ёди бошқа нарсада. Улар хайрли ишни ҳам, савобни ҳам ўйлаётганларга йўқ, овқат улар учун фақат – овқат эди.

Унинг кўнгли ғаш бўлди. Йўқ, отасининг саховатидан савоб тўплагани, дил хушлиги учун чиққан эмас эди кўчага. Инсон руҳияти мураккаб... Бу юпун одамларда бир ёмон ният йўқ, албатта. Лекин кўнгил нозик... гоҳо шундай туюладики, ҳозир унинг мувозанатини фақат бир коса ош тутиб тургандек... Бир нарса шубҳасиз: имоннинг тўқлиги – яхшилиқдан. Ёмон одам ёмонлик туфайли дунёга келади. Ёмонлик эса – яна ёмон одамдан. Азали аввалдан бир-бирини урчитиб келади. Бу бир лаънат занжири. Шу занжирни узиш керак эди...

Қадимий Турки Жандий даҳасида маҳалла ҳозонлари ярим кечадан кейингина йиғиштирилди. Бу гузарлар на наврўзу на ҳайитда бундай гавжум бўлган. Ҳозиёнинг ўзида эса ғала-ғовур машварат азонгача давом этди. Бу ерда сайхоналарга бирин-кетин тоғораларда ош киритдилар, отларга жабдуқ урилиб, файтунларга поча-пўстин тўшалган, қаердадир йиғи, чақириқ эшитилади. Тонг олдидан тўсатдан совуқ тушиб қор ташлашига қарамай, атроф кўчалар яна одамга тўла бошлаган эди.

Бу кечани ярим Бухоро бедор ўтказди. Тонг отганда кўчаю майдонларни, тому гумбазларни оппоқ қор қоплаган эди. Тонгги беғуборлик кўнгилларга ҳам кўчгандек, муюш-момушда ҳасса таяниб турган мўйсафидлар соқолларини силаб, қор мусаффолигини эзгу сафар хайромадига йўйдилар.

Кўп ўтмай, қўш от қўшилган олти файтун, икки четан арава Ҳозиёндан чиқиб Қавола дарвозаси томон йўл олди. Оппоқ томлардаги бола-бақра, девор раҳнасида бўйин чўзган келинкеват бир жонланиб яна жим бўлди. Олдинги извошда солори ҳаж Абдулазиз аълам Шоахсий билан ёш дасторбанд; ундан кейинги файтуннинг заррин шокилалаи соябони остида пўстинларга ўралган Убайдуллоҳжанинг ўзи, ёнида унга нисбатан жуда соғлом ва тик кўринган малла соқолли Шоражаб муфтий Zufунун, ораларида кичкинагина симобий салла ўраб чўкиб ўтирган – Файзулло эди. Амакилар, хотин-халаж, кузатиб борувчилар ўтирган тўрт извош билан юк ортилган икки соявон арава ўтгандан кейин, кетидан дув этиб тўлқин-тўлқин оломон эргашди. Қаволагача оппоқ кўчалар қора балчиққа айланди: ҳамшахарини ҳажга кузатиб кўйиш, уни кўриб қолиш ёки барига қўл тегизиш каъбани тавоф қилиш бир умр насиб қилмайдиган кишилар учун астойдил бир



тасалли эди. Дарвозага етгандагина ялангоёқ, юпунлар, бола-чақа, ёш-яланг узилиб қолиб, кузатувчилар камайди. Шундай бўлса ҳам, вокзал майдонларида эзгуликка шай юзлаб қариялар кўзларига ёш олиб, ҳаж карвонига оқ йўл тилаб, қадамда дуо қилиб, таъзим бажо келтириб турдилар. Кузатувчиларга тилла танга улашилди, оқ фотиҳадан кейинги «омин!» бир янграб тинганда извошлар ортидаги паранжили хотинлар орасида аччиқ нола эшитилди. Бу Райҳон бибинииг товуши эди.

Юкларни вагонга ортиш вақтида Файзулло онасининг ёнида бўлди. У одамга бардош қанчалик кераклигини шу ерда билди. Масковда онасини соғиниб юрак-бағри қон бўлганда ҳам бунчалигини сезмаган эди: ҳажга кетаётган катта йигит ғурури ҳам уни она бағрига отилишдан тийиб қололмади.

– Ёлғизгинам! Битта бўлса ҳам қирқтага татиган қўлтиқтуморим... Чиллада ялпизга тушиб топган тирноғим... – дея шивирлаб, йиғларди она.

– Менга ҳеч нарса қилмайди, дадамларни дуо қилинг, ойи... – деди Файзулло.

– Болагинам, қачон сенга тўяман... – деб қалтиранди она унинг ота ҳақидаги гапини эшитмагандек.

– Насиб қилса, эсон-омон қайтиб келамиз...

Лекин Файзулло паришон эди, она йиғиси бу сафар унга меҳру муҳаббатдан эмас, қандайдир кўргилиқдан дарак бергандек таъсир этди. Жунжикиб, онасининг чачвон остидаги қизарган кўзларини кўргандек бўлди.

– Насиб қилса...

– Мулла болам, мунча тез катта бўлиб қолдинг, бошгинанг омон бўлгур, сени тағин кўраманми... – она бирдан ҳушидан кетгандек чўккалаб, боласининг оёқларидан кучмоқчи эди, Файзулло уни чаққон кўтариб:

– Ойи! – деди қатъий. Кейин юмшаб, пушти мисрий паранжининг этакларини қоқди.

Бошқа оналар «ашки саодат, бахт кўз ёши» деб Райҳонбибига бекорга ҳавас қилишарди. У ўғлининг бағридан узилиб ҳеч қаёққа кетишини, ҳатто ҳажга боришини ҳам истамасди. Бунга Файзулло ҳам билади.

Вагонда икки кунгача, деразага тикилиб бораркан, кўзига онасидан бўлак ҳеч нарса кўринмади. Унинг ёшлиқдаги ажинсиз, дилбар қиёфаси ҳам, соғиниб-сарғайган интизор йиллари ҳам, ҳозирги йиғлаб қақшаган, оқ толалар чаккасига тушган, ҳасратли чехраси, қизарган кўзлари ҳам гўё вагон деразасига нақшланган

эди. Бу кунлари Файзуллонинг хаёлига нималар келмади! Ўзининг таянч нуқтасини тополмай тентираган ношуд тақдирини ўйласа ҳам, отасининг ўз умидсиз аҳволини била туриб бу маънисиз сафарга отланганини ўйласа ҳам – нуқул кўз ўнгига онаси келар эди.

Хос вагон анча эркин, юклар ортилган хонанинг йўлаги бутунлай бўш, тўрдаги хонада муфтий ҳам, аълам ҳам, ҳезроқдан келган дасторбанд ҳам Бухородаги охириги уйқусиз кечанинг қасдини олишар, фақат ота – ухляптими ёки шундоқ ётибдими. Файзулло билмасди. Вагон ғилдираklarининг бир маромдаги шовқини Файзуллони ҳам элитди. У ҳам хаёлларидан толиқиб, суяниб ўтирган сўрасида ухлаб қолди. Уйғонганида ўртадаги темир печкада саксовул чирсиллаб ёнар, ташқарида ҳаммаёқ кўзни қамаштиргудек оппоқ эди. Иссиқ вагонда деразадан бу қадар кенг, мусаффо дунёни кузатиб бориш завқли туюлди Файзуллога. Баҳри очилиб кетди.

Лекин бу жимжитлик, узоқ ва оппоқ масофалар, худди ёзилмаган қоғоздек, мазмунсиз эди. Файзуллонинг кўнгли хувиллаб қолгандек, хаёлига ҳеч бир ўй келмади. Ҳамсафарлари намозгагина туришди-да, нонуштадан кейин яна тебраниб мудраб қолишди. Орқага аста оғиб кетаётган чексиз-ҳадсиз оқ бўшлиқлар, узоқда пуштиранг паранжида кичкинагина бўлиб яна онаси кўзга чалинди. Кейин бу шарпа ғойиб бўлди-ю, кўзидан томган бир томчигина ёш ҳам эрталабки куёшда пуштиранг бўлиб кўринди. Сўнгра оппоқ кенглиklarнинг ўзи ҳам уфққача шу рангга йўғрилди.

Файзулло ўйма гулли чарм жуздонидан бир парча қоғоз олди-ю, тиззасига қўйиб ўтирди. У волидаи муҳтарамга, оламда яккаю ягона онажонига мактуб ёзмоқчи. Лекин нима деб ёзади? Ташлаб кетганига афсус қилибми, яна «онажон», «меҳрибон» деган чучмал гапларми? Кўнглида дардми, бир катта ниятми – нимадир бору, бошига фикр, тилига сўз келмайди...

Самарқандда ҳам, Тошкентда ҳам вагон улатиш, божу хирож муомалалари билан солари ҳаж Шоахсийнинг ўзи шуғулланди. Тошкентда у Убайдуллоҳўжанинг топшириғи билан кимларгадир бир такана қоракўлча чиқариб берди. Узоқ маневрдан кейин поезд бирдан кўзғалиб, остонадаги таҳорат қумғони ағанаганда бўйра тагига сув кетиб, новча дасторбанд ҳам кериша-кериша ўрнидан турди. У тикиш-чатиш, супуриш, дазмол босиш сингари «уй ишлари»ни яхши кўрарди. Ювиниб-тараниб, чой дамлаб келгунича, аллақайси шаҳарнинг қозиси мулозимларига ош кўтартириб кириб, аёти мухтасарни ўқитиб, «қиттак» ҳожибадал бағишлаб тушиб кетди. Бўз дастурхонда ўроғлиқ катта тоғорадан хушбўй ҳовур

кўтарилиб, бутун вагонни тутган эди. Ухлаб турган ҳамсафарларнинг иштаҳаси очилиб, димоғлари чоғ бўлиб кетди.

Убайдуллохўжа ошга турмади. Умуман, у ҳозир фақат таҳорату намозга турарди, холос. Оёғида кўпинча ҳазрат Шоахсий ўтирар, мудраганча эзгу оятларни мунгли қироат қилиб, дилларга зил бир ғашлик солиб борар эди.

У ҳозир ҳам, ошни астойдил егач, ёғли қўлларини маҳсисига артди-да, бой отанинг оёғига чордона қурди, шамол уриши мумкин бўлган ён томонлардан кўрпасини яхшилаб қистирди.

– Тақсир... – деб хаста овоз билан гап бошлади Убайдуллохўжа одатдагидек...

У мана шу одам билан жўнгина гаплардан гаплашиб ётишни ёқтирар эди. Балки Шоахсий аълам билан сўзлашиш осон бўлгани учундир. Ёнига Файзулло ёки Шоражаб муфтий ўтирса, гап тополмагандай, соатлаб жим қолади. Жўнроқ Шоахсийнинг суҳбатлари эса ортиқча зўриқиб ўйлашни, муаммо ечиш ёки масала баҳсини талаб қилмайди, чарчатмайди ҳам, бетоб одамга шу тузук, тўсатдан юмуш чиқиб қолса, унга иш буюриш ҳам мумкин.

Лекин Файзулло гоҳо бошқа нарсани ўйлаб қолади: ота ўғлининг кўпроқ Шоражаб Zufуннун билан бўлишини истаб, Шоахсийни ўзига банд қилмаяптимикин? Файзулло буни дераза олдида муфтий билан узоқ сўзлашиб қолганида отанинг шу томонга кўз қирини ташлаб қўйганидан сезади: маъқуллайди шекилли, Шоахсий билан қолишини истамайди.

Мана, Файзулло яна дераза олдида, чўян изда ғилдиракларнинг бир маромда тақиллаб боришига қулоқ солади, чексиз, оппоқ бўшлиқларга тикилишдан толиқади. Ҳамсафарлари – ўз кишилари, яқин танишлари бўлишига қарамай, баъзан ўзини мутлақо ёлғиз сезади. Ёлғиз, оламга бегона, ҳеч кимга фойдаси йўқ, ихтиёрини кимгадир берган маъносиз сафарга чиққан, ичи бўм-бўш бир одам... Бола.

У доим ўзини катта, мустақил одамдек ҳис қилишни истар эди. Ҳозир эса, ичидан ўқсиб болалигини кўмсади, бола бўлгиси келиб кетди, атрофида ҳеч ким бўлмаса-ю, тўйиб бир йиғласа. Тоғдаги ўтинчи болани эслади. Оти нима ҳам эди? Чайир, гапга ҳам пишиқ, ўз дунёси, ўз ишлари бор... Ҳа, оти... Эргаш эди шекилли. Ҳа, Эргаш. Файзуллонинг тенгқури. Ҳозир ўша Эргашдай бўлгиси келиб кетди: ўзига ўзи хўжайин, ҳеч нарсага жавобгарлиги йўқ. Файзулло эса... Нимагадир жавобгар, лекин жавоб беролмайди. «Мана бу менинг ишим», деб айтолсайди. Толхивичдан кажава тўқишдек кичкинагина бир иш бўлса ҳам.

Ёлғиз қолган Шоражаб муфтий унинг ёнига келиб тўхтади, у ҳам деразага – совуқ бўшлиқларга тикилди. Қизиқ, шу одамни ёнида кўриши билан Файзуллонинг болалиги аллақаяёққа ғойиб бўлади. Сўнгги вақтлардаги азобли ўйлари у билан боғлиқ эканини дилидан туяди чоғи, унинг мулоҳазаларидангина эмас, овозини эшитса, ҳатто нафасини яқиндан сезса ҳам хаёллари безовта бўла бошлайди. Улар гўё хаёлан баҳсга киришадилар, сўзлари хаёлларининг давоми сингари, чет қулоққа гоҳо кутилмагандек эшитилади.

– Айтинг-чи, Зуфунун, одамлар нега ҳажга борадилар? – тўсатдан сўради Файзулло ўйчан.

Тақир чўлларда, изғирин ялаган совуқ мрамардек ялтироқ тепаликларда ўтган йилги шувоқнинг қуруқ новдалари титрар, икки кундан буён жон эгаси кўринмас эди.

– Инсоннинг у дунёлигини ўйлаши – руҳий етуклик нишонасидир, мулла ўғлим, – деди ҳазрат ва оппоқ қирларга тикилди. Бу жонсиз бўшлиқларда жазирама ёздан хотира – тепасини қор қоплаган хашак, сомон ғарамлари учрар, улар атрофида ҳаёт нишоналари сезилар эди. Ана ўша яккам-дуккам ғарамлар тепасида қарчиғай гир айланиб юмрон овларди. Файзулло бу дарранданинг шамолга қарши томондан қиялаб келиб, овига ўқдай тикка ташла-нишини, тирик жонга шафқатсиз санчилишини томоша қилиб боради. «Тирик жонзот дунёсида умумий қонун мана шу бўлса-чи? – деб ўйларди у. – Ўзгартириб бўлмайдиган қонун... Йўқ. Одам ўзи ҳақида ҳеч нарса билмайди. «Руҳий етуклик...» Руҳ... у бир идиш эмасдирки, фақат эзгулик билан тўлдирсанг».

– Бирини, иккисини имонли қилармиз, илло одам кўп-ку, Зуфунун, тумонат ахир...

– Гап шунда-да, мулла Файзулло. Аммо дин-чи? Сиз билан биз шунчаки художўй эмасмиз, бизнинг қудратли воситамиз – дини ислом муқаррар! Ҳа, у, фақат у тумонатни бийлаб олмоққа қодир.

– Восита, дедингиз... Мақсад надир, худоми?

Муфтий шогирдининг елкасига қўлини қўйиб, ўйланиб қолди. Дафъатан чуқурроқ кетди чамаси, ҳай майли, бу зукко навқирон борган сари унга маъқул бўлмоқда, ундан ҳеч нарсани яширгиси йўқ.

– Йўқ, – деди Зуфунун, – мақсад яна инсондир, унинг руҳоний камоли. Мана, тоат-ибодат, дуою илтижо қиламиз. Буларнинг эгамга етиб боришига мен инонмаймен. Аммо булар бари бандасини ёмон ниятлардан алахсатади. Инсон боласи шундайки, унга яхши бўл, деганингиз билан яхши бўлавермайди. Унга нимадир керак.

– Худо керак?..

– Балли. Агарчандиким худо бўлмаса, уни ўйлаб чиқармоқ зарур бўларди. Имон – тажалли субҳи азал. Имон керак, ишонмоқ керак. Худога инонмоқ бандасини инсофли, имонли қиладир, ахлоқ даврасинда ушлаб турадир. Дўзахга ишониш даҳшатда тутса, жаннатга ишониш тасалли берадир. Булардан ҳеч қандай жиноий қонунлар мажмуаси билан алмаштириб бўлмас. Қонунни бузмоқ мумкин, алмаштирмақ, ўзгартирмоқ, бекор қилмоқ, ниҳоятти сотиб олмоқ мумкин. Имон эса ичингизда, уни ҳеч нарса қилолмайсиз.

– Одамга сеҳрли эртақлар керак, унга дин керак, денг. Сиз билан биз яна оддий диндорлармиз. Мен сизга Зайниддин деган бахтиқаронинг машғум қисмати-ю, бир эшоннинг қаллоблигини айтиб берган эдим...

– Динни айблаб чакки қиласиз, Файзуллохўжа. Инчунун, у дунёга инонмоқ ҳам дин. Шоён бир ташбиҳ айтдингиз – бамисоли сеҳрли эртақ. У дунёнинг борлиги ҳақидаги ақида бандасига олтин тизгиндир десак айни ростдир. Бу дунёдаги ишларнинг тарозуси ҳам ундадир. Сиз айтган эшони қаллоб у дунёлигини ўйласа ўша кирдикорни қилармиди? Зоҳирий шариат пешволари борким, инсонни асло ўйламайдилар. – Шоражаб муфтий беморнинг оёғида мудраб ўтирган Шоахсий аъламга кўз қирини ташлаб қўйди. Зуфунун ўзи табиатан сира ҳазм қилолмайдиган бу одам билан ҳамсафар бўлиб қолганига доим хафа эди. Баҳовиддин мазоридидаги иртижоъпараст шайхлар билан борди-келди қиладиган, ўта ивирсиқ, нодон ва мутаассиб бу «оқ муҳур» аъламини, унинг барча қилиқларини жони севмасди.

– Фарқи нима, бари бир диндорлармиз... – деди Файзулло.

– Фарқи шундаки, биз ботиний тариқат йўлини тутганмиз. Зеро, қани, такрорланг-чи, мулло:

«Ва лақад зайяннас самоад дунё бимасобиҳин ва жаалнаҳо ружуман лишшаётин».

Файзулло беҳато, чиройли қироат билан такрорлади. Устози давом этди:

– Қуръони шарифнинг ушбу сурасини улар: «Биз фалакни фаришталар ила безадик, токи шайтонларга ҳай бермоқ ниятида», деб шарҳлайдилар. Биз эса: «Осмонни илм юлдузлари ила безадик, токи жаҳолатда тош бўлиб отилсинлар», дея тушунтирамиз.

Файзулло фарқини англади ва маъқуллади. Лекин кўнгли ҳамон тўлмас, устози билан олишгиси келар, энди бунга ҳадди сиғиб ҳам қолган эди.

– Мен имон, диёнат, руҳоний поклик, инсон камолоти тарафдори-мен, – деди у яна тикка қараб, – аммо одам бу дунёда ҳеч бир муаммо билан иши йўқ, меъров бўлиб қолади-ку?

Бу маҳал чала уйқуда ётган отаси кўрпа остидан бегона ва хунук овоз чиқариб, ҳаммани чўчитиб юборди. Жойнамозда сужудга кетган аълам ҳам сесканиб ўрнидан турди. Ҳаммалари бемор тепа-сига бордилар. Оқариб, анқайиб қолган дасторбанд ҳар замонда пичирлаб калима келтирарди.

Шоражаб муфтий беморнинг манглайини артиб, томирини кўр-гач, унга нимадир деб далда берди, ёстиғини тузатиб, бошини сал кўтарди-да, аччиқ чой ичирди. Бирпасдан кейин бемор ҳам, бошқа-лар ҳам тинчиб, ўзларига келдилар.

– Мана кўрдингизми, мулла ўғлим, – деди ҳазрат Файзуллони яна дераза ёнига бошлаб, – бандасининг қисмати шу. Унга бу дунё-нинг муаммоларию дағи муфоил на даркор?

Отасининг кутилмаган хунук инграши Файзуллога қаттиқ таъсир этган, хаёлини баҳс мавзудан тамом чалғитган эди.

– Сихатлари кўп ночор, – деди у хавотир билан.

Зуфунун индамай деразага тикилди. Изғирин қор учқунларини ер бағирлаб супурар, оқ барханлардан ошириб узоқларга олиб ке-тар эди. Вагон ҳам анча совиди, қишнинг бир тутам куни: тугаб дарров қоронғи тушди. Деворга осиглиқ шишали фонарни бу тун ўчирмадилар, пилигини пасайтириб, тонгни бедор кутдилар. Файзулло негадир, айниқса кечалари ўзини ёлғиз сезар, кўрқар, кўзига уйқу ололмас эди. Ташқарида қора тун, изғирин тирқишла-рида ҳуштак чалиб, ётоқнинг иссиғинигина эмас, файзини ҳам, гўё ундаги тириклик асарини ҳам тортқилаб олиб чиқиб кетар, ва-гонларнинг жонга теккан тарақлашигина қолар, кеча узайиб кет-гандек, тонг ўрнига яна бошқа бир машъум, тубсиз қоронғиликни бошлаб келадигандек туюлар эди. Шундай пайтда тўлғаниб безов-та бўлган бемор ёнида Шоахсийнинг кутсиз товуши ўша зим-зиё туннинг овозига ўхшаб эшитилар эди.

– Худованди каримни ёд этинг, иншоолло, эзгу сафардасиз...

«Ажал келса мамнун бўлинг, ҳожию ғозий кетасиз» дегани эди бу. У ўлим тўшагидаги беморнинг жонини аврар, тақдирга тан бериб оламдан кўз юмишга кўндирмоқчи бўлар эди чоғи. Файзуллонинг ҳам бу одамга нафрати келиб кетди.

Эртасига Убайдуллоҳўжа ўзини анча тетик сизди. Салон совуқ, деразаларга муз нақш солган бўлса ҳам, астойдил таҳорат олиб, дасторбанддан оҳорли яқтак-лозим сўради, узун қабосини кийиб, намозини ўқиб, жойига ётди. Паканадан келган Шоахсий бетиним

шивирлаб гапирар, ивирсир, поезд тўхтаганда югура тушиб, тан-  
сиқ таом келтирар, қозоқлардан исириқ, ҳар хил доривор ўт топиб  
келар, бесўнақай дасторбандга иш буюрар, бемор атрофида пар-  
вона эди.

Шоражаб зуфунун унинг акси – салобатли, босиқ, камгап, қома-  
ти тик, ёш ва чиройли кўринарди. Салласини қозиққа илиб, кўр-  
кам тузалган сарғиш соқолини тутамлаб келиб, бемор бошида  
эгилади-да, ақлли кўзлари билан ёқимли жилмайганча ҳол-аҳвол  
сўрайди:

– Кўнглингиз тортса иссиқ-иссиқ чой ичинг, тақсир. Дасторбанд  
йигит бошингизни уқалаб қўйсин, енгил тортасиз. Намоз қазо бўл-  
ди, деб ташвиш тортманг, хастага беш ракаат фарз эмас.

Муфтий, Шоахсий аълам, Убайдуллоҳўжа қарийб тенгқур одам-  
лар. Лекин Файзулло қараб турса, отаси улардан ўн беш – йигир-  
ма ёш қари кўринади. Сийрак соқолида қорасидан оқи кўп, нурсиз  
кўзлари ичига чўккан... Нимага берди бу одам умрини? Мол-дунё  
кўйида асабий изғишлар, низо, нафрат, рақобат... беҳаловат жаҳон-  
гашталиқда дунё кўркини кўрмай, олтиндан бўлак нарса кўнглига  
сиғмай ёниб ўтди. Ҳозир дасторбанднинг узун бармоқлари унинг  
кўкиш чакка томирларини силаркан, сариқ қовоқлари оламни  
кўзидан тўсган эди, бесўнақай новча эса гўё унинг ўлик-тирик-  
лигига ҳам парво қилмайди, юмушини бажарса бўлгани. Бу беза-  
бон, бу найнов Файзуллодан атиги икки ёшгина катта бўлса керак.  
Лекин сафар давомида ораларида икки оғиз гап бўлгани йўқ.

Сафарнинг еттинчи куни кечқурун Убайдуллоҳўжа ақрабоси  
Шоражаб билан ўғли Файзуллони ёнига чорлади. Ботаётган кун-  
нинг симобдай совуқ нури музлаган деразадан аранг ўтиб, унинг  
сарғайган юзига жонсиз тус берар, кўз тубларига қора соя со-  
лар эди. Тирноқлари кўкара бошлаган ориқ бармоқлари билан  
Файзуллонинг қўлини пайпаслади. Файзулло отасига ҳеч вақт қўл  
берган эмас, нуқул бош эгиб қуллуқ қилар эди, холос. Ҳозир совуқ  
бармоқларидан сесканиб кетди.

– Ўғлим... – деди Убайдуллоҳўжа ҳеч нарса кўрмаётгандек маъно-  
сиз кўзлари билан тикилиб. Файзулло бу кўзларда йўқликни, чек-  
сиз ҳасрат, пуч умид маҳкум этган буюк йўқликни кўрди. – Ўғлим...  
моли-дунёмни сизга васият қилганман. Дарборнинг тарака хатчи-  
лари васиқани модарингизга топширгайлар... Амакиларингиз кўп  
очкўз, рақибларингиз беомон. Уларга зийрак бўлинг, оқилона та-  
сарруфу тижорат қилсангиз, алҳамдулилло, мулкингизга мадоҳил  
келиб, мен ҳам тупроқда тинч ётурмен...

Бу гап кўпдан кутилган бўлса ҳам, дафъатан ҳаммани карахт қилиб қўйди. Анча жимликдан кейингина дасторбанднинг хунук хотинчалиш йиғиси эшитилди. Шоахсий типирчилаб қолди;

– Кўйинг, тақсир, ундайчикин хаёлларни! – дея қўл силтаб, исиріқ тутатиб юборди.

Беморнинг гаплари Файзуллода негадир на кўрқув, на раҳм-шафқат ҳисси уйғотди. Уни ғалати совуқ туйғулар чулғаган эди: бу одам ҳеч вақт унга оталик меҳрини билдирган эмас, мана, ҳатто шундай пайтда ҳам – фақат мол-мулку рақиблар... Ахир бу балки унинг сўнгги сўзларидир. Васиқа муносабати бўлмаса Файзуллонинг онасини ҳам тилга олмас эди. Муштипар у ёқда бир ҳамдам тополмай ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирибди. Мушфиқини бир илиқ гап билан ёд этмаса-я. Айниқса мана шуниси алам қилди Файзуллога. Бу вазиятда ўзини оғир тутиб, оқилона босиқ гаплашаётган фақат Шоражаб муфтий эди.

– Кўп тўлғонманг, хўжам, камқувватсиз, малол келмасин, – дерди у, – истаганингизни бажо келтирайлик, андиша қилмай буюраверинг, эҳтимол орқага қайтиш кўнглингизга келгандир?

Шоахсий бу гапдан сесканиб, бетоқат олайиб қўйди. Лекин Убайдуллохўжа буни пайқамагандек, Шоражаб муфтийга қараб давом этди:

– Қачон кўз юмсам ҳам субҳи содиқда чиқаринглар. Халойиққа айтинг: дунёдан розимен – ўғлим қоладур. Сиз, тақсир, Файзуллохўжага васийлик қилинг, Норасида кўнглини овлаб, роҳ ростга солинг.

– Хотирингиз жам бўлсин, хўжам. Лекин ўзингизни уринтириб қўйяпсиз, – деб муфтий уни нохуш гаплардан тийган бўлди. Иссиқ ўраб ётқиздилар.

Бу кеча ҳам чироқ ўчмади. Отасининг оёғида ўтирган Файзулло музлаган деразалардаги шамол ҳуштагига қулоқ солар, бу ўлтиришнинг ўта бемаънилигидан бўлак ҳеч бир фикр хаёлига келмас эди. Тун ярим бўлганда Шоахсий аълам секин келиб кифтига қўлини қўйди:

– Жанобингиз пича ором олгайлар, акнун мен ўлтириб турай...

Файзулло ўрнига бориб бош қўйдию кўзига уйқу келмади. Неча кундан бери уйқусизликдан унинг ҳам кўзлари ичига ботиб кетган, бошига ғилдирақларнинг шовқини ўрнашиб қолгандек, поезд тўхтаганда ҳам қулоғида тинмай тарақлаб турар эди.

Тонг олдидан отасининг аҳволи яна оғирлашди. Ингради, тўлғанди, дард уни қийнаган сари нимадир гапиришга уринар,



Шоахсий унга ниманидир тушунтириб энди тинчитдим деганида, бемор яна бошқатдан бошлар эди.

Файзулло оғир чарчоқдан пинакка кетган эканми, отасининг овози уйғотиб юборди:

– Менинг каъбам ўз уйимда! Бухоро – менинг каъбам! – деб бўғилаётгандек хунук товуш билан алахсиради бемор. Файзулло сакраб ўрнидан турди. Лекин жимлик чўккандан хотиржам бўлиб, яна ёстикқа бош қўйди. У энди бу беҳаловат тунларга ўрганиб қолди, сафар эмас – азоб эди. Охири-кети борми, билиб бўлмайди...

Сахарлаб кимдир эшик очди. Қаҳратон қиш совуғи қоронғи ётоқнинг бутун мудроғини ямлаб, карахт бир жимликда сирли шарпа, шивир, маънисиз ивирсиш, босиқ йиғи эшитилди.

Убайдуллохўжа жон таслим этган эди.

Бунга ҳеч ким деярли ҳайрон бўлмади. Фақат энди, нима қилиш керак, деган маънодаги мубҳам бир жимжитлик босиб турарди ғи-ра-ширада.

Биринчи бўлиб Шоахсий ўзини тутиб олди. У югуриб-елиб юриб аллақандай кичик бир станцияда вагонни эшелондан уздириб четга чиқартириб қўйди, кейин аллакимларни топиб келиб узоқ ёсин ўқитди. Ҳали ҳеч нарсага аралашолмаган Файзулло ҳар сафар эшик очилиб вагонни паға-паға совуқ ҳовур тўлдирган сари жунжикиб, гўё кичрайиб борар, на тилига гап, на кўзига ёш келар эди. Дасторбанд унга янги тўн кийгизиб, белига қийиқ боғлаб қўйганидагина эшикка яқин турдию, мурда юзига қарашга ҳамон юраги бетламасди. Шоражаб муфтий унинг бошини кўксига босиб таъзия билдирди. Шоахсий эса ҳамон тинмасди, гўё шу воқеани кутиб тургандек, солори ҳажнинг асл вазифаси худди шудек, бирдан жонланиб ҳамма ташвишни ўз зиммасига олди. Қорбўронда кўмилиб ётган бу кичкина шаҳарчадан машҳур миллионер Убайдуллохўжанинг танишларини, станция ва шаҳар бошлиқларини топиб келди. То улар ёрдами билан вагонни кечаси Тошкент поездига қайтариб улагунларича Файзулло таъзия қабул қилишдан бўшамасди. Шу ҳам тузук бўлди шекилли: Файзуллонинг ота оёғига йиқилиб йиғлашга вақти бўлмади, у бунга эпломасди ҳам, бундай қилишга қурби ҳам, кўнгли ҳам йўқ эди ўзи.

Ярим кечадан сўнг вагон орқага қараб йўл олди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек эди: мияда яна ўша ғилдирак шовқини, ўша хира чирок деворда пирпирайди, совуқ бурчакда чўккалаган дасторбанд чап-чап этиб нимадир кавшайди, юзига дока тортилган жасад ўз ўрнида тебраниб бормоқда, югуриб чарчаган Шоахсий жойнамо-зигаёқ ёнбошлаб уйқуга кетди... Фақат энди йўл орқага, ота ўрни-

да совуқ жасад, олдинда яна қутсиз, ғуссали кунлар, юракни эзадиган бир ҳафта... Ҳа, дунёнинг ўзи билар экан қаёққа бошлашни. Файзулло ўрганиб қолган деразаси ёнида отасига узоқдан тикилиб боради, унга яқинлашиб юзига қарашга ҳануз юрак қилгани йўқ.

Шоражаб муфтий яқинлашди. Бир-бирларига тикилдилар. Иккаласининг ҳам кўзлари қуруқ эди.

– Мана шундай, ўғлим... Бу дунёда нақадар қудратли бўлса ҳам, бандасининг ҳоли – оқибат мана шу.

Файзулло биринчи марта ўзини... Йўқ, етим эмас, етимлигини у жуда катта фожиа деб билмас эди. У ўзини ожиз, нотавон сезди. Ҳамма ўйлаганлари, олдинда шундоққина бутун турган умри пучдек туюлди. Бирдан муфтийнинг кўксига бошини қўйди-да;

– Пири комил... – деб йиғлаб юборди.

Ҳозиргина отадан айрилган ўспириннинг йиғлаши табиий эди. Лекин Шоражаб зуфунун бу йиғининг нажот излаш маъносини тушунди. Боланинг унга «пири комил» деб мурожаат қилиши ҳам биринчи марта.

– Падарингизнинг васиятлари бу дуоғўйингиз учун қиёмат қарз, ўғлим, сизга илгаридан ҳам меҳрим тушган эди, ҳўп десангиз, ота ўрнида ота, сабиллигингизни билдирмасман, иншоолло.

Бу маҳал Шоохсий аълам келиб Файзуллони ётишга мажбур қилди: «Ўзингизни олдириб қўясиз бунақада. Озгина ором олинг, ўзингизга келинг, ҳали ташвишингиз кўп, ҳўжам!»

Ётди-ю, Файзулло отасиз қолганини, кўп ташвишлар, одамлар билан муомала, мол-давлат юки зиммасига тушганини биринчи марта сезди. Ором қаёқда! Тонг ёришиб, муз безаклар билан қопланган деразадан қор шуъласи тушди. Марҳумнинг юзидаги оқ доқа ҳам қордек совуқ кўринди. Файзулло отасининг ёнига бориб ўтирганида елкасида зуфунуннинг нафасини сезди.

– Балли, ўғлим, падарингиз билан бир дам холи бўлинг, бафуржа видолашинг...

Зуфунун ўликнинг юзини очиб қўйиб, ўзи нари кетди. Файзулло журъат ва иродасини бир жойга тўплаб астойдил тикилди. Ажабо, ияги тиккайиб, сийрак соқоли тарвақайлаб кетган, кўзлари косасига чўккан, қирра бурунли бу сомондек юз унга бирдан бегона туюлди. Гўё у кечагина эмас; аллақачон ўлган, Файзуллодан аллақачон узилган ёт бир киши эди.

Аслида-ку ундай эмас, Файзулло кўнглининг бир чеккасида буни сезиб, билиб турибди. Бу – унинг отаси, падари бузруквори. У ўғлини ўзича севарди, ўзидек бўлишини истар, сафарларга бирга

олиб юрар, «Тожирлар элнинг ашрафидир», деб яхши ўғитлар қилар эди.

Файзуллонинг ёдида – отаси уни бир кўпқарига ҳам олиб борган. Болжувондами, Қоратегиндами, эсида йўқ, у вақт энди 12 га қадам қўйган пайти, кўпқаридан кейин қорақўлча жаллоблари билан бир ёвонда меҳмон бўлдилар. Ҳамал ойининг ўрталари эди. Хардандону шувоқ-шўра гуллаган, қорақўлча жаллоблари яйлов кезиб, тери йиғадилар, тўйиб барра кабоб ейдилар. Қорақўл сурувлари ёвон атрофига қувиб келинган, дашт этагига чодиршаб қурилиб потила қозонлар осилган; чўри-халаж ловияшўрак қайнатади, қўй соғади, аччиқтош сувида юнг пишитади, нилобий, зайтуний деган эрони бўёқларнинг анвойи ҳиди адирларда анқиб ётади.

Нарироқда, кум хомалари орасида эса қароллар, чўпонлар «қорақўлча тоблайдилар». Файзулло ўша томонларга айланиб борди. У бўғоз қўйларнинг қумда ағанаб қийналиб қўзилашини кўрди. Юзини соқол босган, енг шимариб олган эркакларнинг ифлос, қўпол қўллари қўйларга ёрдам бериб, шилимшиқ қўзичоқларни йўлдошидан айриб оладилар-да, она эмчагига оғзини бир тутиб... терисини шила бошлайдилар. Баъзи қўйларга ёрдам ҳам бермай, тўлғоқ пайти бўғзига пичоқ тортиб, қўзичоғини қорнидан ёриб оладилар. Файзулло аввал титраб кетди, кўнгли айниди. Чўпонлар бу ишларини ҳафсала билан, қувониб-тиржайиб бажарар эдилар. Файзулло жажжи қўлларига чўпон таёғини олиб, ўзини зўрға тийиб турганида бир чўлиқнинг чарақлаб кулган юзига қўзи тушди. Ёш чўлиқ қўлидаги энди туғилган тирик қўзичоқни иссиқ кумга ташлади.

– Юмала, юмала, жонивор, жингала гулинг зап очилади! – дерди у. Анчадан кейин иссиқ кумда типирчилаган қўзичоқни олиб онаси томон элтди. Меҳрибон йигит экан, қўзичоқ она эмчагини тимирскилаганда Файзулло энди ўзига келган эди, ҳалиги «меҳрибон» йигит қўзичоқни қўлига олиб, «бўлдимми?» деб эркалади-да, сўйиб юборди. Файзуллонинг кўз ўнги қоронғилашиб, таёқни улоқтирди, бақириб йиғлаганича орқасига қараб югурди. Йўлида, кумда дўппайиб ётган бир нарсага қоқилиб, қўланса ва шиллиқ бир уюмга юзи билан тушди: бу, ҳозиргина териси шилиб олинган бир кунлик қўзичоқларнинг пашша ёпирилган гўшт уюми эди. Файзулло жирканиб, юзига елимдек ёпишган шиллиқни кўз ёши аралаш енг билан артиб, яна югурди, яна йиқилиб, ўксиб йиғлаганча ўтовга етиб борди-ю, узоқ қийналиб қусди. Уни эркалаб кулишган меҳмонлар, отаси ва унинг улфатлари кўзига ёмон кўриниб кетди. Бу улфат ҳалиги елимли гўшtdан қозонкабоб қилдириб, суягигача

чайнаб узоқ ишрат қилди. Файзулло эса ҳар замонда кўнгли ағда-рилиб, қора уй керагасига осиглиқ бўз халтадаги нордон сузмадан жиндак оғзига солганча тишини тишига қўйиб, бир чеккада ўқчиб ўтирар эди.

Болалик таассуроти кўнгилга ёмон ботиб қолади. Худди ярадек, узоқ вақтгача битмайди. Шу-шу бўлди-ю, Файзулло ота касбидан кўнгли қолди. Убайдуллохўжа уни ўзига меросхўр қилмоқчи эди, у эса бу касбгагина эмас, отанинг ўзига ҳам лоқайд бўлиб ўсди.

Мана энди жасади олдида бегонадек, дийдаси қотиб, кўзига ёш ололмай ўтирибди, худонинг ўзи кечирсин.

Бу балки унинг ўз ҳолатидан ҳамдир. Совуқ вагонда кечаёқ шамоллаб қолганини шундай пайтда бировга айтишга андиша қилиб, ичидан ўтганини ўзи билиб ўтирган эди. Лекин, барибир, иситма ошкор қилар экан, унинг жунжикиб қалтираб базўр ўтирганини пайқаб, иссиқ чой бердилар, ўраб ётқизиб қўйдилар.

Бухорода ҳам қаҳратон қиш экан. Бири ўлик, бири тирик, ота-бола чўзилиб ётган хос вагон Когонга қайтиб келганида, бу ерда ҳам бўрон турди. Шунга қарамай, вокзал гавжум, Файзулло совуқда қақшаган оломоннинг гувлаганини эшитди, яланғоч теракларнинг музлаб қотган шохларини кўрди: уни пўстинга ўраб ченага ётқизган эдилар. Иситма хуруж қилиб, гоҳо муздек бўшлиққа чўкиб кетар, гоҳо қалқиб чиқиб, кўзига нотаниш юзлар, қиров қотган соқоллар, кўкарган лаблар кўринар эди. Булар мунча кўп? Отаси қаёқда? Унинг ёнида одам бормикан? Е ҳамма Файзуллонинг теварагидами? Баъзи юзларни танигандек бўлади, нимадир сўрамоқчидек талпинади. Ана, шу совуқда юпун кийинган Хўжа Зухуриддин маҳдум ҳам шу ерда, мирза Муҳиддин ҳам, Аҳад Соиб кундровнинг ҳам кўзойнаги ялтиллаб кўринди, чеқкароқда Шоражаб зуфунун ошнаси Дилкаш қори билан гаплашиб турибди. Хуллас, ҳамма шу ерда. Гўё Убайдуллохўжа эмас, Файзуллохўжа ўлгандек... Ўртада ола чопонга ўранган паканагина Абдулазиз аълам Шоахсий ниманидир тушунтиряпти. Файзулло унинг гапини эшитмади-ю, лекин қулоғида отасининг ўлим олдидаги «Бухоро – менинг қаъбам!» деган бақириви янграб кетди. Бухоро менинг қаъбам... Бухоро... Бухоро эса, мана, совуқда қақшаб ётибди, ўша-ўша, юпун, ғариб...

Чана қорни ғирчиллатиб жилиб кетди. Йўл четида мункиллаган чоллар дийдираб соқолларига фотиҳа тортиб қолишади, ярим-яланғоч бола-бақра кўкарган юзларини енглари билан қорбўрондан тўсиб, ченадагиларни кўриб қолишга интилишади.

Нимасини ҳам кўради? Бу чанадагилар ҳам улардан баттар қаш-шоқ, ожиз... Бу шокиладор соябонли чаналар, қўш-қўш кўнғироқли отлар, мўйна пўстини чақмоқли саллалар эса – бари шунчаки шалдироқ... Аслида – на арзигулик ўй, на эртаги кун. Ким нима ниятига етибди?..

Файзулло неча вақтдан бери ўйлаган ўйларини, орзуларини эслашга уринар, бу ўйлар билан узоқ йўлларга бориб, алданиб, руҳи пуч, ўлик қайтиб келаётгандек бўлар, фикрини бир жойга тўпловмай, зим-зиё бўшлиққа чўкиб кетар, ҳушсиз ётганини пайқаба яна уйғонар эди. «Бухородаман, – деб ҳушини йиғишга ҳаракат қиларди, – каъбага бориш ўрнига Бухорога қайтиб келдим. Менинг тақдирим шу экан. Бухоро – менинг каъбам... каъбам... қани менинг каъбам, қани онажоним?»

Ўтдек ёнган манглайда салқингина, юмшоқ кўлни сезди.

– Шу ердаман, болам, шу ердаман, ўргилай...

Файзулло онасининг товушини таниб, манглайдаги ўша кўлга ёпишди, уни юзига босди, кўзига сурди.

– Ойижон..

– Алаҳсираяпсиз, болам, кўзингизни очинг.

– Кўзим очиқ, ойи, сизни кўриб турибман, – деди Файзулло. Шифтнинг қизил жуфт вассаларини, юлдузсимон шарафаларни кўргач қаердалигини англаб, бор кучи билан сакраб турмоқчи бўлди. – Дадамиз...

Райҳон биби икки кўллаб кўксидан босиб, авайлаб ётқизиб кўйди, қайноқ пешонасидан ўпди. «Сизни кўриб турибман», деган Файзулло кўзини астойдил очганда онасининг чехрасини кўриб яна ҳушидан кетаёзди. У онасининг ўзига таниш илгариги қиёфасини хаёлан кўриб турган экан, энди эса, кўз очганида унинг бирдан оқарган сочларини, қип-қизил қовоқларини, қорайиб кетган, ориқ, серажин, нурсиз чиройини кўрди.

– Қиблагоҳимиз чирқиратиб кетдилар, болам, – она йиғлаб бўлган эди, қип-қизил мижжаларида ҳатто нам кўринмади. – Лекин сиз ётишингиз керак, у ерда одам кўп...

Русумга мувофиқ, Убайдуллоҳўжани ҳожи сифатида кафанга эмас, ўзининг мисрий салласига ўраб, Болоҳовузнинг хос тобутига кўйдилар.

Файзуллони фақат дафн маросимига олиб чиқдилар. Жаноза аъло ҳазрат ўзи жума намозига чиқадиغان Болоҳовуз масжидининг пешайвонида ўқилди. Бухорода камдан-кам бўладиган қаҳратон совуқ, дам-бадам бўрон туришига қарамай амирликнинг бутун

уламози шу ерда, ҳовуз бўйи, оппоқ қор босган майдонда пўстини бўрк кийган казо-казолар чўкка тушган, узоқ-яқин кўчалар ҳам тирбанд. Жанозани кейинги йилларда катта мулкдорлар орасида нуфуз орттириб дарбор аҳлининг эътиборини топган Шайх ул-аъзам ўқир эди.

Файзуллонинг ранги кетган, шу совуқда ҳам бадани намиқиб, зўрға оёқда турарди, бир ёнида Шоражаб муфтий, бир ёнида амакилари. Барлосларга хос катта юзли, ёноқлари чиққан Шайх ул-аъзам «салоти жаноза»ни ўқиб бўлганидан кейин худонинг қудрати, бандасининг ожизу қойимлиги ва рубъи маскуннинг фано ишларидан ваъз айтиб тасалли билдирди, марҳумнинг улуғ савобларини бир-бир санагач, қиёмат ҳамда оддий қарзларга ўтди. Файзулло тинглаётгани йўқ, унинг ёниб турган боши буларни идрок этишга ожиз эди. Гап нималар қарз ҳисобланиши, нималар ҳисобланмаслиги, узилмаган қарзнинг охиратда тутиши, рози-ризолик ҳақида эди. Файзулло тиззасининг дармонсизланаётганини сезиб, ёрдам сўрагандек безовта аланглади.

– Пири комил...

Уни суяб турган Шоражаб муфтий шошиб қулоғига шивирлади: «Розимен валенеъматимдан денг, мулла ўғлим, мингдан-минг розимен, денг».

– Розимен... – деди Файзулло қуруқшаб ёпишган лабларини базўр очиб.

Руҳоний отахонининг шошиб шивирлаши уни иситмадан бир оз чалғитган эди. «Хужжат пеш қилган ҳар бир кимсадан падар бузрукворимнинг қарзларини тўла узгаймен, деб айтинг».

– ...тўла узгаймен. Зуфунун...

Зуфунун унга бугун ҳақиқий оталик қилди: у бўлмаганда бу қаҳратон кунда, узоқ чўзилган оломонли маросимда Файзуллонинг шамдай қотиши турган гап эди. Ҳамманинг қаршилиги, бутун уламонинг олайиб боқишига ҳам қарамай, Шоражаб муфтий уни «зотилжамга чалинган, жони қил устида турибди», деб четга етаклади-да, чанага ўраб ётқизиб, уйга олиб кетди. Ҳозиёнинг тор кўчалари топталган, лекин изғирин ҳамон қор учқунлатар эди. Аза йиғиси билан хонадонни бошига кўтарган хотин-халаж ичидан Райҳон биби отилиб чиқди. Зўрға оёқда турган Файзулло она қучоғида яна ҳушидан кетди...

Йўқ, бу уйқу эди, Файзулло бунинг тонгга бориб ўзи фаҳмлади. Она бағрининг иссиғида у қандайдир зил юкдан қутулгандек енгил тортиб кўзини очди. Ташқари оппоқ, бўрон тиниб қуёш чиққан, қазноқда кимлардир ивирсирди, дарвозахонада боғлиқ той безов-

та. Файзулло ўзининг кейинги вақтда отаси ётган хос хонада эмас, ҳовли тўридаги ўн бир тўсинли шабхонанинг кунгай пешайвонида ётганини кўриб кўнгли тинчиди. Кошинли печлари доим иссиқ бу холи жойни яхши кўрар, ўзини бегона кўздан холи, мустақил сезар эди. Ичкарига очиладиган эшикдан онаси ҳам бемалол кириб-чиқиб юради.

У ҳозир яна келиб қолади. Онаси. Файзулло унга ўзини тетик кўрсатиши керак. Шундоқ ҳам эзилиб кетибди. Ўрнидан турди, майда нақш, ингичка жиякли енгил тўнини кийиб, бошини танғиган мовий белбоғни ечди-да, қозикдан мисқоли салласини олиб ўради.

– Касалсиз ахир, болам... – деди она кирибоқ. Салланинг оппоқ печи Файзуллонинг юзини яна ҳам сариқ қилиб кўрсатар эди.

– Йўқ, ойи, мен энди касал эмасман, – деди у. – Бу – бошқа нарса, бошқа, ғалати... Йиғлагим келади, йиғлаёлмайман. Одамларни кўргим, гаплашгим келади, гапим йўқ уларга. Гапирсам улар тушунмайдиганга ўхшайди...

Улар гиламда ёнма-ён ўтирар эдилар. Файзулло шундоқ кўзининг ёнгинасида опасининг мунгли чехрасини, бошига ёпинган ғижим рўмолидек майда ажин босган кўз тубларини кўрди, кўк томири бўртган иссиқ қўлини икки ҳовучига маҳкам қамаб гапирди:

– Ойижон, айтинг-чи... юрт меҳрини одамларга ким ато этади?

Кутилмаган бу гапдан Райҳон биби ҳайрон бўлиб, яна алаҳлап-тимми, дегандек намчил кўзларига тикилиб қўйди.

– Қайдам, болам...

– Айтинг, ойи! – ўтирган жойида салласини олиб, ёнидаги таҳмонга қўйди. Опаси унга дўппи кийгизди. Она қўлларининг тафтига тўймаган Файзулло давом этди, – Мен дала-даштларимизни, элу элатимизни яхши кўраман деб, шуларни соғиниб қайтган эдим. Энди билсам... Бор-йўғи бир сизни яхши кўрар эканман, ойижон. – У қайноқ бошини она бағрига қўйди. – Касал бўлганимда ҳеч ким кўзимга кўринмай қолди. Негадир, ўлиб кетишимдан эмас, сизни йўқотиб қўйишимдан кўрқдим, ойи. Сиз саволимга жавоб бермадингиз?

– Мен на билай, болам... Гоҳи эзгуликлар она сути билан киради дейишади. Гоҳилари – эзгу одамлардан, ўргилай. Нега сўрадингиз?

– Одамларга меҳрни қандай ўргатиш керак?

– Вой, болагинам... Сизга, мени яхши кўринг, деб ўргатувдимми?

– Йўқ.

– Меҳр – булоқ. Унинг кўзини очиш керак.

Файзулло бир талпиниб қўйди, касалманд юзида, киртайган кўзларида ёрқинлик кўринди.

– Масковда сизни соғинардим, ойи... Мана шу новвотранг ғижим рўмолингизни эслардим, тушимга кирардингиз, бағрингизга қайтсам дердим. Аммо негадир ҳеч қачон ойм келса эди, демадим...

– Шунинг учун ҳам она юрт дейдилар-да, болам.

Шундан кейин улар узоқ жим қолдилар. Ташқарида йўтал эшитилди. Она ўрнидан тураркан, рўмол учини кўзларига босди.

– Бу тўлғонишларингизда бошингиз тошга бориб урилмаса кошкийди, болам...

– Устоди комил, – деди йўтал овозини таниган Файзулло, – У киши менинг гапларимга тушунадилар. Сиз тушунасизу шу киши тушунадилар, ойи.

Узун бўйли Шоражаб муфтий қора чопонда тик қоматини эгиб саломлашди.

– Келинг, зуфунун, – деди Файзулло. У анча тетик эди. Мулозим даста-ю дастў келтириб, қўлларига сув тутди, хонтахтага чой-нон қўйди.

– Хўш, оёққа туриб кетибсиз, иншоолло...

– Булоқни биласизми, зуфунун, – дея гапни шартта буриб олиб кетди Файзулло. – У табиий бўлади, ўзи қайнаб ётади. Фақат бекилиб қолганларининг кўзини очиб юбориш керак. Меҳр ҳам шундай. Меҳр ҳам – булоқ. Инсонларнинг меҳр булоғи...

Бу гаплар Шоражаб зуфунунга жуда маъқул тўшди. Улар келиш-диларки, инсоннинг меҳр булоғи – кўнглида, руҳиятида. У – яна ўша имоннинг ўзидир. Уни очиш, поклаш – бутун умрни бахшида қилса арзийдиган аъмоли биссавобдир.

Лекин устоди комил ҳозирча суҳбатни бўлиб, кундалик зарур ташвишларни эслатди: вақт ўтиб кетяпти, қиблагоҳнинг учини еттисига қўшиб ўтказиш маъқул туюлади; изн бериш лозим. Файзулло тетик бўлса ташқари ҳовлида кўриниш бериши керак, келди-кетди кўп, фотиҳа, тасаллию таъз, бари кўнгил иши... бундай пайтларда ёмонлик унут бўлади.

Азалик ҳовлининг мароми маълум. Учию еттиси, йигирмасию қирқи дегандай, бу маросимлар бари ўтганча ҳам ҳар пайшанба, ҳар жума, ярим тунда қозон осилиб, қора тонгда ош тортилади. Кунни бўйи бош эгиб кириб, бош эгиб чиқадиған қари-қартанг, қора кийган уламою руҳоний, нчкари-ташқарида бир маромда эшитиладиган умм ил-китобнинг етти ояти, хотин-халажнинг йиги-сиғиси, охири кўринмайдиган бир хилдаги маънисиз серташвиш кунлар, сўник рух, ёлғизлик узоқ ҳафталар, ойлар давом



этиб, бари Файзуллонинг тушларида ҳам ҳамроҳ бўладиган бўлди. Буларнинг ҳаммасига изн беришгина эмас, бутун рўзгор унга қараб қолган, иш бошию корфармолар азондан саломхонада ҳозир бўлиб унинг оғзини пойлар эдилар. Улардан ҳам кўра, таъзияю таскин билан кўнгил сўраб келганларга муомала қилиш ҳали дарди аримаган Файзуллони гоҳо шундай чарчатар эдики, у ота ўрнида қолган Шоражаб муфтийга шикоят қилишга мажбур бўлар эди. У ҳам нима дейди, у ҳам ноилож:

– Начора, мулла ўғлим? Тасаллига бандаси ҳамиша муҳтож.

– Мен бунга ёшлик қилар эканман.

– Одамзод туғилган кундан у дунёлигининг ўйини ўйлайди. Бу дунёи-дун бир дебочадир.

Шундан кейин узун қаро кунлар яна бошланади. Файзулло бу сўник муҳитга кўникиб ҳам қолгандай эди. Бу қора кийимлар, бу эгик бош, мунгли фотиҳаю йиғи-сиғилар унинг маъюс руҳига монанд келгандек, энди сукут ва ёлғизлик ҳам унча қийнамай қўйди. Кийим-боши, юриш-туриши сипо, атрофидаги руҳонийлардек камгап, катталар қатори намозни канда қилмай оҳиста яшайдиган бўлди. Илгариги болаликдан фақат безовта ўйчанлигигина қолган эди.

Отасининг оқсоларлари ўтгач, бир куни раҳматликнинг арвоҳига қуръон буюриб, шомда ҳовлига кириб келса, супада яна Шоражаб муфтий ўтирган экан.

– Хўш, кишту корингизга кушойиш берсин, боймулло. Аммо ҳамал кирди акнун. Хонанишинлик ҳам бас... – деди у Файзуллонинг узун чопонда чўзилинқираб кўринган бўйига тикиларкан.

Чиндан, Бухорога баҳор келган эди. Девонбеги ҳовузининг девдек тарвақайлаган қари тутларига оқ лайлак кўнди. Катта саватга ўхшаган қуруқ хас-хашак уялари жонланиб, кўзларни қувонтирарди. Бўй-баста тик, анча салобатли бўлиб қолса-да, рангида касалликнинг нуқси аримаган Файзулло навбаҳор нафасини пайқамай қолган эканми, зуфунуннинг эслатишидан кейингина ўзининг нақадар узлатга чекинганини ҳис қилди ва ғафлатдан уйғонгандек чор атрофга қаради. Сал ёмғир севалаб ўтган эди, ҳаво намхуш, чопилган гулзордан бўлиқ тупроқ ҳиди келади. Эски девор сарховида майса кўкариб қолибди, қаердадир мусича ку-кулайди. Файзулло чаккасига тегай деб турган ёш олчадан кичкина новдани синдириб, тиши орасига олди, бўрта бошлаган куртакнинг талх таъми лабида қолди.

– Ҳамал кирди – амал кирди, дегувчи эди Шаҳобиддин тоғам. Деҳқонларга ҳавас қиламан. Келгуси амали тайин бўлган одам –

билхақ толеи бутдир. Оламда нима гап, ўзингиз қайси саъй-аъмол билан мамнунсиз, зуфунун?

– Дуогўйингиз мол-дунё ташвишидан холидирмен, биласиз. Бизнинг аъмолимиз бандасини кўнглига раҳм-шафқат, муро-саи мадора, эзгулик уруғини сочмоқдир. Бу бир умрлик заҳмат ва фидойилик иши эканини сиз билан гаплашган эдик. Жамоат аро кўриниш беринг, ўғлим. Муллаю сомеъ ташна, масжиду мадраса-ларда, уламо даврасида бўлаётган қайноқ баҳслар шунчаки маса-лачилик эмас, биз такомили имон, руҳий поклик ва эзгуликка ин-тилмоқдамиз.

– Жамоат этагингизни тутарми, зуфунун?

– Кўпчилик шу билан банд эса, кам деганда бад нияту гуноҳшум-ликдан дилни чалғийди. Сиз яна шошаётирсиз, Файзулло.

– Мен сиз билан бўламан, устоди комил, диёнат кучига аминман. Ота мулкимни шунга истифода қилурмен. Лекин бу ишнинг сама-расини кўргим келур. – Ваъзларимизга чиқинг, мулло иним, гар-чандиким кўрмагайсиз, илло сезгайсиз, иншоолло.

Шаҳарнинг кўп жойларида, ҳамма масжиду мадрасаларда ула-монинг баҳсу машварати авж олган пайт эди. Бирида ўта мавҳум масалачилик ойлаб давом этса, бирида «ер ёғи» ёқишни тақиқ ёки тавжиз этиш сингари жўн бир важдан мубоҳаса кўзғалар, бирида мавлавий муфсирлар диний китобларга ёзган ўз ҳошияларини маъқулласалар, бирида фусаҳо Эрон инқилобини шарҳлаш билан машғул эди. Шоражаб муфтий мазмунан буларнинг барини ҳам маъқулламас, аммо фуқаронинг шу мажлислар атрофида бандли-гидан мамнун эди. «Уч нимарса уч нимарсасиз қойим эрмасдур, – дер эди у, – мол бетижорат, давлат – бесиёсат, фан – бебаҳс бўлмай-ди». Фан эса, унинг наздида, аввало одоб-ахлоқ муаммоларидан иборат эди. Ва уламо баҳсларининг энг қизиғи, энг сернуфуз ва су-ронлиси Шоражаб зуфунуннинг ўз атрофида, унинг Кўкалдошдаги машҳур ваъзлари муносабати билан бўларди. Бу ерга кўпроқ мул-лаю маҳдум, қорини жовон, мактабдору шогирдбаччалар ёпирилиб келар, гоҳо бообрў қозию, ҳатто баъзи жадидлар ҳам пайдо бўлар эди.

Навжувон боймулло Файзуллоҳўжа қатнай бошлаганидан кейин Кўкалдошдаги бу жулислар яна ҳам катта эътибор қозонди. Пири комил унга минбар пойидаги гилампўш супадан жой тайин қилган, бу ерда у фазли комил соҳиблари қатори, гоҳ Абдулазиз аълам Шоахсий билан, гоҳ мадрасанинг обрўли мударрислари би-лан ёнма-ён, катталардек чордона қуриб ўтиради.

Бу гал ҳам бўйра тўшалган саҳну супалар тўла, иккинчи қаватда мезаналарни туташтирган йўлақларгача гавжум, мадрасанинг Миёнсаройидан Лабиҳовузга тушиб кетган тош зиналарида ҳам сомеълар жой топиб чўкка тушган, эшиги очиқ ҳужраларда ўтирган муллаваччалар пастдан кўринмайди, уларнинг арзон бўз саллаларигина ихлосмандлик билан тебраниб турибди.

Банораспўш мударрис деган билан, ваъз пайтида Шоражаб ҳазрат унча салобатли кўринмас эди: эгнида оддий узун мовут чакмон, бошида одми салла, Файзуллога содда донолик белгиси – калта қирқилган сарғиш соқолига яширин ним табассум кўрингандай бўлди. Лекин ўз бўйи баробар заррин тўқали воизлик ҳассасини таяниб, ҳайбатли мадраса пештоқи ёнидаги айланма ғиштин зинадан минбарга чиқаётганда халойиқ сеҳрлангандек жим бўлиб қолди.

– Аҳли сунний вал-жамоат! – деди мударрис аста томоқ қириб. Одатда унинг биринчи жумласи ҳам сомеъга мурожаат, ҳам ваъзнинг мавзуини билдирар эди. Демак, бугун ҳам гап масалаи масоил, яъни исломнинг софлиги, хусусан, сунний мазҳабларининг фикху тариқатлари уларнинг мусаффолиги ҳақида эди.

Мударрис бу мазҳаблар тарихидан бошлаб, ханифийдир, шафийдир ёки маликийдир – бари муслмон ва шариатан тенг эканликларини фақат қай бири қиёсни, қай бири ижмоъни тавоф этиши билан фарқланишини тушунтирди. Шоражаб ҳазрат ўзга воизлар сингари, ҳадису анбиёнлардан тушиб мутаассиф сомеъларни йиғлатиш ёки зикру сужуд ҳолатига келтиришни кўзда тутмас, у дини исломни қадимий ахлоқ қоидалари тарзида шарҳлаб, ундан эзгулик ботиний камолот ниятида истифода этишни орзу қилар эди. Шунинг учун ваъзалари кўпинча мавхум эса-да, сомеънинг хаёл қилиши, гоҳо турмуш ҳолатларини эслаб баҳсга жонли аралашувини тақозо этарди.

– Гуноҳнинг гуноҳлигини, савобнинг савоблигини ҳар кимса биладир. Илло ҳамон гуноҳ бору ҳамон савоб бор. Сабаб? – дея мурожаат қилди мударрис муллаваччалар ўтирган қанотга ўгирилиб. Меҳроб тепасидаги мовий кошинлар қуёшда товланиб, мударриснинг фазлу фасҳига шавқланиб ўтирган ёш муллаваччаларнинг юзларида, беқасам тўн ва ақиқ саллаларида акс этар эди.

Орқада бир букурроқ мўйсафид, кўринишидан мактабдор хатиб ё қори, ўрнидан турди.

– Ҳар кишининг ўз эътиқоди ўзига ҳўб ва ўз иши ўзига маъқулдир, улуғ ҳазрат: Оқибат, андиша-ю, фаросатли кимса хайр жони-

биға, зоти бад эса шарм тарафига майлу рағбат қилур, – деди-да, йўталиб-йўталиб, ўтирган жойида бўйрага чўкди.

– Боракалло, – деди ҳазрат мударрис. – Ҳар кимсанинг ўзига, ўз имонига иловодир. Магар ўз ишинг ўз имонинг бирла монанд эрса, хайр жонибиға рағбат қилурсен. Инсон учун энг ўлуғ илму фунун – баҳоли кудрат кўпроқ яхшилиқ кўрғазиб, бақадриҳол камроқ ёмонлиқ қилиб яшамоқдир. Жумла мўминда комил диёнат, имони пок бўлса, бадкорлик бўлмағай. Имонлар соф эрса зулму таҳқир, обгору фақир қайдин келур?

– Ҳаммани мусаффо қилиб бўлмас. Ваман яъмали мисқол зарура-тун шарра яраҳу. Ҳар киши ўз кирдикрининг жазосига етгусидир!

Бу овоз Шоахсий аъламники эди. Файзулло қайрилиб қарамади, уни жавобнинг қандай бўлиши қизиқтирар эди, ёғочдан нақш бериб ясалган баланд минбарга тикилди. Бу муаммо кўнчилиқни талпинтириб қўйганини мударриснинг ўзи ҳам пайқади чамаси, жимлиқда анча ўйлагандан сўнггина малла соқолини тутамлаб давом этди: – Сиз давомини айтмадингиз, аълам: қад афлаҳа ман заккаҳо вақад хоба ман дассаҳо, яъни ҳар кимса яхшлиқки қилўр, ҳамиша нажот топғайдир. Тақсиримнинг саволлари аксарияти-мизга ҳоло одмий эшитилур. Зеро, руҳи шахсиятимиз маънавий камолотдин ҳануз узоқдир. Иншоолло, бир кун эришурмизким, имони мукамал зот бундоқ дея ўйламағай. Чаро, у ҳар муслимға мушфиқу мутриб бўлиб, ани раҳм-шафқат ила тўпроқдин кўтарур-ким, бандаси жазо қопусига бориб етмағай.

– Ижоза, ҳазрат, – деди яна Шоахсий. – Жанобингизнинг имон тушунчалари кўп мавҳум ва бежисмдир. Ҳол онки, имон аниқ олти нимарсадан ботарқиб турур: «омантибиллоҳи ва малоикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва хайриҳи ва шарриҳи миноллоҳи таоло ва – лбаъси баъдал маут, – Шоахсий бармоқларини бир-бир букиб санай кетди, – яъни худонинг бирлигига, малоика ва пайғамбарларнинг покизалигига, қутби-қуръонга, яхши-ёмон худодан эрканлиги ва у дунёнинг бовужудлигига инонмақдан иборат.

– Олимсиз, илло харфхўрсиз, аълам, – деди Шоражао муфтий босиқлиқ билан. – Имон – инсоннинг руҳидир. Олим бўлиб икки оламки билган кимса ҳам уни билмаслиги мумкин, Зеро, инсон руҳи – учинчи оламдир. Имон – тажалли субҳи азал – оламни ёрут-гувчи илк нур... Иннолло ёмур билъадл ва л-их-сон... – мударрис ғоят чиройли қироат билан гапирарди. Қўпол Шоахсийнинг эътирозлари гўё эсдан ҳам чиқиб кетди. Мударриснинг овози саҳндагиларни сеҳрлаб қўйгандай эди, у тўхтаганда чуқур жимлиқ чўкди.

– Шиъани ҳам тупроқдан кўтарурмизми? – дея қичқирди шу пайт Шоахсийнинг ёнида ўтирган биров. Демак, баҳс сўнмаган эди.

– Суннию шиъанинг кечмиш қонли низолари Бухорои шариф номига исноддир! – деди Шоражаб муфтий бу фитнаомуз луқмага тезда зарба бериш ниятида. Уч йил аввал бўлиб ўтган сунний-шиъа қирғинлари, ундан кейин ҳам ҳар замонда учкун олиб турган бемаъни низою нифоқ ҳали ҳамманинг ёдида эди.

– Дуруст, биз шиъат ул-имом Али таълимига хайрихоҳ эмасмиз. Дини ислому имонимиз поклиги учун чолишар экан, ихтилофларимиздан баҳс этурмиз. Илло ғазот тадбири била эмас. Ҳар қандай таҳқиру зулм таъбимизга хилофдир. Биз зинҳор-базинҳор ҳар ерда фақат эзғуликни руғуб қилғаймиз.

Мавзу беихтиёр шиъа мазҳабларининг тарихию фикҳи-тариқиға ўтиб кетди. Кейинги йиллардаги Бухоронинг диний-хурофий тўлғанишларидан беҳабар Файзулло бунӣ шунчаки ваъз деб тинглар, севимли мударраснинг бу бобдаги кенг билимларига ҳам маҳдиё эди. Шоражаб муфтий ҳозирунларининг қистов саволлари билан мухталифлар таълими баёнида анча ичкариларга ҳам киришга мажбур бўлди.

– ...Хусусан, – деди у, – исна-ашшариъа мазҳабидаги шиъа, Ироқу Эрон ва Баҳрайнда муқимдирларки, фақат имом Али ҳадисларини тан олиб, қуръон шарифни камситадилар. Аларнинг мужтаҳидлари маҳди қиёматни башорат қилурлар. Яна «Китоби ақдас» тарғиб этиб, қуръони шарифни ислоҳ қилурға, ани «Баён»и Боб отлиғ китоб била алмашмоққа жулу этадирлар. Дағи ул макруҳким, онлар ўзларини «аҳли ҳақ» атаб, Али руҳи абаддир, ул янги имом маҳдий бўлиб дунёга қайтғай, дея, иштиғол кўргузурлар. Алавий мазҳабидирким, «Китоб ул-амажму»да таснуҳ таълимини баён этиб, жаннату дўзахни инкор этадир, инсонни биссавобки, жони фақат имом Алига, гуноҳкор бандасининг жони эса ҳайвонларға ўтгуси, дея ташвиқ қилур...

Мударрис шиъа фикҳи-тариқатининг нечоғли чалкаш ва ғалат таълимот эканлиги, бу ислом ва имоннинг поклигига нечоғли путур етказишини сўзларкан, мажлис тобора жонланар, орқа йўлаклардан бесабр луқмалар эшитила бошлаган эди.

– Шиъаларнинг ашуро таъзиси – бидъат! Муҳаррам ойида, қаро азадорлик чикора? Бунӣ орадан бартараф қилмалидур, уламо фатво берсин! – деб қичқирди бир туркман мулласи.

– Жўйбари Калондаги хусайнияхоналардан тараладиган хуник овозага тоқатимиз йўқ, мусулмон қулоқиға эришдур!

– Мудҳиш қирғинлар мана шундоқчикин гаплардан бошланади, тақсир! – деди сур телпакни якшоха кийган жадиднамо бир ёш мулла ўрнидан туриб. Катта гардишли кўзойнагини қаншарига суриб, Шоражаб зуфунунга дадил тикилди, – шундай бадният кимсалар маъносиз фожиага даъвату рағбат қилиб, сўнг четга чиқиб турадилар.

– Ким? Кимни айтадир?

– Шиъа-сунний ғавғосидан сўнг қувилган раис Мирбурҳониддин ҳам Ширбадан чорбоғида базм бериб, ҳозир Бухорога яна қози-калон бўлиб келибдир.

Шоражаб муфтий бу суронли гаплардан ўзи ҳам шошиб қолиб кафтини кўтарди, сабр қилишга чақирди. Базўр жим бўлдилар.

– Жамоат! Бизнинг аъмолимиз амри маъруф ва наҳий мункардир, яъни одамларни ёмонликдан тиймоқ! – деди мударрис босиқ товуш билан. – Бинобарин, ҳар навед шўришу ғавғодин йироқ ва сиёсатга бедахлдурмиз...

Бу вақт Абдулазиз аълам Шоахсий ўрнидан турди. У нимадан-дир ич-ичидан мамнун, аммо буни билдирмасликка, юзида норозилик аломатини бўрттириб кўрсатишга урингани сезилиб турарди. Ҳаммининг назарида, бу тадбиркор, нуфузли ва бир сўзли аълам ҳозир ниманидир бошлаши керак эди. Ҳатто мударриснинг ўзи ҳам унинг оёққа туришидан хавотир олиб, безовталанди. Чунки Шоахсий доим амал ва кескинлик тарафдори, жамоатнинг ярмини ўзига оғдириб, эргаштириб чиқиб кетиши ҳам мумкин эди.

Лекин, йўқ, бунинг тамом тескариси бўлиб чиқди. Шоахсий мулоҳазакор бир муросасозлик билан сунний-шиъа можаросини четлаб ўтиб, ётиққина сўз бошлади. Унинг норозилиги эса бошқа томонда экан:

– Тақсир, бу дуоғўйингизнинг изҳори ниятиким, кўп лафзи мавҳумага куч урадирмиз. Ваҳоланки, ислому имон поклиги эзгу аъмол ва саъйни тақозо этадир. Бир хайру савоб қирқ гуноҳни ювгай, демиш машойихлар. Хусусан, шаҳримизнинг мусулмон қавми ҳар навъ жамият ва жулусу машварат тасорифига ҳамиша муҳтож. Сомеъларингиз ичинда, иншоолло, андак соҳибони мулку сармоя бовужудким, биз катта маблағлар жамғариб, имону диёнатимиз йўлида кўп савоб ишлар қила билгаймиз. Инчунун, Бухорои шарифдан Маккаи мукаррамага темир йўл солиш жумла мўмин авлоду аждодининг алал-абад муқаддас армони эди. Ушбу шоён диққат тадбирга енг чизғаб, пора жамғармоқни кулли мусулмон элати аро бошлаб юбормоқ бухороликларга зотан вожиб эмасму? Ужмоҳу хаш йўли – шоҳу гадога баробар...

Аъламнинг сўзи маъқулловчи луқмаларга, олқишли суронларга кўмилиб кетди. Мударриси саромаднинг ваъзига хилоф келмаган, аксинча, уни бир саъйи-савоб билан тўлдирадиган бу таклиф кўпчиликини тўлқинлантирган эди. Жамоатни хавфли сунний-шиъа низолари ҳақидаги мавзудан четга чалғитган бу жонланиш Шоражаб муфтийга ҳам беозор туюлди, у шовқинни маъқуллагандек минбарда жилмайиб турарди. Ҳар қандай яхши иншоотга тиш-тирноғи билан қарши турадиган мутаассиф уламнинг бунга қандай қарашини била туриб, Маккаи мукаррамага темир йўл солиш учун сармоя жамғаришга қарор қилинди, Абдулазиз аълам Шоахсий ўз-ўзидан бунга мутасадди қилиб тайин этилди ва баъзи вақфхўр муллаю ҳужрадор бойлар шу ернинг ўзидаёқ озми-кўпми бағишлаб юбордилар. Гап бағишловнинг катта-кичиклигида эмас, эзгу ишни ҳар қалай бошлаб беришнинг ўзи савоб эканини ҳамма билар эди. Кўнгиллар ўсиб, яхши кайфиятда иноқ тарқалдилар. Қандайдир эзгулик уруғи бўлиқ тупроққа тушган эди. Бу дилларга бугун-эрта ёмонлик йўламайди.

Шоражаб зуфунуннинг ёнида шу ўйларни ўйлаб бораркан, Файзулло ўзидан ҳам, устозидан ҳам, ҳатто Шоахсийдан ҳам мамнун эди. Демак, одамлар учун, уларнинг руҳи кўнгли учун нимадир қилиш мумкинки, зуфунун айтганча, «кўнгилларда бад ниятга жое колмагай». Бу балки Файзуллонинг умрини бағишламоқчи бўлган катта ишнинг бошланишидир. Албатта, ҳамма тезда такомил топиб имонлар пок, одамлар беғараз, миллат бемиллат бўлиб қола қолмайди. Файзулло буни яхши тушунади. Аммо, арғамчига қил қувват, дегандай, бу иш кун-бакун, йилма-йил, авлодма-авлод давом этаверса, одамлар орасида ҳадсиз меҳр-оқибат, шафқату муҳаббат ҳамма нарсага ҳукмрон бўла борса, шу умид ва шу ишончнинг ўзи билан жон куйдириб яшаш – арзийдиган иш эмасми?

Улар баҳорда сал намиқиб оққан лойқа Шаҳрудни ёқалаб келиб, Ҳозиённинг салқин гузарига кириб бордилар. Файзуллонинг болалиги шу руд, шу ҳовуз бўйида, шу дарахтлар соясида ўтган. Қандай яхши эди у кунлар, дуч келган аёл унинг пешонасидан ўпиб елкасига қоқар, катталар ҳам уни албатта саломлаб ўтар эди. Барчанинг дили пок эканми ўша маҳалларда, ёмонлик нима эканини билмас эди Файзулло. Кейин эса... қачон бошланди бу азобли ўйлар? Бу ҳақир Зайниддин чалаю қотил шульгинлар, ифлос қаландархонаю кўчада ётган мешкоблар, чигиртка талаган, қум босган қишлоқлару сирли ният билан қочиб юрган шумиловлар, риштаю вабодан қирилган хонадонлар, қатл, зулм, қон, қирғин, шафқатсизлик... бари қачон кириб келди унинг ҳаётига?

Ҳаммасига барҳам бериб, ўша мунис, бегуноҳ болалик йилларини қайтариб бўлмасмикан? Бор-ку зулму бадкирдорликка ёт, соф кишилар. Чунончи, Файзуллонинг онажони, мана – устоди, яна қанча-қанчалар... У шундай бирбирига қадрдон одамлардангина иборат хонадонни, бутун бир пошшоликни, эл-юртни, жамиятни кўз ўнгига келтиришга уринарди.

Аммо ундай жамиятни хаёл қилиш билангина иш битмайди-да. Шоахсий аъламнинг гапида жон бор, бунинг учун амалда нимадир қилиш керак. Ҳар кун. Ҳар соат...

– Устод.

– Лаббай, ўғлим, – тик, кўркам қоматли Шоражаб мударрис Файзуллони «ўғлим» дейиш билан фахрланарди. Ёнма-ён кетаётганларида гузардаги, дўконлардаги эътиборли одамларнинг суқ билан қараб, эҳтиром билан саломлаб қолиши иккалаларига ҳам ёқар эди.

– Мен ҳаж йўлининг иншо этилишига каттароқ музд бағишламоқ ниятидамен, нима дейсиз?

– Айни муддао, ўғлим, бу сизга ярашади. Падар бузрукворингиз шу йўлнинг азобларини кўриб, шаҳид кетдилар. Шаҳримизнинг кўп бою бойбаччалари кўлида бебок сармоя чириб нобуд бўлур, ғайри ахлоқий шайга истифода этилур. Магар бир музди калон бахш этсангиз, аларға ибрат бўлғай.

Пешомад мударрис ёнида Файзуллонинг ҳам гўё бўй-басти бирдан ўсиб, у билан баробар қадам ташлашга интиларди. Бугун у ўз мулки ва ўз ўйлари доирасида биринчи марта мустақил қарор қабул қилди ва бу қарорининг муҳим, эзгу иш йўлидаги катта қадам эканига амин эди. Унинг бу ишига тўрт-беш борингки бир киши эргашса ҳам, нимадир ўзгаради-ку. Ҳали у ёш, жуда ҳам ёш. Ҳали у умрида бундай ишлардан қанчасини қилади. Унга қараб яна кимлардир яхшиликка юз тутар, улардан кўриб яна бошқалар... Тагин устоднинг ҳикматли сўзлари ёдига тушади: «Бад ниятга жое қолмагай...»

Бугун устод ҳам у билан бошқача, кўксига қўл қовуштириб хайрлашди. Ҳовлига кириб келганида хонадон унинг шукуҳи билан тўлгандай, мамнун кайфияти бошқаларга ҳам ўтгандай, ҳамма жойда тетик, хуррам жонланиш бошланди.

Хонадонда уни яхши кўрар эдилар, унинг ҳузурида дағал муомала, ортиқча шовқин бўлмас, айтгани муҳайё, кимнидир танбеҳлаш ё тергашга эҳтиёж йўқ, хўжаликда тадбиркор амакилари боймуллога ташвишли ишларни қолдиришмас, унинг майда-чуйдага аралашувини раво ҳам кўрмас эдилар. Райҳон биби эса ўғлини



кутгани кутган, шундан бошқа ўй-ташвиши йўқ. Ҳозир ҳам у шабгоҳни саранжом-саришта қилиб, Файзуллонинг қайтиш маҳалини мўлжаллаб, эшик тиқ этса дарвозахонага тикилиб ўтирган эди. Шабгоҳ ичкари ҳовлининг томида, унга ҳозир кекса тутнинг сояси тушган, Файзуллонинг гапи билан тағхоналар теридан бўшатиладигандан бери бу ернинг ғир-ғир шабадаси анча мусаффо.

– Бугун нечук руҳингиз балқиб келдингиз, ўғлим, – деди қувонган Райҳон биби, хонтахтага ўзи тушлик тортаркан.

– Қуллуқ, онажон... Дастурхонингизни кўргач шундоқ очилдим, – ҳазиллашди Файзулло, қайнатма шўрвага нон ботириб, иштаҳа билан ея бошлади. Она унинг иштаҳасидан завқланиб, иягига таянганча четроқда ўтирарди.

– Очиғини айтсам, онажон, ҳовлимизга қайтиш ҳар куни мен учун бир байрам, – дея давом этди Файзулло, – беғараз, беозор муҳит, сизнинг қувониб кутишингиз... Биз бошқа жойларда ҳам турмуш-тариқат шундай руҳли бўлишни тарғиб қилмоқдамиз.

– Кунда ваъзу издиҳом, баҳсу қироат... Бу гўяндалигингиздан не наф топаркансиз, болам.

– Бу гўяндаликнинг жўяндалиги ҳам бор, онажон. Биз гап уриб қўя қолмаймиз. Инчунун, сармоя тўплаб, Бухорои шарифдан Маккаи мукаррамага темир йўл қурдирадиган бўлдик, мусулмонки бор, кўнглини эзгулик чўғи ёритади. Мен ҳам савоб учун шунга каттагина музд бағишлайман, ойи, фотиҳа беринг.

– Майли, болам, ният қилган бўлсангиз. Отангиздан қолган мулк. Арвоҳлари хушнуд бўлади, худо қабул қилсин, – деди Райҳон биби, фотиҳага қўл очиб.

Лекин Файзулло ўйлаб қолди: «Ота мулки...» У-ку ҳали тугайдиган эмас. Лекин ота мерос мулк ҳисобига тантилиқ қилавериш ярашмайди. Унинг «туғиб» туришини ҳам ўйлаш керак. Отаси раҳматликнинг бутун фикри-зикри, ҳасрат-ҳаловати шунда бўларди. Тайёрни сарфлаб савоб топиш осон. Лекин катта, сермашаққат рўзгорнинг аравасини тарта оладими?

Чўли Малик ва Нурота яйловларидаги, Туркман ёбонлари ва Қарши даштларидаги сурув-сурув қорақўл подалари кўз ўнгига келди. Файзулло у ерларни кўрган эмас, фақат тўл фаслида яйловларни кезиб юрадиган хомжаллобларни танийдию болаликдан таниш ишқор, кул, оҳак, ачимсиқ кўн хиди анқиган ёмхона билан чордайраларни, унда қишин-ёзин осиглиқ тойлар, кўн пешбандли устакору ошловчиларни эслайди. Улар Бухоронинг барча туману музофатларида, қорақўлча дўконлари, тимлар эса Оренбургдан то Варшавагача сочилиб ётибди. Файзулло буларни ўзгартирмайди.

Фақат, гули очилмаган қорақўлча деб, бўғоз қўйларни сўйиб хунрезлик қилишни тақиқлайди-да, қолган ҳамма ишларни ҳозирча амалларига топширади. Бу қора ишда улар панд беришмайди, рўзгор ишининг кўзини обдан билишади. Тўғри, амир билан тиззама-тизза ўтириб, Бухоро мулкини тебратадиган Хўжаев энди йўқ, бўлмайди ҳам, лекин Файзуллонинг ўзга бурчи, нозикроқ ва каттароқ, кўп вақтга мўлжалланган эътиқодли кўнгил иши бор. Файзулло мол-мулки билан эмас, одамлар билан, ҳамён билан эмас, имон билан боғлади ҳаётини. Ҳамма нарса имону диёнат учун. Мол ҳам, пул ҳам, умр ҳам. Одамлар бир-бирларига мушфиқу меҳрибон бўлишлари керак. Шундагина қолган ҳамма нарса ўз-ўзидан келади.

Файзулло кунда эрталаб сармояи мадоҳил билан шуғулланар экан, узоқ-яқиндаги ишбоши-ю, корфармо, сотувчи-ю, корандалар, ўнлаб нотаниш шахслар, уларнинг тўғри-нотўғри ишлари, ҳақноҳақ тадбирларига, гоҳ хушxabару яхши ниятларга, гоҳ эса арз-доду бадкирдор ниятларга дуч келар экан, нуқул шу ҳақда – имону диёнат ҳақида ўйлар эди. Агар имони пок бўлса, мана бу нокас устакор «минг теридан икки той бўнак» деган эски қондани бузиб, ошловчиларнинг шўришу ғалаёнига сабаб бўлармиди?! Агар имони пок бўлса, мана бу хомжаллоб нега баднафслик қилади: ўн той олганда уч тери партов бериларди-ку?! Агар имони пок бўлса...

Йўқ, Файзулло ҳозир булар билан шуғулланолмайди. Ҳар ишнинг боши ва охири, сабаби-ю оқибати бор. Бошидан, сабабидан бошлаш керак. Шоражаб зуфунун тўғри айтади: «Сари заволи бис-сабаб...»

Мухаррам ойининг биринчи жума намозидан сўнг Файзулло, банияти савоб, йигирма минг олтин тангага банк қоғози ёзиб имзо чекди-да, чарм катмонига солиб, Абдулазиз аълам Шоахсийнинг уйига қараб жўнади.

Аъламнинг боғ ҳовлиси Биби Маҳруқ пуштасидаги «Обиоташ» ҳаммомининг хилват муъолишидан ўтгач, чағирпазлар даҳасининг этагини эгаллаб кўм-кўк бўлиб ётар эди. Пахса девор билан ўралган шундай катта кўрада ёлғиз турарканми, Файзулло эшик зулфинини тақиллатганида аъламнинг ўзи овоз берди. Эшикни очган кўса чол эса товуш чиқармай, қоронғи дарвозахонада ғойиб бўлди. Ташқари ҳовли тақир эди, бостирма тагида устунга боғлоғлиқ қўйлар охурга бошини солиб ҳансирайди. Зум ўтмай гулдор тоқили айвонда Шоахсийнинг ўзи аввал оппоқ яктак-лозимда кўринди, меҳмоннинг кимлигини билгач, тез қайтиб кириб, чопон кийди, кўк тақияга салласини бежаб ўраганча, гулдўзи махси усти-

дан олак кавуш судраб, соқол-мўйлабини қийиқ билан арта-арта чиқиб келди.

– Қани, қани, қадамларига ҳасанот, Файзуллоҳўжа, – деди меҳмоннинг саломига алик олиб ичкарига бошларкан. – Эндигина намози бомдоднинг суннатисига кулоқ қоқиб қўл қовуштирган эдим, куттириб қўйдим, айбга буюрманг. – Унинг юзи жигардай қора-қизғиш бўлиб, доим терлагандай йилтиллаб турар, ўзи паст бўйли, ҳаракатчан, миқти, кўзлари бўз болаларникидай шўх эди.

Гулганч меҳмонхонада ясатиғлик дастурхонни кўргач Файзулло «йўқ, йўқ» дея қўл силтаб, юмуши бир зумлик эканини билдирди. Лекин Шоахсий уни кутган эканми, ё тасодифан келганига шу қадар қувондими, ишқилиб қаттиқ туриб ичкарига ундади.

– Гоҳ худо-ю расул, гоҳ ғамза-ю усул, деган машойихлар. – Жиндек маишат ҳам вожиб, боймулла, қани ўтиринг.

Файзулло омонатгина ўтирди-ю, бағишловини топширибоқ ҳаялламай турмоқчи эканини айтди. Хонадон соҳиби буни илгаридан билгандек, «бағишлов» деганига кутилганча эътибор қилмай, «Озиб-ёзиб бир келсангиз ҳам эзгулик билан келибсиз, илоё даргоҳида қабул бўлиб, фаман яъмали мисқола зарратун хайра яраҳу вaman яъмал, худодан қайтгай, омин!» деб қора соқолини силади-да, яна дастурхонга қистади. – Яқинроқ ўтиринг, Файзуллоҳўжа. Қани, бисмилло, – деб пайгир патирдан синдирди. – Жанобингиз билан бундай рўбарў гуфтигу каминага камдан-кам мушарраф бўладир. Шабоб ёшингиздан уламо билан бақамти суҳбатларингизни кўриб ҳавас қиламан.

Меҳмон бир тишлам нонни аста чайнаркан, ўйчанлик билан, Шоражаб мударрисдан мамнунлигини гапирди.

– Оталиқ қилиб ҳақ йўлга бошлаганларнинг қадрига фақирингиздек сағиру сабил етади, – деди. Гап зүфунуннинг ваъзлари, Файзуллонинг эътиқоди, яхши-ёмон, гуноҳу савоб ҳақида кетди. Лекин суҳбат қуюқлашган сари аъламнинг руҳи сўнар, гоҳ феъли айнаб гапларида илгариги хушчақчақлик сезилмай қолар эди.

– Дуруст, – деди у олдидаги ноз-неъматни ҳам, меҳмонни қисташни ҳам унутиб, – тоат-ибодат дунёни зулму иллатдан пок қилгай. Охир замон пайғамбарларимиз исломни то рўзи қиёматгача барқарор деб кетганлар. Илло, шариятфуруш муллоларким, худо демай, инсон дегайлар, зүфунун аларнинг йўлини маъқуллайдир. У зотнинг гоҳо ваъзлари ғалат ва инчунун ғайри шаръийдир, эшон иним, зеро «анал-ҳақ» деб териси шилинганларни ҳам биламиз, ҳа.

– Гапингиз ё ғалат, тақсир, ё мен англамаймен, – деди Файзулло хайратда, – инсон десалар не гуноҳ!

– Биз тўққиз фалакнинг дунда, яъни энг пастқамида яшаймиз. Унинг устида олами арвоҳ вал-малакут, унинг устида олами ғойиб, олами лохут... Ана унда руҳият, Рух – амри раббий, дейилган қуръони шарифда. Фақат дунда бизнинг ихтиёримиз. Аммо дунёидун фонийдир, хусусан, бандаси ҳам.

– Бандасига дину диёнат ёрлақан, сўнгра ахлоқу одоб, ҳурмат... Булар нечун, аълам?

– Ҳайвондан фарқ қилмоғимиз учун...

– Фарқимиз фақат шуми?

– Фақат? Озми?!

Файзулло суҳбатдошининг қорайиб йилтиллаб кетаётган юзига тикилиб қолди. Энди унда нур йўқ эди.

– Зуфунун шафқати беададни руғуб қиладир, – деб давом этди Шоахсий, – нопок шиъани ҳам инсофга даъват этадир. Кўкалдошда у кишининг раъйи-эътиборларини тутиб, фақир тоқат қилдим. Илло сиз билишингиз керак: шиъа – Жўйбар хўжалари-ю, хиёбонликларгина эмас. Улар орасида гарданига тўқимча боғлаб стансада ҳаммоллик қилаётганлару Эрон инқилобини кўриб келган пирсиёнлар, ўша инқилобни шарҳлағувчи фусаҳо ҳам бор.

Ҳозир муҳаррам. Мана кўрарсиз, уларнинг муҳаррами – буткул густоҳлик. Сочларини қирдириб, бошларидан қон чиқарган, шароб ичиб олиб, ўзларини ёлғондан калтаклаган, машъала ёқиб кўчани саситган... Бақирӣқ-чақирӣқ: «Шоҳусайн, во Ҳусайн!» Шаккок муллаларни эса сафнинг олдида юриб, қолдан тонганларнинг бошидаги қонни, оғзидаги кўпикни артадир... Алҳазар, худонинг ўзи кечирсин!

Бу «намойишлар»ни эс-эс биладиган Файзулло шу жойда аъламнинг самимийлигига ишониб, ноилож бошини тебратиб қўйди.

– Хўжалари Имом Ҳусайн таъзиясига пул йиғиб кассага уради, қарабсизки, бири карбалойи, бири машҳадий... Булар ҳаж ўрнига Карбалого боради. Ҳозирги ёш-яланг билмайдир – шиъа жуда ғаламис ва шум. Амир Абдулаҳад даврида Кавказ ноиб базм чорлаган эди. Амир «Айн аш-шифо»да муолижа қилай деб поездга ўтириши ҳамоно шиъалар иғво кўзғади: «Амир шиъаларнинг шоҳи амир Насриддин билан иноқлашгани кетди», деб. Ҳа, шиъа – кони шўриш. Уларни тийиб қўйиш керак. Қуруқ гап билан эмас, жузия солиш билан тиймоқ керак.

– Тақсир...

– Ҳа, ҳазрати Умар ҳалифа сайланганларида бинни Билолга жар айтдириб, ғайри динларга байт ул-молдан нафақа беришни тақиб қилган эдилар. Шиъаларга ғайридинлик солиғи – жузия солиш керак. Бу ҳақда уламнинг фатвосини тайёрлаймиз!

– Тақсир... бу зўрлик-ку, ахир!

– Ҳа, зуфунун зўрликни гуноҳ азим билиб, меҳру шафқатни руғуб қилурлар. Илло, биз инсонга шафиқмиз, шиъага йўқ.

– Улар ҳам бандан ожиз...

– Бандасига шафқат дея, уларни бошимизга чиқардик. Жанобингиз сафир экан, бунда Остонақул қушбеги юртни шиъаларга сўратиб Бухорои шарифни, дини ислому аҳли муслимни оёқ ости қилдирди. Талабимиз билан ҳумоюн ҳазрат амир ал-муслимин ул тасқараларни бадарға қилдирғон эдилар. Аммо алар яна бош кўтарадир, ана раис Мирбурҳониддин алҳол қайтиб ҳам келибди. Яна хазиначи шиъа, закотчи шиъа? Амир дарборида баччабозлик-чи? Уни ким қиладир, суннийми шиъа? Сиз зўрлик дейсиз, мулла. Зўрлик пайғамбаримизнинг ақраболаридан қолган. Зеро, ҳазрати Усмон пешволарни нуқул бани умайядан таъйин қилган эдилар, уни қатл этишди. Шундоқ бўлур.

Шоахсийнинг сўнгги сўзлари машъум башоратдек эшитилди. Файзулло бу гаплардан гарангсиб қолган эди. Ахир Шоражаб зуфунуннинг инсонлар орасида меҳру муҳаббат, эзгулик, тотув муомала ҳақидаги таълими унинг кўнглига бўлиқ тупроққа тушган уруғдек жуда майин ўтиришган эди-да. Бу уни шу қадар узоқликларга талпинтирган эдики, шундай уйғун, беозор умргузаронлик кўз ўнгига келган эдики, ҳаётида инсонларга шуни уқтиришдан бўлак ишни сира ўзига раво кўрмайдигандек эди.

Ҳеч бир сўз айтолмай, ўрнидан турди. Шоахсий ичкари хонага ўтиб, бағишловнинг тилхатномасини битмоқда, нималарнидир ҳамон гапирганча, муҳрига куҳ-куҳламоқда эди. Файзулло унинг гапларини чала эшитар, лекин энди бунга аҳамият бермас, чунки калласи ғовлаб кетаётган эди. Тилхатни аъламнинг қўлидан оларкан, очиқ эшикдан жиндак чағиру тарёк аралаш мастона ҳид келгандек бўлди. Келса келгандир-да, чағирпазлар маҳалласида жами хонадонлар шундай ачимсиқ ҳид билан тўла. Ичкари уйнинг қоронғи бурчагидан бепарво овоз ҳам эшитилди, қоронғида оқ лозимдами – яланғочми кимнингдир енгил шарпаси қимирлади.

Файзуллонинг буларга эътибор бергулик ҳоли йўқ, у тезроқ чиқиб кетиш, азобли хаёллари билан ёлғиз қолиш истагида эди. Шунинг учун «Аълам танҳо эмас экан шекилли», деган хаёлни кўнглидан шунчаки ўтказди-да, хайрлашди. Фақат дарбозахонада

аъламнинг кавушбардори кўса чолдан узоқлашаркан, ҳалиги овоз қулоғига яна эшитилиб, бирдан танишдек туюлиб кетди. Қаерда эшитган? Йўқдир. Таниш бўлса Файзуллонинг келганини билиб, чиқмасмиди? Ҳай, Файзулло бу аҳамиятсиз ўйни ҳам бошидан тез қувди-да, йўлига ошиқди, уни бошқа нарса шошилтирар, бошқа ўйлар қийнар эди. Тезроқ зуфунунни топиши керак, шу одамга дилини ёриб енгил тортишга ўрганиб қолган. Унинг ғазаб-нафратдан холи, ёқимтой овози, оқилона, тўзимли сўзлари, мулойим, босиқ қиёфаси, либос ярашадиган тик қадди – бари Файзуллога осойишта бир ишонч бағишлар, Файзулло тасаввур этган эртаги кун кишилари худди шундай бўлишлари керак эди. Аммо наҳотки Шоахсий ҳақ бўлса? Унинг худди бир мусибатдан дарак бергучи «Шундоқ бўлур» деган сўнгги сўзлари Файзуллонинг қулоғида янграб кетди. Бу ўғит-насиҳат билан ўзгарадиган овозга ўхшамайди. Шоражаб муфтий ўзининг беозорлиги билан уни енголадими? Енгиш, зўр чиқиш, бу яна жанг эмасми? Наҳотки эзгуликни ҳам талашсиз тарғиб қилиб бўлмаса? Уларнинг усули зўрлик жанги эмас, имонга мурожаат эди-ку. Ажабо, бу қандай жумбоқ ўзи?

У хувиллаб ётган Калава бозоридан ўтиб, тикка Тоқи парронга чиқди. Қош қорайган, фақат чилангар дўконида эски кўранинг чўғи бозиллаб, кечиккан йўловчига гўё йўл кўрсатиб турарди. Дилкаш Қорининг боғи мана шу Маркуш гузарида. Устод оқшомдан сўнг шу ерда бўлишлари керак. Аллақайси маҳалла масжидининг мезанасида муаззин намози асирга чорлаб азон айтарди: «Ҳайя-алас-сало-от!» «Ҳайя-алас-сало-от!»

Файзулло кутганидек, сал юргандан кейин боғ ичидан танбур ноласи ҳам эшитилди, демак, улар шунда. Нақши ўчиб кетган пастаккина кўча эшигининг зулфиии ҳам йўқ эди, енгил итарганида товушсиз очилди. Дилкаш Қорининг оти боғбон бўлгани билан, боғи... шунчаки чоғроққина дарахтзор ҳовли экан. Уни бир вақт катта боғдор, ҳақиқий боғбон бўлган дейдилар, энди боғи қозихона васиқаси билан бир бойга ҳосилгаров бўлиб кетган, ўзи бировларнинг боғига қарарди. Этакда пешайвон, икки уй. Ўртадаги супада чордона куриб ўтирган икки киши айвон устунига осиелик чироқнинг хира шуъласида соядек қорайиб кўринарди. Ёруғроқда соқол-мўйлови оппоқ, оқ яқтак кийган Дилкаш Қори танбур чертар, Шоражаб муфтий эса қоронғи бурчакда ўтирганини ҳам унутгандек, тиззасига кўз тикканча тебранар эди.

«Муножат» гўё инграрди. Файзулло бу куйни охирги бор она қишлоғининг вайроналарида кўр қори оғзидан эшитгани ёдида. Ҳазин куй. Куй эмас, гўё хотира. Ҳаётингдаги ҳамма мусибат-

ли дамларни дарров ёдга солади. Файзулло ўша оқшомни, новча, рангсиз Мўминшони, унинг она қишлоқ, бечора бўзчи халфалар ҳақидаги ҳикояларини, қум босган далалар, Зайниддин чаланинг умидсиз жовдираган кўзларини, ўзининг ўксиб йиғлаган дамларини эслади. Бу куй ҳозир ҳам танбур ноласи эмас, ғариб намозшомнинг ўз овозидек, Файзуллонинг ярали дили, аламли кайфиятига монанд эди. Тебраниб ўтирган устод нималарни ҳис қиляпти экан? Наҳотки унга ҳам ушалмаган орзу-армон фожиаси, таҳқирланган инсон, она ер ноласи эшитилса? Ундан бир сўраш керак эди: бу куйнинг Бухоро зиндонида яратилгани ростмикан?

Файзулло куй тугаганда ҳам остонадан жилмай анча туриб қолди. Уни биринчи бўлиб Дилкаш Қори пайқади: садаф нақшли танбуруни болишга суяб, гўё ярқ этиб ёнди-да, шуъладай оппоқ бўлиб ўрнидан турди, супадан тушиб, шошганча кавушини қидира кетди. Кейин улар икковлари ҳам қулоч ёзиб меҳмонга пешвоз чиқдилар: бири новча, қотма, ёш, малла; бири паст бўйли, семиз, кекса, соқолу каллапўш, узун яктагу деҳқонча кенг лозимигача оппоқ. Лекин улар бир хил қувонар, бир хил ҳис қилар эдилар. Юзларидаги ҳазинлик иккаласида ҳам бирдан йўқолиб, худди ич-ичларидан ёришиб кетишди, Файзуллони қаёққа ўтқазишни билмай қолишди. Бу улар учун ҳақиқатан ҳам қутилмаган бир қувонч эди. Лекин уй эгаси ортиқча ҳокисорлик ҳам қилмади, меҳмонни тўрға ўтқазиб, нон синдиргач, тан-сиҳатини, муҳтарама оналари, тоғаю амакиларини сўраб, шукроналик билдирди. Дилкаш Қорининг мулозими йўқ эди, ўзига ўхшаш бақалоқроқдан келган икки ўғли елиб югуриб хизмат қилди, коса тубидагина хушхўр шўрва тортилди.

Танбур санъати, мусиқий завқ тўғрисида сўз кетганда, нима ҳам бўлди-ю, Файзулло ножоиз бир тарзда Шоахсий аъламдан гап очиб қолди. Дўстлар билан бу учрашув қувонч ҳам унинг кўнглидаги ўша аламли доғни бирдан ювиб кетолмаган эди шекилли-да. У аълам боғида бўлган ғалати суҳбатни устодга биратўла, батафсил гапириб берди. Гапирди-ю, нима қилганини ўзи ҳам билмай ташвишда қолди. Ҳовлига баданни жимирлатадиган хунук жимлик, қоронғилик чўккан эди. Шўрвалар совиган, хира фонусга ўзини уриб тупроққа тушган парвонанинг ерда қанот пирпирагиши эшитиларди. Файзулло уй эгасининг, айниқса, Шоражаб муфтийнинг кулранг бўлиб кетган юзига кўзи тушиб қўрқиб кетди. Бу қадрдон юзларда бундай аламли ғазабни сира кўрмаган эди.

Зуфунун дастурхонга фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Кеч бўлишига қарамай, хайрлашиб йўлга чиқдилар. Файзулло Дилкаш

Корининг, бу содда, хушчақчақ қариянинг бирдан бу қадар хомуш бош эгиб, букчайиб қолганига жуда ачинди.

Мударрис тезлаб кетиб борар, ичида ғазаб тўлғаниши қадам олишидан ҳам билиниб турар, оёқ остидан учган жиндак шағалга ҳам кимсасиз, қоронғи кўчалар янграб кетар эди. Файзулло терлаб, қийналиб бўлса ҳам етиб юрди.

– Устод...

– Жузияга уламодан фотиҳа оламан дейди, денг? Олади ҳам. «Оқ муҳир аълам» деб бежиз айтмаганлар у жоҳили мушкулни! – деди зуфунун босиқлик одатини буткул унутиб. Файзулло бу беозор одамнинг ғазабдан қалтираб кетаётганини қоронғида ҳам сезаётган эди. – Яна қиргин кўзғамоччи бу ғаламис. Яқулуна билосинатим малиса фи қулубиҳим деб қуръонда шуларин айтган, дили бўлак, тили бўлак. Сиз ёшсиз, мулла, ҳамма нарсани жанобингизга ошкора гапиролмайман, лекин билиб қўйинг, бу одам – айни дўзахи, унинг гоҳи бадкирдорини, ҳай-ҳай забонга олмоқнинг ўзи гуноҳи азим. Баҳовиддин мазоридаги шайхи иртижоъ билан, қалб эшонлар билан хуфя мулоқот қиладир. Истамурдаги баччамиршаб Муллахон оғалуқ билан ошнолиғи бор десалар инонмас эдим, отангиз раҳматликнинг пинжиларига кириб, анов сафарга чиққанида билдим... Ғайри динга тўзимсизлик, ҳадис айтиш, бақирик-чақирик билан ҳатто қирғин-ғазоват билан ҳам ўз айбини ёпади булар. – Мулойим одамнинг жаҳлидан асра, ёввойи отнинг тепкиси ёмон, деганларидек, зуфунин тобора ғазабга миниб борар эди. – Бундайлар тасбеҳ тортганда ҳам худони алдайди: хурмо данакни икки-уч донадан тортиб, «ё оллоҳ»ни камроқ айтади. Биз нима ғамда юрибмизу бу пасткашлар худбинликда. Бундайларни йўқ қилиш, жамоат ичида омонсиз фош этиш лозим, токи эзгу ишимизга бош суқмасинлар! – Устод, ўзингизни босинг, ғазаб – гуноҳ... – йўл бўйи индамай келаётган Файзуллонинг овозидан ҳазрат бехос тўхтаб қолди. Шогирди давом этди: – Зўрлик истисно, ҳар ишда бандасининг имонига мурожаат қилмоқ лозим, деган эдингиз...

– Имони бўлмаса-чи? Ҳайвон бўлса-чи?

Файзулло устодини танимай қолди.

– Сиз аъламнинг гапини такрорлаяпсиз... – деди у секин, ерга қараб. Шоражаб муфтий ҳам бу гапдан карахт бўлгандай жим қолди. Улар Ғозиённинг лабиҳовузига етиб келган эдилар. Файзулло узоқ индамай турди-да, шу-шу бошини кўтармай, бурилиб ўз дарвозаси томон юрди.

Дарвозахонада уни кимдир фонус тутиб қарши олди. Қандай кириб ётганини ҳам, зуфунунга биринчи марта дағаллик қилга-



нини ҳам, ҳозир қай маҳал эканини ҳам билмасди. Бошида фақат бир ўй: устод бугун ўзини ўзи инкор этди. Файзулло яна чирқираб қолди, энди қаёққа боради?

«Йўқотиш керак!» «Фош қилиш керак!» Бири биридан шафқатсиз гаплар. Бош айлантирадиган зиддият уламнинг ўз ичидан чиқиб турибди-ку! Файзулло гирдобга тушиб қолгандай бўлди. Тоғаси Шаҳобиддин говжигар бундай пайтларда: «Ер қаттиқ келса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради», дегучи эди. Ҳа, ер қаттиқ келди чоғи.

Лекин ер ҳамма вақт қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Бир кун келиб одамлар бир-бирларини тушунишар ахир. Яхшилиқ қилиш – беғараз муомала, меҳру эъзоз – бу шундай оддий гаплар, осон ишлар, барчага тушунарли-ку! Одам эзгуликка бел боғлаган бўлса, ҳаётини, мол-мулкани, саъй-ғайратини, топган-тутганини шунга бағишламоқчи бўлса-ю, наҳотки уни тушунмасалар?

Файзулло бир неча ҳафта шундай қарахт бўлиб юрди. Йўл-йўлакай ҳўжалиқ бўйича фармойишлар берар, ҳужжатларга суриштирмай имзо чекар, уйдагиларнинг хавотирли кузатишларидан қочиб, корфармонинг овлоқ хонасида кунлари билан қамалиб ўтирар эди. Бу хонада эски баҳмал ёпилган хонтахта устида бир вақтлар Русиядан олиб келинган катта чўян сиёҳдон, қамиш хома учини тозалайдиган ва қаламлар суқиб қўйиладиган қумдон, ёғи оқиб ётган чала-ярим шағамли мис шамдонлар бўлиб, ёнида сўхта оладиган миқрози ҳам ётарди...

Файзуллога шу ер негадир ёқиб қолган, тинч, кўча эшикнинг ёнгинасида, келган-кетган деразадан кўринади, бекорчиликдан айланиб келганлар ҳам ичкарига кириб юрмай шу ердан қайтиши мумкин.

Очиғи, Файзулло бу ерда Шоражаб зүфунунни кутар эди. Нима учундир устод келмади. Қаттиқ хафа бўлгани ростга ўхшайди. Файзуллонинг ўзи эса, уни хафа қилганидан пушаймон бўлса ҳам, излаб боришга бўйин ёр бермади. Бошқалар келиб кетади, зүфунундан дарак йўқ.

Кеча «Бухорои шариф»нинг муҳаррири Мирза Муҳиддин кун бўйи ўтириб гап ололмай чиқиб кетди. Ўзининг юзига ўхшаган қора чўян сиёҳдоннинг қопқоғи билан ўйнаб, нималарнидир гапирди, Файзуллонинг тушунишича, ўз газетасига тортмоқчи шеклли, мезбон рўйхушлиқ кўрсатмаганидан кейин жўнаб қолди. Ўзи, «Бухорои шариф» сизнинг суҳбату ҳомилингизга муҳтож», дейди-ю, Файзуллонинг фикрларидан ҳуркибми, яна бўйин қисиб қолади. Эртасига соқол-мўйлаби суратдагидек тоза териб тарашланган, кўринишда ёшгина бир муллани бошлаб яна кел-

ди. Ниҳоятда одобли, гаплари бир оз китобий, эгнида кундал чопон, белига шол фута тортиб ораста кийинган бу зиёли одамнинг исми Бурҳони Ғулжалик экан. У Файзулло билан эски танишлардек узоқ гаплашди, дардли мулоҳазаларини хайрихоҳлик билан тинглади, юртдаги адолатсизлик, ғариб-ғурабонинг, миллатнинг ночор аҳволига таассуф билдирди. Бу ўқимишли, фикрли мулла Файзуллога ёқиб тушди. Файзуллони қийнаган ўйлар бу одамга илгаритдан танишдек эди.

– Эзгулик орзумандлари азали салифдан кўп эди, бойвачча, – деди у, – вале, онларнинг алидан ҳеч шай келмамиш. Бу танҳо тасадди ила ўлажак шай эмас, арқонни узунроқ ташламоқ дурустдир.

– Қандай?

– Андоққим, аввал миллатнинг билимдон кишиларини етилтирмоқ лозим. Онлар ўзга элу элатларнинг маъруфи-тараққий тарихи ила ўбдон таниш ўлароқ иш тутарлар. Ҳозир мулла йигитларимиздан ўттиз нафари Истанбулда таълим олмоқда. Онлар Бухоронинг истиқболидир. Биз сизнинг ҳам Қўстантаня дорил-илмига бориб таҳсил кўришингизни айни муддао деб биламиз. Иншоолло, билимингиз, қурбингиз, ёшлик ғайратингиз тақозо этадир. Бухоронинг умиди...

– Тўхтанг, Ғулжалик афандим, «биз» деганингиз ким?

– Биз, яъни Бухоро таълим маориф жамияти, тақсир. Мазкур қудратли ва нуфузли жамият Истанбулга беҳалал бориб, истаганингиз муддатда тинч ва хавотирсиз таҳсил кўришингизнинг кафилини олади...

Файзуллонинг ҳафсаласи пир бўлди. У бундай жамиятларни биларди. Уларнинг тилёғлама вакиллари бу атрофда кун-тун ғужғон ўйнайди. Мана бу ўз она тилини зўр бериб бузаётган билимдон афанди ҳам шундайлардан экан. Уларни мана шундай телба маддоҳга айлантирган нарса – Файзуллонинг сармоясига.

Бурҳони Ғулжалик давом этарди: – Ман сизни истанбуллик меҳмонимиз Солиҳ афанди ила таниш этурман. У Туркия дорил-илмида таҳсил топган гавкашонлик Абдулаҳад афанди билан бирга келган. У зотлар «Иттиҳод ва тараққий» жамиятининг раёсатидан. «Ҳикмат», «Сирот ал-мустақим», «Тиоруп ал-муслимин» жаридаларини ва кулли донишу бирлик шиорларини кенг тарғиб этишимизни лозим кўрадилар...

Файзулло энди бу гапларни эшитмас, ўзининг кечаги хаёлларига яна ғарқ бўлган, Шоражаб зүфунундан қандай қилиб узр сўраш ҳақида ўйлаб ўтирар эди.

– Падали бузрукворингизнинг, жойлари жаннатда бўлғай, қисман сармоялари ажнабий банкларда экани... Ҳай, у ерларда ўзингиз стун бўласиз, бойвачча...

– Йўқ, йўқ, қаёққа бораман... шу ернинг ўзида бир иш қилиш керак, – деди Файзулло четга қараб.

Меҳмон ҳайрон бўлиб ўрнидан турди: бойваччанинг гапи берилган саволга монанд эмас, пойма-пойроқ эди. Бунинг устига, меҳмонлар кўзгалмасдан туриб «Хайр, афандим, яхши боринг», деб қолди.

Файзулло бу кеча ҳам уйқусиз тўлғониб чиқди. Лекин бир қарорга келди: тонгдаёқ албатта мударрисни топиб бориб, аввал ундан узр сўрайди, кейин... кейин, устод ўзи бошлаган йўлга юрса юрди, юрмаса... Юрмаса Файзуллонинг ўзи давом эттиради. У энди бола эмас. Қачонгача бировга эргашиб юради? Эътиқоди қатъий, қурби бор, нияти аниқ. Ҳамфикрлар топади. Инсон яхшиликдан қочиб қаёққа борарди? Бу ягона йўл, устоднинг асаби чарчаган бўлса, бас, Файзуллони болалигида йўлга солди – шунисига ҳам раҳмат.

Тонг отди. Бухоро осмони фақат шу соатда беғубор бўлади. Ҳали, ҳадемай минг-минглаб сертупроқ тор кўчалар, бозор, раста-ю тимлар уйғониб, кун тиғида паға-паға тўзон товланади. Файзулло Ғозиён чорраҳасидаги адрасбофлар растасига етганида сахархез деҳқонларнинг биринчи аравалари ғирчиллаб ўтди, Тўрақул удайчининг отхоналарида гиёҳван сайсчиларнинг кўксов йўтали эшитилди, муюшдаги супада ҳаммом таҳоратхонасининг сувини иситадиган букри пойкор ҳали ухлаб ётарди.

Шундай сокин палла, энди уйғониб келаётган шаҳарнинг аллақайси маҳаллаларида бирдан қий-чув, аччиқ фарёд, телба сурон эшитилди. Мудҳиш овоза узоқ-яқиндан, кўп томонлардан биратўла босиб келаётгандек эди. Файзулло шошиб олдинга юрди, тор кўчаларда рўпарасидан кимлардир гуп этиб девордан, томдан ташлаб, тупроқ чангитганча югурди. Узоқдан хунук йиғи овози, бақириқ-қақириқ етиб келар, яқинда нимадир қарсиллаб синар, деворми, дарвозами ағдарилиб, булутдек тўзон кўтарилар эди. Эшони-пир маҳалласидаги муллаваччалар чойхонасидан элликтача одам бирдан гув кўтарилиб Жонқубод томон югурди – уерда шиъаларниинг қадамжоси – Гесубардори имом Ҳусайн мақбараси бор, овозанинг даҳшатлиси ўша томондан келаётган эди. Файзуллонинг юраги орқасига тортиб кетди, Шоахсий аъламининг қора соқол босган жигарранг юзи кўз ўнгига келиб, «шундай бўлур» деган машъум башорати қулоғига чаланди. Бугун ашуру таъзияси эканини эслаб, Файзулло бунини унутиб қўйганига ҳайрат-

ланаркан, манглайига кафти билан уриб-уриб югурар эди. Қаерга кетаётгани ҳали маълум эмасу билиш, аниқлаш керак эди; қаерда, ким, нега, қандай қилиб, наҳотки?

Шаҳарда қирғин бошлангани шубҳасиз эди. Наҳотки бу маънисиз зулмкорликка барҳам бериб бўлмаса?

Девонбеги хонақоҳидан дод чиқди:

– Буён келалар! Дўконни боғланг! Эй, аҳли имон, вошариато!

– Муллаваччаларни сўйептилар!

Шу маҳал кўчани тўлатиб келаётган ғазабнок оломон тўзону сурон аралаш Файзуллони ҳам тўлқинига олиб тўфондек суриб кетди. Оёқлари босилиб, калтак-таёқдан юз-кўзи кўкариб, тупроққа буланган Файзулло оғриқни сезмас, сурондан қулоғи тинган, фақат миясининг бир четида: «Тамом, босилиб янчилик кетаман шекилли... нақадар бемаъни...» деган фикр кезар эди. Нима бемаъни? Қайсиниси бемаънироқ – оломоннинг бу силжишими? Файзуллонинг унга қўшилиб кетганими? Ё бутун умри, барча хаёллари, туриш-турмуши?.. У йиқилиб-сурилиб олдинга югуришга мажбур, икки ён девор, гира-ширада оламни босган чанг булутидан олдинда ҳеч нарса кўринмас эди. Бу суронда у ҳеч бир гап-сўзни англамас, фақат аҳён-аҳёнда «Вошариато! Ё Хизрў Илёс, ё чорёр!» деган телба овозларни илғаб оларди! Бир вақт суронли оломон торроқ кўчага кирдими, олдинда тўсиқ учрадими, бирдан бўғилиб, кимларнидир босди-ээди-да, ёввойи чинқириқ ичида тошқиндай сурилди. Шунда салласи чувалган Файзулло оёғи майишиб чўккалаб қолди, устидан ошдилар, ёнидан нуқиб ўтдилар, ишқилиб, бир маҳал қараса тупроқда ўзи ёлғиз ўтирибди, сурон олдинда елиб бормоқда.

У тиззасидаги оғриқдан юзи буришиб, тишини тишига босганча ўрнидан турди-да, этагини қоқиб, қўлида ғижимлаб ушлаган салласига юз-кўзини артди, атрофга қаради. Тўзон ичида кун қизариб кўринарди. Шаҳарда мудҳиш сурон давом этяптими, қулоғи шанғиллаяптими – ажратолмади-ю, нарироқдан келаётган инграшни нечукдир эшнтди. Бу аянчли овоз гўё бутун ғала-ғовурдан кучлироқ эди. Файзулло ўша томон юрди. Муюшда тупроқ билан бир бўлиб дабдала бир гавда, кийимлари титилиб яраларига қизғиш лой ёпишган чалажон одам калтакдан қон сийиб ётарди. Файзулло тез етиб борди-ю, аввал яқинлашишга юраги дов бермай атрофга аланглади: ҳеч ким йўқ эди. Инграшидан, жон бераётган одамга ўхшарди, лекин Файзулло уннинг қонга, лойга булғанган мўматалоқ юзини ўзига буриб тикилганида кўрдик, кўзлари очик, ҳатто сергак. Файзуллони кўриб, бу кўзларга яна даҳшат

тўлди, унинг инграши гўё ҳавони ҳам титратиб юборди. Файзулло қийиғини ечиб, унинг қовоғида увишиб қолган қонни аста артганидагина бечоранинг кўз ифодаси сал майинлашди. Файзулло уни кўтармоқчи бўлди-ю, кучи етмадими, бирор ери синган бўлса озор беришдан қўрқдими, яқиндаги ҳовлиларга қараб:

– Ким бор? Ёрдам беринглар! – деб қичқирди. Дарвозалар тақатақ берк, ҳамма даҳшатда бурчак-кунжакка пушган эди, овоз чиқмади. Анчадан кейингина қайси бир эшик ғирчиллаб, ориқ, иштончанг бир чол кўринди. Бу маҳалла ғусулхонасининг пойкори эди, у билан бирга жабрдийдани ичкарига судраб кириб, юз-кўзини ювдилар. Ёшгина йигит экан, оғриқ азоб бераётган бўлса ҳам ўз аҳволдан ийманар, четга қараб гапирар эди.

– Ота-боболарамизни туркман сардорлари чошиб келтирган бўлса, қул қилиб сотган бўлса, бизнинг айбимиз нима, мулла? – деб йиғларди у, Файзуллониинг этагига юзини яшириб. Файзулло жавобига гап тополмас, бундан худди бечораҳол эрони йигитдан баттар юраги эзилиб, бутун вужудида оғриқ сезар, ноилож «нима бўлди?» дегандек чолга тикилар эди.

– Арку кўҳандиз, шахристонун робот – бари ғалаёнда... – деди чол ҳам ожиз. У иштонбоғини осилтирганча йигитнинг бошида чўққалаб ўтириб йиғлар эди. – Косатардондаги кўчаи Ғуломондан ўн бир эронини калтаклаб ўлдиришибди, эшитдингизми? Собик девонбеги мулла Хўшвақтнинг авлодлари эмиш – жанжал катта бўлади, мулла. Хонақо эшони Ислом карбалойи чиллахонасига бўғаз хотинлар назр-ниёз билан борарди... кўп эркакларнинг унда қасди бор, болам... жанжал катта бўлади, ҳа.

Бу қирғин мазҳаб чегарасидан ҳам чиқиб кетибди-да, деб хаёлидан ўтказди Файзулло. Чол давом этарди:

– Эшон баҳона – маҳалладаги камбағал хараспону ровгангар, ҳовлисида кўр эшак билан тегирмон, жувоз айлантирадиган шўрликлар ҳам қурбон бўлиб кетибди.

– Нима бўлди, ота? Нимадан бошланди ўзи? – деди Файзулло аламли ҳайратда. Кейин йигитга қаради: – Сиз кимсиз, айбингиз нима?

– Мулла, мен сиздан сўраган эдим, айбимиз нима, деб. Сиз мендан сўраяпсиз, – қийналиб гапирди йигит четга қараганча. – Мен чуқурликдаги ғузобозорда паллабардорман. Айбим йўқ. Можарони мачит долонидан чиққан тўртта ғаламис бошлади. Улар шиъаларнинг ашуро зикрини калака қилиш учун азонда Жўйбардаги ҳусайнияга кириб боришган.

Йигит ҳушидан кетдими, томоғига бир нарса тиқилдими, гапини давом эттиролмади. Унинг юзига сув сепиб, чол давом этди:

- ...Ўша муллабаччаларнинг таҳқирига чидамай, шиъалар бирини уриб майиб қилишган экан, қирғин бошланибди. Оломонни кўрдингиз, кўп одам ўлади, мулла. Жўйбари беруннинг хўжалари хунчи бўлади, илгари улардан сипоҳийлар кўп чиққан, бари жангари. Ёмон бўлади...

Файзулло ўзининг бу ерда ўтирганига ҳайрон бўлиб, бирдан туриб чиқиб кетди. У бориб қирғинни тинчита оладигандай, тўғри Жўйбар томон шошилди. Бухоро осмонида машъум кўланка кезиб юргандек, узоқдаги ҳар бир овоз кўнглига ғулув солар, синган дарахт, йиқилган девор, дарвозалар, ҳовузлар юзидаги латта, таёк, хас-хашак, ҳали босилмаган чанг-тўзон худди довулдан кейинги вайрона манзарасини эслатар эди. Жўйбари калонга яқинлашган сари шовқин, йиғи-фарёд кучаяр, эси чиқиб сочи тўзғиган аёллар, бола-бақра билан томлар тирбанд. Файзулло воқеанинг кўламини энди кўз олдига келтиряпти: агар можаро Жўйбар ҳусайниясида бошланган бўлса, у ерда шиъанинг пешвоси шайх Ҳасан Машҳадий билан иш кўришга тўғри келади. У билан ҳазиллашиб бўлмайди. Куёв хўжа! Амир авлодидан қиз олган. Имом Бакр Саъд унинг аждоди дейишади! Бухорода тўртта Бакр ўтган, Чорбакр мозори шу ерда. Машҳадий ана шу мозор қошида ҳусайния тутади. Хотини, Аямуллажон деб аташади, шиъа аёлларининг жўрабошиси, ҳусайнияда имом Ҳусайн ҳадисларини қироат қилишади. Бугун ашуру муносабати билан ана шу маъракалар авжи қизиганда ҳамма мудҳиш қий-чув шу ерда бошланди десанг-чи...

Жўйбарга кириши билан тор кўчадан ўн-ўн беш киши қонига беланган икки гавдани кўтариб ўтди. Бири оппоқ, қўли осилган, ўлик экан шекилли, бири ниманидир пичирлайди, чалажон. Кўтарганларнинг кўзида алам-ғазаб, кимдир хунук овоз билан бўкириб йиғлар, бири «Ё облои азим!» деб кўкка ёлборганича кимнидир бақриб қарғар эди. Бу оломон ўтиб кетганда Файзулло бўғинларида титроқ сезиб, бир эшик олдидаги харракка ўтириб қолди. Ичкаридан дастгоҳнинг шақир-шуқури эшитилди. Эшик қия очиқ эди. Файзулло тирқишдан мўралаб, «қирғининг билан ишим йўқ» дегандек бемалол ўтириб бўз тўқиётган кампирни кўрди. Бошида саватдек маҳрутий салла, териси буришиб кетган ориқ кўллари кўчадаги шовқинга ўчакишгандек тинимсиз, чаққон ҳаракат қилар эди. Файзулло негадир маъюс жилмайиб қўйди.

Бу вақт бир неча олифта йигит нарироқдаги ҳусайниянинг авратхонасидан икки қарияни судраб чиқди. Бугун Бухоро чапани-

лари ҳам дасторини наридан-бери бошига чулғаб кўчага чиққан эди. Улардан бири, эгнида парпаша тўн, кўш белбоғида карк сопли пичоқ, ёш бўлса ҳам ҳирсдай гавдали, йиқилган қарияни пошнали этиги билан босди-да, афтидан шерикларига айтиб бераётган қувноқ ҳикоясини давом эттирди:

– Шундайчикин десанг, «Ё ғози, ё шаҳид!» деб муштлашишга кириб кетдим...

Унинг овозини эшитган кампир арқоқ зўғатасини ушлаганича анқайиб қолди. Олифта оғзидан кўпик сочиб давом этарди. Бир вақт у харракда ўтирган Файзуллони кўриб, салмоқли қадамлаб яқинлашди.

– Ҳай, бойвачча! Инжо бизанчилик денг? – деб ўкрайди оёғини кериб. – Биз ғазавотда жон бериб жон олайлик, сиз бунда анқайиб ўтириб: «Ҳа, баракалла! Инжо бизан, инжо бизан, қон чиқмайдиган жойига ур!» Шунақами? Белбоғни еч, номард!

Файзулло қимир этмади. Анчадан кейин аста сўради:

– Қарияларни нечун таҳқир этяпсиз?

Олифта гапни эшитмади-ю, йигитчанинг босиқлигидан ҳайратланиб кўзи баттар олайди. Файзуллога яна ҳам яқинлашди. Шу маҳал шерикларидан бири унинг елкасига туртиб қулоғига нимадир шивирлади. Шунда барзанги олифтанинг юзида ялтоқлик, хунук илжайиш пайдо бўлиб, қўлини кўксига қўйганча орқага тисарилди.

– Маъзур тутинг, Файзуллохўжа, танимасни сийламас, дейдилар, қайтиб олдим номаъқул гапларимни, биламиз, сиз ўзимизники-сиз... Маъзур тутинг, ўтинаман. Сиз зар билан, биз зўр билан, бари-миз ҳам худо йўлида...

«Ўзимизникисиз»... Кимники? Зар... Файзуллонинг саховатли инъомлари ҳали шу йўлга кетяптими? Бу ахлоқсиз зўравонлар уни ўзига шерик қилиб оляптилар-ку?!

Файзулло ғазабини зўрға босаркан, рўпарасида ялтоқиланиб турган ҳирсдай одамга қичқариб:

– Боринг! – деб юборди.

Олифта буни ўзича фотиҳа деб тушундими, шерикларига кекирдагини кериб бақирди:

– Гесубардори имом Хусайн мазорига! Хизри Илёс ёр! Чорёр мададкор! – қийиғидаги халтачадан туйилган кўкнорини каппалади-да, саллалик безориларнинг олдига тушиб югурди.

Чанг ичида қолган Файзулло аламдан юзини деворга босди. Кимдир пиёлада сув тутди, ҳалиги бўзчи кампир эди шекилли, Файзулло ютоқиб ичди-да, жойидан жилди. У ўз шаҳрида адашган-

дек, қаердалигини ҳам билмай телбаларча юриб борар, кўрганлари гўё томоғига тиқилиб келиб, кўнглини беҳузур қилар, барини қайт қилиб ташлагиси келар эди. Шаҳар ҳали ҳам ваҳимада, одамлар девор паналаб қаёққадир чопган, аёллар боласини бағрига босган, дўконлар тақа-тақ берк, ҳар жой-ҳар жойда сурон, қий-чув кўтариб турарди. Бир жойга борганида ҳовуз томондан подшоликнинг мешкобчилари икки мешдан сув ортилган эшакларини қиҳ-қиҳлаб, «пўшт-пўшт!» дея қичқирганча ўта бошлади. Бирдан кимнидир қутуриб қувлаётган бебош оломон рўпарадан чиқиб, мешларни ағдариб, топтаб, сувларни тўкиб кетди-ю, шу заҳотиёқ сарбозлар пайдо бўлди, себанд, дудама таққан миршаблар қилич сермаб югуриб ўтди, сарбозлар сафида удайчининг «Ясовни сақла!», «Лапле... чух!» деган кескин буйруқлари эшитилдию бирпасдан кейин ҳавони милтиқ тутуни тутди. Шаҳарда худди уруш бўлаётгандек эди. Қанча куч! Ҳали булар низони бостираман деб нечта бечоранинг ёстиғини қуритади... Файзулло ожиз, ҳеч нарса қилолмас, хаёлига бир ўй ҳам келмас, ич-этини еб, томоша қилиб туришдан бўлак чораси йўқ эди. Унинг ёнида пайдо бўлган бир саллалик нуқул калима келтиради:

– Иншоолло, энди тинчийди! Илоҳи жаноб олий жаҳонгир бўлсинлар, тиғлари бурро бўлиб, ҳазрати Шоҳимардон Баҳовуддини балогардон камарини боғласинлар, қасд қилган ғаламис ёғийлари паст бўлсин, омин!

Файзулло унга бир қарадию тескари бурилиб жўнаб қолди. Саллалик худди Шоражаб муфтийга ўхшаб кетди назарида: ёш, қомаи тик, юзи чиройли, фақат соқоли қизғиш эмас...

Файзулло энди ҳеч нарсага қарамай, худди изидан биров қуваётгандек, тезлаб кетди. Уни қувлаётган дилидаги таҳлика, ўз-ўзига нафрат, ўтган кунлари, беҳуда, бемаъни орзу-хаёллари эди. Барига лаънат, барига лаънат...

У ит талаган дарвишдек, уст-боши йиртиқ, юз-кўзи чанг, қолдан тойиб эшигига кириб келди. Яхши ҳамки ҳовлида нечундир ҳеч кимсанинг шарпаси сезилмади. Файзулло бу ҳолатда яқинларига сира кўрингиси йўқ эди.

Қош қорайиб қолган, даҳлизу меҳмонхоналар ғира-шира. У баридан тез юриб ўтиб, отасининг хос хонасига шошди – у ер холи, у ерга онасидан бошқа ҳеч ким киролмайди, у ерда болишга юз тубан тушиб ётиш, узоқ ёлғиз қолиш, тош қотиб ухлаш, ҳамма нарсани унутиш мумкин. Бироқ Файзуллога булар насиб бўлмади. Баланд нақшдор эшикни очиб ичкарига кирса, ҳовли томоннинг дарпардалари очик, ўртадаги гиламнинг сал ёруғ тушган бурчида



Шоражаб-муфтий турибди. Файзулло ғира-ширада уни шарпасиданоқ таниб, дарров шам ёқди. Меҳмонга ҳайрат билан тикилди: тик қомати букчайган, ўзига ўхшамас, қарашлари паришон ва қандайдир аянчли, гўё устоз эмас, гуноҳкор шогирд эди.

– Мен дуогўйингиз интизор эдим...

Файзулло саломлашиб, жой таклиф қилди, хаёлида эса ўй: «Қандайдир бегона... Мен ундан узр сўраёлмадим, энди эса...» Энди эса Файзулло уни кўришга, суҳбатлашишга ҳуши йўқлигини сезиб турибди. Нега келди экан? Илгари бундай савол Файзуллонинг хаёлига ҳам келмасди. Бу уй – унинг ўз уйи эди.

Қараса, зуфунун таклиф этилган жойга ўтирмаяпти, Файзуллонинг абгор аҳволини ҳам фаҳмлаётгани йўқ. «Интизор эдим...» Нимага интизор? Бугунги воқеаларни тушунтирмақчи, изоҳламақчи, ўзини оқламақчими? Бўлар иш бўлди, энди ёлғиз қўйса-чи, шогирдининг аҳволини кўриб турибди-ку.

– Шум хабар бор, мулло: аълам ғойиб бўлибди... – деди муфтий. Юз-кўзи ҳамон ифодасиз эди. Файзулло аввал тушунмади. Шоражаб муфтий «нимасини тушунмайсиз» дегандек бетакаллуф, кўполроқ қилиб такрорлади:

– Шоахсий қочиб кетибдир!

– А? Нега қочада? Қаёққа? Кимдан?

– Маккага темир йўл қуриш учун жамғарилган бари сармойани олиб, гумдон бўлибди.

Файзуллонинг онгига мудҳиш гап бирдан етиб борди. Бу – ўлганнинг устига телгандек эди, тиззалари қалтираб кетди аламдан бақириб йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийди. Лекин ҳануз ишонмасликка, кулиб қарашга уринар эди:

– Қочиб қаёққа боради? Ким айтди сизга?

– Мана, тирик гувоҳ, – деб муфтий бурчакка ишора қилди. Эшик орқасидаги ғира-шира бурчакда Шоахсийнинг оқ каллапўш кийган мулозими – новча дасторбанд соядек икки букилиб турарди, Файзулло уни энди пайқади. Ҳаж йўлидаги ҳамсафарини саломлаш ўрнига, негадир ижирғаниб, тескари қаради:

– Гапиринг.

Новча тамшанди, қоронғида турганча чайналиб гапирди:

– Лутф қилиб, гоҳида гиёҳ берардилар... бу гал кечаю кундуз масту мустағриқ ётиб қолибман; ғафлат, тақсир...

– Сизни айблаётганимиз йўқ... – Файзулло шундай деди-ю, ўзи бу одамдан негадир жирканиб кетди. – Қаёқдан билдингизки...

– Турсам сандиқлар очиқ, хос хоналари ҳувиллаб ётибди, уч кечаю уч кундуз муштоқ бўлдим, келмадилар. Кейин хумор қилиб, гиёҳ турадиган қутичани очсам...

Новча букилиб бир парча хат узатди. Файзулло жирканибми, хатни қўлига олмади. Новча ўзи ўқиб берди: «Мени излама. Ҳовли истамирлик баччамиршаб Муллажон оғалуққа хатлаб берилган...»

– Бас! – деди Файзулло биринчи марта шундай қўпол товуш билан. У новчанинг овозини энди таниди: Шоахсий аъламникига борганида ичкари хонадан эшитилган сирли мастона овоз шу эди... – Сизнинг ишингиз битди, дасторбанд... – деб эшикка қаради. Бу одам бу ерда яна жиндак турса, ҳаво заҳарланиб, бўғилиб кетадигандек, бетоқат эди Файзулло. Новча товушсиз тисарилиб чиқиб кетди.

Файзулло елкасидаги қандайдир чиркин юкдан бутунлай қутулмоқчи бўлгандек, чопонини, маҳсисини янгилади. Лекин енгил тортмади. Жимлик бутун машъум, совуқ оғирлиги билан елкасидан босиб турарди. Кўзи дафъатан эски мақсисидаги қон юқига тушиб, бадани жимирлаб кетди. Бу маънисиз қирғин, қонли фожиаларнинг асари унинг уйига ҳам кириб келибди. Уйи ҳам гапми, бу юк унинг дилида қолди, шафқатсиз калтак оғриғидан қон сийиб ётган чала ўлик паллабардор унинг кўз ўнгидан ҳали-бери кетмайди. Нима учун буларнинг бари?! Нима ўзи бу?!

– Ич-этингизни еманг, мулла, бунда сизнинг айбингиз йўқ... – деди зуфунун, афтидан, бошқа сўз тополмай. – Ўғрини эса бандаси тутмаса, ҳақ таолонинг ўзи тутади.

– Сиз мени пулларига ачинапти деб ўйлайсизми? Бухоро тупроғига томган қонларда, мурдаларнинг оппоқ юзларида мен ўзимнинг ионамни ҳам кўрдим, зуфунун. Шоахсий бизнинг пулимиз эмас, имонимизни ўғирлаб қочди. Энди уламога ким ишонади? Энди сизга ким ишонади, устод? Нега мени алдадингиз?!

Файзулло бундай оҳангда, катталарча қаҳр билан биринчи марта гапираётган эди, ўзи ҳайрон бўлди. Шоражаб муфтий қалтираб, бош эгди.

– Наҳотки, мулла ўғлим, шундоқ деб ўйласангиз. Мен... менинг айбим шуки, бу ҳодисалар олдида ожизман. Мени уриб ўлдирган савобга қолур, илло бу янглиғ аччиғ-олуд сўз билан эмас, болам.

– Сиз ожизсиз, тақсир, ҳа... ожизсиз! Мени сизда қандай куч алдади экан, тонгмен. Яна бошим деворга келиб урилди.

Файзулло бурчакда бошини тиззасига қўйиб ўтирар, сассиз йиғлар эди.

– Имонимизни ўғирлади, дедингиз. Имондан махрум бўлгач, одам учун энг мудҳиш палла бошланади: руҳий ўлим... – Зуфунуннинг овози узоқдан эшитилгандек, тобора сўниб борар эди. Файзулло уни эшитмай қўйди. Анчадан кейин бошини кўтарса, ташқарида тун, рўпарасида Шоражаб муфтий йўқ. Устознинг бу хилда индамай кетиб қолиши энди Файзуллони у қадар андишага солмади. У яқин бир йил ичида босган йўлини, унинг икир-чикирларини, оғир дамлар ва қувончли деб билган пайтларини хаёлидан ўтказар эди. Бу йўлда унга ҳар қадамда Шоахсий дуч келар, энди бу одам унга алвастидек кўринар, ҳар бир беозор гапи, эзгуликдай кўринган ишида бир корибад сезилар эди. Файзулло буларни эндигина пайқаётганига, шу одамлар қаторида юрганига ҳам ҳайратда тўлғонар, ҳам ғазабда қовурилар эди. Ҳозир ўша ўғри аъламнинг «Шариатда ҳожи бадал қарз аталмайди», деган сўзи ҳам ёдига тушди. Отасининг дафн маросимида шариат билимдонининг бу сўзлари эзгу туюлган эди. Энди Файзулло ўйлаб қараса, бу виждонсиз маккор ўша вақтдаёқ ўғри бўлган, художўйларни шилиб юрган экан. Убайдуллаҳўжа эшоннинг ҳажга кетиши олди-дан йиғилган ҳожи бадал, каттагина маблағ шу муттаҳамнинг чўнтагида кетгани ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Буни Файзулло ҳам энди тушуниб ўтирибди. Шу зумда яна бир фикр миясининг бир четига занглаган миҳдай тегиб ўтди: отасини худди шу ҳожи бадал туфайли қасддан ўлдирмадиларми экан? Лекин у бу мудҳиш гумонни кўнглидан тезда ҳайдади.

Ҳа, ҳали кўп нарсани тушуниши керак экан ўйлаб қараса. Тирикчиликнинг ўзи бир-бир тушунтирар экан. Онаси «ёшсан» деса, малол келар эди, энди тан олиб ўтирибди: ёшгина эмас, бола экан. Уйқусиз тонг оттираётганида кўнглига: «Ойижоним ҳозир айланиб кириб қолса, кўксига бош қўйиб, бу азобли ўйларни бирпас унутармидим», деган ўй келди, онасини йўқлаб ичкари ҳовлига киришга эса бўйни ёр бермади. Болалик эмасми?

У Шоахсий сингари ифлосликлар ҳақида онасига гапирмас, буни номуносиб деб билар эди. Лекин Райҳон биби, албатта, ўғлининг аҳволини тушунар, бундай безовта тунлари унинг уйқусиз тонг оттиришини пайқаб, ундан баттар тўлғонар эди. «Болалигинг йўқ, болагинам! – дер эди у кўнглида Файзуллога илтижо қилиб. – Билмадим, у қаёққа кетди, қаёқда йўқолди. Бу дардисар воқеалар, бу гумроҳ кимсалар сени мунча қийнамаса. Бир тенгдошинг билан чеҳра очиб шўхлик қилганингни кўрмадим. Бари ҳамсуҳбатларинг катта, жиддий, ташвишли одамлар... Отанг мерос эмас, гарданингга юк ортиб, азобли ташвишлар қолдириб кетди».

- Йўқ, йўқ, онажон, – деб шивирлайди Файзулло онасининг ҳасратини эшитгандек, – сиз билмайсиз, сиз соддасиз, онажон. Мени тентиратиб қўйган нарса отам қолдирган юк эмас. У бўлса мен нима қилишимни билардим. У юк – бор нарса, омборлар, ёмхоналар, сандиқлар... Лекин мен қандайдир йўқ нарсага интиляпман. Нима у? Кошки билсам. Аъзои баданим зирқираб оғрияпти. Кўнглим эса дарз кетган кўзачадек бўм-бўш... Мен бадбахтман, ойи. Мени нуқул алдашади. Мен ҳеч нарсага ярамадим. Тирик мурдаман, ойи!

Файзулло бир инграб, ёнбошига ағдарилди-ю, тинчигандек бир оз ётди. Унинг чарчаган миясидаги дардли ўйлари яна устозининг «Ожизмен!» деган сўзи атрофида айланарди. Ҳозир ўзини ҳам жуда ожиз, боши берк кўчага кириб қолган бир саргарангдек хис этди.

Токчада пилиги ёниб тугаган шағам эриб, чўян шамдонга кулранг қалпоқдек қийилиб қотган эди. Бўзариб тонг отди. Файзуллони уйқусизликдан қизарган кўзларига чанг босган тераклар орасида қўрғошиндек оғир, хира осмон кўринди...

У ёзни кўрмади ҳам. Куз эса қиш ўртасидаги намчил, суякка ўтадиган қора совуқ билан бошланди. Сомон сувоқ бўғотлардан зардобдек сариқ чакка томади. Бухоро қалъасининг кўҳна, муаззам қуллалари, кунгираддор деворлари узоқларда ястанган кузги туманда тепа тупроқ бўлиб ётарди. Шофирком туманидаги ёмхоналарнинг заҳирасини, келгуси тўл фаслига бўнак тарқатишнинг маромини билгани борган Файзулло ҳеч нарса қилмай, яйловларни бекор айланиб қайтди. Неча ойдан бери егани этига юқмай, ичгани бетига чиқмай юриб бўлса ҳам, маломатли ўйлари бир оз қайнаб қуйилди чоғи, миқти гавдаси эгарда тетик, киртайган дийдасида илгариги чексиз ғурбат йўқ эди.

Латифхўжа амакиси унинг шунча йўл юриб мужмал ҳисоботлар билан қайтганидан норози эди, албатта. Лекин акасининг оқсолари ҳали ўтмаган, келин ойисини ранжитмаслик учун, бойвачча жиянга танбеҳ бермас эди. Мош-гурунч соқолли, бўйдор, хипча, пишиқ бу одам хўжаликни ўз қўлига олиш зарурлигига тобора ишонч ҳосил қилар, аслида асосий ишларни измига олган эди ҳам. Бунга Файзулло ич-ичидан рози эди. Чунки унинг мол-мулкка бепарволигини «Ношукурлик! Куфрони неъмат!» дея баҳолаб, қаҳр билан қаровчи амакилари бор.

Ўғлининг кўнгли бир оз ёзилиб қайтганидан боши осмонга етган Райҳон биби эса унинг елкасидан тўзонли чопонни оларкан дарров янгиликларни тизиб солди.

- Сўнгра, анов ошноларингиз келди, болам...

У «ошно»лар Райҳон бибига унча ёқинқирамаса ҳам, ўғлининг бу ғурбатхонада қамалиб ўтиришидан чўчиб, кимлар биландир очиқ-ёзиқ суҳбатда банд бўлишини истарди.

– Қайси ошнолар?

– Анов бир-бирини «афандим-афандим!» дейдиган ошноларингиз-чи... Бири кундров, балиқ кўз, яна бири... «муллаи бенамоз» дейдиларми, ўша.

Она-бола роҳат қилиб кулишди. Кўпдан кулги эшитилмаган ҳовли ҳам сал ёришиб кетгандек бўлди.

Файзуллонинг «афанди» ошнолари Убайдуллохўжа хонадонидан илгари ҳам гоҳо кўриниб юрган, китобхонга таниш ўша Хўжа Зухуриддин маҳдум билан Сойиб мирохўрнинг ўғли мулла Аҳад эди. Файзулло Шоражаб зуфунуннинг ҳавойй гаплари билан бўлиб, у хушчақчақ одамларни анча кўздан қочирган экан, яна тез-тез учрашадиган бўлишди. Булар кўп нарсани биладиган мулла одамлар эди. Уларнинг дабдабасиз, қувноқ, гоҳо оддийгина гаплари Файзуллонинг дилини ёрита бошлади, шунчаки дунёвий гурунларни қумсаб қолган эканми, уни нимадир шу замонавий кишилар даврасига тортарди.

Бу ошнолари катта ёшда бўлсалар ҳам, Файзуллони ўзларига тенгқурдек билиб ҳазиллашар, унинг шайху эшонлар билан бўлиб кетаёзганини дўстона мазах қилиб кулишар эди.

– Шайх дегани – олдинга етакловчи деган сўз, агар билсангиз, – деб беозор ҳазилни Файзуллонинг ўзи ҳам қўллар эди.

– Ҳа, биламиз, лекин бизникилар, аксинча, худди орқага қараб судрайдилар, – деди мулла Аҳад. У суҳбатдошининг аҳволи руҳиясига қарамай, кўпинча дағал, беандиша гап қотар эди. – Уламонинг бир баҳси: «Ёр ёғи лампа ёқиш жоизми ёки нораво?» Шуларга эргашиб юрибсиз-а, бойвачча!

Аввалги жума куни намоздан кейин иккаласи кириб, иссиқ хонада яна анча яйраб, кулишиб ўтиришди-ю, қайтишда мулла Аҳад Файзуллога «Мулла Насриддин» журналидан Бухоро уламосининг нодонлигини масхара қилган бир суратли саҳифани ташлаб кетди. Суратда ҳар қишлоқда биттадан завжаси бўлган бир шайхнинг бутун юртни ўзининг ишратхонасига айлантириш ҳақидаги ширин тушлари тасвирланган эди. Бу Файзуллога ҳажвиядек эмас, фожиадек таъсир этди. Худди ўзига алоқадор нарсадек, дам-бадам айлантириб тикилар экан, қаёқдаги унутилган аламлари қалқиб кўнглига келар эди. Яна оқшомлари уйда чангли бахмал лўлаларга қоқилиб, у ёқ-бу ёққа бетоқат юришлар бошланди. Бундай пайтлар кўпинча хўжа Зухуриддин маҳдум кириб келади. Эғнида

қишда ҳам ўша-ўша қўнғир мовут чакмон, соқоли риндона қайчи-ланган, юзи очиқ. Гаплари соддадан содда, маърифат, маърифат... Файзулло ўйлаган катта қутлуғ ишлар шундай содда гап-сўзлар билан бўлар эканми... Ундай деса, улуғлар ҳам содда-содда айтишган экан. Кеча Зухуриддин маҳдум ҳазрат Навоий ғазалларини ташлаб кетди. Унда ҳам мана жўнгина айтилибди:

Йиллар тутубон шайх мақолатиға гўш,  
На кўнглима завқ етти, на жонима хуш...

Маҳмуд бу ғазални кўрсатиб, аста кулиб қўйди, «Ўқинг ва уқинг!» дегандек. Гапи содда бўлса ҳам, нозик кинояси бор бу мактабдорнинг, мулла Аҳаддек қўпол эмас.

Бугун келганида ҳам, Файзуллони эзаётган ҳазин ўйларни уққандек, яна ўша жўн гапларини чин кўнгиладан такрорлади.

– Биз биламиз, Файзуллохўжа, сиз ҳам разолатга қаршисиз, – деди. – Лекин сиз нақ разолат ботқоғининг ўзига кириб қолганингизни пайқамадингиз.

– Ундай деманг, ака мулло, мен зүфунуннинг хаёлларини ҳурмат қиламен, – деди Файзулло, қўлида «Мулла Насриддин»нинг ўша саҳифасини ҳамон айлантириб. – Мана бу ҳажвия ҳам маҳоват, муболаға. Менинг устодимга тадоҳил эмасдир.

– Шояд... – деди хўжа Зухуриддин. – Собиқ ақраболарингиз ичида рангин хаёл, порсо зотлар ҳам бор. Зеро, «уламо» асли илм сўзидандир. Илло, гурунгимиз яхши кимса эмас, дуруст маслак танлаш важҳидадир. Сиз миллий йўлда ҳам, диний йўлда ҳам сайъ қилдингиз, бойвачча, аммо...

– Менга кўп турли йўлларни раво билдилар. Сиёсатни, ҳатто тўппонча ушлашни насихат кўргучилар ҳам бўлди. Мен эса ҳамиша имони бут, руҳи соф кишилар изладим. Устод аларни кўпайтириш йўлини билгувчидек эдилар...

– Аммо разолатнинг айни зидди – маърифат йўлидирким, ул кўп аъмол тақозо этадир. Сиз наздингизда, аввало руҳи пок, имони бут кимсаларни кўпайтирасиз-у, баъдаз алар била разолатга қасд этасиз... Йўқ, бойвачча, хомдир бу хаёлингиз. Ўғит ила эмас, фақат аъмол ила кўнгил пок ўлғуси.

– Ул аъмол надир, маҳдум?

– Мен Сўзангаронда, Йўлдош қори Каркида, Исломуқул тўқсабо Шаҳрисабзда, домла Икром Бухоронинг уч маҳалласида янги мактаб очдик. Домла Икром боз уламонинг ножаҳо фатволарига қарши рисола чиқарди. Ёшлар «Тарбият ул-атфол» жамиятини туздилар. Фитрат афанди қадиму жадид низолари важҳида «Мунозара»

номли асарини ўз харжига Истанбулда таъб қилдириб эди. Бухоро ёшлари ани ўрус мустабид элчисининг назаридан яшириб, эшакда хуржунларга юклаб Чироқчи, Яккабоғ, Китоб туманлари сари элиб таратдилар. Энди жаноб Гаспринскийнинг «Дорилроҳат» рисоласи «Маърифат» кутубхонасига келибдир, ани ҳам таратурлар. Сиздек ёшларнинг рағбати зўр. Аъзолардан иона жамғариб, Когондаги Ҳайдархўжабой матбаасида бир жаридан хур афкор, яъни «Турон» газетини чоп этиб, унинг муштарийси учун қушбегидан ижоза олибдилар. Биз зиёлилар «Тарбият ул-атфол» жамияти била қўлма-қўл ишлаб, Хиёбондаги «Маърифат» кутубхонасига, «Баракат» ширкатига аларни жалб этдик. Буларнинг номи дўкон ёки ширкат бўлгани билан, аслида машваратхонанинг худ ўзи. Шулар бари аъмолдир, мулла иним. Бир шай иш қилмаса, бани одамнинг нияти покини қайдан билурмиз?

Гулдўзи маҳси билан кашфи алак кийиб, саллани эшиб ўрайдиган, ранги синиқ, юпқагина бу одамда мунча гап борлигини Файзулло билмас эди. Рўпарасида руҳан бақувват, муроди-мақсадли астойдил кимса турганини фаҳмлаб, унга тикилиб қолди.

– Биз илтижо, дуои хайр билан эмас, тадбири-кор билан бандмиз, Файзуллохўжа, – деб яна давом этди Зухуриддин маҳдум, – Қозикалон Бурҳониддин «муфсид жадидлар фитнаси» ҳақида амирга нома ёзиб, барча янгиликларни, мактабларни боғлаш лузумотини тавсия этган оғир дамларда ҳам, шайхларнинг талъинига қарамай, «Бухорои шариф» газетини, татар мактабларини сақлаб қола билдик. Зулм ва уламога, «рус полис» идорасининг хуфя воқеанависларига қарши шаръий далилларимиз бор. Сайъ – ғайрат умидвор кўнгилларни покламоқда, сафларимизни кенгайтмоқда, мулла Файзуллохўжа. Биз сизни ҳам ўз сафимизга роғиб кўрамиз. У девордан бу деворга уринмоқ етар. Йиғинларимизга қатнанг, кучу имконингизга махраж топарсиз, сиқилган дилингиз кушод ўлғай.

Хўжа Зухуриддин маҳдум бу гапларини ортиқча шовқинсиз, ҳаяжонсиз, ёш суҳбатдошининг ўйларига халақит беришдан қўрққандай, секин гапирди. У гўё ўз ҳасратини айтар, Файзулло эса уни ўз ҳасратидек тинглар, дам юзига нимадир соя солгандек қоши чимирилиб, пешонаси тиришар, гоҳ катта қора кўзлари чарақлаб кетар эди. У меҳмоннинг узундан-узоқ гапларига тайинли жавоб беролмади. Фақат бир нарсани ўйлар эди: демак, барча тўлғонишларини, ички қийноқларини бошқалар ҳам пайқаб қолибди. Чиндан ҳам, у нима қила олди? Беҳисоб мол-дунёдан, Европадаги сердаромад дўконлару, Қизилқумдаги сурув-сурув қоракўл подаларидан, Бухоро ҳукмдорларининг бири бўлишдан, бир умрлик

ярқ-юрқ ҳашамат ичида оёқ узатиб лаззатли яшашдан воз кечишга арзийдиган нима қила олди? Йўқ, у булардан воз кечганига ачинмайди, сира! Бари бир ундай яшай олмас эди. Ўзлигини топа олмаганига ич-этини еб, бари бир адои-нобуд бўлар эди. Ҳозир эса... Йўқ, ҳали у тамом бўлгани йўқ. Унинг кўнглида, кўнглининг қайсидир бир бурчагида ҳамон хира шам ёниб-ўчиб турибди. Мана булар, янги ошнолари ниманидир гапиришяпти, ўқиш, маърифат, мақсад, мактаб ҳақида. У безовта кучларини, фойдасиз пулларни қаергадир сарфлаши мумкин.

Зухуриддин маҳдум ундан тайинли жавоб ололмаса ҳам, кўксига ғулгула сола олганидан қаноат ҳосил қилиб, аста чиқиб кетди. Файзулло бу сафар ёлғиз қолишдан қўрқмади, бу сафар унинг тошиб келаётган ўйлари бор. Улар тутқич бермаса ҳам, ёлғизликнинг азобга айланишига йўл қўймас, ҳамон банд этар эди. Файзулло ўйларини тартибга солиш, калава учини топишга ҳам уринмади, гўё нима биландир бандлигидан мамнун, ўйларини ўз ҳолига қўйди-да, якондозга ёнбошлаб Навоий девонини кўлига олди. Кўлига олди-ю, Зухуриддин маҳдум кўрсатган байтдан нарига ўтолмади. Бошқа ғазалларни ўқиса, гўё тушунмайди, яна ўша байтга қайтиб келади:

Йиллар тутубон шайх мақолатиға гўш,  
На кўнглима завқ етти, на жонима хуш...

– «Йиллар... на жонима хуш...» – такрорларди у, – «Жонима хуш...», «Жонима хуш...»

Китобни ёнига қўйиб, қўлларини ёйганча шифтга тикилиб узоқ ётди. Йиллар бўйи нима излаганини топгандек эди. Негадир руҳи тинчланиб, аъзойи бадани ҳалимдек юмшоқ тортиди-ю, кўзлари уйқуга чалинди.

Қиш ўртасида кун яна исиб, бозор майдонларининг чанги тўзғиб қолган. Осмон қандайдир қизғиш. Минораларда шафақ ёнади. Тонг қоронғисида ўтиб кетган поданинг ҳиди ҳавода муаллақ турибди. Тўрқовоқдаги бедана хонадоннинг аллақачон уйғонганидан дарак бериб сайрар, дон сўраб питирлар эди.

Файзулло дарпардани кўтариб, онасини кўрди. Райҳон биби тоқчаванд хонада саҳарда кириб келган қўшни кампирга чилим пишитар эди. Бу чилимкаш қўшни – келин-кеват кўрган кайвони хотин, вақт-бевақт бошига миёнча лозиманда кўтариб ҳовлима-ҳовли юргани-юрган. Аввал бод хуруж қилгани, тахмондаги сандиқ, девордаги палак сингарилардан гурунглашиб, чилим чекиб ўтириб, сир олади, кейин қаерда бўй етган қиз борлигидан



гап очади. Парпаша паранжилик бу сатангроқ кампирни Файзулло ёқтирмайди. Унинг онажони ҳали ёш, кўҳлик. Файзулло унинг буви бўлишини сира истамайди. Ана, бўғма ёқали баркут гулнимчада, дуррасини дол ўраб, гуркираб ўтирибди онажонгинаси.

Файзулло бет-қўлини ювгандан кейин, қаттиқроқ йўталиб, кайвони кампирни чўчитди. Райҳон биби кўшнисини тезда кузатиб, мулозимнинг қўлидан дастурхонни олди-да, хос хонадаги хонтахтага ўзи нонушта тортди. Пайванди нон, совунак ҳалво, ғилвинди, кадибечак, қаймоқ қўйди. Файзулло кийиниб нонуштага чиққанда елка силаб омонлашаркан, ғилқ этиб ютиниб олди-ю, хонтахтанинг этагида, ўғлининг рўпарасида тиззасини қучоқлаб ўтирди. Улар гап-сўзсиз бир-бирларини тушунадилар, нонушта пайтидаги бу тикилишиб ўтиришлари гўё кечаги изтиробли кечинмаларнинг давоми эди. «Дилингда яна ғулғула, сезиб турибман. Қалайсан, болагинам?» деган савол бор эди онанинг тикилишида. Файзулло ўз аҳволи руҳиясини тушунтириш зарурлигини сезар, нимадан бошлаш, қандай овутишни билмай, беҳафсала нон чайнар, пиёладаги совиб қолган чойни ҳамон айлантирар эди.

– Безовта руҳингиз тинчимни олади, айланай болам. Кўнглига сабру тоқат солгин деб, кечалари худога илтижо қиламан.

– Отам раҳматли ўтганларидан кейин бир зимистон мени қаърига тортди, онажон. Сиз бетоб, мусибатзада эдингиз, сизни деб, фақат сизни деб тоат йўлига кирдим. Хато қилган эканман, мана, нохуш фожиаларга сабаб бўлдим.

– Яна ҳаловатингиз йўқ, энди қайси деворга бориб урилар экансиз...

– Урилсам урилавераман-да, нима кўп, Бухоронинг жинкўчаси кўп, – кулимсиради Файзулло. – Чиндан ҳам, кирмаган кўчам қолмаяпти, бу дунё бир чакалакзорми дейман-да. Таассуфу аттанглар... Хўжа Зухуриддин домланинг айтишига кўра, ҳаёт йўли умидларнинг барбод бўлиш силсиласи эмиш... – яна кулди Файзулло. Унинг иштаҳаси ҳам сал очила бошлади.

– Бу тўлғонишларда қаёққа борар экансиз-да, – деди яна Райҳон биби унинг чойига бир чақмоқ новвот солиб. – Биров бир нима деди деб эргашиб кетавермай, эҳтиёт бўлинг, айланай. Яна шу Зухуриддин домлангизни кўп тилга оладиган бўлибсиз, янги қиблагоҳми дейман?

– Домулланинг идроки равшан, ойи! – деди Файзулло, қора тук қоплаган юпқа лабини сочиқ билан артаркан, ориқ юзида янги бир ҳавас, кўзида ёрқинлик балқиб кўринди. Онаси қўшилиб дастурхонга фотиҳа тортди.

– Мени тушунмайди деб ўйламанг, болам. Сизнинг ойм қиздай уйда ўтириб қолишингизни истармидим. Йигит деган эл бошига тушган ғамни ейди. Боринг, йўлингизни изланг, ўргилай. Лекин мана у янги афанди домлаларингиз... ўзлари ҳам бирбирларига ола қарашади чоғимда.

Бу соддагина гаплардан кўнгли ўсиб кетган Файзулло она кўксига бош эгиб бир эркалангиси келди-ю, йигитлик ғурури йўл кўймади.

Тетик, бардам юриб кўчага чиқди. Кўпдан бери руҳида бундай энгиллик сезмаган эди. Баҳоргидек илиқ қиш эртаси сийрак туманларни кўтариб, кун юзига пардадек тортган. Ҳаво қуюқ, намчил. Эрта-индин ёмғир қуйиб, кетидан сўнги совуқлар тушиши сезилиб туради.

Файзулло калава бозоридан ўтиб Тоқи паррон томонга юрди. Зухуриддин маҳдум бугун ўша ердаги чилангар дўкони ёнида бир мактабдор хатибнинг уйида тўпланишларини айтган эди. Чиндан ҳам, хатибнинг ўзи дарвоза олдига чиқиб кутиб турган экан, Файзуллони таниб, эъзоз билан қарши олди. Қирқма мўйлаблик Порсоҳўжа деган жиккаккина бу одамни Файзулло ҳам орқаворатдан танир, домла завқёб бадиаси ҳамда улуми арабияга мойиллиги билан таниқли эди. Унинг ҳовлиси пастқамгина бўлса ҳам, кўринишдан ўзига тўқ, кўрасида чорхари уйи, ичкари-ташқариси, боғи бор экан.

Бу маҳал машварат аҳли жам бўлиб, Файзуллони келишига ўн чоғли таниш-нотаниш меҳмон ўрнидан турди. Зухуриддин маҳдум янги ёш меҳмонни танитишга эҳтиёж йўқ, деб билдими, ё келишидан олдин у ҳақда гапирганмидийкин, ортиқча мулозимат қилмай, тўрга, ўз ёнига таклиф этди. Файзулло ҳамма билан кўришиб жойига ўлтиргач, даврадагиларга қуллуқ қилиб, яна бир-бир кўз солар экан, ўзининг бу ерда кутилган меҳмон эканини, жонланиш ва ҳаяжонга сабаб бўлганини сизди. Таниганларга бир-икки оғиз сўз қотиб ҳол-аҳвол сўради. Бу ерда у билган одамлардан Зухуриддин маҳдум, Порсоҳўжа домла ва мулла Аҳаддан ташқари, савдо-тижорат аҳлидан Садир макаржа деган одам бор эди. Майдақавиқ тўн, салласиз ҳожи дўппи кийиб юрадиган бу одам бир вақтлар Русияга сафар қилиб, машҳур Макарьев бозорини кўрган, шу билан машҳур, лақаби ҳам шундан. Яна бири, совуқ меҳмонхонада ҳам ёқаси пилталиқ қашқарча яқтак кийиб ўтирган Тўқли мерган деган дов йигит. У ўзи эмас, кўпроқ жавоҳиршунос, катта вақфхўр отаси туфайли машҳур. Умуман насл-насаб билан кексайишни яхши кўради, бобомиз барлос бекзодаларидан бўлган

деб мақтанарди. Лекин ўзи очиқ, соғлом, хуштаъб суҳбатдош. Яна бири – ҳов этакда ўтирган маллақош Солижон. Фарғоналик дейдилар, аммо қаерлик экани номаълум. Говкашонда ижара туради. Гоҳо йиғинларда ликобча чертиб, хонандага усул беради. Мулла Аҳаднинг дўсти, тўғрироғи – мўминтой мулозими, нима деса, худди кўр маддоҳнинг балигўйидек, маъқуллаб тураверади. Йиғинларда бошида қайтоқи жияк дўппи, этакни белбоғига бар уриб, мулла Аҳаднинг измида даврага бажонидил хизмат қилади. У ҳозир ҳам, меҳмонлар ўтириб омин тутиши билан, сакраб туриб, ишга тушди. Эшикдан ҳар кирганда «Ассалом...» деб юриб, катта дастурхон тузади. Унинг сидқидил хизматига ҳамма кўниккан чоғи, ҳеч ким эътибор бермас, фақат мулла Аҳад бу ишларни ўзи қилиб қўяётгандек, очилиб-ёзилиб гап берар эди.

Файзулло даврадагиларнинг бир нечаларини танимади. Бирини «Маърифат» китоб дўконининг мутасаддиси Ҳожи Сирож, бирини Дастурхончи гузарида янги мактаб очган Вафо махзум, яна бирини аллаким дейишди...

У буларни ўйлаб ўтирганда мулла Аҳад аллақачон хонаки гаплардан чиқиб, катта мавзуларга кўчган эди. У ваъзга ўхшаброқ кетадиган дадил, очиқ-тиниқ гаплари билан даврани ўзига қаратди.

– Амир Олимхон Петербургда таҳсил кўрган зуккою зиёлик зот. Жулус фармони биланоқ кўп нарсага ислоҳ бердилар. Амалдорларнинг дарбор аҳлига туҳфа баҳонаси билан ришват беришларин манъ қилдилар. Фарсоқ пулига қарши ҳамда амлок ерларидан олинадиган солиқни камайтириш ҳақида фармони ҳумоюн бўлди. Сарбоз ва умаронинг маоши ошди. Ой бошининг олиғи бекор бўлди. Буларнинг бари янгиликлардан муждадир, муҳтарам афандилар. Илло Ҳисору Қоратегин, Қўлобу Дорбоз вилоятларида фуқаро ушбу тадбиру тавқилдан ҳануз беҳабар. Бизнинг вазифамиз, муҳтарам афандилар...

– Бизнинг вазифамиз, мулла Аҳад, – деди Порсоҳўжа домла ерга қараб, – зоти олийларига мадҳу сано айтиш эмас, балки мактаб ва маърифатни бидъату разолатдан халос этмоқдир.

Бу гап секин айтилса ҳам, мулла Аҳаднинг нутқидан янграб турган меҳмонхона бирдан жим бўлиб қолди. Кекса, билимдон маърифатчи Порсоҳўжа домланинг эътибори баланд эди. Лекин одобдан беҳабарроқ мулла Аҳад яна қайнаб давом этди:

– Насруллоҳ қушбеги ислоҳи мадорис қилдилар: гузар мактабларига маош тайин этилди, ҳадис, тафсир, хуснихат, тажвид муаллимларига рухсати олий бўлди. Амир Абдулаҳад даврида ҳат-

то Русия раъиясида бўлган нўғай мактаблари ҳам боғланган эди, тақсир...

Бетоқат, қизариброқ ўтирган Зухуриддин маҳдум гапни бўлди:

– Насруллоҳ қушбеги амир ва Имом Қулибек билан айш-нўш қиладир, баччабозлик, беданабозлик қиладир, юрту раъиядан беҳабар, сиз эса, мулла Аҳад, уни бизга маърифатпарвар деб таъриф утавдирсиз.

Ҳар оқшом фаҳшиётга беҳадди муайян оқчалар сарфлайлар, – деб ғудранди Тўқли мерган. Унинг овози йўғон гавдасини титратар, кенг кўкрагидан кўтарилиб чиқар эди.

– Аммо биз исрофату ахлоқи разилага қарши чиқиш билан ҳам кифояланмаймиз, – деди Зухуриддин маҳдум. Бу кескин гапни эшитгач, Файзулло ҳам, мулла Аҳад ҳам, Порсоҳўжа домла ҳам унга ағрайиб қараб қолдилар. Яна бир хатарлироқ гап чиқадигандек эди, лекин маҳдум гапини давом эттирақолмади, унинг ўрнига «Ассалом...» деб Солижон кирди, юмшоқ маҳси билан дастурхон ўртасига оёқ кўйди – икки кўлида буғланиб турган шокоса, кобили шўрва тортилмоқда эди. Зухуриддин маҳдумнинг қалтис гапларидан шошиб қолган уй эгаси ҳамма шўрва билан овора бўлганда ўз мавзуида изоҳи дардини давом эттирмоқчи бўлди:

– Мактаб – мадрасада бошвоқсизликни, ўзибиларчиликни барҳам бериш бизим биссаваб иддаомиздир, афандим, – деди Порсоҳўжа домла асосан Зухуриддин маҳдумга мурожаат қилиб, «Сиз рўзнамадан четга чиқиб кетяпсиз» дегандай бир писанда оҳангида. – Мадрасаларда чаламулла ҳадисчию тафсирчилар кўпайибди, ҳар ким «Шарҳи мулло»ни ёки «Матни ақоиб»ни кўйиб, уларнинг хошияларига ёзган ўз шарҳларидан сабоқ берадир. Алҳол, косагаронлик мусофир мавлавий Шамсиддин ўз шарҳу хошияларини жадвалга ҳам киритган эмиш. Ўзбошимча мударрислар хошиячиликни шу хилда авж олдирсалар, ўзга илмларнинг масоили-мақсудасига навбат тегмай қолади, жаноблар!

– Айни ҳақ гапни айтдилар, тақсир, – деб маъқуллади кўли-кўлига тегмай хизмат қилаётган Солижон, – вақфу мансаб толиби бўлган муллалар рутбадорларга сиғинадилар...

Файзулло дам унинг юзига, дам бунинг оғзига тикилади, баъзида кескинлашиб кетган катта муаммолар, гоҳида бир маромда айтилган дардчил, лекин майда гаплар орасида у ҳали бир меҳвар топа олгани йўқ. Кимнинг қаёққа нишаб тортиб кетаётганини кузатиш билан овора. Лекин бир нарса уни тўлқинлантиради: йиғилганларнинг ҳаммасида Файзуллонинг ўз дилидаги ҳаловатсизлик, нимадандир норозилик, ниманидир ўзгартириш, бесабр талпи-

ниш сезилиб турибди. Бу – оғир-енгил, чуқур-саёз, тахир-чучмал олақуроқ гаплар гоҳ мудратиб, гоҳ тетик тортирар, умуман эса унга жуда ёқар, келганига пушаймон эмас эди. Уй эгасининг сўник гапидан кейин Файзулло Зухуриддин маҳдумдан ўтлироқ бир хитоб кутди, лекин бу орада Сади́р макаржа гап бошлади.

– Бухоронинг итини мулла демасанг хафа бўлади, деб ёзибдилар «Мулла Насриддин»да. Дарҳақиқат, чаламулла кўпайиб кетди, – деди у ҳожи дўпписини бир сийпаб қўйгач. – Шаҳримизни қадимда Мадинат ус-суфрия дер эмишлар. Бунда мавлоно Дақиқий, ҳазрат Наршахий-ю Балъамийлар истиқомат қилганлар. Табъ латиflik ҳавас эди. Бани илмки бор, Суқроту Афлотундан, Арасту ва Батлимусдан гап урар эди. Ҳозир-чи? Кулли мазаммат, тақсирим! Қани у буюк зотлар? Қайда у ҳунару тижорат? Қани китоб бозорлари, олиҳиммат саҳҳофлар?!

– Жанобингиз маъкул айтдилар, – деб иш орасида гап қотди Солижон, – бидъатчи шайху қаландарлар босиб кетди Бухорон шарифни...

Зухуриддин маҳдум Файзуллонинг кўзида умидвор савол ифодаси билан ўзига тикилиб ўтирганини пайқади. «Баллигўй»дан бари бир янги гап чиқмаслигини билгани учун унинг сўзини бўлди:

– Жамоат... бугун янги меҳмонимиз бор. Файзуллохўжа афандининг кўнгилларида бу давра гоҳи боғдан, гоҳи тоғдан гап отиб, зиёфат еб ўтирадиган бир улфат экан-да, деган таассурот қолмагай эди. Кимсалар борким, ишимиз маърифат ҳаддидин чиқмаслиги лозим, деб, саъй ҳаракатимизни бесуюк қилмоқ бўладирлар. Дуруст, биз маърифату маорифдан мояи сар олдик, «Тарбият ул-ат-фол» жамиятидан иш бошладик. Аммо, нахотки шу билан қаноат қилиб қола билурмиз? Чароқи, раъиятга биздан не нафъ етди? Биз бу ерда гап урамиз, вилоятларда олиқ-солиқнинг ҳадди муайяни йўқ, ҳар ким олғонча оладир. Қозию раис, ҳокиму додхоҳ, жамики мансаблар сотиладир, сўнгра алар амир ёрлиғини жиғасига суқиб, «дарборға туҳфа» йиғадирлар. Маишатлари байтулмолдан эмас, тугал раъиятдан. Амир рикобига келганларида мешкоб, ноғора-чи, сайс, сурнайчи, ясовул, махрам, ҳадячи, яна аллакимлар учун фуқародан олиқ ундирадидлар. Қурби етмаганлар ҳибс қилинадир, Балжувон, Қовоқлик, Қоратегин ҳибсхоналари тирбанд. Темир йўл ширкати берган муздни бек киссасига солди, таъмирчи ишчилар эса оч-яланғоч қувилди, норозилари ҳибсга олинди. Бекни эса жазолаш ўрнига Шаҳрисабзга раис қилиб кўтардилар.

– Бари нодонликдан, афандим, бинобарин, маърифат... маориф... – оқаринқи раб ўтирган уй эгаси Порсохўжа домла тезда гап тополмай, яна навбатини бериб қўйди.

– Алҳол, маорифнинг ўзида ҳам вазият шул, тақсир: усули жадид мактаблари неча бор боғланиб, неча бор кушод ўлди. Ватан авлоди нўғой қўлида тарбия топса ўрисга қайишгай, дея Бухоро болаларини татар мактабларига ачдирмайлар. Домла Икром ислоҳи мадорис қилиб, ифтитоҳона олиғини бекор этгани учун, синематографни, кўчага тош ётқиизишни ёқлагани учун Пешку туманига «қози қилиб» юборилди. Йўқ, тақсир! Биз ярим йўлдан қайтмағаймиз. Бухоро ва ўзга туманлардаги маслакдошларимиз ила яқдилу вобаста бўлмоғимиз зарур. Шу кунларда мана бундай зиёлик гурунглари Бухоронинг кўпгина ўзга жарибу даҳаларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Уларнинг бошини кўшмоқ учун «Маърифат» кутубхонаси, «Баракат», ширкати дўконларининг эътиборини оширмоқ, тартиб ва таркиботини моддий жиҳатдан заҳираю мадоҳилини тузатмоқ лозимдир. Токи йўқсул фуқаро ҳам, тифлу қария ҳам, аямулла мастуралар ҳам, аллофу ҳуллабоф, наддофу харрот ҳам ҳақ сўзимизга кулоқ оссинлар.

– Ё олло, у тақдирда отабезор шўрапўшлар, ҳар хил ғалаёнчилар ишимизга бош қўшадир, тақсир, нима деяпсиз?! – Порсохўжа оқариб ўрнидан турди. – Амир ал-муслимин кўнглига худо раҳми шафқат солғай, илло Русия мустабид ҳукуматининг Когондаги намояндаси, анинг махфий шўъбаси бизга шафқат кўргузмас! Йўқ, йўқ! Тавба денг, маҳдум афанди!

Уй эгасининг кетидан мулла Аҳад ҳам, Солижон ҳам турдилар. Қолганлар ҳам, нима қилишини билмай, бирпас бир-бирларига аланглашгач, машваратга фотиҳа тортиб, қўзғалишга мажбур бўлдилар. Қутилмаганда тугаган бу йиғиндан мажлис аҳли одатдагидай ўзаро ғала-ғовур гап-сўз, жонли хайр-хўшлашув билан эмас, жимгина тарқаб кетди.

Файзулло ўзини йўқотиб қўйди. Хонадон соҳиби ҳайдаб чиқаргандай, нохуш бўлиб кетаётган шерикларининг қайси бирига яқинлашишни билмасди, уларнинг қайси бири ҳақ, қайси бири ноҳақ – ажрата олгани йўқ. Шундай бўлса ҳам беҳафсала, бепарво эмас, балки ичидан жонланиб, оғир ўйлар оғушида одимлаб борар, ҳаётида қандайдир, руҳига мос безовта бир нима бошланганини сезиб, ўзидан бирмунча мамнун эди. Кўпроқ Зухуриддин маҳдумга раҳми келди. Назарида, унда айб йўқ, ўзи қизиққонроқ шекилли, кескин сўзи билан ҳурматли Порсохўжа домланинг дилини оғритиб, кейин ундан узра сўрай олмади. Файзулло кетишида уни учрат-

моқчи, ҳеч бўлмаса ёнида индамай қадамламоқчи эди-ю, тезлаб жўнаб қолди чоғи, кўринмади. Унинг ўрнига, ёнида Ҳожи Сирож пайдо бўлди, Ғозиёндан қиблароқдаги Қутлуғ маҳаллада турар экан, бирга кетишди.

Ҳожи Сирож Файзуллодан анча ёш катта, собиқ камбағал муллавачча, касал онасини боқиш учун мадрасани ташлаб кетган, ўзи ҳам риштадан кўп азоб чеккан, ўзи заҳилроқ, гавдаси юпқа, лекин кўркам, боодоб йигит эди. «Китобхўр» деган лақаби бор, жадидлар ҳаракатига бош қўшганидан буён «Маърифат» кутубхонасининг маъмури.

– Мадрасадалигимдаёқ кўп хуштавсиф эшитиб, жанобингизнинг суҳбатларини орзу қилганмен, – деди у, йўли бир тушганидан астойдил қувониб. Файзулло унинг ёшига ярашиб тушмаган китобий талаффузини эшитиб, юзига қараб қўйди. «Китобхўр» деганларича бор, афтига ҳам сарғайган китоблар чанги, ўзоқ тунларнинг хира шам ёруғи сингиб қолгандек эди.

– Фақир бугун сомеъ эдим... – деди Файзулло ҳам беихтиёр унинг оҳангига тушиб. Қош қорайиб қолган, онда-сонда бадавлат хонадонларнинг дарвозахоналарида қизғиш фонуслар ёнди, Ҳожи Сирож кеч кириб, ҳозир ажралишиб кетишларидан кўрқандек, шошиб ўз ишларидан гапира бошлади.

– Кутубхонамизга ташриф буюргайсиз, бошим осмонга етадир, хурматли Файзуллохўжа, сизни кутамен. Эҳтиёжингиз бўлса, ҳар хил қадимий китоботдан тортиб ҳозирги хур афкор газетларгача топа билурсиз.

– Кутубхонангиз бойми?

– Биз ёшларни наشري жадида билан қизиқтирамиз. Аввал Истанбулдан, Қирим, Боку, Қозондан анвойи хил жаридаю рисоалар олдиран эдик. «Таассуфки, эндиликда қурбимиз етмас. Маошу мадоҳилимиз фақат ионадан. Мутолаага кўп харис кимсалар келадир, бизда эса муштарийга ҳам музд етмай қолди, ҳатто Самарқанддан Маҳмудхўжа эшоннинг «Ойина» мужалласини олдиришга ҳам қодир эмасмиз... – Улар бирпас жим юрдилар. Икки ёни зах девор, тор, тупроқ кўчаларда от-улов камайган, суҳбатдошлар арава йўлига тушиб олган эдилар.

– Мушкулумиз бугина эмас, албатта, – деб давом этди Ҳожи Сирож, – мен шайхурраис Абу Али ибн Синонинг «Алқонун»и, устод Донишнинг «Наводир ул-вақоеъ»си каби нодир китобларни кўз қорачуғидек асрашга жазм этганмен, илло жавонхонамиз зах. Боз устига, ҳам уламнинг, ҳам дарбор амалдорларининг, ҳам рус

сиёсий гумаштасининг ҳамишалик нафратли ва ғазабнок назари остидамиз. Хуфя воқеанавислардан ҳам тинчу амниятимиз йўқ.

Овози хастаҳолроқ эшитилдими, Файзулло яна шеригига қараб қўйди. Ҳожи Сирожнинг лас салласи кирроқ, бўйни ингичка, юпқа гавдасини чопонга буркаб, олдинга эгилганча юмшоқ одимлар эди.

– Маошингизга қонъемисиз, Сирож афанди?

– Камина моддий муҳтожликка кўпдан кўникканмен, мулла Файзулло. Илло дард кийноғига сира кўникмадим. Кўп йиллардан буён сирховмиз, айниқса, онамнинг сиҳати қаддимни дол қилиб қўйди. Мадрасадан бош олиб кетарда табибликни ҳавас қилдим, ўз қурбим била табобат илмига етмоқ бўлдим. Таассуфки, тақдирнинг зарбалари кўп экан, омадим чопмай, соғлиғимни йўқотдим-у иддоам ушалмади. Менинг устозим ҳам бор эди, Файзуллоҳўжа, худо уни ҳам кўп кўрди. Вақтингиз топиб сизга барини ҳикоя қилиб берсам дейман.

– Йўқ, Сирож афанди, сиз ҳозир гапиринг. Онангиз нима касал?

– Ришта. Ришта, мулла Файзулло. Ўзимизнинг Лабиҳовуз сувида жон сақлаб, бутун эл-юртга таҳдид солиб турган мудҳиш дард. Менинг онамдек бенаволар ҳар эшикда бор.

– Лабиҳовуз?

– Ҳа, Жарсумаи ришта ҳовуз сувида яшайди, тақсир.

– Сиз буни қаёқдан биласиз?

Ҳожи Сирож энди қадамини секинлатиб астойдил ҳикоя қилишга тушди.

– 1893 йилги вабо ўлатидан сўнг яна кўп хавфли хасталиклар фуқаронинг тинкасини қуритди, у вақтларни сиз эслай олмасангиз керак. Кейин эса Масковга кетиб қолдингиз. Ана ўша йиллари Петербурғдан бизга бир тиббий тафтиш келди. Унинг ҳайъатида рус илми – донишнинг эътиборли намояндалари бор эди. Улар Бухоронинг кушхоналарини, обрезу каллапазликларни, ҳовузу зовур сувларини тафтиш қилиб, кўпгина озодалик тадбирлари ҳақида амир ҳукуматига таклиф илова этдилар. Ҳовуз сувларини оинаи хурдобинга, олати адасага солиб, унда кўп жарсуман мавҳума борлигини, риштанинг ичар сувимизда урчишини исбот этдилар. Хонадонларга кириб хасталикларнинг сабабларини тушунтирдилар, дардмандларни даволадилар. Мени ўша маҳал риштадан халос этган мўйсафид бир табиб, зеҳну қизиқишларимни ёқтириб қолиб, уч ой кулбамизга қатнади, каминага муаллимлик қилди. Унинг исми шарифи – Ульянов Владимирович Соломенцев эди. Ҳали устоз деганим ўша зот. Файзуллоҳўжа ука, сиз ҳам ўрис домлалардан тарбият топгансиз, мени тушунинг: ўша мўйсафид рус табиби



менга бир отадек мурувват кўргиздики, то охират унутмагаймен. Тиб илмининг қадимасини ўргатди, қудратини уқтирди, китобга майлимни бурди. Афсуски, уч ой ўтар-ўтмас уни, тафтиш ҳайъатининг барча аъзоларини ҳам Бухородан ҳайдаб чиқаргандек беобрў қилиб жўнатдилар.

– Қандай?

– Шаҳарда озодалик тадобири учун харжга киришни истамаган амир ишни мутаассиф уламоларнинг фатвосига боғлаб қўйди. Уламо эса, бу асрори ғойиб, дея жарсумаи мавҳумага ишонмади, атар бўлса кўзга кўринар эди, мабодо жонли нарса бўлса ҳам худонинг яратганидир, анга қирон солмоқ ғайри-шаърий; амири муслимин бундай гуноҳи азимга изн бермагайлар, яратувчи ҳам олло, шифо бергувчи ҳам, деб тафтиш тадбирига фатво бермадилар. Тиб олимларини «лўттибоз» деб, кун кўргизмай қўйдилар, рус элчихонасининг сиёсий гумаштаси уларнинг тезлик билан жўнаб кетишини маслаҳат кўрди.

Шундай қилиб, устозимни қайтиб кўриш менга насиб қилмади. Табобатни қасд қилиб, китобга муккамдан кетдиму бир йилда саломатлигимни йўқотдим, тақсир. Бу орада онам шўрлик риштага чалинди. Ҳозир у кишининг сиҳатлари бир ҳолатда.

– Бу тафсилотларни сиз нечук биласиз?

– Ульян Владнмирович менга микробларнинг (устоз ҳам унинг ҳамроҳлари жарсумани шундай деб атар эдилар) бутун табиати ва сиру асрорини тушунтирди. Албатта, табиб бўласан, дерди. Агар келажакда катта табиб бўла қолсанг, мана бу ҳужжатлар сенга эҳтимол кор келиб қолар, деб тафтиш ҳайъати тузган жамики хулосаларнинг бир нусхасини менга қолдириб кетган. Шуларни ўқиб ҳам кўп тафсилотларни англадим.

Файзулло бу гапларга ишонқирамагандек, қадамини секинлашиб, йўлдошининг юзига боқди.

– Бу – Бухоронинг тарихидан бир шингил, Файзулло иним, – деди Ҳожи Сирож «ишонаверинг» дегандек ғуссали овозда.

– Бу – унинг машъум фожиаси, тақсир... – деди Файзулло қоронғиликка тикилиб. Кейин улар андак жим юрдилар. Қутлур гузарига етганларида Файзулло бирдан:

– Сирож афандим, ўша ҳужжатларни бир муддат менга бера олмайсизми? – деб қолди.

– Бажонудил. Алҳол, мана, кулбаи нокомимга етишдик. Айни муддаом эди – остонамни равшан қилурсиз. – Ҳожи Сирож кўча эшикни очиб, кўримсизгина ҳовлига бошлади. – Буюринг, мулла.

Қоронғида эчки терти, таппи ҳиди келди. Бостирма ёнидан ўтиб, айвонсиз даҳлизга киргач, уй эгаси лампа чироқ ёқди. Икки ёнда икки эшик. Ҳожи Сирож бошлаган қорасувоқ хонанинг шифти баланд, лекин зах эди. Даҳлиздаги чироқ шуъласида девор бўйи тоқчалар тўла сарғайиб кетган китоб, қоғоз, тўрдаги бурчакда чарм, муқова, қайчи, пичоқ, китобот исканжаси кўринар, совуқда каноп ва сиранчининг ёқимсиз ҳиди анқиб турарди.

– Отам раҳматликдан қолган дўкон-дастгоҳ. Тирикчилик туфайлидан, қўл теккан пайтлар муқовасозлик қиламен, – деди Ҳожи Сирож сандиқдан катта тугун олиб, тиши билан тортиб ечаркан. Бу хонада ўтириш ёки узоқ қолиш имкони йўқ эди, жой ҳам – сиёҳ тўкилган хонтахта ёнида – бир кишиликкина. Шунинг учун мезбон қистамади, меҳмон ҳам тикка тураверди.

– Мана, ўн-ўн беш йилдан буён авайлаймен, сўрағувчи бўлмади. Бинобарин, сизга мамнуният била топширадирмен, – деди Сирож «китобхўр» тугундан йиллар захида ҳилвираб тўкилаёзган сариқ қоғозлар ўрамани олиб Файзуллога тутқазаркан.

– Энди волидаи муҳтарамангизнинг дуоларини олайлик, – деди Файзулло қоғоз ўрамани эҳтиёт билан қўйнига солиб. Улар яна даҳлиз оша нариги хонага ўтдилар. Бу ер иссиқ, кўрпа остида танча бозиллагани билиниб турар эди. Бу уйни ҳам ёритган даҳлиздаги чироқ беморни уйғотган экан чоғи, ичкаридан:

– Қадамнингизга ҳасанот, меҳмон... – деган заиф товуш эшитилди. – Танчанинг чўғи бор, чойгун қўйвор, болам.

Файзулло аввал бу сўник овознинг қайси томондан чиққанини фаҳмлай олмади. Кўзи ғира-ширага кўниккачгина, бурчакдаги сандиқ ёнида увада кўрпанинг қимирлаганини пайқади. Унда хаста она кичкина бола сингари, жиндаккина бўлиб, негадир чалароқ бурканиб ётарди: латта-путтага чулғанган оёқлари очиқ, болдирида, товонида оқ ип ўралган ёғоч чўплар кўкиш гўштиданми, суягиданми ўсиб чиққандек санчилиб, атрофи йиринг босиб ётарди. Беморнинг мурда нуқси урган қоқ юзида шафқатсиз бир сабрсизлик қийноғи сезилар эдики, зах хонада совуққотмаган Файзулло бу иссиқ уйда қалтираб кетди. Тиззасида дармони қуригандай, танча четига чўкиб, кампир билан бирга юзига фотиҳа тортди-да, чиқишга шошилди. Чойгун қўйдирмади, онага шифо-ю сиҳат тилаб, ўрнидан турди. Беморнинг юзидаги азобли бетоқатлик гўё уни қаёққадир қувмоқда эди.

– Бирон даво оладиларми? – сўради Файзулло кузатиб чиққан уй эгасидан.

– Чори сартарош қараб туради.

– Сартарош?!

– Ҳа. Бу касални даволаш сартарошларнинг хунари бўлиб қолган. Баъзи сартарошхоналарга борсангиз, отнинг қилидай дасталаб осиб қуритилган ришталарни кўрасиз. Беморлар ўшандай дастаси мўлроқ сартарошларга мурожаат қиладилар. Онамнинг товонларидаги чўплар Чори сартарошниги. Икки-уч ойда бирини ўша чўпга ўраб тери остидан суғуриб чиқаради. Узилса бўлмайди, баданда қолиб оёқни чирита бошлайди. Тошма тошиб, бўғма хурж қилади. Қичимасининг азоби оғир, лекин қашиса бўлмайди – газак олиб яна танозил бошланади...

Файзулло баданида совуқ ҳовур сезиб, тезлаб борарди. У кузатиб кетаётган шеригининг гапини эшитмай қўйди, негадир бояги сўзларини эслади: «Менинг онамдек бенаволар ҳар эшикда бор». Файзуллонинг кўзига ўшандай даҳшатли манзара кўриниб кетди: ҳар эшикда сочи оқарган оналар, ожиз қариялар, гўдак болалар мурдадек оқариб, товонлари чириб ётгандек туюлиб кетди. У бундай таассуротдан, ҳамон ниманидир гапираётган Ҳожи Сирождан тезроқ ажралиб кетгиси келар, қочиб қутулишни истар эди. Муюшга етганда шошиб, сўзсиз хайрлашди. Қутлуғнинг жинкўчаларидан тез юриб ўтди. Лекин ич-ичига ўтиб кетган совуқ титроқдан, оғир ҳолатдан, тўғрироғи – ўз-ўзидан қутулиб кетолмади...

Унинг эрта кетиб кеч келишидан ҳамиша хавотир олиб ўтирадиган Райҳон биби ўғлининг ранг-рўйини кўриб чўчиб тушди. Руҳини эзиб турган бутун оғирлик қўйнидаги сариқ қоғозларда яширингандек, Файзулло ҳужжатларни дастаси билан олиб токчага ирғитди. Ўзи ҳам ҳайрон эди: нега буларни сўраб олди-ю, нега уйга олиб келди? Неча йиллар аввал ўтиб кетган воқеа-ку, ахир!

Неча йиллар ўтиб кетган-у, оқ сочли аёл увода кўрпада жиндак кина бўлиб ҳамон инграб ётибди... Унинг бўғма азобидан буришган қоқ юзи Файзуллонинг кўз ўнгидан кетмайди. Ўз онасининг ҳали ёш кўринган, соғлом қизиллик балқиб турган оқиш дози унга илгаригидек қувонч эмас, қандайдир андишали бир ўксик туйғу бағишлайдиган бўлди. Гоҳо ювинаётиб обдастадаги сувга тикилиб қолади. Кўчадан ўтган мешкобчилар унга ҳовузлардан ҳовлима-ҳовли мудҳиш касаллик микробларини ташиётгандек туюларди.

Токчадаги сариқ қоғозлар ҳаловатини тамом ўғирлаган эди. Гоҳо уларни олиб, кечалари билан тикилиб, такрор-такрор ўқиб чиқади. Ўз уйи ғурбатхонадек туюлиб, эрталабдан кўчага отилади. Чанг босган бўм-бўш кўчалар, минг йиллик мудроқ тирикчилик, бўғиқ муҳит юрагини сиқади. Кимгадир гапириб, кўнглини бўшатгиси, шовқин-суронли суҳбат эшитгиси келади, бир-бирига

қовушмаган бўлса ҳам ошналарининг бесаранжом гурунглари ўзига тартади уни. Шунда нажот топгандек бўлади.

Энди бу йиғинларда у ўзини томошабиндек ҳис қилишни, уни шунчаки навқирон боймулла деб ҳисоблашларини хоҳламас эди. Ўзгалардек мавқели, баҳсларда ўз овозига эга бўлиб, иши, фикри билан улуш қўшиб, қиттак бўлса ҳам тасалли топишни истар эди. Шунинг учун «Ширкат» дўконининг ичкари ҳовлисидаги чойхонада бўлган бир йиғиндан кейин Файзулло Зухуриддин маҳдум билан бирга қайтаркан, ўз ҳолатидан сўз очди:

– Боқудан, Қозондан, Боқчасаройдан келадиган кўпгина рисола-ю мужалланинг муштарийсига «Маърифат» кутубхонасининг қурби етмай қолибдир, деб эшитдим. Фақирингиз шуларни яна баъзи китобу жаридани олдирмоқ учун харжга кирсам ижозангиз бўлурми, Зухуриддин афанди? Адашган кимсадек ионасиз юрмагай эдим қаватингизда... – деди у маҳдумга катталардай жиддий қараб.

Ҳўжа Зухуриддин мамнуниятини яширмади.

– Биз бу ҳимматингизни кутган эдик, Файзуллоҳўжа, – деди у руҳланиб. – Зеро, иона атамоқ анчайин мурувват эмас, балки маслақдошлик изҳор этмақдир. Алҳол, ҳаракатимиз харжи-мадоҳилга кўп муҳтож. Кутубхона эҳтиёжларидан бўлак, боз ундан муҳимроқ сарофатимиз бор. Когондаги Ҳайдархўжабой матбаасида усули жаҳид мактаблари учун тартиб этилган янги дарсликларимиз, уламанинг нобажо фатволарига, ахлоқи разилага қарши ёзилган икки рисола ва «Аввали илм» номли китобимиз камхаржлиадан таъ қилинмай ётадир. Сиз, мулла иним, ионангизни ана шуларга бахш этсангиз дуруст бўлур.

– Мен буларни ҳам, кутубхона харжларини ҳам зиммамга олурмен, Зухуриддин афанди, – деди Файзулло.

– Орий, ундай бўлса, келгуси издиҳомда...

– Йўқ, афандим, мени бу вайҳдан издиҳом хижолатига солмангиз... Мутасадди кимсалар билан камтарона иш тутсам ярашуғли бўлур.

– Ҳай, – деди Зухуриддин маҳдум, тушуниб мамнун жилмайди. – Матбааю чопикарда билан Порсохўжа домла шуғулланадир, кутубхонада эса Ҳожи Сирож афанди... шояд, улар билан танишсиз.

– Шундай, маҳдум.

Сўнгги сўзларидаги қатъият ва ишчанлик Файзуллонинг ўзига ҳам ёқди. Энди у ўзини шерикларига сафдош ва тенгқурдек ҳис этар эди. Иккинчи қуниёқ матбаа ва кутубхона мутасаддиларини топиб, жамиятнинг молиявий муаммоларини обдан енгиллат-

ди. Дарсликлар қисман босилгану қарз-ҳавола учун ҳибс қилинган экан. Порсоҳўжа домла уни аравага ортиб келиб, кутубхонада муаллимларга улашди ҳам. Кўп ўтмай кутубхонага Самарқанддан, Уфадан, Истанбулдан газета за китоблар кела бошлади.. Когонда Дониш, Исмоил Гаспиринский ва домла Икромнинг рисолалари чоп этилди. Ёшларнинг оғзи қулоғида, зиёлилар орасида Файзуллохўжа ҳақида ғовир-ғувур гап, «Маърифат» ҳам, «Ширкат» дўконлари ҳам гавжум, ҳамма ёқда бирдан жонланиш сезилиб қолган эди.

Файзулло эътибори ортганини кўриб, ўзида фавқулудда дадиллик сезди. Илгари узоқ маҳаллаларда, мактабдорларнинг кўрimsиз ҳовлиларида бўладиган майда улфатчиликларга қатнашувчи, «масалачи» ёшлар энди Файзуллохўжа иштирок этадиган гурунгни таниб келишар, шу билан кўпчиликнинг боши кўшилиб, катта мубоҳасалар бўлиб турар эди. Ёзнинг куни «Маърифат» қироатхонасида бўлган шундай бир йиғинда Файзуллохўжа ўзи пишитиб юрган катта муаммони ўртага ташлади.

Бу гал даврада унинг яхши таниш маслакдошларидан ташқари, «Бухорои шариф»нинг муҳаррири Мирза Муҳиддин, истанбуллик меҳмон Солиҳ афанди, унинг ошноларидан гавкашонлик Абдулаҳад қори, Бурҳони Ғулжалик деган одобли зот ва кўпгина танишу нотаниш мактабдор, маърифатчи муаллимлар бор эди.

Одатдагидек, Солижон югуриб-елиб чой таширкан, мулла Аҳаднинг гапларини маъқуллаб луқма ташлайди, қироатхона тор, дим, нос туфлагани ҳам жой йўқ.

Файзуллонинг бугун сўз айтишга тайёрланиб келгани сезилиб турарди. Эғнида соддагина, енгил, янги шойи тўн, бўйни сал ингичка бўлганиданми, мисқоли салласи бошини каттароқ қилиб кўрсатар, соқол-мўйлаби сабза уриб қорайиб қолган қорача юзида жиндак тоқатсизлик сезиларди. Зухуриддин маҳдум унинг ҳаракатининг моддий таянчигина бўлиб қолишни истамагани, бошқа ишларга ҳам идроки етишини сезиб, бошқалар қатори оғзига тикилганча ўтирар, ҳамма жим эди.

Файзулло ўтирган жойида хонтахтани ўзига яқинроқ тортиб, Ҳожи Сирождан олган сариқ қоғозларини ёйиб ташлади. Рус олимларининг тиббий тафтиши натижасида очилган даҳшатли далилларни, уларнинг хулоса ва таклифларни бир-бир таржима қилиб, Бухоронинг мудҳиш, ғайри саҳҳий ҳолатини жамоатнинг кўз ўнгида шундай жонлантирдики, ўтирганларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бу гўё кутилмаган янгиликдан, биров ишонмас, биров ҳайратда ёқасини ушлар, биров ваҳимага тушган эди.

– Мана шундай, жамоат! – деди Файзуллоҳўжа. – Йиллар ўтиб кетибдир, аммо ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Ўша-ўша бадбўй кушхона-ю ёмхоналар, мудҳиш хасталиклар манбаи бўлмиш қуртли обреза каллапазликлар, ҳовузларда, зовурларда ўша-ўша жарсумаи ажал – микроблар яшаб, урчиб турибдир, ҳар хонадонда бедаво дардга чалинган бева-бечора-ю етим-есирлар худодан ўлим тилаб ётадир. Токай бу алфозда қолурмиз? Ўзга элу элат қошинда шаънимизга иснод тушмасму? Маҳлуқ ёки ҳайвон эмас, инсон зотидирмиз, Мажусий ёки бадавий эмасмиз, давлатимиз бор, жаноблар! Олиму фузало катта бошини кичик қилиб, Петербурғдан келиб хавф-хатар остида бизга нажот кўргизса-ю биз нобакорлик қилиб, аларни таҳқиру мазаммат ила қувсак, ўз қадримизни билмасак, бундай жаҳолатни қаю замонда кўргансиз?!

– Бу масалани қайта кўзғаш лозим, амир ҳукумати шаҳар орасталиғига сармоя ажратсин! – деб қичқирди бир ёш муаллим. Порсоҳўжа домла шошганча палосни кўтариб, носини туфлади:

– Уламонинг фатвоси бор, кўлимиз боғлиқ, афандим, – деди ҳалиги йигитга қараб.

– ...Биламиз, тақсир, – деди Садир макаржа ҳожи дўпписини сийпаб яна кияркан, – касаллик худодан, очлик худодан, нодонлик худодан, микроб ҳам худонинг маҳлуқоти, ўлим ҳам худодан, оёқни узатиб жон таслим қилаверинг қолди, холос. Уламонинг фатвоси амир ҳукуматига жуда қўл келган! Керак бўлганда бизда бундай фатволарни катта пулға сотиб олса ҳам бўлади.

– Худога, ҳукуматга тил тегизмайлик, акаси... Баҳс бир нав мавҳум ҳашарот важҳида борадир, – деди Порсоҳўжа домла.

Чой ичиб, қора терга ботиб ўтирган Тўқли мерганнинг ҳам бу гапга энсаси қотди шекилли, мешдай гавдаси билан бир тебраниб қўйди. Йўғон овози қироатхонанинг пастак деразаларини зирқиратди:

– Амир Абдулаҳад замонида Пешку ҳам Карки туманларини чигиртка босган эди. Ўшанда ҳам уламо «Чигиртка худонинг маҳлуқоти», деб ўт қўйдиртирмаган. Дала-тузни, боғ-роғни кўк офат қиртишлаб ямлади-ю деҳқонлар қирилиб кетди.

Орқадаги ёш муаллимлар орасидан заҳил юзли Ҳожи Сирож «китобхўр»нинг кир салласи кўринди. Унинг отаси ўша йили очликдан ўлган эди.

– Замонида, – деди у, – бобокалонимиз Абу Али ибн Синони ҳам шул важҳдан айблаган эдилар. Яъни худо берган дардини ўзи оладир, деб. У зотни-да кофиру имонсиз дея мазаммат қилган эдилар.

Аммо маълумингизким, ул шайхурраис фикху ақоидда фозил эдилар, рубоида мундоқ демишлар:

Мени таъриф этарга ўз дилимдан ўзга султон йўқ,  
Бу дунёда менинг пок имонимдек асло имон йўқ,  
Мусулмонликда мен бу рубъи маскун ичра танҳомен,  
Агар мен кофир эрсам, бу дайр аро ҳеч мусулмон йўқ.

У рубоийни шундай қироат билан хониш қилдики, ҳозирунлар, азбаройи шавқ, қийқириб юбордилар:

– Бале, Ҳожи Сирож!

– Офарин!

Шовқин авж олиб кетди. Шайхурраиснинг мисраларида уламога очиқ-ойдин зарби-ҳай борлигини билимдон зиёлилар ҳам энди пайқадилар чоғи, завқиеб жонланишга қўшилмаган кимса қолмади.

– Жамоат! Жамоат, – дея пиёлани чертиб, Садир макаржа олағовурни зўрға босди, – Файзуллоҳўжа муддаоларини арз этсинлар ахир!

– Ҳа, ҳа, айтсинлар, чикор қилмоқ зарур?

Файзулло хужжатларни бир қўлига тутамлаб баланд кўтарди:

– Аввало олимларнинг ушбу хулоса ва таклифларини газет орқали раъиятга ошкор қилмоқ лозим! – деди у. – Сўнгра, рус давлати муаззамасининг Бухородаги элчи маъмури Мюллер жанобларига, амир Саид Олимхон зоти ҳумоюнларига бу ҳақда баённома ёзиб уни ҳам афкор оммага етказмоқ даркор.

– Ким номидан?

– Қандай?!

Яна сурон кўтарилди. Бу сафар шовқинни йиғин бошлангандан бери бош эгиб жим ўтирган Хўжа Зухуриддин маҳдум енгил томоқ қириш билан бостирди. Унинг овози баланд эмас, лекин кескин, бирдан чўккан бесабр жимликда ҳаммага эшитиларли эди:

– Бари беҳуда, жаноблар, – деди у, ўтирган жойида олдидаги пиёлага тикилиб. Жонланиб турган юзларга қўланка югурди, ҳамма ҳушёр тортди. – Ҳа, бу ҳангома бари беҳуда. Жарсумаи ажални дафъ этмоқ учун аввал ҳақиқий микробларни, яъни масалан, жоҳил уламою талончи амир амалдорларини йўқ қилиш зарур. Бизим душманмиз – инсон қиёфасидаги ана ўша микроблардир!

Бирдан чуқур жимлик чўкди. Худди ҳозир қироатхона портлаб кетадигандек, нафас ютиб, ниманидир кутар эдилар.

– Ё тавбаи истеъфор! – деди кимдир ваҳимали паст овоз билан.

Солиҳ афанди билан Бурҳони Ғулжалик бир-бирларига қарадилар. Кейин иккаласи ҳам Абдулаҳад қорига, Порсоҳўжа домла-

га кўз қирларини ташладилар, кўплар, бошига тўқмоқ тушгандек, гаранг эди.

Аввал Абдулаҳад қори ўрнидан туриб банорас тўнининг этагини қоқди, унинг кетидан одоб билан Бурҳони Гўлжалик, қизил фас кийган Солиҳ афанди эшик томон юрди. Яна бир-иккиталар туриб уларга эргашганда Порсохўжа домла ҳам ёнидаги саллалик қарияга «Намози пешин қазо бўлмагай эди, тақсир», деб, секин туриб чиқиб кетди. Қироатхона аста бўшамоқда эди. Онда-сонда чордона куриб, бўйрага тикилиб ўтирган Садир макаржа-ю Тўқли мерган, оёқда Ҳожи Сирож ва бир нечта ёш муаллим, иккиланиб у ёқ-бу ёққа аланглаётган Мирза Муҳиддин остонада негадир тикка турган мулла Аҳмад билан Солижон қолган эдилар, холос.

Бу вазиятга бепарводек ўтирган Зухуриддин маҳдум жимликда пиёлани тўлатиб аччиқ чой ичди.

Анчадан кейин Файзулло унга яқинроқ силжиб ўтирди-да, бош кўтармай сўради:

– Жанобингиз бу навъ нифоқни ҳар машваратда кўзғайдилар... Ҳаракатни пароканда этиш, ёхуд батамом тарқатишми иддаонгиз?

Зухуриддин оғир солган бошини нечукдир кескин буриб, Файзуллога ўтқир қараш қилди.

– Сиз мендан бузғунлик гумон қиласиз, Файзуллохўжа. Ул тақдирда сабаб нимадирким, ана улар билан бирга чиқиб кетмадингиз? Файзулло унинг занглаган темирдек ёқимсиз жаранглаган товушини танимай қолди. Ўзим сабаб бўлдимми, дея сўзини юмшата тушди.

– Кўпчиликнинг бошини бир жойга қўшганимизда, мавридими эдиким, дағал сўз ва таҳдид ила сомеъни чўчитсангиз маҳдум?

– Мен сизнинг далилларингиздан хулоса чиқардим, холос.

– Ҳар шайдан сиёсий хулоса...

– Бари бир, эсликлари оқибат шунга келадилар. Этлари ўла турсин.

– ...ана акун таралиб кетдилар, муродингизга етдингиз. Атай қиладирсиз...

Зухуриддин кўксида ловуллаган ўтни сўндирмоқчи бўлгандай, яна босиб совуқ чой шимирди.

– Кўриб турибман, сиз ҳам ҳақиқатдан чўчийдигансиз. Лекин фақир кўрмайман, яланғоч сувдан тоймас. Менинг йўқотадиган миллионларим йўқ, бойвачча.

Астойдил кўнгил қўйган бирдан-бир кишисидан бундай гапни эшитиш Файзуллога тиғдай оғир ботди. Айниқса бу ошнолар ора-



сида «бойвачча» деган мурожаатни унутаёзган эди. Бирдан таянчини йўқотгандек, бўшашиб қолди, тилига сўз келмади.

Бир зумдан сўнг эса яна вужуди ўт олгандай, нимадир уни ўрnidан даст кўтарди-да, чакка томирлари лўқиллаб, эшик томон шоширди. Ҳалиги казо-казолар сингари даврани ташлаб чиқиб кетганини кўчада пайқади-ю, орқага қайтишга энди бўйни ёр бермас эди. Гўё мажруҳ бир ҳолатда хиёбондан чиқиб, Ғозиён томон йўл олди.

1914 йилнинг ёзи ниҳоятда чўзилиб кетди. Таквимда куз кирганига анча бўлса ҳам, на кўкда парча булут, на ёғин-сочин. Қурғоқ ёзнинг тинкани қуритадиган чанг-тўзонли жазирамаси ҳали давом этмоқда.

Ҳамма нарса жонига теккан Файзулло обоғая тоғойиларини эслайди. Ҳали у баҳс, ҳали бу ўй билан андармон бўлиб, неча вақтдан буён Ромитанга ҳам боролгани йўқ. Бу қурғоқчиликда қишлоқларни яна қум босдими ҳали... Шаҳобиддин говжигар, Нуриддин тоға, Кўшмоқ тоға, Шоди-бедод билан чўтир Ҳамза нима қилиб юришибди экан? Шўрлик Мўминшо-чи?

Файзулло чўтир Ҳамзанинг нолакаш, лекин ўйноқи ва сербезак гапларини хотирлайди. «Ҳа, шаҳар ёнмагунча дарвишнинг кабоби пишмас. Қум босди-ю, мана баримиз хунарли бўлдик, жиян. Тирикчилик экан, гилкорлик қиламиз, супурги бойлаймиз, янгаларингиз зеҳидўз, бирёнгар...» «Ҳа-да, жиян. Сўфи сўғон ер, топилса йўғон ер. Қафсан дейди, ҳаққулло дейди, даҳяк, молият, ҳирож... Солиқ деб келган амлақдорнинг ўзи ҳам адашиб кетопти ҳозир...»

Бунга икки йил бўлди. Энди-чи, энди тирикчилик қалай экан? Ўша аҳволга яна яқинда бошланган гермон муҳорибасининг ваҳимаси ҳам қўшилган бўлса, тоға-янгаларнинг куни нима кечди? Кейинги вақтда бу муҳорибанинг таҳликаларидан кўп гапиришадди. Фарғона-ю Самарқандда ёппасига мардикор олармиш, эл-юртда танглик, қаҳатчилик, қурғоқчилик, очлик... Ҳеч ким тушунмайди: бу қатли ом оқ пошшога шу чоғли зарур келибдимикан?

Буни Зухуриддин маҳдумдан сўраб билиш мумкин эди ю, лекин, аввало, у киши албатта: «Сийёсатга даҳл қилмайлик демаганминдигиз?» дея ачитиб киноя қилиши бор, иккинчидан, Файзулло хайрлашмай чиқиб-кетиб, уни қаттиқ ранжитди. Ҳозир уни излаб борай деса, Маҳдумнинг «Бари бир, эс-хушлилар, оқибат, сиёсатга келади», деган гапи ҳам ҳақ чиқаётгандай бўлади. Шуларни ўйлаб,

Файзулло мана неча ҳафтадан буён уйдан чиқмай, ичини ит тата-  
лаб, ўзини қаёққа қўйишни билмай ўтирибди.

Кунлардан бир куни намоз асрдан кейин қутилмаганда Ҳожи Сирож кириб келди. У ҳовлиққан, заҳил юзига ноҳўш қизиллик югурган, ғижим қийиқчаси билан нуқул бўйнини артар эди. Шом қоронғисида тубсиз ўйга чўкиб ўтирган Файзулло қўвонганидан сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Маҳдум йўқлаяптилар! – деди Сирож «китобхўр» аликни ҳам кутмасдан. Ўзи остонадан бери ўтмади. – Фавқулудда мужодала бўлар эмиш, жадал юрар экансиз, боймулла.

– Маҳдум ўзлари-я? Чинми? Фавқулудда? Қандай? Нега? – дея сўроқларни қаторлаштириб, этикни оёғига торта бошлади Файзулло. Ҳожи Сирож ҳансираганча, бўйнини арта-арта елкасини қисди.

Бир дақиқадан кейин улар кўчада шошиб борар эдилар. Файзулло «Фавқулудда» дегандан хавотир олиб ҳаяжонланса ҳам, Зухуриддиннинг ўзи чақириб қолганига қувониб, салласининг печини ҳилпиратганча катта-катта одимлар, зўрга етиб юраётган Сирожни ҳамон сўроққа тутар эди:

– Ўзи кайфиятлари қалай... Маҳдумнинг?

– Хавотир олманг, у киши сиздан гинагун бўлмайдилар. Ундоқчикин одам эмаслар, – деди Ҳожи Сирож Файзуллонинг кўнг-  
лидагини уққандай. – Аммо лекин, ҳов бирда у кишига аччиқ-олуд гап уриб беҳуда килдингиз.

– Ҳай?

– Ҳа.

– Нечун?

– Нечунким, Маҳдум ўша куни қишлоқдан мактуб олган эдилар.

– Қандай мактуб?

– ...қонли мактуб, боймулла. Қиблагоҳлари қонли кўз ёш билан битиб экандир. Бош эгиб, мусибатни ичларига ютиб ўтирганларини фаҳхламадингиз.

– Қишлоқда...

– Қишлоқда ғалаёнчи шўрапўшлар Қоратегин ҳокимини ўл-  
диришибди. Шу важҳдан ҳукми куш этилган тўрт гуноҳкор ичи-  
да Маҳдумнинг якхун биродарлари ҳам бор эмиш. Қиблагоҳлари  
шундан огоҳ этибдилар.

Файзулло кўзларини пирпиратиб қолди.

– Эвоҳ! Мен ғофилга ўшанда нечун шипшитмадингиз?! – деб оёқлари чалишаётгандай, қадамини секинлатди; тез юрганиданми, аламданми – манглайига қайноқ тер қалқди. Тўхтади. – Чакки бўлибди... – дея ерга қаради.

Шу-шу, кутубхонага етгунча бош кўтармади, сўз айтмади.

Ажабки, қироатхона яна лиқ тўла эди, ўтган сафар даврани ташлаб чиқиб кетганларнинг ҳам кўпи яна шу ерда. Лекин кўпчилик тикка турибди, чой-нон ҳам йўқ, ҳамма безовта кўринар эди. Солижон эса дастурхон тузаш ўрнига, ташқари эшикда дидбондек турибди.

Файзулло Зухуриддин маҳдумдан кўнгил сўраш, узр ўтинишни дилига жойлаб келган эди, бунга фурсат ҳам бўлмади: бу гал оддий дўппи, кўн этик кийиб келган Маҳдумнинг юзи одатдан ташқари унниқиб кетган, жиддий эди; ёнида бу сафар чуваккина гавдасини чопонга ўраб негадир Порсохўжа домла турарди; одамлар тўпланиб бўлишини ҳам кутмай, Маҳдум мужодалани дарров ўз қўлига олди.

– Жамоат! – деди у томоқ қириб, тик турган ҳолда. – Ушбу издиҳомни шитоб билан чорладик, ул боисданким, кўп нохуш хабарлар қулоғимизга етишди, азизлар. Қозикалон Бурҳониддин амининг оқ пошшо ҳузурига сафар қилиш пайтидан фойдаланиб, яна мактабларнинг ёқасидан олиш қасдига тушибдир. Ул зот «муфсид жадидлар» ҳақида ҳиббани қубба, пашшани фил қилиб Насрулло қушбегига нома ёзибдир, жами мактабларни боғлаш лузумотини арз этиб. Ҳозир Бобобек ясовул таҳдиду пўписа била муаллимлардан «ўқитмайман» деган имзои тазарру талаб қилаётир. Хўш, нима қиламиз, бомаслаҳат иш тутайлик!

Йиғинда муаллимлар кўп. Мактаб бундай гурунгларда ҳамма вақт асосий масала бўлиб келган. Бу хунук хабардан жамоат гарангсираб, дабдурустдан бир нима деёлмай қолди. Бу саросимали жимлик феъли тез Зухуриддин маҳдумнинг асабига тегди.

– Хўш? Нечун сукут қиласиз? Орангизда мактаб-маориф ислоҳидан четга чиқмайлик, амалдорлар ишига доҳил қилмайлик дегувчилар кўп бўлғай эди, ҳай, ана акнун уларга юмуш кўпайди, сўз айтиш гали келди. Қани, айтинг, соф маърифатчилар, арз этинг муддаонгизни, Порсохўжа домла! Ишингизнинг ўқ томирига болта уриляпти! Ё энди ҳам «Сиёсатга тил тегизманг», деб, ўзингизни сояга оласизми?

Порсохўжа домла жавобга гап тополмай, тилла пайновлик носқовоғининг попукли тиқинини титроқ қўлига олди-ю, ўрама белбоғига яна қистириб қўйди. Бу маҳал ёш муаллимлардан бири кичқирди:

– Имзои тазаррудан бош товлаймиз!

– Имзо чекмаймиз! – қувватлади шериги. Порсохўжа домла қўл кўтариб ёшларни тартибга чақирди.

– Азизлар! Жамоат! Муаллимларнинг йўриғи бўлак. Аммо бизнинг жамиятимизга амир ҳазратларининг ижозати олийлари бор эди!

– Мактабларга ҳам ижозат бор эди!

– ...биз ҳазрат олийнинг сафардан қайтишларини кутишимиз лозим, – деди Порсохўжа домла, ўз таклифининг тўғрилигига ўзи ҳам ишонқирамай.

– Унгача мактаблардан ном-нишон қолмайди! – деб овоз берди ҳалиги тўзимсиз муаллим. – Биз имзо чекмаймиз!

– Аммо бу фикрда яқдиллик бўлмаса, Бобобек ясовул териб-чертиб баримизни зиндонга оладир, – деди ёнидаги шериги.

– Ҳаракатимизга олий рухсат бор, дедингиз, Порсохўжа домла, – Зухуриддин маҳдум салмоқлаб яна сўз қотди, – илло ўша сиз айтган беозор ишлар билан алақсийверсинлар деб, ғазабнок раиятнинг бошқа ғулувли ишларидан, ғалаёнларидан диққатимизни чалғитиш учун, кўзимизни шамғалат қилиш учун рухсат берган бўлсалар-чи? Унда нима дейсиз?

– Сиз яна дарбори олийга соя соладирсиз, Маҳдум, – типирчилаб қўйди. Порсохўжа домла, жиккаккина гавдасини чопонга буркаб.

– Дарбори олийни муҳофаза қилишингизнинг айна мавриди, домуллаи киром, – кесатиб давом этди Маҳдум, – гермон муҳорибаси бошлангандан буён амир олиқ-солиқни уч чандон оширди. Ҳозир уни ҳимоя қилмасангиз сарой элнинг ҳадсиз ғазабиди ғарқ бўлиб кетадир. Қоратегинда ғалаён ҳокимни чавақладир. Чироқчида ғазначини сангборон қилибдирлар. Арабовнинг Чоржўйдаги омборхоналарини ёнғин ўртаб кетди. Жамики туманларда очу муҳтож, дарғазаб халойиқ кўксини кўтариб келаётир. Бобобек ясовул уларга қарши жазо лашкарлари йўллади. Агар муҳтарам муаллимлар ҳозир Бобобекка қуллуқ қилиб имзои тазарру чексалар, ана шу жазокаш сарбозлар билан бориб етим-есирнинг бошида қилич сермагандай бўлмайдиларми? Зиёлик

қўлингизни қонга булғаманг! Танланг йўлингизни, биродарлар, қай тарафдасиз?

Бир оз жимликдан кейин яна овоза кўтарилди.

– Имзо чекмаймиз!

– Бу – ҳақорат!

– Масхарабозлик!

Ғала-ғовурда неча хил баҳслар, қизиққонлик, ҳатто бақириқ-чақириқлар эшитилди ҳам, аммо суронни тинчитиб Зухуриддин маҳдумга қарши сўз айтаман дегувчи бўлмади. Тун яримдан ошган эди. Одамлар тарқала бошладилар, қоронғи тун қўйнига чиқиб, шаббоннинг шақилдоғини эшитгандагина шивирлаб гапирардилар:|

– Офтоби оламтоб яратилгандан бери Бухорои шарифда бу янглиқ суронли тун бўлмагандир!.. – деди кимдир.

– Маҳдум қаттиқ кетдилар...

– Ё дунёи дун! Энди нима бўлади-да.

Ҳожи Сирож Зухуриддин маҳдум билан Файзуллоҳжани кузатиб борди. Олдинда, қоронғида уларнинг бўғиқ суҳбати эшитиларди.

– Албатта, Порсоҳўжа домланинг этакларини тутсак, шунчаки эл-юртсиз ваъзхон бўлиб қоламиз, – деди Файзулло. – Лекин жанобингиз...

Шундан кейин муюшгача гап-сўзсиз, тезлаб юрдилар. Ҳожи Сирож уларга етиб ҳам юрмас, суҳбатларининг давомини қулоқдан қочирмаслик учун кўп орқада ҳам қолмас эди.

– ...Жанобингиз яна қуюшқондан чиқдилар, – Файзулло ўша гапини бу сафар шундай беозор оҳангда айтдики, илгари бундай фикрни силтаб ташлайдиган Маҳдум уни кулимсираб қабул қилди.

– Ўтган сафар дилингизга оғир ботадиган гап айтдим, узр сўрайман, – деди у.

Файзулло бугун ундан ўзи узр сўрамоқчи, лекин буни ҳозир унутган эди, гапнинг бундай босиқ маромга ўтиши, Маҳдумнинг шундай кескин гаплардан кейин яна ўзини оғир тутиши кўнглидаги ғулғулани анча босди. Ва Файзулло Зухуриддинга катталардай салобат ҳамда самимий кўнгилчанлик билан таъзия билдирди.

Лекии хайрлашиб, ажрашиб кетганларидан кейин, ёлғиз қолганида ўша ғулув чорасиз ёнғиндек яна бутун вужудини қамради. Яна ўша таниш нотинч руҳ янги ваҳималари билан қайтиб келди. Маҳдумнинг гаплари беомон бир ҳақиқатга айланмоқда эди. Уларнинг гурунглирида бугун биринчи марта қондан гапирилди...

Бу тун Файзулло, албатта мижжа қоқмади. Унинг бундан кейинги тунларига ҳам ором қайтиб келмади. Ҳар эрта янги но-хуш хабар бир-биридан таҳликали гаплар етиб келар эди. Усули жаҳид мактаблари ёпилди. «Бухорои шариф», «Турон» газета-лари тақиқланди. Амир сафардан катта рутба-ю сарполар билан қайтиб, оқ пошшо номидан яна янги уруш олиғи жорий қилди. Музофотнинг ғалаёнлари кун сайин авж олмоқда эди. Шаҳарда ҳам амният барҳам еди.

Файзулло бўм-бўш кўчаларда чўчиб қолган, ер сузиб ўтадиган муллаваччалардан бўлак ҳеч кимга дуч келмай, «Баракат» ширка-тига боради, лекин дўконларда ҳам, чойхонада ҳам танишлардан бирон кимсани учратмайди. «Маърифат» кутубхонасига ўтади, у ерда негадир бирдан букчайиб қолган Ҳожи Сирож йиғлагудай бўлиб, ёлғиз ўтирган бўлади: «Ақраболар оёқ босмай кўйдилар, мулла». Бу гавжум машваратхоналар ҳам ўз-ўзидан тугаб бор-моқда эди.

Бир уни қироатхонада у Порсоҳўжа домлани кўриб қолди.

– Хайрият-э, мулла, эсон-омон бор экансиз, жуда хавотир олган эдим, – деб, Файзуллони кўрганига ишонмаётгандай ғалати тики-либ кўришди

– Нима гап, домла?

– Э-э, ҳали беҳабармисиз? – деди Порсоҳўжа атрофга аланглаб.

– Нимадан?

Домла уни тирсагидан ушлаб четроққа тортди. Яна бир атрофга қараб олди.

– Кулли явмин батар, муллажон. Хўжа Зухриддин маҳдум билан яна бир нечалар ҳибсга олинибдир.

– Лаббай?!

– Ҳа, муллажон.

– Қачон? Яна кимлар? – оқаринқираб сўради Файзулло.

– Кун-кеча. Яна Садр макаржа, Тўқли мерган, икки муаллим... Улар бир нав, аммо лекин... Маҳдум шўрликни тўғри канахонага элтиб ташлабдилар деб эшитдик. Даҳшат, муллажон.

– Нима, учун, тақсир, нега ахир?! – Файзулло саволига жавоб ҳам кутмай эшик томонга отилди-ю яна қайтди. Унинг ёноқлари қорайиб-ёнар, суҳбатдошининг нима деганини англамаётган ҳам эди, чоғи. Домла эса унга таскин бериб, тинчитишга уринарди:

– Шукур денг, мулла, мен сиздан кўп хавотирда эдим, алҳамди-лилло, фалокат четлаб ўтибдир. Юринг энди, ўзингизни босинг.

Бўлган иш бўлибди. Юринг биз билан. Даврамиз ҳали тирик, ақлу заковат билан иш тутасак...

Файзуллонинг кўзи олайиб кетди. Қандай воқеалар бўлиб турибди-ю, бу ниманинг ғамида.

– Сиз... сиз... домуллаи киром! – деди тутилиб, – ҳўш... Ғаламислардан қутулдик, энди ўйинимизни ўйнай берамиз, дейсиз-да! Яъни истилоҳи мадорис... Шарҳи ҳошия, а? Беозор, а? Кўйинг, тақсир, ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам алдаб, ишдан қолдирманг! Биродарларимизнинг зиндонда чириб кетиш хавфи туғилса-ю, бошимизга мудҳиш кун тушиб ўтирса-ю, сиз...

Файзулло юлқиниб эшикка отилди.

– Сиз-чи, сиз нима каромат кўрсатмоқчисиз, Файзулло афанди? – деб қичқирди орқасидан Порсоҳўжа домла.

– Мен амир Олимхон ҳузурига бораман! – деб чиқиб кетди Файзулло.

– Ё рубъи маскун! – деди домла ўзича. – Ҳа, борса ҳам боради-да, кимсан – амир ҳазрати ҳумоюннинг ҳамтовоғи Убайдуллоҳўжабойнинг арзандаси. Илло, у ерда зиндони-обхона яна ҳам яқин... – Бироқ бу гапни фақат нарироқда букчайиб, қалтираганча баҳсга қулоқ солиб турган Ҳожи Сирожгина эшитди. У домладан сўнг кутубхонани қулфлаб, Файзуллони қувиб етганида ранглари докадай оқариб, қаттиқ ҳансираб қолган эди. Файзулло тўхтади, нафас ростлашини кутди.

– Дарборга кириш... аҳдингиз... чинми? – қисқа-қисқа тин олиб сўради Ҳожи Сирож.

– Ҳа. Чин. Шуни сўраш учун югурдингизми ортимдан? Тансиҳатингизни эҳтиёт қилишингиз керак, – деди Файзулло. Йўлда давом этдилар.

– Ўзингиз эҳтиёт бўлинг, Файзулло. Ҳали қама-қама тугаган эмас. Маркуш гузарида Ҳомид мулозимнинг ҳовлисидаги йиғиндан бошланибди. Миш-мишларга кўра, амирнинг хуфя айғоқчилари ичимизда экан.

– Бўлмаган гапни кўйинг, Ҳожи.

– Йўқ, Файзулложон, уларнинг кимлигини ҳам тахмин қилишадир.

– А? Ким экан?

– Мулла Аҳад билан Солижон эмиш. Ҳа.

Файзулло тўхтаб, йўлдошига ялт этиб қаради-да, қатъий тайинлади.

– Инонмаймен. Ортиқ бу гап оғзингиздан чиқмасин, Сирож афанди. Уқдингизми?

Шундай деди-ю Ҳожи Сирожни лой арава йўлида аянчли ҳолда қолдириб, ўзи шитоб билан жўнаб кетди. Шу-шу, Ҳожи Сирож «ки-тобхўр»ни Файзулло қайтиб кўролмади: эртасига у ҳибсга олиниб-ди, деган хабар тарқалди.

Бу машъум хабар ҳаммасидан ошиб тушиб, Файзуллони та-мом гангитиб қўйди. Эски маҳсиси билан тўпиғидан лойга ботиб, «Эҳтиёт бўлинг», деб илтижо қилиб турган заҳил, бурушиқ юзли ёш билимдоннинг букчайган аянчли гавдаси кўз олдидан сира кетмас, ҳансираб, ҳирқираб базўр нафас олиши қулоғига эшитилар эди. Бу одамнинг зиндон обхонасида чўпдек сўлиб узоқ азобда ўли-шини кўз олдига келтирганда кечалари совуқ тер босиб ўрнидан туриб кетар, гандираклаб бориб чилобчинда совуқ сув ичар эди.

Шундай тунлар унинг иккиланишларини кўнглидан кўтариб ташлаб, саройга, амир ҳузурига кириш аҳдини тамом қатъий-лаштирди.

Файзулло сарой амалдорлари қатнайдиغان Алаффурушон дар-бозасидан кириб борди. Аркнинг узун қоронғи долонида Сиёвуш арвоҳига наврўз чироқлари ёқилган эди. Кираверишдаги тўп-чи боши девонхонасида уни дарров танидилар, «Убайдуллохўжа Қосимхўжаевнинг ўғли Файзуллохўжа бойваччанинг қадам ран-жидалари» ҳақидаги хабар «мушт кетди» йўсуни билан шу ондаёқ олампапоҳнинг қулоғига етган бўлса керак, Файзуллони ҳеч қаер-да тўхтатмадилар.

У болалигидан бери бу ерларга қадам қўймаган бўлса ҳам, худ-ди ўрганиш бўлиб қолган жойларидагидек, дадил, қомати тик, эғнида исқорлот чопон, бошида сувсар телпак, Чорсунинг мусул-мон ғишт ётқизилган роҳравонида булғори этигининг баланд пошналари билан тақ-туқ, тақ-туқ босиб, бойваччаларга хос кибор қиёфада тез юриб борарди. Зарбхона ёнида девонбеги маҳкамаси, ундан нарида – катта арк дарвозасининг жилвали «гулдаста»ла-ри кўринади. Файзулло билади – «Обхона», «Канархона» деган даҳ-шатли зиндонлар – ҳали тирик одамларнинг қора гўрлари ана шу ноёб меъморлик «гулдаста»ларининг тагида. Зухуриддин маҳдум-нинг, Ҳожи Сирожнинг ҳозир ўша зимистонда бўлиши мумкинли-гини ўйлаб кўз олди қоронғилашиб кетди, қадамини секинлатди. Чорсунинг тўридаги устига чодиршаб тортилган кўринишхонада



зарбоф тўн кийиб чақмоқ салла ўраган эътиборли зотлар турарди. Улар бойваччанинг одимини секинлатишини ўзларича баҳолаб, енгил таъзим қилдилар. Лекин Файзулло уларни танимади.

Амир жаҳон урушида рус пошшолигига берган мадади учун Русия империясининг генерали унвонини олиб қайтганидан бери бу ердан бундайлар аримас эди. Кўринишхонада азондан интизор бўлиб турган бу одамлар ҳам – Бухоронинг казо-казолари, зоти ҳумоюннинг Петрограддан қозониб қайтган рутбаи олийларини муборакбод этиш учун кунда мулозимларига сандиқ-сандиқ хилъат кўтартириб келадиган одатдаги рикобчилар. Зоти ҳумоюнни эса ҳозир кўпроқ Файзуллохўжа қизиқтирарди чамаси, унга бетўхтов ижоза бўлди.

Кўксида қатор ўқдон, кавказча бели бурма қора чакмон кийган новча сарбоз бир қўлини қиличининг кумуш жимжимали қинига қўйиб, иккинчи қўли билан эшик очди, сал таъзим қилиб меҳмонни ичкарига ўтказди. Шундай ўймагулли эшиклардан бир нечасини очиб киргандан кейин, чоғроққина, аврупоча жиҳозланган, нимқоронғи саломхоналардан бирида Файзулло Саид Олимхонга рўпара келди.

Илгаридан танимаган бўлса унинг амир эканлигига балки ишонмас эди. Аввал қизил гилам ўртасида унинг офицерча, ялтироқ хром этик кийган оёқлари кўринди. Ҳукмдор бошдан оёқ ҳарбий либосда эди. Николай Романовга тақлид қилиб этик кўнжигача сирмаб кийилган қора-кўнғир шим ва худди шу рангда ҳарбий гимнастёрка, елкаларида заррин шокилалик погонлар, кўксида Георгий крести, яна қандайдир шапалоқдай-шапалоқдай нишонлар; олтин тўқали тагбанд портупея эса бежирим қиндаги олтин сопли қилич билан бирга ечиб, юмшоқ бахмал курсига ташланган. Амир ўзи ёш, чиройли; пухта қайчиланган соқол-мўйлаби ҳали қоп-қора, юзи тирсиллама, қизил; кўзлари қувончдан чарақлаб турибди.

– Бормисиз, бойвачча! – деди соддагина қилиб. Овози ҳам илгаригидек ёш, лекин бироз ҳирқироқ эшитилди. – Император ҳузуридан қайтганимиздан буён бутун музофот таъзимга келди, сизни ҳам кутган эдик. Бўз йигит бўлиб қолибсиз-ку, келинг, мол-жон омонми?

Ҳеч кимга бундай кўп гапирмайдиган ҳукмдорнинг содда, ёш, ҳарбийча пухта бўлиб кўринишга уриниши Файзуллога сингмади, у амирнинг ёш эмаслигини ҳам, бундай ҳаракатчан, одамови

ва содда эмаслигини ҳам биларди. Қудратли хўжайин унинг олдида ўйин ўйнаётгандек туюлиб, вазиятга муносиб гапни дарровда тополмай қолди.

– Шукур, алҳамдиллило... – деб қўйди, холос.

Сарбоз кумуш ликобчага кўзача ҳам пиёлалар териб, сиркор чорпояга майи гулоб қўйиб кетди.

– Айши-нўшни ўргандингизми, бойвачча, ёхуд ҳоло...

Амир тикка турганча икки пиёлага гулгун май қуйди. Файзулло ичмади, лекин негадир қизараётганини сезиб ўзидан нафратланар эди. Амир унинг ташрифини анчайин эрмакка айлантирмоқчи экани сезилиб турибди. Меҳмоннинг камсуқумлиги эса чўзилиб кетди.

– Бизни қутламадингиз-ку, гапиринг ахир... ҳа, қани, – деб гапга қистади Саид Олимхон кулиб. – Рутбаи олий муборак сизга...

– ...Олампаноҳ, – амир ёш болага гап-муомала ўргатгандай, кула-кула, давомини ўзи айтди.

– Олампаноҳ.., – такрорлади Файзулло. Чиндан ҳам, бирданига ўзида қандайдир болаларча дадиллик сезди. – Сизга шундай дейишим керакми? Зоти ҳумоюн, қиблагоҳ, шариатпаноҳ, зоти олийлари... Сизга шундай муомала ёқадими? Ўзингиз ҳам ишонмайсиз-ку?

Саид Олимхон ғайритабиийроқ жилмайди. Кейин тикилиб туриб:

– Жаннатмакон падари бузрукворингиз билан ҳазилкаш эдик, – деди устара билан тоза қирилган бошини силаб. Сиз мана бу чорпояга чиқиб ўтириб, Бухоронинг ярми дадамники, мен ҳам амир бўламан, дея бизни тоза кулдирад эдингиз. У ниятдан энди қайтибсиз-да? – амирнинг жилмайиши нурсизлана борди. – Энди «олампаноҳ» сизга хуш эмасми?

– Бу атамалар бари мавхум, улар ялтоқи амалдорлар учун балки қулайдир. Сиз мавхум эмассиз-ку. Илм-маърифат аҳли учун сиз – амирсиз. Қиблагоҳ деб сиғинган билан иш битмайди, сизнинг раъият олдида олий бурчу сарбобингиз бор, тақсир. Шунинг учун мен аниқ тадбир талаб қилиб келдим. – Файзулло юшоқ курсига ўтириб пиёладаги гулобни ичиб юборди, лаб устида сабза урган мўйини оппоқ дастрўмол билан артиб ҳам қўйди.

– Дарвоқе, – деди амир, ҳамон ҳазиломуз оҳангда, – ўша маърифатчи ақраболарингиз сиёсатимизга тадоҳил қиладир эмиш?

– Қозикалон Бурҳониддиннинг ўзбошимчалигини, мактабларнинг ёпилиши-ю, муаллимларнинг таҳқир этилишини, жаридаи-

мужалланинг тақиқланиши-ю хуфия воқеанависларнинг қутури-  
шини улар жанобингизнинг сиёсати дея билмайлар.

Файзуллонинг тахмини тўғри чиқди: амирнинг бу гапларга кулимсираб ўтириши – жамики бадкирдор унинг ўз амри билан қилинаётганлигини кўрсатиб турарди.

– Ўғри-ю ришватхўрлар дориломон яшайишдадир, маърифат жонбозлари эса канахонада! Бу – жанобингизнинг олиймақом сиёсатими?

Амир ҳамон жилмаяр эди.

– Биз сизни ўн бир ёшингизда кўрган эдик, – деди у босиқлик билан, – ҳануз гўдаксиз, бойвачча... Сиёсатда. Жаҳон муҳорибаси кунба-кун авж оладир. Туркия Русиянинг шавкатли лашкарлари-га қарши муборизага кирди. Сизнинг жадидларингиз эса, бари – туркпараст. Биз уларни тийиб қўймасак, Русия давлати муаззамасининг ноибига не сўз деймиз, император ҳазрати олийларининг юзларига не кўз билан боқамиз? Сиз айтган бурчу сарбобимиз мана буёнда, бойвачча.

Амир май хўплади – юсак мавзуларда сўзлаб туриб ора-чора май хўплаб қўйишни оқ пошшонинг сарой базмларида ўрганган эди. Генераллик либосидаги кўзга кўринмас хас-чўпни бармоқла-ри билан чертиб бепарво қоқиб қўйди.

– Жадидларнинг маърифий сайъ-ҳаракатига фатво бердирган эдингиз, – деди Файзулло.

– Ажабсиз, жаноб Хўжаев. Шундай бир жамият ишлаб турмаса, биз фитначи ғаламисларни қаёндан таниб билурмиз?

Файзулло сергак тортиб, жиддий қаради: амир ҳазиллашаётган-ни йўқ. Бу – юзсизлик эди.

– Ўзи ижоза берган жамиятга хуфия айғоқчи қўйиш – бачка-на ҳукмдорларгагина муносибдир, тақсир, – деди Файзулло. – Фузалони зиндон қилиш эса...

Амир ўрнидан туриб кетди. Энди у унча ёш кўринмасди – кўз остида маишат касри – кўкиш халтачалар, қаншарида ғазаб нишо-наси – бўртиқ тугун, юзида сариғ доғлар кўринди. Саломхонада эрта баҳорнинг зах ҳавоси қамалиб қолган эди, амир аста бурилиб деворга меҳробдек солинган кошинкор рус печкасига кафтларини босди.

– Айғоқчилар – ўзингизнинг ишонган жадидларингиз. Кўпдан буён маслакдошларини сотиб келадилар. Ялангоёқ шўрапўшт муллабаччалардан сиз нимани кутиб эдингиз?

– Даврамиздаги ҳар луқмаи-калима жанобингизнинг қулоқарига етар экан-да?

– Сизни ҳам билар эдик, бойвачча. Илло инонмас эдик. Энди кўриб турибмизки, бола эмас, болиғ бўлибсиз...

Файзулло буни «Сиз ҳам пишиб қолибсиз», деган таҳдид маъносида англаб, гўё вужудида тепган қон зарби билан ўрнидан турди-да, тамом ёрилди:

– Ҳар сўзимиз қулоғингизга етганда кўрқиб турсангиз, қийин бўлибди. Кун ёғдусидан, ҳақ сўздан титраб-қақшаб турадиган ўғрининг куни бошингизга тушмагай эди, қиблагоҳ. Оқ пошшонинг қонли муҳориба солиғи деб, миллатнинг оғзидагини қоқиб оляпсиз. Жазо лашкарларингиз қон тўкяпти. Аммо музофот туманларидаги ғазабнок ғалаёнчилар зиндонингизга сиғмайди! Хўжа Зухуриддин билан унинг шерикларини нобуд қилманг, амир, Бухорои шарифнинг хуни тутади. Мен сўзимни айтдим, ижозат беринг! – таъзим қилиб қайрилди-ю шартта чиқиб кетди. Катта хонага чиққанидагина амирнинг товуши эшитилди:

– Отангизнинг арвоҳини ранжу мазамматга солманг, бойвачча!..

У энди дунёда тамом ёлғиз эди. Ўзини ўтга солди. Нима учун? Нима мақсадда? Бирдан мақсаднинг ўзи йўқолиб қолгандай эди. Аслида бормиди ўзи? Бор эди ахир. Нимадир чорлар, қувонтирар, шоширар эди. Имон. Эзгулик. Маърифат. Адолат... Наҳотки бари сароб бўлса? Бирдан йўлнинг бундай жарликка қараб бурилиб кетишини, бирдан бундай маслакисиз, сафдошларсиз қолишини ўйлаганмиди?! Гоҳо Зухуриддин маҳдумнинг қисматига ҳавас қилиб қолади: нобуд бўлса ҳам дилидаги муроду муддао туфайли... Файзуллони эса зиндонга ҳам ташламайдилар. Нима қилиб қўйибдики... Амир Саид Олимхон ҳам уни жиддий қабул қилмади, сабий деб билди, нукул илжаяди...

Кунлар туссиз, изсиз ўтарди. Тунлар эса – тотли дарддай чексиз ўйлар билан...

Файзулло баҳор чиққандан бери томда ухлайди, тепадаги кунгай пешайвоннинг зинасидан чиқиладиган шабгоҳ – бутун бир ҳовли: гиламлар, пўстаклар, кўрпачалар ёзилган, ёғоч катлар, хонтахта-ю чорпоялар қўйилган. Файзулло шабада томонга шомиёна тортиб, юлдузларга қараб ётади. Тикилаверса, юлдузлар ҳам, бутун осмон ҳам оқиб бораётганга, тўғрироғи – Файзулло ётган шабгоҳ чодир – елкани билан юлдуз тўла чексиз осмонда сузиб кетаётганга ўхшайди. Аммо на манзил, на бекат... Фазо шунча кенг, лекин,

унда на кучу ёшлигингни, на молу жонингни бағишлашга бир имкон бор. Жимир-жимир юлдузлар. Файзуллога бенаф туюлган бу тумонат юлдузларнинг бир донасига, бир ёруғ заррасига Сирож шўрлик зор бўлса керак. Зиндон зимистонида юлдузлар йўқ. Аммо унда фазодек чексиз хаёл бор, хаёлдаги умид ва мақсад юлдузлари хаётингни, ўлимингни талаб қилади.

Демак, кенг фазода йўқ имкон тор зиндонда бор, шундайми? Нимага?

Нахотки инсон боласи ҳаётини бағишламагунча бир мақсадни кўзлай олмаса? Умрингдан бенасиб бўлгач, мақсаду иддао на керак?

– Ўзгаларга керак, болагинам, ўзгаларга.

Ажаб, унинг хаёлидаги чигал саволларига онажони жавоб берар эди. Тўғриси – болалигидан бери онаси билан қилган суҳбатлари кўнглида қайта чечак отиб, ўшалардан жавоб топгандай бўлар, она-боланинг ғойибона, унсиз гурунглари давом этар эди.

– Ундай бўлса, мен ким биландир бўлишим керак.

– Ёлғиз отнинг...

Йўқ, бундай суҳбат энди бўлаётгани йўқ, у қачондир бўлиб ўтган эди, лекин эндиликда Файзуллонинг хаёлида у бошқачароқ, тиниқроқ бир тарзда такрорланяпти.

– Катта хаёлинг бўлса, ўзингни аяма, болам. Мен кўнганман. Жонингда ўт билан туғилдинг.

Шу пайт тушидами, хаёлидами, Файзулло зиндонда, Зухуриддин маҳдумнинг ёнида пайдо бўлади. Зах, бўғиқ, тор, қоронғи, тепадан қора ер қатлами зилдай босиб, совуқ, сарғиш томчилар томиб турибди.

– Маҳдум, ўлимдан қўрқаяпсизми?

– Ҳа, Файзулло, қўрқаман.

– Нега бўлмаса истеъфор келтирмадингиз?

– Менинг бошқа иложим йўқ...

Файзулло зиндонда совуқ гўрнинг ичини кўргандай бўлади. Бунда ҳеч нарса йўқ: ширин ҳаво ҳам, юлдузлар ҳам, тонг ҳам, таом ҳам, инсон чехраси ҳам... ҳеч нарса! Ўлим, мангу зимистон, йўқлик...

– Сиз виждонни, нафрат билан садоқатни санамадингиз, мулла, – дейди маҳдум унинг ўйларини уқиб. – Булар ҳамиша мен билан.

Файзуллонинг елкасига совуқ, занглагандек сариғ томчилар томар, тепадаги зах, қора ер қатлами эса тобора нураб, оғир босиб тушмоқда эди. У босинқираб уйғониб кетди. Қараса қоронғида кимдир туртар:

– Боймулло... Боймулло!.. – деб шивирлар эди.

Аввал, бунини ҳам туш деб ўйлади. Шундай ҳам бўларди-да – тушида уйғониб, яна туш ичида туш кўрар, қизиққи, бунинг ўнгида эмаслигини гўё ўзи ҳам билиб турар эди. Аммо ҳозир босинқираб туриб кетгани аниқ, қоронғи, ой уфққа юмалаган. Мана чодир ҳам хилпираб турибди, терлаган бадани шабадада жунжикиб кетди. Шарпа эса ҳамон шивирларди:

– Туринг, боймулло, тез юраркансиз.

– ...Мўминшо?!

– Ҳа, менман, боймулло.

Файзулло тамом шошиб қолди. Туш деса, Мўминшонинг юпқа, новча гавдаси тепасида соя солиб турибди.

– Омонмисиз, Мўминшо, қаёқдан...

– Тсс... тез юринг.

– Қаёққа?

– Кейин биласиз, овоз чиқарманг, тез.

Файзулло ноилож оёғига этик тортиб, чопонини елкасига ташлади.

– Юра қолинг... Йўқ, бу ёқдан!

Файзулло пешайвон зинасидан ҳовлига тушмоқчи эди, Мўминшо чайир қўли билан уни маҳкам етаклаб, букилганча қазноқ томон етаклади. Ундан ғўзапоя босилган сайсхонанинг пастак томига тушиб, кўчага сакрадилар. Гуп этди, чанг тўзғиб, димоқларга урди.

– Қаёққа ахир, гапирсангиз-чи! – Файзулло ё танимадимми дегандай шеригига яна қараб қўйди. Мўминшонинг бўйи ўсиб, энгагини мўй босиб, катта одам бўлиб қолган, сакрашлари, тирсакдан олишлари, ҳаракатларидан кучли, пишиқ, чайир экани билинар эди.

– Уйда қолишингиз мумкин эмас, азонда сизни ҳибсга олгани келишади, – деди Мўминшо.

– Бехуда гапни қўйинг, ким айтди сизга?

Икки йилдан бери кўришмаган дўсти билан кучоқлашиб омонлик сўраш ўрнига бундай олишуви ўзига ҳам эриш эди, лекин...

– Жим... Буёндан юринг, тез, тонг ёришопти.

Улар Ғозиёни хурд мадрасасининг тош майдонини кесиб ўтиб, жин кўчага кирдилар. Тонг қоронғиси қуюқ, шаббонларнинг шақилдоғи тинган, қимир этган жон йўқ эди.

– Сиз қаёқдан пайдо бўлдингиз, Мўминшо?

Олдинда букчайиб, соядай юмшоқ босиб кетаётган Мўминшо сабрсиз қўл силтади:

– Сўнг биласиз. Зиндонга олишармиш, тез юринг, хатардан нари.

Улар ой ботганда шўра босган Пуштаи зоғондан ўтиб, ташландиқ бир қўрғонга кирдилар. Бу собиқ тўқсабо Зикриё мешкобчининг ғазна ҳовлиси эди.

Кўча эшиги очилиши билан Файзулло тонг салқинида пўстин ёпинган бесўнақай гавдали бир одамнинг ҳансираб турган бағрига тушди.

– Хайрият, мулла жиян, хайрият! – деди у лорсиллаб кўксига босаркан. Таниш овоз, таниш ҳиддан Файзуллонинг кўзида ёш гилтиллади.

– Тоға!..

Бу Шаҳобиддин гавжигар эди. Файзуллони бағридан қўйганида пўстин елкасидан сирғалиб тушиб, катта қоянинг қўланкасидай паҳлавон гавдаси тиккайди. Калта, енгил чакмон устидан пишиқ арқон боғлаб олган, оёғида пухта ямалган ағдарма этик. Жиянининг «Тоға нима гап?» деб йилтиллаб турган кўзларини кўргач, деди:

– Тез яширинишингиз керак, болам. Амир бугундан қўймай олишни буюрган. Вокзал майдонидаги «рус полис»нинг хуфя жосуслари изғиб юрибди. Орангиздаги Соли мирза ўшалардан эди. Ялтоқланиб келиб, шартта олиб кетиши мумкин. «Солимулозим... бинобарин, мулла Аҳад ҳам!.. Зухуриддин маҳдум билан Ҳожи Сирожнинг бошини еган шулар, – хаёлидан ўтказди Файзулло. – Демак, амирнинг жадидлар орасига қўйган айғоқчилари ёнимизда бўлган... Нақадар тубанлик!»

Айвонида фонус милтиллаб турган ичкари кулбада яна кимлардир бор, Мўминшо ҳам уларнинг гапи, иши, ташвишига дарров аралашиб кетди. Файзулло эса аллақандай мудҳиш уйқудан энди уйғонгандай эди. Қадрдон тоғасини, тенгқурини кўриб турибди, калласида минг хил савол, лекин бир нима деёлмай, бегонадай аланглар эди. Тиззасидан дармон кетиб, супага ўтирди.

– Шунақа, жиян... Бой биби сихатмилар?

– Ҳа.

– Хўшлашолмагандирсиз?

– Амир мени қамамайди, тоға... – деди Файзулло бирдан. – Менга ҳеч нима қилмайди, бекор хавотир олибсиз.

– Менгина эмас, Файзулло, биз кўпчиликмиз. Биз аниқ биламиз, ишонинг, – Шаҳобиддин говжигар унинг ёнига ўтирди. – Биз сизнинг ҳам ҳар бир қадамингизни биламиз, жиян. Етар уриниш-суринишлар. Ниятингиз бор, фикрингиз бор. «Фалончи сайс менинг новчамга хушомад урибди», деган бачкана гап билан шўриш бошлайдиганларга ҳам қўшилиб кетаверасизми?

Файзулло аввал ялт этиб қайрилиб қаради-ю, хафа бўлмади.

– Мени ҳар қанча тепкиласангиз савобга қоласиз, тоға, – деди. – Шоахсий сингари ўғриларга эргашган чоғим ҳам бўлди, лекин...

– Ҳай-ҳай, жиян, йў-ў-ўқ. Шоахсий аълам шунчаки ўғри эмас. Бети Байтуллодан қайтган у баттолни биз ҳам биламиз. Мана буни ўқинг. – Шаҳобиддин тоға қўйнидан бир қоғоз чиқариб тутқизди. – Ўз юртини улгуржи сотмоқчи бўлган, энди Жиззахда ғазовотга чорлаб юрибди. Бу ҳужжатни қўлга тушириб, сақлаб қўйибмиз, вақти келиб сотқинлар эл-юрт олдида жавоб беради.

Файзулло фонуснинг хира ёруғида қоғозни ўқиркан, қўли қалтираб кетди... Шоахсий бу хатида афғон подшосига мурожаат қилиб, Туркистонни Русиядан ажратиш ва осонгина босиб олишнинг айна пайти келганини айтиб, афғон қўшинлари чегарадан ўтиши билан Туркистон ва Бухоро мусулмонлари ҳамма дарбозаларни ланг очиб, кўприк ва темир йўлларни портлатиб, ғолиб диндошларини буюк ғазовот руҳи билан кутиб олишларини ваъда этган эди.

Файзулло жуда бўшашиб кетди.

«Менинг ионларим... ўғирлатган сармояларимиз нималарга хизмат қиляпти!!!» деган фикр ўқдай келиб санчилди миясига.

– Ғазовот... русларга қаршими, тоға?

– Ҳа. Лекин руслар энди илгариги руслар эмас, жиян... Ҳайтовур, мусулмонлар ҳам. Барини тушунасиз... ўтган ишга кўп куйманг, эртангизни ўйланг, – деди тоға унинг кўнглидагини пайқагандай, – ўзингиз бутун чиқибсиз, шукур. Ем бўлиб кетишингиз ҳам ҳеч гап эмас эди.

Чиндан ҳам, қаёқларда юрди Файзулло! Бу меҳрибон, содда, доно одамлар бор эди-ку?

– Тағойиларимиз, янгаларимиз омонмилар? – секин сўради у.

– Бари омон, алҳамдиллло. Фақат... Шоди бедод... Энг ёш тоғангиз бизни алдаб кетдилар, – кўз қирини артди Шаҳобиддин говжигар. – Жойлари жаннатда бўлсин.

Файзулло иягини силаб, ранг-рўйи эсдан чиқаёзган марҳум Шоди бедод ҳақида маъюс ўйга толганида, кулбада фонус ўчиб,



ҳаммаёқ жимжит бўлиб қолди. Кимдир келиб, бу ерда ортиқ қолиш мумкин эмаслигини билдирди.

– Қаёққа борамиз, тоға?

– Когонга.

– Мен у ерда нима қиламан?

– Виждонингиз нимани амр этса шуни қиласиз, болам. Эҳтимол маслакдошларингизни топарсиз. Ҳозирча гап шундаки, сизни яширамиз.

– Когонга... Оқ подшо мустабид ваколатини яширасизми?

– У ерда бошқалар ҳам бор... – Шаҳобиддин гавжигар Файзуллога эскироқ чакмон, одми телпак, белбоғ келтириб берди, – шаҳардан ўзим олиб чиқиб кўяман. У ёғига Мўминшо кузатиб боради. Ўртоғингизга ишонса бўлади, тегирмондан бутун чиқадиган алоқачимиз. Ёшгина боши билан Тошкентда, Самарқандда бўлди...

Улар торқўчадан чиқиб, муюшда четан аравага ўтирдилар. Аравакашдан ҳам, аравадаги хашакдан ҳам сарин тонг ҳавосида кечаги қовун ҳиди анқир эди. Улар пичирлаб давом этдилар.

– Тоға, «бошқалар» деганингиз... анов, тунги меҳмонингиз ҳам ўша ердами? – қандайдир болаларча умидворлик билан Говжигарга тикилди Файзулло. – Ҳов, қора соқолли, хушчақчақ...

Шаҳобиддин тоға яхши хотиралар таъсирида ёйиқ жилмайди. – Ўртоқ Шумиловми? Йўқ, Николай Васильевич, Тошкентда. Алоқачимиз ўша кишининг олдига борган эди-да.

Файзулло Мўминшони яна бир кўргиси келиб кетди. Новча чайир бўлиб қолган болалик ўртоғига ҳаваси келди... Дарвоқе, Файзуллони кузатиб кўядиган одам нега йўқ, қаёқда қолди? Ё кечаги мушукдай шарпасиз шабгоҳга чиқиб борганидай, йўлда ҳам бехосдан пайдо бўлармикан? Файзулло сўрашга ботинмади. Булар кўп нарсани биладиган кўринади. Ҳадеб савол берадиган болага ўхшаб қолмаслик керак.

Улар негадир дарбозани Саллоҳхона томондан чиқиб келдилар. Бу атрофда кўпроқ тери ишловчи яҳудий – «мешифурушдар» туришади, уларнинг сиёсат билан кўп ҳам иши йўқ, дарвозада ҳам Говжигарнинг ўз кишилари бўлса керак. Шунинг учун, Когон йўлига тескари бўлса ҳам, Саллоҳхонага дадил кириб, бехавотир ўтиб олишди. Шаҳобиддин говжигар уйқусираган дарбозабон билан ниманидир гаплашди-ю жияни билан хайрлаша бошлади. Кўҳна дарбоза ғирчиллаб ёпилганда бирдан Файзуллони кўнгли бузилиб, кўзидан ёш тирқираб, шарманда қилди.

– Биламан, онаизорингиз билан хайр-хўшлашмадингиз, болам, – деди тоға уни бағрига босиб, – лекин хотирингиз жам бўлсин, бой-бибидан хабар олиб, сиздан огоҳ қилиб тураминиз. Бойвачча саъийи тижорат билан кетган. Варшовда, Фарангда...

Файзулло кўзига ёш олганидан хижолат тортиб, жилмайди.

– Мен уйдан хотиржамман, тоға... Фақат, шунча уриниш-суринишларим шу билан тугаганига...

– Тугагани йўқ... Энди бошланади, Файзулло, – деди Шаҳобиддин говжигар оғир кўлини унинг елкасига қўйиб. Файзулло кўлининг оғирлигини ҳам, кафтининг иссиғини ҳам бутун вужуди билан сезди.

Худди ўйлаганидай, хайрлашиб бўлишлари билан, сас-шар-пасиз Мўминшо ҳам пайдо бўлди. Шаҳобиддин тоғани дарбозабон ёнида қолдириб, икков пиёда юриб кетдилар. Ғира-ширада Мўминшонинг қораси яна ҳам новча кўринар, Файзулло унинг катта одимларига зўрға етиб юрар эди. Қаёққа қараб кетишяпти Файзуллонинг иши йўқ, бир кечада ўзини ишониб топширган бу одамлар ҳақида ўйлаб борар эди. Шаҳобиддин говжигар, Николай Шумилов, Мўминшо, яна аллакимлар... Файзулло Зухуриддин маҳдум билан Ҳожи Сирожни ҳам шулар қаторида кўргиси келар эди... «Энди бошланади», деди тоғаси. Агар борган жойида у айтгандай маслакдошлар топса, биринчи галда ўшаларни кутқариш керак. Мабодо кеч бўлмаса... Ҳозир Мўминшодан яна у-буниси сўраб олиш керак эди-ю, жазм қилмади. Индамай тезлаб кетяпти, ўша ориқ, заиф, доим заъфарон юзли Мўминшо ўртоғи ҳам киши дафъатан гапиришга ҳайиқадиган жиддий одам бўлиб қолибди.

Марзалардаги яккам-дуккам тутлар аниқ кўзга чалина бошлади. Бухоронинг жинкўчалари бирдан узоқ-узоқларда қолгандай, кузги далалар бутун кенглиги, бутун софлиги билан юзларга келиб урилди. Жинкўчаларгина эмас, она бағридаги болалик ҳам, яна алланималар орқада қолган эди. Тонг ҳавоси сарин, йўлларнинг чанги босиқ. Олачалпоқ бўлиб бўзарган уфқларгина нечукдир безовта. Тун гўё тўлғоқда. Файзулло учун гўё эртаги кунгина эмас, бутун бир янги тақдир туғилмоқда эди.

## Мундарижа

Чинор (роман).....	•5
Бухоронинг жинкўчалари (қисса) .....	•367

**Асқад Мухтор**  
ТАНЛАНГАН АСАРЛАР  
Биринчи жилд

Тузувчи И. Мухторов



«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи.  
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25  
тел.: +998 (71) 233-23-84  
Нашриёт лицензияси АЛ № 263 31.12.2014

Корректор Ш. Субхонов.



Нашр «Ижод» фондининг  
молиявий кўмаги билан тайёрланган.



«Media Land» МЧЖ томонидан нашрга тайёрланган.  
Дизайнер А. Абдулов  
Компьютерда тайёрловчи Н. Рўзибоев.

Босишга рухсат этилди 10.12.2020 й. Бичими 60x90<sup>1/16</sup>  
«cambria» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Босма табағи 32. Буюртма рақами 291.  
Адади 300 нусха.



«Print Line Group» ХК босмахонасида  
чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳар,  
Чилонзор тумани, Бунёдкор шох кўчаси, 44.

ISBN 978-9943-6239-1-0





37.480 c.



